

51. Кришнанинг жанг майдонини ташлаб кетиши

Парвардигор Кришна Икшваку сулоласининг машхур авлоди бўлган Мучукундага Ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатганида шоҳ Уни тавоф қилиб, эҳтиром билан Унинг атрофини айланиб ўтди-да, ғордан ташқарига чиқди. Ғордан чиқиб, Мучукунда одамларнинг бўйи жуда паст бўлиб кетганини кўриб хайратга тушди. Дарахтларнинг бўйлари ҳам жуда пасайиб кетган эди. Шунда Мучукунда Ер юзига Кали-юга даври кириб келганини англаб етди. Шунинг учун у ҳеч нарсага эътиборини чалғитмасдан шимолга қараб йўл олди. Ниҳоят у Гандхамадана деб аталадиган, кўплаб дарахтлар ўсиб ётган тоққа етиб келди. Бу ерда сандал ҳамда бошқа гул дарахтлари ўсиб ётган бўлиб, улардан таралаётган хушбўй ҳидлар бу жойларга келган одамнинг бахри-дилини очиб юборарди. Шоҳ қолган умрини мана шу тоғ атрофида тавба-газзарру қилиб, қаттиқ риёзатларга берилиб ўтказишга қарор қилди. Бу жойлар Ҳимолай тоғининг Нараянананинг даргоҳи жойлашган энг шимолий қисмида бўлса керак. Бу жой ҳозир ҳам мавжуд бўлиб Бадарикашрам деб аталади. Шоҳ Мучукунда Бадарикашрамда моддий оламнинг мусибат ва лаззат, иссиқ ва совуқ сингари барча қарама-қаршиликларини эсдан чиқариб, қолган умрини Парвардигор Кришнага сиғиниб яшашга бағишлади. Парвардигор Кришна эса Матхура шаҳри атрофига қайтиб келди ва бу ерда У Калайавананинг жангчилари билан жанг қилиб уларнинг ҳаммасини битта қолдирмай ер билан яксон қилди. У ўлган жангчиларнинг ҳамма тақинчоқларини ечиб олди, Унинг амри билан бу тақинчоқларнинг ҳаммасини ҳўкиз қўшилган араваларга юклаб Дварака шаҳрига олиб келдилар.

Айни пайтда Жарасандха яна Матхурага ҳужум қилди. Бу гал у катгароқ, йигирма уч ақшаухинидан иборат қўшин тўплаб келган эди.

Парвардигор Кришна Матхура шаҳрини шоҳ Жарасандханинг қудратли қўшинининг ўн саккизинчи ҳужумидан ҳимоя қилмоқчи эди. Жангчиларнинг бекорга ҳалок бўлишини тўхтатиш ва бошқа муҳимроқ ишлар билан шуғулланиш ниятида Парвардигор Кришна жанг қилмасдан жанг майдонини ташлаб кетди. Аслини олганда У кўрқиб кетмаган эди, аммо Ўзини гўё Жарасандханинг қуролланган кўринишидан ва катта қўшинидан кўрққан оддий одамдай қилиб кўрсатди. Қўлига қурол олмасдан Кришна жанг майдонини тарк этиб кетди. Гарчи Унинг нилуфар қадамлари пойи худди нилуфар гулидай но-зик бўлса ҳам, У пиёда жуда кўп йўл юрди.

Бу гал Жарасандха Уларни ўзининг қудратли қўшинини кўриб кўрқиб қолдилар, шунинг учун

жанг майдонини ташлаб қочиб кетдилар, деб ўйлади. У Кришна билан Балорамни оддий одам деб ҳисоблар, Кришнанинг кўрсатган қароматлари ҳақиқатлигини аниқламоқчи эди. Кришнани Ранчхор, яъни "жанг майдонини ташлаб кетган Зот" деб ҳам атайдилар. Ҳиндистонда, айниқса Гуджарат вилоятида, Кришнанинг "Ранчхоржа эҳромлари" деб аталадиган жуда кўп эҳромлари бор. Одатда жанг майдонини жанг қилмасдан ташлаб кетган шоҳни кўрқоқ деб атайдилар, аммо Кришна Ўзининг эрмакларидан жанг майдонини жанг қилмасдан ташлаб кетса, бхакталар Унга сажда қиладилар. Иблис одам ҳамиша Парвардигор Кришнанинг қароматларини ўзининг моддий ақли билан ўлчашга ҳаракат қилади, бхакта эса ҳеч қачон Парвардигорнинг қудратини ва улуғворлигини ўлчашга интилмайди, у шунчаки ўз ихтиёрини Унга топшириб, Унга сажда қилиб сиғинади. Соф бхакталардан ўрнак олиб биз ҳам биламизки, Кришна, Ранчхор жанг майдонини жанг қилишдан кўрққанидан эмас, балки бошқа бир мақсадни кўзлаб ташлаб кетган. Кейинроқ маълум бўладики, Унинг мақсади Ўзининг бўлғуси рафиқаси Рукминининг юборган сирли мактубининг мазмунига эътиборини қаратиш эди. Кришнанинг жанг майдонини ташлаб кетиши - Унинг олти турли мукамал фазилатлардан бирини амалда намоён этиш эди. Кришна энг мукамал куч-қудрат, энг мукамал бойлик, энг мукамал шон-шўҳрат, донишмандлик, гўзаллик ва боғланмаслик фазилатларининг мукамал соҳибидир. "Шримад Бхагаватам"да аниқ айтилганки, Парвардигор Кришна ёнида Ўзининг қудратли қўшини бўлишига қарамай жанг майдонини ташлаб кетди. Ҳатто ана шундай қудратли қўшини бўлмаса ҳам, аввал ўн етти марта бўлганидай, Жарасандханинг бугун қўшинини тор-мор қилиш учун Унинг битта Ўзи ҳам етарли эди. Шунинг учун Унинг жанг майдонини ташлаб кетиши - Унинг Ўзининг энг буюк мукамал фазилатларидан бирини - ҳеч нарсага боғланмаган эканини намоён этишидир.

Узоқ вақт пиёда юриб, ака-укалар ўзларини қаттиқ чарчагандай кўрсатдилар. Озгина ҳордиқ чиқариш учун Улар денгиз сатҳидан анча баланд бўлган тоғнинг чўққисига қўтарилдилар. Бу ерда ҳамиша ёмғир ёғиб тургани сабабли бу тоғ Парваршана деб аталарди. Унинг ўткир қояси ҳамиша Индра юборган булутлар билан тўсилган бўларди. Жарасандха "бу ака-укалар менинг қудратли қўшинимдан кўрқиб, тоғ қоясида яшириндилар" деб ўйлади. Аввалига у Уларни излаб топишга уринди, узоқ излади, аммо тополмади, шунинг учун уларни ҳийла билан ўлдиришга қарор қилди. У тоғ атрофига жуда кўп ёғ қуйиб ўт қуйиб юборди. Олов тобора кенгайиб тоғнинг ҳамма жойини қоплаб олди. Шунда Кришна билан Балорам тоғ қоясининг устидан, баландлиги ўн бир йоджан бўлган тепалиқдан ерга сакрадилар. Тоғ қояси ҳар тарафдан олов ичида қолган бир пайтда Кришна билан Балорам Жарасандха-

га кўринмасдан бу ердан кетиб қолдилар. Жарасандха ака-укаларнинг иккиси ҳам муқаррар ҳалок бўлди, энди жанг қилишнинг ҳожати йўқ деб ўйлади. Хийласи муваффақият билан амалга ошганидан хурсанд бўлиб, Жарасандха Матхура шахрини тарк этди ва ўзининг уйига, Магадха салтанатига қайтиб кетди. Бироз вақтдан кейин Кришна билан Балорам атрофи денгиз билан ўралган Дварака шахрига етиб олдилар.

Шундан сўнг Шри Балорам Анарта вилоятининг шоҳи Раиватанинг қизи Реватига уйланди. Бу ҳақда "Шримад Бхагаватам"нинг тўққизинчи кўшиғида ҳикоя қилинган. Балорам уйлангандан кейин Кришна Рукминига уйланди. Рукмини Видарбха вилояти ҳукмдори Бхишмаканинг қизи эди. Кришна Худонинг Олий Шахси, Васудева бўлганидай, Рукмини олий равнақ-фариштаси Маха-Лакшми ҳисобланади. "Чайтанья Чаритам-рита"да ишонарли қилиб тушунтирилганидай, Кришна билан Шримати Радхаранининг экспансиялари бир вақтда намоён бўлади; Парвардигор Кришна Ўзини ҳар хил вишну-муртилларда намоён этади, Шримати Радхарани эса Ўзининг ички қуввати ёрдамида Ўзини ҳар хил шакти-татваларда, яъни равнақ фаришталарининг ҳар хил кўринишларида намоён этади.

Ведавий қоидалар асосида яшайдиган жамиятда никоҳнинг саккиз тури бор. Никоҳнинг энг олий тури бўйича келин билан куёвнинг ота-оналари тўй кунини белгилайдилар. Кейин куёв катта тантана билан келиннинг уйига боради, брахманлар, руҳонийлар ва қариндошлар иштирокида келинни куёвга топширадилар. Бундан ташқари никоҳнинг "гандҳарваларнинг никоҳи", "ракшасларнинг никоҳи" деб аталадиган бошқа турлари ҳам бор. Рукмини Кришнага "ракшаслар қоидаси" асосида турмушга чиқди, чунки Кришна Рукминини унинг уйдан Шишупала, Жарасандха, Шалва сингари кўплаган рақиблари кўзи олдида олиб кетди. Рукминини Шишупалага никоҳлаб бераётган пайтда, худди Гаруда мангүлик шарбатини иблислардан тортиб олганидай, Кришна ҳам Рукминини тўйхонадан олиб кетган эди. Рукмини Бхишмаканинг якка-ю ягона қизи бўлиб, жуда гўзал эди. Уни Ручиранана, яъни "Юзи худди нилуфар гулидай яшнаган" деб чақирардилар.

Кришнанинг содиқлари, бхакталар ҳамиша Кришнанинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглашни жуда яхши кўрадилар. Унинг ҳамма ишлари, Унинг қандай жанг қилгани, Рукмини олиб кетгани, жанг майдонини ташлаб кетгани, мутлақ руҳий поғонада бўлиб, илоҳий табиатга эга, бхакталар бу воқеалар ҳақидаги ҳикояларнинг ҳаммасини илоҳий қизиқиш билан тинглайдилар. Кришнанинг соф бхактаси Кришнанинг қайси эрмаклари ҳақида тинглаш керагу, қайси эрмакларини тинглашдан бош тортиш керак деб, Кришнанинг илоҳий эрмакларини бир-бирдан ажратмайдилар. Аммо, ўзларини *бхакта* деб атайдиган прак-

рита-саҳаджиялар ҳам борки, улар Кришнанинг гопилар билан раса-лиласи ҳақида тинглашни жуда яхши кўрадилар, аммо Кришна Ўзининг душманлари билан жанг қилгани ҳақидаги ҳикояларни тинглашни ёқтирмайдилар. Ундай одамлар Кришнанинг жангдаги қаҳрамонликлари ҳам, гопилар билан дўстлиги ҳам бир хил илоҳий табиатга эга эканини тушунмайдилар, чунки бу эрмакларнинг иккиси ҳам руҳий, илоҳий поғонадаги жараёнлардир. Соф бхакталар Кришнанинг "Шримад Бхагаватам"да ёзилган илоҳий эрмаклари ҳақида тинглаб лаззатланадилар. Улар бу эрмакларнинг бирортасини инкор этмайдилар.

Кришнанинг Рукминига уйлангани ҳақидаги воқеани шундай ҳикоя қиладилар: Видарбха шоҳи, Махараж Бхишмака жуда одил ва садоқатли ҳукмдор бўлиб, унинг беш ўғли ва битта қизи бор эди. Унинг тўнғич ўғли Рукми, иккинчи ўғли - Рукмаратха, учинчиси Рукмабаху, тўртинчиси - Рукмакеша, бешинчиси - Рукмамали эди. Оғайниларининг фақат битта синглиси бор эди. У жуда ақлли ва гўзал бўлиб, Парвардигор Кришнага рафиқа бўлишга мўлжалланган эди. Нарада Муни сингари жуда кўп буюк донишманд ва авлиё зотлар Бхишмаканинг саройига тез-тез келиб турардилар. Албатта Рукминининг шу донишмандлар билан ҳамсуҳбат бўлиш имконияти бўлиб, шу йўл билан улардан Кришна ҳақида билиб олган эди. Донишмандлар унга Кришнанинг мукамал олти хил комил фазилати ҳақида гапириб бердилар. Рукмини шунчаки Кришна ҳақида тинглаш шарофати билан Унинг нилуфар қадамлари пойига бош эгиш, Унинг рафиқаси бўлиш истагида яшарди. Рукмини барча илоҳий фазилатларни ўзида мужассаам қилган, жуда ақлли, кенг фикрлай оладиган, тенгсиз ғайритабиий гўзал, хуш хулқли соҳибжамол қиз эди. Шунинг учун Кришна уни Ўзига муносиб рафиқа бўлади деган қарорга келди. Бхишмаканинг бутун оиласи ва қариндошлари Рукминини Кришнага беришга қарор қилдилар. Аммо унинг катта оғаси Рукми, бошқа қариндошларининг қаршилигига қарамай, унинг қўлини Шишупалага - ўзини Кришнанинг ашаддий душмани деб юрган шахзодага беришга ваъда берди. Чиройли қора кўзли Рукмини акасининг бу хийласи ҳақида эшитиб қаттиқ изтироб чека бошлади. Аммо, шоҳ қизи бўлгани учун, у сиёсат ва муомала ишларида бироз тажрибаси бўлиб, шунчаки мусибат чекиб, оҳ-воҳ қилиб ўтиришдан фойда йўқлигини яхши биларди. Шошинч равишда бирор чора излаб топиш керак эди. Бироз иккиланиб тургандан кейин у Кришнага мактуб жўнатишга қарор қилди. Кимлардир уни алдаб, сирини бировларга фош қилиб қўймасликлари учун у мактубни олиб бориш учун муносиб бир брахманни танлади. Ҳақиқий брахман ҳамиша ростгўй, ишончли ва албатта Кришнанинг бхактаси бўлади. У дарров ўша брахманни Дваракага жўнатди.

Дварака дарвозаларига келиб, брахман дарво-
зобонга ўзининг қаердан келганини билдирди,
дарвозобон уни Кришна олтиндан ясалган тахта
савлат тўкиб ўтирган жойга олиб борди. Брахман
Рукминининг элчиси бўлиш бахтига муяссар
бўлгани туфайли у Худонинг Олий Шахсини,
барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси бўлган
Парвардигор Кришнанинг дийдорини яққол
кўриш имкониятига эга бўлди. Ҳақиқий брахман
жамиятдаги барча табақаларнинг руҳий устози
ҳисобланади. Ведавий қонун-қоидалар бўйича
брахманга қандай ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ло-
зимлигини одамларга кўрсатиш учун Парварди-
гор Кришна ўрнидан туриб, брахманга Ўзининг
тахтини таклиф этди. Брахман олтин тахтиравон-
га ўтиргандан кейин, фаришталар Кришнага
қандай ҳурмат-эҳтиром кўрсатса, Парвардигор
Кришна ҳам брахманга шундай эҳтиром кўрсата
бошлади. Бу билан Кришна одамларга Ўзининг
бхактасига сажда қилиш Унинг Ўзига сажда
қилишдан ҳам устун туришини кўрсатиб қўйди.

Вақти келганда брахман ювиниб покланди,
ҳар хил таомлардан овқатланди, майин ипак
тўшалган каравотда ётиб ҳордиқ чиқарди.
Брахман дам олар экан Парвардигор Кришна се-
кин унинг олдига бориб, оёқларини тиззасига
олиб уқалай бошлади. Кришна брахманнинг
ёнида ўтириб унга шундай деди: "Эй ҳурматли
брахман, сен учун ҳақиқий дин қоидаларига риоя
қилиб яшаш унчалик қийин бўлмапти, деб
ўйлайман. Ақлинг ҳамиша хотиржам ва осойиш-
та яшаётган бўлсанг керак?" Жамиятда ҳар хил
табақадаги одамлар турли фаолият билан машғул
бўлиб кун кечирадилар. Шу боис фаросатли,
маданиятли одам бир-бири билан ҳол-аҳвол
сўрашганда уларнинг нима иш билан машғул
эканига эътибор бериши лозим. Шу боис
брахмандан ҳол-аҳвол сўраётган кишининг саво-
ли унинг турмуш тарзи билан боғлиқ бўлиши,
уни безовта қиладиган бўлмаслиги керак.
Ростгўйликнинг, покликнинг, ҳалолликнинг,
осойишталикнинг, ўзини тута билиш ҳамда сабр-
тоқатнинг асосини ақлнинг хотиржамлиги таш-
кил этади. Илм ўрганиб, уни амалда қўллай би-
лиш ёрдамида инсон Мутлақ Ҳақиқатни англаб
этади. Брахман Кришна аслида Худонинг Олий
Шахси эканини биларди, лекин шунга қарамай у
ведавайи қоидаларга мос бўлгани учун ҳозир
Унинг хизматларини қабул қиларди. Парварди-
гор Кришна оддий одам вазифасини бажараётган
эди. У жамиятнинг кшатрийлар табақасига ман-
суб бўлиб, ҳали ёш эди, шу боис брахманга му-
носиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш Унинг бурчи
эди.

Парвардигор Кришна давом этди: "Эй
брахманлар аълоси, сен ҳамиша хотиржам, осойи-
шта яшашинг керак, чунки агар брахман
ҳамиша ўзининг қалбида мамнуният ҳосил қилиб
яшаса, у ҳеч қачон ўз бурчини бажаришни тарк
этмайди. Ҳар бир инсон, айниқса брахман,
ҳаётда шунчаки ўзининг бурчини виждон билан

бажариб юриш ёрдамида қалбидаги барча ният-
ларига мукамал равишда эришади. Ҳатто инсон
жаннат(осмон) шоҳидай бой-бадавлат бўлса ҳам,
агар ҳаётдан мамнун бўлмаса, албатта бир сай-
ёрдан иккинчи сайёрага кўчиб юришга маҳкум
бўлади. Ундай одам ҳеч қачон, ҳеч қандай йўл
билан бахтга эриша олмайди. Аммо, агар одам-
нинг ақли хотиржам бўлса, ҳатто бор мол-
мулкидан айрилиб қолса ҳам, у ҳар қандай жой-
да, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай вазиятда
ҳам бахтиёр яшай олади".

Брахманга Парвардигор Кришнанинг берган
бу насиҳатлари жуда муҳим. Унинг маъноси
шундан иборатки, ҳақиқий брахман ҳар қандай
вазиятга тушиб қолганда ҳам безовта бўлиб,
ташвишга тушмаслиги керак. Ҳозирги Кали-юга
даврида ўзларини брахман деб юрган одамлар
шудралар билан бир хил, баъзи ҳолларда ҳатто
улардан ҳам тубан поғонада турган бўлсалар
ҳам, бошқаларнинг уларга худди ҳақиқий
брахманлардай муомала қилишини кутадилар.
Аслини олганда ҳақиқий брахман ҳамиша ўз
бурчини бажариб яшайди, ҳеч қачон шудралар-
нинг ёки ундан ҳам паст табақадаги одамларнинг
ишига қўл урмайди. Ишонарли муқаддас китоб-
ларда ёзилганки, брахман фақат фавқуллода ва-
зиятларда кшатрий ёки ҳатто ваишйаларнинг
ишини бажаришга рози бўлиши мумкин, аммо
ҳеч қачон у шудраларнинг вазифасини бажариш-
га рози бўлмаслиги керак. Парвардигор Кришна
эълон қилиб айтяпдики, агар брахман ўзининг
муқаддас бурчини виждонан бажариб юрган
бўлса, уни ҳеч қандай фавқуллода вазиятлар без-
овта қилмаслиги керак. Хулоса қилиб Парварди-
гор Кришна шундай деди: "Мен эҳтиром билан
брахманлар ва ваишнавлар олдида сажда
қиламан, чунки брахманлар ҳамиша ўз қалбида
ҳаётдан мамнун бўлиб яшайдилар, ваишнавлар
эса ҳамиша бутун инсониятга бахт-саодат келти-
радиган фаолият билан машғул бўлиб яшайди-
лар. Улар оддий одамларнинг энг яқин дўсти
ҳисобланадилар; уларнинг иккиси ҳам сохта
ўзликдан, фақат ўз манфаатини ўйлаб яшашдан
пок бўлиб, ҳамиша ақли хотиржам бўлиб осойи-
шта яшайдилар".

Кейин Парвардигор Кришна брахман яшаёт-
ган жойдаги кшатрий(хукмдор)лар қандай эка-
нини билмоқчи бўлди, шу боис У брахмандан у
яшаётган салтанатдаги аҳоли бахтли турмуш ке-
чираптими деб сўради. Шоҳнинг мартабаси,
қадрли, обрўси шу мамлакат халқининг руҳий,
маънавий ҳолати билан ўлчанади. Агар жамият-
даги одамлар ҳар жиҳатдан бахтиёр бўлсалар,
хулоса қилиш мумкинки, у давлатнинг шоҳи
виждонли, адолат билан ҳукмронлик қилади.
Кришна айтяптики, халқи, фуқаролари бахтиёр
турмуш кечираётган шоҳ Унинг учун жуда азиз,
қадрли. Албатта, брахманнинг махфий мактуб
олиб келганини Кришна яхши биларди; шунинг
учун У шундай деди: "Агар малол келмаса,
ўзингга бериб юборган топшириқ ҳақида гапи-

риб беришинг мумкин". Шундан кейин, Парвардигор билан ҳамсухбат бўлиб, илоҳий ҳолатда вақт ўтказаетганидан мамнун бўлган брахман, ўзига буюрилган топшириқ ҳақида: - мактубни олиб келиш, Кришна билан учрашишга алоқадор воқеаларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил гапириб берди. У Рукминининг ёзган мактубини Кришнага берди ва шундай деди: "Малика Рукмини шундай деб юборди: "Азизим Кришна, эй бегуноҳ ва ҳаммадан ҳам гўзал ажойиб Зот, Сенинг илоҳий қиёфанг ва эрмакларинг ҳақида озгина эшитиб қолган ҳар қандай одамнинг кулоқлари орқали қалбига Сенинг номинг, шуҳратинг ва сифатларинг кириб қолади; шунда у барча моддий мусибатлардан халос бўлиб, Сенинг қиёфангни ўзининг қалбига муҳрлаб олади. Сенга бўлган ана шу илоҳий муҳаббат орқали у Сени ҳамиша ўзининг қалбида кўриб юради, шу туфайли унинг барча истаклари рўёбга чиқади. Мен ҳам Сенинг илоҳий сифатларинг ҳақида шу тарзда эшитиб қолдим. Балки, очикдан-очик кўнгил изҳор қилиш билан мен уятсизлик қилаётгандай бўлишим мумкин, лекин Сен ҳақиқатан ҳам мени Ўзингга мафтун қилиб бутун қалбимни эгаллаб олдинг. Сен мен ҳақимда у ҳали ёш, турмуш қурмаган қиз деб ўйлаб, бу қарорининг қатъийлигига шубҳа қилишинг мумкин, аммо эй азизим Муқунда, Сен ҳақиқатан ҳам инсонлар ичида асрлони, шахслар ичида Олий Шахссан. Ҳали уйини тарк этмаган ҳар қандай қиз бола, ёки ҳар қандай энг покдомон аёл ҳам Сенинг мисли кўрилмаган одобахлоқинг, донишмандлигинг, бойлигинг ва мартабанга маҳлиё бўлиб, Сенга эрга чиқишни истаб қолган бўларди. Мен Сенинг равнақ фариштасининг эри, Ўз бхакталарига жуда меҳрибон ғамхўр Зот эканингни яхши биламан, шу боис мен Сенинг мангу хизматкоринг бўлишга аҳд қилдим. Эй азиз Худойим, мен ўзимнинг бутун ҳаётимни, жонимни Сенинг нилуфар қадамларинг пойига қўяман. Мен Сени ўзимнинг эрим деб танладим, шунинг учун Сендан мени Ўзингга хотин қилиб олишга рози бўлишингни илтимос қиламан. Эй нилуфар кўзли Зот, Сен энг олий кудрат соҳибсан. Энди мен Сеникиман. Арслон лаззатланиши лозим бўлган нарсани бўри олиб кетса адолатдан бўлмайдди, шунинг учун мени Шишупала ва унга ўхшаган бошқа шахзодалар олиб кетмасидан олдин тезроқ мени ҳимоя қилишингни Сендан илтимос қиламан. Эй азиз Худойим, аввалги ҳаётларимда мен балки, қудуқлар қазиб, дарахтлар ўтқазиб, бутун инсоният бахтини ўйлаб хизмат қилган бўлсам, балки Худога сиғинишнинг ҳар хил маросимларини ўтқазиб, риёзат чекиб, ўзимдан улуғ бўлган зотлар - руҳий устозга, брахманларга ва ваишнавларга хизмат қилиб яшаган бўлсам керак. Балки шу ишларим билан мен Худонинг Олий Шахси Нарайанани мамнун қилган бўлсам керак. Агар шундай бўлса, Шишупала ва бошқалар менга қўлини теккизмасдан бурун Сен, Парвардигор

Балорамнинг укаси Парвардигор Кришна, марҳамат қилиб бу ерга келишингни ва менинг қўлларимни қабул қилиб олишингни истайман".

Рукмини ва Шишупаланинг никоҳдан ўтиши аллақачон ҳал қилинган эди, аммо Рукмини Кришна келиб уни ўғирлаб кетишини, шу билан ҳамма ишни ўзгартириб юборишни таклиф қилаётган эди. Қиз болани куч билан ўғирлаб кетадиган никоҳ тури "ракшаслар никоҳи" деб аталади, бу никоҳ тури одатда қшатрийларда, ҳукмрон, қатъиятли характердаги кишиларда бўлади. Рукминининг никоҳ маросими эртага белгилангани учун у Кришнага Ўзининг кимлигини билдирмай келишини таклиф қилаётган эди. Келгандан кейин Шишупала ва унинг Магадха шоҳи сингари ҳамтовоқлари билан жанг қилиши керак эди. Ҳеч ким ҳар қандай жангда ҳамиша ғолиб бўладиган Кришнани мағлуб қила олмаслигини билиб, у Кришнага *Аджита*, яъни "Енгилмас" деб мурожаат қиляпти. Рукмини Кришнадан агар жанг саройда бўлиб қолса, унинг оила аъзоларидан кўплари, шу жумладан аёллар ҳам ярадор бўлиши ёки ҳатто ҳалок бўлишидан хавотирга тушмасликни илтимос қилдди. Худди давлат раҳбари ўз мақсадига эришиш учун эҳтиёткорлик билан ҳар хил йўллارни ўйлаб қўйгани сингари, шоҳнинг қизи бўлган Рукмини ҳам бефойда, арзимас нарсаларга эътибор бермаслик, кераксиз ҳаракатлар қилмаслик йўлларини таклиф қиларди.

Рукмини тушунтириб ёзган эдики, уларнинг оиласида никоҳ маросимидан аввал оилавий Илоҳ - Дурга ибодатхонасига бориш одат тусига кириб қолган. Қариндошларига ортиқча ташвиш келтирмаслик учун Рукмини ўзини саройдан эҳромга бораётганда ёки саройга қайтиб келаётганда ўғирлаб кетишни таклиф қилди - шундай қилса иш осон ҳал бўларди. (Одатда шоҳ-қшатрийлар Радха-Кришна ёки Лакшми-Нарайана қиёфасида Парвардигор Вишнуга сиғинадиган ҳақиқий ваишнавлар бўладилар; лекин барибир айна пайтда моддий фаровонликка ҳам эришиш ниятида улар фаришта Дургага ҳам сиғинадилар. Лекин улар ҳеч қачон ғофил одамлардай Худонинг Олий Шахси Нарайанани фаришталар билан бир қаторда туради деб ўйламаганлар).

Рукмини Кришнага, гарчи қўли буюк шоҳнинг ўғли Шишупалага, яъни ўзига муносиб зотга ваъда бериб қўйилган бўлса ҳам, нима сабабдан айнан Унга эрга чиқишга қаттиқ интилаётганининг сабабини ҳам тушунтирган эди. Рукмини айтадики, бутун дунёда ҳеч ким, ҳатто одамлар Махадева, яъни "фаришталар орасида энг буюги" деб атайдиган Тангри Шива ҳам улуғворликда Кришнадан устун бўла олмайди. Тангри Шива ҳам бу моддий оламда ғафлат гунаси тутқунлигидан халос бўлиш ниятида Парвардигор Кришнани қандай мамнун қилиш ҳақида ўйлаб юради. Гарчи Тангри Шива барча буюк руҳ - махатмалар ичида энг буюги бўлса

хам, Парвардигор Вишнунинг оёқлари тешиб юборган коинот қобиғининг тешигидан коинот ичига оқиб тушаётган муқаддас Ганганинг покловчи сувларини бошига суради. Тангри Шива бу дунёда моддий ғафлат гунаси учун маъсул фаришта ҳисобланади, ўзининг илохий ҳолатини сақлаб қолишга ҳаракат қилиб, у ҳамиша Парвардигор Вишну ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юради. Шунинг учун Рукмини Кришнанинг марҳаматига эришиш осон эмаслигини яхши тушунарди. Бунга эришиш учун ҳатто Тангри Шива ҳам покланиши лозим бўлса, шунчаки бир шох-қшатрийнинг кизи бўлган Рукмини учун албатта бу иш осон эмасди. Шунинг учун у ўзининг бутун ҳаётини риёзат чекишга, танасининг талабларига эътибор бермасдан тавба-тазаррулар қилиб яшашга қарор қилди. Агар ўзининг шу ишлари билан у Кришнани мамнун қила олмаса, у умрлар оша қаттиқ риёзат чекиб яшашга ҳам тайёр эди. "Бхагавад-гита"да айтилганки, Парвардигорнинг соф бхакталари Худога чексиз қатъият, қайтмас шижоат билан хизмат қиладилар. Рукминидаги ана шундай ўзгармас қатъий шижоат - Кришнанинг марҳаматига эришиш имконини берадиган ягона воситадир. Кришнани англаб етишда, ҳаётда Кришна онги билан яшашда қатъиятли, ўзгармас шижоат билан ҳаракат қилиш лозим, Кришнани англаб етишда муваффақиятга эришишнинг йўли шундай бўлади.

Кришнага Рукминининг гапларини етказиб бўлиб, браҳман шундай деди: "Эй азиз Парвардигор Кришна, эй Йадавлар сардори, мен Рукминининг мана шу маҳфий мактубини Сенга олиб келдим; мана у Сенинг олдинда ва Сенинг қарорингни кутиб турибди. Яхшилаб ўйлаб кўриб, Ўзинг истаганча ҳаракат қилишинг мумкин. Лекин бу мактуб бўйича бирор ҳаракат қилмоқчи бўлсанг шошилиш керак, чунки вақт оз қолди".

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Кришнанинг жанг майдонини ташлаб кетиши" деб аталадиган эллик биринчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

52. Кришнанинг Рукминини ўғирлаши

Рукминининг хабарини тинглаб Парвардигор Кришна жуда мамнун бўлди. У браҳманнинг қўлини ушлаб шундай деди: "Эй ҳурматли браҳман, Рукминининг Менга турмушга чиқишга қаттиқ интилаётганидан Мен жуда хурсандман, чунки Мен ҳам унинг қўлига эга бўлишни жуда қаттиқ истайман. Менинг бутун фикру-хаёлим Бхишмаканинг кизида, у ҳақида ўйлаб баъзан Мен тун бўйи ухламай чиқаман. Акаси Мендан нафратлангани учун Рукминининг қўлини Ши-

шупалага ваъда берганини ҳам яхши тушунаман; шу боис Мен бу шахзодаларнинг яхшилаб таъзини бериб қўйишга қатъий қарор қилганман. Худди оддий ёғочлардан фойдаланиб олов чиқариб, шу оловдан фойдаланилгани сингари, Мен ҳам ана шу иблис-шахзодаларни енгиб, уларнинг орасидан оловдай Рукминини чиқариб оламан".

Рукминининг никоҳ маросими кунини аниқ билгандан кейин Кришна ҳозирок йўлга тушишга аҳд қилди. У жиловдори Дарукадан отларни жанг аравасига қўшишни ва Видарбха салтанатига йўлга чиқишга ҳозирлик кўришни илтимос қилди. Буйруқни эшитиб жиловдор Кришнанинг ажойиб тўрт отини олиб келди. Бу отларнинг исмлари ва таърифи "Падма пурана"да келтирилган. Биринчи от Шаибья, кўкимтир рангда эди. Иккинчи от Сугрива музга ўхшаган кулранг эди, учинчи от Мегхапушпа, янги булут рангида, тўртинчи от Балахака кулранг эди. Улар аравага қўшилиб, жанг араваси йўлга чиқишга тайёр бўлганида Кришна браҳманнинг аравага чиқишига ёрдам берди ва уни Ўзининг ёнига ўтказди. Улар шу заҳотиёқ Дваракадан чиқиб кетдилар ва бир кечада Видарбха вилоятига етиб бордилар. Дварака салтанати Ҳиндистоннинг ғарбий қисмида жойлашган эди, Видарбха эса - шимолий қисмида. Уларнинг ораси камида бир юз йигирма беш йоджан чиқадиган йўл эди, аммо отлар шу қадар чопқир эдики, улар бир кечада, узоғи билан ўн икки соат ичида қўзланган манзилга - Кундина деган шаҳарга етиб келдилар.

Шоҳ Бхишмака қизини Шишупалага беришга унчалик шошилаётгани йўқ эди, аммо бу никоҳга рози бўлишга мажбур эди, чунки мана шу никоҳни таклиф қилган тўғич ўғлига қаттиқ боғланиб қолган эди. Бурч юзасидан у шаҳарни никоҳ маросимига тайёрлаб чиройли безата бошлади, удумларнинг ҳаммасини энг олий даражада ўтказиш учун у шижоат билан ҳаракат қиларди. Кўчаларнинг ҳаммасига сув сепилган, шаҳар чиройли қилиб саранжом-саришта қилинган эди. Ҳиндистон тропик иқлимда жойлашгани учун бу ерда ҳаво ҳамиша қуруқ, шунинг учун кўчаларда, йўлларда ҳамиша чанг пайдо бўлади, шунинг учун кунига камида бир марта, Калкутта сингари катта шаҳарларда эса икки марта йўлларга сув сепиш керак бўлади. Кундини шаҳрининг кўчалари бўйлаб ҳар хил байроқчалар ва гулчамбарлар осилган, баъзи чорраҳаларда чиройли аркалар қурилган эди. Бутун шаҳар чиройли қилиб байрамона безатилган эди. Шаҳар аҳолиси, эркагу-аёлларнинг янги, чиройли либослар кийиб олгани, таналарига сандал суртиб, бўйнига марварид маржонлар, гулчамбарлар осиб олгани билан шаҳар яна ҳам чиройли кўринарди. Ҳамма жойда агуру сингари анвойи ҳид таратиб турган мушк-анбарлар тутатилган бўлиб бутун атроф муаттар ҳидга тўла эди. Руҳоний ва браҳманларни ширин таомлар

билан меҳмон қилдилар, маросим тамойилига кўра уларга етарлича пул ва сигирлар садақа қилдилар. Кейин брахманлар Ведавий мадҳиялардан ўқий бошладилар. Шоҳнинг қизи малика Рукмини ғайритабiiй равишда гўзал, соҳибжамол эди. Унинг юзлари пок, нафис, тишлари бир текис терилган маржонларни эслатарди. Кўлларига эса бахт келтирадиган муқаддас чилвир тақиб олган эди. Жуда кўп тақинчоқлар билан ясантриб, унга чиройли ипак либос кийдирдилар. Билимдон руҳонийлар уни ҳар хил кулфатлардан асраш учун Сама-, Риг-, Ёаджур-ведалардан турли мантраларни ўқидилар, юлдузларнинг беҳосият жойлашининг олдини олиш учун муқаддас олов ёқиб қурбонлик маросими ўтказдилар.

Шоҳ Бҳишмака қурбонлик маросими пайтида брахманларга ва руҳонийларга жуда меҳрибонлик билан мулойим муносабатда бўлишда тажрибаси ортган эди. У кўп миқдорда олтин, кумуш, қора патока аралаш ғалла, сигир ва олтин тақинчоқлар садақа қилиб брахманларга алоҳида эҳтиром кўрсатди, Шишупаланинг отаси Дамагхоша ўзининг оиласига омад келтириш учун жуда кўп маросимлар ўтказди. Шишупаланинг отасини қонунга бўйсунмайдиган фуқароларни яқсон қилишда кўрсатган ғайритабiiй маҳоратлари учун одамлар *Дамагхоша* деб атардилар. *Дама* дегани "жиловлаш, бўйсундириш" деганни, *гхоша* ибораси эса, "машҳур" деганни англатади. У ўз фуқароларини моҳирлик билан ўз ҳукмларига сўзсиз бўйсундириб салтанатга одилона ҳукмронлик қиларди. Дамагхоша, мабодо Кришна келиб никоҳ тўйини бузмокчи бўлса, ўз кўшини ёрдамида албатта Уни яқсон қилишни ҳам ўйлаб кўйганди. Шунинг учун ҳар хил маросимлар ўтказиб бўлиб Дамагхоша Мадасрави деган кўшинини тўплади. Бу кўшин олтин маржонлар билан безатилган жанг аравалари, филлар ва отлик жангчилардан иборат эди. Гўё Дамагхоша ўғли билан бирга Кундини шаҳрига никоҳ тўйига эмас, асосан жанг қилиш учун бораётгандай бўлиб кўринарди.

Дамагхоша ҳамроҳлари билан шаҳарга яқинлашиб қолганини эшитиб шоҳ Бҳишмака уларни кутиб олиш учун шаҳардан чиқди. Шаҳар ташқарисида жуда кўп ажойиб боғлар бор эди, улар меҳмонларга шу боғда роҳатланиб ҳордиқ чиқаришни таклиф этдилар. Ведавий маданият урф-одатларига кўра келиннинг отаси куёв билан бирга келган меҳмонларни кутиб олиб уларни икки-уч кунга, то никоҳ тўйи маросимлари ўтиб бўлганга қадар бошпана ва озиқ-овқат билан таъминлаши лозим. Дамагхоша билан бирга минглаб жангчилар келган бўлиб улар орасида Жарасандҳа, Дантавакра, Видуратха ва Паундрака сингари машҳур шоҳлар ҳам бор эди. Аслида Рукминининг қўли Кришнага аталган, аммо акаси уни Шишупалага ваъда бериб қўйгани ҳеч ким учун сир эмасди. Рукмини Кришнага

махфий мактуб юборгани ҳақида миш-мишлар ҳам бор эди, шунинг учун жангчилар Кришна Рукминини ўғирлаб кетишга уриниб, никоҳ маросимини бузиши ҳам мумкин деб тахмин қилардилар. Гарчи улар бироз кўрқиб хавотирга тушаётган бўлсалар ҳам, барибир Кришнага қаршилиқ кўрсатиб, Унинг Рукминини ўғирлаб кетишига йўл қўймасликка тайёр турар эдилар. Шри Балорам, Кришна фақат битта брахман билан бирга Кундини шаҳрига йўл олгани ҳақида хабар топди; шунингдек у Шишупала ҳам шу ерга катта кўшин тўплаб борганидан хабардор эди. Уларнинг Кришнага ҳужум қилиши мумкинлигини ўйлаб, Балорам жанг аравалари, филлар ва отлик аскарлардан иборат бўлган катта кўшин тўплаб Кундини яқинига келиб турди.

Айни пайтда Рукмини саройда Кришнанинг келишини интизорлик билан кутарди, аммо на Ундан, на мактуб олиб кетган брахмандан дарак йўқ эди, хавотирга тушиб у ўзининг бахтсизлигини ўйлаб қаттиқ қийналарди. "Никоҳ маросимига биргина кеча қолиб турибди, лекин на Шйамасундарадан хабар бор, на брахмандан. Бунинг сабабини ҳам билмайман". Деярли бутунлай умидини узиб, у балки Кришна нимагадир хафа бўлиб менинг бу таклифимни рад этгандир, деб ўйлай бошлади. Брахман ҳам шундан ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб келмаётгандир? Гарчи кўнглида улардан дарак йўқлигининг ҳар хил сабабларини ўйлаб кўраётган бўлса ҳам, улар икковининг ҳар лаҳзада етиб келишини сабрсизлик билан кутиб турарди.

Кейин Рукмини: "Балки Тангри Брахма, Тангри Шива ва фаришта Дурга сингари фаришталар мендан норози бўлса керак" - деб ўйлай бошлади. Айтишларига қараганда, фаришталар ўзларига муносиб эҳтиром билан сажда қилмайдиган одамлардан норози бўладилар. Масалан, Вриндаванлик подачиларнинг унга сиғиниш маросимини тўхтатиб қўйганини билиб қолган Индра қаттиқ ғазабланиб уларни муносиб жазоламокчи бўлган эди. Худди шундай Рукмини ҳам Тангри Брахма ва Тангри Шивага муносиб эҳтиром билан сажда қилмагани учун, уларнинг жаҳли чиқиб, унинг режаларини бузишга ҳаракат қилаётган бўлсалар керак деб ўйлади. Яна у "балки Тангри Шиванинг рафиқаси фаришта Дурга эрининг тарафини олаётгандир" деб ҳам ўйлади. Тангри Шивани Рудра деб ҳам атайдилар, унинг рафиқасини эса Рудрани деб атайдилар. Рудрани ва Рудра деган ибораларнинг маъноси "мушибат чекиб тинимсиз йиғлаши учун одамларни қийин аҳволга солиб қўядиган зот" деганни билдиради. Рукмини фаришта Дургани одатда Гириджа, яъни "Ҳимолай тоғларининг қизи" деб қабул қиларди. Ҳимолай тоғлари жуда совуқ ва қаттиқ, шу боис у фаришта Дурга ҳам бағритош ва совуққон бўлса керак деб ўйларди. Кришнани кўришга бор кучи билан интилаётган Рукмини, ҳали қалби беғубор пок, содда ёш қиз бўлгани учун турли фаришталар ҳақида шундай

фикр юритар эди. Гопилар Кришнани ўзларининг эри бўлишини ният қилиб фаришта Каттайанига сиғинар эдилар; Рукмини ҳам ҳар хил фаришталар ҳақида бирор моддий мақсад кўзлаб эмас, Кришнага эришиш учун ўйларди. Кришнанинг марҳаматига эришишни кўзлаб фаришталарга илтижо қилиш ягона Парвардигорга сиғиниш қоидаларига зид келмайди, Рукмини ҳам Кришна ҳақидаги ўйларга бутунлай ғарқ бўлган эди.

Гарчи Рукмини "ҳали Говинданинг келиб улгуришга анча вақти бор", деб ўзини овутаётган бўлса ҳам, бундай бўлиб чиқиш эҳтимоли тобора камайиб бораётганини ҳис қилиб турарди. У ўзининг хаёлидан кечираётган бундай ўйларини ҳеч кимга айтолмас, кўзларини юмиб олганча, ўзининг қанчалик ночор, ноилож аҳволда қолганини ҳис қилиб фақат юм-юм йиғларди. Рукмини шу тариқа ўз ўйларига ғарқ бўлиб ўтирар экан, унинг танасининг ҳар хил жойларида турли шарофатли аломатлар кўрина бошлади. Унинг чап ковоғи пирпирай бошлади. қўллари, сонлари титрай бошлади. Тананинг бу жойлари титрай бошлагани бирор яхши, шарофатли ҳодиса рўй беришидан дарак берадиган аломат ҳисобланади.

Айнан шу пайтда хавотирга тушиб изтироб чекаётган Рукминининг кўзи чопар браҳманга тушди. Барча тирик мавжудотларнинг қалбида мавжуд Олий Рух бўлган Кришна Рукминининг қанчалик хавотирга тушаётганини яхши биларди; шу боис У етиб келганини билдириш учун браҳманни саройга жўнатган эди. Рукмини браҳманни кўрганида танасидаги шарофатли аломатларнинг маъносини тушуниб етди ва шу захотиёқ хурсанд бўлиб, кайфияти кўтарилиб кетди. У кулиб туриб браҳмандан: "Кришна келдимми?" - деб сўради. Браҳман Йадавалар сулоласининг авлоди Шри Кришна етиб келганини айтди; у Кришна уни албатта олиб кетишга ваъда берганини айтиб, унинг кўнглини кўтариб қўйди. Браҳманнинг жавобини эшитиб Рукмини ўзини шу қадар бахтиёр ҳис қилиб кетдики, қувонганидан унга бор дунёсини ҳадя қилишга тайёр эди. Аммо, унга совға қилиш учун муносиб бўлган бирор нарса тополмай, браҳманнинг олдида эҳтиром билан бош эгиб сажда қилди. Ўзидан катта одамга эҳтиром кўрсатиб сажда қилган одам бу билан ўзини унинг олдида қарздор эканини билдирган бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Рукмини сажда қилиш билан браҳмандан ҳамиша миннатдор бўлиб қолишини изҳор этган эди. Ана шу браҳманга ўхшаб раванқ фариштасининг марҳаматига эриша олган одам ҳаётда ҳамиша моддий фаровонликда яшайди.

Кришна билан Балорам келганини эшитиб, шоҳ Бҳишмака Уларни қизининг никоҳ маросимида иштирок этишга таклиф қилди. Шу захотиёқ шоҳ Уларга ва Улар билан бирга келган жангчиларга боғдан муносиб жой ҳозирлашни буюрди. Ведавий урф-одатларга кўра шоҳ

Кришна билан Балорамга асал, янги тоза либослар инъом этди. Шоҳ фақат Кришна билан Балорамга эмас, балки Жарасандха сингари ҳамма шоҳларга ҳам ҳар бирининг ёшига, қудратига ва бойлигига мос равишда эҳтиром билан меҳмондўстлик қилиб иззат-икром кўрсатарди. Кришна билан Балорани кўриш иштиёқида ёнаётган Кундини шахри аҳолиси Уларнинг олдида тўпланди ва Уларнинг жамолига қараб, Уларнинг гўзал сиймоси шарбатидан тўйиб ичардилар. Кўзлари тўла ёш билан жим турган ҳолда улар Кришна билан Балорамга ўзларининг ҳурмат-эҳтиромини изҳор этардилар. Парвардигор Кришна билан Рукмини бир-бирига жуда мос жуфти-ҳалол эканига ишонч ҳосил қилиб улар жуда хурсанд эдилар. Улар бу икки ёшнинг кўшилишини жуда истар эдилар, шу боис Улар Худо Шахсига илтижо қила бошладилар: "Эй Парвардигор, агар бизлар умримизда Сени мамнун қила оладиган бирор хизмат қила олган бўлсак, илтимос, марҳамат қилиб Рукминининг қўлини қабул қилиб ол!" Малика Рукмини халқ олдида катта обрўга эга эди, барча фуқаролар уни қаттиқ севганидан унинг фақат бахтли бўлишини тилардилар. Айни пайтда Рукмини чиройли либосларини кийиб олиб, кўрикчилар ҳимояси остида саройдан чиқди ва фаришта Дурга-Амбиканинг ибодатхонасига йўл олди.

Парвардигорга эҳромлардаги муртилар кўринишида сиғиниш ведалар маданияти билан бир вақтда пайдо бўлган. "Бхагавад-гита"да *ведавата-рата* деган ном билан маълум одамлар тоифаси бор; улар фақат ведавий сиғиниш маросимларини тан оладилар, эҳромларда сиғинишни тан олмайдилар. Ана шундай калтафаҳм одамлар билиб қўйишлари лозимки, гарчи Рукмини билан Кришнанинг никоҳ маросими беш минг йил аввал бўлиб ўтган бўлса ҳам, ҳатто ўша даврда ҳам эҳромда муртиларга сиғинганлар. Парвардигор "Бхагавад-гита"да шундай дейди: *йанти деваврата деван* - фаришталарга сиғинадиганлар фаришталарнинг даргоҳига эришадилар. Жуда кўп одамлар фаришталарга сиғинганлар, кўплар эса - бевосита Худонинг Олий Шахсига сиғинганлар. Одатда одамлар Тангри Браҳмага, Тангри Шивага, Ганешага, куёш фариштасига, фаришта Дургага сиғинадилар. Тангри Шива ва фаришта Дургага ҳатто шоҳ хонадонининг аъзолари ҳам сиғинганлар; бошқа иккинчи даражали фаришталарга эса паст табақадаги калтафаҳм одамлар сиғинганлар. Браҳман ва ваишнавлар эса ҳамиша Парвардигор Вишнуга, Худонинг Олий Шахсига сиғинадилар. "Бхагавад-гита"да фаришталарга сиғиниш қораланган, аммо таъқиқланмаган; унда аниқ айтилганки, калтафаҳм одамлар бирор моддий манфаат олиш ниятида фаришталарга сиғинадилар. Бошқа тарафдан, гарчи ўзи раванқ фариштаси бўлса ҳам Рукмини фаришта Дурга ибодатхонасига йўл олди, чунки шу ерда улар оилавий муртига сажда қилардилар. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, Рукмини фаришта

Дурга ибодатхонасига бораётган бўлса ҳам қалбида ҳамиша Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини ўйлаб борарди. Яъни Рукмини эҳромга бораётганида унинг нияти бирор моддий нарса тилаш учун бораётган оддий одамларнинг ниятидан бутунлай фарқ қиларди; унинг ягона истаги Кришна эди. Оддий одамлар бирор фариштанинг эҳромига бораётганида аслида уларнинг мақсади Кришна, ягона Парвардигор бўлади, чунки фаришталарга одамларга бирор бойлик ато этиш қудратини Кришнанинг ўзи беради.

Эҳромга бораётган Рукмини ўзини жуда жиддий тутиб, сукут сақлаб борарди. Унинг онаси ва дугоналари у билан бирга борардилар, браҳманларнинг хотинлари эса ўртада эдилар; уларни соқчилар кўриқлаб борарди. Тўй куни келиннинг эҳромга бориш одати ҳозиргача сақланиб қолган. Мусиқа садолари остида аёллар аста-секин эҳром томон борардилар. Барабан, сур, панава, турйя, бхери сингари ҳар хил катталикдаги шохлар овози бирга кўшилиб, қулоққа ёқимли ғаройиб мусиқа янграрди. У ерга табаррук браҳманларнинг минглаган мўътабар аёллари тўпланган эдилар. Аёллар чиройли такинчоқлар тақиб, чиройли либослар кийиб олган эдилар. Улар Тангри Шива ва фаришта Дургага муносиб эҳтиром билан сажда қила олиши учун Рукминига гулчамбар, сандал ва ҳар хил кийимлар олиб келдилар. Бу ерга тўпланган аёлларнинг баъзиларининг ёши анча катта бўлиб, улар фаришта Дурга ва Тангри Шивага илтижо қилиш қоидаларини яхши билардилар; шу боис муртилар олдида илтижоларни, сиғиниш маросимини улар олиб борар, Рукмини ва бошқалар эса уларга жўр бўлардилар.

Рукмини фариштага илтижо қилиб шундай деди: "Эй азиз фаришта Дурга, мен сенинг болаларинг олдида эҳтиром билан сажда қиламан". Фаришта Дурганинг тўрт машхур фарзанди бор - икки киз: равнақ фариштаси Лакшми ва илм-маърифат фариштаси Сарасвати, икки ўғли: Ганеша ва Картикейя. Уларнинг ҳаммаси буюк фаришталар ҳисобланади. Фаришта Дургага ҳамиша унинг қудратли болалари билан биргаликда сиғинганлари сабабли, Рукмини атайлаб шундай илтижо қилаётган эди. Аммо унинг илтижо қилишдан нияти бошқа эди. Оддий одамлар фаришта Дургадан моддий бойлик, шон-шуҳрат, куч-қудрат ва бошқа нарсалар тилайдилар. Аммо Рукмини фариштадан Кришна эри бўлишини тилар, шу боис фариштадан ўзининг шу мақсадига эришишда ёрдам беришни илтижо қиларди. Унинг фариштага бундай сиғиниши қораланмайди, чунки у фақат Кришнага эришишни истаяпти. Рукмини илтижо қилиб, фаришталарга ҳар хил совғалар инъом этди. Унинг совғалари асосан сув, оловнинг ҳар хил турлари, мушк-анбар, либослар, гулчамбарлар, пури ва қачори сингари сариёғда пиширилган ҳар хил таомлар, мевалар, шакарқамиш, бетел ёнғоғи ва

ширинликлардан иборат эди. Рукмини мўътабар аёлларнинг айтганларига қулоқ солиб, сиғиниш қоидаларига риоя қатъий қилган ҳолда ана шу инъомларнинг ҳаммасини чуқур эҳтиром билан фариштага тақдим этди. Сиғиниш маросими туғандан кейин аёллар табаррук прасаддан Рукминига тақлиф қилдилар. Рукмини чуқур эҳтиром билан прасаддан тотди. Кейин Рукмини браҳманларнинг аёлларига ва фаришта Дургага сажда қилди. Фариштага сиғиниш маросими ниҳоясига етганида Рукмини дугоналаридан бирининг кўлидан ушлаган ҳолда бошқалар билан биргаликда эҳромдан ташқарига чиқди.

Кундинига келган барча меҳмон ва шахзодалар Рукминини кўриш учун эҳром олдида тўпландилар. Айниқса шахзодалар Рукминини бир марта бўлса ҳам кўриб қолишга интилардилар, чунки уларнинг ҳар бири унга уйланишни орзу қилиб юрардилар. Рукминини кўриб яшин ургандай хайратдан қотиб қолган шахзодалар, аслида Яратган Рукминини фақат барча буюк ва жасур шахзодаларни лол қолдириш учун яратган деган ўйга бордилар. У жуда келишган ва хипча бел эди. Унинг лаблари қизил, узун ташлаб кўйилган сочлари ва чиройли сирғалари гўзал юзининг чиройини яна ҳам ошириб турарди. Унинг бўйнида ажойиб қимматбаҳо маржон ярқираб турарди. Ўзининг гўзаллиги, сарвкомат нафис танаси билан Рукмини худди рассом мукамал яратган асарга, шоирлар ўз шеърларида таърифлайдиган соҳибжамолга ўхшарди. Рукминининг кўкраги баланд бўлиб, унинг ҳали жуда ёш, энди ўн уч-ўн тўрт ёшга чиққанидан далолат бериб турарди. Унинг гўзаллиги Кришнанинг эътиборини тортишга мўлжалланган эди. Шахзодалар унинг чиройли жамолидан кўз узолмай турган бўлишига қарамай, у бундан заррача бўлса ҳам мағрурланмасди. У бегуноҳ содда қизларга хос майин табассум билан оҳиста қадам ташлаб борар, унинг оппоқ тишлари чиройли нилуфар гулларини эслатарди. Рукминининг кўзлари хавотир ичида атрофдаги одамлар орасидан ўзига қадрдон, таниш сиймони изларди. Кришна уни истаган вақтда олиб кетиши мумкинлигини кутганча у оҳиста қадамлар билан сарой томонга тобора яқинлашиб борарди. Унинг қадамлари оққушларнинг ҳаракатидай чиройли, силлиқ, оёларидаги кўнғироқчалар майин овоз чиқариб жиринглаб борарди.

Аввал айтганимиздай шу ерга тўпланган жасур шахзодаларнинг ҳаммаси унинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб қолганидан, ҳушидан кетишига оз қолган эди. Шаҳвоний эҳтиросга берилиб улар умидсиз ҳолда Рукминининг кўлини истар, ўзларининг гўзаллигини унинг гўзаллиги билан солиштирардилар. Аммо Шримати Рукминини уларнинг бирортаси ҳам заррача бўлса ҳам қизиқтирмасди; у қачон Кришна келиб уни олиб кетишини бутун қалби билан орзиқиб кутиб борарди. Чап кўлидаги узугини тўғрилаш баҳонаси билан, у тасодифан шахзодалар тарафга кўз таш-

лади ва Кришна ҳам уларнинг орасида турганини кўриб қолди. Гарчи Рукмини аввал ҳеч қачон Кришнани кўрмаган бўлса ҳам, у ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юрарди; шунинг учун у ҳеч қийналмасдан шахзодалар орасидан Уни дарров таниб олди. Кришна бошқа шахзодаларга эътибор ҳам бермасдан, пайдо бўлган имкониятдан фойдаланиб, Рукминини тепасида Гаруданинг расми ясалган байроқ хилпираб турган жанг аравасига ўтказди. Кейин У ҳеч нарсадан хавотирга тушмасдан, худди арслон бўрилар даврасидан ўлжа қийикни олиб чиққанидай, Рукминини олиб, аста-секин олға ҳаракат қила бошлади. Айни пайтда шу ерда Йадавалар сулоласининг кўшини билан Балорам ҳам пайдо бўлди.

Кришна билан жангда бир неча марта мағлубиятга учраган Жарасандха, ғазабланиб бакириб юборди: "Нималар бўляпти ўзи? Кришна ҳеч қандай тўсқинликка учрамасдан Рукминини олиб кетяпти! Бизларнинг камон ва пайконлар осиб олган жангчи деган обрўйимиз қаерда қолди? Ҳой, шахзодалар, нимага қараб турибсизлар! Бу бизларнинг шаънимизга тўғри келмайди. У худди арслон олдидан ўлжани олиб кетаётган бўрига ўхшайди!"

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Кришнанинг Рукминини ўғирлаши" деб аталадиган эллик иккинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

53. Кришнанинг ҳамма шахзодаларни мағлуб қилиб Рукминини Дваракага олиб кетиши

Жарасандха бошлиқ шу ерга тўпланган шахзодаларнинг барчаси қаттиқ ғазабланиб, Рукминини олиб кетаётган Кришнага ташландилар. Улар Рукминининг беқиёс гўзаллигига махлиё бўлиб ким от устидан, ким фил устидан йиқилиб тушган эди, энди эса шоша-пиша ўринларидан туриб қуроқлана бошладилар. Қўлларига камон ва пайконларини олиб, жанг араваларида, филлари ва отларида Кришнанинг изидан кува бошладилар. Уларнинг ҳужумини тўхтатиш учун Йадавалар сулоласининг кўшини жасорат билан уларнинг олдини тўсди. Икки қарама-қарши кўшин ўртасида қаттиқ жанг бошланиб кетди. Кришнага қарши жанг қилаётган шахзодаларга Жарасандха бошчилик қиларди. Уларнинг ҳаммаси жанг қилиш санъатини пухта эгаллаган тажрибали жангчилар эди. Худди булутларнинг тоғ ён бағрига қуядиган бетиним ёмғирлари сингари улар ҳам Йадавалар кўшини устига тинимсиз пайконлар ёмғирини ёғдирдилар. Тоғ устида туриб қолган булутлар деярли бир жойда қимирламай турадилар, шунинг учун тоғлардаги ёмғир бошқа жойдаги ёмғирларга қараганда анча кучли бўлади.

Рақиб томондаги шахзодалар Кришнани мағлуб қилиб, Унинг қўлидан Рукминини тортиб олишга жон-жаҳди билан тиришар эдилар, шу боис улар бор имкониятини ишга солиб Кришна билан бешафқат жанг олиб борардилар. Кришнанинг ёнида жанг аравасида ўтирган Рукмини Йадава жангчилари устига душман томон ёғдираётган бетиним пайконлар ёмғирини кўриб турарди. У қаттиқ қўрқиб кетиб, ўзини деб шунчалик хатарли ишга қўл ургани учун жуда миннатдор бўлиб Кришнага қараб турарди. У худди ўзини айбдор ҳис қилгандай бўлиб, қўрқиб кўзларини ерга тикди; унинг қалбида кечаётган гапларни билган Кришна шу заҳотиёқ уни овута бошлади: "Азизим Рукмини, ташвишланма! Ишончинг комил бўлсинки, Йадавалар сулоласининг кўшини рақиблар кўшинини бир пасда албатта мағлуб қилади!"

Кришна Рукмини билан суҳбатлашиб турар экан, Йадавалар кўшинининг одамлар Санкаршана, Гададхара деб ҳам атайдиган Парвардигор Балорам бошлиқ саркардалари рақиб томон жангчиларининг аҳмоқона ҳаракатларига чидаб туролмай, уларнинг жанг араваларига, филларига ва отларига кучли камонлар ёмғирини ёғдирдилар. Жанг тобора кизиби борарди, рақиб томоннинг жангчилари, шахзодалар бирин-кетин жанг аравасидан, фил ва отларидан қулай бошладилар. Орадан кўп вақт ўтмай танасидан жудо бўлган, тож кийиб сирға осилган каллалар бутун жанг майдонини босиб кетди. Жангчиларнинг қўллари қаттиқ ушлаб турган камонлари, гурзилари, пайконлари билан бирга кесиб ташланган эди; каллалар каллалар устида, отлар отлар устида қалашиб ётарди. Пиёда аскарларнинг ҳаммаси ўзларининг туялари, филлари ва эшаклари билан бирга боши танасидан жудо бўлиб ерда ястаниб ётарди.

Жарасандханинг жангчилари Кришнанинг кўшинидан мағлуб бўлаётганини сезиб, Шишупала учун ўзларини хатарга қўйиб яна бутунлай мағлуб бўлиш ғирт нодонлик бўлади деб ўйлай бошладилар. Кришнанинг қўлидан Рукминини тортиб олиш учун Шишупаланинг ўзи жанг қилиши лозим эди, аммо жангчилар Шишупалада Кришнага қарши жанг қилиш учун етарли бўлган жасорат ҳам, куч ва маҳорат ҳам йўқлигини кўриб, бекорга ўзларининг кучини сарфламасликка қарор қилдилар; шу боис улар жанг қилишдан тўхтаб, ҳар томонга қоча бошладилар.

Баъзиб бир шахзодалар ҳурмат юзасидан Шишупаланинг олдига келдилар. Улар Шишупалани худди хотинидан айрилиб қолган одамдай тушкунликка тушиб ўтирган ҳолда учратдилар. Гўё унинг юзи қуриб қолгандай эди, терисининг ранги сўниб, мадори қуриган эди. Шахзодалар Шишупалага шундай сўзлар билан мурожаат қилдилар: "Эй ҳурматли Шишупала, хафа бўлма! Сен шоҳ оиласидан чиққан зотсан, сен - жангчилар сардорсан. Сендай одамни бахт ва мусибат

деган нарсалар ташвишга солмаслиги керак, чунки бундай ҳолатларнинг бирортаси мангу қоладиган ҳолатлар эмас. Бардам, чидамли бўл! Бу ўткинчи мағлубият сени тушкунликка солмасин. Охир-оқибатда ҳаётда рўй берадиган ҳамма нарса бизнинг ихтиёримизда эмас; масхарабознинг кўлидаги кўғирчоққа ўхшаб, бизлар ҳаммамиз ҳам Парвардигорнинг кўлида Унинг амри билан раксга тушиб яшайдиган зотлармиз. Фақат Парвардигорнинг марҳамати билан бизлар ҳаётда турли бахт ва мусибатларга дучор бўлиб юрамиз, шунинг учун бизлар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзларимизни кўлга олиб, хотиржам қолишимиз лозим".

Бундай ачинарли ҳолатнинг юзага келишига сабабчи одам Рукминининг ҳасадгўй акаси Рукми эди. Синглисининг кўлини Шишупалага ваъда бериб қўйгандан кейин, Кришна уни куч билан тортиб олиб кетаётганини кўриб, Рукми барча умидлари пучга чиқаётганини сизди. Шунинг учун у ҳам, унга куёв бўлиши керак бўлган Шишупала ҳам ўз жойларига қайтдилар. Қаттиқ ғазабланган Рукми ўзи бориб Кришнанинг яхшилаб таъзирини бериб қўймоқчи бўлди. У дарров ўзининг шахсий кўшинини - бир неча минг филлар, отлар, жанг аравалари ва пиёда аскарлардан иборат жангчиларини тўплади-да Кришнанинг изидан Дваракага йўл олди. Жангдан қайтиб келаётган шахзодалар олдида ўзини кўрсатиш учун Рукми уларга мақтаниб гапира бошлади: "Сизлар Шишупаланинг синглим Рукминига уйланишига ёрдам беролмадинглар, лекин мен уни Кришна олиб кетишига йўл қўймайман. Мен албатта Унинг таъзирини бериб қўяман. Мен шу ёққа кетяпман!" У ўзини жасур саркарда деб ҳисобларди, шу боис шу ерга тўпланган барча шахзодалар олдида қасам ичиб сўз берди: "Агар мен жангда Кришнани ўлдириб, синглимни Унинг кўлидан тортиб, қайтариб олиб келмасам, мен бу пойтахт шаҳар Кундинага қайтиб келмайман. Мен сизларнинг олдингизда бунга қасам ичаман. Кўрасизлар мен албатта сўзимнинг устидан чиқаман!" Шундай маҳмадона гапларни айтиб, Рукми аравага сакраб чиқдида, жиловдорга аравани Кришнанинг изидан ҳайдашни буюрди. У шундай деди: "Мен ҳозироқ У билан жанг қилмоқчиман. Бу подачи болакай кшатрийлар билан жанг қилишда Ўз маҳорати билан жуда мағрурланиб кетяпти, лекин мен бугун яхшилаб Унинг таъзирини бериб қўяман. У менинг синглимни олиб қочишга журъат қилди, мен ўзимнинг аниқ нишонга тегадиган пайконларим билан Унга яхшилаб сабоқ бериб қўяман!" Шундай қилиб, аслида Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна кучи, қудрати, кароматлари қандайлигидан беҳабар бўлган нодон Рукми Унга қараб шундай ҳақоратомуз гаплар айтарди.

Ўзининг аҳмоқлиги сабабли, орадан кўп вақт ўтмай у Кришнанинг олдида пайдо бўлиб, Унга шундай деб кичқирди: "Бир пас тўхта, мен билан жанг қил!" Шундай деб у камонига пайкон

қистириб, Кришнани нишонга олиб зарб билан учта пайкон йўллади. Кейин у Кришнани "Йадавлар сулоласининг энг ярамас аъзоси" деб ҳақоратлаб, Унинг яхшилаб таъзирини бериб қўйиш учун ҳозироқ шу ерда тўхташни буюрди: "Сен худди қурбонлик маросимига тайёрланган сариёғни ўғирлаган қарғадай, менинг синглимни ўғирлаб олиб кетяпсан. Сен Ўзининг ҳарбий қудратинг билан жуда мағрурланиб кетгансан, аммо Ўзинг адолат билан ҳаққоний жанг олиб бора олмайсан. Сен менинг синглимни ўғирлаб олиб кетяпсан, мен ҳозир Сени бундай сохта манманликдан халос этаман. Токи мен ўзимнинг ўткир пайконларим билан Сени ер тишлатгунча синглимга эгалик қилиб туришинг мумкин".

Рукмининг бундай аҳмоқона гапларини эшитиб туриб, Кришна бир пайкон йўллаб, бошқа пайкон йўллай олмаслиги учун Рукмининг камонининг ипини узиб ташлади. Рукми дарров бошқа камон олиб Кришнага қараб яна беш пайкон йўллади. Кришна яна пайкон йўллаб унинг бу камонининг ипини ҳам узиб ташлади. Рукми учинчи камонни қўлига олди, аммо Кришна шу заҳотиёқ пайкон йўллаб, яна унинг камонининг ипини узиб ташлади. Рукмининг таъзирини бериб қўйиш учун Кришна унга қараб олти пайкон йўллади, кейин яна саккиз пайкон йўллаб, уларнинг тўрттаси билан Рукмининг тўртта отини, бешинчи пайкони билан жиловдорини ўлдирди. Қолган уч пайкон билан эса, Рукмининг жанг аравасининг устки қисмини байроғи билан бирга яксон қилиб ташлади.

Рукмининг барча камонлари тамом бўлган эди, шунда у яккама-якка жанг қилиш учун қилич, қалқон, санчқи, найза ва бошқа қуролларга ташланди, аммо Кришна шу заҳотиёқ пайкон йўллаб уларнинг ҳаммасини чил-парчин қилиб ташлади. Ўзининг барча уринишлари барбод бўлгандан кейин Рукми қўлига қилич олиб, худди оловга қарши бораётган чивиндай, Кришнанинг ёнига чопиб борди. Рукми ёнига яқинлашиб келган заҳоти Кришна унинг қўлдигаи қуролини бўлақларга бўлиб ташлади. Кейин Кришна қўлига қилич олиб, шу ерда уни ўлдириб ташламоқчи бўлди, аммо Рукмининг синглиси Рукмини, энди Кришна акасини аяб ўтирмаслигини тушуниб, дарров Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига йиқилди ва кўркувдан дағ-дағ титраганча зорланиб бўлғуси эрига илтижо қила бошлади.

Аввалига Рукмини Кришнага Йогешвара деб мурожаат қилди. Йогешвара дегани "англаб бўлмас улуғворлик ва сеҳрли қудратлар соҳиби" деган маънони билдиради. Кришна ҳақиқатан ҳам англаб бўлмас улуғворлик ва қудратлар соҳиби, Рукминининг акасининг ҳарбий қудрати, кучи эса чекланган. Кришнанинг қудратини ўлчашнинг иложи йўқ, Рукмининг эса ҳаётдаги ҳар бир қадамини ўлчаш, санаш мумкин. Шунинг учун Кришнанинг чексиз қудрати олдида Рукмининг қудратини ҳатто кўринмас ҳашаротга

хам киёслаб бўлмасди. Рукмини Кришнага "Худо-ларнинг Худоси" деб ҳам мурожаат қилди. Оламда Тангри Браҳма, Тангри Шива, Индра(осмон фариштаси), Чандра(Ой фариштаси) ва Варуна(сув фариштаси) сингари жуда кўп кудратли фаришталар мавжуд, аммо Кришна - ана шу фаришталарнинг ҳаммасининг олий Хукмдоридир. Рукминининг акаси Рукми эса, шунчаки оддий одамгина бўлиб қолмасдан, одамлар ичида энг пасткаши эди, чунки у аслида Кришна ким эканлигини ҳам тушунмасди. Бошқача қилиб айтганда, Худони танимайдиган, Кришнанинг, ягона Парвардигорнинг ким эканини билмайдиган имонсиз одам маданиятли инсонлар яшайдиган жамиятнинг энг қуйи поғонасида юрган ғофил одам ҳисобланади. Кейин Рукмини Кришнани *Махабхуджа* деб атади, бу иборанинг маъноси "тенгсиз куч-қудратга эга бўлган Зот" деганни англатади. Шунингдек Рукмини Кришнага *Жагатпати*, яъни "бутун космик борлиқнинг ҳукмдори" деб ҳам мурожаат қилди. Унинг олдида Рукминининг акаси Рукми шунчаки оддий бир шаҳзода эди.

Шу тариқа Рукмини акаси Рукмининг ҳолатини Кришнанинг ҳолати билан таққослаб солиштирди ва чуқур самимият билан Кришнадан уни кечиришни, У билан турмуш қурмоқчи бўлаётган шундай шодиёна бир кунда акасини ўлдирмасликни илтимос қилди. Бошқача қилиб айтганда, у ўзининг ҳақиқий аёлларга хос табиатини намойиш этганди. У бошқа биров билан никоҳдан ўтиши муқаррар бўлиб турган бир пайтда ҳозир Кришна билан никоҳ қуришга тайёрланаётганидан жуда бахтиёр эди, аммо бунинг учун ўзининг кадрдон акасидан айрилишни истамас эди, охир оқибатда акаси ҳам синглисини қаттиқ яхши кўрар, шу боис у ўз фикрига кўра синглисини энг муносиб кишига унаштиришга ҳаракат қилган эди. Рукмини Кришнадан акасининг ҳаётини сақлаб қолишни илтимос қилганида, унинг бутун вужуди дағ-дағ титраб турар, ҳаяжон ва қўрқувдан юзлари қуриб кетгандай бўғилиб гапирар, титраганидан танасидаги тақинчоқлар ечилиб ерга сочилиб кетган эди. Парвардигор Кришна унга раҳми келиб, аҳмоқ Рукмини ўлдирмасликка рози бўлди, лекин айни пайтда уни озгина жазолаб қўймоқчи бўлди, шунинг учун уни мато билан боғлаб қўйдида, унинг мўйловини, соқолини, сочларини чала-чулпа қилиб олиб ташлади.

Шу тариқа Кришна Рукмини сазойи қилиб, адабини бериш билан овора бўлиб турганида Йадавалар сулоласининг Балорам бошчилик қилаётган жангчилари, худди сувда чўмилаётган фил нилуфар гулларини узиб ташлагани сингари, Рукмининг қўшинини осонлик билан яқсон қилдилар. Бошқача қилиб айтганда, худди фил чўмилаётган нилуфар гулини янчиб ташлаганидай, Йадавалик жангчилар ҳам Рукмининг жангчиларини янчиб ташладилар.

Йадаваларнинг саркардалари Кришнанинг олдида келганида Рукмининг қандай аҳволга тушиб қолганини кўриб хайратга тушдилар. Айниқса Парвардигор Балорам эндигина укасига турмушга чиққан келинига жуда ачиниб кетди. Рукминининг кўнглини кўтариш учун Парвардигор Балорамнинг ўзи Рукмининг оёқ қўлларини ечиб ташлади, Рукминининг кўнглини яна ҳам кўтариш учун, Балорам акаси сифатида Кришна бир неча аччиқ гаплар билан қойиб ташлади: "Ҳой Кришна, бу қилган ишинг Сенга умуман ярашмайди, - деди У, - Бундай аҳмоқона ишлар Бизларнинг оилавий урф-одатларимизга мутлақо тўғри келмайди. Одамнинг сочини олиш, соқол-мўйловини қириб ташлаш - уни ўлдириш билан баробар. Рукми аввал ким бўлганидан қатъий назар энди у Бизларга қариндош бўлади, Сен уни асло бундай аҳволга солмаслигинг керак эди".

Кейин Рукминини овутиш учун Парвардигор Балорам унга шундай деди: "Акангнинг бу аҳволини кўриб қаттиқ қайғурма. Бу ҳаётда ҳар бир инсон ўзининг аввалги ҳаётидаги қилмишларига яраша ё лаззатланиб яшайди ё жазосини олиб мусибат чекади". Парвардигор Балорам Рукминига акаси ҳозир ўзининг аввалги ҳаётида қилган гуноҳ ишлари учун мусибат чекаётгани учун унга ачиниб қийналишнинг умуман ҳожати йўқлигини уқтирмоқчи бўлаётган эди. Бундай акага қаттиқ меҳр қўйишнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Парвардигор Балорам яна Кришнага юзланиб шундай деди: "Азизим Кришна, агар бирор оғир гуноҳ қилишда айбдор бўлиб, ўлимга лойиқ бўлса ҳам, қариндошнинг айбини кечириш керак. Чунки агар қариндошинг ўз гуноҳини англаб етса, шунинг ўзи унинг учун ўлимдан ҳам қаттиқроқ жазо бўлади. Шунинг учун уни ўлдиришнинг ҳожати йўқ". Балорам яна Рукминига юзланиб, унга айтдики, инсонлар жамиятида кшатрийларнинг вазифаси шундайки, жангда кшатрийнинг туққан акаси ҳам рақиб томонда бўлиб, унга қарши жанг қилиши мумкин. Шунда кшатрий ҳеч иккиланмасдан ўз акасини ўлдиради. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор Балорам Рукминига тушунтирмоқчи эдики, гарчи бир бирига қариндош бўлса ҳам, жанг пайтида бир-бирига раҳм қилмасдан Кришна ҳам, Рукми ҳам тўғри иш қилганлар. Балорам Рукминига тушунтиришда давом этиб айтдики, кшатрийлар дунёвий, моддий ҳаёт тимсолидирлар; дунёвий, моддий нарсалар ҳақида гап кетган захоти улар жуда мағрурланиб кетадилар. Шунинг учун салтанат, ер, бойлик, аёллар, обрў ёки ҳокимият таллашиб икки жангари кшатрий бир-бири билан жангга кирганида, улар бир-бирига иложи бори-ча кўпроқ зарар етказишга ҳаракат қиладилар. Балорам Рукминига тушунтирдик, унинг шунча одамлар билан рақиб бўлган акаси Рукмига бўлган муҳаббати аслида оддий дунёвий одамлардаги сингари жирканч, арзимас туйғу эди. Агар Рукмининг бошқалар билан бўлган муносабатларини олиб қарайдиган бўлсак, акасининг

хулқ-атвори ҳеч қандай мақтовга лойиқ эмасди, аммо барибир оддий аёл бўлгани учун Рукмини барибир акасини яхши кўрарди. Рукми Рукмини-нинг акаси бўлишга муносиб эмасди, шунга қарамай Рукмини унга нисбатан меҳрибон, ғамхўр сингил эди.

"Бунинг устига - давом этди Балорам - одатда ҳаётга фақат тана нуқтаи-назаридан қарайдиган нотўғри тасаввурга эга калтафаҳм одамларгина бировларнинг ўзига бўлган муносабатига катта эътибор бериб, бошқаларни ўзига дўст ёки душман деб биладилар. Ана шундай ақлсиз одамларни Парвардигорнинг алдамчи қуввати адаштириб қўяди. Қандай кўринишдаги моддий тана ичида бўлмасин жон, руҳ ҳамиша ўзининг пок руҳий ҳолатини сақлаб қолаверади, аммо етарлича фаросатга эга бўлмаган калтафаҳм кишилар тирик мавжудотларни илмли ва илмсиз, бой ва камбағал, хайвон ёки одам деб, фақат уларнинг пок руҳларини вақтинча ўраб олган таналари орасидаги фарқнигина кўра оладилар. Фақат таналарнинг хусусиятини эътиборга оладиган бундай фарқлар худди қандай ўтин ёнаётганига қараб ҳар хил кўринишдаги оловларнинг алангаси орасида фарқ бор деганга ўхшайди. Ўтиннинг ўлчами ва кўриниши ҳар хил бўлиши мумкин, аммо улардан чиқаётган оловнинг ўлчамлари ва кўриниши орасида ҳеч қандай фарқ бўлмайди. Худди шундай осмонларнинг ҳам бир-биридан ҳеч қандай фарқи бўлмайди".

Шундай қилиб, Балорам уларни ўзининг насиҳатлари билан овутиди. У шундай деди: "Бу моддий тана моддий оламнинг бир қисми, холос. Тирик мавжудот, яъни руҳ, модда билан қўшилиб, алдамчи лаззат ҳис қилиш учун бир танадан иккинчи танага ўтиб юради, мана шуни "моддий ҳаёт" деб атайдилар. Тирик мавжудот моддий олам билан қўшилгани, унинг ичида турли фаолият кўрсатгани билан ҳеч қачон ўзи унга қўшилиб ёки емирилиб йўқ бўлиб кетмайди. Эй азиз покдомон келин, худди нурнинг, кўриш қобилиятининг ва моддий оламнинг мавжудлигига қуёш сабабчи бўлгани сингари, албатта руҳ, яъни жон мана шу моддий тананинг мавжудлигига сабабчи бўлади. Тирик мавжудотнинг бу моддий олам билан қандай аралашганини тушунтириш учун қуёшнинг бу моддий борлиққа бўлган муносабати ёрқин мисол бўла олади. Эрталаб қуёш чиқади, унинг иссиқлиги ва нури бутун кун давомида аста-секин ҳамма жойга таралади. Қуёш - ҳамма моддий кўриниш ва киёфаларнинг сабабчиси, чунки қуёшнинг шарофати билан моддий унсурларнинг бир-бирига қўшилиш ва айрилиш (анализ ва синтез реакциялари)жараёнлари рўй беради. Аммо қуёш ботган заҳоти бутун борлиқ бошқа тарафга ўтиб кетган қуёш билан умуман боғлиқ бўлмай қолади. Қуёш ғарбий ярим шардан шарқий ярим шарга ўтганида, ғарбий ярим шарда қуёш нури сабабли бўлиб ўтган жараёнлар сақланиб қолади, аммо қуёшнинг ўзи аллақачон шарқий ярим шарда

бўлади. Худди шундай тирик мавжудот ҳам ҳар хил таналарни қабул қилади ёки яратади, ҳар хил вазиятларда тана билан боғлиқ бўлган ҳар муносабатлар ўрнатади, аммо ҳозирги танасини ташлаб бошқа бир тана олган заҳоти у ўзининг аввалги танаси билан бўлган ҳамма нарсани бутунлай эсидан чиқариб юборади. Худди шундай тирик мавжудотнинг оладиган навбатдаги танаси билан ҳам унинг ҳеч қандай алоқаси бўлмайди. Тирик мавжудот бу моддий тана иллатига булғанишдан ҳамиша пок ҳолда қолаверади. Шундай қилиб, худди оининг каттайиш ва кичрайиш жараёнлари оининг ўзига ҳеч қандай алоқаси бўлмагани сингари, тананинг пайдо бўлиши ва яна йўқолиб кетишининг ҳам тирик мавжудотга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ой тўлишаётганда бизлар адашганимиздан уни "катталашяпти" деб ўёлаймиз, ой кичраяётганда эса "ой йўқолиб боряпти" деб ўйлаймиз. Аслида эса, ой ҳеч қачон ўзгармай қолаверади; унинг каттайиш ёки кичрайишга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Тирик мавжудотнинг моддий тирикликдаги онгини, ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурини уйқу ҳолати ва тушлар билан қиёслаш мумкин. Одам ухлаганида аслида умуман ҳақиқат бўлмаган ҳар хил воқеалар рўй бераётгандай туюлади, лекин шунга қарамай барибир у буларни рост деб ўйлаб, тушида қийналади ёки қувонади. Худди шундай инсон ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлиб яшаганида, бу дунёда бирор тана олиб яна шу танани ташлаб кетганида қаттиқ қийналади. Ҳаёт ҳақида бундай нотўғри, хато тасаввурга қарши ҳаёт ҳақида ҳақиқий тасаввур, ҳақиқий онг, Кришна онги мавжуд. Бошқача қилиб айтганда, инсон ўз фаросати, тафаккури билан тана билан руҳ орасидаги фарқни, Худони, Кришнани англай олиш даражасига етганида ҳаёт ҳақидаги нотўғри, сохта тасаввурлардан бутунлай халос бўлади".

Шри Балорам шу тариқа Рукмини билан Қришнага руҳий илмдан насиҳатлар берди. У ўзининг келинига шундай сўзлар билан мурожат қилди: "Эй ширин табассумли нозик Рукмини, ғофиллик сабабли юзага келадиган сабаблар сенинг кайфиятингни асло бузмасин. Ҳаёт ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлгани сабаблигина инсон ўзини бахтсиз ҳис қилади, аммо ҳаёт ҳақида ҳақиқий тасаввур ҳақида мулоҳаза юритиш, муҳокама қилиш орқали бундай бахтсизликни дарров бартараф қилиш мумкин. Ҳаёт ҳақида ана шундай тўғри тасаввурда бўлиб, сен бу ҳаётда ҳамиша бахтиёр яша!"

Шри Балорамнинг ана шундай таъсирли илоҳий насиҳатларини эшитиб, акасининг шундай ачинарли аҳволга тушиб қолганидан қаттиқ изтироб чекиб турган Рукмини шу заҳотиёқ қалбида ғайритабиий осойишталик, хотиржамлик ҳис қилди. Рукми эса ўз сўзининг устидан чиқа олмади, унинг ниятлари амалга ошмай қолди. У уйдан шунча қўшин билан Кришнани мағлуб қилиш ва синглисини озод қилиш учун

келган эди, лекин бунинг ўрнига бутун қўшинидан айрилди, унинг ўзини қаттиқ ҳақоратладилар. Бу бўлиб ўтган ишлардан у ҳозир қаттиқ изтироб чекарди; аммо Парвардигор марҳамат қилиб унинг яна анча вақт тирик қолишига имкон берди. Кшатрий бўлгани учун Рукми ўзининг "Кришнани ўлдириб, синглимни озод қилмасдан пойтахтга қайтиб келмайман!" - деб берган ваъдасини унутмаган эди, аммо у ваъдасининг устидан чиқолмади; шунинг учун у ғазаби қайнаб, пойтахтга қайтиб бормасликка аҳд қилди, шунинг учун Бходжаката деган қишлоқда ўзига кичкина уй қуриб, умрининг охиригача шу ерда яшаб қолди.

Рақиб томоннинг барча қўшинларини мағлуб қилиб, Кришна куч билан Рукминини олиб пойтахт шаҳри Дваракага келди, кейин ведавий муқаддас китобларнинг қонун-қондаси асосида у билан никоҳ маросимидан ўтди. Ана шу маросимдан кейин Кришна Дваракада Йадавалар шоҳи бўлди. Унинг Рукмини билан никоҳ маросимидан ўтганидан бутун Дварака аҳолиси жуда хурсанд бўлди, бу воқеа шарафига ҳар бир хонадонда байрамона тантана бўлиб ўтди. Дварака аҳолиси шу қадар мамнун эдиларки, уларнинг ҳаммаси янги, энг чиройли либосларини кийиб, турли безакларини тақиб ҳар ким ўз имкониятига қараб янги оила қурган Кришна билан Рукминига бирор совға инъом этиш учун йўл олдилар. Йадупури(Дварака)нинг ҳар бир хонадони байроқчалар, гулчамбарлар, гуллар билан безатилган эди. Шодиёна муносабати билан ҳар бир уйда арка қурилиб, арканинг ҳар томонида сув тўла катта кўза қўйилган эди. Бутун шаҳар энг нафис мушк-анбарлар ҳидига тўлдирилган, кечаси эса бутун шаҳарни ҳар бир уйда ёқилган минглаган шамчироклар ёритиб турарди.

Парвардигор Говинда билан Рукминининг никоҳ тўйи муносабати билан бутун шаҳар аҳли хурсандчилик қилиб яйрарди. Шаҳарни кўплаган банан дарахтлари ва бетел дарахтлари безаб турарди. Бу икки дарахт ҳар хил қувончли маросимларни ўтказишда жуда шарофатли дарахтлар ҳисобланади. Шаҳарга Йадавалар билан дўстона муносабатда бўлган қўшни шоҳларни олиб келган жуда кўп филлар тўпланган эди. Филлар табиатан жуда шўх, ўйинқароқ бўладилар, шу боис кўзига бирор кўчат кўринса, эрмак учун уни кўпориб олиб улоқтириб ташлашга ҳаракат қиладилар. Тўй баҳонаси билан шаҳарга тўпланган филлар ҳам бетел ва банан дарахтларини кўпориб, ҳар ёққа ташладилар, ҳар ерда бундай шарофатли дарахтлар сочилиб ётган шаҳар жуда чиройли кўринарди.

Итифоқдош шоҳлар бўлган Куру ва Пандавлардан бу ерда Бхишма, Дхритараштра, беш Пандузода, шоҳ Друпада, шоҳ Сантардана, Рукминининг отаси Бхишмака бор эди. Кришнанинг Рукминини куч билан олиб кетиши аввалига икки шоҳона оила орасидаги муносабатларга бироз совуқлик солди, аммо Шри Балорам ва бошқа

кўплаган авлиё одамларнинг аралашуви сабабли Видарбха шоҳи Бхишмака Кришна билан Рукминининг никоҳ маросимида қатнашишга розилик билдирди. Гарчи Кришнанинг Рукминини ўғирлаб кетиши Видарбха салтанатига унча шодлик келтирмаган бўлса ҳам, бундай ҳодисалар кшатрийлар орасида ғайритабиий ҳол эмасди. Аслини олганда кшатрийлар уйланганда деярли ҳамиша ўзининг бўлғуси хотинларини ўғирлаб олиб кетганлар. Ҳар ҳолда шоҳ Бхишмака аввалданок ўзининг соҳибжамол кизини Кришнага беришни орзу қилиб юрарди. Барибир, қандай йўл билан бўлса ҳам ҳозир унинг ўша орзуси ушалган эди, шу боис у тўнғич ўглининг жангда мағлуб бўлгани ва шарманда қилинганига қарамай, Кришна билан Рукминининг никоҳ тўйида жон деб иштирок этишга рози бўлган эди. "Падма пурана"да ёзилганки, Нанда Махараж ва Вриндаванлик подачилар ҳам бу никоҳ тўйида иштирок этганлар. Никоҳ маросимида қатнашиш учун Курулар, Сринжай, Кекайя, Видарбха ва Кути давлатларининг шоҳлари ўзларига муносиб тантана ва дабдаба билан Дваракага кириб келдилар.

Кришнанинг Рукминини ўғирлаш тарихини таърифлаб шоирлар ажойиб шеърлар ёздилар, моҳир воизлар бу шеърларни ҳамма жойда ифодали ўқиб юрдилар. Бу ерга тўпланган шоҳларнинг ҳаммаси, айниқса уларнинг қизлари Кришнанинг кўрсатган қаҳрамонлиги ва жасорати ҳақидаги ҳикояларни тинглаб жуда хурсанд ва мамнун бўлдилар. Шундай қилиб, барча меҳмонлар ва Дварака аҳолиси Кришна билан Рукминини бирга кўрганидан хурсанд эдилар. Бошқача қилиб айтганда, ҳар кимни кўллаб қувватлаб, тириклигини таъминлаб турадиган Парвардигор ва равнақ фариштаси бирга қўшилдилар, бундан бутун халқ хурсанд эди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Кришнанинг ҳамма шахзодаларни мағлуб қилиб Рукминини Дваракага олиб кетиши" деб аталадиган эллик учинчи бобида Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.

54. Кришна билан Рукмини фарзанд кўрадилар

Айтишларига қараганда, Парвардигор Васудеванинг ажралмас бир қисми бўлган севги фариштаси, бир пайтлар Тангри Шиванинг ғазабига учраб бир парча кулга айлангандан кейин Рукмини билан Кришнанинг ўгли бўлиб дунёга келган. Жаннатий сайёралардан ерга ташриф буюрган ана шу фаришта Камадева жуда усталлик билан одамнинг шахвоний эҳтиросини уйғота олади. Худонинг Олий Шаҳси Парвардигор Кришнанинг ажралмас руҳий заррачалари бўлган тирик мавжудотлар ҳар хил тоифада бўладилар,

аммо Кришнанинг тўрт асосий экспансияси - Васудева, Санкаршана, Прадйумна ва Анируддха - бевосита Вишну-таттва тоифасига мансуб тирик мавжудотлардир. Каманинг, яъни кейинчалик Рукмини қорнидан дунёга келган севги фариш-тасининг исмини ҳам Прадйумна деб қўйдилар, аммо бу Прадйумна Вишну тоифасига мансуб Прадйумна эмас. У жива-таттва тоифасига мансуб, лекин фаришталар ичида алоҳида қудратга эга бўлган ҳолда, у - Прадйумнанинг олий жасо-ратининг бу дунёда қисман намоён бўлган тим-соли эди. Олти Госвамининг якуний хулосаси шундан иборат. Шундай қилиб, Тангри Шива-нинг ғазабига учраб бир сиқим кулга айланган-дан кейин севги фариштаси Васудеванинг тана-сига қўшилиб кетди, у яна бошқа бир танага эга бўлиши учун Парвардигор Кришнанинг Ўзи уни Рукминининг қорнига жойлаб тана ато этди. У энди Кришнанинг ўғли сифатида туғилиб, бу ду-нёда Прадйумна деган ном билан шуҳрат қозонди. Отаси Парвардигор Парвардигор Кришнанинг Ўзи бўлгани учун у ўзининг барча фазилатлари, сифатлари билан Кришнага жуда ўхшаб кетарди.

Ўша пайтларда Шамбара деган бир иблис яшарди, унинг тақдирига Прадйумнанинг кўлидан ҳалок бўлиш ёзилган эди. Иблис Шам-бара ўз тақдирдан хабардор эди, шу боис Прадйумна туғилганидан хабар топган заҳоти бир аёл қиёфасига кирди-да, ҳали туғилганига ўн кун ҳам бўлмаган чақалокни бешиқда ухлаб ёт-ган жойидан ўғирлаб кетди. Иблис чақалокни олиб бориб денгизга улоқтирриб юборди. Аммо маълумки, *ракхе кришна маре ке, маре кришна ракхе ке*, яъни "Кришна ҳимоя қилган одамни ҳеч ким ўлдиролмайди, Кришна ўлдирмоқчи бўлган одамни ҳеч ким ҳимоя қила олмайди". Иблис Прадйумнани денгизга ташлаган заҳоти болани бир катта балиқ ютиб юборди. Кейин шу балиқ бориб бир балиқчининг тўрига илиниб қолди. Балиқчи эса балиқни тутган заҳоти иблис Шамбарага сотди. Шамбаранинг ошхонасида Майавати деган бир аёл ишларди. Аввалги ҳаётида бу аёл Каманинг хотини бўлган эди, шунда уни Рати деб атардилар. Иблис Шамбара-га янги тутилган балиқ олиб келганларида, иб-лисга балиқдан ширин таом тайёрлаб бериш учун ошпаз балиқни тозалашга киришди. Иблис-лар ва рақшаслар одатда гўшт, балиқ ва шу каби тирик жониворларнинг жасадини ейишни яхши кўрадилар. Гарчи браҳман ва кшатрийлардан ду-нёга келган бўлсалар ҳам, Равана, Камса ва Хи-ранйакашипу сингари иблислар ҳеч тортиниб ўтирмасдан ҳар қандай ҳайвон гўштани еб кета-верардилар. Бундай ҳолат Ҳиндистонда ҳали ҳозиргача сақланиб қолган, маданиятли одамлар жамиятида овқатга гўшт ва балиқ маҳсулотларини ишлатадиган одамларни иблис-лар ва рақшаслар деб атайдилар.

Ошпаз балиқнинг ичини ёрганида, унинг қорнида ётган чиройли бир чақалокка кўзи туш-

ди, уни шу заҳотиёқ чиқариб олиб, ғамхўрлик қилиб парваришлаш учун ўзига ёрдам бериб юр-ган Майаватига топширди. Ошпаз аёл бундай чиройли чақалокнинг балиқ қорнидан чиққанини кўриб қаттиқ ҳайратга тушган, бу ҳол уни қаттиқ ўйлантириб қўйди. Шунда бу ерга буюк дониш-манд Нарада Муни келди ва унга Прадйумнанинг туғилиши ҳақида гапириб берди. У аёлга Шам-бара қандай қилиб болани ўғирлаганини, кейин уни денгизга ташлаганини, кейин чақалок балиқ ичида яна шу ерга келиб қолганини батафсил гапириб берди. Шундай қилиб, аввалги ҳаётида Каманинг Рати деган хотини бўлган Майавати Прадйумнанинг тарихини билиб олди. Майавати аввалги ҳаётида Каманинг хотини бўлганини би-ларди; эри Тангри Шиванинг қаҳрига учрагандан кейин қандайдир тана олиб яна бу дунёга қайтиб келишини кутиб юрарди. Бу аёл ошхонада гуруч ва мош тайёрлаш билан шуғулланиб юрарди, ле-кин балиқ ичидан ажойиб бир чақалок чиққанида, бу чақалок аслида ўзининг аввалги ҳаётидаги эри Кама эканини эшитгандан сўнг, дарров бу чақалокни олиб, алоҳида меҳр билан уни чўмилтириб, парваришлай бошлади. Чақалок ғаройиб равишда тез ўсиб-улғая бошлади, орадан кўп вақт ўтмай у ажойиб, гўзал бир ўспиринга айланди. Унинг кўзлари нилуфар гулбаргларига ўхшар, қўллари узун бўлиб тиззасигача етиб ту-рарди. Унга кўзи тушган ҳар қандай аёл албатта унинг гўзал жамолига маҳлиё бўлиб қоларди.

Майавати бу ўспирин ҳозир Прадйумна бўлиб туғилган, аслида эса ўзининг аввалги эри Кама эканини тушунар, шу боис у ҳам аста-секин унга маҳлий бўлиб, қалбида унга нисбатан ав-валгидай шахвоний эҳтироси уйғона бошлади. У аёлларга хос иболи табассум билан нигоҳ таш-лаб, ўспиринга қалбидаги у билан бирга ишқий лаззатдан баҳраманд бўлиш истагини ошкор эт-ди. Шунда йигит ундан шундай деб сўради: "Ав-валига менга худди онамдай меҳрибон бўлиб, қандай қилиб энди қалбингда менга нисбатан шахвоний эҳтирос уйғониши мумкин? Бундай кескин ўзгаришнинг боиси нимада?" Прадйум-нанинг гапларини эшитиб, Рати унга шундай жа-воб берди: "Эй азиз ҳукмдорим, сен Парварди-гор Кришнанинг ўғлисан. Туғилганинга ҳали ўн кун ҳам бўлмасдан сени иблис Шамбара ўғирлаб кетди ва сени денгизга улоқтирди, у ерда сени бир балиқ ютиб юборди. Шу тариқа сен менинг қўлимга тушиб қолдинг. Аслида аввалги ҳаётингда мен сенинг хотининг бўлганман; шу боис менда сенга нисбатан шахвоний эҳтирос уйғониши табиий ҳол. Шамбара сени ўлдирмоқчи бўлган эди, у сеҳр қудратига эга. Шунинг учун у сени яна бир бор ўлдиришга уринишидан аввал, ўзининг илоҳий қудратининг ишга солиб, иложи борида тезроқ уни ўлдир. Шамбара сени ўғирлаб кетгандан бе-ри онанг Рукмини-деви, худди полапонидан ай-рилган қушдай изтироб чекиб яшайпти. У сени жуда қаттиқ севади, аммо сени ундан ўғирлаб

олиб кетдилар, шундан бери у бузоғидан айрилган сигирдай мусибат ичида қийналиб яшаяпти".

Майавати ғайритабиий сеҳр қудратидан фойдаланиш сирларини яхши биларди. Ғайритабиий сеҳр қудратини одатда *майя* деб атайдилар, унинг таъсир кучидан устун бўлган бошқа - *маха-майя* деган қудрат ҳам мавжуд. Майавати ана шу маха-майя сеҳр қудрати сирларини биларди, шу боис у ана шу алоҳида сеҳрли қудратни Прадйумнага ато этди. Бу қудрат ёрдами билан Прадйумна Шамбаранинг сеҳр қудратини енгиши керак эди. Хотинидан сеҳр қудратини олиб, Прадйумна Шамбаранинг олдига бориб уни жангга чақирди. Уни жангга чақириш ва ғазабини келтириш учун Прадйумна атайлаб унга турлича ҳақорат сўзлар билан мурожаат қила бошлади. Прадйумнанинг ҳақоратли гапларини эшитган Шамбара ғазабдан қутуриб, худди бироров босиб олган заҳарли илондай тутоқиб кетди. Одатда илон ўзига бошқа бирор ҳайвон ёки одамнинг текканини қўтара олмайди ва шу заҳотиёқ уни чақиб олади.

Шамбара учун Прадйумнанинг гаплари қаттиқ бир тепкидай бўлиб тушди. У шу заҳотиёқ қўлига гурзисини олиб, яккама-якка жангга тайёр бўлиб Прадйумнанинг олдида пайдо бўлди. Момақалдироқнинг гулдурос овозидай товуш чиқариб ҳайқирган ҳолда у Прадйумнага ўзининг худди тоғ қоясига урилаётган яшинлардай кучли зарбаларини тушира бошлади. Шундай қилиб, Шамбарасура билан Прадйумна ўртасида даҳанаки жанг бошланиб кетди. Шамбарасура сеҳр қудратига эга бўлиб, осмонга кўтарилиб, муаллақ турган ҳолда жанг қила оларди. У Майя деган иблисдан жуда кўп сеҳр қудратининг сирларини ўрганган эди. Шу боис у осмонга кўтарилиб, шу ерда турган ҳолда Прадйумнага қараб олов билан таъсир қиладиган ҳар хил қуроллар билан ҳужум қила бошлади. Шамбарасуранинг сеҳр қудратидан устун келиш учун Прадйумна *махавидйя* деган бошқа сеҳр қудратини эслади. Бу сеҳр қудрати қора ният билан ишлатиладиган сеҳр қудратидан фарқ қиларди. Махавидйя сеҳр қудрати эзгулик гунасига асосланган бўлади. Рақибни жуда қудратли эканини тушунган Шамбарасура гухйакаларга, гандхарваларга, пишачиларга, илонларга ва рақшасларга хос бўлган турли хил сеҳр кучларидан фойдаланарди, аммо иблис ўзининг бутун сеҳр қудратини ишга солгани ва ғайритабиий сеҳр қудратидан фойдаланаётганига қарамай, Прадйумна махавидйя қудрати ёрдамида унинг кучи ва сеҳр қудратига бемалол бардош бера оларди. Шамбарасура ҳар томонлама мағлуб бўлгандан кейин, Прадйумна ўзининг ўткир қиличинини қўлига олдида, шу заҳотиёқ иблиснинг чиройли олтин тож безаб турган бошини танасидан жудо қилди. Прадйумна шу тариқа иблисни ўлдирганида барча жаннатий сайёралардаги фаришталар уни олқишлаб, ерга гуллар ёмғирини ёғдира бошладилар.

Прадйумнанинг хотини Майавати самода учиш қудратини ҳам эгаллаган эди, улар иккиси биргаликда само йўли билан Прадйумнанинг отасининг пойтахт шаҳри Дваракага йўл олдилар. Улар Парвардигор Кришнанинг саройи устига учиб бордилар ва худди яшиндан ярқираган булутдай бўлиб пастга тушдилар. Саройнинг ичкари қисми *антахпура* деб аталади. Прадйумна билан Майавати бу ерда жуда кўп аёлларни учратдилар ва уларнинг орасига бориб ўтирдилар. Бу ердаги аёллар жилоланиб товланиб турган кўкимтир либос кийиб олган, қўллари узун, сочлари тўлқин-тўлқин, кўзлари чиройли, кулиб турган қизғиш юзли, қимматбаҳо тақинчоқ ва безаклар тақиб олган Прадйумнани кўрганларида, аввалига унинг Кришна эмас эканини тушунмадилар. Улар Кришнанинг бирданнига бу ерда пайдо бўлиб қолганидан бирров уялиб сарой ичкарисига яширина бошладилар.

Аёллар зимдан кузатиб, Прадйумнанинг хулқ-атворида Кришнага хос бўлган алоҳида фазилатларни топа олмаганларидан кейин, унинг ким эканини билишга қизиқиб, уни ва унинг чиройли хотини Майаватини яхшилаб кўриб олиш учун яна жойларига қайтдилар. Улар бу чиройли йигит ким эканини билмай ҳайрон эдилар. Аёллар орасида нилуфар кўзли соҳибжамол Рукмини ҳам бор эди. Прадйумнани кўрган заҳоти у табиий равишда ўзининг йўқолган ўғлини эслади, унинг қалбида уйғонган оналик меҳри шу қадар кучли эдики, кўкракларидан беихтиёр сут оқа бошлади. У ўзича тахмин қила бошлади: "Бу чиройли ўспирин ким бўлди экан? У инсонлар орасида энг чиройли зотга ўхшайди. Бундай чиройли ўспиринни қорнида олиб юрган ва унинг онаси бўлишга муяссар бўлган бахтиёр аёл ким бўлди экан? Унинг ёнидаги гўзал жувон ким бўлди? Улар бир-бирини қандай топган эканлар? Туғилган заҳоти ўғирлаб кетишган ўғлим тирик бўлганда, ҳозир худди шу ўспириндай улғайган бўларди". Бу бола ўзининг бир пайтлар йўқолган ўғли эканини Рукмини ўзининг қалби билан ҳис қилиб турарди. У яна шуни кўрдикки, бу ўспирин худди қуйиб қўйгандай Кришнага ўхшарди. У бу ўспиринда Кришнанинг барча фазилатлари, сифатлари қанчалик мужассам эканини кўриб ҳайратга тушган эди. Шунда у бу ўспирин ўзининг ўғли эканига тўлароқ ишонч ҳосил қила бошлади, чунки қалбида унга нисбатан оналик меҳри тобора жўш уриб борар, шарофатли аломатдан дарак бериб, чап қўли ҳам титрай бошлаган эди.

Айни шу пайтда бу ерга ўзининг ота-онаси Васудева ва Деваки билан бирга Парвардигор Кришна ҳам кириб келди. Парвардигор Кришна, Худонинг Олий Шаҳси ҳамма нарсадан хабардор эди, аммо У ўзини билмаганга олиб сукут сақларди. Шу пайт Кришнанинг хоҳиши билан бу ерга буюк донишманд Нарада Муни ҳам келиб қолди. Нарада Муни бу ердагиларга бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммасини батафсил тушун-

тириб бера бошлади: қандай қилиб Прадйумнани бешиқдан ўғирлаб кетганлари, у қандай ўсиб улғайгани, аввалги ҳаётида Каманинг хотини Рати бўлган Майавати билан бу ерга қандай келиб қолгани - ҳаммасини уларга батафсил гапириб берди. Прадйумнанинг сирли равишда йўқолиб қолгани, ўсиб-улғайганидан, унинг топилишидан бутунлай умидини узганларида йўқолган ўғли яна қайтиб уйга келганидан улар ҳайратга тушган эдилар. Прадйумна соғ-саломат олдиларида турганини кўриб, уларнинг ҳаммаси бундан ўзларининг чексиз хурсандлигини ошқор эта бошладилар. Оиланинг ҳамма аъзолари - Деваки, Васудева, Парвардигор Шри Кришна, Парвардигор Балорам, Рукмини ва бошқа аёллар - Прадйумна ва унинг хотинини қучоқлаб бағрига боса бошладилар. Прадйумнанинг саройга қайтиб келгани ҳақидаги хабар бутун Дварака бўйлаб тарқалганида, ҳайратга тушган бутун аҳоли йўқолган Прадйумнани кўриш ишиёкида ҳар тарафдан саройга оқиб кела бошлади. Улар: "Ўлдига чиққан ўғил соппа-соғ қайтиб келди. Бундан ҳам қувончлироқ воқеа бўлиши мумкинми?"

Шрила Шукадева Госвами тушунтириб айтдики, Прадйумнанинг ўғай оналари ҳамда энага оналари бўлган барча сарой аёллари аввалига Прадйумнани Кришна деб ўйлаб, унга нисбатан бошқача кўз билан қараб, қалбида унга нисбатан шахвоний эҳтирос уйғонгани учун уялиб тургандилар. Буни шундай тушунтириш мумкинки, Прадйумна Кришнага жуда ҳам ўхшар, лекин аслида ўзи севги фариштаси Кама эди. Шунинг учун Прадйумнанинг ўғай оналари ва бошқа аёлларнинг бундай адашишларининг хайрон бўладиган жойи йўқ. Прадйумнанинг таърифларидан шуни билиб олиш мумкинки, Прадйумна ташқи кўринишидан Кришнага шунчалик ўхшар эдики, ҳатто баъзан ўз онаси ҳам уни Кришна билан адаштириб қўярди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Кришна билан Рукмини фарзанд кўрадилар" деб аталадиган эллик тўртинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

55. Қимматбаҳо сеҳрли тош Сйамантака тарихи

Дваракадҳамага тобе бўлган бир давлатга бир вақтлар Сатраджит деган шоҳ хукмронлик қиларди. У куёш фариштасининг буюк ссодиғи бўлиб, куёш фариштаси унга Сйамантака деган ғаройиб сеҳрли гавҳартош совға қилган эди. Ана шу тош шоҳ Сатраджит билан Йадавалар сулоласи орасида низо чиқишига сабаб бўлганди. Кейинроқ, Сатраджит ўз хоҳиши билан Кришнага қизи Сатйабхамани ва ўша Сйамантака тошини совға қилгандан кейин улар орасидаги муно-

сабат яна яхшиланган эди. Сйамантака билан боғлиқ бўлган воқеалар сабабли Кришнага фақат Сатйабхама турмушга чиқиб қолмасдан, шоҳ Жамбаваннинг қизи Жамбаватининг қўлини ҳам Кришнага топширдилар. Бу никоҳ маросимларнинг иккиси ҳам ҳали Прадйумна туғилмасдан аввал бўлиб ўтган эди. Бу бобда шоҳ Сатраджитнинг Йадавалар сулоласини қандай ҳақорат қилгани, кейин у қандай қилиб ақлини йиғиб олгани ва Кришнага қизининг қўлини ва Сйамантака тошини таклиф қилгани ҳақида ҳикоя қилинади.

Шоҳ Сатраджит куёш фариштасининг буюк содиғи бўлиб, аста-секин улар орасида жуда яқин дўстлик ришталари пайдо бўла бошлади. Куёш фариштаси ундан жуда мамнун бўлиб, унга ғаройиб даражада чиройли бўлган, Сйамантака деб аталадиган сеҳрли тош совға қилди. Маржонга қўйилган Сйамантака гавҳартошини бўйнига тақиб юрганида Сатраджит худди иккинчи куёш фариштасига ўхшаб қоларди. Ана шу маржонни тақиб у Дварака шахрига кириб борар, шунда уни кўрган одамлар "Парвардигор Кришна билан учрашишга куёш фариштаси келибди" деб ўйлардилар. Улар Парвардигор Кришнанинг олдига баъзида турли фаришталар келиб туришини билардилар, шунинг учун Сатраджит Дварака шахрига кириб келганида Кришнадан бошқа одамларнинг ҳаммаси уни куёш фариштаси деб қабул қилардилар. Гарчи уни ҳамма танийдиган бўлса ҳам, кўксидан порлаб турган Сйамантака тошининг ёғдусидан уни ҳеч ким таний олмай қоларди.

Бир куни, яна уни куёш фариштаси билан адаштириб, Двараканинг сарой аъзоларидан бирлари учрашишга куёш фариштаси келганини айтиш учун Кришнанинг олдига шошилдилар. Улардан биттаси Кришнага шундай деди: "Эй Парвардигор Нарайана, Сен - Худонинг Олий Шахсисан. Ўзингнинг тўлиқ намоён бўлган қиёфанг Нарайана, ёки Вишну қиёфангда Сен тўрт қўлингга сур, халқа, гурзи ва нилуфар гули ушлаб турасан. Аслида бутун борлиқнинг эгаси Ўзингсан, лекин Сен - Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Нарайана бўлишингга қарамай, Сен Ер сайёрасида, Йашодаматининг ўғли сифатида Вриндаванда дунёга келдинг, у баъзан Сени аркон билан боғлаб қўярди, шу боис Сени одамлар Дамодара деб ҳам атайдилар".

Дварака аҳолисининг Кришнани - Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Нарайана деб қабул қилиб юрганларини кейинчалик майавадилар мактабининг асосчиси Шанкарачарйа ҳам тасдиқлайди. Парвардигор Кришнани шахсиятсиз Браҳман кўринишида тан олиш билан бирга у Унинг Шахс қиёфасини инкор этмаган. У шуни назарда тутган эдики, бу моддий оламда бирор қиёфага эга бўлган нарсаларнинг ҳаммаси албатта яралади, мавжуд бўлиб туради ва албатта емирилиб, яқсон бўлади, аммо Худонинг Олий Шахси, Нарайана ана шундай ўзгаришларга

бўйсунадиган моддий кифоага эга эмас. Кришна-ни оддий одам деб биладиган етарлича фаросати бўлмаган калтафаҳм одамларни ишонтириш учун Шанкарачарйа "Парвардигор Кришна шахсиятсиз, яъни шахс эмас" деб айтган. Бу билан у Кришна моддий шароитлар билан боғланган шахс эмаслигини назарда тутган. У - илоҳий шахс, Унинг моддий танаси йўқ.

Дварака аҳолиси Кришнага фақат Дамодара деб эмас, Унинг сигир ва бузоқларга жуда меҳрибонлигини билдирадиган "Говинда" деб ҳам; ўзларининг Кришна билан яқин қариндош эканини назарда тутиб, "Йадунандана" деб ҳам чақирганлар. У Йадавдалар сулоласида туғилган Васудеванинг ўғли эди. Дварака аҳолиси шундай қарорга келиб, Кришнага бутун борлиқнинг эгаси бўлган Худонинг Олий Шахси деб мурожаат қилардилар. Улар ҳар куни Парвардигор Кришнанинг жамолини бевосита кўриб юришга қодир бўлган Дваракалик инсонлар эканидан фахрланиб, Кришнага ҳар хил номлар билан мурожаат қилардилар.

Сатраджит Дваракага кириб келганида бутун Дварака аҳолиси гарчи Кришна бу шаҳарда худди оддий одамларнинг биридай бўлиб яшаётган бўлишига қарамай, У билан учрашиш учун ҳатто фаришталар ҳам Унинг олдига келиб туришидан жуда фахрланар эдилар. Шундай қилиб, улар Парвардигор Кришнага танасидан ғаройиб нур таралиб турган куёш фариштаси У билан учрашиш учун келганини айтдилар. Улар Дваракага куёш фариштасининг келгани ғайритабиий воқеа эмаслигини, чунки бутун оламда Худонинг Олий Шахсини излаб юрган одамларнинг ҳаммаси У Йадавдалар сулоласида туғилганини, ҳозир ана шу сулоланинг оддий бир аъзосидай бўлиб, Дваракада яшаётганини билишини тасдиқлардилар. Шаҳар аҳолиси бундан жуда хурсанд эканини намоёиш этардилар. Ўз фуқароларининг гапларини тинглаб туриб, ҳамма нарсдан хабардор бўлган Худо Шахси шунчаки кулиб қўйди. Дварака фуқароларидан мамнун бўлиб, Парвардигор Кришна уларга айтдики, улар куёш фариштаси ўрнида қабул қилиб юрган одам аслида шоҳ Сатраджит эканини, у Дварака шахрига куёш фаришитасидан олган ғаройиб сеҳрли гавҳартошини оддий одамларга кўрсатиб мактаниш, кўз-кўз қилиш учун келганини айтди.

Сатраджит Парвардигор Кришна билан учрашиш учун келмаган эди; бунинг ўрнига у Сйамантака гавҳартошига маҳлиё бўлиб, қаттиқ боғланиб қолган эди. У бу гавҳартошни эҳромга ўрнатди, одамлар шу тошга сиғинишлари учун бир неча браҳманларни ёллади. Бу қандайдир моддий нарсаларга сиғиниб юрган калтафаҳм одамларга мисол бўлиши мумкин. "Бхагавадгита"да айтилганки, етарли фаросатга эга бўлмаган калтафаҳм одамлар, ўз фаолиятининг натижаларига дарров етишиш ниятида бу моддий оламда ҳукмронлик қилаётган фаришталарга сиғинадилар. "Материалист" ибораси моддий

оламда ҳиссий лаззатларга интилиб юрган одамларни билдиради. Кейинчалик Кришна шоҳдан Сйамантака тошини сўраганида у бундан бош тортиб, Сйамантака тошини сиғиниш учун эҳромга ўрнатиб қўйди. Бу тошга ким ҳам сиғинарди? Сйамантака тоши шундай сеҳр кучига эга эдики, у ҳар куни кўп миқдорда олтин ишлаб чиқарарди. Олтиннинг миқдорини ўлчаш учун одатда *бхара* бирлигини ишлатганлар. Ведавий маълумотларга кўра бир бхара саккиз килограмга тенг бўлган; бир *моунд* ўлчами эса ўттиз олти килограмга тенг. Сйамантака ҳар куни саксон килограмга яқин олтин ишлаб чиқарган. Бундан ташқари, Ведавий муқаддас китоблардан маълумки, ана шу тошга сиғиниб юрган жойда ҳеч ким оч бўлмайди; бунинг устига ана шу сеҳрли тош турган шаҳарда ҳеч қачон касаллик ёки эпидемия сингари бирор фалокатлар бўлмаган.

Парвардигор Кришна бу дунёдаги одамларни ўзларида бор нарсаларнинг энг яхшисини мамлакатнинг одил ҳукмдорига совға қилиш кераклигини уқтирмоқчи эди. Шоҳ Уграсена жуда кўп сулолаларнинг ҳукмдори бўлиб, Кришнага бобо бўларди, шу боис Кришна шоҳ Сатраджитдан Сйамантака гавҳартошини шоҳ Уграсенага совға қилишни илтимос қилди. Кришна унга фуқаролар ўзларидаги энг яхши нарсаларини одил шоҳга инъом қилишлари лозимлигини айтди. Аммо, фаришталарга сиғиниб юрган Сатраджит моддий бойликларга қаттиқ боғланиб қолган эди, шу боис "Кришнанинг илтимосини бажариш ўрнига, ҳар куни тошга сиғиниб, кунига саксон килограм олтинга эга бўлганим яхши" деган қарорга келди. Ҳар куни шунча олтин топиб юрган материалист одамларни Худо ҳақидаги, Кришна ҳақидаги гаплар мутлақо қизиқтирмайди. Шунинг учун баъзан Парвардигор Кришна ундай одамларга Ўзининг алоҳида марҳаматини кўрсатиб, унинг тўплаган бутун бойлигини тортиб олади ва шундай қилиб, уни Ўзининг буюк бхактасига айлантиради. Сатраджит ҳам Кришнанинг амрини бажармай, сеҳрли тошини Уграсенага беришдан бош тортиди.

Шу гаплар бўлиб ўтгандан кейин Сатраджитнинг укаси, уларнинг хонадони қанчалик бадавлат эканини бошқаларга кўз-кўз қилиш ниятида гавҳартошни кўксига осиб, отга миндида бойлигидан мағрурланиб ўрмонга йўл олди. Сатраджитнинг Прасена деган бу укаси ўрмонда сайр қилиб юрганида унга баҳайбат бир арслон ҳамла қилди, унинг ўзини ҳам, отини ҳам ўлдириб, гавҳартошни ўзи яшайдиган ғорга олиб кетди. Бу ҳақдаги хабар бир горилланинг, яъни маймунлари шоҳи Жамбаванинг қулоғига бориб етди. У ғорга бориб арслонни ўлдирди-да қимматбаҳо тошни ўзи билан олиб кетди. Жамбаван ҳали Парвардигор Рамачандра замонидан бери Парвардигорнинг буюк содиқларидан эди, шу боис у гавҳартошга жуда муҳим нарсадай эътибор бе-

риб ўтирмади. у Сйамантака гавхартошини ўйинчоқ ўрнида ўғлига бериб қўйди.

Айни пайтда Сйамантакани олиб кетган укаси Прасена гавхартош билан бирга қайтиб келарвермагандан сўнг, Сатраджит қаттиқ ташвишга туша бошлади. Укасини бир арслон ўлдирганини, кейин ўша арслонни Жамбаван ўлдирганини у ҳали билмас эди. Бунинг ўрнига у бир пайтлар ана шу тошга Кришна эга бўлишни истаганини, тошни сўраб ниятига етолмагандан кейин, Прасенадан тошни тортиб олиб, унинг ўзини ўлдирган бўлса керак деб ўйлай бошлади. Унинг бу тахминлари одамлар орасида дув-дув гапларга айланиб кетди, бу гапларни Сатраджит бутун Дваракага тарқата бошлади.

Кришна Прасенани ўлдириб, гавхартошни олгани ҳақидаги ёлғон-яшиқ гаплар худди ёнғиндай, бир пасда ҳамма жойга таралди. Ўзини бундай ёмонотлик қилишлари Кришнага ёқмади, шунинг учун У Ўзи билан бирга бир неча Дваракалаик фуқароларни олиб, ўрмонга бориб гавхартошни топиб келишга қарор қилди. Ёнига бир неча обрўли одамларни олиб Кришна Сатраджитнинг укаси Прасенани излашга тушди. Кўп ўтмай У арслон ўлдирган Прасенанинг жасадини топди. Айни пайтда Кришна арслонни Жамбаван ўлдирганини ҳам аниқлади, Жамбаванни одатда Рикша деб ҳам атайдилар. Арслон Рикшанинг қўлидан ҳалок бўлгани яққол кўриниб турарди - ҳеч қандай қурол ишлатилмаган эди. Кришна ва Дварака фуқаролари ўрмонда, айтишларига қараганда Рикшанинг уйига олиб борадиган ер ости йўлини топдилар. Дваркаликлар бу ер ости йўлига киришга кўркиб турганларини Кришна биларди, шунинг учун У улардан шу ерда кутиб туришни илтимос қилди, Ўзи эса Рикшани топиш учун ер ости йўли бўйлаб кета бошлади. Ер ости йўлидан бориб Кришна Рикша Сйамантакани ўғлига ўйинчоқ ўрнида бериб қўйганини кўрди, гавхартошни унинг қўлидан олиш учун Кришна Рикшанинг ўғлининг олдида пайдо бўлди. Рикшанинг ўғлига қараб юрган энага боланинг олдида қаердан пайдо бўлган Кришнани кўриб, У гавхартошни олмоқчи бўлса керак деб ўйлаб, жуда кўркиб кетди. Кўрканидан ёрдамга чақириб, у қаттиқ қичкира бошлади.

Энаганинг қичқириғини эшитиб, боланинг олдида қаттиқ ғазабланган Жамбаван пайдо бўлди. Аслида Жамбаван Парвардигор Кришнанинг буюк содиқ хизматкори эди, аммо ғазаби келганидан у ўзининг ҳукмдорини танимай, Уни оддий одам ўрнида қабул қилди. Бу ҳол бизга "Бхагавад-гита"да Кришнанинг Аржунга айтган гапларини эслатади: инсон руҳий поғонага кўтарилиш учун ғазаб, очкўзлик(қизғаниш) ва шаҳвоний эҳтирос иллатидан бутунлай покланиши лозим. Шаҳвоний ҳирс, ғазаб ва очкўзлик туйғулари инсон қалбида ҳаммаша бирга бўладилар ва унинг руҳий юксалишиги тўсқинлик қиладилар.

Ўз Ҳукмдорини танимай, Жамбаван Уни жангга чақирди. Шунда Кришна билан Жамбаван ўртасида буюк жанг бўлиб ўтди, улар худди икки кудратли бургутдай бир-бири билан даҳшатли жанг қилар эдилар. Қузғунлар бирор ўлик емиш топганида шу ўлжа учун бир-бири билан қаттиқ жанг қиладилар. Кришна билан Жамбаван аввалига қўлларидаги қуролларини ишлатиб жанг қилдилар, кейин қўлларига тош олдилар, кейин катта-катта дарахтларга ўтдилар, кейин эса фақат қўллари билан муштлаша бошладилар. Уларнинг бир-бирига туширган зарбаларининг овози худди момоқалдиқдай гумбуларди. Уларнинг ҳар бири иккинчиси устидан ғалаба қозонишга уринар, аммо кураш узлуксиз давом этар, кун ўтиб тун, тун ўтиб кун келарди. Жанг узлуксиз равишда йигирма саккиз кун давом этди.

Гарчи Жамбаван ўша даврдаги энг кучли тиррик мавжудот бўлса ҳам, унинг бутун аъзои бадани чарчаб қолган, Шри Кришнанинг кучли зарбалари дастидан унинг деярли мадори куриб қолган эди. Қора терга ботган, қаттиқ чарчаган Жамбаван ҳайратга туша бошлади. Уни бунчалик чарчатиб қўйган бу рақиби ким бўлди экан? Жамбаван ўзининг ғайритабиий кудратга эга экани ҳақида жуда яхши биларди, лекин Кришнанинг туширган зарбаларидан қаттиқ чарчаганини ҳис қилганда, у англаб етдики, олдида турган Кришна ўзи сиғиниб юрган Парвардигор, Худонинг Олий Шахсидан бошқа зот эмас. Бу воқеа бхакталар учун алоҳида аҳамиятга эга. Аввалига Жамбаван Кришнанинг ким эканини тушуна олмади, чунки унинг кўзларини моддий боғланишлар кўр қилиб қўйган эди. У ўз ўғлига ва сеҳрли Сйамантака тошига боғланиб қолган, уни Кришнага беришни истамаган эди. Аслида Кришна бу ерда пайдо бўлганида, Кришна сеҳрли тошни олиб кетиш учун келган деб ўйлаб, Жамбаван қаттиқ ғазабланган эди. Моддий оламда ҳаммаша шундай бўлади: ҳатто инсон танаси жуда бақувват бўлса ҳам, бу унинг Худони таниб олишига ёрдам бермайди.

Эрмак учун Кришна ҳам Ўзининг бхактаси билан жанг қилишни истаган эди. "Шримад Бхагаватам"дан биз яхши биламизки, Худонинг Олий Шахси ҳам худди одамлардай ҳар хил ишлар билан эрмак қилишни истайди. Баъзан У Ўзи истаган пайтларда кучини кўрсатиб қўйиш ниятида, эрмак учун биров билан жанг қилади. Шунда У бу истагини амалга ошириш учун, Ўзи билан жанг қилиб Уни мамнун қила оладиган бирор бхактасини танлаб олади. Кришна Жамбаван билан жанг қилиб лаззатланмоқчи бўлган эди, аммо бу жанг жиддий жанг эмасди. Гарчи Жамбаван асл табиатида кўра буюк бхакта бўлса ҳам, у жанг қилиб ўз кучи, жасорати, маҳорати билан Кришнага хизмат қилаётганида Кришнани танимас эди. Аммо, Кришна жанг қилиб лаззат олиб бўлгандан, унинг хизматидан жуда мамнун бўлгандан кейин, Жамбаван дарров Унинг Худо-

нинг Олий Шахси эканини англаб етди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, у Кришнага хизмат қилиб Уни мамнун қилгани шарофати билангина Кришнани таниди. Баъзан Кришна эрмак учун жанг қилиб ҳам лаззатланади.

Жамбаван Кришнага шундай деди: "Эй азиз Худойим, энди мен Сенинг ким эканингни тушундим. Сен - Худонинг Олий Шахси, ҳар кимдаги куч, бойлик, шон-шуҳрат, гўзаллик, донишмандлик ва боғланмаслик манбаи бўлган Парвардигор Вишнусан". Жамбаваннинг бу сўзлари "Веданта-сутра"да тасдиқланади, унда Парвардигор бутун борлиқнинг манбаи экани айтилган. Жамбаван Парвардигор Кришнани Олий Шахс, Парвардигор Вишну деб атади: "Эй азиз Худойим, Сен - бутун борлиқни яратувчи зотларни яратган Зотсан". Унинг бу гаплари бирор ғайритабиий истеъдодга эга бўлган одамнинг қилаётган ишларидан қаттиқ ҳайратга тушадиган оддий одамлар учун яхши сабоқ бўлиши керак. Оддий одамлар буюк бир олимнинг қилган ихтироларидан ҳайратга тушадилар, аммо Жамбаваннинг гаплари шуни кўрсатиб турибдики, билимдон олим жуда кўп ҳайратли нарсалар кашф эта оладиган бўлгани билан, Кришна ана шу олимнинг ўзини яратиб қўйган Зот ҳисобланади. У биргина шу олимни эмас, бутун оламда унга ўхшаган миллион-миллион олимларни яратиб қўйган Зот. Жамбаван давом этди: "Сен барча яратувчи зотларни яратган Зотгина бўлиб қолмасдан, ана шу яратувчилар фойдаланадиган моддий унсурларни ҳам яратиб қўйган Зотсан. Олимлар моддий унсурлардан ҳамда моддий табиат қонунларидан фойдаланадилар ва бирор ғайритабиий ишларни қиладилар, аммо аслини олганда ана шу қонунларни ҳам, моддий унсурларни ҳам яратиб қўйган Зот - Кришна бўлади. Оламни ҳақиқий илмий тушуниш шундай бўлиши керак. Калтафаҳм одамлар олимнинг ўтқир истеъдодини, кучли миясини ким яратиб қўйганини тушунишга ҳаракат қилмайдилар; улар олимнинг яратган бирор ҳайратли ихтиросини кўриш билан мамнун бўлиб, қаноат ҳосиб қилиб қолаверадилар".

Жамбаван давом этди: "Эй азиз Худойим, ҳамма моддий унсурларни бирлаштирадиган Замон ҳам Сенинг тимсолингдир. Сен - Ўзида бутун борлиқ яратиладиган, мавжуд бўлиб турадиган, кейин яқсон бўлиб яна ўзига қайтадиган Замоннинг энг олий мезонисан. Нафақат моддий унсурлар ва вақт мезонлари, шунингдек борлиқнинг таркибий қисмларини бошқариб турадиган зотлар ҳам, борлиқ уларга тақдим этган нарсалар ҳам аслида Сенинг таркибий зарраларингдир. Тирик мавжудот ўзи мустақил ҳолда бирор нарсани ярата олмайди. Ҳамма нарсани тўғри ўрганиш орқали шуни тушуниб етиш мумкинки, Сен - бутун борлиқнинг ягона эгаси ва Олий Ҳукмдорисан. Эй азиз Худойим, бундан мен шуни тушуниб етдимки, сен - мен Парвардигор Рамачандра деб сиғиниб юрган ўша Худо-

нинг Олий Шахсининг Ўзисан. Мен сиғиниб юрган Парвардигор Рамачандра океан устидан кўприк қурмокчи бўлган эди, Парвардигорнинг бир марта ташлаган нигоҳидан океан қандай даҳшатга тушиб кетганини ўз кўзим билан кўрганман. Океан даҳшатга тушганида унда яшайдиган китлар, аллигаторлар ва тимингала балиқлари(бу балиқлар ҳатто китларни ҳам ютиб юоради) қаттиқ саросимага тушиб қолган эдилар. Шундай қилиб, океан Парвардигорга йўл бериб, Унинг Ланка деган оролга ўтиб олиш учун устидан кўприк қуришга имкон берган эди.(Ланка ҳозирги Цейлон мамлакати деб тахмин қилинади). Коморин бурнидан Цейлонгача кўприк қурилгани ҳақида ҳозиргача ҳамма яхши билади. Ана шу кўприк қурилгандан кейин Раваннинг салтанатига ҳар томондан ўт қўйиб юборилди. Раван билан жанг қилганинда Сенинг пайконларинг дастидан унинг бутун танаси тилка-пора бўлган, калласи эса танасидан узилиб ерга думалаб тушганди. Энди мен тушуниб етдимки, Сен ўша мен сиғиниб юрган Парвардигор Рамачандранинг Ўзисан. Бошқа ҳеч ким бунчалик чексиз қудратга эга бўлиши мумкин эмас; бошқа ҳеч ким мени мана шундай мағлуб қила олмаган бўларди".

Парвардигор Кришна Жамбаваннинг мана шундай илтижолари ва айтган гапларидан жуда мамнун бўлди. Унинг жароҳатлардан изтироб чекишига чек қўйиши учун Ўзининг нилуфар қўллари билан Жамбаваннинг танасини силаб қўйди. Жамбаван шу заҳотиёқ бутун-аъзойи бадани аввалги ҳолига қайтиб, яна аввалги куч-қудратига эга бўлганини ҳис қилди. Кейин Парвардигор Кришна унга шоҳ Жамбаван деб муоражаат қила бошлади, чунки аслида ўрмон шоҳи арслон эмас, у эди; у ҳеч қандай қуролсиз, ўз панжалари билан арслонни ўлдирган эди-да. Кришна Жамбаванга ундан Сйамантака сеҳрли гавҳарини сўраш учун келганини айтди, чунки Сйамантака йўқолгандан бери аҳмоқ одамлар Унинг номини булғаб юрибдилар. Кришна Ўзига қўйилаётган ана шу ноҳақ тухматга чек қўйиш учун Сйамантака тошини сўраб олиб кетгани келганини очиқ айтди. Жамбаван гап нимада эканини дарров тушунди, Парвардигорни мамнун қилиш учун дарров Унга Сйамантака тошини берди, шу билан бирга у ўзининг эндигина балоғат ёшига етган қизи Жамбаватини ҳам Парвардигор Кришнанинг олдига олиб келди.

Жамбаватининг Кришнага унашилиши ва Сйамантака гавҳарининг топилиши билан боғлиқ бўлган бу воқеалар тоғ ичидаги ғорда шу тариқа ниҳоясига етди. Кришна билан Жамбаван орасида бўлиб ўтган жанг йигирма саккиз кун давом этди. Дваракадан Кришна билан бирга келган одамлар ғор оғзида ўн икки кун кутиб турдилар, кейин бирор қор ҳол юз берган бўлса керак деган қарорга келдилар. Аслида нималар бўлганидан улар беҳабар эдилар, шунинг учун қийналиб,

қайғуга чўмиб Дварака шаҳрига қайтиб бордилар.

Оиланинг ҳамма аъзолари - Кришнанинг онаси Деваки, отаси Васудева, катта хотини Рукмини, барча дўстлари, қариндошлари ва бутун сарой аҳли билан бирга Дваракаликлар шаҳарга Кришнасиёз ўзлари қайтиб келганини кўриб, қаттиқ қайғурдилар. Кришнага табиий равишда меҳр билан қаттиқ боғланиб қолгани сабабли улар Сатраджитни қарғар эдилар, чунки Кришнанинг йўқолиб қолишига асосий сабабчи у эди. Улар Кришнанинг қайтишини илтижо қилиш учун фаришта Чанедрабхага олдиға йўл олдилар. Фаришта Дварака аҳолисининг қилган илтижоларидан мамнун бўлди ва уларни муносиб мукофотлади: шу заҳотиёқ Дваракаликлар олдида Ўзининг янги қаллиғи Жамбавати билан бирга Кришна пайдо бўлди. Бундан бутун Дварака аҳолиси ва Кришнанинг барча қариндошлари жуда хурсанд бўлдилар. Уларнинг бу қувончини худди ўлган қариндоши қайта тирилган одамларнинг қувончи билан тенглаштириш мумкин эди. Дварака аҳолиси Кришна жангда қийин аҳволга тушиб қолган деб ўйлаб, Унинг тирик қайтишидан деярли умидини узган эдилар. Улар Кришна ҳақиқатан ҳам соғ-саломат қайтиб келганини, бунинг устига фақат Ўзи эмас, янги қаллиғи билан бирга келганини кўрганларида, яна бир ажойиб никоҳ маросими уюштирилди.

Кейин шоҳ Уграсена барча асосий шоҳ ва ҳукмдорларни мажлисга чақирди. У Сатраджитни ҳам мажлисга чақириб, ҳаммага Жамбаванинг Сйамантака гавҳарини қайтариб берганини эълон қилди. Кришна бу қимматбаҳо тошни Сатраджитга қайтариб бермоқчи эди. Аммо Сатраджит қаттиқ пушаймон бўлган эди, чунки у Кришнага бекорға ноҳақ тухмат қилган эди. У Сйамантакани индамай қўлига олди, кейин бошини эгиб, мажлисга тўпланган шоҳ ва ҳукмдорларга ҳеч нарса демасдан, уйига қайтиб келди. У Кришнага ноҳақдан тухмат қилиб қўйган гуноҳини қандай ювиш чораларини изларди. У Кришнани қаттиқ ҳақорат қилиб қўйганини англаб етган, энди Кришна ундан яна миннатдор бўлиши учун бирор чора излаб топиши кераклигини тушунарди.

Шоҳ Сатраджит қандайдир моддий нарса - Сйамантака тошига боғланиб қолиб ўзига ҳам, бошқаларга ҳам келтирган шунча ташвишлари сабабли қалбини тимдалаётган хавотирлардан халос бўлишни истарди. Кришнани ҳақорат қилиб қўйганидан Сатраджит ҳақиқатан ҳам жуда пушаймон бўлаётган эди, шунинг учун у ўзининг шу гуноҳини ювишга астойдил ҳаракат қиларди. Кришна унинг қалбида туриб унга йўл кўрсатди, Сатраджит Сйамантака тошини ҳам, ўзининг соҳибжамол қизи Сатйабхамани ҳам Кришнага совға қилишга қарор қилди. Бу қийин аҳволдан чиқишнинг бошқа бирор чораси йўқ эди, шунинг учун у Кришна билан соҳибжамол қизини никоҳдан ўтказишга фармон берди. У

Худонинг Олий Шахсига гавҳартошни ҳам, қизини ҳам совға қилди. Сатйабхама жуда соҳибжамол ва гўзал, барча эзгу фазилатлар соҳиби эди, гарчи жуда кўп шаҳзодалар унинг қўлини сўраган бўлсалар ҳам, Сатраджит унга мос келадиган куёв топилишини кутиб юрарди. Кришнанинг марҳамати билан у ўзининг гўзал қизини Унга беришга қарор қилди.

Сатраджитдан мамнун бўлган Кришна унга Сйамантака тошига муҳтож эмаслигини айтди. "Яхшиси, бу тош ўша сен сақлаётган эҳромда тураверсин, - деди У, - шунда унинг ҳаммага фойдаси тегади. Сйамантака Дваракада бўлгани шарофати билан бу шаҳарда ҳеч қачон очарчилик ёки касаллик ва иссиқ ёки совуқ сабабли юзага келадиган фалокатлар рўй бермайди".

*"Чексиз лаззат манбаи" китобининг
"Қимматбаҳо сеҳрли тош Сйамантака тарихи"
деб аталадиган эллик бешинчи бобига Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.*

56. Сатраджит ва Шатадханванинг ҳалокати

Акрура Хастинапурдан келиб Пандузодаларнинг аҳволи ҳақида гапириб бергандан кейин вазият яна чигаллашишда давом этаверди. Пандузодаларни похолдан қурилган бир уйга кўчириб ўтирилди, кейинчалик эса ана шу уйга ўт қўйиб юбордилар, шундан сўнг ҳамма одамлар Пандузодаларни онаси билан бирга шу ёнғинда ҳалок бўлган деб ўйлай бошладилар. Бу ҳақда Кришна билан Балорамга ҳам хабар бердилар. Ўзаро маслаҳатлашиб Улар Ўз қариндошларига таъзия билдириш учун Хастинапурга йўл олишга қарор қилдилар. Албатта Кришна билан Балорам Пандузодаларнинг бу ёнғинда ҳалок бўлмаганини билардилар, шунга қарамай Улар бошқаларнинг дардига "ҳамдардлик" билдириш учун Хастинапурга боришга қарор қилдилар. Хастинапурга келгандан кейин Кришна билан Балорам авваламбор Бхишмадевани кўришга бордилар, чунки у Курулар сулоласининг сардори эди. Кейин улар Видура, Гандхари ва Дрона билан учрашдилар. Куруларнинг бошқа аъзолари бу "фалокат"дан изтироб чекаётганлари йўқ эди, чунки уларнинг ҳаммаси Пандузодаларнинг ҳамда уларнинг онасининг ҳалок бўлишини истар эдилар. Аммо хонадоннинг Бхишма бошлиқ бир неча аъзолари бўлиб ўтган бу маъшум воқеадан қаттиқ изтироб чекаётган эдилар, Кришна билан Балорам сирни фош этмасдан уларга чуқур ҳамдардлик билан таъзия билдирдилар.

Кришна билан Балорам Дваракадан узокда юрган пайтда, бу ерда Сатраджитнинг Сйамантака гавҳарини ўғирлаш учун жиноий иш уюштирилди. Жиноятчиларнинг бошлиғи Шатадханва

эди. Бошқа шахзодалар сингари Шатадханва ҳам Сатраджитнинг соҳибжамол қизи Сатйабхамага уйланиш ниятида эди. Сатраджит соҳибжамол қизининг кўлини жуда кўп талабгор шахзодаларга ваъда қилган, аммо кейин ўзининг қарорини ўзгартириб, қизи Сатйабхаманинг кўлини Сйамантака тоши билан бирга Кришнага инъом қилган эди. Аслида Сатраджит қизи билан бирга гавҳартошни Кришнага бергиси келмаётган эди, шу боис унинг қалбидаги сирларини яхши билгани учун Кришна унинг қизини олган, лекин гавҳартошни унинг ўзига қайтариб берган эди. Кришнадан гавҳартошни қайтариб олгандан кейин Сатраджит жуда мамнун бўлиб ҳамиша уни ёнида олиб юрарди. Аммо, Кришна билан Балорамнинг йўқлигидан фойдаланиб жуда кўп одамлар, шу жумладан Парвардигорнинг бхакталари бўлган Акрура ва Критаварма ҳам Сатраджитдан ўша гавҳартошни тортиб олиш ниятида тил бириктирдилар. Акрура билан Критаварма бу жиноий ишга Сйамантакани олиб Кришнага бериш ниятида қўшилган эдилар. Кришна бу гавҳартошга эга бўлишни истаётганини улар билардилар, Сатраджит уни муносиб равишда тақдим этмагани учун Кришна Сйамантакани қабул қилмаганди. Бошқалар эса Сатйабхаманинг кўлини ололмай қолгани учун ҳафсаласи пир бўлганидан, Сатраджитдан ўч олиш ниятида бу жиноятга бош қўшган эдилар. Уларнинг баъзилари Сатраджитни ўлдириш ва гавҳартошни тортиб олишга Шатадханвани кўндирдилар.

Баъзиларда шундай савол туғилиши мумкин: нима сабабдан Акрурадай буюк содиқ бундай жиноятга қўшилган? Парвардигорнинг бхактаси бўлса ҳам нимага Критаварма ҳам жиноятга қўшилди. Жива Госвами ва бошқа мўътабар зотлар буни шундай тушунтирадиларки, гарчи Акрура буюк содиқлардан бўлса ҳам, у Кришнани олиб кетгани учун Вриндаванликларнинг қарғишига учраган эди. Уларнинг пок туйғуларига озор етказгани сабабли Акрура ана шундай жиноятчиларга қўшилиб қолган эди. Критаварма ҳам Парвардигорнинг бхактаси эди, аммо у Камса билан жуда яқин алоқада бўлган, шу боис Камсанинг гуноҳ ишларининг оқибати унинг онгига таъсир қилган, натижада у ҳам жиноятчиларга қўшилган эди.

Бошқа жиноятчиларнинг ундови билан бир куни тунда Шатадханва Сатраджитнинг уйига кириб ухлаб ётган жойида уни ўлдириди. Шатадханва жуда ифлос гуноҳкор одам эди, қилган гуноҳ ишлари оқибатида ўзининг озгина умри қолиб турганига қарамай, у Сатраджитни ухлаб ётган жойида ўлдиришга қарор қилган эди. Сатраджитни ўлдириш учун унинг уйига кириб борганида шу ердаги аёлларнинг ҳаммаси қаттиқ дод-вой солиб қичқира бошладилар, лекин, уларнинг дод-фарёдларига мутлақо эътибор бермасдан, худди қассоб бирор ҳайвонни ўлдириганидай, Шатадханва ҳеч иккиланиб

ўтирмай, пинагини бузмасдан Сатраджитни ёвузларча ўлдириб ташлади. Кришна уйда бўлмагани сабабли, Кришнанинг хотини Сатйабхама ҳам отаси Сатраджитни ўлган куни шу ерда эди. У фарёд солиб қичқира бошлади: "Отажон! Отажоним менинг! Сени қандай шафқатсизлик билан ўлдирдилар-а?" Сатраджитнинг жасадини дарров дафн қилмадилар, чунки Сатйабхама Хастинапурга, Кришнанинг олдига бормоқчи эди. Кришна келиб уни кўриши ва шунга қараб Шатадханвани қандай жазолаш ҳақида бирор қарорга келиши учун Сатраджитнинг жасадини ёғ тўла идишга солиб қўйдилар. Сатйабхама отасининг дахшатли ҳалокатга учрагани ҳақида хабар бериш учун шу заҳотиёқ Хастинапурга йўл олди.

Сатйабхама келиб Кришнага Унинг қайнотасини ўлдириб кетишганини айтганида, Кришна худди оддий одамларга ўхшаб қаттиқ изтироб чекиб йиғлай бошлади. Унинг бундай қаттиқ изтироб чекиши ҳам ғалати бўлиб туюлиши мумкин. Бу дунёдаги бирор ишлар ҳамда уларнинг оқибатига Кришнанинг бутунлай алоқаси йўқ, лекин ҳозир У дунёвий оддий инсон вазифасини бажараётгани (ролини ўйнаётгани) сабабли, хотини Сатйабхаманинг дардига чуқур ҳамдардлик билдираётган эди, шу боис қайнотасининг бевақт ўлимини эшитиб, Унинг кўзлари жикқа ёшга тўлганди. "Э-воҳ, қандай дахшатли мусибат!" - деб нола чека бошлади Кришна. Шундан сўнг Кришна билан Балорам дарров Сатйабхама билан биргаликда Дваракага қайтиб келдилар ва қандай қилиб Шатадханвани ўлдириш ва Сйамантакани қайтариб олиш ҳақида режа туза бошладилар. Гарчи Шатадханва шаҳардаги энг ёвуз жиноятчи бўлса ҳам, у Кришнанинг қудратидан қаттиқ қўрқарди, шу боис Унинг Дваракага қайтиб келганини эшитиб қаттиқ хавотирга туша бошлади.

Кришна ўзини ўлдиришга ҳозирлик кўраётганини тушуниб, Шатадханва ҳимоя қилишини сўраб Критаварманинг олдига борди. Лекин у ўз дардини Критавармага айтганида у шундай деди: "Парвардигор Кришна ва Парвардигор Балорам - оддий одамлар эмас, шу боис мен ҳеч қачон уларни ҳақорат қилмайман. Аслида Улар - Худонинг Олий Шахси, шундай экан Кришна билан Балорамни ҳақорат қилган одам муқаррар ўлимдан қутула олармиди? Уларнинг ғазабидан ҳеч ким қутула олмайди". Критаварма давом этиб айтдики, Камса жуда қудратли бўлишига, шунча иблислар унга ҳар томонлама ёрдам бераётганига қарамай, Кришнанинг ғазабидан қутулиб қола олмади. Кришнадан ўн саккиз марта мағлуб бўлган, ҳар гал жанг майдонидан ҳафсаласи пир бўлиб қайтган қудратли Жарасандхани-ку - айтмаса ҳам бўлади".

Критаварма Шатадханвани ҳимоя қилишдан бош тортганида, у Акруранинг олдига бориб, ҳимоя қилишини истаб унга илтижо қила бошлади. Акрура ҳам унга шундай деб жавоб берди.

"Кришна билан Балорам - Худонинг Олий Шахсининг Ўзлари бўлади, Уларнинг қудрати чексиз эканини билган ҳар қандай одам ҳеч қачон Уларни ҳақорат қилишга ёки Уларга қарши жанг қилишга журъат қилмайди". Акрура Шатадханвага тушунтиришда давом этди: "Кришна билан Балорам шу қадар қудратли Зотларки, Улар шунчаки Ўзининг биргина хоҳиши билан бутун моддий оламни яратиб, мавжудлигини таъминлаб, яксон қиладилар. Гарчи бутун борлиқ Кришнанинг ҳукми остида бўлса ҳам, бахтга қарши Унинг алдамчи қуввати чангалига тушиб қолган одамлар Кришнанинг қанчалик қудратли эканини билмайдилар". У Кришна ҳали ҳатто етти ёшга ҳам тўлмаган пайтида, катта Говардхана тепалигини худди ёш бола ўйинчоқ соябонни кўтарганидай, етти кун давомида бир қўлида кўтариб турганини мисол келтирди. Акрура Кришнани, оламда мавжуд бўлган барча мавжудотларнинг Олий Руҳи ва барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси бўлган Парвардигорни ҳамиша чуқур ҳурмат қилишини Шатадханвага очиқ айтиб қўя қолди. Акрура ҳам уни ҳимоя қилишдан бош тортганидан кейин Шатадханва Сйамантака гавҳартошини унга топширди. Кейин ўзи бир тинмасдан эллик йоджан йўл боса оладиган бир чопқир отга минди-да, шаҳарни тарк этди.

Кришна билан Балорам Шатадханва шаҳардан қочиб кетгани ҳақида хабар топган заҳоти тепасида Гаруда тасвири солинган байроқ ҳилпираб турган жанг аравасига ўтириб, уни таъкиб қилишга тушдилар. Шатадханва Ўзидан катта бўлган Сатраджитни ёвузларча ўлдиргани учун Кришна унга нисбатан қаттиқ ғазабланаётган, шу заҳотиёқ уни ўлдириб ташламоқчи эди. Сатраджит Кришнанинг қайнотаси эди, мукаддас китобларнинг кўрсатмаларига биноан, ўзидан катта одамга қарши чиққан ҳар бир одам, яъни *гурудруха*, қандай ҳақорат қилганига мос равишда албатта жазо олиши лозим. Шатадханва қайнотасини ўлдиргани учун Кришна қандай қилиб бўлса ҳам уни ўлдиришга қатъий қарор қилган эди.

Шатадханванинг оти Митхила яқинига келганда бутунлай ҳолдан тойиб, жонсиз ҳолда ерга кулади. Уловсиз қолган Шатадханва бор кучи билан пиёда қоча бошлади. Шатадханва билан ҳалол жанг қилиш учун Кришна билан Балорам ҳам жанг араваларидан тушиб, унинг изидан пиёда қувлай бошладилар. Шатадханва билан Кришна шу тариқа югуриб борардилар, ниҳоят Кришна Ўзининг Сударшана халқасини отиб, Шатадханванинг бошини танасидан жудо қилди. Шатадханвани ўлдиргандан сўнг Кришна унинг ёнидан Сйамантака тошини ахтара бошлади, аммо тошни топа олмади. Шунда У Балорамнинг олдига келиб Унга шундай деди: "Биз бу одамни бекорга ўлдирибмиз, унинг ёнидан тош топилмади!" Шри Балорам Унга шундай тақлиф қилди: "Сйамантака тошини Дваракада кимдир сақлаб

қўйган бўлиши керак, яхшиси бориб уни шаҳардан излай қол!" Шри Балорамнинг Ўзи бир неча кун Митхилада қолмоқчи бўлди, Митхила шоҳи Унинг қалин дўстларидан бири эди. Шунинг учун Кришна Дваракага қайтиб келди, Балорам эса Митхилага кириб борди.

Митхила шоҳи шаҳарга кириб келаётган Шри Балорамни кўриб қаттиқ хурсанд бўлди ва Уни муносиб ҳурмат-иззат билан шодиёна кутиб олди. У Балорамни мамнун қилиш учун Унга жуда кўп қимматбаҳо совғалар тақдим этди. Бу гал Шри Балорам Митхила шоҳи Жанака Махаражнинг меҳмони сифатида бу ерда бир неча йил қолиб кетди. Балорам Митхилада юрганидан фойдаланиб, Дхритараштранинг тўнғич ўғли Дурйодхон Ундан гурзи жангини ўрганиб олди.

Шатадханвани ўлдиргандан кейин Кришна Дваракага қайтиб келди, хотини Сатйабхамани хурсанд қилиш учун унга отасининг қотили Шатадханвани ўлдирганини айтди. У хотинига Сйамантакани унинг ёнидан топмаганини ҳам айтди. Кейин диний урф-одатларга кўра Кришна Сатйабхама ва бошқа қариндошлари билан биргаликда қайнотасининг барча дафн маросимларини ўтказдилар.

Акрура билан Критаварма Сатраджитга суиқасд уюштирилган бу жиноий ишда фаол қатнашган эдилар. Сатраджитни ўлдиришни Шатадханвага айнан улар тақлиф қилган эдилар, шу боис улар Шатадханва Кришнанинг қўлидан ҳалок бўлгани, Кришна эса Дваракага қайтиб келгани ҳақида эшитганларида иккови ҳам шаҳардан чиқиб кетдилар. Дварака аҳолиси Акруранинг шаҳардан чиқиб кетиши уларга ҳар хил фалокатлар олиб келиши мумкинлигини ҳис қилиб қаттиқ ташвишга туша бошладилар. Бу ҳол одамлар орасидаги шунчаки бир ақидапарастликдай гаплар эди, чунки токи Парвардигор Кришна шу шаҳарда экан ҳеч қандай касаллик, табиий офатлар келтирадиган ташвиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Лекин шунга қарамай, Акрура кетгандан кейин Дваракада турли фалокатлар рўй бера бошлади. Бир пайтлар Варанаси яқинидаги Каши вилоятида даҳшатли қурғоқчилик юзага келган эди. Шунда Каши шоҳи ўзининг Гандини деган қизини Акруранинг отаси Швапхалкага турмушга чиқарган эди. Каши шоҳи бу ишни бир башоратчининг маслаҳати билан қилган эди, ҳақиқатан ҳам, шоҳнинг қизи Швапхалка билан никоҳдан ўтгандан кейин ўша вилоятда ҳамма вақт ёмғир мўл бўладиган бўлди. Швапхалка ана шундай ғайритабиий қудратга эга бўлгани учун унинг ўғли Акрура ҳам худди шундай ғайритабиий қудратга эга ҳисобланарди. Шу боис одамлар Акрура ёки унинг отаси қаерда яшасалар ҳам, шу ерда ҳеч қандай қурғоқчилик, очарчилик ёки касаллик каби фалокатлар бўлмаслигига аниқ ишониб яшардилар. Очарчилик, ҳар хил юкумли касалликлар, қаттиқ совуқ ёки жазирама иссиқ бўлмайдиган, одамлари ўй-фикрларида, қалбида

ҳамда таналарида ҳамиша хотиржамлик, бахтиёрлик ҳис қилиб яшайдиган мамлакат бахтли, фаровон мамлакат ҳисобланади. Қандайдир фалокат юз берганида одамлар "бунинг сабабини ўша жойда бирор омадли, имонли инсон йўқлигида" деб билдилар. Шунинг учун "Дваракадаги ҳар хил фалокатли воқеалар Акрура шаҳардан чиқиб кетгани сабабли рўй бераяпти" деган гаплар тарқала бошлади. Акрура кетгандан кейин шаҳар оксоқоллари Сйамантака тошининг йўқлиги сабабли юзага келган баъзи бир касофат келтирадиган аломатларни сеза бошладилар. Халқ орасида юрган ана шундай миш-мишларни эшитган Парвардигор Кришна Акрурани Каши вилоятидан чақиртириб олишга қарор қилди. Акрура Кришнанинг тоғаси эди, шунинг учун у Дваракага қайтиб келганида Парвардигор Кришна энг аввало уни мартабасига муносиб бўлган ҳурмат-иззат билан кутиб олди. Кришна ҳар бир инсон қалбида мавжуд бўлган Олий Рух; шу боис У ҳар кимнинг қалбидан қандай ўйлар кечаётганини яхши билади. У Акрура билан Шатадханва орасида бўлиб ўтган гапларнинг ҳаммасидан хабардор эди. Шунинг учун у юзида табассум билан Акрурага мурожаат қила бошлади.

Акрурага инсонлар ичида аълоси сифатида мурожаат қилар экан, Кришна шундай деди: "Тоғажон, Шатадханва Сйамантака тошини сенга берганидан хабарим бор. Ҳали унга ҳеч ким даъвогарлик қилаётгани йўқ, чунки шоҳ Сатраджитнинг меросхўр ўғли ҳам йўқ. Унинг кизи Сатйабхама эса бу сеҳрли Сйамантака тошига интилаётгани йўқ. Лекин Сатйабхаманинг бўлғуси ўғли Сйамантаканинг қонуний вориси бўлади ва у албатта бу сеҳрли тошга даъвогар бўлади." Парвардигор Кришна Ўзининг гаплари билан Акрурага билдириб қўйдик, Сатйабхама ўғил фарзанд кутяпти, Сйамантака унинг ўғлининг қонуний мулки бўлади, шу боис меросхўр албатта Акрурадан тошни қайтариб беришни талаб қилади. Кришна давом этди: "Бу сеҳрли тош шундай қудратга эгаки, унга оддий инсон эгалик қила олмайди. Биламанки, сен жуда виждонли, тақводор инсонсан, шу боис Сйамантака тоши ҳозирча сенда туришига мен қарши эмасман. Лекин битта муаммо бор: агар Мен гавхартош сендалигини айтсам, акам Балорам бунга ишонмайди. Шунинг учун сендан илтимос, қариндошларимнинг қўнгли хотиржам бўлиши учун сен Сйамантакани Менга ва қариндошларимга кўрсат. Сйамантака ҳозир сенда эканини инкор эта олмайсан, чунки кейинги пайтларда бойлигинг жуда ошиб кетгани, ҳар куни эҳромда Илоҳларга соф олтиндан куйилган совғалар эҳсон қилаётганинг ҳақида халқ орасида шунча миш-миш гаплар юрибди". Гавхартошнинг хусусиятлари ҳаммага маълум эди, у қаерда, кимнинг қўлида бўлса ҳам ҳар куни дўққиз моунд олтин ишлаб чиқарарди. Акрура ҳам ҳар куни шунча олтинга эга бўлаётгани учун уларни саховат билан қурбонлик маросим-

лари ўтказишга сарфлаётган эди. Шу боис Парвардигор Кришна унга Сйамантака ўзида эканини исботлаб у ҳар куни саховат билан олтин сарфлаётганини эслатиб қўйганди.

Парвардигор Кришна дўстона муносабати ва ширин сўзлари билан бор ҳақиқатдан хабардор эканини Акрурага билдириб қўйганидан сўнг, Акрура Шри Кришнадан ҳеч нарсани яшириб бўлмастлигини тушуниб етди ва матога ўралган, қуёшдай порлаб турган Сйамантака тошини Кришнанинг олдига олиб келди. Парвардигор Кришна Сйамантака тошини қўлига олиб, уни шу ерга тўпланган барча қариндошлари ва дўстларига кўрсатди, кейин Сйамантака тоши ҳақиқатан ҳам Дваракада, Акрурада эканига ишонч ҳосил қилишлари учун уларнинг кўзи олдида тошни яна Акрурага қайтариб берди.

Сйамантака тоши билан боғлиқ бу воқеалар жуда муҳим аҳамиятга эга. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, Сйамантака гавхартоши ҳақидаги ҳикояни чуқур иймон билан тинглаган ёки уни бошқаларга гапириб берган, ёки бу ҳақда шунчаки эслagan ҳар қандай одам ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан, ўзига ташвиш келтириб турган муаммолардан халос бўлади ва шу тариқа энг юксак осойишта ҳолатга эришади.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Сатраджит ва Шатадханванинг ҳалоқати" деб аталадиган эллик олтинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай қўйилган.

57. Кришнанинг беш маликага уйланиши

Халқ орасида "беш Пандузода ҳам онаси билан биргаликда ўзлари яшаётган, похолдан қурилган уйда Дхритараштра уюштирган ёнгин оқибатида ҳалок бўлган" деган миш-миш гаплар юрарди. Лекин, орадан анча вақт ўтгандан кейин одамлар беш Пандузодани Драупадининг қуёв танлаш маросимида таниб қолганлар, шунда халқ орасида Пандузодалар ҳам, уларнинг онаси ҳам тирик экани ҳақида миш-мишлар тарқала бошлади. Бу миш-мишлар ҳақиқатан ҳам тасдиқланди. Улар яна Хастинапурга қайтиб келдилар, одамлар уларни ўз кўзлари билан кўрдилар. Бу хабарни Кришна билан Балорамга етказганларида Кришна уларни Ўз кўзи билан кўришни истади ва шу боис Хастинапурга йўл олишга қарор қилди.

Бу гал Кришна Хастинапурга ҳақиқий шахзодаларга хос тантана билан билан йўл олди, Уни бу сафарда саркарда Йуйудхана ва жуда кўплаган бошқа жангчилар кузатиб борардилар. Аслида Уни шаҳарга таклиф қилмаган эдилар, шунга қарамай У Ўзининг буюк бхакталари бўлган Пандузодалар билан учрашиш учун Хастинапурга боришга аҳд қилди. Кришна Ўзининг

ташрифи ҳақида огоҳлантирмасдан Пандузодаларникига кириб борди, уни кўрган заҳоти Пандузодалар сакраб ўринларидан турдилар. Кришнани Муқунда деб атайдилар, чунки Кришна билан учрашган ёки Уни кимлигини англаб етган ҳолда Унга кўзи тушган ҳар қандай одам шу заҳотиёқ барча моддий ташвишлардан бутунлай халос бўлади. Шу билан бирга у чуқур илоҳий лаззат уммонига ғарқ бўлади.

Кришна пайдо бўлганида Пандузодалар худди энди ҳушига келгандай ёки худди ҳаётга қайта келгандай бўлиб, дарров жонланиб кетдилар. Одам ҳушини йўқотиб қўйганида унинг сезги аъзолари, бутун танаси фаоллигини йўқотиб қимирламай қолади, лекин у ҳушига келган заҳоти сезгилари яна дарров ишга тушиб, фаол ҳаракат қила бошлайди. Пандузодалар ҳам Кришнани гўё энди ҳушига келган одамдай жонланиб қарши олдилар. Парвардигор Кришна уларнинг ҳар бирини кучоқлаб бағрига босди, таналари Худонинг Олий Шахсига теккан заҳоти улар барча моддий иллатлардан бутунлай покланиб, қалбларида чуқур илоҳий лаззат ҳис қилиб, юзларига майин табассум югурди. Парвардигор Кришнанинг жамолини бевосита кўриб турганидан улар илоҳий мамнуният ҳис қилардилар. Ўзи - Худонинг Олий Шахси бўлишига қарамай Парвардигор Кришна ҳозир бу дунёда оддий одам вазифасини бажарарди, шу боис У Юдхистхира ва Бхиманинг оёқларига қўл теккизди, чунки улар Унинг амаки оғалари бўлиб, ёши Ундан катта эди, Аржун ўзи билан тенгқур дўст қариндош сифатида Кришнани бағрига босди, Накула билан Сахадева эса - ўзидан катта қариндоши сифатида ҳурмат юзасидан Кришнанинг пойи қадамларига қўл теккиздилар. Парвардигор Кришна ва Пандузодалар муқаддас китобларда кўрсатилган қоидалар бўйича бир-бирларига муносиб иззат-икром кўрсатиб бўлгандан кейин улар Кришнага қулай ўриндик таклиф қилдилар. Кришна қулай ўрнашиб ўтириб олгандан кейин Пандузодаларнинг юзидан табиий равишда аёллик ифпати ва жозибадорлиги барқ уриб турган соҳибжамол рафиқаси Драупади Парвардигор Кришнанинг олдига келиб чуқур эҳтиром билан сажда қилди. Пандузодалар Кришна билан бирга Хастинапурга келган Йадавларни ҳам муносиб ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олдилар. Улар айниқса Сатйакини, яъни Йуйудханани алоҳида ҳурмат эҳтиром билан кутиб олиб уни ҳам қулай ўриндикқа ўтказдилар. Шундай қилиб, ҳамма ўз жойига ўтириб олгандан кейин, беш ака-ука ҳам Кришнанинг ёнига бориб ўтирдилар.

Беш ака-ука билан учрашиб, суҳбатлашиб бўлгандан кейин Парвардигор Кришна Пандузодаларнинг онаси Шримати Кунти-девини кўргани борди, у Кришнага ота тарафдан хола бўларди. Холасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, Кришна унинг қадамлари пойига қўл теккизди. Кунтининг кўзларига дарров ёш келди ва чуқур

меҳр билан Кришнани бағрига босди. Кейин у Кришнадан қариндошлари, акаси Васудева ва унинг хотини ҳамда оиланинг бошқа аъзолари ҳақида сўраб-суриштира бошлади. Шунингдек Кришна ҳам холаси Кунти-девидан Пандулар хонадони қандай кун кечираётгани ҳақида ҳолаҳвол сўради. Гарчи Кунтидеви Кришна билан қариндошлик ришталари билан боғланган бўлса ҳам, у Кришнани учратган заҳоти аслида У - Худонинг Олий Шахси эканини дарров тушунган эди. У ўзининг ҳаётидан аввал рўй берган фалокатларни, Кришнанинг марҳамати билан қандай қилиб улардан ўзи ва ўғиллари қутулиб қолганини эслади. Агар Кришнанинг Ўзи марҳамат кўрсатмаса, Дхритараштра ва унинг ўғиллари уюштирган ёнғиндан уларни ҳеч қим асраб қололмаслигини у жуда яхши биларди. Титраган овозда у Кришнага ўзларининг бошидан кечирганларини гапириб бера бошлади.

Шримати Кунти-деви шундай деди: "Азизим Кришна, бизларнинг аҳволимиздан хабар олиб келиш учун укам Акрурани юборган кунингни мен жуда яхши эслайман. Сен ҳамиша бизларни эслаб юришингни шунинг ўзи аниқ исботлаб турибди. Сен Акрурани юборганингни кўриб, мен энди бизларга ҳеч қандай хавф-хатар таҳдид соломаслигини тушуниб етдим. Сен бизларнинг аҳволимиздан хабар олиш учун Акрурани юборганиндан кейин бизларга ҳамиша омад кулиб боқа бошлади. Шу кундан бошлаб мен энди ҳеч қачон ҳимоясиз қолмаслигимизга ишончим қомил бўлган эди. Оиламиз аъзолари бўлган Куруларнинг ҳар хил кирдикорлари сабабли бизлар ҳар қандай қийин вазиятларга тушиб қолишимиз мумкин, лекин Сен ҳамиша бизлар билан эканинга, Сен бизларни ҳамиша ҳимоя қилишинга, шу боис бизлар ҳар қандай вазиятдан ҳамиша соғ-саломат ва қийналмасдан чиқиб кетишимизга ишончим қомил. Ҳамиша Сени эслаб, Сени ўйлаб юрган содиқларга ҳеч қачон моддий муаммолар ташвиш келтирмайди, шундай экан Сен Ўзинг ҳамиша ўйлаб, қайғуриб юрган бизлар ҳақида нима дейиш мумкин. Шунинг учун эй азизим Кришна, қандайдир омадсизлик, қийинчилик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас: Сенинг марҳаматинг билан бизлар ҳамиша бахтиёрмиз. Лекин, Сен бизларга алоҳида марҳамат кўрсатиб юганингни кўриб, одамлар "ҳатто Худо ҳам бировларга кўпроқ марҳамат кўрсатади, бировларга эса эътибор бермайди" деган нотўғри фикрларга бормаслиги керак. Сен ҳамиша ҳаммага бир хил муносабатда бўласан. Сен учун дўст балан душман орасида фарқ йўқ. Сен - Худонинг Олий Шахсисан, Сен ҳаммага бир хил муносабатда бўласан ва ҳар қандай одам ҳам Сенинг алоҳида марҳаматинга сазовор бўла олади. Гап шундаки, гарчи Сен барчага бир хил муносабатда бўлсанг ҳам, ҳамиша Сен ҳақингда ўйлаб юрадиган бхакталаринга алоҳида ғамхўрлик қиласан. Бхакталар Сен билан ўзаро муҳаббат ришталари билан қаттиқ боғланганлар,

шу боис улар Сени бир лаҳза ҳам эсидан чиқара олмайдилар. Сен ҳар кимнинг қалбида мавжудсан, лекин бхакталар ҳамиша Сен ҳақингда ўйлаб юрганлари учун Сен ҳам уларнинг интилишларига мос равишда жавоб берасан. Гарчи она ўзининг ҳамма фарзандларини бир хилда яхши кўрса ҳам, у ўз ихтиёрини бутунлай онасига топшириб, унга қаттиқ боғланиб қолган боласига алоҳида ғамхўрлик қилади. Азизим Кришна мен шуни аниқ биламанки, ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган ҳолда Сен Ўзингнинг соф содикларинг учун ҳаётда ҳамиша энг яхши ша-роит яратиб берасан".

Кейин шоҳ Юдхиштхира ҳам Кришнани, Уни -Худонинг Олий Шахси, барча тирик мавжудотларнинг дўсти сифатида олқишлади. Парвардигор Кришна Пандузодаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётгани учун шоҳ Юдхиштхира шундай деди: "Азизим Кришна, билмадим, аввалги ҳаётларимизда бизлар қандай савоб ишлар қилган эканмизки, Сен ҳозир бизларга шунчалик меҳрибонлик билан ғамхўрлик қиляпсан. Биз жуда яхши биламизки, Сенинг эътиборингни қозониш учун ҳамиша муруқабага берилиб юрган буюк сеҳргарлар Сенинг марҳаматингга эришиш осон иш эмаслигини биладилар, улар Сенинг марҳаматингга эриша олмайдилар ҳам. Сен нима сабабдан бизларга бунчалик меҳрибонлик қилаётганингни мен тушуна олмайман. Бизлар сеҳргар-йоглар эмасмиз; аксинча, бизлар дунёвий нарсаларга қаттиқ боғланиб қолганмиз. Бизлар сиёсат ва дунёвий ишлар билан шуғулланиб юрган оилали одамлармиз, шу боис мен Сенинг нимага бизларга бунчалик ғамхўр эканингни тушуна олмайман".

Шоҳ Юдхиштхиранинг илтимоси билан Кришна тўрт ой ёмғир мавсуми давомида Хастинапурда меҳмон бўлиб қолишга рози бўлди. Бу ойлар *чатурмасйа* деб аталади. Одатда умрини бир жойда тўхтамасдан ҳамиша дунё кезиб ўтказадиган қаландар зоҳид(саннийаси) ва брахманлар ана шу фаслда маълум бир жойда тўхтаб, диний қоидаларга қатъий риоя қилиб яшайдилар. Гарчи Парвардигор Кришна ҳар қандай диний қонун-қоидалардан устун турса ҳам, Пандузодаларга бўлган чуқур муҳаббати юзасидан У Хастинапурда қолишга рози бўлди. Кришнанинг Хастинапурда яшаётганидан фойдаланиб, шаҳарнинг барча аҳолиси баъзан Унинг дийдорини кўриш имкониятига эга бўлдилар, шу тарика улар шунчаки Парвардигор Кришнанинг жамолини яққол кўргани туфайли илохий лаззатга фарқ бўлиб яшардилар.

Кришна Пандузодаларникида меҳмон бўлиб турган кунларнинг бирида, Кришна билан Аржун ўрмонга овга чиқишга ҳозирландилар. Улар иккиси ҳам тепасида Хануман тасвири чизилган байроқ хилпираб турган жанг аравасига ўтирдилар. Аржуннинг жанг араваси Хануман тасвири билан безатилган, шу боис уни баъзан *Канидхваджа* деб ҳам атайдилар. *Кани* дегани

"Хануман"ни, *дхваджа* дегани эса - "байроқ" дегани билдиради. Шундай қилиб, Аржун ўзининг пайконлари нишонга бехато бориб тегадиган камонини олиб овга жўнади. У ҳар хил қурол аслаҳа тақиб олганди, чунки у душманга қарши жанг қилишни машқ қилиши лозим эди. Аржун атайлаб ўрмоннинг йўлбарс, кийик ва бошқа ҳайвонлар кўп бўлган қисмига йўл олди. Кришна Аржун билан бирга ҳайвонларни ўлдиришда машқ қилишга бораётгани йўқ эди, чунки Унинг бирор ишда тажриба орттиришига ҳожат йўқ эди; У ҳамиша Ўзига тўла-бутан. У шунчаки Аржуннинг қандай машқ қилишини кузатиш учун бораётган эди, чунки Аржун келажакда душманларга қарши жанг қилиши лозим эди. Ўрмонда Аржун жуда кўп йўлбарсларни, қобонларни ва бизонларни, гавайларни, буруншоҳларни, кийикларни, куёнларни, дикобраз ва бошқа ҳайвонларни ўзининг бехато пайконлари билан ўлдирди. Ўлдирилган ҳайвонларнинг қурбонлик қилишга ярайдиган баъзи бирларини хизматкорлар олиб кетиб, шоҳ Юдхиштхирага бердилар. Йўлбарс ва шохбурун сингари йиртқич ҳайвонларни эса Аржун шунчаки, улар ўрмон тинчлигини бузмаслиги учун ўлдирар эди. Ўрмонда жуда кўп донишманд ва авлиё зотлар риёзатга берилиб яшагани туфайли, улар хотиржам яшай олиши учун ўрмон осойишта, хавфхатарсиз жой бўлишини таъминлаш шохқшатрийнинг бурчи ҳисобланади.

Овдан сўнг Аржун қаттиқ чарчоқ ва чанқоқ ҳис қилди, шунинг учун у Кришна билан бирга Ўмуна қирғоғига йўл олди. Икки Кришна(Баъзида Аржунни ҳам, Драупадини ҳам Кришна деб айтадилар) Ўмуна қирғоғига келиб, сувда қўл-оёқларини ювдилар, оғизларини чайиб, тоза дарё сувидан роҳатланиб ичиб чанқоғини қондирдилар. Сув ичиб бўлиб хордиқ чиқариб ўтирганида уларнинг кўзи дарё соҳилида сайр қилиб юрган балоғатга етган ёш бир гўзал қизга тушди. Кришна дўсти Аржундан бориб шу қизнинг кимлигини билиб келишни илтимос қилди. Аржун ўша сарвқомат, юзларида ширин табассум ўйнаган, тишлари маржондай яркираб турган қизнинг олдига бориб шундай деди: "Ҳой сийналари чиройли гўзал, сенинг кимлигингни билсак бўладими? Сен бир ўзинг бу ерда сайр қилиб юришинг бизларни ҳайратга соляпти. Бу ерга нима мақсадда келгансан? Кўриниб турибдики, сен ўзингга муносиб қаллик излаяпсан. Агар қарши бўлмасанг, ниятингни айт, мен сенга ёрдам беришга ҳаракат қиламан".

Бу ажойиб сарвқомат қиз Ўмуна дарёсининг тимсоли бўлган фаришта эди. "Эй ҳукмдорим, мен куёш фариштасининг қизи бўламан, мен "Парвардигор Вишнунинг рафикаси бўламан!" - деб қасам ичганман. Менимча фақат У - Худонинг Олий Шахси, менга муносиб эр бўлишга арзийди. Сен ўзинг истаганинг учун мен сенга ниятимни айтдим". Фаришта гапида давом этди: "Эй ҳукмдорим, мен сенинг қаҳрамон Аржун

эканингни яхши биламан; яна шуни айтиб қўяйки, мен Парвардигор Вишнудан бошқа ҳеч кимга турмушга чиқишга рози бўлмайман, чунки У - барча тирик мавжудотларнинг ягона посбони, фақат Унинг Ўзи бу дунёдаги барча шартланган рухларни руҳий озодликка чиқара олади. Агар сен Парвардигор Вишнудан менга марҳамат кўрсатишини талаб илтижо қилсанг сендан жуда миннатдор бўлардим". Фаришта Йамуна Аржун Парвардигорнинг буюк бхакталаридан бири эканини, шу боис агар Аржун Кришнадан илтимос қилса, Кришна ҳеч қачон унинг илтимосини рад этмаслигини яхши биларди. Тўғридан тўғри Кришнанинг Ўзига мурожаат қилиш ҳамиша яхши натижа беравермаслиги мумкин, аммо Кришнага Унинг бхактаси орқали мурожаат қилиш ҳамиша албатта муваффақиятли бўлади. Фаришта Аржунга шундай деди: "Менинг исмим Калинди, мен Йамуна сувларида яшайман. Отам менга шу қадар меҳрибон эдиларки, менга унинг сувларидан жой қуриб бердилар. Мен токи Парвардигор Кришнани топмагунча шу ерда қолишга қасам ичгандим". Гарчи Кришна ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рух бўлгани туфайли ҳамма нарсадан хабардор бўлса ҳам, Калиндининг гапларини Аржун борриб Кришнага етказди. Бошқа муҳокама қилиб ўтирмасдан Кришна Калиндига уйланишга рози бўлди ва уни жанг аравасига чиқиб ўтиришни таклиф қилди. Кейин улар ҳаммаси шоҳ Юдхистхиранинг олдига йўл олдилар.

Шундан сўнг шоҳ Юдхистхира Кришнадан жаннатдан келган меъмор Вишвакарманинг лойиҳаси бўйича сарой қуришга ёрдам беришни илтимос қилди. Кришна шу заҳотиёк Вишвакармани олдига чақириб, унга шоҳ Юдхистхиранинг хоҳишига мос келадиган ажойиб бир шаҳар қуришни буюрди. Шаҳар қурилиши тугагандан кейин Махараж Юдхистхира Кришнадан улар билан яна бир неча кун лаззатланиб яшаб қолишни илтимос қилди. Махараж Юдхистхиранинг илтимоси билан Парвардигор Кришна бу ерда яна анча вақт қолиб кетди.

Айни пайтда Кришна Ўзига ажойиб эрмак топиб олган эди: Кхандава ўрмони шоҳ Индраники эди, аммо Кришна уни олов фариштаси Агнига бермоқчи эди. Кхандава ўрмонида жуда кўп доривор гиёҳлар ўсарди, анча ёшариб олиш учун олов фариштаси шу гиёҳларни ейиши керак эди. Аммо у ўзбошимчалик билан ўрмонга тегишни истамади, у Кришнадан шу ниятига етишда ёрдам беришни илтимос қилди. Агни Кришна ўзидан жуда мамнун эканини яхши биларди, чунки у бир пайтлар Унга Сударшана чакра куралини совға қилган эди. Шундай қилиб, Агинини мамнун қилиш учун Кришна Аржун билан бирга Кхандава ўрмонига йўл олдилар, жанг аравасини Кришна ҳайдаб борарди. Агни Кхандава ўрмонини ютиб юборганидан жуда мамнун бўлди. Бу гал у Гандива деб аталадиган ажойиб камон, тўрт оппоқ от, жанг араваси, икки пайко-

ни бор ғаройиб ўқдон совға қилди. Бу пайконлар сеҳрли қудратга эга бўлиб, ҳеч қандай рақиб уларга бас келолмас эди. Олов фариштаси ўрмонни ўз домига ютаётганида у ерда Майа деган иблис ҳам бор эди. Аржун ўша иблисни бешафқат олов домидан кутқариб қолди. Шундан сўнг аввал иблис табиатли бўлган Майа Аржуннинг яқин дўстига айланиб қолди, у Аржундан миннатдор бўлиб, Вишвакарма қурган шаҳар ичига ғаройиб бир мажлислар саройи қуриб берди. Бу саройнинг баъзи жойлари шундай ғаройиб эдики, бир куни унинг ичига кирганида Дурйодхон адашганидан сувни пол деб, полни эса сув деб ўйлаб, бутун бўйи билан ҳовуздаги сувга йиқилиб тушган эди. Шундан сўнг Дурйодхон Пандузодаларнинг бундай беҳисоб бойлигига ҳасад қилиб, уларнинг ашадий душманига айланди.

Орадан анча вақт ўтгандан кейин Кришна шоҳ Юдхистхирадан Дваракага кетишга рухсат сўради. Шоҳдан рухсат олиб У Ўзи билан бирга Хастинапурда яшаган, Йадавалар қўшинининг сардори Сатйаки билан бирга ўз ватанига қайтиб кетди. Калинди ҳам Кришна билан бирга Дваракага кетди. Кришна Дваракага келгандан кейин башоратчи донишмандлар билан маслаҳатлашиб, Калинди билан никоҳ маросими ўтказадиган кунни белгилаб, тантанали равишда никоҳ маросимини ўтказдилар. Бу никоҳ маросими ҳар икки томоннинг қариндошларига ҳам катта қувонч келтирди, уларнинг ҳаммаси бундай бахтли воқеадан жуда хурсанд эдилар.

Авантипура(ҳозирги Уджайн)нинг Винда ва Анувинда деган шоҳлари бор эди. Бу икки шоҳ ҳам Дурёодхон ҳукми остида эди. Уларнинг Митравинда деган жуда қобилиятли, чиройли синглиси бор эди. У Кришнанинг холаларидан бирининг қизи бўлиб, саройга тўпланган шахзодалар орасидан ўзига қаллиқ танлаши лозим эди, аммо у Кришнага турмушга чиқиш иштиёқида ёнар эди. Шахзодалар орасида Кришна ҳам бор эди ва У саройда бошқа шахзодалар ҳам борлигига эътибор ҳам бермасдан Митравиндани куч билан олиб кетди. Кришнага қаршилик кўрсатишга журъат этолмаган шахзодалар бир-бирларига қараб қолаверишди.

Шу воқеадан кейин Парвардигор Кришна Кошала шоҳининг қизига уйланди. Кошала вилоятининг шоҳининг исми Нагнаджит эди. У жуда такводор инсон бўлиб барча ведавий урф-одатларга риоя қилиб яшарди. Унинг энг чиройли қизининг исми Сатйа бўлиб, баъзилар уни Нагнаджити деб чақирардилар, чунки у Нагнаджитнинг қизи эди. Шоҳ Нагнаджит қизини ўзининг қарамоғида боқилиб турган етти баҳайбат букани жиловлаган шахзодага турмушга беришга ваъда берган эди. Шоҳ хонадонига мансуб шахзодалардан бирортаси ҳалигача шу буқаларни жиловлай олмаган, шу боис ҳали ҳеч ким шоҳдан бу гўзал маликанинг қўлини сўрай олмаган эди. Етти буқа ҳам жуда баҳайбат бўлиб,

бирор шахзодани ҳатто яқинига ҳам йўлатмади. Жуда кўп шахзодалар уларни жиловлаш учун келган, аммо ҳаммаси ноилож ўзлари мағлуб бўлиб қайтиб кетган эдилар. Бу буқалар ҳақидаги овоза бутун мамлакат бўйлаб тарқалганди. Етти букани жиловлаш билан ёш маликага уйланиш мумкинлигини эшитган Кришна дарров йўлга ҳозирлик кўриб, Кошала салтанатига етиб келди. Жуда кўп қўшин билан, худди шоҳлар бошқа бир мамлакатга меҳмонга борганидай, Кришна ҳам катта тантана билан Кошала салтанатининг Ай-одхйа деган қисмига келди. Кошала шоҳи Кришна унинг қизининг қўлини сўрагани келгани ҳақида эшитиб жуда хурсанд бўлди. У ўзининг салтанатида Кришнани муносиб тантана ва ҳурмат-эҳтиром билан қарши олди. Кришна саройга келганда У Кришнага қулай ўриндик ва юқори мартабали меҳмонга муносиб бўлган ҳамма нарсаларни тақдим этди. Ҳамма ишлар жуда аъло даражада эди. Кришна ҳам шоҳга ўзининг бўлғуси қайнотаси сифатида муносиб эҳтиром кўрсатарди.

Нагнаджитнинг қизи Сатйа унга уйланиш учун Кришнанинги ўзи келганини тушунганида, унинг қўлини қабул қилиш учун равнақ фариштасининг эри ўзига бунчалик марҳамат кўрсатганидан ҳайратга тушган эди. У жуда кўп вақтлардан бери Кришнага турмушга чиқишни орзу қилиб юрар, қалбининг тўридаги ана шу орзусига эришиш учун ҳамиша риёзат чекиб яшарди. У шундай хаёл сурарди: "Агар мен қўлимдан келганча, имкониятим борича қандайдир савоб ишлар қилсам, агар мен ҳамиша Кришнага турмушга чиқишни самимий орзу қилиб ўйлаб юрсам, балки У мендан мамнун бўлиб, қалбимда шунча вақтдан бери авайлаб-асраб келаётган орзуимни рўёбга чиқарган бўлармиди?" У ҳаёлида Кришнага шундай илтижо қиларди: "Мен Худонинг Олий Шахсини қандай мамнун қилиш мумкинлигини ҳам билмайман. У - ҳар бир одамнинг Ҳукмдори ва Хўжайини. Ҳатто Худонинг Олий Шахсидан кейин турадиган равнақ фариштаси ҳам, Тангри Шива ва Тангри Браҳма ҳам, ҳар хил сайёралардаги бошқа барча фаришталар ҳам ҳамиша Парвардигорга ҳурмат-эҳтиром кўрсатадилар. Худди шундай Парвардигор ҳам ўзининг бхакталарининг истакларини рўёбга чиқариш учун ҳар хил киёфаларда ер юзига ташриф буюриб туради. У шу қадар улуғвор ва буюкки, мен уни қандай мамнун қилиш мумкинлигини ҳам билмайман". У ўйлардики, бхакталарнинг баъзан Парвардигорни мамнун қилишлари аслида Унинг бхакталарга кўрсатаётган бесабаб марҳаматидир; Парвардигорни мамнун қилишнинг бошқа ҳеч қандай йўли йўқ. Парвардигор Чайтанйа ҳам ўзининг "Шикшаштака"сида шундай илтижо қилади: "Эй азиз Худойим, Мен Сенинги мангу хизматкорингман. Қандайдир сабабларга кўра мен бу моддий оламга тушиб қолдим. Агар Сен ўзинг марҳамат кўрсатиб мени бу оламдан

қутқариб олиб, мени нилуфар қадамларинг пой-идаги бир гардга айлантурсанг, бу - Сенинги ўзининг мангу хизматкорингга кўрсатган энг буюк марҳаматинг бўлади". Фақат ана шундай мискинлик, камтаринлик ва Худого садоқат билан хизмат қилишга самимий интилиш билан инсон Парвардигорни мамнун қила олади. Рухий устоз раҳбарлиги остида бизлар Худого қанчалик кўп хизмат қилсак, бизни Худонинг ҳузурига олиб борадиган йўлдан шунча тез йўл босаётган бўламиз. Биз бирор хизмат қилганимиз учун Парвардигордан бизга марҳамат кўрсатишини талаб қила олмаймиз, у бизнинг қилган хизматимизни қабул қилиши ҳам мумкин, қабул қилмаслиги ҳам мумкин, шу боис Парвардигорни мамнун қилишнинг ягона йўли - Унга садоқат билан хизмат қилиш истаги, бунинг бошқа йўли йўқ.

Шоҳ Нагнаджит такводор ҳукмдор эди, Кришнани ўзининг саройида қабул қилар экан у Кришнага ўзининг бор имконияти ва илмини ишга солиб муносиб сажда қилиб сиғинди. У Парвардигор Кришнанинги олдида келиб шундай деди: "Эй азиз Парвардигор, Сен - бутун борлик ҳукмдорисан, Сен - барча тирик мавжудотларнинг охириги паноҳ макони бўлган Нарайанасан. Сен ҳамиша ўзининг мукаммал сифат ва фазилатларингдан тўла мамнун ва тўла-бутун бўлган илоҳий Зотсан. Мен қандай қилиб Сенга бирор нарса таклиф қилишим мумкин? Қандай қилиб бирор совға ёки эҳсон билан мен Сени мамнун қила олардим? Бунинг сира иложи йўқ, чунки мен - шунчаки бир арзимас тирик мавжудотман. Аслини олганда менда Сенга муносиб хизмат кўрсата олиш учун имконият ҳам йўқ".

Кришна барча тирик мавжудотларнинг қалбидаги Олий Рух, шунинг учун У Нагнаджитнинг қизи Сатйанинги қалбида кечаётган ҳамма гаплардан хабардор эди. Шунингдек У ўзига қулай ўриндик, ширин таомлар ва бошпа-на берган шоҳнинг кўрсатган иззат-икромларидан ҳам мамнун эди. Қиз ҳам, унинг отаси ҳам ўзини яқин қариндош қилиб олиш истагида юрганидан Кришна жуда мамнун бўлди. У юзида табассум билан шундай деди: "Эй ҳурматли шоҳ Нагнаджит, сен жуда яхши биласанки, шоҳ хонадонига мансуб бўлган ва ўзининг олий мартабасини ҳурмат қиладиган киши ҳеч қачон, ҳеч кимдан, ўша одам қанчалик олижаноб бўлмасин, бирор нарса сўрамайди. Ведавий қонунларга қатъий риоя қиладиган донишмандлар шоҳ-қшатрийларга ҳеч қачон, ҳеч кимдан бирор нарса сўрашни қаттиқ таъқиқлаб қўйганлар. Агар шоҳ-қшатрий ана шу муқаддас қоидага хилоф иш тутса, унинг бу ишини ҳамма донишмандлар қоралайдилар. Ана шу қатъий қоидага хилоф равишда, Менга кўрсатган ажойиб илтифотинг учун миннатдорчилик сифатида ўртамизда қариндошлик муносабатларини ўрнатиш ниятида Мен сендан соҳибжамол қизингнинг қўлини сўрамоқчиман. Балки, сен

буни эшитиб хурсанд бўларсан, бизларнинг оилавий урф-одатларимизга кўра, қизинг эвазига бизлар сенга бирор нарса беришимиз лозим. Сен қизинг эвазига сўраган нарсани балки бизлар бера олмасмиз". Бошқача қилиб айтганда Кришна шоҳ ўз қизини Унга етти буқани жиловлашни талаб қилмай беришини истаётган эди.

Парвардигор Кришнанинг гапларини эшитиб, шоҳ Нагнаджит шундай деди: "Эй азиз Худойим, Сен барча лаззатлар, барча комил фазилатлар ва барча сифатлар манбаисан. Равнақ фариштаси ҳамиша Сенинг кўксингда ором олади. Шундай экан бошқа ким ҳам менинг қизимга Сендан яхшироқ куёв бўла оларди? Мен ҳам, қизим ҳам ҳамиша ана шундай имкониятга эришиш учун Худога илтижо қилиб юрардик. Сен - Йадавалар сулоласининг сардорисан. Балки билсанг керак, мен аввал бошданок "қизимни мен кўйган шартни бажарган шахзодага бераман" деб ваъда берган эдим. Мен бу синовларни фақат қизимга куёв бўлишга ҳаракат қилаётган кишининг жасорати ва мартабасини билиб олиш учун уюштирганман. Сен - Парвардигор Кришнасан ва Сен - барча қахрамонлар ичида энг буюгисан. Сен буқаларни осонлик билан жиловлай олишинга менинг ишончим комил. Шу пайтгача шахзодалардан бирортаси уларни жиловлай олгани йўқ; бунга уринган ҳар бир шахзода фақат ўзи ярадор бўлиб кетган".

Шоҳ Нагнаджит ўз илтимосини изҳор этишда давом этди: "Кришна, агар Сен марҳамат кўрсатиб ана шу етти буқани бўйсундириб жиловласанг, ҳеч қандай шубҳа йўқки, қизим Сатйа Сени ўзи истаги билан куёв қилиб танлайди". Бу гапларни эшитиб, Кришна шоҳ берган ваъдасини бузишни истамаётганини тушунди. Шу боис шоҳнинг истагини бажо келтириш учун У белбоғини маҳкам боғлаб, буқалар билан жангга киришга ҳозирланди. У етти Кришнага айланди ва уларнинг ҳар бири битта буқани ушлаб олиб, худди буқалар шунчаки ўйинчоқлардай, уларни осонлик билан бўйсундириб, жиловлаб ташлади.

Кришна етти Кришнага бўлингани жуда муҳим. Шоҳ Нагнаджитнинг қизи Сатйа Кришнанинг жуда кўп хотинлари борлигини биларди шунга қарамай у Кришнага боғланиб қолган эди. Унинг хотирини жам қилиш учун Кришна етти Кришнага айланган эди. Буни шундай тушунтириш мумкинки, Парвардигор Кришна аслида битта бўлса ҳам, Унинг сон-саноксиз экспансиялари мавжуд. Унинг жуда кўп минглаган хотинлари бор эди, лекин бу - "У бир хотинининг олдида ўтирганида бошқа хотинлари У билан бирга бўлолмас эдилар" дегани эмас. Кришна Ўзининг экспансиялари ёрдамида бир вақтнинг ўзида ҳамма хотинлари билан бирга бўлади.

Кришна буқаларни Ўзига бўйсундириб, жиловлагандан кейин буқаларнинг аввалги кучидан, аввалги шон-шухратидан асар ҳам қолмади. Кришна буқаларни жиловлаб олгандан кейин, худди ёш бола ёғоч ҳўкизларни судраб ўйнаб

юрганидай, куч билан буқаларни Ўзига тортди. Кришнанинг бундай қудратини кўрган шоҳ Нагнаджит ҳайратга тушди, шу заҳотиёқ қизи Сатйани олиб келиб унинг кўлларини Кришнага таклиф этди. Кришна Сатйага уйланишга рози бўлди. Кейин катта тантана билан никоҳ маросимини ўтказдилар. Нагнаджитнинг хотинлари бўлган маликалар ҳам бундан жуда хурсанд эдилар, чунки уларнинг қизи Сатйа Кришнага турмушга чиқаётган эди. Бу воқеадан шоҳ ҳам, маликалар ҳам хурсанд бўлгани сабабли бутун шаҳар никоҳ тўйини нишонлашда иштирок этарди. Ҳамма жойда сурлар чалинар, литавра товушлари янгра, одамлар кўшиқ куйлаб рақсга тушардилар. Билимдон брахманлар янги келин-куёвларни дуои-фотиҳаларга кўмиб ташладилар. Бутун шаҳар аҳолиси хурсанд бўлиб энг яхши либосларини кийиб, ҳар хил тақинчоқлар тақиб олган эдилар. Шоҳ Нагнаджит жуда хурсанд эди ва қизига шунча сеп қўшиб берди: ўн минг сигир ва чиройли кийинган, бошидан оёғигача ҳар хил тақинчоқлар тақиб олган уч минг канизак. Ҳиндистонда, айниқса шоҳ-қшатрийларда турмушга чиқаётган қизига сеп қўшиб бериш удуми ҳали ҳозиргача сақланиб қолган. Бундан ташқари шахзода-қшатрий уйланганида келин билан бирга, ёши келинниқига тенг бўлган ўн икки канизакка ҳам эга бўлади. Сигирлар ва канизакларни бериб бўлиб, шоҳ қизининг сепига яна тўққиз минг фил, бундан юз марта кўп жанг араваси қўшиб берди. Демак у тўққиз юз минг жанг араваси берган. Яна у, жанг араваларидан юз марта кўп, яъни тўқсон миллион от, отлардан юз марта кўп куллар ҳам қўшиб берди. Ана шу куллар ва канизакларни шоҳлар худди ўз оиласининг аъзолари сингари тўла таъминлаб турардилар. Ана шундай сеп бериб, Кошала вилоятининг ҳукмдори қизи билан куёвидан жанг аравасига ўтиришни илтимос қилди. У яхши қуролланган қўшин ҳамроҳлигида уларнинг жўнаб кетишига рухсат берди. Улар ўзларининг янги уйларига борар экан, шоҳнинг қалбида уларга нисбатан чуқур меҳр, муҳаббат туйғуси жўш уради.

Кришна Сатйага уйланишдан олдин жуда кўп шахзодалар шоҳнинг етти буқаси билан олишган эдилар, Йадавалар сулоласининг ва бошқа сулолаларнинг шахзодалари Сатйанинг кўлини олишга ҳаракат қилган эдилар. Омадсиз шахзодалар Кришна муваффақият қозониб, буқаларни жиловлагани ва Сатйанинг кўлига эришганини эшитиб, табиий равишда Унга ҳасад қила бошладилар. Кришна Дваракага қайтиб келар экан, йўлда барча омадсиз шахзодалар биргалашиб, Унинг аравасини ўраб олдилар ва камонларидан Уни ўққа тутта бошладилар. Кришнага ва Уни кўриқлаб келаётган кўшинга ҳасадгўй душманлар ҳамла қилиб, ўққа тутта бошлаганида, ўзининг энг яқин дўсти Кришнага У Сатйага уйланган кунда муносиб совға қилиш учун Аржун бир ўзи ўша рақибларнинг жанг қилиш таклифини қабул қилиб, уларнинг ҳаммаси билан бир ўзи

жангга киришди. Аржун қўлига Гандива камонини олиб, худди арслон бир ҳамла билан қўплаган майда йирткич хайвонларни тиркиратиб кувгани сингари, барча шаҳзодаларни тум-тарақай қилди, аммо уларнинг бирортасини ҳам ўлдирмади. Шундан сўнг Йадавалар сардори Парвардигор Кришна Ўзининг ёш хотинини Сатйа ва унинг кўп сонли сепи билан бирга Дваракага келиб, у ерда хотини билан тинч, осойишта ҳаёт кечира бошлади.

Кришнанинг отасининг Шрутакирти деган синглиси, яъни Кришнанинг холаси бор эди. У Кекайя вилоятига турмушга чиқиб шу ерда яшарди. Унинг Бхадра деган қизи бор эди. У ҳам Кришнага турмушга чиқишни орзу қилиб юрарди. Қизнинг акаси синглисининг қўлини Кришнага ҳеч қандай шарт қўймасдан инъом этди. Кришна ҳам уни Ўзига хотинликка олди. Кейин Кришна Мадрас вилоятининг шохининг қизи Лакшманага ҳам уйланди. Лакшмана жуда кўп эзгу фазилатлар соҳибаси эди. Кришна уни ҳам ўғирлаб олиб уйланди, Кришна худди иблислардан нектар тўла идишни ўғирлаган Гарудага ўхшарди. Кришна бу қизни свайамвара маросими ўтаётган пайтда бошқа жуда кўп шаҳзодалар олдидан олиб кетди. Свайамвара - саройда тўпланган жуда кўп шаҳзодалар орасидан қиз ўзига қаллиқ танлайдиган маросим.

Кришнанинг бу беш маликага уйланишидаги барча тафсилотлар бу ерда тўлиқ келтирилмаган. Унинг яна бошқа минглаган хотинлари бор эди. Бошқа хотинларини Кришна Бхаума деган иблисни ўлдиргандан кейин олди. Бу қизларнинг ҳаммаси Бхаумасуранинг саройида зиндонбанд қилиб қўйилган эди, Кришна уларнинг ҳаммасини озод қилиб, уларга уйланиб олган эди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Сатраджит ва Шатадханванинг ҳалокати" деб аталадиган эллик еттинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

58. Иблис Бхаумасурани руҳий озодликка чиқариш

Бхаумасура ҳақида - унинг қандай қилиб ҳар хил шохларнинг саройидан ўн олти мингта маликани зўравонлик билан тортиб олиб, ўзининг саройига қамаб қўйганини, ғаройиб фазилатларга эга Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна қандай қилиб уни ўлдиргани ҳақида Шукадева Госваманинг шох Парикшитга гапириб бергани "Шримад Бхагаватам"да батафсил таърифланган. Одатда иблислар ҳамиша фаришталарга қаршилиқ қилиб юрадилар. Бу иблис Бхаумасура ҳам буюк қудратга эга бўлгандан кейин фаришта Варунанинг тахтиравонида турган соябонни, фаришталарнинг онаси Адитининг сирғасини, фа-

ришталарга тегишли бўлган самовий тоғ Мерунинг бир қисмини ва Манипарвата деб аталадиган бир вилоятни ҳам тортиб олган эди. Шунинг учун осмон шоҳи Индра иблис Бхаумасура устидан Парвардигор Кришнага арз қилиш учун Дварака шаҳрига келди.

Осмон шоҳи Индранинг арзини тинглаб туриб, Парвардигор Кришна хотини Сатйабхама билан бирга шу заҳотиёқ Бхаумасура яшайдиган жойга йўл олди. Уларнинг иккиси ҳам Гаруданинг устига чиқиб олган эдилар. Гаруда уларни Бхаумасуранинг пойтахт шаҳри Пражйотишапурга олиб келди. Пражйотишапур шаҳрига кириш осон иш эмасди, чунки шаҳар жуда мустаҳкам ҳимояланган эди. Биринчи бўлиб шаҳар шимол, ғарб, шарқ ва жануб томонларидан катта, баланд қўрғонлар билан ўралган бўлиб, қудратли қўшинлар уларни ҳимоя қилиб турарди. Бутун шаҳар атрофига чуқур канал қазилиб, сувга тўлдириб қўйилган, бунинг устига шаҳарнинг бутун атрофи симлар билан ўралиб, улардан электр токи ўтказиб қўйилган эди. Кейинги тўсиқ *анила*, яъни заҳарли газ деворидан иборат эди. Ундан кейин тиканакли сим девор тортилган эди - бу иш Мура деган иблиснинг ихтироси эди. Ҳатто ҳозирги замонавий илм-фан нуктаи-назаридан ҳам шаҳар ҳар томонлама яхши ҳимояланган эди.

Кришна шаҳарга етиб келгандан кейин гурзиси билан уриб, қўрғонларни чил-парчин қилди, Кришнанинг пайконларидан жангчилар ҳар тарафга тум-тарақай қочиб кетдилар. Ўзининг Сударшана-чакраси билан У электр токи ўтиб турган симларни узиб ташлади, сув тўла каналдан ва заҳарли газдан иборат девордан асар ҳам қолгани йўқ, иблис Мура ясаган, электр токи ўтган тиканакли симлар деворини ҳам бўлак-бўлақларга бўлиб ташлади. Кришнанинг жанговор сурининг баланд овози қудратидан иблисларнинг буюк жангчиларининг ўтакалари ёрилди, уларнинг ҳарбий машиналари ишдан чикди. Унинг енгилмас гурзиси қудратидан шаҳар сиртидаги қўрғонлар ер билан яксон бўлган эди.

Унинг жанговор сурининг овози қиёматқойим бўладиган пайтда эшитиладиган даҳшатли гулдурос овозга ўхшарди. Иблис Мура сур овозини эшитиб уйқудан уйғонди ва нималар содир бўлаётганини билиш учун ўзи сиртга чикди. Унинг беш калласи бўлиб, ўзи узоқ вақтдан бери сув тагида яшарди. Иблис Муранинг танаси худди қиёматқойим пайтида порлаб турадиган қуёшдай ярқираб турар, унинг феъл-атвори ҳам шундай олов табиатли эди. Унинг танасидан таралаётган ёғду шунчалик кучли эдики, унга қарашга одамнинг кўзи бардош беролмасди. Сиртга чикқандан кейин у санчқисини олиб шиддат билан Худонинг Олий Шахсига ташланди. Худди катта илон Гарудага ташланганидай, иблис Мура ҳам Парвардигор Кришнага ташланди. Иблис шунчалик ғазабга минган эдики, гўё бутун уч оламни ютиб юборишга тайёрдай

кўринарди. Аввалига у санчқисини ҳавода айлантириб, елкасида Кришнани олиб юрган Гарудага ташланди, унинг бешала оғзидан ҳам арслон наърасига ўхшаган бўкирган овозлар чиқарди. Унинг бу наъраси бутун жаҳонни эмас, ҳатто бутун коинотга - юқорига, пастга, ҳамма тарафларга таралиб, бутун коинотни ларзага солиб юборди.

Парвардигор Кришна иблис Муранинг санчқиси Гарудага тегай деб турганини кўрди. Шу заҳотиёқ Парвардигор Кришна икки пайкон билан иблиснинг санчқисини чил-парчин қилиб ташлади. Айни пайтда Кришна сон-саноксиз пайконлар ёғдириб, улари иблиснинг оғизларига йўллади. Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна ўзидан устун келаётганини кўриб иблис Мура қаттиқ ғазабланди ва Унга гурзиси билан кучли зарбалар бера бошлади. Аммо Парвардигор Кришна Ўзининг гурзиси билан иблиснинг гурзисини ҳали у Ўзига тегиб улгурмасиданок парчалаб, бўлақларга бўлиб ташлади. Қуролсиз қолган ибилс Кришна билан қўллари воситасида даҳанаки жанг қилмоқчи бўлди, аммо Кришна Ўзининг Сударшана-чакраси билан иблиснинг беш калласини ҳам танасидан жудо қилди. Шунда, худди Индранинг яшини урганида катта тоғ қоялари денгизга қулагани сингари, иблис Мура ҳам жон таслим қилиб сувга қулади.

Иблиснинг Тамра, Антарикша, Шравана, Вибхавасу, Васу, Набхасван ва Аруна деган етти ўғли бор эди. Отаси ўлгандан кейин улар манманлик билан қасос олиш ниятида қаттиқ ғазабланиб Кришна билан жанг қилишга шайландилар. Улар ҳар хил қурол-аслаҳалар билан етарлича қуролланиб олдиларда, Питха деган бошқа бир иблисга жангни бошқариб туришни буюрдилар. Бхаумасуранинг амри билан уларнинг ҳаммаси бирданига Кришнага ҳамла қилдилар.

Улар Парвардигор Кришнанинг олдида пайдо бўлиб, Унга қилич, гурзи, найза, пайконлар ва санчқилар билан ҳужум қилдилар. Аммо улар Худонинг Олий Шахсининг қудрати чексиз, Ўзи эса енгилмас эканидан беҳабар эдилар. Парвардигор Кришна Ўзининг қуроллари билан Бхаумасуранинг жангчиларининг барча қуролларини яқсон қилиб, ҳар бир бўлаги буғдой дони катталигида қилиб парчалаб ташлади. Кейин Парвардигор Кришна Ўзининг қуролларини ишга солиб, Бхаумасуранинг лашкарбошисини ҳам, барча жангчиларини ҳам барча қурол-аслаҳалари билан бирга яқсон қилиб ташлади, ҳамма жангчилар қўл-оёқлари чопилиб, Азроил салтанатига йўл олдилар.

Иблис Бхаумасура Наракасура деган ном билан ҳам донг таратган бўлиб, аслида Ер сайёрасининг ҳукмдори бўлган фариштанинг ўғли эди. У ўзининг барча жангчилари ва саркардалари жангда Худонинг Олий Шахсининг зарбалари остида ҳалок бўлганини кўриб, Парвардигордан қаттиқ ғазабланди. У ҳар бири денгиз соҳилида

туғилиб парваришланган жуда кўп филлар билан биргаликда шаҳардан чиқиб келди. Уларнинг ҳаммаси қаттиқ маст эдилар. Улар шаҳардан чиқиб келганларида Парвардигор Кришна ва Унинг рафиқаси самода сузиб юрганани кўрдилар, улар худди булут ёғдирадиган катта-катта булутларни, булутлар ёнида ҳар замон-ҳар замонда яшин чакнаб, куёш чарақлаб турганини эслатарди. Иблис Бхаумасура бир зарбада юзлаб жангчиларни ўлдиришга қодир бўлган қудратли *шатагхни* деган қуролини ишга солди. Айни пайтда унинг ҳамтовоқлари ҳам ўзларининг қуроллари билан Худонинг Олий Шахсига ташландилар. Учига пат қистирилган пайконлари билан Парвардигор Кришна уларнинг ҳамма уринишларини чиппакака чиқарди. Жанг оқибатида иблиснинг ҳамма жангчилари, улар билан бирга отлари, филлари ҳам қўл-оёқлари узилган ҳолда ер билан яқсон бўлдилар. Шундай қилиб, Парвардигорнинг пайконлари Бхаумасуранинг барча қуролларини яқсон қилиб ташлади.

Парвардигор Гаруданинг устида ўтирар, жангда Гаруда ҳам душман жангчиларини, филларини, отларини ўзининг қанотлари билан уриб, тумшуғи билан тишлаб, панжалари билан тирнаб, Парвардигорга ёрдам берарди. Филларга ташланиб Гаруда уларга оғир жароҳат етказар, улар оғриққа чидамай жанг майдонини ташлаб қочар эдилар. Ниҳоят жанг майдонида Бхаумасуранинг ёлғиз ўзи қолди ва Кришна билан якка-якка жангга киришди. У ўзининг жангчи ва филларига Гаруда катта талафот етказганини кўриб, ғазабланиб бор кучи билан Гарудага зарба берди, унинг зарбаси яшиндай кучли эди. Лекин яхшиямки, Гаруда оддий қушлардан эмасди, Бхаумасуранинг зарбалари унга худди катта филни гулчамбар билан ургандай ҳам таъсир қилмасди.

Шунда Бхаумасура ўзининг бирор амали ҳам Кришнага таъсир қилмаётганини кўриб, Кришнани ўлдириш учун қилинаётган уринишлари ҳеч қандай натижа бермаслигини тушуниб етди. Шунга қарамай у кўлига санчқисини олиб охириги марта Кришнага ҳужум қилишга қарор қилди, аммо Кришна шу қадар эпчиллик билан ҳаракат қилдики, иблис ҳали санчқисини ушлаб улгурмасданок Ўзининг Сударшана-чакра деган ўткир қуроли билан унинг калласини кесиб ташлади, иблиснинг тож ва сирғалар билан безанган калласи ерга думалаб тушди. Парвардигор Кришна иблис Бхаумасурани шу тариқа яқсон қилганидан кейин иблиснинг ҳамма қариндошлари мусибатга тушиб нола қила бошладилар, авлиё донишмандлар эса Парвардигорнинг бундай жасоратли кароматларини олқишлай бошладилар. Бу воқеани кузиб турган жаннат сайёраларининг аҳолиси Парвардигор устига гуллар ёмғирини ёғдирдилар.

Кейин Парвардигор Кришнанинг олдида ер фариштаси пайдо бўлди ва қимматбаҳо Ваиджайанти гавҳарларидан ясалган гулчамбар

тақдим этиб, Унга сажда қилди. Шунингдек у Адитининг олтин сирғасини ҳам, Варунанинг соябонини ҳам қайтариб берди, Кришнага яна битта қимматбаҳо маржон тақдим этди. Кейин ер фариштаси ҳамиша барча фаришталар сиғиниб сажда қиладиган, бутун олам ҳукмдори, Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришнага илтижо қила бошлади. У ерга йиқилганча сажда қилиб, шундай илтижо қилди: "Мен ҳамиша кўлларида тўрт белги: сур, халқа, нилуфар гули ва гурзи ушлаб юрадиган, барча фаришталарнинг ҳукмдори бўлган Парвардигор олдида эҳтиром билан бош эгаман. Илтимос, менинг ҳурмат-эҳтиромимни қабул эт. Эй азиз Худойим, Сен - Олий Рухсан, Ўз бхакталарининг орзуларини рўёбга чиқариш ниятида, Ўзингга сиғиниб юрган бхакталарнинг истакларига мос бўлган илоҳий киёфаларда Сен ер сайёрасига ташриф буюрасан. Марҳамат қилиб менинг чуқур эҳтиромимни қабул эт.

Эй азиз Худойим, нилуфар гули Сенинг киндигингдан ўсиб чиқади, кўксингни ҳамиша нилуфар гулларидан ясалган гулчамбар безаб туради. Сенинг чўзинчоқ кўзларинг нилуфар гулбаргларини эслатади, шу боис кўзлар уларга қараб тўймайди. Сенинг пойи қадамларинг юмшоқ ва майин, бхакталар ҳамиша уларга сажда қиладилар, улар содиқларнинг қалбига ором бағишлайди. Шунинг учун мен Сенинг олдингда такрор ва такрор эҳтиром билан сажда қиламан.

Сен - мавжуд бўлган бутун такво, шоншухрат, бойлик, илм ва боғланмаслик соҳибисан; барча комил беш фазилат Сенда мужассам. Гарчи Сен ҳамма ерда мавжуд бўлсанг ҳам, Сен Васудеванинг ўғли киёфасида дунёга келдинг. Шунинг учун илтимос, менинг чуқур эҳтиромимни қабул эт. Сен - азалий бошланғич Худонинг Олий Шахси ва барча сабаблиарнинг бошланғич сабабчисан. Барча илмларнинг ягона манбаи - Сен Ўзингсан. Сенга ўз эҳтиромимни изҳор этишга рухсат бер. Сен Ўзинг туғилмагансан, шунга қарамай бутун борлиқнинг отасисан. Сен - барча қувватлар манбаи ва паноҳ маконисан. Сен бу моддий оламни яратасан, намоён бўлган бутун космик борлиқнинг сабабчиси ва оқибати ҳам Сен Ўзингсан. Шунинг учун илтимос, менинг чуқур эҳтиромимни қабул қил.

Эй азиз Худойим, уч қудратли фаришта - Тангри Браҳма, Парвардигор Вишну ва Тангри Шива ҳам Сенга бўйсунган. Намоён бўлиб турган мана шу космик оламни яратишга эҳтиёж туғилганда, Сен Ўзингнинг эҳтиросинг тимсоли бўлган Тангри Браҳмани яратасан, ана борлиқнинг мавжудлигини таъминлаб туриш учун Сен эзгулик манбаи бўлган Парвардигор Вишну киёфасини намоён этасан. Шунингдек Сен Ўзингни ғафлат гунасининг ҳукмдори Тангри Шива бўлиб намоён этасан ва бутун оламни яқсон қиласан. Моддий табиатнинг мана шу уч гунасини яратганингга қарамай Сен ҳамиша илоҳий ҳолатда қолаверасан. Оддий тирик мав-

жудотларни ўраб олганидай Сенга моддий табиат гуналари ҳеч қачон ўз таъсирини ўтказмайдилар.

Эй азиз Худойим, аслини олганда, моддий табиат ҳам Ўзингсан, бутун борлиқнинг отаси ҳам Ўзингсан, моддий табиат билан Яратувчининг ўзаро боғланишини таъминловчи Замон ҳам Сен Ўзингсан. Шунга қарамай, Сен мана шу моддий фаолиятларнинг ҳаммасига нисбатан илоҳий ҳолатдасан. Эй азиз Худойим, эй Худонинг Олий Шахси, мен биламанки, ер, сув, ҳаво, осмон, сезгиларга таъсир қиладиган беш нарса, ақл, сезгилар ва уларни бошқарувчи фаришталар, шунингдек бутун моддий қувват, бу дунёдаги жонли-ю-жонсиз нарсаларнинг ҳаммаси Сенинг Ўзингда жойлашган. Ҳамма нарса аслида Сенинг Ўзингдан чиққандан кейин, бирор нарсани Сендан ажратиб бўлмайди. Аммо барибир, Сенинг илоҳий ҳолатинг шарофати билан бирор моддий нарсани Сенинг Ўзинг, Сенинг Шахсинг билан киёслаб бўлмайди. Шунинг учун бир вақтнинг ўзида ҳамма нарса Сен Ўзингсан ва Сен эмассан. Сени ҳамма нарсадан ажратган ҳолда ўрганишга уринаётган файласуфлар шубҳасиз қаттиқ адашадилар.

Эй азиз Худойим, Сенга маълум қилишга ижозат берки, мана шу Бхагадатта деган неварам ўғлим Бхаумасуранинг ўғли бўлади. Отаси ўлгандан кейин у жуда қийин аҳволга тушиб қолди, шу боис ҳозир қаттиқ кўрқиб, изтироб чекапти. Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қилиши учун мен уни Сенинг олдингда олиб келдим. Мен Сендан бу болага ҳомийлик қилишингни ва нилуфар пойи қадамларинг марҳаматидан уни ҳам баҳраманд қилишингни илтимос қиламан. Гуноҳкор отасининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлиши учун уни Сенинг олдингда олиб келдим".

Она-ернинг илтижолариним тинглаб туриб Парвардигор Кришна унга энди ҳеч қандай хавфхатар таҳдид қилмаслигини ишонтириб айтди. Парвардигор Кришна Бхагадаттага: "Қўрма!" - деди. Кейин У Бхаумасуранинг ҳашаматли саройига кирди. Бу ерда Парвардигор Бхаумасура ўғирлаб олиб келиб зиндонда қамаб қўйган ўн олти минг бир юз маликани учратди. Маликалар шахарга кириб келаётган Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришнага кўзлари тушган заҳоти Унинг жамолига мафтун бўлиб қолдилар ва ўзларига бесабаб марҳамат кўрсатишини тилаб Унга илтижо қила бошладилар. Ўзларининг хаёлида улар ҳеч иккиланмасдан Парвардигор Кришнани ўзларининг эри деб қабул қилишга қарор қилган эдилар. Уларнинг ҳар бири Тақдирдан ялиниб, Кришнага турмушга чиқишни тилаб нола қиларди. Улар чуқур садоқат билан ўзларининг бутун қалбини Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига топширган эдилар. Ҳар кимнинг қалбида мавжуд Олий Рух бўлгани туфайли Парвардигор Кришна уларнинг пок қалбидаги эзгу ниятларини биларди, шу боис

уларнинг ҳаммасини Ўзига хотинликка олишга рози бўлди. Парвардигор Кришна уларнинг ҳар биттасига алоҳида либос ва тақинчоқлар тайёрлашни буюрди, уларнинг ҳар бири алоҳида паланкинда Дварака шахрига келтирилди. Иблисининг саройидан Кришна сон-саноксиз бойлик - жанг-аравалари, отлар, қимматбаҳо тошлар ва бошқа хазиналар олиб кетди. У саройдан Дваракага элликта оппоқ фил олиб кетди, уларнинг ҳар бирининг тўрттадан кураги бор эди.

Бу воқеадан кейин Парвардигор Кришна билан Сатйабхама самовий салтанатнинг пойтахти Амараватига йўл олдилар, уларни хурсандчилик билан муносиб кутиб олган шоҳ Индра ва унинг рафиқаси Шачи-девининг саройига кириб келдилар. Бу ерда Кришна Индрага Агнининг сирғасини топширди.

Кришна билан Сатйабхама Индранинг пойтахтидан қайтиб кетаётганларида Сатйабхама Кришна бир пайтлар жаннатда ўсадиган *париджата* деган гул совға қилишга ваъда берганини эслади. Жаннатга келганидан фойдаланиб, у шу ерда ўсиб турган париджата гулидан биттасини узиб олиб, уни Гаруданинг елкасига жойлаб қўйди. Бир куни Нарада Муни Кришнанинг катта хотини Рукмини-девига париджата совға қилган эди, шунда Сатйабхама Кришна ўзига етарли эътибор бермаёганидан қаттиқ ўксинган эди. У ҳам Кришнадан совға сифатида ана шундай гул олишни истаган эди. Кришна аслида аёл зоти ўз табиатига кўра бир-бири билан рақобат қилишга мойил бўлишини тушунарди, шунинг учун бунга индамай кулиб қўя қолга эди. У Сатйабхамадан шундай деб сўради: "Нимага сен фақат битта париджата гулини сўраяпсан? Мен сенга париджата гулини бутун дарахти билан совға қилмоқчи эдим".

Аслида Парвардигор Кришна Сатйабхама ўз қўли билан париджата гулини узиб олиши учун атайлаб уни Ўзи билан бирга жаннатга олиб чиққан эди. Аммо унинг бу ишидан жаннат аҳолисининг, шу жумладан шоҳ Индранинг ҳам қаттиқ жаҳли чиқди. Уларнинг рухсатисиз Сатйабхама жаннатдан бошқа ҳеч қаердан топилмайдиган париджата дарахтидан битта гулни узиб олганди. Парвардигор Кришна билан Сатйабхаманинг жаннатдан париджата гул дарахтини олиб кетишига Индра ва бошқа фаришталар қаршилик қилдилар, аммо Кришна Ўзининг суюкли хотини Сатйабхамани мамнун қилиш учун қароридида қатъий туриб олганди, натижада фаришталар билан Парвардигор Кришна орасида жанг бошланиб кетди. Одатдагидай Парвардигор Кришна бу жангда ғалаба қозонди ва У хотини билан бирга париджата гул дарахтини жаннатдан ерга, Дваракага олиб тушди. Шундан сўнг дарахт Сатйабхаманинг саройидаги гулзорга ўтказилди. Бу ғаройиб гул туфайли Сатйабхаманинг гулзори ғайритабий равишда чиройли бўлиб кетди. Париджата гул дарахти жаннатдан ерга тушганида у билан бирга жан-

натдан анвойи ҳидлар ҳам тушган эди, шу боис унинг шарбатини ва ҳидини излаб ер сайёрасига жаннатда яшайдиган оққушлар ҳам ташриф буюрдилар.

Шукадева Госвами сингари буюк донишмандлар шоҳ Индранинг Парвардигор Кришнага бўлган бундай муносабатини қўллаб қувватламайдилар. Ўзининг чексиз марҳаматини кўрсатиб Парвардигор Кришна жаннатдаги Амаравати шахрига Индрага унинг онасининг Бхаумасура олиб қўйган сирғасини тақдим этиш учун борган эди, Индра сирғани олиб жуда хурсанд бўлган эди. Аммо Кришна жаннатдан париджата гул дарахтини олиб кетаётганини кўриб Индра Парвардигор Кришна билан жангга киришиб кетди. Индранинг очкўзлиги, қизганчиқлиги, фақат ўз манфаатини ўйлаш табиати ана шундай эди. Индра Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилиб илтижо қилар, аммо ўз ниятига етган заҳоти фикри ҳам, нияти ҳам ўзгариб қоларди. Имонсиз одамлар ҳам одатда шундай бўладилар. Улар ҳаётда фақат ўз манфаатини ўйлаб иш қиладилар, ниятига етиш учун ҳар қандай одам билан тил топишиб, дўст бўлиб, уларга сажда қилишга тайёр турадилар, лекин ишлари битиб, ниятига етгандан кейин уларнинг орасидаги дўстлик ҳам тугайди. Ана шундай, фақат ўз манфаатини кўзлаш одати фақат бу сайёрадаги бой-бадавлат одамларга эмас, ҳатто Индра сингари фаришталарга ҳам хос бўлган жирканч хусусиятдир. Катта бойлик одамни очкўз, фақат ўзини ўйлайдиган қилиб қўяди. Ўзбилармон, манман одам эса ҳеч қачон Кришнани, Худони англашни истамайди, Шукадева Госвами сингари буюк бхакталар ундай одамларни қоралайдилар. Бошқача қилиб айтганда, керагидан кўп мол-дунё орттириш Кришнани, Худони таниш, руҳий юксалиш йўлида катта тўсиқ бўлади.

Индра устидан ғалаба қозонгандан кейин Кришна Бхаумасуранинг саройидаги қамокдан озодликка чиқарилган ўн олти минг маликага уйланишга ҳозирлик кўра бошлади. Ўзини ўн олти минг бир юз қиёфада намоён этиб, у никоҳ маросими ўтказиш учун шарофатли бўлган бир вақтнинг ўзида ҳар хил саройларда маликаларнинг ҳаммасига бирданига уйланди. Шу тариқа Кришна фақат Унинг Ўзи Худонинг Олий Шахси эканини, Унинг қўлидан келмайдиган бирор иш йўқлигини, У ҳамма нарсага қодир эканини амалда исботлади; У ҳар нарсага қодир ва ҳамма ерда мавжуд, У ўзгармас, шунинг учун бундай ҳайратли эрмак Унинг учун ғайритабий иш эмасди. Ўн олти мингдан ортиқ маликанинг ҳар бирининг алоҳида саройи бўлиб, саройлар ажойиб гулзор ва боғлар билан ўралган, сарой ичидаги хоналар жаҳонда йўқ нодир жиҳозлар билан тўшалган эди. "Шримад Бхагаватам"да келтирилган бу ҳикоя ҳечам муболага эмас. Кришна уйланган маликаларнинг ҳаммаси аслида равақ фаришталарининг экспансиялари эди. Кришна

уларнинг ҳар бири билан алоҳида саройларда худди оддий одамлардай муносабатда бўлиб яшарди.

Биз ҳамиша шуни эса тутишимиз лозимки, Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришна бу дунёда яшар экан Ўзини худди оддий одамдай қилиб кўрсатарди; гарчи бир вақтнинг ўзида ўн олти мингдан ортиқ саройда ўн олти минг мавликага уйланиш билан У Ўзининг ғайритабиий кароматларини намоён этган бўлса ҳам, У маликалар билан бўлган муносабатларида Ўзини худди оддий одамлардай тутар, эркак-ва аёллар риоя қиладиган барча урф-одатларга, қонун қоидаларга риоя қилар эди. Шунинг учун Олий Браҳманнинг, Худонинг Олий Шахсининг сифатларини англаб етиш жуда қийин. Ҳатто Тангри Браҳма сингари қудратли фаришталар ҳам Парвардигорнинг илоҳий эрмакларининг моҳиятини англаб ета олмайдилар. Кришнанинг маликалари жуда омадли аёллар эдилар, чунки улар ҳатто Тангри Браҳма сингари қудратли фаришталар ҳолатини англай олмайдиган улугвор Илоҳий Олий Шахс, Парвардигор Кришнани ўзларига эр қилиб олган эдилар. Кришна билан Унинг маликалари худди оддий келин-куёвлардай вақтларини ўйин-кулги, ҳазил-мутойибалар билан кувноқ ўтказар, бундан уларнинг оилавий ҳаёти яна ҳам лаззатлироқ тус оларди. Шу тариқа Парвардигор Кришна ва маликалар оилавий ҳаётларида илоҳий лаззатдан бахтиёр бўлиб яшардилар. Ҳар бир маликанинг хизматида минглаб канизаклар бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бири шахсан ўзи Кришнага хизмат қилишга интиларди. Кришна саройга кириб келганида Уни кутиб олишга уларнинг ҳаммаси шахсан ўзлари чиқардилар. Улар Кришнани юмшоқ ўриндикқа ўтказар, эҳтиром билан Унга ҳар хил анжомлар тақдим этар, оёқларини ювар эди. Агар Кришна уйдан йироқда юриб чарчаган бўлса, маликалар Уни елпиғич билан елпиб туришларини назорат қилиб, Унинг ҳордиғини чиқарар, Унга ҳар хил анвойи гулларнинг мойи билан мойлаб, гулчамбар осардилар. Унинг сочларини турмаклаб, дам олгани ётқизар, ўзлари ювинтириб, ҳар хил тансиқ таомлар билан овқатлантирар эдилар. Маликаларнинг ҳар бири бу ишларни канизаклар бажаришини кутмасдан шахсан ўзлари қилардилар. Бошқача қилиб айтганда Кришна билан маликалар бу дунёда ҳақиқий оилавий ҳаёт ва эр-хотинларнинг ўзаро муносабатлари қандай бўлишини оддий инсонларга шахсан ўрнак бўлиб кўрсатиб кетган эдилар.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Иблис Бхаумасурани руҳий озодликка чиқариши" деб аталадиган эллик саккизинчи бобига Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.

59. Кришна билан Рукминининг суҳбати

Бир куни, Тангри Браҳмадан то энг кичик ҳашаротгача бўлган барча тирик мавжудотларга илм ато этувчи Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна Рукминининг ётоқхонасида дам олиб ўтирарди, малика эса канизаклари билан бирга Унга хизмат қиларди. Кришна Рукминининг тўшагида ўтирар, канизаклар эса Уни чамара билан елпиб турарди.

Парвардигор Кришнанинг комил эр сифатида Рукминига бўлган муносабати, кўрсатаётган муомаласи Худонинг Олий Шахсининг энг олий фазилатларидан бирининг намоён бўлишидир. Жуда кўп файласуфлар Мутлақ Ҳақиқатни шундай таърифлайдиган таълимотни тарғибот қиладиларки, унда Парвардигор у ёки бу ишни қилишга қодир эмас. Улар Олий Мутлақ Ҳақиқатнинг инсон қиёфасида намоён бўлишини инкор этадилар. Аслида уларнинг бу таълимоти нотўғри: Парвардигор бизларнинг мукамал бўлмаган ҳиссиётимизнинг фаолиятига бўйсунмайди. У - ҳар нарсага қодир бўлган, ҳамма жойда мавжуд бўлган Худо Шахси, Ўзининг олий амри билан У фақат бутун борликни яратишни, мавжудлигини таъминлаб туришни ва вақти келганда яқсон қилиш билан шуғулланмасдан, Ўзининг истаган ишларини амалга ошириш учун инсон қиёфасида ташриф буюришга ҳам қодир. "Бхагавад-гита"да айтилганки, жамиятдаги одамлар ўзларининг Худо олдидаги муқаддас бурчларини бажаришни тарк этган заҳоти Парвардигор бу дунёга ташриф буюради. Уни бу дунёга келишга ҳеч қандай ташқи кучлар мажбур қила олмайди; У инсониятнинг фаолияти тўғри йўналишда давом этишини қайта тиклаш, ҳамда инсониятнинг руҳий юксалишига тўсқинлик қиладиган ҳамма нарсени яқсон қилиш учун бу дунёга Ўзининг ички қуввати ёрдамида ташриф буюради. Худонинг Олий Шахсининг илоҳий эрмакларининг ана шу қоидасига кўра У Йадавалар сулоласида Ўзининг мангу Шри Кришна қиёфасида намоён бўлди.

Рукминининг саройи жуда ҳашаматли қилиб безатилган эди. Шипдан пастга ҳар хил нақшлар тўқилиб, марваридлар билан безатилган жуда кўп соябонлар осилиб турар, бутун сарой қимматбаҳо тошлардан таралаётган ёғду билан ёритилиб турарди. Саройда Ҳиндистонда энг зўр анвойи ҳид таратадиган гуллардан ҳисобланадиган *баела* ва *чамели* ўсиб турган кўплаган гулзорлар бор эди. Саройда бундай гуллар жуда кўп бўлиб, уларнинг барқ уриб очилиб турган гуллари саройни яна ҳам шинам, файзли қилиб кўрсатарди. Гуллардан таралаётган ғайритабиий муаттар ҳидларга мафтун бўлган асаларилар галаси гуллар атрофида ғувиллаб юрарди. Тунлари дераза ойнасидан енгил ой нурлари ичкарига тушиб турарди. Яна бу ерда

қийғос очилган гулларга кўмилган париджата дарахтлари кўп бўлиб, енгил шабада уларнинг муаттар ҳидини бутун атрофга таратиб турарди. Сарой ичида мушк анбарлар тутатилар, уларнинг ёқимли ҳидлари деразалардан ташқарига тараларди. Хонанинг ўзига устига оқлиги ва юмшоқлиги билан сут кўпигини эслатадиган нафис мато ташлаб кўйилган турли гиламлар тўшалган эди. Ана шу хонада канизаклари ёрдам бераётган Рукминининг хизматларидан лаззатланиб Парвардигор Кришна роҳатланиб хордиқ чиқариб ётарди.

Рукмини ҳам Худонинг Олий Шахсига ўз эри сифатида хизмат қилиш имконига эга бўлганидан жуда хурсанд эди. Шу боис Парвардигорга шахсан ўзи хизмат қилишни истади ва канизакнинг кўлидан чамарани олиб, Кришнани ўзи елпий бошлади. Рукмини чамарани кўлига олганида унинг олтиндан ясалиб, ҳар хил қимматбаҳо тошлар билан безатилган дастаси яна ҳам чиройлироқ бўлиб кетди, чунки унинг бирмоқларига ҳам қимматбаҳо гавҳартошлардан нақш кўйилган олтин узуклар тақилган эди. Унинг оёқларида ҳам тақинчоқлар ва кўнғирокчалар осилган бўлиб, сарисининг остида унинг ҳаракатларига мос ҳолда ёқимли жаранглаб турарди. Рукминининг баланд сийналари устига кункума ва шафран сепилганидан қизғиш рангга кириб уни яна ҳам гўзалроқ кўрсатарди. Унинг баланд, бўлиқ сонларини қимматбаҳо тошлардан нақш кўйиб тўқилган камар, бўйинини эса порлоқ ёғду таратиб турган маржон безаб турарди. Бунинг устига, гарчи у ҳозир фарзанд кўрса бўладиган ёшда бўлишига қарамай, Парвардигор Кришнага бевосита хизмат қилиб юргани туфайли, унинг ажойиб танасидан тенгсиз гўзаллик ва тароват барқ уриб турарди. Унинг бекиёс гўзал жамолига кўзи тушган одамга гўё лаззатли нектар таратиш учун унинг тўлқин сочлари, чиройли сирғалари, табассум ўйнаб турган оғизлари ва олтин маржони - ҳаммаси бирга қўшилиб кетгандай туюларди; аниқ исботланганки, Рукмини - ўзини бутунлай Нарайананинг нилуфар қадамлари пойига садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган бошланғич раванқ фаришталарнинг ўзидан бошқа ҳеч ким эмас.

Буюк мўътабар зотлар Кришна билан Рукминининг Дваракадаги ҳаётини одатда мана шундай дабдаба билан яшайдиган Нарайана билан Лакшмининг эрмакларининг бу дунёда намоён бўлиши деб қабул қиладилар. Радха билан Кришнанинг Вриндавандаги оддий қишлоқи ёшларга хос бўлган эрмаклари Дваракадаги шаҳарликларга хос тантана билан ўтадиган эрмаклардан бутунлай фарқ қиларди. Рукмини энг ёрқин фазилатларга эга бўлиб, Кришна унинг хулқ-атворидан, ахлоқ-одобидан жуда мамнун эди.

Кунларнинг бирида шундай воқеа рўй берган эди: Нарада Муни Рукминига париджата гулини совға қилгани, буни кўрган Сатйабхама унга

ҳасад қилиб, шу заҳотиёқ Кришнадан унга ҳам шундай гул олиб келишни талаб қилган эди. То Кришна унга бутун бир париджата дарахти олиб келишни ваъда бермагунча Сатйабхама тинчимангани, ўшанда. Кришна сўзининг устидан чиқди. Париджата гули жаннатдан ерга олиб тушилган эди. Шундан сўнг Кришна, Сатйабхама бутун бир париджата дарахти олганини кўриб, Рукмини ҳам ўзига бирор нарса талаб қилса керак деб ўйлаган эди. Аммо Рукмини бу ҳақда ҳатто оғиз ҳам очмади, чунки у ҳамиша ўзини жуда жиддий тутар, Кришнага хизмат қилиб юрганидан ўзини жуда бахтиёр ҳис қилиб, ҳаётдан мамнун яшарди. Кришна унинг юзида ҳам жаҳл аломатларини кўришни истагани ва унинг жаҳлини чиқариш учун ҳар хил режалар туза бошлади. Гарчи Кришнанинг ўн олти мингдан ортиқ хотини бўлса ҳам, У эркак сифатида уларнинг ҳар бирини алоҳида ўзига хос йўл билан эркаларди; У ўзини ва хотинини шундай бир вазиятга солиб кўярдики, шунда хотини Уни меҳр аралаш ғазаб билан қийиб бошларди, Кришна суюкли хотинининг аччиғи чиққанидан лаззатланарди. Аммо ҳозир ундай эмасди, чунки Кришна ўзи барча комил фазилатларга эга бўлган ҳолда, ҳамиша эрига хизмат қилиш билан банд бўлган Рукминидан бирор нуқсон топа олмасди. Шунинг учун Кришна юзида табассум билан Рукминига қараб муҳаббат билан гапира бошлади. Рукмини қудратли ҳукмдор Бҳишмаканинг қизи эди, шу боис Кришна унга Рукмини деб эмас, балки "малика" деб мурожаат қилди. "Эй азиз маликам, мен сени ўйлаб жуда ҳайрон бўляпман! Сенга шоҳлар хонадонидан чиққан жуда кўп шаҳзодалар уйланмоқчи бўлган эдилар. Гарчи уларнинг ҳаммаси албатта шоҳ бўлмаса ҳам, ҳаммаси шоҳона бойликларга ва мартабага эга зотлар эдилар; уларнинг ҳар биттаси яхши тарбия кўрган, билимдон ва шоҳлар орасида обрўли зотлар эдилар. Уларнинг ҳаммаси хуш хулқли, одоб-икромли бўлиб, жуда кўп яхши фазилатларга эга эдилар. Улар олийнасаб, куч-қудратга эга, ҳар жиҳатдан буюк зотлар эдилар. Уларнинг ҳаммаси сенга жуда мос келарди, бунинг устига аканг билан отанг ҳам сенинг улар билан оила қуришингга қарши эмас эдилар. Аксинча, улар сен Шишупалага эрга чиқишинг учун ҳамма нарсани тайёрлаб қўйган эдилар; ота-онанг ана шу никоҳга розилик бериб бўлган эдилар. Шишупала жуда буюк шоҳ бўлиб, сенга ошиқ бўлиб қолган эди. Сенинг гўзаллигинг уни шу қадар мафтун қилиб қўйган эдики, агар у сенга уйланганида, ўйлайманки, сенга садоқатли эр бўлиб, худди хизматкорингдай бўлиб олдиндан бир қадам ҳам жилмай юрган бўларди.

Шунча фазилатларга эга бўлган Шишупаланинг олдида Мен ҳеч ким эмасман. Балки буни ўзинг ҳам яхши биларсан. Шишупалага эрга чиқишдан бош тортиб, ҳар жиҳатдан ундан паст бўлган Менга эрга чиқишга рози бўлганингни кўриб Мен жуда ҳайрон бўляпман. Мен ўзимни

сенга эр бўлишга умуман муносиб эмас деб ўйлайман, чунки сен жуда гўзал, ақлли, жиддий, улуғвор қизсан. Сени Менга турмушга чиқишга мажбур қилган нарса нима эканини билсам бўладими? Албатта, ҳозир Мен сени: "Ўзимнинг гўзал, соҳибжамол хотиним!" - деб чақиришим мумкин, лекин барибир Мен Ўзим аслида ким эканимни сенга билдириб қўймоқчиман. Аслида Мен сенга уйланмоқчи бўлиб юрган шахзодаларнинг ҳаммасидан паст бўлган Зотман.

Энг аввало шуни билки, Мен Жарасандхадан шунчалик қўрқиб кетган эдимки, ер юзида яшашга журъат эта олмадим, шу боис денгиз ўртасида мана шу кўрғонни куришга мажбур бўлдим. Мен бу сирни бошқаларга очиб ўтиришни истамайман, аммо сен билишинг керакки, аслида Мен жасур эмасман. Мен жуда кўрқокман, шунинг учун улардан қаттиқ кўркаман. Барибир Мен Ўзимни хавф-хатардан халос бўлдим, деб эркин тутолмайман, чунки ана шу буюк шоҳларнинг барчаси Менга душман бўлиб қолганлар. Ҳар хил сабаблар билан уларга қарши чиқиб Мен Ўзим уларни ўзимга душман қилиб қўйдим. Менинг яна бир камчилигим шундан иборатки, гарчи ҳозир Мен Двараканинг тахтида ўтирган бўлсам ҳам, аслида Менинг бунга ҳақким йўқ. Гарчи Мен тоғам Камсани ўлдириб унинг тахтини эгаллаб олган бўлсам ҳам, тахт Менинг бобомга ўтган эди, шу боис аслида Менинг Ўзимнинг алоҳида салтанатим йўқ. Бунинг устига ҳаётда Менинг маълум бир мақсадим ҳам йўқ. Одамлар Мени тўғри тушунмайдилар. Менинг ҳаётда яшашдан мақсадим нима? Мен Вриндаванда оддий подачи бўлиб юрганамни улар яхши биладилар. Одамлар Менинг отаси Нанда Махаражнинг изидан боришимни, Шримати Радхарани ва унинг Вриндавандаги бошқа дугоналарига содиқ бўлиб қолишимни кутган эдилар. Лекин Мен кутилмаганда уларни ташлаб кетдим. Мен буюк шоҳ бўлишни орзу қилган эдим, аммо Ўзимга салтанат топиб ололмадим, ҳақиқий шоҳлардай ҳукмронлик қила олмадим. Менинг ҳаётда яшашдан мақсадим нима эканини билмай одамлар ҳайрон бўладилар. Улар аслида Менинг ким эканимни ҳам билмайдилар, подачиманми ёки шахзодаманми, Нанда Махаражнинг ўғлиманми ё Васудеванингми? Ҳаётда маълум бир мақсадим бўлмагани учун одамлар Мени девона деб аташлари ҳам мумкин. Шу боис мен сенинг ўзингга шундай бир девонани куёв бўлишга танлаганингдан мен жуда ҳайрон бўляпман.

Бунинг устига Мен ҳатто жамиятдаги урф-одатларга ҳам риоя қилишни билмайман. Маданиятли одамга битта хотиннинг ўзи етарли бўлиши керак, ўзинг биласанки, Мен жуда кўп марта уйландим, ҳозир ўн олти мингдан кўпроқ хотиним бор. Мен ҳақиқий эркаклардай уларнинг кўнглини ололмайман. Мен улар билан яхши муомала ҳам қилолмайман, буни ўзинг ҳам яхши тушунасан. Мен қишлоқда ўсиб тарбия ол-

ганман, шу боис шаҳардаги одоб-ахлоқ қоидаларини яхши билмайман. Мен ширин сўзлар ва эркалалар билан рафиқамнинг кўнглини топишни ҳам билмайман. Менга эргашган ёки Мени яхши кўриб қолган ҳар бир аёл ўзининг бу иши охир-оқибатда умрининг охиригача ҳижрон азобида ёниб ўтишига сабаб бўлишини шахсан ўзи бошидан кечиради. Вриндаванда жуда кўп гопилар Мени ёқтириб қолган эдилар, Мен эса уларни ташлаб кетдим, шу боис улар ҳозир Мендан айрилиқ азобидан қаттиқ изтироб чекиб яшаштилар. Акрура ва Уддхавадан эшитдимки, Мен Вриндавандан кетгандан бери Вриндаванлик барча подачи дўстларим, гопилар, Шримати Радхарани ва отам Нанда Махараж Мени соғиниб бетиним кўз ёши тўкиб юрибдилар. Мен Вриндаванни бутунлай ташлаб кетганман ва ҳозир Дваракада маликалар билан вақтимни ўтказиб юрибман, аммо сизларнинг бирортангиз билан ҳам яхши муносабатда эмасман. Шундай экан, Менинг маълум бир қатъий қарорим йўқлигини ўзинг яхши биласан: Мен ишончли дўст бўла олмамайман. Менга яқин боғланишнинг ягона оқибати - ҳаётда ҳамма нарсадан маҳрум бўлишдан иборат.

Эй Менинг кадрдон, соҳибжамол гўзалим, билсанг Мен ҳеч қачон бирор бойликка эга бўлган эмасман. Бу дунёга келган захотим Мени Нанда Махаражнинг уйига олиб борганлар, кейин Мени подачи қилиб тарбияладилар. Гарчи тутинган отамнинг минглаган сигирлари бўлса ҳам, уларнинг бирортаси Менга тегишли эмасди. Менга фақат уларни боқиш, уларга қараб юриш топширилган эди, лекин улар Менинг мулким эмасди. Бу ерда ҳам бирор нарса Меники эмас, шундай қилиб, Мен ҳеч қачон бирор бойликка эга бўлган эмасман. Бундай қашшоқлигим учун Мен умуман хафа эмасман. Аввал ҳам Менда ҳеч вақо йўқ эди, нимага энди ҳозир ҳам бирор мол-дунёим бўлмагани учун изтироб чекишим керак экан? Яна шуни билки, Менинг ҳақиқий бхакталарим ҳам бу дунёда бой-бадавлат яшамайдилар. Одатда уларнинг моддий бойлиги жуда кам бўлади. Катта бойликка эга бўлган бадавлат одамлар Худога садоқат билан хизмат қилишга, Худони англаб етишга қизиқмайдилар. Аксинча, ёнида бир тийин пули қолмаган одам ночор аҳволга тушиб қолганда қулай шароит туғилиб қолса, қалбида Менга қизиқиш уйғониши мумкин. Ўзларининг моддий бойлигидан мағрурланиб юрган одамлар эса, ҳатто уларни Менинг содиқларим ўз даврасига таклиф қилсалар ҳам, Мени англаб етиш, Худони таниш имкониятидан фойдаланмайдилар. Бошқача қилиб айтганда, ҳаётда камбағал яшаб юрган одамларнинг қалбида Худога интилиш туйғуси бўлиши мумкин, бой одамлар қалбида бундай қизиқиш бўлмайди. Шунинг учун, ўйлайманки сен ўзингга куёв сифатида Мени танлаб ақлли одамнинг ишини қилмагансан. Бир қараганда сен ақлли қиздай бўлиб кўринасан, ахир сенга отанг

ва аканг тарбия беришганку, шунга карамай сен ўзингга куёв танлашда жуда катта хатога йўл қўйдинг.

Лекин бунинг кўрқинчли жойи йўқ; ҳеч бўлмагандан, кеч бўлгани маъкул. Сен ҳалиям бойлиги, оилавий урф-одатлари, гўзаллиги, маълумоти ва бошқа жиҳатлари билан ўзингга мос келадиган куёв танлашинг мумкин. Ўзинг билмасдан йўл қўйган бу хатоингни эсингдан чиқариб ташла. Энди сен ўзингга фойдали бўлган йўлни танлашинг мумкин. Одатда тарбияли одам мартабаси ўзиникидан юкори ёки паст бўлган киши билан оила қурмайди. Эй Видарбҳа шоҳининг кизи, Менимча турмушга чиқаётганигда сен узоқни ўйлаб иш қилмагансан. Шу боис Мени ўзингга куёв қилиб танлаш билан сен катта хатога йўл қўйгансан. Гарчи аслида Ўзим юрган бир девона бўлсам ҳам, Менинг улугворлигим ҳақидаги ёлғон-яшиқ гаплар сенинг қулоғингга бориб етган. Мен аслида ким эканимни, асл мартабам қандай эканини билмай туриб, шунчаки Мен ҳақимда бировларнинг айтган гапларига ишониб, сен Мени ўзингга куёв қилиб танлагансан. Сен шунчаки бир ақлсизлик қилгансан. Шунинг учун Менинг сенга маслаҳатим - ҳеч бўлмаганидан, кеч бўлгани ҳам яхши, - Мендан воз кеч-да, ўзингга буюк шаҳзода-қшатрийлардан биттасини умр йўлдоши қилиб танла!"

Кришна Рукминига фарзандлари шунча катта бўлгандан кейин ажралишни таклиф қилаётган эди. Шунинг учун Кришнанинг таклифи Рукмини учун умуман кутилмаган ҳодиса эди, чунки ведавий қонунларга кўра эр билан хотиннинг ажралиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу - бир неча уйланган фарзандлари бўлган, ёши анча жойга бориб қолган Рукмини учун мутлақо имкони йўқ бўлган иш эди. Кришнанинг ҳар бир таклифи Рукмини учун аҳмоқона гапдай бўлиб туюлар, Кришнанинг бундай гапларни гапираётганидан у қаттиқ ҳайратга тушган эди. Лекин у жуда софдил, содда қиз эди, шу боис Кришна билан ажралишини ўйлаган сайин, унинг қалбида бўлғуси ҳижрон азобидан қаттиқ кўркув туйғуси тобора кучайиб борарди.

Кришна эса давом этарди: "Охир-оқибатда сен барибир келгуси ҳаётингга тайёрланишинг керак. Шунинг учун Мен сенга ҳозирги ҳаётингда ҳам, кейинги ҳаётингда ҳам ёрдам бера оладиган бирор одамни танлашни маслаҳат бераман, чунки Мен бунда сенга ёрдам беришга умуман қодир эмасман. Эй азиз, гўзал маликам, ўзинг биласанки, шоҳлар хонадонига мансуб шаҳзодаларнинг ҳаммаси, шу жумладан Шишупала, Шалва, Жарасандҳа, Дантавакра, ҳатто аканг Рукми ҳам - Менинг душманларим бўладилар; улар Мени умуман ёқтирмайдилар. Улар бутун қалби билан Мендан нафратландилар. Бу шаҳзодаларнинг ҳаммаси ўзларининг дунёвий бойлигидан жуда мағрурланиб, олдига борган одамларни мутлақо писанд билмайдилар.

Уларнинг таъзирини бериб қўйиш учун Мен сени ўғирлаб кетишга рози бўлдим, чунки сен ўзинг шунга истаган эдинг; умуман олганда Мен сени севмайман, сен эса ҳали никоҳдан ўтмай туриб Мени севиб қолгансан.

Аввал айтганимдай, оилавий ҳаёт ёки эр билан хотин орасидаги муҳаббат деган нарсалар Мени унчалик қизиқтирмайди. Табиатимга кўра Мен оилавий ҳаётга, хотинимга, фарзандларимга, уй-жой, мол-дунёга унчалик боғланмаганман. Менинг бхакталарим бундай дунёвий нарсаларга эътибор бермайдилар, Менинг Ўзим ҳам шундайман. Аслида Мени фақат рухий ўзликни англаш қизиқтиради. Менга ҳақиқий қувонч бағишлайдиган нарса оилавий ҳаёт эмас, айнан шу - рухий ҳаёт, ўзликни англаш бўлади". Шу гапларни айтиб туриб, Кришна бирдан тўхтаб қолди.

Буюк мўътабар зот Шукадева Госвами айтдики, Парвардигор Кришна деярли ҳамма вақтини Рукмини билан бирга ўтказарди, Рукмини ўзининг шунчалик омадли эканидан - Кришна уни ҳеч қачон, ҳатто бир лаҳза ҳам ташлаб кетмаслигидан бироз мағрурланиб кетганди, аммо Кришна Ўзининг бхакталаридан бирортаси мағрурлана бошлаганини ёқтирмайди. Бхакта мағрурлана бошлаган заҳоти Кришна усталик билан бирор йўл топиб, шундай бхактанинг мағрурлигига чек қўяди. Худди шундай, бу ерда ҳам Кришна Рукминига эшитиш жуда оғир бўлган бир неча гапларни айтиб қўйган эди. Унинг бу суҳбатдан чиқарадиган ягона хулосаси шу бўлдики, гарчи у ўзининг ҳозирги мартабаси билан мағрурланиб юрган бўлса ҳам, Кришна уни истаган вақтида ташлаб кетиши мумкин экан.

Эри оддий инсон эмаслигини Рукмини яхши англаб етган эди. У - Худонинг Олий Шаҳси, бутун уч оламнинг ягона ҳукмдори. Кришнанинг гапларидан маълум бўлдики, улар истаган пайтда ажралиб кетишлари мумкин, бундан Рукмини жуда қўрқиб кетди, чунки у аввал ҳеч қачон Кришнадан бундай оғир гапларни эшитмаган эди. Юзага келиши мумкин бўлган айрилиқ, ҳижрон дарагини эшитиб, унинг юраги қаттиқ-қаттиқ ура бошлади. Кришнанинг гапларига ломлим демасдан, у гўё мусибат уммонига чўкиб бораётгандай қаттиқ хавотирга тушиб, кўзларидан юм-юм ёш тўкиб турарди. У индамасдан қизғиш излар қолдириб, оёғининг учи билан ер чизиб турарди. Унинг кўзларидан оқаётган, киприкларидан қора бўёққа аралаш қизғиш ёш томчилари кўксидаги кункума ва шафранларни ювиб пастга тушиб турарди. Қаттиқ ҳаяжонланганидан нафаси бўғилиб, тили калимага келмай, у бошини эгиб, камишдай титраб қотиб турарди. Ғайритабиий изтироб ва кўркув туйғуси бутун вужудини қамраб олиб, уни ақдан оздираётган эди. У шунчалик ожизлашиб қолган эдики, бирданига озиб-тўзиб, сўлиб қолганидан қўлидаги билагузуклари шал-

вираб қолган эди. Кришнани елпиб турган чама-ра унинг қўлларидан пастга сирғалиб тушиб кетди. Унинг хотираси, фикрлари палапартиш бўлиб чалғиб, бирдан ҳушидан кетиб қолди. Чиройли турмакланган сочлари тўзиб, ўзи худди тўфон урган банан дарахти сингари гурсиллаб пастга кулаб тушди.

Парвардигор Кришна Ўзининг айтганларини Рукмини ҳазил деб қабул қилмаганини дарров тушунди. Аксинча, Рукмини Унинг гапларини жуда жиддий қабул қилган, шу боис Кришна билан бўладиган муқаррар хижрон азобидан қаттиқ қўрққанидан ана шундай аянчли аҳволга тушиб қолган эди. Парвардигор Кришна табиатан Ўзининг бхакталарига жуда меҳрибон, Рукминининг аҳволини кўриб, Кришнанинг юраги эзилиб кетди. У шу заҳотиёқ Рукминига чексиз меҳрибонлик билан ғамхўрлик қила бошлади. Кришна билан Рукминининг орасидаги муносабатлар аслида Лакшми-Нарайананинг ўзаро муносабатларидир; шу боис, Кришна Рукминининг олдида Ўзининг тўрт қўлли қиёфасини намоён этди. У ўрнидан туриб Рукминининг қўлларидан ушлади, уни оҳиста ўрнидан кўтариб, Ўзининг салқин қўлларини унинг юзларига қўйди ва тўзиб кетган сочларини силаб тўғрилади. Кришна қўллари билан Рукминининг ҳўл бўлган кўксини артиб қўйди. Рукминининг Ўзига бўлган чуқур муҳаббатини тушуниб, уни қаттиқ бағрига босди.

Худонинг Олий Шахси Ўзининг бхактаси дарров тушуниб оладиган ишларни қилишга жуда уста, шунинг учун У энди аввал айтган гапларини қайтиб олишга ҳаракат қила бошлаганди. У Ўзининг барча бхакталарининг ягона нажот макони, шунинг учун У Ўзининг соф бхакталарини қандай овутишни ҳам, қандай мамнун қилишни ҳам яхши билади. Кришна Ўзининг ҳазил гапларини Рукмини тушунмаганини кўриб турарди. Рукминини бу оғир аҳволдан чиқариш, уни бироз овутиш учун Кришна яна гапира бошлади.

"Эй Видарбҳа шохининг қизи, азизим Рукмини, Менинг гапларимни нотўғри тушунма. Менга нисбатан бундай золимлик қилма. Сен Менга самимий ва жиддий боғланиб қолганингни Мен яхши биламан; сен - Менинг мангу ҳамроҳимсан. Сенинг юрагингни қаттиқ яралаган гаплар аслида ҳақиқат эмас. Мен шунчаки сенинг бироз жаҳлинггни чиқаришни истаган эдим, Менинг ҳазил гапларимга сен ҳам худди шундай ҳазил билан жавоб берасан деб ўйлаган эдим. Бахтга қарши сен Менинг гапларимнинг ҳаммасини жуда жиддий қабул қилдинг, Мен бундан қаттиқ афсусдаман. Менинг гапларимни эшитиб сенинг қизил лабларинг ғазабдан титрай бошлайди, сен ҳам Мени ҳар хил аччиқ гаплар билан қийин бошлайсан деб ўйлаган эдим. Эй соф муҳаббат тимсоли, гапларим сени бундай аҳволга солиб қўяди деб сира ўйламаган эдим. Менинг гапларимга жавобан сен Менга ўзингнинг ғазабдан ёниб турган кўзларинг нигоҳини тикасан, шун-

дай қилиб Мен сенинг беқиёс гўзал юзинггни ғазабланган ҳолатда томоша қиламан деб ўйлаган эдим.

Эй соҳибжамол азизим, биз сен билан оилали одамлар эканимизни яхши биласан. Бизлар ҳаммиша қандайдир турмуш ташвишлари билан банд бўлиб юрамиз, лекин баъзида бир-биримиз билан ҳазиллашиб, ўйнаб-қулгимиз келади. Оилавий ҳаётда биз интиладиган эрмаклар шундан иборат. Аслида эса оилали одамлар кеча-ю кундуз тиним билмай меҳнат қиладилар, лекин эри хотини билан бирга бўлиб, бирга лаззатлана бошлаган заҳоти куни билан ҳис қилиб юрган чарчоғи бир зумда тарқалиб кетади".

Парвардигор Кришна Ўзини хотини билан баъзида ҳазил-мутойиба қилиб вақт ўтказадиган оддий оилали одамдай қилиб кўрсатмоқчи эди. Шунинг учун У айтган гапларини жиддий қабул қилмасликни Рукминидан такрор ва такрор илтимос қиларди.

Шундай қилиб, Ўзининг ширин сўзлари билан Парвардигор Кришна Рукминини овутиб, кайфиятини кўтарганидан кейин, Рукмини аслида Кришна бу гапларни жиддий айтмаганини, шунчаки Ўз хотини билан бироз ҳазиллашмоқчи бўлганини тушуниб етди. Кришнанинг ширин гаплари уни хотиржам қилган эди. Аста-секин у бўлғуси хижрон даҳшатидан халос бўлди ва у Кришнага аввалгидай юзида ширин табассум билан нигоҳ ташлади. У Кришнага шундай деди: "Эй азизим, эй нилуфар кўзли Парвардигор, Сенинг бизлар бир-биримизга мос эмасмиз деб айтган гапларинг тўппа-тўғри. Мен ҳеч қачон Сенга тенглаша олмайман, чунки Сен - барча фазилатлар манбаи бўлган чексиз Худонинг Олий Шахсисан. Мен қандай қилиб Сенга муносиб жуфти-ҳалол бўлишим мумкин? Бутун улуғворлик соҳиби бўлган Сенга, моддий табиатнинг уч гунасини бошқариб турган, Тангри Браҳма ва Тангри Шива сингари буюк фаришталар сиғиниб юрган Сендай Зотга тенглашиб бўлармиди? Мен кимман - мен моддий табиат гуналари яратган оддий тирик мавжудотман. Моддий табиат гуналари - Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида катта тўсиқ ҳисобланади. Қачон ва қаерда мен Сен учун муносиб жуфт бўла оламан? Эй азиз рафиқам, "шоҳлардан қўрққанимдан денгиз ичига яшириниб олганман" деб тўғри айтдинг. Лекин аслида бу моддий оламнинг ҳақиқий эгаси, ҳақиқий ҳукмдори ким? Мен ўша шоҳ хонадонидан чиққан шаҳзодаларни моддий оламнинг ҳақиқий ҳукмдорлари деб ҳисобламайман. Аслида моддий оламнинг асосини табиатнинг уч гунаси ташкил этади. Аслини олганда моддий оламини улар бошқариб турадилар. Сен моддий табиат гуналаридан четда турган ҳолда, ҳар кимнинг юрагидан жой олгансан, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Сен "дунёвий ҳукмдорлар, шоҳлар билан ҳаммиша ёмон муносабатдаман" деб айтдинг. Лекин ана шу дунёвий шоҳлар аслида кимлар? Ме-

нимча, бу дунёда хақиқий ҳукмдорлар - ҳиссиётимиз, сезгиларимиз ҳисобланади. Улар жуда қудратли бўлиб, ҳар кимнинг ҳаракатини бевосита бошқариб туради. Албатта, Сен айнан ана шу моддий сезгиларни Ўзингга душман деб биласан. Сен ҳеч қачон сезгиларинг, ҳиссиётинг таъсирига берилмайсан, аксинча Сен уларни бошқариб турасан, чунки Сен - "Хришикеша"сан. Эй азиз Худойим, "Мен бирор шоҳона салтанатга эга эмасман" деб айтдинг, ҳақиқатан ҳам шундай, бу моддий оламда фақат Сен эмас, ҳатто Сенинг нилуфар қадамларинг пойига боғланиб қолган бхакталаринг ҳам бирор салтанатга эга эмаслар, улар дунёвий ҳукмронликдан воз кечадилар, чунки улар ҳар қандай дунёвий мартабани "рухий юксалиш йўлида катта тўсиқ бўладиган жаҳолат" деб ҳисоблайдилар. Сенинг содиқ хизматкорларинг ҳеч қачон дунёвий ҳукмронликка интилмайдилар, шундай экан Сен ҳақингда нима дейиш мумкин? Эй азиз Худойим, Сен "маълум бир мақсадга интилиб яшайдиган оддий одамга ўхшаб ҳаракат қилмайман" деб тўғри айтасан. Ҳатто Сенинг донишмандлар донишманди сифатида оламга машҳур бўлган буюк бхакта ва содиқ хизматкорларинг ҳамда авлиё зотлар ҳам бу дунёда шундай яшайдиларки, аслида уларнинг яшашдан мақсади нима эканини ҳеч ким тушуна олмайди. Шу боис жамиятдаги одамлар уларни одатда "жинни", "нодон", "одобсиз", "хаёсиз" одамлар деб ҳисоблайдилар. Уларнинг бу дунёда интилиб юрган мақсадлари оддий одамлар учун ҳамиша жумбоқ бўлиб қолаверади. Шундай экан, қандай қилиб оддий одамлар Сенинг мақсадинг ва интилишларингни англаб етсин? Ҳар хил қувватлар ва комил сифатлар Сенга хизмат қиладилар, лекин барибир Сен - уларнинг паноҳ макони бўлиб қолаверасан.

Яна Сен айтдингки, Сенинг ҳеч қандай бойлигинг йўқ, лекин бундай ҳолат қашшоқлик деб ҳисобланмайди. Аслида Сендан бошқа бирор нарса мавжуд бўлмагани учун Сен бирор нарсага эга бўлишинг шарт эмас. Сенинг Ўзинг бутун Борлиқсан. Бошқалардан фарқли равишда, бирор нарсага эришиш учун Сен қандайдир ҳаракат қилишинг шарт эмас. Ҳаётдаги барча қарама-қаршилиқлар Сенинг ёрдаминг билан ҳал бўлади, чунки Сен Мутлақ табиатга эгасан. Сен бирор нарсага эга эмассан, аммо ҳеч ким Сендан бойроқ эмас. Бу моддий оламда бирор нарсага эга бўлмасдан ҳеч ким бой бўла олмайди, аммо Сен Мутлақ табиатга эга бўлганинг учун, ҳеч нарсага эга бўлмаган ҳолда ҳаммадан бой бўлишдай қарама-қаршилиқни Ўзингга мужассам қила оласан. Ведаларда айтилганки, гарчи Сенинг моддий оёқ-қўлларинг бўлмаса ҳам, Сен бхакталаринг муҳаббат ва садоқат билан таклиф этган ҳамма нарсани албатта қабул қилиб оласан. Сенинг моддий кўзларинг ёки қулоқларинг йўқ, лекин шунга қарамай Сен ҳамма нарсани эшитасан, ҳамма нарсани кўриб турасан. Гарчи Сенинг ҳеч нарсанг бўлмаса ҳам, бошқаларнинг илтижо-

ларини тинглаб, эҳсонларини қабул қилиб юрган буюк фаришталар Сенинг олдинга келиб, марҳамат кўрсатишингни талаб Сенга сажда қиладилар. Шундай экан, қандай қилиб Сени "девона", "қашшоқ" деб айтиш мумкин?

Эй азиз Худойим, "бой-бадавлат одамлар Менга сизгина олмайдилар" деб айтдинг. Бу ҳам тўғри, чунки ўзининг дунёвий бойлиги билан мағрурланиб юрган одамлар ўзларининг мол-дунёсини қандай қилиб ҳиссий лаззатланиш учун ишлатиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб юрадилар. Қашшоқ одам бойганида фақат бойлигидан қандай лаззатланиш мумкинлигини ўйлаб юради. У оғир меҳнат билан топган пулларини нимага ишлатиш кераклигини билмагани сабабли шундай қилади. Ташқи қувват домига тушиб қолиб, у "бу пулларни ҳиссий лаззатларга йўқотсам тўри бўлади" деб ўйлайди, Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳатто унинг хаёлига ҳам келмайди. Эй азиз Худойим, бу дунёда бирор бойликка эга бўлмаган одамлар Сен учун жуда азиз эканини айтдинг; Сенинг бхактанг бу дунёда ҳамма нарсадан воз кечиб, фақат Сенга эга бўлишга интилади. Мен бундан шундай хулоса қиламанки, ҳеч қандай моддий бойлиги бўлмаган буюк донишманд Нарада Муни Сен учун жуда азиз. Ана шундай буюк зотлар Сендан бошқа ҳеч нарсага интилмайдилар.

Эй азиз Худойим, "жамиятда фақат бир-бирига тенг мартабага эга бўлган, гўзаллиги, бойлиги, кучи, илми ва боғланишлари бир-бирига тенг бўлган одамларгина бир-бири билан никоҳдан ўтиши, оила қуриши мумкин" деб айтдинг. Лекин бунга фақат Сенинг марҳаматинг билан эришиш мумкин. Сен барча бойликларнинг энг олий, мукамал манбаисан. Инсон ҳаётда қандай ажойиб нарсаларга эришган бўлса ҳам, уларнинг барчасини аслида Сендан олган бўлади. "Веданта-сутра"да айтилганки, *жанмадийасья йатах* - яъни, Сен - ҳамма нарсанинг, барча лаззатларнинг энг олий манбасисан. Шунинг учун ҳақиқий илмга эга бўлган одамлар бошқа бирор нарсага эътибор бермасдан фақат Сенга интиладилар. Сенинг марҳаматингга эришиш уун улар ҳамма нарсадан, ҳатто Брахманни илоҳий англаб етишдан ҳам воз кечадилар. Ҳаётнинг энг олий, яқуний мақсади - Сенсан. Тирик мавжудот интилаб юрган нарсаларнинг ҳаммаси Сенда мужассам. Интилишлари, нияти пок бўлган зотлар фақат Сенга эришишни истайдилар, бу йўлда муваффақият қозониш учун ҳамма нарсани тарк этадилар. Шу боис улар Сен билан ҳамсуҳбат бўлишга муваффақ бўладилар. Ҳаётда Кришна онги билан яшаб, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одамлар орасида фақат Сенинг бхактанг ҳаётда асосий мақсади жинсий алоқадан лаззатланиш бўлган дунёвий одамлардай турли мусибат ва лаззатларга дучор бўлмайди. Шунинг учун эркакми, аёлми ҳар бир фаросатли инсон Сенга хизмат қилиб юрган содиқларинг даврасига киришга интилиши ло-

зим. Сен -Худонинг Олий Шахсисан, бутун борлиқда Сендан буюкроқ ёки Сенга тенг бўлган бошқа бирор Зот мавжуд эмас. Ҳамма нарсанинг марказида Сен Ўзинг турган, ягона Парвардигор сифатида ҳамма Сенга сиғиниб юрган, бошқаларнинг ҳаммаси - Сенинг содиқ хизматкорларинг бўлган жамият тизими - энг мукамал жамият тизими бўлади. Ана шундай тизимга эга бўлган жамиятда ҳар бир инсон мангу бахт ва лаззатдан роҳатланиб яшайди.

Эй азиз Худойим, фақат қашшоқ одамларгина Сенинг комил фазилатларингни олқишлашни айтдинг, бу ҳам жуда тўғри. Лекин ана шу қашшоқ одамлар аслида кимлар? Аслида улар - улугвор бхакталар, руҳий озодликка эришган ва таркидунё қилган авлиё зотлар. Уларнинг барчаси - Сени олқишладан, Сени шарафлаб куйладан бошқа бирор бойлиги бўлмаган буюк зотлар ва буюк бхакталардир. Ана шундай буюк зотлар ҳар қандай ҳақоратни ҳам кечириб юборавердилар. Ана шу гадоё, қашшоқ зотлар бу дунёда ҳар хил қийинчиликларга дучор бўлиб, руҳий юксалишга интилиб яшайдилар. Эй азиз Ҳукмдорим, мени "тажрибасизлиги туфайли Сени ўзига эр қилиб танлаган" деб ўйлама. Аслини олганда мен ана шу буюк руҳлардан ўрناق олиб ҳаракат қилганман. Мен ана шу буюк деваоналарнинг табаррук изидан бордим ва ўзимнинг бутун ҳаётимни Сенинг нилуфар қадамларинг пойига бағишлашга қарор қилдим.

Сен бирор бойлигинг йўқлигини айтинг, бу ҳам тўғри. Сен Ўзингни бутунлай ана шу буюк руҳларга ва бхакталарга улашиб бергансан. Буни яхши билган ҳолда мен ҳатто Тангри Браҳма ва Тангри Индра сингари буюк шахсларни ҳам рад этдим. Эй азиз Худойим, қудратли Замон фақат Сенинг амрингга бўйсуниб ҳаракат қилади. Замон шу қадар буюк ва қудратлики, борлиқнинг истаган бир жойини бир лаҳзада яқсон қилиб юбориши мумкин. Шуларнинг ҳаммасини эътиборга олиб мен Жарасандхани, Шишупалани ва менинг кўлимни сўрашга уриниб юрган бошқа шахзодаларни "қандайдир хашаротлардан фарқ қилмайдиган зотлар" деб ҳисобладим.

Эй Васудеванинг қудратли ўғли, "қудратли шохлардан қўрққанимдан Мен денгиз ичига яшириниб олдим" деб айтишинг ҳам тўғридай кўринади, лекин мен ўз кўзим билан кўрган ишларим аслида бунинг аксидан далолат бериб турибди. Аслини олганда ана шу шахзодаларнинг орасидан Сен мени қандай қилиб олиб кетганингни ўз кўзим билан кўрдим. Бизларнинг никоҳ маросимимиз бўлаётган пайтда Сен шунчаки камонинг ипини бир тортиш билан уларнинг ҳаммасини тум-тарақай қилиб, Ўзингнинг нилуфар қадамларинг пойидан менга паноҳ берган эдинг. Худди арслон қошини бир чимириш билан майда, арзимас чувринди ҳаёвонларни ҳар тарафга қувиб юбориб, улар орасидан ўз ўлжасини олиб кетгани сингари, Сен ҳам мени

шунча арзимас шахзодалар орасидан ҳайикмасдан олиб чиққанинг ҳозиргача аниқ эсимда.

Эй нилуфар кўзли Парвардигор, Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топган аёллар ёки умуман шундай одамларнинг ҳаммаси ўзларининг бутун умрини изтиробда ўтказди, деб айтган гапларингга қўшила олмайман. Инсоният тарихидан биз яхши биламизки, Анга, При-тху, Бхарата, Йайати ва Гайа сингари шахзодалар бу оламнинг буюк ҳукмдорлари эдилар, бу дунёда улар эгаллаган мартабага ҳеч ким тенглаша олмасди. Лекин, Сенинг нилуфар қадамларинг пойи марҳаматига эришиш ниятида улар ўзларининг ана шу юксак дунёвий мартабасидан воз кечиб, ўрмонга бориб қаттиқ риёзатларга берилиб, тавба-тазарру қилиб яшадилар. Сенинг нилуфар қадамларинг пойини ҳаётнинг охириги, якуний мақсади деб билган ҳолда улар ўз хоҳиши билан бу дунёдаги мартабасидан воз кечиб, ана шундай турмуш тарзини қабул қилган бўлсалар, улар мусибат ва изтироб чекаётган бўладиларми?

Эй азиз Худойим, яна Сен айтдингки, мен ўзимга шохлар хонадонидан бирор куёв танлаб, Сен билан ажралишим мумкинлигини айтдинг. Лекин, эй азиз Худойим, мен яхши биламанки, Сен барча фазилатлар манбаисан. Нарада Муни сингари буюк донишмандлар ҳамиша Сенинг илоҳий фазилатларингни олқишлаб юрадилар. Агар инсон ана шундай авлиё одамга мурожаат қилса, шу заҳотиёқ барча моддий иллатлардан покланади. Сенга бевосита садоқат билан хизмат қилиш бахтига муяссар бўлган кишига равнақ фариштаси ўз марҳаматини кўрсатишга рози бўлади. Шундай экан, Сенинг комил фазилатларинг ҳақида ишонарли манбалардан бирор марта эшитган ва Сенинг нилуфар пойи қадамларинг шарбатидан тотиб кўрган ҳар қандай аёл бу ўткинчи дунёга мансуб бўлган ва ўлим, касаллик, кексалик ва қайта туғилишдан кўрқиб юрадиган бирор одамга эрга чиқишга рози бўлиши учун қанчалик аҳмоқ, эси паст бўлиши керак экан? Шунинг учун ҳаммасини ҳар жиҳатдан чуқур ўйлаб кўриб, мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойига бош эгаман деган, ҳар жиҳатдан мукамал ўйланган қатъий қарорга келдим. Эй азиз Худойим, Сен - бутун уч олам Эгасисан. Сен барча бхакталарингнинг бу дунёдаги ва келгуси ҳаётдаги барча истақларини амалга оширишга қодирсан, чунки Сен ҳар кимнинг қалбидаги Олий Руҳсан. Шу боис, фақат Сен менга мос келасан деб, мен Сени ўзимга куёв қилиб танладим. Ўзимнинг кармали фаолиятим оқибатларига яраша Сен мени истаган ҳаёт шаклига ташлаб қўйишинг мумкин, - бу мени заррача қизиқтирмайди. Мен ҳамиша фақат Сенинг нилуфар қадамларинг пойида қолишга интилиб яшайман, чунки Сен Ўз бхакталарингнинг алдамчи моддий ҳаёт чангалидан қутқариб олишга

қодирсан, Сен бхакталарингга ҳатто Ўзингни ҳам бутунлай топширишга ҳамиша тайёрсан.

Эй азиз Худойим, Сен менга Шишупала, Жарасандха ёки Дантавакра сингари шахзодалардан бирини ўзимга куёв қилиб танлашни маслаҳат бердинг, лекин уларнинг бу дунёдаги асл ҳолати қандай? Худди жувозга қўшилган ҳўкизлар кунутун тинмай ишлагани сингари, улар ҳам оиласини боқиш учун ҳамиша оғир меҳнат қилиб кун кечирадилар. Уларни тиним билмай оғир меҳнат қиладиган бефаросат эшакларга ўхшатиш мумкин. Улар итлардай виждонсиз, мушуклардай хасис, зикна зотлардир. Улар ўзларини хотинларига қул қилиб сотиб юборганлар. Ҳеч қачон Сенинг комил фазилатларинг ҳақида эшитмаган бирор бахтиқаро аёл балки шундай одамга эрга чиқишга рози бўлар, лекин Сен ҳақингда, Сени фақат бу дунёда эмас ҳатто Тангри Браҳма, Тангри Шива сингари буюк фаришталарнинг даргоҳида ҳам ҳамма олқишлашини биладиган аёллар Сендан бошқа ҳеч қандай зотга эрга чиқишга рози бўлмайдилар. Бу моддий оламда ўзларини "инсон" деб ҳисоблаб юрган одамлар шунчаки ўлик таналардир. Тирик мавжудот бу дунёда ана шу моддий тана, қобиқ билан қопланган. Бу тана эса - соқол, мўйлов, бармоқлардаги тирноқлар, калладаги сочлар, танадаги туклар билан безатилган, теридан тикилган чарм қопга ўхшайди. Чиройли безатилган ана шу тери қопнинг ичига мускуллар, ҳар хил суяклар, ахлат, сийдик, сўлак, сафро ва сассиқ ҳаво аралашган, ҳамиша турли ҳашарот ва микроблар сўриб ётган қон билан тўлдирилган. Ақлсиз, жинни бўлган нодон аёл мана шу ўлик танани ўзининг эри деб ҳисоблаб, ғофиллиги сабабли уни "ўзимнинг азиз умр йўлдошим" деб яхши кўради. Бундай аёллар Сенинг тирик мавжудотга мангу лаззат бағишлайдиган нилуфар қадамларинг пойи шарбатидан тотиб кўрмагани сабабли шундай ҳолат юз беради.

Эй азиз, нилуфар кўзли Парвардигор, Сен ҳамиша Ўз ичингдан лаззатланиб юрасан. Мен чиройлиманми, хунукманми, яхши фазилатларга эгаманми-йўқми - Сенга барибир. Бу Сени умуман кизиқтирмайди. Шунинг учун Сенинг менга умуман боғланмаган эканингни ҳайратландиган жойи йўқ; бу табиий ҳол. Аёл қанчалик гўзал ва улуғвор бўлмасин, Сен ҳеч қандай аёлга боғланиб қололмайсан. Лекин Сен менга боғланганмисан ё йўқми, барибир менинг бутун диққат-эътиборим ва садоқатим ҳамиша Сенинг нилуфар қадамларинг пойига қаратилган бўлсин! Моддий эҳтирос гунасини ҳам Сен Ўзинг яратгансан, шунинг учун Сен менга эҳтирос туйғуси билан кўз ташлаганинда, буни ўзим учун энг буюк бахт деб ҳисоблайман. Мен ҳамиша ана шундай бахтли онларни орзу қилиб юраман"

Рукминининг гапларини ва унинг жаҳлини чиқариш учун Ўзи айтган ҳар бир гапни қандай таърифлаб берганини тинглаб туриб, Кришна

Рукминига шундай деди: "Эй менинг азиз, поқдомон, қадрдон маликам, Мен сендан айнан ана шундай гапларни эшитишни истаган эдим, фақат шу мақсадда - Ўзимнинг асл ҳолатим, дунёқарашларим билан сени адаштириш ниятида Мен сенга ўша ҳазил гапларни айтган эдим. Мен мақсадимга эришдим. Менинг ҳар бир гапимга сенинг берган таърифинг айни ҳақиқат ва Мен ҳам уларни тўлалигича тасдиқлайман. Эй соҳибжамол Рукмини, сен - Менинг энг азиз рафиқамсан. Сенинг Менга бўлган муҳаббатинг қанчалик кучли эканини билиб олганимдан Мен ҳозир жуда мамнунман. Илтимос гапларимга ишон, қалбингда қандай орзуларинг, қандай истакларинг бўлса, Мендан нимани кутган бўлсанг ҳам - Мен ҳамиша сенинг хизматингга тайёрман. Ҳақиқатан ҳам шундай - Менинг бхакталарим, Менинг азиз дўстларим ва хизматкорларим ҳар қандай моддий иллатлардан ҳамиша пок бўладилар, улар ҳатто Мендан руҳий озодликка чиқаришни ҳам тиламайдилар, бхакталарим Мендан ҳамиша Менга садоқат билан хизмат қилишдан бошқа бирор нарсани сўрамайдилар. Шунга қарамай, улар ҳамиша Менга боғланиб қолганлари сабабли, ҳатто улар Мендан бирор нарса сўрасалар ҳам, бу моддий истак бўлмайди. Ана шундай интилиш ва истаклар, моддий оламда тутқун бўлиб қолишга сабабчи бўлиш ўрнига бу моддий ҳаёт чангалидан халос бўлиш манбаига айланади.

Эй Менинг поқдомон, тақводор рафиқам, тақводорлик қоидалари бўйича Мен сенинг ўз эрингга бўлган муҳаббатингни синаб кўрган эдим, сен муваффақият билан синовдан ўтдинг. Сенинг хулқ-атворингга тўғри келмайдиган гапларни айтиб Мен атайлаб сенинг жаҳлингчи чиқармоқчи эдим, лекин сен Менга бўлган чуқур садоқатинг шарофати билан заррача бўлса ҳам иккиланмаганингни кўриб Мен ҳайратга тушдим. Эй азиз рафиқам, Мен ҳар кимнинг ҳар қандай истагини, орзусини, ҳатто бу моддий оламдан озодликка чиқиш орзусини ҳам рўёбга чиқара оламан, инсоннинг бу дунёдаги моддий тирикчилигига барҳам бериб, фақат Мен уни ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига чақира оламан. Менга бўлган садоқати таркибида заррача бўлса ҳам иллат қолган одамлар Менга қандайдир моддий манфаатлар кўзлаб, энг олий даражада жинсий алоқадан олинандиган лаззат кўринишида намоён бўладиган мана шу "моддий бахтиёрлик олами"да қолиб кетишни ният қилиб сиғинадилар. Ана шундай моддий бахтга эришиш учун тавба-тазарру қилиб, қаттиқ риёзат чекиб юрган одамлар албатта Менинг алдамчи ташқи қувватим чангалига тушиб қолган бўлади. Фақат моддий фаровонликка ва ҳиссий лаззатларга эришиш ниятида ҳаётини Менга садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган одамлар албатта жуда аҳмоқ одамлардир. Жинсий алоқа лаззатига асосланган моддий бахт ҳатто ит, чўчка сингари, ҳаётнинг энг пасткаш, жирканчли

турларида яшайдиган тирик мавжудотларга ҳам ато этиб қўйилган. Моддий бахтнинг шундай пасткаш турларига эришишни ният қилиб ҳеч ким Менга яқинлашишга уринмаслиги керак, чунки бундай бахт ҳатто дўзахий шароитда яшайдиган махлуқларга ҳам шундайлигича бериб қўйилган. Шунинг учун ҳаётда Мени изла-масдан, фақат моддий бахт излаб юрган одам-ларнинг ана шундай дўзахий шароитларда қолавергани маъқул".

Моддий иллатлар билан булғаниш таъсири шу қадар кучли-ки, моддий бахтга интилиб ҳар бир одам кеча-ю кундуз тинмасдан оғир меҳнат қилади. Бошқаларга кўз-кўз қилиш учун қилинадиган такводорлик, риёзат, тавба-тазарру, инсонпарварлик, сиёсат ва илм-фан - булар ҳаммаси қандайдир моддий нарсаларга эришиш учун қилинадиган ишлардир. Моддий фаровон-ликка дарров эришиш учун одатда одамлар қандайдир фаришталарга сиғинадилар, баъзида эса қандайдир моддий нарсаларга интилиб Худога садоқат билан хизмат қилишда ҳам машғул бўладилар. Баъзан шундай ҳоллар учраб туради-ки, содиқ Парвардигорга самимий хизмат қилиб юрган бўлса-ю, лекин қалбида қандайдир моддий нарсаларга интилиш сақланиб қолган бўлса, Парвардигор унга чексиз марҳамат кўрсатиб, уни моддий бахт манбаидан бутунлай маҳрум қилиб қўяди. Моддий бахтдан бутунлай маҳрум бўлгандан кейин бҳакта бутун ҳаётини Худога соф садоқат билан хизмат қилишга бағишлайди.

Парвардигор Кришна давом этди: "Азизим, барча маликалар ичида энг аълоси сенсан, сенда моддий нарсаларга умуман интилиш йўқлигини Мен жуда яхши биламан; сенинг ҳаётдаги ягона мақсадинг Менга садоқат билан хизмат қилишдан иборат, сен анча вақтдан бери ўзингни бутунлай Менга садоқат билан хизмат қилишга бағишлагансан. Худога ана шундай намунали садоқат билан хизмат қилиш бҳактани бу моддий оламдан озодликка чиқарибгина қолмасдан, уни руҳий оламга олиб чиқади, руҳий оламда эса у ҳамиша Менга садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлади. Моддий бахтга қаттиқ боғланиб қолган одамлар Менга шундай хизмат қила олмайдилар. Қалби моддий иллатларга ботган ва моддий орзу-истаклари кўп бўлган аёллар ўзларини бошқаларга буюк бҳакталар қилиб кўрсатиб, ҳиссий лаззатланишнинг турли йўллариини ўйлаб топадилар.

Эй менинг софдил, қалби пок маликам, гарчи Менинг минглаган хотинларим бўлса ҳам, уларнинг бирортаси Мени сендан кучлироқ сева олади деб ўйлай олмайман. Сенинг бошқаларга нисбатан алоҳида юқори поғонада туришинг шундан ҳам кўриниб турибди-ки, сен то тўйимизгача Мени бирор марта ҳам кўрмагансан; сен Мен ҳақимда фақат бошқалардан эшитгансан, шунга қарамай сенинг Менга бўлган ишончинг шу қадар кучли эдики, ҳатто ўзингга муносиб бўлган, шоҳона хонадондан чиққан шунча бой

ва обрўли шахзодалар турганига қарамай, сен улардан бирортасини ўзингга куёв қилиб танла-масдан, сенинг куёвинг албатта Мен бўлишим лозимлигига келган қарорингга қатъий туриб олдинг. Сен саройга тўпланган шахзодаларнинг бирортасига эътибор бермасдан сени ўғирлаб кетишимни таклиф этиб Менга маҳфий мактуб юбординг. Мен сени олиб кетганимда аканг Рукми қаршилиқ кўрсатиб, Мен билан жанг қилди. Жанг оқибатида Мен шафқатсиз равишда уни мағлубиятга учратиб, унинг шармандасини чиқардим. Анируддҳанинг никоҳ маросимида бизлар сенинг аканг Рукми билан яна жанжаллашиб қолдик, шунда акам Балорам уни ўлдириб ташлади. Шунда сен бунга бир оғиз гап билан ҳам эътироз билдирмадинг, бундан Мен қаттиқ ҳайратга тушгандим. Мендан айрилиб қолишингдан қаттиқ кўрққанингдан сен бу му-сибатларга индамасдан чидадинг. Азизим, ўзингнинг сабр-бардош тўла сукутинг билан сен Мени ўзингга бутунлай ром қилиб қўйдинг. Мен энди мангу сеникиман. Сени ўғирлаб кетишни таклиф қилиб сен Менинг олдимга одам юбор-динг, лекин Мен ҳадеганда олдингга бораверма-дим, шунда сен учун бутун олам қоронгу зулмат бўлиб кўриниб кетганди. Сен ўзингнинг бу ажойиб, нафис танангга ҳеч ким қўлини текки-зиши керак эмас, деган қарорга келган эдинг; шунинг учун, Мени келмайди деб ўйлаб, сен ўзингни ўлдиришни, шу билан бу танадан биратўла қутулишни режалаштирган эдинг. Ази-зим Рукмини, сенинг Менга бўлган буюк ва улуғвор муҳаббатинг Менинг қалбимда мангу муҳрланиб қолади. Мен сенинг бундай соф муҳаббатинг, пок садоқатинг олдида мангу қарздорман".

Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна албатта ҳеч кимнинг эри, ўғли ёки отаси бўлиши шарт эмас, чунки ҳамма нарса Унинг Ўзининг мулки, ҳамма нарса Унинг ҳукми остида. У лаззатланиш учун ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмас. У *атмарам*, яъни "Ўзининг қалбида лаззатланиб юрадиган Зот"; ҳеч кимнинг ёрдамисиз У ҳамиша Ўзидан Ўзи лаззатланиб юради. Парвардигор оддий инсон ролини ўйнаш учун Ер сайёрасига ташриф буюрганида У намунали эр ролини, ўғил, дўст ёки душман ролини комил ижро этади. У маликаларнинг, айниқса Рукми-нижининг комил эри ролини ўйнаганида эр-хотинлар орасидаги ишқий муносабатлардан му-каммал лаззатланиб яшади.

Ведавий урф-одатларга кўра кўп хотин олиш руҳсат берилган, лекин эркак ҳамма хотинлари билан яхши муносабатда бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, агар одам намунали оила бошлиғи сифатида ҳамма хотинларини бир хилда мамнун қила олсагина бир неча хотинга уйлани-ши мумкин; акс ҳолда кўп хотин олиш таъқиқланган. Парвардигор Кришна олам аҳлини маданиятга ўргатиш учун келган, шу боис гарчи У уйланишга, хотинларга муҳтож бўлмаса ҳам,

қанча хотини бўлса Ўзини шунча қилиб кўпайтирди ва ҳар бир хотини билан Ведаларда кўрсатилган барча қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда, шунингдек жамиятда мавжуд бўлган барча урф-одатларга тўлиқ амал қилиб яшади. Ўзининг ўн олти минг бир юз саккиз хотинининг ҳар бири учун алоҳида сарой қуриб, уларни алоҳида хўжалик анжомлари ва турли жиҳозлар билан таъминлаб берган эди. Шундай қилиб, гарчи Парвардигор ягона, битта бўлса ҳам, Ўзини ўн олти минг бир юз саккиз намунали эр, намунали оила бошлиғи қилиб кўпайтирганди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Кришна билан Рукминининг суҳбати" деб аталадиган эллик тўққизинчи бобида Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.

60. Кришна авлодининг шажараси

Кришнаниннг ўн олти минг бир юз саккиз хотини бор эди. Уларнинг ҳар бирига У ўнтадан ўғил ато этди, уларнинг ҳар бири куч-қудрат, гўзаллик, донишмандлик, шон-шухрат, бойлик ва боғланмаслик бобида отасига тенг эдилар: "Отаси қандай бўлса, ўғли ҳам шундай". Кришнаниннг ўн олти минг бир юз саккиз хотинининг ҳаммаси маликалар эди, уларнинг ҳар бири: "Кришна ҳамиша фақат менинг саройимда мен билан бирга бўлади, ҳеч қачон уйни ташлаб кетмайди" - деб биларди, шу боис Кришнаниннг ҳамма хотини Уни хотинига қаттиқ боғланиб қолган, унинг чизган чизиғидан чикмайдиган эркакларнинг бири деб ўйларди. Унинг ҳар бир хотини Уни энг итоаткор эркак деб ҳисобларди, аслида эса Кришна уларнинг бирортасига ҳам боғланиб қолмаган эди. Гарчи уларнинг ҳар бири ўзини Кришнаниннг ягона хотини, Кришна учун жуда-жуда азиз, керакли деб ўйласа ҳам, "атма-рама" яъни "ҳамиша ўзидан мамнун" бўлган ҳолда Парвардигор Кришнада уларнинг бирортасига нисбатан на муҳаббат, на нафрат туйғуси йўқ эди; У хотинларининг ҳаммаси билан бир хил муносабатда бўлар, фақат уларни мамнун қилиш учунгина уларнинг ҳар бири билан Ўзини худди энг яхши эрдай, энг яхши оила бошлиғидай тугарди. Унинг Ўзига эса ҳатто битта хотиннинг ҳам кераги йўқ эди. Лекин Унинг хотинлари, аёл зотидан бўлгани сабабли Кришнаниннг улуғвор ҳолатини англай олмас, аслида Унинг ким эканини, Унинг ҳақиқий илоҳий ҳолатини англамас эдилар.

Кришнаниннг хотини бўлган маликаларнинг ҳар бири жуда чиройли, соҳибжамол эди, уларнинг ҳаммасини Кришнаниннг нилуфар гулбарглари эслатувчи чиройли кўзлари, Унинг бетакрор гўзал жамоли, узун кўллари, озгина юқорига чўзилган кулоқлари, лабидаги майин табассуми, ёқимли ҳазил-мутойибалари ва ширин-ширин сўзлари ўзига мафтун этиб қўйганди.

Кришнаниннг ана шундай фазилатларига маҳлиё бўлиб қолган маликаларнинг ҳар бири ўзининг аёллик таровати билан Кришнани ўзига кўпроқ жалб қилиш учун қўлидан келганча ўзига оро бериб, чиройли безанар эдилар. Улар Кришнаниннг эҳтиросини уйғотиш учун ҳар хил нозукарашма қилиб, кулиб, қош-кўзларини ўйнатиб, ошиғона муҳаббат пайконларини йўллаб ўзларининг бутун маҳоратини, аёллик санъатини ишга солардилар. Шунга қарамай улар Кришнаниннг ақлини ёки эҳтиросини умуман уйғота олмасдилар. Демак, Кришна хотинларининг бирортаси билан лаззатга берилиш учун бирор марта жинсий алоқа қилган эмас, Кришна фақат уларга фарзанд ато этиш учунгина алоқа қилган.

Дваракалик маликалар жуда омадли аёллар эдилар, чунки ҳатто Тангри Брахма сингари олий мартабали фаришталар ҳам яқинлаша олмайдиган Парвардигор Кришна уларнинг эри ва умр йўлдоши эди. Улар худди эр билан хотинлардек бирга яшардилар, намунали эр сифатида Кришна улар билан шундай муомала қилардики, уларнинг ўзаро суҳбатлардан, уйда бирга бўлишидан, ҳазил-мутойибаларидан оладиган илоҳий лаззатлари тобора кучайиб борарди. Ҳар бир маликаниннг юзлаб, минглаб канизақлари бор эди, лекин шунга қарамай, Ўзининг минглаган хотинларининг бирортасининг саройига кириб келганида Кришнани ҳар бир маликаниннг ўзи шахсан кутиб олар, қулай ўриндикқа ўтқазар, навбат билан ҳар хил анжомлар таклиф қилиб Унга сиғиниш маросими ўтқазар, ўзи Унинг нилуфар қадамлари пойини ювар, ўзи Унга бетел ёнғоғи таклиф қилар, ҳордиғини чиқариш учун ўзи Унинг оёқларини уқалар, унга роҳат бағишлаш учун елпиғич билан ўзи елпир, Унга анвойи сандал, мой ва атирлар суртар, Унинг бўйнига ўзи гулчамбар осар, Унинг сочларини турмаклаб қўяр, Унинг ювинишига ўзи ёрдамлашар ва ҳордиқ чиқариши учун Уни тўшакка ўзи ётқизарди. Шу тариқа улар Кришнага ҳамиша, айниқса овқатланиш пайтида имкон борича фақат шахсан ўзлари хизмат қилардилар.

Ўн олти минг бир юз саккиз маликаниннг ҳар бирининг ўнтадан ўғли бор эди. Биринчи саккиз маликаниннг ўғилларининг номларини келтириб ўтамиз. Кришнаниннг Рукминидан ўн фарзанди бор эди: Прадйумна, Чарудешна, Судешна, Чарудеха, Сучару, Чаругупта, Бхадрачару, Чаручандра, Вичару ва Чару. Уларнинг бирортаси ҳам ўзининг сифатлари билан ўзларининг илоҳий отаси Парвардигор Кришнадан қолишмас эди. Сатйабхаманиннг ҳам ўнта ўғли бор эди: Бхану, Субхану, Сварбхану, Прабхану, Бхануман, Чандрабхану, Брихадбхану, Атибхану, Шрибхану ва Пратибхану. Навбатдаги малика Жамбаватининг ҳам ўнта ўғли бор эди: Самба, Сумитра, Пуруджит, Шатаджит, Сахасраджит, Виджайа, Читракету, Васуман, Дравида ва Крату. Парвардигор Кришна Жамбаватининг ўғилларини жуда яхши кўрарди. Шох Нагнаджитнинг қизи бўлган мали-

ка Сатйадан ҳам Парвардигор Кришна ўн ўғил кўрди: Вира, Чандра, Ашвасена, Читрагу, Вега-ван, Вриша, Ама, Шанку, Васу ва Кунти. Уларнинг ичида Кунти алоҳида қудратли эди. Кришна хотини малика Калиндидан ҳам ўн ўғил кўрди: Шрута, Кави, Вриша, Вира, Субаху, Бхадра, Шанти, Дарша, Пурнамаса ва Сомака. Навбатдаги малика, Мадрас шохининг қизи Лакшманага ҳам Парвардигор Кришна ўн ўғил совға қилганди: Прагхоша, Гатраван, Симха, Бала, Прабала, Урдхвага, Махашакти, Саха, Оджа ва Апараджита. Навбатдаги хотини Митравинданинг ҳам ўн ўғли бор эди: Врика, Харша, Анила, Гридхра, Вардхана, Аннада, Махамса, Павана, Вахни ва Кшудхи. Навбатдаги хотини малика Бхадранинг ўғиллари қуйидагилар эди: Санграмаджит, Брихатсена, Шура, Прахарана, Ариджит, Жайа, Субхадра, Вама, Айу ва Сатйака. Бу саккиз асосий маликадан бошқа Парвардигор Кришнанинг яна ўн олти минг бир юз хотини бўлиб, уларнинг ҳар биридан ҳам У ўнтадан ўғил фарзанд кўрди.

Рукминининг тўнғич ўғли Прадйумна туғилганидан бошлаб Майаватига уйланган эди, кейинчалик у Рукмаватига, тоғаси Рукмининг қизига ҳам уйланди. Прадйумнанинг Рукмаватидан Анируддха деган ўғли бўлди. Шундай қилиб, Кришнанинг хонадони - Кришна билан Унинг хотинларининг фарзандлари, неваралари ва чеваралари билан биргаликда ҳисоблаганда бир миллиардга яқин кишидан иборат эди.

Кришнанинг катта хотини Рукминининг акаси Рукми Кришна билан бўлган жангда шармандаларча мағлубиятга учраган эди, аммо Рукминининг илтимоси билан у тирик қолган эди. Шундан бери Рукми Кришнадан ғазабланиб, ҳамиша Унга қандай бўлса ҳам бирор душманлик қилишни ўйлаб юрарди. Шунга қарамай унинг қизи Кришнанинг ўғлига, невараси эса Кришнанинг невараси Анируддхага турмушга чиқди. Шукадева Госвамидан бу ҳақда эшитганида Махараж Парикшитга бу ҳол ажабланарли туюлди: "Гарчи Кришна билан Рукми орасида ҳамиша адоват бўлиб келганига қарамай улар ўзларининг фарзандлари орқали яна қариндош ришталари билан боғлангани мени ҳайратга соляпти". Махараж Парикшит бу воқеаларнинг сирини билиб олмоқчи бўлди, шунинг учун Шукадева Госвамига савол беришда давом этди. Шукадева Госвами ҳақиқий сеҳргар-йог бўлиб, жаҳонда бирор сир унинг ўткир тафаккури назаридан четда қолган эмасди. Шукадева Госвами сингари комил сеҳргар йоглар ўтмишни, ҳозирни ва келажакни барча тафсилотлари билан бирга аниқ-равшан кўришга қодир бўладилар. Шунинг учун ана шундай сеҳргар-йогнинг назаридан ҳеч қандай сир яшириниб қололмайди. Махараж Парикшитнинг саволларига Шукадева Госвами батафсил жавоб бера бошлади.

Кришнанинг Рукминидан туғилган тўнғич ўғли аслида севги фариштаси эди. У шунчалик

чиройли ва жозибатор эдики, Рукмининг Рукмавати деган қизи *свайамвара* маросимида ўзига Прадйумнадан бошқа бирор шахзодани танлай олмади. Шунинг учун саройда ўзига қайлиқ танлов маросими бўлиб ўтганда, барча шахзодалар олдида у Прадйумнанинг бўйнига гулчамбар қистирди. Кейин Прадйумна билан бошқа шахзодалар жангга киришиб кетдилар, Прадйумна уларнинг ҳаммасидан ғолиб чиқди; шундан кейин Рукми ўзининг соҳибжамол қизини унга беришга мажбур бўлди. Гарчи Кришна ўзини қаттиқ ҳақоратлагани сабабли Унга нисбатан бўлган адоват ҳалигача қалбининг тўрида сақланиб келаётган бўлса ҳам, қизи шунча шахзодалар орасида Прадйумнани ўзига куёв қилиб танлагандан кейин у синглиси Рукминини хурсанд қилиш учун ёш келин-куёвларнинг никоҳ маросимини нишонлашдан бошқа чораси қолмаган эди. Шундай қилиб, Прадйумна бу дунёга Рукмининг жияни бўлиб келди. Юқорида айтиб ўтилган ўн ўғилдан ташқари Рукминининг кўзлари чаросдай чиройли битта киз фарзанди ҳам бор эди, у Критаварманинг ўғли Балига турмушга чиқди.

Гарчи Рукми Кришнанинг ҳақиқий душмани бўлса ҳам, у ўзининг синглиси Рукминини жуда яхши кўрар, шунинг учун ҳамиша унга ҳар жихатдан меҳрибонлик қилишга интиларди. Шунинг учун унинг невараси Анируддханинг уйланиш вақти етганида Рукми унга ўзининг невараси Рочанани таклиф қилди. Яқин қариндошлар орасидаги бундай никоҳлар Ведавий урф-одатларга кўра маъқулланмайди, лекин барибир синглиси Рукминининг кўнглини олиш учун Рукми ўзининг қизи ҳамда неварасини Кришнанинг ўғли ва неварасига турмушга чиқаришни таклиф қилган эди. Шундай қилиб, Анируддха билан Рочананинг никоҳ маросими ҳақида келишиб олингандан кейин, Анируддха бошлиқ катта тўй қарвони Дваркадан чиқди. Улар узоқ йўл юриб, бир пайтлар Кришна Рукминини ўғирлаб кетгандан кейин Рукми жойлашиб олган Бходжаката қишлоғига етиб келдилар. Қарвонни бўлғуси куёвнинг бобоси Парвардигор Кришна бошқариб борарди. Унга Парвардигор Балорам, хотини Рукмини, ўғли Прадйумна, Жамбаватининг ўғли Самба, оиланинг бошқа аъзолари ва қариндошлар ҳамроҳ бўлиб борардилар. Улар Бходжакатага келиб тинчгина никоҳ тўйини нишонлай бошладилар.

Калинги вилоятининг шоҳи Рукмининг яқин дўсти эди, у Рукмига бемаъни маслаҳат бериб Балорам билан шахмат ўйнашни, уни мағлуб қилиб, қиморда Унинг ҳамма пулларини ютиб олишни таклиф этди. Шоҳ-қшатрийлар орасида шахмат ва қимор ўйнаш қандайдир ғайритабиий ҳол эмасди. Одоб қоидаларига кўра агар қшатрийни бирор киши шахмат ўйнашга таклиф қилса, у буни рад этолмасди. Шри Балорам шахмат ўйнашни яхши билмасди, буни шоҳ Калинги яхши биларди. Шунинг учун у Рукмига Шри Ба-

лорамни шахмат ўйнашга таклиф қилиб, Кришнанинг қариндошларидан ўч олишни таклиф қилди. Гарчи моҳир шахматчи бўлмаса ҳам, Шри Балорам бундай эрмаклар билан машғул бўлишни яхши кўрарди. У Рукмининг таклифини қабул қилди ва шахмат столи қаршисига ўтирди. Ўйинда олтин тангалар гаровга тикилган эди. Балорам аввалига юз танга тикди, кейин минг танга, кейин ўн минг танга тикди, ҳар гал у ютқазар, Рукми эса ғолиб бўларди.

Шри Балорамнинг кетма-кет мағлуб бўлиши шоҳ Калингига Кришна билан Балорам устидан кулиш имконини берарди. Шунинг учун шоҳ Калингига Балорамга ҳар хил пичинг ташлаб, захархандалик билан унинг устидан куларди. Ўйинда кетма-кет ютқазаетгани сабабли унинг захарли ҳазилларини хотиржам қабул қилиш Балорам учун осон эмасди. Рукми яна бир марта ўйнашни таклиф қилганида Балорамнинг бироз жаҳли чикди, У ўйинга юз минг танга тикди. Омади келиб бу сафар Балорам ўйинда ғолиб бўлди лекин, аслида Балорам ғолиб бўлганига қарамай, Рукми ғирромлик қилиб: "Балорам мағлуб бўлди, мен ютдим!" - деб эълон қилди. Очиқдан-очиқ бўхтон қилаётгани учун Шри Балорам ундан қаттиқ ғазабланди. Унинг ғазаби шу қадар кучли ва тўсатдан келган эдики, худди тўлин ой куни океанда юзага келадиган сув тошқинини эслатарди. Балорамнинг кўзлари табиатан қизғиш рангда бўлиб, ғазабланганида Унинг кўзлари ҳаддан ташқари қизариб кетади. Бу гал Унинг Ўзи Рукмини ўйинга таклиф қилиб, ўйинга юз миллион танга тикди.

Шахмат ўйини қоидаларига биноан Балорам яна ютди, аммо Рукми ғирромлик қилиб яна: "мен ютдим!" - деб эълон қилди. Рукми шу ердаги шахзодаларга, айниқса шоҳ Калингига мурожат қилиб, уларни ўзини қўллаб-қувватлашга чақирди. Бу гал ким ютгани ҳақида баҳс бўлаётганида самодан гулдурос овоз эшитилди ва ўйинда Шри Балорам ютиб чиққанини, Рукми ўзини ғолиб деб, ноҳақдан Уни ҳақорат қилаётганини эълон қилди.

Ана шу илоҳий овознинг ҳақиқатни эълон қилганига қарамай Рукми "ўйинда Балорам мағлуб бўлди" деб туриб олди; бундай ўжарлиги билан у ўз ажалини чақираётган эди. Дўстининг бемаъни маслаҳати билан, сохта мағрурлик туйғуси таъсири остида у осмондан келган илоҳий овозга ҳам эътибор бермай, Шри Балорамни ҳақоратлашда давом этарди. У шундай деди: "Азизим Балорамжон, Сиз ака-укалар шунчаки юрган бир подачисизлар, балки сигир боқишни яхши биларсизлар, лекин Сизлар шахмат ўйнашни ёки жанг майдонида камон билан жанг қилишни Сизлар қаёқдан ҳам билардинглар? Бундай амалларни фақат шоҳ хонадонига мансуб одамларгина биладилар!" Рукмининг бундай ҳақоратли гапларини ва унинг гапларидан шу ерга тўпланганларнинг хохолаб кулишларини эшитиб, Парвардигор Балорама худди

тутаб турган оловдай, бирданига ловуллаб тутоқиб кетди. Шу заҳотиёқ У қўлига гурзисини олиб, бир оғиз гапирмасдан Рукмининг калласига бир зарба туширди. Унинг ана шу битта зарбасидан Рукми жон таслим қилиб ерга кулади. Шундай қилиб, Балорам Анируддханинг қувончли никоҳ тўйи бўлиб ўтаётган кунда Рукмини ўлдирди.

Кшатрийлар даврасида бундай воқеалар бўлиб туради, кейин унга ҳам ташланиб қолишларидан кўриқиб шоҳ Калингига дарров бу ердан қочиб қолди. Лекин у ҳали бир неча қадам ташлаб улгурмасдан Балорам уни ушлаб олди ва Кришна билан Балорамни масҳара қилиб, ҳаммиша тишларини иржайтириб кулиб ўтиргани учун гурзиси билан унинг ҳамма тишларини бирма-бир уриб синдирди. Шоҳ Калингига ҳамда Рукмини қўллаб-қувватлаган шахзодаларнинг ҳаммасини ушлаб олдилар. Балорам оёқларини, қўлларини синдириб, уларнинг ҳаммасининг яхшилаб таъзирини берди. Улар Балорамнинг бу ишларига қаршилиқ қилмасдан, тезроқ бу ердан қочиб қолган яхшироқ деган қарорга келдилар.

Шри Балорам билан Рукми орасида бўлиб ўтган ана шу баҳс-мунозара пайтида Парвардигор Кришна бир оғиз ҳам индамади, чунки билардики, агар Балорамни қўллаб-қувватласа хотини Рукмини хафа бўларди, агар "Рукмини ўлдириш адолатдан бўлмади" деса - Балорам хафа бўларди. Шунинг учун Парвардигор Кришна неварасининг никоҳ маросими бўлаётган пайтда қайноғасининг ўлгани ҳақида хотинига ҳеч нарса демади. Шундай қилиб, У хотини Рукмини билан ҳам, акаси Балорам билан ҳам Ўзаро яқин муносабатларини сақлаб қолди. Шундан сўнг келин билан куёвни тантана билан жанг-аравага ўтказдилар ва тўй карвони билан бирга Дваракага йўл олдилар. Тўй карвонини иблис Мадхунинг ғолиби Парвардигор Кришна кўриқлаб борарди. Шундай қилиб, улар Рукмининг салтанати Бходжакатани тарк этиб, хурсандчилик билан Дваракага йўл олдилар.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Кришна авлодининг шажараси" деб аталадиган олтинчи бобида Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.

61. Уша ва Анируддханинг учрашуви

Парвардигор Кришна ва Тангри Шива орасида қаттиқ жанг бўлиб ўтишига сабабчи бўлган Анируддха билан Ушанинг учрашуви жуда сирли ва таажжуб равишда юз берган эди. Маҳараж Парикшит Шукадева Госвамидан бу воқеани барча тафсилотлари билан тинглашни истади, шунда Шукадева Госвами унга бу воқеани батафсил гапириб берди. "Эй азиз шоҳ, балки сен

Бали деган шоҳ ҳақида эшитгандирсан. У бор нарсанинг ҳаммасини, яъни бутун оламини Парвардигор Вamanaга - Парвардигор Вишнунинг пакана-браҳман кўринишида намоён бўлган қиёфасига такдим этган буюк бхакталардан бири эди. Бали Махаражнинг юз ўғли бўлиб, уларнинг тўнғич ўғлининг исми Банасура эди".

Бали Махаражнинг ўғли бўлган бу жасур қаҳрамон Тангри Шиванинг буюк содик(бхакта)ларидан бўлиб, ҳамиша унга садоқат билан хизмат қилишга тайёр юрарди. Ўзининг чексиз садоқати билан у жамиятда жуда катта обрў, шон-шуҳрат қозонди, ҳамма уни жуда хурмат қиларди. Бунинг устига у жуда ақлли, кенг дунёқарашга эга бўлиб, қилган ишларининг ҳаммаси мақтовга лойиқ эди, чунки у ҳамиша берган ваъдасининг, айтган сўзининг устидан чиқарди: у жуда ростгўй ва ичган қасамларига қаттиқ риоя қиларди. Ўша пайтларда у Шонитапур шаҳрига ҳукмронлик қиларди. Тангри Шиванинг марҳамати билан Банасуранинг мингта кўли бор эди, натижада у шу қадар қудратли бўлиб кетдики, ҳатто шоҳ Индра сингари фаришталар ҳам итоаткор хизматкорлардай унга хизмат қиларди.

Қадим замонларда, Тангри Шива ўзининг *тандава-нритйя* деган машҳур рақсини ижро этганида, Банасура ўзининг мингта кўли билан барабан чалиб Тангри Шиванинг рақсига жўр бўлган эди. Тангри Шиванинг ўша рақси учун уни *Натараджа* деб ҳам атайдилар. Тангри Шива *Аиутоша* деган ном билан ҳам машҳур, бу номнинг маъноси "мамнун қилиш осон бўлган зот" деганни билдиради, бунинг устига у ўзининг бхакталарини жуда севади. У ўздан химоя сўраб мурожаат қилган одамларга ҳомийлик қилишга ҳамиша тайёр, у бу моддий оламда барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдоридир. Банасурадан жуда миннатдор бўлган, Тангри Шива унга шундай деди: "Мен сендан жуда мамнун бўлдим, мендан истаган тилагингни тилашинг мумкин!" Банасура унга шундай деди: "Эй азиз ҳукмдорим, агар истасанг менинг шаҳримда қолиб мени душманларимдан химоя қилишинг мумкин".

Бир куни Банасура иззат-икром кўрсатиш учун Тангри Шиванинг олдига келди. Тангри Шиванинг нилуфар қадамлари пойига ўзининг қуёшдай порлаб турган тожини теккизиб, шоҳ унга чуқур хурмат-эҳтиром кўрсатди. Унинг олдида бош эгиб, Банасура шундай деди: "Эй азиз ҳукмдорим, ҳали орзулари рўёбга чиқмаган одам агар сенинг орзулар дарахтига ўхшаган нилуфар қадамларинг пойига мурожаат қилса, истақлари дарров амалга ошаётганини кўради. Сенинг нилуфар пойи қадамларинг ҳар бир инсонга ўзи истаган ҳамма нарсани ато этади. Эй азиз ҳукмдорим, сен менга минг кўл ато этдинг, лекин мен улар билан нима иш қилишни билмайман. Илтимос, мени кечир, лекин мен жанг қилишда улардан тўла фойдалана олмаяпман.

Мен ўзимга моддий оламнинг бошланғич отаси бўлган сенинг ўзингдан бошқа бирор муносиб рақиб топа олмаяпман. Баъзан мен ҳамма кўлларимни ишга солишни қаттиқ истаб қоламан, шунда бутун олам бўйлаб ўзимга муносиб рақиб излай бошлайман. Бахтга қарши, менинг ғайритабиий қудратга эга эканимни билиб, ҳамма мендан қочиб кетади. Ўзимга муносиб рақиб тополмаганим сабабли мен тоғларни уриб талқон қилиб, майдалаб кўлларимнинг кичиғини қондираман. Шу тариқа мен кўплаб катта-катта тоғларни бўлақларга бўлиб ташладим".

Тангри Шива ўзининг кўрсатган марҳамати Банасурага ташвиш келтираётганини тушунди ва унга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: "Ҳой нодон қаллоб! Сен жанг қилишга интиляпсан, аммо ўзинг билан жанг қиладиган одам тополмай қийналяпсан. Гарчи сен дунёда мендан бошқа сенга қарши келадиган бирор зот йўқ деб ўйласанг ҳам, сенга аниқ айтаманки, сен ўзингга тенг келадиган шундай бир мард Зотни албатта учратасан. Шунда сенинг умринг ҳам ниҳоясига етади, шунда сенинг бундай ғолибона юришларинг ҳам барҳам топади. Шунда сен бу сохта манманлигинг чил-парчин бўлиб кетганини кўрасан!"

Тангри Шиванинг гапларини эшитиб Банасура ўзининг куч-қудратидан жуда мағрурланиб кетди. У жанг қилиб, ўзини мағлуб қиладиган Зот билан учрашишини ўйлаб қувонганидан яйраб кетган эди. Жуда мамнун бўлиб Банасура уйига қайтиб келди ва муносиб рақиб келиб жандга ўзини мағлуб қилишини кута бошлади. Аслида бу иблис бафаросатроқ зот эди. Кўпинча шундай ҳоллар учраб туради - агар иблис табиатли одам ҳаддан ташқари бойликка эга бўлиб кетса, у ўз бойлигини бошқаларга кўз-кўз қилишни ёқтиради, бойлиги шамолга совурилагганидан лаззат олади. Гап шундаки, Худони англаб яшаш келтирадиган ҳақиқий бахтдан умуман беҳабар бўлган ҳолда улар ўзининг кучидан, ақлидан, умридан ҳақиқий мақсад йўлида фойдалана олмайдилар. Аслида одамларни икки тоифага бўлиш мумкин - Худони англаб етган, Кришна онгига эга бўлган (имонли) одамлар ва Худони англаб етмаган, Кришна онгига эга бўлмаган (имонсиз) одамлар. Кришна онгига эга бўлмаган одамлар одатда фаришталарга сиғинадилар, Кришна онгига эга одамлар эса ўз ихтиёрини ягона Парвардигорга, Худонинг Олий Шаҳсига топширадилар. Кришна онгига эга бўлган одамлар ҳамма нарсани Худога хизмат қилиш йўлида ишлатадилар. Кришна онгига эга бўлмаган одамлар эса, ҳамма нарсдан фақат ўзлари лаззатланиш учун, ҳиссий лаззатларга берилиш учун фойдаланадилар, Банасура ана шундай одамларга яққол мисол бўла олади. У ўзининг ғайритабиий кучидан фақат ўзи лаззатланишга интиларди. Ўзига муносиб рақиб тополмай, у тоғларни уриб талқон қилиб юрарди. Аксинча, жангда худди шундай ғайритабиий

кудрат намоиш этган Аржун эса, ўз кучини фақат Кришнани мамнун қилиш учун ишлатган эди.

Банасураининг Уша деган соҳибжамол қизи бўлиб, ҳозир айнаи балоғат ёшига етган пайти эди, бир куни у ўзининг кўпчилик дугоналари даврасида боғ ичида ухлаб ётарди, тушида у ўзининг ёнгинасида турган Анируддхани кўрди. Гарчи ўнгида ҳеч қачон уни кўрмаган ва эшитмаган бўлса ҳам, Уша тушида у билан ишқий лаззатларга берилиб ётганди. У уйқудан чўчиб уйғониб қичқириб юборди: "Севгилиим, азизим, қаердасан?" Дугоналари олдида сири очилиб қолганидан у бироз саросимага тушиб қолди. Ушаниннг дугоналаридан бири Читралекха бўлиб, у Банасураининг бош маслаҳатчисининг қизи эди. Читралекха билан Уша жуда қалин сирдош дугоналар эди, шу боис дугонасининг сирини билишга сабри чидамай, Читралекха Ушага шундай деди: "Ҳой азиз маликам, сен ҳали ҳеч кимга эрга чикмагансан-ку, мен сени ҳеч қачон бирор йигит билан кўрмаганман, шунинг учун сениннг бу гапларинг мени ҳайратга соляпти. Сен кимни изляяпсан? Ким экан ўша сенга муносиб бўлган йигит?"

Читралекханиннг саволларини тинглаб туриб, Уша шундай деди: "Эй кадрдон дугонажон, мен тушимда жуда чиройли бир йигитни кўрдим. Унинг танаси қорамтир рангда, кўзлари нилуфар гулларини эслатади, ўзи сариқ либос кийиб олган. Унинг қўллари жуда узун, кўриниши шундай ёқимлики, ҳар қандай қизни ҳам ўзига ром қилиб қўяди. Сенга шуни фахр билан айтишим мумкинки, ана шу келишган йигит мендан бўса олди, мен унинг лаблари шарбатидан лаззатландим. Минг афсуски, у ғойиб бўлган заҳоти мен уни йўқотиб, ҳижрон азоби уммонига ғарқ бўлдим. Эй азиз дугонажон, мен ана шу ғаройиб йигитни, юрагимнинг орзу қилган ҳукмдорини топишни жуда истаяпман".

Ушаниннг гапларини тинглаб туриб, Читралекха шундай деди: "Мен сениннг қандай изтиробга мубтало бўлганингни тушуниб турибман, сени ишонтириб айтаманки, агар у йигит мана шу уч олам - юқори, ўрта ва пастки сайёралар ичида бор бўлса, - сени мамнун қилиш учун мен уни қаердан бўлса ҳам албатта топиб келаман. Агар сен тушингда уни қандай кўрган бўлсанг, шундайлигича тўлиқ таърифлаб берсанг, мен сениннг ақлингни хотиржам қилган бўлардим. Мен ҳозир бир неча йигитларнинг расмларини чизаман, сен уларни кўриб чиқасан, тушингда кўрган йигитни кўрган заҳоти дарров менга айтасан. У қаерда бўлишининг аҳамияти йўқ, мен уни бу ерга қандай олиб келиш йўлини биламан. Сен уни таниб олган заҳоти мен уни шу ерга олиб келаман".

Шундай деб Читралекха олий сайёраларда яшайдиган фаришталарнинг расмларини чиза бошлади; кейин гандхарваларни, сиддхаларни, чараналарни, паннагларни, даитйаларни, видйад-

хараларни ва йакшаларни, шунингдек оддий одамларни тасвирлади. ("Шримад Бхагаватам" ва бошқа ведавий асарларда ҳар бир сайёрада ўзига хос ташқи кўринишга эга бўлган тирик мавжудотлар яшаши аниқ далиллар билан исботлаб берилган. Шундай экан, Ер сайёрасидан бошқа сайёраларда ҳаёт йўқ деб ўйлаш ғирт аҳмоқликдир). Читралекха жуда кўп расмлар чизди, уларнинг ичида Вришни сулоласининг оила аъзолари, шу жумладан Кришнаниннг отаси Васудева, бобоси Шурасена, Шри Балорам, Парвардигор Кришна ва бошқалар ҳам бор эди. Уша Прадйумнаниннг тасвирини кўрганда бироз ҳаяжонланиб кетди, аммо Анируддханиннг тасвирини кўрган заҳоти ўзи излаётган йигитни топганидан қаттиқ хурсанд бўлиб, жилмайганича ерга қаради. У Читралекхага расмдаги йигитни кўрсатиб, унинг юрагини айнан мана шу йигит ўғирлаганини айтди.

Читралекха жуда қудратли буюк сеҳргар йог эди, шу боис Уша расмга қараб туриб ўзининг ғойибона севгилисини таниган заҳоти уларнинг бирортаси ҳам аввал уни кўрмаган, ҳатто исмини ҳам эшитмаган бўлишига қарамай, Читралекха бу расм Кришнаниннг невараси Анируддханиннг расми эканини дарров тушунди. Шу кечасиёқ у космик олам бўйлаб саёҳатга чиқиб, бир пасда Кришна мустаҳкам кўриклаётган Дварака шаҳрига етиб келди. У саройга кириб Анируддхани ўзининг хонасида қулай каравотда ухлаб ётган ҳолда топди. Уша ўз севгилисини кўра олиши учун Читралекха шу заҳотиёқ ўзининг сеҳр қудратини ишга солиб, Анируддхани ухлаётган каравоти билан бирга Шонитапурга олиб келди. Уша бахтдан яйраб кетиб, Анируддха билан биргаликда лаззатланиб яшай бошлади.

Уша билан Читралекха яшайдиган сарой шу қадар мустаҳкам ҳимоя қилинар эдики, бирор эркак зоти унинг ичига кириш у ёқда турсин ҳатто сарой томонга кўз-кирини ҳам ташлай олмас эди. Уша билан Анируддха мана шу сарой ичида яшар, кун сайин Ушаниннг Анируддхага бўлган муҳаббати тўрт бора тўрт мартадан ошиб борарди. Уша ҳар хил чиройли либослар кийиб, унга ҳар хил анжомлар тақдим қилиб, мушк анбарлар ва ҳар хил атирлар сепиб Анируддхани ўзига кўпроқ ром этишга ҳаракат қиларди. Унинг каравоти ёнида оилавий ҳаётни, эр хотинларнинг ҳаётини ёқимли қиладиган ҳамма нарса - сут, шарбат, чайнаш ёки сўриб ейиш мумкин бўлган ҳар хил ширин таомлар турарди. Бунинг устига Уша Анируддхани ўзининг ширин сўзлари ва хизмат қилишга тайёрлиги билан ўзига мафтун этарди. Уша севгилимига шундай ажойиб хизмат қилиш билан Анируддхани ҳамма нарсани бутунлай эсидан чиқариб юбориб, унинг ўзини, фақат ўзини севиб қолишга мажбур қилди. Ўзини қаттиқ севадиган, садоқат билан ажойиб хизмат қиладиган чиройли қиз билан бирга бўлиб Анируддха ҳамма нарсани унутиб, уйдан

узоқда ўтказган кунларининг сонини ҳам эсдан чиқариб юборди.

Вақт ўтиши билан Ушада унинг эркак билан бирга бўлиб юрганидан далолат берувчи аломатлар пайдо бўла бошлади. Бу аломатлар шунчалик яққол кўриниб турардики, унинг ҳаракатларини ҳеч кимдан яшириб бўлмасди. Уша ҳамиша Анируддха билан бирга вақтичоғлик қилар, бундан чексиз лаззат олиб роҳатланиб яшарди. Соқчи ва саройбон унинг қандайдир бир эркак билан дон олишиб юрганини сезиб қолдилар ва дарров бу ҳақда ўзларининг ҳукмдори Банасурага хабар бердилар. Ведавий маданият ҳукм сурган жамиятда эрга чиқмаган қиз боланинг эркак киши билан алоқада бўлиши оила учун энг катта шармандалик, оғир иснод ҳисобланарди, шунинг учун саройбон ўзининг ҳукмдорига мулоимлик билан баъзи ҳаракатларига қараганда Уша бирор йигит билан учрашаётганга ўхшаб кўринишини айтди. Хизматкорлар хўжайинига, улар саройни ҳамиша қаттиқ қўриқлаб юрганини, хоҳ кечаси, хоҳ кундузи бўлсин бирор эркак киши саройга кирмаганини айтдилар. Улар саройни шундай қаттиқ қўриқлар эдиларки, бирор эркак киши сарой ичида нима бўлаётганини ҳатто кўра олмасди, шу боис улар Ушанинг бундай кўриниши уларни ҳайратга солаётганини айтдилар. Улар бунинг сабабини билолмагани учун бу гапларни ҳукмдорига айтишга мажбур бўлгандилар.

Банасура ўзининг қизи Уша энди бокира қиз эмаслигини эшитиб, қаттиқ даҳшатга тушиб кетган эди. Бу унинг юрагига оғир ботди ва у шу заҳотиёқ қизи яшайдиган саройга йўл олди. Бу ерга келиб у Уша билан Анируддха тўшақда бирга суҳбатлашиб ўтирганини кўрди. Уша билан Анируддха бир бирига жуда муносиб жуфт эди, чунки Анируддха Прадйумнанинг ўғли эди, Прадйумна эса севги фариштасининг ўзи эди. Банасура ўзининг қизи билан Анируддха бир бирига жуда муносиб эканини кўрди, лекин оиласининг обрўсини ўйлаб уларнинг бу ишини мутлақо қабул қила олмади. Банасура бу йигитнинг ким эканини билолмасди. у қизи ҳатто бутун уч оламда ҳам ўзига шу йигитдан яхшироқ йигитни танлай олмаслигини тан олганди. Анируддханинг танаси қорамтир ва ялтироқ эди. Унинг устида сариқ либос бор эди, кўзлари нилуфар гули барларини эслатарди. Унинг қўллари жуда узун, чиройли тўлқин-тўлқин сочларри кўкимтир-қора рангда эди. Унинг ярқираган сирғаларидан таралаётган нурлар ва лабларридаги табассуми кишини ўзига мафтун этарди, лекин ҳозир Банасура қаттиқ ғазабланиб турарди.

Банасура Анируддхани кўрганида у Уша билан бирга ҳазиллашиб, ўйнаб ўтирарди. Анируддха чиройли кийинган, Уша эса уни чиройли гулчамбар билан безаб кўйган эди. Аёллар одатда кўксига суртадиган кункума кукунлари гулчамбарнинг ҳар жойида кўриниб, Анируддха Ушани кучоқлаганидан далолат бериб турарди. Ҳатто унинг кўз олдида ҳам Анируддханинг

ўзининг қизи билан бемалол ўйнаб ўтиргани Банасуранинг қаттиқ жаҳлини чиқариб юборди. Лекин Анируддха ўзининг бўлғуси қайнотаси ундан қаттиқ ғазабланганидан, уни ҳибсга олиш учун саройга жуда кўп жангчиларни тўплаганидан беҳабар эди.

Шунда, бошқа бирор қуроол топа олмай, Анируддха қўлига катта бир темир таёқни олди-да Банасура ва унинг соқчиларри олдида пайдо бўлди. У агар унга ташланмоқчи бўлса уларнинг ҳаммасини мана шу таёқ билан янчиб ташлашга тайёр эканини кўрсатиб, қулай ҳимоя жой танлаб, ўзини ҳимоя қилишга шайланди. Банасура ва унинг соқчилари ўзларининг олдида турган бу ёш йигитни худди қўлига ажал қуролини олиб турган ажал фариштасига ўхшатдилар. Шундан сўнг Банасуранинг амри билан соқчилар ҳар тарафдан унга ташланиб, уни ҳибсга олишга уриндилар. Улар яқинлашган заҳоти Анируддха бирин-кетин уларнинг қўл-оёқларини синдириб, каллаларини ёриб, уларга бешафқат ҳалокат келтириб ўзини ҳимоя қиларди. Анируддха уларни худди бургутлар сардори ўзига ташланаётган овчи итларни ўлдиргани сингари бирин-кетин яксон қиларди. Шундай қилиб, Анируддха саройдан қочиб кетишга муваффақ бўлди. Банасура жанг қилишнинг кўп усулларини биларди, Тангри Шива нинг марҳамати билан у ўз душманини нагапаши, илон-арқон билан боғлаб ташлаш сирини биларди. Анируддха саройдан чиқаётганида у шу йўл билан уни ушлаб олди. Отаси Анируддхани ушлаб, боғлаб ташлаганини эшитиб Ушанинг бутун қалби билан қаттиқ изтироб чека бошлади. Унинг кўзларидан тинмай ёш оқар, ўзини тута олмай, у қаттиқ кичқириб йиғлаб юборди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Уша ва Анируддханинг учрашуви" деб аталадиган эллик олтмиш биринчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

62. Парвардигор Кришнанинг Банасура билан жанг қилиши

Тўрт ой давом этадиган ёмғир фасли ўтиб бўлган, Анируддха эса ҳалигача уйига қайтмаган эди, бундан Йадавалар хонадонининг барча аъзолари қаттиқ ташвишлана бошладилар. Улар бу ўспириннинг қаёққа ғойиб бўлганини билмай ҳайрон эдилар. Уларнинг бахтига бир куни саройга буюк донишманд Нарада Муни меҳмон бўлиб келди ва уларга Анируддханинг қандай қилиб саройдан ғойиб бўлгани ҳақида батафсил гапириб берди. У Анируддханинг қандай қилиб Банасуранинг пойтахт шаҳри Шонитапурга олиб борилгани, Анируддха шоҳнинг барча соқчиларини мағлуб қилган бўлишига қарамай, Банасура қандай қили уни *нага-паши* ёрдамида

боғлаб олгани ҳақида гапириб берди. Шундан сўнг Кришнани қаттиқ севадиган Йадавдалар сулоласининг ҳаммаси Шонитапур шаҳрига ҳужум қилишга тайёргарлик кўра бошладилар. Сулоланинг деярли барча шоҳлари, шу жумладан Прадйумна, Сатйака, Гада, Самба, Сарана, Нанда, Упананда ва Бхадралар ҳам биргалашиб, ўн саккиз акшаухинидан иборат қатта кўшин тайёрладилар. Кейин Шонитапур шаҳрига бориб, шаҳарни ҳамма тарафдан пиёда, отлик аскарлар, жанг аравалари ва филлар ёрдамида қуршаб олдилар.

Банасура Йадавдалар сулоласининг кўшини дарвоза ва деворларни бузиб, йўлда учраган боғроғларни пайҳон қилиб, шаҳарга бостириб келадиганидан хабар топди. Қаттиқ ғазабланиб у шу заҳотиёқ ўзининг саркардаларига душман қудратига тенг келадиган кўшин билан уларнинг ҳужумини қайтаришни буюрди. Тангри Шива Банасурага шу қадар марҳаматли эдики, шахсан ўзи келиб, жасур ўғиллари Карттикея ва Ганapati билан биргаликда унинг кўшинига бош болди. Ўзининг севимли буқаси Нандишваранинг устида ўтирган ҳолда Тангри Шива Парвардигор Кришна ва Балорам кўшинига қарши бўлатган жангни бошқарарди. Бир томонда ўзининг жасур ўғиллари билан Тангри Шива, иккинчи томонда акаси Балорам билан Парвардигор Кришна орасида бўлиб ўтаётган бу жангнинг қанчалик шиддатли эканини тасаввур қилиш мумкин. Жанг шунчалик қакшатқич, даҳшатли борардики, уни кўрган одам хайратга тушиб, баданидаги туклари тикка бўлиб кетарди. Тангри Шиванинг ўзи Парвардигор Кришна билан жанг қиларди. Прадйумна - Карттикея билан, Парвардигор Балорам эса - Банасура кўшинининг бош кўмондони Кумбханда ва унга ёрдам бераётган Купакарни билан жанг қиларди. Кришнанинг ўғли Самба Банасуранинг ўғли билан жанг қилар, Банасуранинг ўзи эса Йадавдалар кўшинининг бош кўмондони Сатйаки билан жанг қиларди. Жанг шу тариқа шиддат билан давом этарди.

Бу жанг ҳақидаги хабар бир зумда бутун коинотга тарқалди. Жаннатдан Тангри Брахма сингари буюк фаришталар буюк донишмандлар, авлиё зотлар, сиддхалар, чараналар ва гандхарвалар билан биргаликда ўзларининг ҳаво кемасида келиб, Парвардигор Кришна билан Тангри Шиванинг жанги қандай натижа билан тугашини кўришга шошилиб, жанг майдонининг устини ўраб олган эдилар. Тангри Шивани *бхута-натха*, яъни "қудратли арвоҳлар ва дўзахий зотлар ёрдам берадиган зот" деб атайдилар, дўзах аҳли бхугалар, преталар, праматхалар, гухйакалар, дакиниллар, пишачилар, кушмандалар, веталалар, винайакалар ва браҳма-ракшаслар. Булар ичида браҳма-ракшаслар жуда қудратли зотлардир. Гуноҳкор браҳманлар кейинги ҳаётида арвоҳларга айланиб браҳма-ракшас бўлиб туғиладилар.

Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришна ана шу арвоҳларнинг ҳаммасини Ўзининг машхур Шарнгадхана камони ёрдамида жанг майдонидан қувиб чиқарди. Шунда Тангри Шива Худонинг Олий Шахсига қарши ўзининг энг яхши қуролини ишга солди. Парвардигор Кришна бу қуролнинг барча ҳамлаларини Ўз қуроли билан қайтарди. Атом бомбасига ўхшаган браҳмастрага қарши Кришна бошқа браҳмастра қўллади, ҳаво воситасида ишлайдиган қуролга қарши - тоғ қуролини ишлатди. Тангри Шива жанг майдонида қаттиқ бўрон турғазадиган қурол қўллаганида Парвардигор Кришна тоғ қуролини ишга солиб, бўронни тўхтатиб қўйди. Тангри Шива даҳшатли ёнғин қуролини ишга солди, Парвардигор Кришна эса шу заҳотиёқ уни тинимсиз ёмғир билан ўчириб ташлади.

Ниҳоят, Тангри Шива ўзининг *пашупата-астра* деган қуролини ишга солди, Кришна шу заҳотиёқ унга қарши *нарайана-астра* қуролини ишлатди. Парвардигор Кришна билан бўлган жанг Тангри Шивани қаттиқ саросимага солиб қўйди, шунда Парвардигор Кришна фурсатдан фойдаланиб, одамни эснатадиган қуролини ишга солди. Бу қурол ишга солинганида рақиб жанг қилишдан тўхтаб, тинмасдан эснай бошлайди. Худди шундай Тангри Шива ҳам қаттиқ чарчоқ ҳис қилиб, жанг қилишдан бош тортиб тинмасдан эснай бошлади. Шунда Кришна эътиборини Банасурага қаратиб, унинг кўшинини қилич ва гурзи билан яқсон қила бошлади. Айни пайтда Кришнанинг ўғли Прадйумна фаришталарнинг саркардаси Карттикея билан шиддатли жанг олиб борарди. Карттикея ярадор бўлган, ҳамма жойи қизил қонга беланган эди. Шу аҳволда у жанг қилишни тўхтатиб, товусга ўтирган ҳолда жанг майдонини тарк этди. Шунингдек Балорам ҳам Ўзининг гурзиси билан Банасуранинг бош кўмондони Кумбхандага қакшатқич зарбалар берган, Купакарна ҳам оғир ярадор эди. Улар иккиси - Кумханда ҳам, Купакарна ҳам ерга қуладилар, Кумханда шу ерда жон таслим қилди. Кўмондонсиз қолган Банасуранинг жангчилари ҳар томонга тум-тарақай бўлиб қоча бошладилар.

Банасура бош кўмондони ўлиб, жангчилари таслим бўлаётганини кўриб, ғазаби қайнаб кетди. У Кришна кўшинининг бош кўмондони Сатйаки билан жанг қилишдан тўхтаб Парвардигор Кришнанинг Ўзига ҳужум қилиш керак деган қарорга келди. Ниҳоят ўзининг минг қўлини ишга солиш имкониятидан фойдаланиб у Кришнага ташланди ва бир вақтнинг ўзида беш юз камондан икки минг пайкон йўллади. Ана шундай аҳмоқ зот ҳеч қачон Кришнанинг қудратини англай олмайди. Кришна шу заҳотиёқ ҳеч қийналмасдан Банасуранинг барча камонларини синдириб ташлади, унинг бирор ҳаракат қилишига тўсқинлик қилиб, жанг аравасига қўшилган отларни ўлдириб ташлади. Иблисининг жанг араваси чил-парчин бўлди. Кейин Кришна

Ўзининг Панчажанйа деган жанговор суруни чалиб юборди.

Банасура фаришта Котарага сажда қиларди, улар орасида худди она ва бола ўртасидагидай муносабат юзага келган эди. Фаришта Котара Банасуранинг ҳаёти хавф остида қолганидан хавотирланиб, шу заҳотиёқ жанг майдонида пайдо бўлди. Яланғоч, сочлари елкасига тўзғиб тушган ҳолда у Парвардигор Кришна олдида пайдо бўлди. Парвардигор Кришнага бу яланғоч аёлнинг турки ёқмади, шу боис унга юзи тушмаслиги учун юзини четга бурди. Банасура Кришнадан кутулишнинг бу имкониятидан фойдаланиб, жанг майдонини тарк этди. Унинг камонидаги барча иплар узилган, энди жанг араваси ҳам, жиловодори ҳам йўқ бўлиб, унинг шаҳарга қайтишдан бошқа иложи қолмаган эди. У жангда ҳамма нарсасидан айрилган эди.

Кришна йўллаётган пайконлар ёмғири остида Тангри Шиванинг ҳамма ҳамроҳлари - бхуталар, преталар ва кшатрийлар жанг майдонини ташлаб кетгандилар. Шунда Тангри Шива ўзининг охириги куралини ишлатишга қарор қилди. У *Шиважвара* деб аталадиган даҳшатли куралини ишга солди, у атрофдаги ҳамма нарсани куйдириб юборади. Айтишларига қараганда қиёмат-қойим бўлганида қуёш одатдагидан ўн икки марта қаттиқроқ киза бошларкан. Ана шу кучли иссиқлик Шива-жвара деб аталади. Ҳозир ана шу Шива-жвара куралининг тимсоли ишга солинган эди. Унинг уч калласи, уч оёғи бор эди, у Кришнага яқинлашганида гўё бутун оламни куйдириб юборадигандай важоҳатли кўринарди. У шунчалик қудратли эдики, ҳар тарафга ўзидан оламнинг кулини кўкка совурадигандай кучли ёнғин таратиб турарди. Кришна унинг Ўзига тобора яқинлашиб келаётганини сезиб қолди.

Шива-жвара куралидан бошқа Нарайана-жвара курали ҳам мавжуд. Нарайана-жвара - чидаб бўлмас даражадаги совуқликдан иборат. Жазирама иссиққа чидаса бўлади, аммо қаҳратон совуқ ҳаммани ўлдиради. Ҳар бир инсон буни ажали етган пайтда ўз бошидан кечиради. Одам ўлаётганида аввало танасининг ҳарорати қирқ икки градусга кўтарилади, кейин тана ўзининг ҳамма кучини йўқотиб, муздай совуқ бўлиб қолади. Ҳаммани ёқиб кул қиладиган Шиважвара куралига Нарайана-жварадан бошқа бирор курали бас келолмасди.

Парвардигор Кришна Тангри Шива ўзининг Шиважвара куралини ишга ослганини кўриб, Ўзининг Нарайанажвара куралини ишга солишга мажбур бўлди. Шри Кришна - азалий Парвардигор Нарайананинг Ўзи, шу боис У Нарайанажваранинг ягона ҳукмдори ҳисобланади. У Нарайана-жварани ишга солганида икки жвара орасида қаттиқ жанг бошланиб кетди. Қаттиқ иссиқ билан қаттиқ совуқ тўқнаш келганда табиий равишда иссиқнинг ҳарорати пасая бошлайди, ана шундай ҳолат Шива-жвара билан Нарайанажвара иккиси тўқнашган пайтда ҳам юз бера

бошлади. Аста-секин Шиважваранинг иссиғи тушиб, у Тангри Шивани ёрдамга чақира бошлади, лекин Тангри Шива унга Нарайана-жварага қарши туришда ёрдам беролмасди. Тангри Шивадан ҳеч қандай мадад ололмаган Шиважвара энди Нарайананинг Ўзига, Парвардигор Кришнага ўз ихтиёрини топширишдан бошқа чораси қолмаганини тушуниб етди. Фаришталарнинг энг қудратлиси бўлган Тангри Шива унга ёрдам беролмаган эди, шундай экан бошқа фаришталар ҳақида нима дейиш мумкин, шу боис Шиважвара Кришнага таслим бўлди, Унинг олдида тиз чўкиб таъзим қилиб, кечирим сўраб, уни бу фалокатдан қутқариб қолишни тилаб илтижо қила бошлади.

Тангри Шива билан Парвардигор Кришнанинг мутлақ табиатли курали орасидаги жангда шу нарса яққол намоён бўладики, агар Кришна кимдир ҳимоя қилмоқчи бўлса, уни ҳеч ким ўлдира олмайди. Аммо, агар Кришна ҳеч қандай ёрдам беришни истамаса, уни ҳалокатдан ҳеч ким қутқара олмайди. *Ракхе кришна маре ке, маре кришна ракхе ке.* Тангри Брахма ҳамма нарсани яратгани учун баъзида уни фаришталарнинг буюғи деб атасалар ҳам, Тангри Брахма яратган оламни яқсон қилишга қодир бўлгани учун Тангри Шивани ҳам *Махадева*, яъни "фаришталарнинг энг буюғи" деб атайдилар. Лекин Тангри Брахма ва Тангри Шива фақат бир томонлама ҳаракат қиладилар. Тангри Брахма фақат яратишни билади, Тангри Шива фақат яқсон қилишни билади, аммо уларнинг бирортаси оламнинг мавжудлигини таъминлаб туришга қодир эмас. Парвардигор Вишну эса яратишга ҳам, яралган оламнинг мавжудлигини таъминлаб туришга ҳам, яқсон қилишга ҳам қодир. Аслини олганда оламни яратадиган Тангри Брахма эмас, чунки унинг ўзини Парвардигор Вишну яратади. Тангри Шивани Тангри Брахма яратади, яъни у Тангри Брахмадан туғилади. Шунинг учун Шива-жвара Парвардигор Кришнадан, яъни Нарайанадан бошқа ҳеч ким унга ёрдам беролмаслигини тушуниб етди. Шунинг учун у ҳимоя қилишини сўраб Парвардигор Кришнага мурожаат қилди ва кўл қовуштириб, унга шундай илтижо қила бошлади.

"Эй азиз Худойим, мен Сенинг олдингда эҳтиром билан бош эгаман, чунки Сен чексиз илохий қудратга эгасан. Қудрат бобида ҳеч ким сендан устун бўлолмайди, шунинг учун Сен - ҳар бир тирик мавжудотнинг Хўжайинисан. Одатда одамлар Тангри Шивани моддий оламдаги энг қудратли шахс деб биладилар, лекин Тангри Шива ҳамма нарсага қодир эмас; Сен эса ҳамма нарсага қодирсан. Бу - айна ҳақиқат. Сен бошланғич онг, яъни бошланғич, азалий илмсан. Илмсиз, онгсиз равишда ҳеч ким ҳеч қандай кучга эга бўлолмайди. Қандайдир моддий нарса ўзида катта қудратни мужассам қилган бўлиши мумкин, аммо токи илм, яъни онг билан алоқа қилмагануча у ҳаракатга келмайди. Қандайдир моддий қурилма катта ва ҳайратланарли бўлиб

кўриниши мумкин, лекин онг ва илмга эга бўлган зот уни ҳаракатга келтирмаса, бу катта қурилма ҳеч нарсага ярамайди. Эй азиз Худойим, Сен - мукаммал илмсан, Сенинг шахсингда моддий иллатдан асар ҳам йўқ. Тангри Шива жуда қудратли фаришта бўлиши мумкин, чунки унга бутун борлиқни яқсон қилиш қудрати ато этилган, шунингдек Тангри Браҳма ҳам жуда катта қудратга эга бўлиши мумкин, чунки у бутун моддий оламни яратади, аслида эса Тангри Браҳма ҳам, Тангри Шива ҳам бу намоён бўлган моддий оламнинг бошланғич сабабчилари эмас. Сен - Мутлақ Ҳақиқатсан, Олий Браҳмансан ва Сен - бошланғич сабабсан. Бутун борлиқнинг бошланғич сабабчиси Браҳманнинг илоҳий нури эмас. Браҳманнинг шахсиятсиз ёғдуси Сенда мужассам бўлган". "Бхагавад-гита"да тасдиқланганидай, шахсиятсиз Браҳманнинг сабабчиси Парвардигор Кришна. Браҳманнинг ёғдуси қуёш шаридан таралаётган нурга ўхшайди. Шунинг учун Браҳманнинг ёғдуси оламнинг бошланғич сабаби бўла олмайди. Бутун борлиқнинг бошланғич сабабчиси Кришнанинг мангу Олий Шахс қиёфасидир. Барча моддий фаолиятлар ва уларни оқибатлари шахсиятсиз Браҳманда рўй беради, шахсий Браҳманда, Кришнанинг мангу шахсий қиёфасида эса ҳеч қандай ҳаракат ҳам, унинг оқибати ҳам йўқ. Шунинг учун эй азиз Худойим, Сенинг тананг бутунлай хотиржам, мукаммал осойишталикда бўлиб, у ҳар қандай моддий иллатлардан покдир.

Моддий танада ҳамиша моддий табиатнинг уч гунасининг ҳар хил ҳаракатлари ва шу ҳаракатларнинг оқибатлари рўй бериб туради. Вақт, Замон мезони жуда муҳим унсур бўлиб, у бошқа унсурлардан устун туради, чунки моддий оламнинг намоён бўлиш жараёни унинг турткиси билан бошланади. Шу тариқа табиат ҳодисалари намоён бўла бошлайди, ундан кейин дарҳол карма оқибатлари намоён бўла бошлайди. Ана шундай кармали фаолият оқибати сифатида тирик мавжудот бирор қиёфага эга бўлади. У ҳаёт нафаси, ўзлик, ўн сезги аъзоси, ақл ва беш кўпол моддий унсурдан таркиб топган кўпол ва нафис танага хос бўлган маълум бир табиатга эга бўлади. Ўз навбатида улар тананинг маълум турини яратадилар, бу тана эса бирин-кетин тирик мавжудот тана алмаштириш жараёнида эга бўладиган бошқа таналарнинг юзага келишига сабабчи бўлади. Кўзга кўринадиган мана шу намоёнликнинг ҳаммаси Сенинг моддий қувватининг бирлашган ҳаракатидир. Ҳар хил унсурларнинг ҳаракатлари ва шу ҳаракатларнинг оқибатлари таъсир қилмайдиган Сен - ана шу олий қувватнинг манбаисан, моддий қувват Сени бирор ҳаракатга мажбур қила олмагани сабабли Сен - олий ором, олий хотиржамлик, осойишталик манбаисан. Сен - моддий иллатлардан энг олий даражада пок бўлган Зотсан. Шунинг учун мен бошқа ҳар қандай паноҳни инкор этиб, фақат

Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ излайман.

Эй азиз Худойим, Сенинг бу оламда Васудеванинг ўғли бўлиб инсон қиёфасида дунёга келишинг - Сенинг бутунлай мустақил, эркин ҳаракат қилишингни кўрсатувчи илоҳий эрмакларингдан биридир. Ўз бхакталарингни қувонтириш ва имонсиз иблисларни даҳшатга солиш учун Сен ҳар хил қиёфаларда намоён бўласан. Сенинг бу дунёда намоён бўладиган қиёфаларининг ҳаммаси Ўзинг "Бхагавад-гита"да жамиятда одамларни руҳий юксалишга олиб борадиган турмуш тарзи бузилган заҳоти бу дунёга келишга берган ваъданнинг устидан чиқиш ниятида намоён бўладилар. Эй азиз Худойим, муқаддас китобларнинг қонунларига риоя қилмаслик инсониятнинг руҳий ривожланишига турлича тўсқинлик қила бошлаган заҳоти, Сен Ўзингнинг ички қувватинг ёрдамида бу дунёда намоён бўласан. Сенинг асосий вазифанг фаришталарни ва руҳий ҳаёт кечирishга интилаётган такводор инсонларни ҳимоя қилиш ҳамда дунёвий жамиятда қонунчилик ва жамоат тартибни қўллаб-қувватлашдан иборат. Жамиятда қонун ва жамоат тартибини сақлаш билан бир вақтнинг ўзиде Сен имонсиз иблисларни яқсон қиласан. Бу Сенинг биринчи марта қандайдир қиёфада намоён бўлишинг эмас; Сен аввал ҳам жуда кўп марта шундай қилгансан.

Эй азиз Худойим, мени Сенинг Нарайана-жвара қуролинг каттиқ жазолаганини ҳам эътиборга олиш керак. Албатта, у совуқ олиб келади, аммо айни пайтда бизлар учун у чидаб бўлмас даржада хатарли. Эй азиз Худойим, тирик мавжудот моддий, дунёвий орзу-истакларга берилиб кетиб, Сенинг нилуфар қадамларинг пойи барча учун охирги нажот макони эканини билмасдан Кришна онгини эсидан чиқариб юборганида, у моддий танага эга бўлиб, моддий табиатнинг уч турли азоб-уқубатларини тотиб яшашга мажбур бўлади. Тирик мавжудот ўз ихтиёрини Сенга топширмагани сабабли у чексиз мусибат чекишда давом этаверади".

Шиважваранинг гапларини тинглаб туриб, Парвардигор Кришна шундай деди: "Эй учбошли зот, Мен сенинг гапларингдан мамнунман. Ишончинг комил бўлсинки, энди Нарайана-жвара қуролим сенга ҳеч қандай хавф-хатар олиб келмайди. Даҳшатли қурол Нарайана-жваранинг таҳдидидан фақат ўзинг халос бўлигини қолмасдан, келажакда Шива-жвара билан Нарайана-жвара орасида бўлиб ўтган мана шу жанг ҳақида шунчаки эслаган ҳар қандай одам ҳам ҳар қандай кўрқувлардан халос бўлади". Худонинг Олий Шахсининг гапларини эшитиб, Шиважвара Унинг нилуфар қадамлари пойига эҳтиром билан сажда қилди-да у ерни тарк этди.

Айни пайтда Банасура жангдаги омадсизликларидан анча ўзига келиб, янги куч тўплаб жанг майдонига кириб келди. Бу гал Банасура минг қўлининг ҳар бирига турли қуроллар олган ҳолда

жанг аравасида ўтирган Парвардигор Кришна олдида пайдо бўлди. Банасуранинг қаттиқ жаҳли чикиб турган эди. У Парвардигор Кришна устига ҳар хил ўқлар ёғдира бошлади. Устига Банасуранинг ўқлари худди элакдан оқаётган сувдай ёғила бошлаганини кўрган Парвардигор Кришна кўлига Сударшана чакрасини олди ва худди боғбон тоққайчи билан дарахт новдаларини қирққанидай, Банасуранинг кўлларини бирма-бир қирқа бошлади. Тангри Шива ўз бхактаси ҳатто унинг ёнида ўзи турганида ҳам ҳалокатдан қутула олмаётганини кўриб бирдан ўзига келди ва Парвардигор Кришна олдига бориб, самимий илтижо қилиб Уни мамнун қилишга урина бошлади.

Тангри Шива шундай деди: "Эй азиз Худойим, ведавий мадҳияларда куйланадиган зот - Сен Ўзингсан. Сени билмаган одам шахсиятсиз браҳмажйотини якуний Мутлақ Ҳақиқат деб ҳисоблайдилар. Улар Сендан таралаётган руҳий ёғдунинг ортида, Ўзингнинг мангу даргоҳингда Сен Ўзинг бор эканингдан беҳабар. Эй азиз Худойим, шунинг учун Сени Парабрахман деб атайдилар. Парабрахман ибораси "Бхагавад-гита"да Сени таърифлаш учун ишлатилган. Гарчи Сен худди осмон сингари ҳамма ерга сингиб кетган ва Сенга ҳеч қандай моддий иллат таъсир қилмаса ҳам, қалби ҳар қандай моддий иллатлардан пок бўлган авлиё зотлар Сенинг илоҳий киёфангни англай оладилар. Сени фақат Сенинг бхакталаринг англай оладилар, бошқа ҳеч ким бунга кодир эмас. Сенинг олий даражадаги борлигининг имперсоналистик тасавурида осмонни Сенинг киндигингга киёслайдилар, оловни - Сенинг оғзингга, сувни - Сенинг уруғлигингга ўхшатадилар. Самовий сайёралар - Сенинг калланг, ҳар қандай йўналишлар - Сенинг қулоқларинг, *Урви* сайёраси - Сенинг нилуфар қадамларинг пойи, ой - Сенинг ақлинг, қуёш - Сенинг кўзинг. Мен эса Сенинг эго(ўзлиги)нг бўлиб ҳаракат қиламан. Океан - Сенинг қорнинг, осмон шоҳи Индра - Сенинг кўлларинг. Дарахт ва бошқа ўсимликлар - Сенинг танангдаги туклар, булутлар - Сенинг каллангдаги сочлар, Тангри Браҳма - Сенинг тафаккуринг. Тирик мавжудотларни яратадиган, Пражапати деб аталадиган зотлар - Сенинг вакилларинг тимсолидир. Дин - Сенинг юрагингдир. Имперсоналистлар Сенинг олий танангнинг шахсиятсиз намоён бўлишини шундай тасаввур қиладилар, лекин охиروкибатда Сен - Олий Шахссан. Сенинг олий танангнинг шахсиятсиз кўринишда намоён бўлиши - Сенинг қувватингнинг кичкина бир бўлагининг намоён бўлишидир. Сени бошланғич оловга, Сенинг экспансияларингни эса - ёруғлик билан иссиқликка ўхшатадилар".

Тангри Шива давом этди: "Эй азиз Худойим, Сен ҳамма ерда намоён бўласан, оламнинг ҳар хил қисмлари - Сенинг танангнинг турли аъзоларидир, Ўзингнинг англаб бўлмас қувватинг ёрдамида Сен бир вақтнинг ўзида ҳам бир жойда,

ҳам оламнинг ҳамма жойида бўла оласан. "Брахма-самхита"да ҳам бу ҳақиқат тасдиқланган - гарчи Сен ҳаммиша Ўз даргоҳингда, Голока Вриндаванда бўлсанг ҳам, барибир Сен ҳамма жойда мавжудсан. "Бхагавад-гита"да айтилганки, Сен бхакталарни химоя қилиш учун намоён бўласан, бу ишинг бутун оламга бахт-саодат келтиради. Фақат Сенинг марҳаматинг билан фаришталар оламнинг ҳар хил ишларини бошқариб турадилар. Демак, етти олий сайёралар туркуми Сенинг марҳаматинг билан мавжуд бўлиб туради. Охир замон пайтида, Сенинг фаришталар, одамлар ва қуйи турларга мансуб ҳайвонлар кўринишида намоён бўлган қувватларингнинг ҳаммаси Сенинг ичингга қиради, космик оламнинг барча бевосита ва билвосита сабаблари мавжудликнинг бирор аломатларини кўрсатмасдан Сенинг Ўзингда ором топадилар. Охир-окибатда Сен билан бошқа бирор нарса орасида, Сен билан тенг ёки паст бўлган бирор нарса орасида фарқ топиш қийин. Бир вақтнинг ўзида Сен - бу космик оламнинг сабабчисан, ҳам унинг таркибий қисмларисан. Сен - олий мақсадсан, Сен - ягонасан, ҳеч кимни Сенга тенглаштириб бўлмайди. Биз сеза оладиган, намоён бўлган борликда уч ҳолат мавжуд: онг, ярим онг(уйқу) ва онгсиз ҳолат. Лекин Сен моддий мавжудликнинг мана шу уч ҳолатига нисбатан илоҳий ҳолатдасан. Бундан чиқадики, Сен - тўртинчи ўлчамда мавжудсан, шу боис Сенинг бу дунёга келиб кетишинг Сенинг Ўзингдан бошқа бирор сабабга боғлиқ эмас. Сен - ҳамма нарсанинг олий сабабчисан, лекин Сенинг Ўзингнинг сабабинг йўқ. Пайдо бўлишинг ёки йўқолишингга фақат Сен Ўзинг сабабчи бўласан. Илоҳий ҳолатда бўлишингга қарамай, эй азиз Худойим, олти мукамал фазилатга тўлиқ эга бўлган ҳолда, Ўзингнинг илоҳий сифатларингдан хабар бериб Сен ҳар хил киёфаларда Ўзингни намоён этасан: балиқ, тошбақа, тўнғиз, Нарасимха, Кешава ва ҳоказо; шунингдек Сен ҳар хил тирик мавжудотлар киёфасида Ўзингни Сендан ажралган киёфаларда ҳам намоён этгансан. Ички қувватинг ёрдамида Сен Парвардигор Вишнунинг ҳар хил киёфаларида намоён бўласан, Ўзингнинг ташқи қувватинг ёрдамида эса - Ўзингни намоён бўлган мана шу жараёнлар оламида намоён этасан.

Булутли кунда оддий одамнинг кўзига қуёш кўринмайди. Лекин аслида, булутларни қуёш нури яратгани сабабли, осмонни бутунлай булут қоплаган бўлишига қарамасдан, қуёшнинг ўзи ҳеч қачон булут билан қопланган бўлмайди. Шунга ўхшаб, фаросатсиз, калтафаҳм одамлар ҳам: "Худо йўқ!" - деб айтадилар, лекин тирик мавжудотлар ва уларнинг фаолияти намоён бўлиб тургани яққол кўриниб турганида донишманд одамлар Сенинг ташқи ва оралик қувватларинг воситасида Сени ҳар бир атомда кўра оладилар. Сен мавжуд бўлган чексиз фаолият энг соф бхакталарга намоён бўлади, аммо

Сенинг ташқи қувватинг чангалига тушиб қолган ғофил одамлар ўзларини мана шу моддий олам билан қиёслайдилар ва ўзларини бу оламга жамият, дўстлик ва муҳаббат ришталари билан чамбарчас боғлаб кўядилар. Шунда улар моддий борлиқнинг уч турли мусибатларини, лаззат ва азоб туйғуларининг карама-қаршилигини ўзларида ҳис қиладилар. Баъзан улар боғланишлар уммонига бутунлай ғарқ бўладилар, баъзида эса уларни кутқариб оладилар.

Эй азиз Худойим, фақат Сенинг бесабаб марҳаматинг ва шарофатинг билан тирик мавжудот бу дунёда инсон танасига эга бўла олади, бу эса унга моддий тирикчиликнинг мусибатли шароитидан озодликка чиқиш имконини беради. Инсон танасига эга бўлган, лекин ўзининг ҳиссиётини жиловлай олмаган тирик мавжудотни ҳиссий лаззатлар уммони ўз қаърига тортиб кетади. Шунда у Сенинг нилуфар қадамларинг пойига мурожаат қилишга, ўзини Сенга садоқат билан хизмат қилишга бағишлашга қодир бўла олмай қолади. Ана шундай ғофиллик зулматида кун кечираётган одам, шубҳасиз, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам алдаб юрган ҳаётда энг бахтиқаро одамдир. Худони, Кришнани англамаган ана шундай ғофил одамлардан иборат бўлган жамият "алданганлар" ва "алдоқчилар" жамиятидир.

Эй азиз Худойим, Сен ҳақиқатан ҳам барча тирик мавжудотларнинг энг азиз ва қадрли Олий Рухисан, Сен - бутун борлиқнинг Олий Хукмдорисан. Ҳамиша алданиш чангалида юрган одам бу дунёда охир-оқибатда уни муқаррар кутиб турган ўз ажалидан кўрқиб, ҳамиша хавотирда яшайди. Ҳаётда фақат ҳиссий лаззатларга боғланиб қолган киши ўз хоҳиши билан моддий тирикчиликнинг турли мусибатларига рози бўлиб алдамчи ҳиссий лаззатлар излаб бу дунёда сарсон-саргардон бўлиб юраверади. Шубҳа йўқки, у - нодонларнинг энг буюги, чунки у илоҳий лаззатли шарбатдан юз ўгириб, захар ичишга интилиб яшайди. Эй азиз Худойим, қалбини барча моддий боғланишлардан бутунлай поклаган барча фаришталар, шу жумладан Тангри Браҳма, мен, шунингдек буюк донишманд ва авлиё зотлар Сенинг марҳаматинг билан ўз ихтиёрини Сенинг нилуфар қадамларинг пойига топширганлар. Бизларниг ҳаммамиз фақат Сендан нажот топганмиз, чунки бизлар Сени Худонинг Олий Шаҳси деб қабул қиламиз; бизлар учун ҳаётда энг азиз Зот - Сен Ўзингсан. Сен - бу моддий оламнинг бошланғич сабабчисан, Сен - унинг мавжудлигини таъминлаб турган Зотсан, Сен - унинг яксон бўлишига сабабчи бўладиган Зотсан. Сен ҳаммага бир хил муносабатда бўласан. Сен - ҳар бир тирик мавжудотга тинчлик олиб келувчи энг яқин дўстсан. Ҳар биримиз сажда қиладиган энг буюк Зот - Сенсан. Эй азиз Худойим, биз мана шу моддий иллатлар чангалидан озодликка чиқа олишимиз учун ҳамиша

Сенга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишимизга ижозат бер!

Эй азиз Худойим, ниҳоят мен Сенга шуни айтмоқчиманки, мана шу Банасура мен учун жуда азиз зот бўлади. У менга жуда кўп хизмат қилди; шунинг учун мен унинг ҳамиша бахтиёр яшашини истайман. Ундан мамнун бўлиб, мен унга "ҳамиша бехатар ҳолатда бўласан" деб ваъда берган эдим. Эй азиз Худойим, Сендан ялиниб илтижо қиламан, унинг боболари Прахлад Махараж ва Бали Махараждан мамнун бўлганинг сингари ундан ҳам рози бўл!"

Тангри Шиванинг илтижосини тинглаб туриб, Парвардигор Кришна унга ҳукмдорим деб мурожаат қилди: "Эй ҳурматли Тангри Шива, Мен сенинг гапларингни қабул қилдим ва Банасурага тааллуқли бўлган илтимосингни бажараман. Банасура Бали Махаражнинг ўғли эканини биламан, Мен уни ўлдира олмайман, чунки Мен бунга ваъда берганман. Мен Прахлад Махаражга ваъда бериб айтган эдимки, унинг хонадонида туғилган иблисларнинг бирортаси ҳеч қачон Менинг қўлимдан ҳалок бўлмайди. Шунинг учун Банасурани ўлдирмадим, Мен шунчаки унинг сохта гурурини, манманлигини яксон қилиш учун унинг қўлларини чопиб ташладим. Унинг катта кўшини ер юзига оғир дард бўлиб турган эди, ернинг оғирини енгил қилиш учун Мен уларнинг ҳаммасини яксон қилдим. Энди унинг фақат тўртта қўли қолди. У ҳеч қачон ўлмайди, унга моддий оғриқ ва лаззат тарсир қилмайдиган бўлади. У сенинг буюк бхакталарингдан бири эканини яхши биламан, шунинг учун ишончинг комил бўлсинки, энди унинг ҳеч қачон бирор нарсадан кўрқишига ҳожат қолмайди".

Банасура Парвардигор Кришнадан шундай фотиҳа олгандан кейин Унинг оёқларига юзтубан йиқилиб сажда қилди. У шу заҳотиёқ олтин жанг аравада Анируддха билан ўзининг қизи Ушани олиб келишни буюрди, уларни Парвардигор Кришнага топширди. Шундан сўнг Парвардигор Кришна Тангри Шиванинг марҳамати билан катта моддий бойликка эга бўлган Анируддха билан Ушага ғамхўрлик қила бошлади. Кейин Кришна бир акшаухини қўшинни олдинга юбориб Дваракага йўл олди. Айни пайтда Дварака аҳолиси Парвардигор Кришнанинг катта тантана билан Анируддха билан Ушани бирга олиб келатгани ҳақида хабар топиб, бутун шаҳарни байроқчалар ва гулчамбарлар билан байрамона безадилар. Барча асосий йўллар, кўчалар, чорраҳалар яхшилаб супуриб сидирилди, сандал аралаш сув сепилди. Ҳамма жойдан сандал дарахтининг ёқимли ҳиди келиб турарди. Дўстлари ва қариндошлари билан биргаликда шаҳарнинг бутун аҳолиси катта хурсандчилик билан Парвардигор Кришнани сурлар, барабанлар, литавраларда турли жарангдор мусикалар чалиб, катта тантана билан кутиб олди. Шу тариқа Парвардигор Кришна Ўзининг пойтахт шаҳри Дваракага кириб келди.

Шукадева Госвами Махараж Парикшитни ишонтириб айтадики, Парвардигор Кришна билан Тангри Шива орасида бўлиб ўтган жангни оддий жанглар сингари ёмон, бемаъни иш деб ҳисобламаслик керак. Аксинча, агар кимда-ким Парвардигор Кришна билан Тангри Шива орасида бўлиб ўтган мана шу жангни эсласа, бунда Парвардигор Кришнанинг ғалаба қилганидан қалбида мамнуният ҳосил қилса, ҳаёт учун курашда у ҳеч қачон мағлубиятга учрамайди.

Банасураининг Кришна билан жанг қилиши ва кейин Тангри Шиванинг марҳамати билан унинг кутулиб қолиши "Бхагавад-гита"да аётилган гапларни тасдиқлайди: фаришталарга сиғиниб юрганлар, агар Парвардигор Кришна руҳсат бермаса, ҳеч қандай натижага эриша олмайдилар. Мана шу ҳикояда кўриб турибмизки, Банасура Тангри Шиванинг буюк бхактаси эди, унга Кришнанинг кўлидан ҳалок бўлиш хавфи туғилганда Тангри Шива уни қутқара олмади. Аммо Тангри Шива ўзининг бхактасини ҳимоя қилиш учун Парвардигор Кришнага илтижо қилди, шу билан Банасура Кришнанинг марҳаматига эришди. Парвардигор Кришнанинг ҳолати ана шундай. Бу борада "Бхагавад-гита"да келтирилган аниқ гаплар куйидагича: *майаива вихитан хи тан*. Бунинг маъноси шуки, Худонинг Олий Шахсининг руҳсатисиз бирор фаришта ўзига сиғиниб юрган одамга бирор нарса ваъда беролмайди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Парвардигор Кришнанинг Банасура билан жанг қилиши" деб аталадиган олтинчи иккинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

63. Шоҳ Нриги ҳақида ҳикоя

Кунларнинг бирида Парвардигор Кришнанинг оила аъзолари, Йадавалар сулоласининг шахзодалари Самба, Прадйумна, Чарубхану ва Гада Дварака яқинидаги ўрмонда сайр қилиб келгани йўл олдилар. Анча вақт сайр қилиб юргандан сўнг улар жуда чанқадилар ва сув ичадиган бирор қудуқ ахтара бошладилар. Ниҳоят улар бир қудуқ олдига келиб, қудуқ ичига қарасалар унда сув йўқ экан, қудуқ ичида эса ғаройиб бир махук ётарди. У баҳайбат бир калтакесак бўлиб, бундай ғайритабиий махлукни кўриб, шахзодалар хайратга тушдилар. Улар бу жонивор билмасдан шу ташландик қудуққа тушиб қолганини, ўз кучи билан ундан чиқолмай ётганини тушундилар, шунинг учун унга раҳми келганидан калтакесакни қудуқдан чиқариб юборишга ҳаракат қила бошладилар. Бахтга қарши, улар бор кучини ишга солиб қанча уринсалар ҳам барибир калтакесакни қудуқдан чиқара олмадилар.

Шахзодалар уйга қайтиб келганларидан кейин бу воқеани отаси Парвардигор Кришнага гапириб бердилар. Парвардигор Кришна - ҳамма тирик мавжудотларнинг энг яқин дўсти, ўғилларининг ҳикоясини тинглаб туриб, Унинг ўзи қудуқ томонга йўл олди ва ҳеч қийналмасдан чап қўли билан бу катта калтакесакни қудуқ ичидан чиқариб олди. Парвардигор Кришнанинг кўли тегиши билан калтакесак жаннатда яшайдиган чиройли бир фариштага айланди. Унинг танаси теварак-атрофга худди эриган олтиндай порлаб нур таратиб турарди. Унинг устида чиройли либослар, кимматбаҳо тақинчоқлар бор эди.

Нимага бу фаришта калтакесак танасига эга бўлиб қолгани Парвардигор Кришна учун сир эмасди, лекин барибир, бошқалар ҳам бу сирни яхши билиб олишларини истаб, У фариштага шундай деди: "Эй фаришталар ичида энг бахтлиси, сенинг тананг бунчалар ажойиб ва порлаган бўлмаса! Сен кимсан? Сен - жаннатдаги энг яхши фаришталардан биттаси эканинг кўриниб турибди. Сенга ҳамиша омад ёр бўлсин! Ўйлайманки, сен бу дунёга мана шундай аянчи аҳволда кун кечириш учун келмагансан. Сенинг калтакесак танасига тушиб қолганингни сабаби ўтмишда ўзингнинг қилган баъзи бир гуноҳ ишларинг бўлса керак. Мен сен қандай қилиб калтакесак танасига тушиб қолганинг ҳақида гапириб беришингни истайман. Агар бу сирни бизларга фош қила олсанг, илтимос, бизларга ўз ўтмишинг ҳақида гапириб бер!"

Аслида бу катта калтакесак шоҳ Нрига эди. У Худонинг Олий Шахсининг бу гапларини эшитган заҳоти қуёшдай порлаб турган тожини ерга текказиб Парвардигор Кришнанинг олдида сажда қилди. Шундай қилиб, у аввало Худонинг Олий Шахсига ўзининг чексиз ҳурмат-эҳтиромини билдирди. Кейин ўз тарихини гапира бошлади: "Эй азиз Худойим, мен - шоҳ Икшвакунинг ўғли, шахзода Нрига бўламан. Агар бу дунёда одамларга хайр-саховат улашиб, ҳамиша яхшилик қилиб юрган сахий, фидойи одамлар Сенинг эътиборингни тортадиган бўлса, Сен мен ҳақимда албатта эшитган бўлишинг керак. Эй азиз Худойим, Сен ҳар кимнинг ҳар бир ишига ўзинг гувоҳ бўлиб юрасан. Сен тирик мавжудотларнинг аввал қилган, ҳозир қилаётган ва келажакда қиладиган ҳамма ишларидан хабардорсан, сенинг мангу илмингдан бирор нарса четда қолмайди. Лекин Сен ўзинг мендан ўзим ҳақимда гапириб беришимни илтимос қиляпсан, шу боис мен Сенга ўз ўтмишим ҳақида батафсил гапириб бераман".

Шоҳ Нрига ҳаётда тақводор ҳаёт кечириб, карма-канда қонунлари асосида олиб бораётган фаолияти оқибатида қандай қилиб бундай тубанликка дучор бўлгани ҳақида гапириб бера бошлади. У одамларга саховат кўрсатишни, хайр-садақа тарқатишни жуда яхши кўрарди. Унинг айтишига қараганда унинг бошқаларга садақа

қилиб берган сигирларининг сони ердаги тупрок заррачаларига, осмондаги юлдузларга ва булутдаги ёмғир томчиларига тенглашарди. Ведавий урф-одатларга кўра бошқаларга саховат кўрсатишни истаган одам брахманларга сигир садақа қилиши лозим. Шоҳ Нриганинг гапларидан шу нарса аён бўладики, у ана шу қоидага қатъий риоя қилиб яшаган; лекин бу борада бўлиб ўтган кичкина англашилмовчилик туфайли у ҳозирги ҳаётида калтакесак танасида туғилишга мажбур бўлган. Шунинг учун бошқаларга яхшилик қилишни, саховат кўрсатишни ва бу ишидан ўзига бирор манфаат, фойда келтиришни истайдиган одамларга Парвардигор Кришна "Бхагавад-гита"да ҳар қандай эҳсонни, хайр-садақани энг аввало Кришнага тақдим этиш, шу билан Уни мамнун қилиши лозимлигини айтган. Бошқаларга хайр-саховат кўрсатиш - эзгу ишлар, одамларга яхшилик қилиш демакдир. Ана шундай хайрли ишлар қилиб яшаш натижасида инсон кейинги ҳаётида жаннатий сайёраларга кўтарилиши мумкин, лекин бу унинг энди ҳеч қачон яна тубанликка юз тутмаслигига кафолот бера олмайди. Аниқроғи, шоҳ Нриганинг бошидан кечиргани бунинг аниқ кўрсатиб турибдики, ҳар қандай кармали фаолият натижасида - гарчи бу амаллар ҳатто энг савобли, энг эзгу ишлар бўлса ҳам - инсон мангу, лаззатга тўла бахтли ҳаётга эриша олмайди. "Бхагавад-гита"да айтилганидай, агар ҳар қандай амал Худонинг Олий Шахсига қурбонлик, яъна сифатида қилинмаса, гуноҳ ишларнинг ҳам, эзгу, савоб ишларнинг ҳам оқибат-натижалари инсонни бу дунёга боғлаб қўяди.

Шоҳ хикоясини давом эттирди. У ўзининг садақа қилиб берган сигирлари оддий сигирлар эмаслигини айтди. Уларнинг ҳар бири жуда ёш, ҳали атиги биттадан бузоқ тукқан бўларди. Улар жуда кўп сут берар, ўзлари ювош ва чиройли сигирлар эди. Сигирларнинг ҳаммаси ҳалол ишлаб топилган пулга сотиб олинган эди. Бунинг устига уларнинг шоҳларига олтин қопланган, туёқларига эса кумуш тақа қоқилган, устига марварид мунчоқлар кўшиб нақш тўқилган ёпинчиқ ёпилган эди. Яна у айтдики, чиройли безатилган бундай сигирларни у қандайдир оддий, пасткаш одамларга эмас, балки энг муносиб брахманларга берар, бунинг устига брахманларнинг ўзларига чиройли кийимлар, қимматбаҳо тақинчоқлар садақа қиларди. Брахманларнинг ҳаммаси энг муносиб зотлар бўлиб, уларнинг бирортаси ҳаётда бой-бадавлат яшамас эди, уларнинг оила аъзолари ҳамиша ҳаёт учун энг муҳим нарсаларга муҳтож бўлиб яшардилар. Ҳақиқий брахман ҳеч қачон кшатрий ва ваишьяларга ўхшаб бой-бадавлат, ҳаётда лаззатланиб яшаш учун пул, мол-дунё тўплашга интилмайди, аксинча мол-дунё, бойлик ҳамиша ақлини дунёвий ҳаёт кечириб билан боғлиқ ишларга боғлаб қўйишини билган ҳолда ҳамиша қашшоқ, камбағал шароитда яшашга интилади. Ҳақиқий брахман қолган

умрини қашшоқликда яшашга қасам ичади, брахманларнинг ҳаммаси ўзларининг ана шу улуғвор қасамларига риоя қилиб яшардилар. Уларнинг ҳаммаси Ведалар илмининг билимдонлари эди. Улар умрини тавба-тазарру қилиш билан риёзат чекиб ўтказар эдилар. Улар олижаноб инсонлар бўлиб, брахманларга хос бўлган барча эзгу фазилатларига эга зотлар эди. Уларнинг ҳаммаси ҳар бир тирик мавжудотга дўстона кўз билан қарардилар; бунинг устига уларнинг ҳаммаси ҳали ёш бўлиб, ҳақиқий брахманларга муносиб бўлган ҳаёт кечирардилар. Сигирлардан ташқари уларга ер, олтин, уй-жой, отлар ва филлар берардилар. Ҳали уйланмаганларига хотин олиб берар, канизақлар, ғалла, кумуш, уй анжомлари, кийим-кечак, қимматбаҳо тақинчоқлар, арава ва бошқа нарсалар садақа қилардилар. Ведавий урф-одатлар шуни тақозо этгани учун бундай савоб ишларнинг ҳаммаси юксак даражада амалга ошириларди. Шоҳ хикоя қилиб айтдики, у фақат брахманларга сигирлар садақа қилиш билан чекланиб қолмасдан, эзгу ишларнинг бошқа турларини ҳам кўп қилган - қудуқлар қазиган, йўл бўйларига дарахтлар эккан, савдо йўллари бўйларида йўловчилар учун ҳовузлар қазиб қўйган.

Шоҳ давом этди: "Шунча яхшилик қилишимга қарамай мен ҳаётда бахтсизликка учрадим - бир брахманга садақа қилиб берган сигирларимдан биттаси яна менинг сигирларим орасига кўшилиб қолибди. Бундан беҳабар ҳолда мен шу сигирни бошқа бир брахманга садақа қилиб бердим. Брахман сигирни олиб кетгандан кейин, унинг аввалги хўжайини шу сигирни менидан талаб қила бошлади: "Бу сигирни аввал менига садақа қилган эдинг! Нимага сен уни қайтариб оляпсан?" Шундай қилиб, бу икки брахман бири-бири билан сигирни талашиб жанжаллашиб, уришиб қолдилар, кейин менинг олдимга келиб, мени аввал садақа қилган сигирини қайтариб олганликда айбладилар". Агар одам кимгадир бирор нарсани садақа қилса-ю, кейин уни қайтариб олса, бу жуда оғир гуноҳ ҳисобланади, айниқса бундай иш брахманга нисбатан қилинган бўлса. Икки брахман келиб шоҳни гуноҳкор қилиб, иккиси ҳам бир нарсани талаб қилаётганини кўриб, шоҳ қандай қилиб бу ҳодиса рўй берганини тушунолмади хайрон эди. Шунда шоҳ уларнинг олдида камтарин ҳолда бош эгиб, ўша улар орасидаги жанжалга сабаб бўлаётган сигирнинг ўрнига уларнинг ҳар бирига юз минг сигир садақа қилишини айтибди. Шоҳ аслида уларнинг камтарин кули эканини, бу қандайдир англашилмовчилик эканини айтиб, улар олдида тиз чўкиб илтижо қилибди. Бу хатоси учун уни кечиришларини, сигир ўрнига таклиф қилаётган совғасини қабул қилишни улардан ялиниб илтимос қилибди. Бу хатоси учун уни дўзахга юбормасликни сўраб, шоҳ уларга самимий илтижо қилибди. Брахманнинг мол-мулки *брахма-сва* деб аталади, Ману(Одам-Ато) қонунларига кўра

уни тортиб олишга ҳатто шоҳнинг, ҳукмдорнинг ҳам ҳаққи йўқ. Ҳар бир браҳман сигир уники бўлиши кераклигини қаттиқ талаб қилиб туриб олган, сигирни улардан ҳеч қандай йўл билан тортиб олишнинг иложи йўқ эди; уларнинг бирортаси ўша сигирни бошқа юз минг сигирга алмашишни истамасди. Шундай қилиб, шоҳнинг таклифига рози бўлмай, ўзининг қонуний мулкни тортиб олгани учун икки браҳман ҳам шоҳдан ғазабланиб саройни тарк этибдилар.

Орадан вақт ўтиб, танасини тарк этгандан кейин шоҳ умр бўйи қилган ишлари учун жавоб бериш учун ажал фариштаси Азроил олдида пайдо бўлибди. Азроил шоҳдан гуноҳ ишлари оқибатида қийналиш ҳамда савоб ишлари сабабли лаззатланишдан қайси бирини аввал адо этишни танлашини сўради. Азроил унга билдириб қўйдики, шоҳ бутун умри давомида жуда кўп хайрли ишлар қилгани, жуда кўп садақа улашгани учун жаннатда жуда узоқ вақт лаззатланиши мумкинлигини билдириб қўйди. Шоҳ жаннатда моддий ҳиссий лаззатларга берилиб жуда узоқ яшаши мумкин бўлишига қарамай, гуноҳ ишлари ҳақида эшитгани учун бироз саросимага тушиб қолди. Шунинг учун у аввалига гуноҳ ишлари учун мусибат чекишга, кейин эса ўзининг савоб ишлари оқибатидан лаззатланишга қарор қилди. Шунинг учун Азроил шу заҳотиёқ уни калтакесакка айлантириб қўйди.

Шоҳ Нрига кудукда калтакесак танасида жуда узоқ вақт қолиб кетди. У Парвардигор Кришнага шундай деди: "Аана шундай жирканч ҳаёт турига тушиб қолган бўлсам ҳам, эй азиз Худойим, мен ҳаммиша Сен ҳақингда ўйлаб юрдим, ҳеч қачон Сен менинг хотирамдан кўтарилмадинг". Шоҳ Нриганинг бу сўзларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, кармали фаолият қонунқоидаларига риоя қилиб қандайдир моддий фойда олиб юрган одамлар аслида калтафаҳм одамлардир. Ажал фариштаси Азроил унга танлаш имконини берди, шоҳ аввал савоб ишларининг натижасидан лаззатланишни танлаши мумкин эди. Бунинг ўрнига у аввал гуноҳ ишлари оқибатида мусибат чекиб олишни, кейин эса ҳеч хавотирга тушмасдан савоб ишларининг натижасида жаннатда лаззатланиб яшашни ўйлади. Умуман олганда у қалбида Кришна онгини ривожлантирмаган эди. Худони таниган, қалбида Кришна онгини ривожлантирган одам ўзининг қалбида ҳар хил гуноҳ ва савоб ишларга эмас, Кришнага нисбатан муҳаббат туйғусини уйғотади. Шунинг учун ундай одамнинг қилаётган ишларининг оқибатлари унга ҳеч қандай таъсир қилмайди. "Брахма-самхита"да айтилганидай, Парвардигорнинг марҳамати билан бхакта ўзининг бирор натижа кўзлаб қилаётган ишлари сабабли лаззатланмайди ҳам, қийналмайди ҳам.

Ҳар ҳолда ўзининг қилган савоб ишлари оқибатида шоҳ Нрига Парвардигорнинг жамолини кўришга қаттиқ интиларди. У ҳикоясини да-

вом эттирди: "Эй азиз Худойим, мен қачон бўлса ҳам Сенинг жамолингни бевосита кўришга жуда интизор эдим. Ўйлайманки, гарчи гуноҳ ишларим сабабли мен калтакесакка айланган бўлсам ҳам, такводор бўлиб яшашга, савоб, эзгу ишлар қилишга интилиб яшаганим, Сени кўришга бўлган кучли истагим билан биргаликда менга аввалги ҳаётимда ким бўлганимни эслаб қолиш имконини берган бўлса керак деб ўйлайман. (Аввалги ҳаётини эслаш қобилятига эга одамни *жата-смара* деб атайдилар). Эй азиз Худойим, Сен - ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд бўлган Олий руҳсан. Ведалар ва Упанишадлар орқали Сени кўра олишга қодир бўлган жуда кўп буюк сеҳргар-йоглар бор. Сифат жиҳатдан Сен билан тенг бўлган юксак руҳий поғонага кўтарилиш учун улар ҳаммиша қалбида Сенинг жамолингни кўриб юрадилар. Гарчи ана шундай улуғвор авлиёлар ўзларининг қалбида ҳаммиша Сенинг жамолингни кўриб юрсалар ҳам, улар Сени мана шундай бевосита, яққол кўра олмайдилар; шунинг учун мен Сени кўз олдимда яққол кўриб турганимдан жуда ҳайратга тушяпман. Ахир мен ҳаётда, айниқса шоҳ бўлиб яшаганимда ҳар хил бемаъни ишларни қилиб яшаган эдим-ку. Гарчи мен роҳатланиб шоҳона ҳаёт кечирган бўлсам ҳам, неча марта моддий тирикчиликнинг бахт ва мусибатларини бошимдан кечирган бўлсам ҳам, ҳозир мен Сенинг жамолингни бевосита кўриб турибман. Билишимча, фақат барча моддий иллатлардан тўла покланган одамгина Сенинг жамолингни мана шундай бевосита кўришга муяссар бўлади".

Шоҳ Нрига аввал ўзининг гуноҳлари учун жазо олишни истаганида, савоб ишлар қилиб юриб йўл қўйган хатоси учун унга калтакесак танаси берилган эди; шунинг учун у тўғридан-тўғри улуғвор фаришталар яшайдиган жаннатдаги шароитга ўта олмаган эди. Барибир у эзгу ишлар қилиб юрганида Парвардигор Кришна ҳақида ўйлаб юрарди, шунинг учун у калтакесак танасидан қутулиб, фаришта танасига эга бўлди. Моддий бойликка интилиб юргани туфайли Худонинг Олий Шахсига сиғиниб юрган одам кудратли фаришта танасига эга бўлади. Баъзан ана шундай фаришталар Парвардигор Кришнанинг жамолини бевосита кўришлари мумкин, лекин барибир улар ҳали руҳий оламга, Вайкунтха сайёраларига кўтарилишга муносиб бўлолмайдилар. Лекин, фаришталар ҳам қалбида Парвардигорга нисбатан муҳаббат туйғусини ривожлантиришда давом этсалар, кейинчалик улар ҳам мангу Вайкунтха сайёраларига кўтарилиш имкониятига эга бўладилар.

Фаришта танасига эга бўлиб, шоҳ Нрига ҳамма нарсани эсида сақлаган ҳолда шундай деди: "Эй азиз Худойим, Сен - ягона Парвардигорсан, барча фаришталар сажда қилиб Сенга сиғинадилар. Сен тирик мавжудотлардан биттаси эмассан, Сен - Олий Шахс, Пурушоттамасан. Сен - барча тирик мавжудотларнинг бахт манбаисан;

шунинг учун Сени Говинда деб атайдилар. Сен моддий тана олган тирик мавжудотларнинг ҳам, ҳали модий тана олмаган тирик мавжудотларнинг ҳам ягона Ҳукмдорисан. Эй Парвардигор, Сен бегуноҳ пок Зотсан. Сен - барча пок зотлар ичида пок бўлган буюк Парвардигорсан. Сен - барча тирик мавжудотларнинг нажот макони бўлган Нарайанасан. Ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган ҳолда Сен ҳар кимнинг сезгиларининг фаолиятини бошқариб турасан, шунинг учун Сени Хришикеша деб атайдилар.

Эй азиз Парвардигор Кришна, Сен менга мана шу фаришта танасини берганинг туфайли мен қандайдир жаннатий сайёрага кетишга мажбурман; шу боис ҳозир пайдо бўлган имкониятдан фойдаланиб, менга марҳамат кўрсатишингни тилаб Сенга илтижо қилмоқчиман: қаерда ва қайси сайёрада, қандай ҳаёт шаклида бўлишимдан қатъий назар, мени ҳеч қачон Сенинг нилуфар қадамларинг пойини унутмасликка дуо қил. Сен ҳамма жойда мавжудсан, Сен сабаб ва оқибат сифатида ҳамма жойда мавжудсан. Сен - барча сабабларниг сабабчисисан, Сенинг куч ва қудратининг чегараси йўқ. Сен - Мутлақ Ҳақиқатсан, Худонинг Олий Шахсисан, Олий Браҳмансан. Шунинг учун мен Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан такрор ва такрор сажда қиламан. Эй азиз Худойим, сенинг илоҳий тананг илоҳий лаззат ва илмга тўла, Сен мангу илоҳий Зотсан. Сен - барча сеҳр қудратининг ҳукмдорисан; шунинг учун Сени - Йогешвара деб атайдилар. Сенга ёлвориб илтижо қиламан, мени Ўзининг нилуфар қадамларинг пойида бир чанг зарраси қилиб ол!"

Жаннатий сайёраларга йўл олишдан олдин, шоҳ Нрига Парвардигор Кришнанинг атрофини тантана билан айланиб ўтди. У олтин тожини Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига теккизиб сажда қилиб, Унинг олдига узала йиқилди. Жаннатий сайёралардан келган ҳаво кемасини кўриб, у Парвардигорнинг рухсати билан унга чиқди. Шоҳ Нрига кетгандан кейин Парвардигор Кришна шоҳнинг браҳманларга кўрсатган садоқатидан, шунингдек ҳаётда эзгу ишлар қилиб яшашга, ведаларнинг қонунқоидаларига риоя қилиб яшашга интилганидан жуда мамнун бўлди. Шу боис, тўғридан-тўғри Парвардигорнинг бхактаси бўла олмайдиган одам ҳеч бўлмаса ҳаётда Худонинг қонунларига риоя қилиб, такводор ҳаёт кечириб яшаши лозим. Шунда у ҳам бир куни келиб албатта Парвардигорнинг жамолини кўришга муяссар бўлади, бу эса ўз навбатида унга бирданига руҳий оламга кўтарилиш ёки аввал жаннатий сайёраларга, кейин у ердан руҳий оламга кўтарилиш имконини беради.

Парвардигор Кришна кшатрийлар табақасига мансуб бўлган қариндошлари олдида турарди. Шоҳ Нрига тарихи мисолида уларга сабоқ бериш учун У шундай деди: "Ҳатто шоҳ-кшатрий олов-

дай қудратли, буюк жаҳонгир бўлса ҳам, ҳеч қачон бирор браҳманнинг мулкини тортиб олмаслиги, ундан ўз манфаати йўлида фойдаланмаслиги керак. Шундай экан, ўзларини бу дунёда қудратли зотлар деб юрган оддий шоҳлар қандай қилиб браҳманларнинг мулкига кўз олайтириши мумкин? Ўйлайманки, браҳманнинг бирор нарсасини олиб ўз манфаати учун ишлатганидан кўра одамнинг захар ичиб ўлгани минг марта яхшироқ. Одам захар ичганида унинг оқибатини тузатиш, бу гуноҳни ювиш мумкин; лекин кимда-ким браҳманнинг мулкини олиш захарини ичган бўлса, унинг бу гуноҳининг ҳеч қандай давоси бўлмайди. Шоҳ Нриганинг ҳаёти бунга яққол мисол бўла олади. У жуда қудратли ва жуда саховатли такводор шоҳ эди. Лекин ўзи ҳам билмаган ҳолда қилиб қўйган озгина хатоси - браҳманга ўзи берган сигирни қайтариб олгани учун жирканч калтакесак танасида узоқ йиллар қолиб кетишга маҳкум этилган. Захар фақат уни ичган одамгагина таъсир қилади, оддий оловни сув қуйиб ўчириш мумкин; лекин браҳманнинг руҳий қудрати билан ёқилган *арани* олови браҳманнинг ғзабига дучор бўлган одамнинг бутун оиласининг кулини кўкка совуради. Агар кимда-ким браҳманнинг мулкига қўлини теккизса, бунинг дастидан унинг уч авлоди азоб чекади. Агар браҳманнинг бирор мулки куч билан тортиб олинса, бу ишни содир қилган одамнинг ўн авлод юқорига, ўн авлод пастга қариндошларининг ҳаммаси турли мусибатларга дучор бўладилар. Аксинча, агар инсон Парвардигорнинг бу дунёда ҳеч кимга озор бермайдиган бхактаси поғонасига кўтарилса, унинг ўзидан юқорига ва пастга кетган ўн авлод уруғ-авлоди руҳий озодликка эришадилар".

Парвардигор Кришна давом этди: "Агар қандайдир аҳмоқ ҳукмдор ўзининг моддий бойлиги, обрўси ва қудратидан мағрурланиб, браҳманнинг мулкини тортиб олмоқчи бўлса, у ўзи учун дўзахга равон йўл ҳозирлапти деб тушуниш керак; ўзининг мана шу аҳмоқона иши учун дўзахда қанчалик мусибат, изтироб чекишини у ҳатто тасаввур ҳам қила олмайди. Агар кимдир олижаноб, катта оиласи бор бўлган браҳманнинг мулкини тортиб олса, ундай одам Кумбхипака деб аталадиган дўзахга равона бўлади; бу дўзахга фақат унинг ўзи эмас, унинг барча оила аъзолари ҳам у билан бирга боради. Браҳманга берилган ёки совға қилинган бирор нарсни олган киши олтмиш минг йил давомида ахлатдаги ҳашаротникидай жирканч ҳаёт кечиришга маҳкум этилади. Шунинг учун, эй қариндошларим ва ўғилларим, Мен сизларга насихат қилиб айтаманки, ҳеч қачон, ҳатто билмасдан, хатолашиб ҳам браҳманларга тегишли бўлган нарсага қўл теккиза кўрманглар, бу билан ўзингизнинг бутун оилангизни иллатга булғаманглар. Агар одам браҳманнинг бирор нарсасини олиш у ёқда турсин, ҳали шунчаки олишни хаёлига келтирса ҳам - умри қисқариб

кетади, душманларидан мағлубиятга учрайди, мартабасидан айрилади, танасини тарк этгандан кейин илон танасига эга бўлади. Илон бошқа барча тирик мавжудотларнинг тинчини бузиб юради. Эй азиз ўғилларим ва қариндошларим, шунинг учун Мен сизларга яна бир бор айтаманки, агар брахман ҳатто сизлардан ғазабланса ҳам, ёки сизларга бирор озор етказса ҳам, сизлар унга бирор қаршилик кўрсатманглар. Аксинча, сизлар унинг ишларини юзингизда табассум билан қарши олиб, брахманга чуқур хурмат-эҳтиром кўрсатишингиз керак. Сизлар жуда яхши биласизларки, ҳатто Мен Ўзим ҳам ҳар куни уч марта брахманлар олдида чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. Шунинг учун сизлар ҳам Мендан ўрнак олиб, мана шу насихатларимга амал қилиб яшанглар. Мана шу насихатларимга амал қилмаган одамни ҳеч қачон кечирмайман, Мен уларни албатта жазолайман. Шоҳ Нрига воқеаси мисолида сизлар ҳамиша эсингизда сақлишингиз лозимки, агар кимдир, ҳатто ўзи ҳам билмаган ҳолда брахманнинг мулкига кўз олайтирса, у албатта энг оғир ҳаёт шароитларида яшашга маҳкум этилади".

Шундай қилиб, ҳамиша шартланган руҳларни поклаш ниятида юрадиган Парвардигор Кришна фақат Дваракадаги Ўз қариндошларига эмас, балки бутун инсониятга жуда муҳим насихатлар берди. Шундан сўнг Парвардигор Кришна Ўзининг саройига йўл олди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Шоҳ Нриги ҳақида ҳикоя" деб аталадиган эллик олтинчи учинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

64. Парвардигор Балорамнинг Вриндаванга бориши

Парвардигор Балорам отаси Нанда Махараж ва онаси Йашодани жуда соғинди. Шу боис бир куни У жанг аравасига ўтириб хурсандчилик билан Вриндаванга йўл олди. Вриндаванликлар жуда кўп вақтдан бери Кришна билан Балорамни кўришни орзу қилиб кутиб юрардилар. Парвардигор Балорам Вриндаванга кириб келганида аввалги подачи болалар ва қизлар энди улғайиб кетган эдилар, шунга қарамай Парвардигор Балорам Вриндаванга кириб келиши билан уларнинг ҳаммаси Уни кучоқлаб бағрига босдилар, Балорам ҳам улар билан кучоқлашиб кўришди. Шундан сўнг У Нанда Махараж билан Йашода онанинг олдига келиб, уларнинг олдида ергача эгилиб таъзим қилди. Нанда Махараж ва Йашода она Уни дуо қилдилар. Улар Балорамга *Жагадишвара*, яъни "ҳамманинг ҳаётини таъминлаб турадиган", "бутун олам ҳукмдори" деб мурожаат қилдилар. Кришна билан Балорам барча тирик мавжудотларнинг ҳаётини таъминлаб турадиган Зотлар бўлгани учун улар Унга шундай мурожа-

ат қилдилар, лекин барибир Вриндаванда Уларнинг йўқлиги сабабли Нанда Махараж ва Йашода она қаттиқ изтироб чекардилар. Ана шундай туйғулар билан улар Балорамни кучоқлаб бағрига қаттиқ босдилар, Уни тиззаларига ўтказиб, кўз ёшларига кўмиб, бетиним йиғлай бошладилар. Кейин Парвардигор Балорам ёши улугъ подачиларга хурмат-эҳтиром кўрсатиб, ёши Ўзидан кичик подачиларнинг таъзимларини қабул қилди. Шу тарзда уларнинг ҳар бирининг ёшларига қараб Шри Балорам уларга Ўзининг дўстона муносабатларини изҳор этди. У Ўзи билан тенг бўлган подачи дўстларининг қўлларини қисиб кўришар, хурсанд бўлиб уларнинг ҳаммасини кучоқлаб бағрига босарди.

Подачилар, подачи аёллар ва гопилар, Нанда Махараж ва Йашода яхши кутиб олгандан кейин, уларнинг ҳаммасидан жуда мамнун бўлиб Парвардигор Балорам қулай ўриндикқа ўтирди, Вриндаванликларнинг ҳаммаси Унинг атрофини ўраб олдилар. Аввал Шри Балорам улардан ҳолаҳвол сўради, кейин шунча вақтдан бери Уни кўрмаган Вриндаванликлар Унга ҳар хил саволлар бера бошладилар. Парвардигорнинг нилуфар кўзларига мафтун бўлган вриндаванликлар Кришна учун ҳамма нарсасини қурбон қилган эдилар. Кришнани севишга бўлган қаттиқ истаклари, интилишлари туфайли улар ҳеч қачон на жаннатий сайёраларга кўтарилишга, на Мутлак Ҳақиқат билан бир бўлиб кетиш учун Брахманнинг нурига кўшилишга интилмас эдилар. Уларни ҳатто катта моддий бойликдан келадиган лаззат ҳам қизиқтирмасди; улар қишлоқда оддий подачилардай бўлиб яшашдан тўла қаноат ҳосил қилган эдилар. Улар ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб яшар ва ўзлари учун ҳеч қандай манфаат истамасдилар, уларнинг ҳаммаси Кришнани қаттиқ севардилар, Балорамдан Кришна ҳақида сўраб-суриштирар экан, Унинг йўқлигидан уларнинг овозлари титраб чиқарди.

Энг аввало Балорамни Нанда Махараж билан Йашода она сўраб-суриштира бошлади: "Азизим Балорам, дўстларимиз Васудева ва унинг оиласи яхши юрибдиларми? Энди Кришна билан Сен катта, уйланган одамсизлар, энди сизларнинг фарзандларингиз бор. Оилавий бахтга шўнғиб кетиб, сизлар аҳён-аҳёнда бечора ота-онангизни - Нанда Махараж билан Йашода онангизни ҳам эслайсизларми? Гуноҳкор шоҳ сизларнинг қўлингиздан ҳалок бўлгани, ҳамиша унинг таъкиб ва тазйиклари остида қийналиб келган бизнинг дўстларимиз Васудева ва бошқалар энди озодликка чиққани - биз учун жуда яхши хабар. Кришна билан иккинги шоҳ Жарасандха ва Калайаванани мағлуб қилиб ўлдирганингиз, Сизлар энди Дваракада яшаётганингиз ҳам бизлар учун хушхабар".

Гопилар келганида Парвардигор Балорам улар томонга чуқур муҳаббат билан нигоҳ ташлади. Кришна билан Балорамнинг йўқлигидан

шунча вақтдан бери каттиқ изтироб чекиб юрган гопилар энди қалби қувончга тўлиб, икки ака-уканинг ҳаёти ҳақида сўраб-суриштира бошладилар. Улар Балорамдан: "Кришна Ўзининг маданиятли хотинлари даврасида Дварака Пурида ҳаётдан лаззатланиб яшайптими?" - деб сўрадилар. "У баъзан Ўзининг отаси Нанда Махаражни, онаси Йашодани, Вриндаванда яшаган пайтларида шунча яқин бўлиб қолган бошқа дўстларини эслайдими? У онаси Йашодани кўриш учун бу ерга келишни ҳеч ўйлайдими, Ундан айрилганимиз сабабли каттиқ изтироб чекаётган биз гопиларни у ҳеч эсига оладими? Балки, Дваракадаги маданиятли хотинлари билан бирга бўлиб, Кришна бизларни умуман эсдан чиқариб юборгандир; бизлар эса, худди аввалгидай Уни ҳамиша эслаб юрамиз, Унинг учун гуллар тўплаймиз, гуллардан ҳар куни гулчамбарлар ясаймиз. Лекин Унинг сира келавермаганидан бизлар Уни соғиниб, ҳамма вақтимизни йиғлаб ўтказамиз. Оҳ, агар У бу ерга кела қолса, Унга атаб ясаб қўйган гулчамбарларимизни қабул қилиб олса эди! Эй Парвардигор Балорам, эй Дашарха авлоди, Сен яхши биласанки, бизлар Кришна билан дўстлашиш учун ҳамма нарса-миздан воз кечишга тайёрмиз. Ҳатто энг оғир мусибат бошига тушганда ҳам инсон ўзининг оила аъзоларидан юз ўгира олмайди, лекин бунга бошқалар қодир бўлмаса ҳам, бизлар Кришнага эришиш учун ҳеч афсусланмасдан оталаримизни, оналаримизни, опа-сингилларимизни ва бошқа қариндошларимизни тарк этдик. Кейин эса Кришна тўсатдан бизларни тарк этиб кетиб қолди. У ҳеч қандай жиддий сабабсиз орамиздаги шуналик яқин муносабатларга барҳам бериб, бизларни ташлаб Ўзи чет элларга кетиб қолди. У Ўзига хос маккорлик ва айёрлик билан бизларни жуда ширин гаплар билан Ўзига ром этиб олганди. У шундай дерди: "Эй кадрдон гопиларим, илтимос, ҳеч нарсдан ташвишланманг. Сизларнинг Мен учун қилган хизматларингиз олдида Мен ҳамиша сизлардан қарздор бўлиб қоламан!" Охир-оқибатда бизлар - шунчаки бир қишлоқи содда аёллармиз, қандай қилиб Унинг шундай гапларига ишонмаслигимиз мумкин? Энди тушуниб етдикки, фақат бизларни алдаб кетиш учунгина У шундай ширин гапларни гапириб юрган экан".

Кришнанинг Вриндавандан кетиб қолганидан каттиқ хафа бўлган бошқа бир гопи гапира шундай бошлади: "Азизим Балорам, албатта бизлар бир қишлоқи содда аёллармиз, лекин у ҳозир Дваракадаги аёллар билан нима қиляпти? Улар ҳам худди бизларга ўхшаган аҳмоқ деб ўйлама! Кришна бизларга ўхшаган қишлоқи қизларни алдаши мумкин, аммо Дваракалик аёллар жуда шум ва айёр бўладилар. Агар ҳатто ана шу шахарлик аёллар ҳам Кришнанинг алдовларига учиб, Унинг гапларига ишонсалар мен хайрон бўлардим".

Кейин бошқа бир гопи гапира бошлади: "Эй азиз дугоналар, - деди у, - Кришна ширин сўзлардан усталик билан фойдаланади. Бу борада ҳеч ким Унга тенг кела олмайди. У шунчалик ширин ва чиройли гапирадики, ҳар қандай аёлнинг қалбини алдаб қўяди. Бунинг устига У шундай жозибали табассум қилишни ўрганганки, Унинг майин табассумини кўрган аёллар ақлдан озиб, ҳеч иккиланмасдан ўзларини бутунлай Унга топширадилар".

Бу гапларни эшитиб, бошқа бир гопи гапира бошлади: "Эй азиз дугоналар, Кришна ҳақида гапиришдан нима фойда бор? Агар шунчаки суҳбатлашиб вақт ўтказишни истаётган бўлсанглар, Кришна ҳақида эмас, бошқа бирор нарса ҳақида суҳбатлашайлик. Агар шафқатсиз Кришна Ўзининг вақтини бизларсиз ўтказа оладиган бўлса, нимага энди бизлар вақтимизни Кришнасиз ўтказа олмас эканмиз? Албатта, Кришна бизларсиз ҳам бахтиёр яшайпти, лекин бизлар Кришнасиз бахтли яшай олмаймиз".

Гопилар ўзаро шундай гапиришар экан, уларнинг Кришнага бўлган муҳаббати тобора кучайиб борарди, улар гўё яна Кришнанинг майин табассумини ва мафтункор жамолини кўргандай бўлдилар, Унинг муҳаббат тўла ширин сўзларини эшитгандай бўлдилар, Кришнанинг фазилатларини эсладилар, Унинг иссиқ кучоғини ҳис қилдилар. Уларнинг бу гаплардан олаётган жазавали лаззати шу қадар кучли эдики, гўё Кришнанинг Ўзи ҳозир улар билан бирга рақс тушаётгандай туюларди. Кришна ҳақида ана шундай ширин хотираларга берилар экан, улар кўз ёшларини туюлмайдан бетиним йиғлардилар.

Парвардигор Балорам албатта, гопиларнинг бундай жазавали лаззатли ҳолатини тушунарди, шу боис уларни бироз овутомқчи бўлди. У бошқаларни Ўзининг гапига кўндиришга уста эди, У ҳозир чуқур эҳтиром билан гопиларга мурожаат қилиб, уларга Кришна ҳақидаги ҳикояларни шундай усталик билан гапириб бера бошладикки, гопилар бундан жуда мамнун бўлдилар. Вриндаванлик гопиларни мамнун қилиш учун Парвардигор Балорам шу ерда икки ой қолиб кетди. Бу ойлар *чаитра*(март-апрел) ва *ваишакха*(апрел-май) ойлари эди. Мана шу икки ой ичида У шу ерда қолиб, гопиларнинг ишқий муҳаббатга бўлган истакларини қондириш учун ҳар куни тунни Вриндаван ўрмонида гопилар билан бирга ўтказарди. Шундай қилиб, Балорам ҳам икки ой давомида гопилар билан биргаликда раса-рақсига тушиб лаззатланиб вақт ўтказди. Айни баҳор пайти эди, Йамуна соҳилида эсаётган майин шабада гулларнинг, айниқса *каумуди* деган танқис гулнинг муаттар ҳидини атрофга таратиб турарди. Ой нури осмонни тўлдириб, ҳар тарафга таралиб турарди, бундан Йамуна соҳили худди нур таратиб тургандай бўлиб, жуда чиройли кўринарди. Ана шундай шинам, ёқимли

мухитда Парвардигор Балорам гопилар билан бирга рақсага тушиб лаззатланди.

Фаришта Варуна бу ерга дарахтлардан томчилаб турадиган асал кўринишида ўзининг Варуни деган қизини юборди. Бундан бутун ўрмон ширин, анвойи хидга тўлган эди, суюқ асалнинг ширин таъми эса Балорамни ўзига бутунлай мафтун этиб қўйганди. Варунанинг таъми Балорамни ҳам, гопиларни ҳам ўзига бутунлай ром қилиб қўйди, улар биргаликда шу асалдан ичардилар. Гопилар мана шу табиий ичимлик Варунини ичганларида, Парвардигор Балорамни олқишлаб куйлардилар, Балорам Ўзини жуда бахтиёр ҳис қилиб, гўё Варуни ичимлигидан маст бўлгандай бўларди. Сархушлигидан У кўзларини косаси ичида айлантириб ўйнатарди. Унинг бўйнига ўрмон гулларидан ясалган узун гулчамбар осилган, гўё ана шундай илохий лаззат оғушида бутун атроф бахтга тўладай кўринарди. Парвардигор Балорам Ўзининг мафтункор табассуми билан ҳаммани Ўзига ром этар, Унинг юзидаги чиройли тер томчилари эрталабки шудринг томчиларини эслатарди.

Ана шундай сархуш кайфиятда бўлган Балорам гопилар билан биргаликда Йамуна сувларида чўмилиб лаззатланишни истади. Шунинг учун У Йамуна дарсига дарров олдиға келишни буюрди, лекин дарё Балорам бу гапларни маст қилувчи асалли ичимлик таъсири остида айтяпти деб ўйлаб, Унинг амрига қулоқ солмади. Парвардигор Балорам Йамуна Ўзининг амрига қулоқ солмаганидан қаттиқ норози бўлди. У шу заҳотиёқ кундаси билан дарё ёнини қазиб ташламоқчи бўлди. Парвардигор Балорамнинг икки қуроли бор - кунда ва гурзи. У зарур пайтда ана шу икки қурулини ишга соларди. Бу гал У Йамунани куч билан олдиға олиб келмоқчи бўлди, бунинг учун кундасини ишга солмоқчи эди. Амрига бўйсунмагани учун Балорам Йамунани жазоламоқчи эди. У дарёға мурожаат қилиб шундай деди: "Ҳой, бахтиқаро дарё! Сен ҳали Менинг амримни бажармасликка журъат қилдингми! Ҳозир Мен сенинг таъзирингни бериб қўяман! Ўз ихтиёринг билан Менинг олдиға келишдан бош тортдингми - ҳозир кундамни ишга солиб сени бу ерга келишга мажбур қиламан. Мен сени минглаган ирмоқларга бўлиб ташлайман!"

Йамуна бу гапларни эшитиб, Балорамнинг қудратидан қаттиқ қўрқиб кетди ва шу заҳотиёқ Унинг олдиға келиб, Унга сажда қилиб, илтижо қила бошлади: "Азизим Балорам, Сен - энг қудратли шахсан ва ҳаммага бирдай ёқимлисан. Бахтга қарши мен Сенинг шавкатли, ҳолатингни эсимдан чиқариб қўйибман, лекин энди ақлим жойига келди. Сен Ўзининг қисман намоён бўлган кўринишинг бўлган Шеша киёфасида бутун сайёралар тизимини бошингда кўтариб турасан. Сен бутун борлиқни қўллаб-қувватлаб турасан. Эй азиз Худонинг Олий Шахси, Сен олти мукамал фазилат соҳибсан. Мен Сенинг ҳар

нарсига қодир бўлган қудратингни эсимдан чиқариб қўйибман, билмасдан Сенинг амрингни бажармабман, бу билан Сени қаттиқ ҳақорат қилиб қўйдим. Лекин, эй азиз Парвардигор, илтимос, билсанг мен - ўз ихтиёрини бутунлай Сенга топшириб қўйган руҳман. Сен Ўз бхакталарингни жуда севасан. Шунинг учун илтимос, менинг бу эркалигимни ва хатоимни кечир, чексиз марҳаматингни намоён этиб мени бундай жазодан қутқар!"

Ўз эҳтиромини шундай изҳор этган Йамунанинг гуноҳини кечириб, худди фил ўзининг урғочи филлари билан биргаликда дарёда чўмилгани сингари Парвардигор Балорам унинг сувларида гопилар билан бирга чўмилиб лаззатлана бошлади. Орадан анча вақт ўтди, Парвардигор Балорам жуда мамнун эди. Шундан сўнг У сувдан чикди, шу заҳотиёқ равнақ фариштаси Унга чиройли кўк либос ва қимматбаҳо олтин такинчоқлар келтирди. Йамуна сувларида мазза қилиб чўмилиб, кўк либослар кийиб олтин такинчоқлар тақиб олган Парвардигор Балорамни кўрган ҳар қандай одам Унинг тенгсиз жамолига махлиё бўлиб қоларди. Парвардигор Балорамнинг танаси оқимтир рангда, у чиройли либосларни кийиб олганида худди жаннатдаги Индранинг чиройли оқ филини эслатади. Парвардигор Балорамнинг Йамуна қирғоғида ўша пайтда қазиган кўплаган ирмоқларидан Йамуна ҳозир ҳам оқиб турибди. Уларнинг ҳаммаси худди аввалгидай ҳозир ҳам Парвардигор Балорамнинг илохий қудратини олқишлайдилар.

Парвардигор Балорам ва гопилар икки ой давомида ҳар куни тунда илохий лаззатларга берилиб юрдилар, вақт жуда тез ўтар, бу икки ой худди худди бир кечадай ўтиб кетган эди. Парвардигор Балорам Вриндаванда бўлган пайтда гопилар ва бошқа вриндаванликларнинг ҳаммаси худди аввалгидай, икки ака-ука - Парвардигор Кришна ва Парвардигор Балорам Вриндаванда пайтдагидай ўзларини жуда бахтиёр ҳис қилардилар.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Парвардигор Балорамнинг Вриндаванга бориши" деб аталадиган олтинчи тўртинчи бобиға Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.

65. Паундрака ва Каши шоҳини озодлиқка чиқариш

Шоҳ Паундрака тарихи жуда кизиқарли. Бу дунёда ўзларини "Худо" деб ҳисоблайдиган аҳмоқ ва нодон одамлар жуда кўп, ана шундай аҳмоқлардан биттаси Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна ер юзида юрган пайтда ҳам бор эди. У аҳмоқнинг исми Паундрака бўлиб, у ўзини ҳаммага Худо деб эълон қилиш ниятида юрарди. Парвардигор Балорам Вриндаванда юр-

ган пайтларда Каруша вилоятининг ҳукмдори бўлган ана шу аҳмоқ ва манман шоҳ Паундрака Парвардигор Кришнанинг олдига чопар юборди. Парвардигор Кришнани ҳамма жойда Худонинг Олий Шахси деб қабул қилишарди, шунга қарамай ана шу шоҳ Унга очикдан-очик қарши чиқиб, юборган чопари орқали аслида Кришна эмас, Паундра - Худонинг Олий Шахси, Васудева эканини эълон қилди. Ҳозир биз яшаётган даврда ҳам ана шундай аҳмоқлар изидан эргашадиган ғофил одамлар кўп. Худди шундай, ўша пайтда ҳам Паундракани Худонинг Олий Шахси деб қабул қиладиган одамлар етарли эди. Ўзининг ҳақиқий ҳолати қандай эканини англай олишга қодир бўлмаган Паундрака адашганидан ўзини Парвардигор Васудева деб биларди. Унинг юборган чопари келиб Кришнага айтдики, ўзининг бесабаб марҳамати билан шоҳ Паундрака, яъни Худонинг Олий Шахси, мусибат чекаётган одамларни қийинчиликлардан халос қилиш учун Ер сайёрасига ташриф буюрди.

Ўзига ўхшаган кўплаган аҳмоқ одамлар даврасида бу қаллоб Паундрака ҳақиқатан ҳам ўзини Васудева, Худонинг Олий Шахси деб биларди. Шубҳа йўқки, бундай хулосалар жуда кулгили. Ёш болалар ўйин ўйнаганида ўзларидан биттасини шоҳ қилиб тайинлайдилар, бошқа болалар танлаган ўша бола шунда ўзини ҳақиқатан ҳам шоҳ деб билади. Худди шундай жуда кўп аҳмоқлар ғофиллиги сабабли ўзларига ўхшаган бошқа бир нодонни Худо қилиб тайинлайдилар, шунда ана шу қаллоб ҳам, гўё Худони ҳам худди болаларнинг ўйинидагидай танлаш ёки овоз бериб сайлаш мумкиндай, ўзини ҳақиқатан ҳам Худо деб ҳисоблай бошлади. Ана шундай алданиш домига тушиб қолган ҳолда ўзини Худонинг Олий Шахси деб билган Паундрака Парвардигор Кришнанинг ҳолатига даъво қилиб, Дваракага чопар юборди. Чопар Кришнанинг Дваракадаги шоҳона мажлисида пайдо бўлди ва ўзининг ҳукмдори Паундраканинг номасини эълон қилди. Номада шундай ёзилган эди: "Мен - ягона Худонинг Олий Шахси, Васудева бўламан. Менга тенглаша оладиган бошқа бирор зот мавжуд эмас. Мен ўзимнинг чексиз ва бесабаб меҳрибонлигим туфайли бу дунёда қаттиқ мусибат чекаётган шартланган руҳларга нисбатан қаттиқ ачинганимдан ер юзига шоҳ Паундрака киёфасида ташриф буюрдим. Аммо Сен, бунга ҳеч қандай ҳақнинг бўлмаса ҳам ноқонуний равишда Ўзингни Васудева деб юрибсан, Сен бундай ногўри гапларни тарқатмаслигинг керак. Сен Ўзингнинг бу даъвоингдан воз кечишинг керак. Эй Йадавалар авлоди, илтимос Васудваникидай қилиб Ўзинг ноқонуний равишда тақиб олган барча белгиларингдан воз кеч. Бу ишларингни тарк этда, менга таслим бўл, менинг олдига келиб Ўз ихтиёрингни менга топшир! Агар мағрурлигинг сабабли менинг гапларимга эътибор бермасанг, Сени мен билан жанг қилишга чақираман. Мен Сенга одамларга ким

ҳақиқий Васудева эканини кўрсатиб қўядиган жангни таклиф қиламан!"

Шоҳона мажлиснинг ҳамма аъзоларри, шу жумладан Уграсена ҳам, Паундраканинг бу номасини эшитиб, узоқ вақтгача ўзларини кулгидан тўхтата олмадилар. Мажлис аъзоларининг қаттиқ кулгиларидан узоқ вақт лаззатланган Парвардигор Кришна чопарга шундай деб жавоб берди: "Эй Паундраканинг чопари, сен Менинг жавобимни ўз ҳукмдорингга етказишинг мумкин: у ҳақиқий аҳмоқ ва уччига чиққан фирибгар-қаллоб. Мен тўғридан-тўғри уни қаллоб деб атаб, унинг гапларига заррача ҳам эътибор бермайман. Мен ҳеч қачон Ўз белгиларимдан, айниқса Ўзимнинг халқамдан воз кечмайман. Мен ана шу кулолимни фақат Паундракани эмас, балки унинг барча ҳамтовоқларини ўлдириш учун ишга соламан. Мен шунчаки арзимаган алдоқчилар ва алданганлар гуруҳи бўлган Паундрака ва унинг ҳамтовоқларининг ҳаммасини яксон қиламан. Эй нодон шоҳ, шунда сен шарманда бўлиб ҳеч кимнинг юзига қарай олмай қолсан, Менинг Халқам бошингни танангдан жудо қилганда эса, сенинг жасадинг атрофини йирткич қушлар - бургут, калхат ва кузғунлар ўраб оладилар. Шунда, ўзинг талаб қиладигандай, Менинг нажоткорим бўлиш ўрнига сен ана шу пасткаш қушларга ем бўласан, танангни итларга ташлайдилар, улар мазза қилиб гўштингни ейдилар".

Чопар Парвардигор Кришнанинг сўзларини ўз ҳукмдори Паундракага етказди, у бу ҳақоратли гапларнинг ҳаммасини чидам билан охиригача тинглади. Шу заҳотиёқ Парвардигор Кришна жанг аравасига ўтириб, бу қаллоб Паундраканинг таъзирини бериб қўйишга йўл олди. Ўша пайтда Каруши шоҳи Паундрака ўзининг дўсти, Каши шаҳрининг шоҳи билан бирга бўлгани учун Парвардигор Кришна Каши шаҳрини қамал қилиб ўраб олди.

Шоҳ Паундрака машҳур жангчи эди, Кришнанинг бостириб келганини эшитган заҳоти у шаҳардан ўзининг икки ақшаухини кўшини билан Унга қарши чиқди. Икки шоҳ Кришна билан жанг қилиш учун Унинг олдида пайдо бўлганида Кришна биринчи марта Паундракани Ўз кўзи билан кўрди. Панудрака сур, халқа, гурзи ва нилуфар гули ушлаб олган эди. У қўлига Шарнга камонини олиб, кўксига Каустубха гавҳартошини осиб олган эди. Унинг бўйнига худди Парвардигор Васудеваники сингари гулчамбар осилганди. У сариқ ипак либос кийиб олган, унинг жанг аравасида ҳам худди Кришнаники сингари Гаруданинг расми чизилган байроқ ҳилпираб турарди. Унинг бошида ҳам жуда қимматбаҳо тож бўлиб, қулоғида қилич-балиқ кўринишидаги сирға ярқираб турарди. Умуман олганда унинг кийимлари ва бошқа анжомлари Кришнаникига жуда ўхшатиб таклид қилиб ясалган эди. Ҳар бир фаросатли одам у худди сахнада Парвардигор Кришнанинг ролини ўйнаётгандай

кўринишини тушуниб оларди. Парвардигор Кришна Паундраканинг худди Ўзига ўхшаб ҳаракат қилишга уринаётганини кўриб, Ўзини кулгидан тўхтата олмай қотиб-қотиб лаззатланиб кулиб олди.

Паундраканинг жангчилари ўзларининг санчкилари, гурзилари, найзалари, қиличлари, ханжарлари ва пайконларини ишга солиб Кришнага ҳужум қила бошладилар; уларнинг зарбалари худди катта тўлқиндай Кришнанинг устига ёғиларди, Кришна эса уларнинг зарбаларини моҳирлик билан қайтарарди. У Паундраканинг жангчи ва ёрдамчиларининг зарбаларини шунчаки қайтариб қолмасдан, худди охир-замон пайтида олов ҳамма нарсанинг кулини кўкка совурганидай, уларнинг ҳаммасини яксон қилиб ташлади. Кришнанинг зарбалари остида рақибнинг филлари, отлари, жанг аравалари ва пиёда аскарлари ҳар тарафга тум-тарақай қочиб қолдилар. Бутун жанг майдони синган жанг аравалари, ўлган ҳайвон ва жангчилар жасади билан тўлиб кетган эди. У ерда отлар, филлар, одамлар, эшаклар ва туяларнинг жасадлари бир-бирига қалашиб ётарди. Гарчи жанг майдони худди охир-замон пайтида Тангри Шива рақсга тушадиган даҳшатли жойни эслатса ҳам, Кришнанинг жангчилари бу манзарадан илҳомланиб, шижоат билан жангни давом эттирдилар.

Шунда Парвардигор Кришна Паундракага шундай деди: "Паундрака, сен Мендан Парвардигор Вишнунинг белгиларидан, айниқса Сударшана Чакрадан воз кечишни талаб қилган эдинг. Ҳозир Мен уни сенга бераман. Эҳтиёт бўл! Сен бунга мутлақо ҳаққинг бўлмаган ҳолда ўзингни Васудева деб эълон қиляпсан, Менга тақлид қилиб юрибсан. Билсанг, бутун жаҳонда сендан ҳам аҳмоқроқ одам топилмвйди!"

Кришнанинг мана шу гапларидан маълумки, ўзини Худо деб ҳисоблайдиган ҳар қандай қаллоб-фирибгар - одамларнинг ичида энг аҳмоқ, нодон одамдир. Кришна давом этди: "Энди эса, ҳой Паундрака, Мен сени сохта даъволарингдан воз кечишга мажбур қиламан. Сен Менинг сенга бўйсунимни истаган эдинг. Ҳозир Мен сенга шундай имконият бераман. Бизлар иккимиз яккама-якка жанг қиламиз, агар сен шу жангда ғолиб бўлсанг, Мени мағлуб этсанг, Мен албатта сенга бўйсунаман". Паундракага шундай гапларни айтиб, Парвардигор Кришна пайкон йўллаб, унинг жанг аравасини чил-парчин қилди. Кейин, худди Индра яшин қуроли билан тоғ қояларини кесиб ташлаганидай, халқаси билан Паундраканинг калласини танасидан жудо қилди. Парвардигор Кришна Ўзининг пайконлари билан Каши шоҳини ҳам худди мана шундай яксон қилди. Парвардигор Кришна шоҳнинг оила аъзолари ва қариндошлари шоҳнинг калласини ўз кўзлари билан кўришлари учун Каши шаҳрининг калласини Каши шаҳрига ташлашни буюрди. Кришнанинг бу қилаётган ишлари худди нилуфар гулини ҳар тарафга чайкатадиган бўроннинг

ҳаракатларини эслатарди. Парвардигор Кришна жанг майдонида Паундрака ва унинг ҳамтовоғи бўлган Кашираджани ўлдириб, Ўзининг пойтахт шаҳри Дваракага қайтиб келди.

Парвардигор Кришна Дваракага қайтиб келганида жаннатий сайёралардаги сиддха ва чараналарнинг ҳаммаси Парвардигорни шарафлаб ҳамду-санолар куйлардилар. Паундрака эса, ҳаммиша Парвардигор Васудева ҳақида ўйлаб, ҳеч қандай асоссиз худди Васудевадай кийиниб юргани сабабли руҳий озодликнинг *сарупйа* турига, яъни бхакталар худди Парвардигор Вишну сингари тўрт қўлли бўлиб, қўлларига халқа, гурзи, сур, нилуфар гули ушлаб юрадиган Ваикунтха сайёраларидан бирига эришди. Аслини олганда унинг бутун фикру-хаёли Парвардигор Вишнунинг қиёфасига қаратилган эди, аммо у ўзини Парвардигор Вишну деб ҳисоблаб юргани учун, Худо Шахсини ҳақорат қилган эди. Шунга қарамай, у бевосита Парвардигор Кришнанинг қўлидан ҳалок бўлгани туфайли бу ҳақорати оқибатидан ҳам покланди. Шу тариқа у сарупйа кўринишидаги озодликка эришди ва худди Парвардигор Вишнуниқайда руҳий қиёфага эга бўлди.

Каши шоҳининг калласини дарвоза устидан шаҳар ичига улоқтирганларида одамлар тўпланиб, бу ғаройиб нарсага тикилиб қолдилар. Унинг кулоқларидаги сирғани кўрганларидан кейин эса бу кимнингдир калласи эканини англадилар. Улар: "бу калла кимники?" - деб ҳар хил тахминларга бора бошладилар. Баъзилар бу калла Кришнаники деб айтдилар, чунки Кришна Кашираджанинг душмани эди, шу боис Каши шоҳи Кришнани ўлдириб: "Халқим душманининг ўлганини кўриб қувонсин!" - деган мақсадда ўзи уни дарвозадан улоқтирган деб ўйладилар. Ниҳоят улар бу калла Кришнаники эмас, ўзларининг шоҳи Кашираджанинг калласи эканини таниб қолдилар. Бу ҳақиқат маълум бўлгандан кейин шоҳнинг хотинлари келиб, ўлган эрларига аза тутиб йиғлай бошладилар. "Эй ҳукмдорим, - йиғларди улар - сен билан бирга бизлар ҳам ҳалок бўлдик!"

Каши шоҳининг битта ўғли бўлиб, унинг исми Судакшина эди. Барча дафн маросимлари ўтказилиб бўлгандан кейин, шоҳнинг ўғли, отасининг душмани Кришна бўлгани учун, Кришнани ўлдириб отаси учун қасос олишга, отаси олдидаги фарзандлик бурчини бажаришга қасам ичда. Бу ниятини амалга ошириш мақсадида ўзига ёрдам бера олишга имкон берадиган барча сифатларга эга бўлган бир руҳоний билан биргаликда у Махадевага, яъни Тангри Шивага сизгина бошлади. Каши салтанатининг ҳукмдори хали ҳозиргача Вишванатха, Тангри Шива ҳисобланади. Варанасида хали ҳозиргача Тангри Вишванатханинг эҳроми мавжуд бўлиб, бу ерга ҳозир ҳам ҳар куни кўп минглаган зиёратчилар келиб турадилар. Судакшинанинг сажда қилиб ўзига кўрсатаётган хурмат-эҳтиромидан Тангри

Шива жуда мамнун бўлди ва ўзининг бхактасига ўз марҳаматини кўрсатмоқчи бўлди. Судакшинанинг мақсади Кришнани ўлдириш эди, шу боис у Тангри Шивадан Кришнани ўлдиришга қодир бўлган қудрат ато этишини тилади. Тангри Шива Судакшинага билимдон брахман ёрдамида душман устидан галабага эришиш учун мўлжалланган махсус қурбонлик маросими ўтказишни маслаҳат берди. Бу махсус қурбонлик маросими ҳақида баъзи бир тантраларда ҳам айтиб ўтилган. Тангри Шива Судакшинага айтдики, агар шу маросимни барча қонунлар асосида тўғри ўтказса, оловдан Дакшинагни деган ёвуз бир ажина пайдо бўлади, ана шу ажина ҳар қандай буйрукни амалга ошира олади. Ундан муносиб брахмандан бошқа ҳар қандай одамни ўлдиришни талаб қилиш мумкин. Дакшинагнига ҳар хил арвоҳлар, Тангри Шиванинг ёрдамчилари ҳамроҳ бўладилар, шунда Судакшина ўзининг душманини мағлуб қила олади.

Шундай қилиб, Тангри Шива Судакшинанинг қўнглини кўтариб қўйди, Судакшина эса Кришнани ўлдира олишига ишонч ҳосил қилди. У жинсий поклигини сақлаган ҳолда муносиб брахман раҳбарлиги остида муқаддас гулхан ёкиб, ўша сеҳрли-жодуга эришиш қоидалари бўйича мантра такрорлай бошлади. Шунда оловдан баҳайбат иблис пайдо бўлди, унинг соқоллари, мўйлови ва соқлари киздирилган мис рангида эди. Бу иблис даҳшатли даражада баҳайбат ва ёвуз эди. Оловдан чиқиб келганида унинг кўзларидан олов аралаш кул тўкилиб турарди. Ловуллаб турган баҳайбат иблис қошларини ўйнатиб туриши билан яна ҳам даҳшатли бўлиб кўринарди. У ўзининг узун, кўрқинчли ўткир тишларини кўрсатди, узун тилини чиқариб лабини ялади. У кип-яланғоч бўлиб оловдай ловуллаб турган санчки билан қуролланиб олган эди. Судакшинанинг буйруғи билан иблис юзлаган арвоҳлар билан биргаликда пойтахт Дварака шаҳрига йўл олди, гўё у бутун оламнинг қулини кўкка совуришга шайлангандай кўринарди. Унинг оғир қадамлари остида ер юзи ларзага келарди. У Дваракага кириб келганида бутун шаҳар аҳолиси худди ўрмонда ёнгин ичида қолган ҳайвонлар сингари саросимага тушиб қолган эдилар.

Айни пайтда Кришна мажлислар залида шахмат ўйнаб ўтирарди. Бутун Дварака аҳолиси Унинг олдига чопиб борди, Унга шундай дедилар: "Эй уч олам ҳукмдори, Дваракада олов кўринишидаги даҳшатли бир иблис пайдо бўлди, у бутун шаҳарнинг қулини кўкка совурадиганга ўхшайди. Илтимос, бизларни қутқар!" Бутун Дварака аҳолиси шу тариқа Парвардигор Кришнани ўраб олиб, Ундан бутун шаҳарнинг қулини кўкка совуришга келган даҳшатли иблисдан ҳимоя қилишини илтижо қила бошладилар.

Ўзининг бхакталарини алоҳида ҳимоя қилиб юрадиган Парвардигор Кришна Двараканинг бутун аҳолиси бу кўрқинчли иблиснинг шаҳарга

кириб келганидан қаттиқ саросимага тушганини кўрди. У юзида табассум билан кулиб туриб шундай деди: "Хавотирланманглар! Мен сизларни албатта ҳимоя қиламан!" Худонинг Олий Шаҳси, Парвардигор Кришна ҳамма жойга сингиб кетган. У ҳар кимнинг қалбида мавжуд, шунингдек У космик олам қиёфасида ҳамма нарсдан ташқарида. У бу олов иблис Тангри Шиванинг яратган махлуқи эканини яхши биларди, уни яқсон қилиш учун Кришна Сударшана-Чакрасини чақирди ва унга зарур бўлган ҳамма ишни амалга оширишни буюрди. Шу заҳотиёқ Сударшана-Чакра худди охир-замон пайтида оламнинг қулини кўкка совурадиган миллионлаган куёшлар оловидай ярқираб, шу ерда ҳозир бўлди. Сударшана-Чакра ўздан таралаётган ёғду билан фақат ер юзини эмас, бутун оламни ёрита бошлади. Кейин Сударшана-чакра Тангри Шива яратган олов махлуқни совута бошлади. Шундай қилиб, Сударшана-чакра олов танли иблисни тўхтатиб қолди, шунда Дварака шаҳрининг қулини кўкка совуриш режаси амалга ошмаганини кўриб, иблис орқага, келган жойига қайтиб кетди.

Дваракага ўт қўйиш режаси амалга ошмай, иблис Кашираджа салтанати бўлган Варанасига қайтиб келди. Бу ерда иблисдан таралаётган кучли олов дастидан Судакшина ва унга жоду мантраларини ўргатиб, раҳбарлик қилаётган барча руҳонийларнинг ҳаммаси ёниб кул бўлдилар. Тантраларда кўрсатилган мантралар ёрдамида чақириладиган иблислар албатта кимнидир ўлдириши лозим, агар улар ўлдириши лозим бўлган зотни ўлдира олмаса, ўзларини шу ишга йўллаган ҳукмдорини ўлдирадилар. Судакшинанинг ўзи бу ишларнинг ҳаммасини бошлаган эди, руҳонийлар эса унинг бу ёвуз ишида ёрдам берган эдилар, шу боис уларнинг ҳаммаси ёниб кулга айландилар. Иблисларнинг тақдири ҳамиша шундай тугайди. Иблислар ҳамиша Худони йўқотиш учун турли нарсалар яратадилар, натижада ўзлари яратган қурол дастидан ўзлари ҳалок бўладилар.

Танаси оловдан бўлган иблис изидан бориб Сударшана-чакра ҳам аввалдан катта ва бойбадавлат бўлган Варанаси шаҳрига кирди. Ҳатто ҳозир ҳам бу шаҳар жуда машҳур бўлиб, Ҳиндистоннинг энг катта шаҳарларидан бири ҳисобланади. Ўша пайтда шаҳарда жуда кўп саройлар, мажлис заллари, бозор ва аркалар бор эди, саройлар олдида улуғвор ҳайкаллар турарди. Ҳар бир чорраҳада минбар ўрнатилган бўлиб, шу ерда турли маърузалар қилинарди. Шаҳарда филлар, отлар, жанг-аравалари, омборлар, овқат тарқатадиган ошхоналар кўп эди. Варанаси шаҳри узоқ вақтлардан бери ана шундай моддий бойликларга тўла эди, лекин Каши шоҳи ва унинг ўғли Парвардигор Кришнага қарши чикқани сабабли, Вишну-Чакра бутун шаҳарнинг қулини кўкка совурди, шаҳарнинг ҳамма гўзал жойларини хароба-ю вайронага айлантирди. Су-

даршана-чакра ўз бурчини адо этиб, Дваракага, ҳукмдори Парвардигор Кришна олдига қайтиб келди.

Варанаси шахрининг Сударшана-Чакра томонидан вайронага айлантирилиши ҳақидаги ҳикоя илоҳий табиатли, шарофатли ҳикоядир. Чуқур ишонч ва имон билан бу ҳикояни бошқаларга гапириб берган ва диққат билан тинглаган ҳар қандай одам ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлиб қалби покланади. Бу ҳикояни Махараж Парикшитга гапириб берган Шукадева Госвами ана шундай ҳақиқатни эълон қилган.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Паундрака ва Каши шоҳини озодликка чиқариши" деб аталадиган олтинчи бешинчи бобига Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.

66. Горилла Двивидаани озодликка чиқариш

Шукадева Госвами Парвардигор Кришнанинги илоҳий эрмаклари ва сифатлари ҳақида ҳикоя қилишда давом этди, Махараж Парикшит эса унинг ҳикояларини тинглаб тобора кўпроқ ҳайратга тушарди. Шукадева Госвами шунда унга Парвардигор Балорамнинг Двивида деган гориллани ўлдиргани ҳақидаги ҳикояни гапириб берди.

Бу горилла Бхаумасура, яъни бутун жаҳон бўйлаб ҳамма шоҳларнинг саройларидан ўн олтинчи маликани ўғирлаб олиб, ўзининг саройига қамаб қўйгани учун Парвардигор Кришна жазолаб ўлдирган Наракасуранинги яқин дўстларидан бири эди. Двивида шоҳ Сугриванинги маслаҳатчиси эди. Унинг акаси Манида ҳам гориллаларнинг жуда қудратли шоҳларидан бири эди. Двивида ўзининг дўсти Бхаумасурани Парвардигор Кришна ўлдиргани ҳақида эшитгандан кейин, дўстининг ўлими учун қасос олиш ниятида бутун мамлакат бўйлаб ҳар хил уруш-жанжаллар чиқаришни режалаштирди. Биринчи навбатда у хунарманд-қосиблар жойлашган шаҳар-кишлоқларга, подачиларнинг ўтовларига, шунингдек чорва маҳсулотлари етказиб берадиган, сигирларга ғамхўрлик қиладиган ваишйаларнинг уйларига ўт кўйди. Баъзан у ердан катта бир тоғни кўпориб олиб, уни парчалаб бўлақларга бўлиб ташларди. Шу тарзда у бутун мамлакат бўйлаб, айниқса Катхвар вилоятида ҳар хил парокандаликларни юзага келтириб юрди. Дварака шаҳри ҳам ана шу вилоятда жойлашган эди. Парвардигор Кришна айнан шу ерда яшаётгани учун Двивида шу шаҳарда кўпроқ тартибсизликлар қилишга ҳаракат қиларди.

Двивидаанинги жисмоний қудрати ўн минг фил кучига тенг келарди. Баъзан у денгиз қирғоғига бориб, ўзининг қудратли қўллари билан денгиз-

ни шу қадар кучли тўлкинлантирар эдики, натижада денгиз қирғоқларидан тошиб чиқиб яқин-атрофдаги шаҳар ва кишлоқларни сув босиб кетарди. Тез-тез у хилват жойларда таркидунё қилиб яшаётган авлиё зотлар яшаётган жойларга бориб, уларнинг чиройли боғларини пайхон қилиб, уларга анча ташвиш орттириб кетарди. Шунингдек у авлиё зотларнинг ёққан муқаддас гулхан оловига сийиб, ахлат ташлаб, сиғиниш маросимини ҳаромга чиқариб табаррук авлиёларни безовта қиларди. Шу тариқа у бутун атрофни ҳаромлаб юрарди. Бундан ташқари у эркак ва аёлларни уйларида ўғирлаб, узок тоғлардаги ғорларга обориб яшириб қўярди. Уларни ғорга ташлаб, ғорнинг оғзини катта тошлар билан бекитиб қўярди. Худди шундай *бхринга* деган ҳашарот ҳам, чивин ва бошқа ҳашаротларни олиб кетиб, ўзи яшайдиган дарахт ёриғига тикиб, устини лой билан бекитиб ташлайди. Шу тариқа Двивида ҳаммаша давлат қонунларини, халқнинг осойишталигини бузиб юрарди. Бундан ташқари у обрўли хонадонларнинг аёлларини ўғирлаб кетар, зўрлик қилиб уларнинг иззат-нафсига тегар эди. Шу тариқа у бутун мамлакат аҳлининг бошига турли кулфатлар солиб юрди. Баъзан Двивида Раиватаки тоғидан эшитилаётган ёқимли мусиқа овозини эшитиб қоларди, шунинг учун у бир куни ана шу тоғли ўлка томон йўл олди. У ерга бориб Двивида кўплаган чиройли қизлар даврасида лаззатланиб хордиқ чиқараётган Парвардигор Балорамни кўриб қолди. Уларнинг ҳаммаси хурсандчилик қилиб ўйнаб, рақсга тушиб юрардилар. Танасининг ҳар бир қисми ғайритабиий равишда чиройли ва хушбичим, бўйнига ўрмон гулларидан ясалган чиройли гулчамбар осиб олган Парвардигор Балорамни кўрган Двивида Унинг гўзаллигига бутунлай маҳлиё бўлиб қолди. Шунингдек бу ердаги ҳар хил тақинчоқлар билан безаниб, чиройли гулчамбар тақиб олган ёш қизлар ҳам барқ уриб очилган гуллардай чиройли эдилар. Парвардигор Балорам Варуни ичимлигини ичиб, бутунлай сархуш бўлиб қолган, кўзлари худди маст одамникидай ҳар томонга айланарди. Парвардигор Балорам худди кўплаган урғочи филлар орасида ўйнаб юрган қудратли филга ўхшарди.

Двивида дарахтлар тепасига чиқиб бир дарахтдан иккинчи дарахтга сакрай оларди. Баъзан у дарахт шохасини зарб билан силкитиб, ўзига хос "кила-кила" деган товуш чиқарар, бу билан Парвардигор Балорам мириқиб хордиқ чиқараётган ёқимли муҳитнинг тинчини бузарди. Баъзида эса Двивида аёллар олдида пайдо бўлиб, уларга турли хил қилиқлар кўрсатиб, афтини буриштарарди. Одатда ёш қизлар ўзларининг табиатига кўра ҳамма нарсани ҳазил билан кулиб қарши олишга мойил бўладилар, горилла кутилмаганда уларнинг олдида пайдо бўлганда ҳам қизлар бунга жиддий эътибор бериб ўтирмасдан, шунчаки кулиб қўя қолдилар. Лекин горилла шу

қадар ҳаддидан ошиб кетдики, ҳатто Парвардигор Балорамнинг шу ердалигига эътибор ҳам бермасдан ёш аёлларга ўчакишиар, уларга ўзининг гоҳ орқасини, гоҳ жинсий аъзосини кўрсатар, баъзан эса тишларини иржайтириб, қошларини ўйнатиб, қизларнинг олдига югуриб борарди. У Парвардигор Балорамнинг олдига ўзининг бемаъни қилиқлари билан аёлларни ҳақорат қила бошлаган эди. Парвардигор Балорамнинг номи фақат Унинг жуда қудратли эканини билдириб қолмасдан, яна шуни ҳам англадики, У ўзининг чексиз қудратини намоиш этишдан ҳам лаззат олади. Шунинг учун У катта бир тошни олиб Двивидага қараб улоқтирди. Горилла эпчиллик билан тошнинг зарбасидан қочиб қолди. Балорамни қаттикроқ ҳақорат қилиш учун горилла Варуни ичимлиги солиниб турган кўзани олиб қочди. Шундан сўнг кутуриб кетган Двивида қудрати чекланган бўлишига қарамай, Балорам ва Унинг ёнидаги қизларнинг устидаги тақинчоқларни юлкилаб тортиб ола бошлади. У шу қадар мағрурланиб кетган эдики, ўзича: "мени жазолаш учун Балорам ҳеч нарса қилолмайди!" - деб ўйлар, шу боис тап тортмасдан Балорамни ҳамда Унинг ҳамроҳларини ҳақорат қилишда давом этарди.

Парвардигор Балорам бу горилланинг кўрсатаётган кароматларини ўз кўзи билан кўргандан кейин, унинг бутун мамлакат бўйлаб қанча офатлар келтиргани ҳақида эшитиб, қаттиқ ғазаби келди ва уни ўлдиришга қарор қилиб қўлига гурзисини олди. Двивида Балорамнинг ўзига ҳамла қилмоқчи бўлаётганини сезиб қолди. Балорамнинг хужумига қарши чиқиш учун у катта бир дуб дарахтини томири билан кўпориб олди, Балорамга ташланиб, Унинг калласига бир зарба туширди. Лекин Балорам унинг зарбасига чап бериб, қўлидаги дарахтни тортиб олди-да, катта тоғдай қимирламай тураверди. Кейин У ўзининг Сунанда деган гурзисини олиб, ўз навбатида гориллага қаттиқ бир зарба тушириб, унинг калласини қаттиқ жароҳатлади. Горилланинг калласидан қон тирқираб оқа бошлади, худди катта тоғдан оқиб чиқаётган суюқ марганец сингари калласидан оқаётган қон горилланинг юзини безаб турарди. Балорамнинг гурзи билан берган бу зарбаси Двивидани заррача ташвишга солмади. Аксинча, у шу заҳотиёқ бошқа бир катта дарахтни томири билан кўпориб олди ва унинг майда шохаларини синдириб ташлаб, у билан Балорамнинг калласига зарба тушира бошлади. Аммо Балорам ўзининг гурзиси билан дарахтни бўлакларга бўлиб ташлади. Бундан Горилланинг ғазаби қайнаб, бошқа бир дарахтни олиб яна Балорамга ташланди. Парвардигор Балорам яна унинг қўлидаги дарахтни парчалаб ташлади. Ҳар гал горилла Балорамга ташланиш учун бирор дарахтни кўпориб олар, Парвардигор Балорам эса ҳар гал унинг дарахтини гурзиси билан парчалаб ташларди. Двивида яна бошқа дарахтни кўпориб олар, яна Балорамга ташланарди. Жанг

шу тарика давом этар экан ўрмонда бирор катта дарахт қолмади. Қўл остида бирор дарахт қолмаганини кўриб, Двивида катта-катта тоғ тошларини олиб Балорамга қараб ота бошлади. Парвардигор Балорам ҳам жангга қизиқиб кетиб, унинг отаётган тошларини гурзиси билан парчалаб, майдалаб ташлай бошлади. Ниҳоят Двивида дарахтларсиз, тошларсиз қолиб, Балорамнинг олдига келиб, қудратли қўллари билан Унга ташланди. У ўзининг катта муштуми билан Балорамнинг кўксига бир зарба туширди. Парвардигор Балорам бундан қаттиқ ғазабланиб кетди. Горилла Унга ўзининг қўллари билан зарба бераётганини кўриб, Балорам ҳам ўзининг қуроллари - кунда ёки гурзисини ишга солиб ўтирмади. У ҳам ўзининг қўллари билан горилланинг белига мушт тушира бошлади. Унинг зарбалари Двивида учун ҳалокатли эди. Шу заҳотиёқ горилланинг оғзидан қон отилиб чиқа бошлади ва у ерга қулаб, жон таслим қилди. Горилла ерга қулаганида бутун ўрмон ва тоғлар силкиниб кетгандай бўлди.

Ана шу қўрқинчли воқеадан сўнг жаннатий сайёралар тизимидаги сиддхилар, буюк донишмандлар ва авлиё зотлар Парвардигор Балорамнинг олий ҳукмдор эканини олқишлаб, Унинг устига гуллар ёмғирини ёғдира бошладилар. Уларнинг ҳаммаси қалби шодликка тўлиб: "Парвардигор Балорамга шон-шарафлар бўлсин! Сенинг нилуфар қадамларинг пойига эҳтиром билан сажда қилишимизга руҳсат бер! Сен ана шу буюк иблис горилла Двивидани ўлдирган кунингдан бошлаб ер юзида янги кунлар, ҳамма тинчлик ва осойишталикда яшайдиган замонлар бошланди" - деб хитоб қила бошладилар. Осмон-фалакдан ана шундай қувончга тўла овозлар ва ғалабани мадҳ этувчи ёқимли мусиқа товушлари эшитилиб турарди. Балорам эса, буюк иблис горилла Двивидани ўлдириб, ўзига кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиромларни - самодан ёғилаётган гуллар ва ғалаба олқишларини қабул қилиб, пойтахт шаҳар Дваракага қайтиб келди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Горилла Двивидани озодликка чиқариш" деб аталадиган олтмиш олтинчи бобида Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.

67. Самбанинг уйланиши

Дхритараштранинг ўғли Дурёдохнинг Лакшмана деган бўйи етган қизи бор эди. У Куррулар сулоласига муносиб бўлган жуда чиройли қиз бўлиб, жуда кўп шаҳзодалар унга уйланишни орзу қилиб юрардилар. Ана шундай ҳолларда, қиз бола куёвни ўзи танлай олиши учун *свайамвара* - куёв танлаш маросими ўтказилади. Лакшмана ўзига қайлиқ танлаши учун ўтказилаётган *свайамвара* маросимида Самба ҳам пайдо бўлди.

У Кришнанинг Дваракадаги асосий хотинларидан бири Жамбаватининг ўғли эди. Унинг Самба деб аталишига сабаб - у оилада жуда эрка ўсган эди. У ҳамиша онасининг ёнида юрарди. Самба дегани "онасининг эркатойи" деган маънони билдиради. *Амба* дегани "она" дегани билдиради, *са* ибораси эса - "ҳамиша онасининг ёнида" "у билан бирга" дегани англатади. У ҳамиша онасининг ёнида юргани учун одамлар унга Самба деб исм қўйган эдилар. Айнан шу сабабга кўра уни яна Жамбаватисута деб ҳам чакирардилар. Аввал айтиб ўтганимиздек, Кришнанинг ўғилларининг ҳаммаси ўзларининг буюк отаси Парвардигор Кришна сингари барча комил фазилат ва эзгу сифатларга эга эди. Гарчи унчалик ёқтирмаса ҳам Самба Дурйодхоннинг қизи Лакшманага уйланмоқчи эди. Шунинг учун Самба свайамвара пайтида Лакшманани ўғирлаб кетди.

Самба свайамвара маросимидан Лакшманани куч билан олиб кетгани учун Курулар сулоласининг ҳамма аъзолари - Дхритараштра, Бхишма, Видура, Уджахон ва Аржуна, Самбанинг бу йўл билан уларнинг қизини олиб кетиши уларнинг оилавий урф-одатларини оёқ ости қилгани деб ҳисобладилар. Уларнинг ҳаммаси Лакшмана уни ўзига куёв қилиб танлаш ниятида эмаслигини билар, унга ўзига бўлғуси куёвни ўзи танлаш имконини бермасдан, бу ёш йигит уни куч билан маросимдан ўғирлаб олиб кетган эди. Шунинг учун улар бу йигит албатта жазоланиши лозим деган қарорга келдилар. Улар бир овоздан бу йигит жуда ҳаддидан ошиб кетди, у авлодларимиз урф-одатларини қаттиқ ҳақорат қилди деган қарорга келдилар. Шунинг учун уларнинг ҳаммаси Курулар сулоласининг мўътабар оксоқоллари билан маслаҳатлашиб, уни ушлаб асир олишга, лекин ўлдирмасликка қарор қилдилар. Уларнинг қарори бўйича бу қиз энди Самбадан бошқа ҳеч кимга турмушга чиқолмайди, чунки унга Самбанинг қўли тегди, деб ҳисоблардилар. (Ведавий урф-одатларга кўра қиз болага бирор йигитнинг қўли теккандан кейин уни бошқа бирор эрка хотинликка олиши мумкин эмас). Шу боис хонадоннинг Бхишма сингари ёши улуғ аъзолари Самбани ушлаб, асир олмоқчи бўлдилар. Куруларнинг барча буюк жангчилари бирга тўпландилар ва бу кичкина жангни бошқариш учун Карна саркарда қилиб тайинланди.

Улар Самбани асир олишга қарор қилгандан кейин, бир-бири билан маслаҳатлашиб кўриб, уларнинг бу ишидан Йадавлар сулоласи улардан қаттиқ ғазабланади деган қарорга келдилар. Ҳатто, уларнинг бу иши учун Йадавлар албатта улар билан жанг қилиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмасди. Лекин улар масаланинг бошқа томонини ҳам ўйлардилар: "Агар Йадавлар бу ерга жанг қилиш учун келсалар, ўзларидан кўрсинлар, улар нима ҳам қила олардилар? Йадавлар сулоласи ҳали Курулар сулоласи билан тенглаша олмайди,

чунки Куру сулоласининг шоҳлари бутун оламга ҳукмронлик қилиб турибдилар, Йадава сулоласининг шоҳлари эса фақат ўзлари ҳукмронлик қилиб турган ерларга ҳукмдорлик қиладилар".

Курулар ўйладиларки: "Агар ўғлини асир олганимиз учун улар келиб бизларни жангга чорласа, биз уларнинг таклифини албатта қабул қиламиз. Бизлар уларнинг яхшилаб таъзирини бериб қўямиз, шунда худди инсон сеҳрли йогада *пранайама* усули билан шуғулланиб ўз ҳиссиётини жиловлаб олгани сингари, биз ҳам уларни жиловлаб оламиз, улар албатта бизларга бўйсунушга мажбур бўладилар".

Куруларнинг Бхишма ва Дхритараштра сингари оксоқоллари билан маслаҳатлашиб, уларнинг розилигини олгандан кейин олти *махаратха*, яъни "буюк жангчи": Карна, Шала, Бхуришрава, Йагйакету ва кизнинг отаси Дурйодхон Бхишмадева раҳбарлиги остида Самбани асир олишга уриндилар. Жангчиларнинг турли тоифалари бўлади, масалан: ҳар бир маха-ратха бир ўзи кўп минглаган оддий аскарларга қарши жанг қила олганлар. Самба ҳам маха-ратха эди, лекин у ёлғиз бир ўзи бўлиб, ҳозир ўзига ўхшаган олти маха-ратха билан жанг қилиши лозим эди. Шунга қарамай, уни асир олиш учун изидан бостириб келаётган бу буюк жангчиларни кўриб у ҳеч қандай саросимага тушмади.

У бир ўзи бўлишига қарамай, худди бошқа йиртқич ҳайвонларга дуч келганда пинагини бузмай мағрур турадиган арслон сингари, дарров улар томонга дадил ўгирилиб, улар билан жангга кириш учун ўзининг ажойиб камонини қўлга олди. Карна жангчилар сардори эди, шу боис у Самбага шундай деб кичкирди: "Ҳой тирранча, қаерга кетяпсан? Тўхтаб турчи, сенинг бир таъзирингни бериб қўйлик!" Кшатрийни биров жангга чақирса, унинг кетишга ҳаққи йўқ, у албатта жанг қилиши керак. Шунинг учун Самба уларнинг таклифини қабул қилиб, уларга бир ўзи қарши чиқди. Унинг устига қудратли жангчиларнинг тинимсиз пайконлари ёғилди. Лекин, худди изидан қувиб келаётган бўри ва шоғоллар қанчалик кўп бўлмасин, арслон ҳечам саросимага тушмагани сингари, Йадулар сулоласининг машҳур авлоди Самба ҳам Парвардигор Кришнанинг ўғли бўлгани сабабли англаб бўлмас қудрат соҳиби эди. У ўз пайконларини шундай қўполлик билан ўзига қаратган Курулар сулоласининг жангчиларининг бундай адолатиз ҳаракатларидан қаттиқ ғазабланган эди. У тенгсиз жасорат кўрсатиб бу жангчиларга қарши жанг қила бошлади. Энг аввало у олти пайкон йўллаб, жангчиларнинг жанг-араваларини бошқариб ўтирган жиловдорларни яқсон қилди, кейин тўрттадан пайкон йўллаб, ҳар бир аравага тўрттадан қўшилган отларни яқсон қилди, кейин у Карна ва бошқа жангчиларга биттадан пайкон йўллади. Шундай қилиб, Самба бу олти маха-ратха билан қаттиқ жанг бошлади, улар бу ёш ўспириннинг англаб бўлмас қудратига қойил

қолгандилар. Ҳатто қаттиқ жанг бораётган пайтда ҳам улар бу ёш жангчи Самба мўъжизавий қудратга эканини тан олдилар. Лекин жанг кшатрийларга хос жасорат билан давом этарди, гарчи бу иши уларга ярашмаса ҳам, улар ҳаммаси биргаллашиб, Самбанинг аравасини ишдан чиқариб, уни аравадан тушишга мажбур қилдилар. Олти жангчининг тўрттаси Самбанинг отларини яқсон қилишди, биттаси Самбанинг камонидаги ипни узишга муваффақ бўлди, Самба энди жанг олиб боролмай қолди. Шундай қилиб, қаттиқ қийинчиликлар билан, ашаддий жанг олиб боргандан кейин Самба жанг аравасидан айрилди ва улар уни асир олишга муваффақ бўлдилар. Шундай қилиб, Курулар сулоласининг жангчилари бу катта жангда ғалаба қозондилар ва Дурёдхоннинг қизи Лакшманни Самбадан олиб кетдилар. Кейин улар ғалаба билан Хастинапурга қайтиб келдилар.

Буюк донишманд Нарада Муни шу заҳотиёқ Самбанинг асир олингани ва бу воқеа қандай содир бўлгани ҳақидаги хабарни Йадавалар сулоласига етказди. Йадавалар сулоласининг аъзолари Самбанинг асир олингани, бунинг устига унинг битта ўзига қарши олти жангчи қарши чиқиб адолатсизлик билан уни асир олганларини эшитиб, қаттиқ ғазабландилар. Улар Йадавалар сулоласининг сардори шоҳ Уграсенадан рухсат олиб, Курулар сулоласининг пойтахтига ҳужум қилишга тайёргарлик кўрра бошладилар.

Гарчи Кали-юга даврида одамлар арзимаган нарса учун ҳам бир-бири билан жанг қилишга тайёр бўлишини Парвардигор Балорам яхши билса ҳам, икки буюк сулола - Курулар ва Йадавалар сулоласининг Кали-юга даврининг таъсири остида бир-бири билан жанг қилиши Унга ёқмади. "Улар билан жанг қилиш ўрнига, бир Ўзим уларнинг олдига бориб кўрай-чи, - деб оқилона фикр юритди У, - вазиятни яхшилаб ўрганиб, бу ишни тинч йўл билан ҳал қилишнинг иложи йўқмикан?" Парвардигор Балорам ўйладики, агар Курулар сулоласини Самбани ва унинг қайлиғи Лакшмана билан бирга асирликдан озод қилишга кўндаира олсам, бу бемаъни урушнинг олдини олиш мумкин. У шу заҳотиёқ билимдон руҳоний ва брахманлар, шунингдек сулоланинг бир-икки оқсоқоли билан биргаликда Хастинапурга жўнаш учун ажойиб жанг аравасини тайёрлашни буюрди. Курулар сулоласи бу никоҳга рози бўлишига Унинг ишончи комил эди, шунда бу икки сулола орасидаги урушнинг олдини олиш мумкин бўларди. У худди чарақлаб турган юлдузлар орасидаги тўлин ойга ўхшарди. Парвардигор Балорам Хастинапур шаҳрига етиб боргандан кейин шаҳарга тўғри кириб бормай, шаҳар ташқарисидаги кичкина бир дала ҳовлида тўхтади. Кейин У Уддхавадан Курулар сулоласининг оқсоқоллари билан учрашиб, улар Йадавалар билан жанг қилишни истайдиларми ёки бу ишни тинч йўл билан ҳал қилишни истайдими, шуни билишни илтимос қилди. Уддхава Курулар

сулоласининг сардорлари билан учрашувга бориб, у ерда Бхишмадева, Дхритараштра, Дрона-чарйап, Бали, Дурйодхон ва Бахлика билан учрашди. Уларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, у Парвардигор Балорам бу ерга етиб келгани ва шаҳар ташқарисида тўхтагани ҳақида хабар берди.

Курулар сулоласининг ҳукмдорлари, айниқса Дхритараштра ва Дурйодхон бу хабардан жуда қувондилар, чунки Парвардигор Балорам уларнинг оиласига ҳаммаша яхши муносабатда бўлганини улар жуда яхши билишарди. Улар бу хабарни эшитиб, қувонганидан терисига сиғмай кетдилар, улар Уддхавани яхши қарши олдилар. Парвардигор Балорамни муносиб кутиб олиш учун улар ҳамма нарсани тайёрлаб, шаҳар дарвозаси томонга йўл олдилар. Ўзларининг мартабасига мос равишда улар ажойиб сигирлар, *аргха*(сув, аратрика, асалдан қилинган ширинликлар, гул, гулчамбар, сандал) тақдим этиб, Парвардигор Балорамни муносиб кутиб олдилар. Улар барчаси Парвардигор Балорамнинг Худонинг Олий Шаҳси сифатида улуғвор ҳолатини яхши билгани сабабли, Унинг олдида эҳтиром билан бош эгдилар. Улар бир-бирлари билан ҳол-аҳвол сўрашиб бўлганларидан кейин, Парвардигор Балорам уларга чуқур эҳтиром кўрсатган ҳолда, уларнинг фикрини билиш учун, сабр-тоқат билан шундай сўзлар айтиб уларга мурожаат қилди: "Эй азиз дўстлар, бу гал Мен сизларнинг олдингизга шоҳ Уграсенанинг элчиси бўлиб келдим. Унинг амрига яхшилаб қулоқ солинглар, сизлардан илтимос унинг айтганини бажаришга ҳаракат қилинглар. Шоҳ Уграсена сизларнинг Самба билан адолатсиз равишда жанг қилганингизни, олти жангчи унинг бир ўзига қарши чиқиб, шундайм ҳар хил ҳийлалар ишлатиб, зўрға уни асир олганингизни шоҳ жуда яхши билади. Бу хабарни бизларнинг ҳаммамиз эшитдик, лекин бу хабар бизларни унчалик ташвишга солмади, чунки бизлар сизлар билан жуда қалин қариндошлик ришталари билан боғланганмиз. Ўйлайманки, орамиздаги яхши муносабатларга совуқлик киритиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бизлар ўзаро дўст бўлиб қолишимиз керак, бир-биримиз билан жанг қилиб юришнинг ҳожати йўқ. Шунинг учун илтимос, ҳозирок Самбани асирликдан озод қилиб, хотини Лакшмана билан бирга бу ерга, Менинг олдимга олиб келинглар!"

Балорам бу гапларни Ўзига хос қатъият, устунлик ва шижоат билан буйруқ оҳангида уларга айтганида, Унинг гаплари Курулар сулоласининг сардорларига ёқмади. Аксинча, уларнинг ҳаммаси ҳайратга тушиб, қаттиқ ғазаби келиб Балорамга шундай гапира бошладилар: "Вой, бунди қаранглар! Бундай гаплар кишини ҳайратга солади ва умуман биз яшаётган Кали даврига мос келмайди; бўлмаса қандай қилиб Балорам бизларни бундай ҳақорат қилиши мумкин? Балорамнинг гаплари ҳам, гапириш оҳанги ҳам биз-

лар учун қаттиқ ҳақорат ҳисобланади, Калиюганинг салбий таъсири шундай бўлса керакки, оёққа кийиладиган пойафзал ўз ўрнини билмасдан тож кийиладиган каллада туришга даъвогар бўлади. Бизларнинг сулоламыз Йадавалар сулоласи билан куда-андачилик ришталари билан боғланган, шунинг ҳурмати учун биз уларга биз билан бирга овқатланиш, барга яшаш, бирга ҳордиқ чиқаришга рухсат бериб қўйибмиз; энди эса улар ўзларига берилган ана шу эркинликдан ўзлари учун фойдаланишга қарор қилибдилар. Бизлар уларга салтанатимизнинг бир қисмини бергунга қадар уларнинг ҳеч қандай мартабаси йўқ эди, энди эса улар бизларга ҳукмронлик қилмоқчи бўляптилар. Бизлар Йадавалар сулоласи аъзоларига чамара, елпигич, сур, оқ соябон, шоҳона тож, ўтириш учун тахтиравон, каравот ва фақат шоҳларга хос бўлган бошқа нарсалардан фойдаланишга рухсат бериб қўйибмиз. Бизлар бор жойда улар бундай анжомлардан фойдаланмасликлари керак эди, лекин бизлар қариндош бўлганимиз учун уларнинг бундай қилишига эътироз билдирмасдик. Энди эса улар ҳатто бизларга ҳам буйруқ беришга журъат қиляптилар. Уларнинг бундай кўполликларига шунча вақтдан бери чидаб келганимиз етар! Биз энди бундан кейин ҳам уларнинг шоҳона анжомлардан фойдаланиб юришига рухсат бериб қўя олмаймиз. Улардан бу нарсаларнинг ҳаммасини олиб қўйган маъқул; илонни сут билан боқиб бўлмайди, чунки бундай меҳрибонлик уни яна ҳам захарлироқ қилади. Йадавалар сулоласи ўзларини шунча вақтдан бери меҳрибонлик билан боқиб келган бизларга қарши чиқмоқчи бўляпти. Улар фақат бизларнинг эҳсонларимиз ва ғамхўрлигимиз шарофати билангина гуллаб-яшнаяптилар, шунга қарамай улар шу қадар уятсиз бўлиб кетганларки, ҳатто бизларга буйруқ бермоқчи бўладилар. Уларнинг бундай қилиқларига фақат ачиниш мумкин! Агар Курулар сулоласининг аъзолари - Бхишма, Дрона-чарйа ва Аржун - рухсат бермаса, бу дунёда ҳеч ким бирор нарса билан лаззатлана олмайди. Худди ёнида арслон турганида кўзичоқ ҳаётда лаззатланиб яшай олмагани сингари, агар бизлар истамасак, ҳатто жаннатдаги шоҳ Индра бошлиқ фаришталар ҳам лаззатланиб яшай олмайдилар, оддий одамлар ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади!"

Аслини олганда Курулар сулоласининг аъзолари ўзларининг мол-дунёси, салтанати, обрўси, оилавий урф-одатлари, буюк жангчилари, оила аъзолари ва чексиз бепоён давлати билан ҳаддан ташқари мағрурланиб кетган эдилар. Улар ҳатто маданиятли жамиятда ўрнатилган ахлоқ-одоб қоидаларига ҳам риоя қилмасдилар, Парвардигор Балорамнинг олдида Йадавалар сулоласи ҳақида шундай ҳақоратли гапларни гапирардилар. Ана шундай ҳурмат-эҳтиромсиз оҳангда гапириб улар Хастинапурга қайтиб кетдилар.

Парвардигор Балорам уларнинг бундай ҳақоратларини чидам билан тинглаб, уларнинг ўзига ярашмайдиган бундай хулқ-атворини шунчаки индамасдан кузатиб турди. Ғазаби қайнаб, улардан қандай қасос олиш ҳақида ўйлаб тургани Балорамнинг юзидан яққол сезилиб турарди. Қаттиқ жаҳли чиққани Унинг юзидан шу қадар билиниб турардики, Унинг юзига тик қараб бўлмасди. Кейин У бирданига қаттиқ кулиб юборди ва шундай деди: "Ҳақиқатан ҳам, агар одам ўзининг оиласи, бойлиги, гўзаллиги ва моддий жихатдан гуллаб-яшнаётганлиги билан ҳаддан ташқари мағрурланиб кетса, тинчгина яшагиси келмай қолади ва бошқаларга қарши ҳужум уюштира бошлайди. Ундай одамларга бирор яхши насиҳат бериб ўтиришининг, камтарин бўлиш ҳақида, тинчгина яшашнинг афзаллиги ҳақида гапиришнинг мутлақо фойдаси йўқ. Шунинг учун, фақат уни жазолаш йўллари излаш керак". Одатда ҳаддан ташқари моддий бойликка эга бўлиш, мол-дунё одамни ҳайвонга ўхшатиб қўяди. Ҳайвонга, ҳайвонсифат одамга яхши насиҳат беришнинг фойдаси йўқ, унга қарши фақат куч ишлатиш керак. Бошқача қилиб айтганда, ҳайвонларни жиловлаб олишнинг ягона воситаси - калтак. Қаранглар-а, бу Курулар қанчалик маҳмадона бўлиб кетган! Йадавалар сулоласининг бошқа аъзолари, шу жумладан Парвардигор Кришнанинг ҳам қаттиқ ғабланганига қарамай, Мен бу ишни тинчлик билан ҳал қилмоқчи эдим. Бошқалар аллақачон Курулар салтанатига қарши қўшин тортиб келмоқчи эдилар, лекин Мен уларни тинчлантириб, бу можарони тинч йўл билан ҳал қилиш учун бу ерга келиб юрибман-а! Шунга қарамай бу ярамаслар ўзларини бунчалик катта тутяптилар! Улар бу можарони тинч йўл билан ҳал қилишни истамаётгани, албатта ўзаро уруш чиқаришга интилаётгани аниқ-равшан кўриниб турибди. Ўзларининг мағрурлиги билан улар Йадавалар сулоласини ҳам, Мени ҳам ҳақорат қилдилар.

Ҳатто осмон шоҳи Индра ҳам Йадавалар сулоласининг амрига бўйсундилар, сизлар бўлса Бходжа, Вришни, Андхака ва Йадулар сулоласининг сардори бўлган шоҳ Уграсенани кичкина бир қабила сардори деб ҳисоблайсизлар! Сизларнинг бундай хулосага келишингиз кишини лол қолдиради. Амрига ҳатто осмон шоҳи Индра ҳам бўйсундиган шоҳ Уграсена сизлар учун ҳеч гап эмасми? Йадавалар сулоласининг улуғвор мартабаси ҳақида бир ўйлаб кўринглар. Улар жаннатдан мажлислар саройини ва париджата гул дарахтини куч билан тортиб олиб ер сайёрасига олиб келдилар, шунга қарамай сизлар Йадаваларнинг сизларга буйруқ беришга ҳаққи йўқ деб ҳисоблайсизлар. Нима, сизлар Худонинг Олий Шаҳси Парвардигор Кришна тахтда ўтириб ҳаммага Ўз ҳукмини ўтказишига рози эмасми-сизлар? Майли! Шундай ўйлар экансизлар, албатта сизларнинг яхшилаб таъзирингизни бериб

кўйиш керак. Сизлар "Йадавалар сулоласи чамара, елпиғич, оқ соябон, шоҳона тахт ва бошқа шоҳона анжомлардан фойдаланмаслиги керак" деган қарорга келдинглар. Демак, энди бутун борлиқнинг Хукмдори, равнақ фариштасининг эри бўлган Парвардигор Кришна ҳам бундай шоҳона анжомлардан фойдалана олмайдами? Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидаги гардларга хатто буюк фаришталар сажда қиладилар. Муқаддас Ганга сувлари бутун олам бўйлаб оқади, ана шу дарё Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан бошлангани учун унинг қирғоқлари ҳамма сажда қиладиган зиёратгоҳга айланган. Барча сайёраларнинг асосий ҳукмрон Илоҳлари Унга хизмат қилиш билан машғул бўлиб яшайдилар ва Кришнанинг нилуфар қадамлари пойининг гарди тожларига текканидан ўзларини оламдаги энг омадли зотлар деб биладилар. Тангри Брахма ва Тангри Шива сингари буюк фаришталар, хатто равнақ фариштаси ҳам, худди Мен сингари Унинг руҳий тимсолининг тўла намоён бўлган қиёфаларимиз, шунга қарамай сизлар У шоҳона анжомлардан фойдаланишга, хатто шоҳона тахтиравонда ўтиришга муносиб эмас деб ҳисоблайсизларми? Афсуски, бу аҳмоқларнинг бизларни, яъни Йаду сулоласининг аъзоларини оёқ кийими деб, ўзларини эса тож деб ҳисоблаши жуда ачинарли. Дунёвий ўткинчи моддий бойлиқлар Куруларнинг бу сардорларини бутунлай ақлдан оздириб қўйгани энди кундай аниқ-равшан бўлди. Улар айтаётган гапларнинг ҳаммаси аҳмоқона гаплар эди. Мен ҳозирок уларнинг яхшилаб таъзирини беришим ва ақлини жойига киритиб қўйишим керак. Агар Мен ҳозир уларга қарши бирор чора кўрмасам яхши иш қилмаган бўламан. Шунинг учун Мен шу бугуноқ Курулар сулоласини ер билан яксон қиламан. Мен ҳозирок уларни гумдон қиламан!"

Парвардигор Балорам бу гапларни шу қадар ғазаб билан айтдики, вазоҳатидан гўё У бутун борлиқнинг кулини кўкка совурмоқчидай кўринарди. У оёқларини кенг қўйиб мустаҳкам туриб олдида, қўлига кундасини олиб, уни зарб билан ерга урди. Унинг зарбидан бутун Хастинапур шаҳри Ердан ажралиб чиқди. Кейин Парвардигор Балорам шаҳарни Ганганинг тошқин сувлари томон судрай бошлади. Бундан бутун Хастинапур шаҳри худди кучли зилзила бўлгандай, бутун шаҳар парчаланиб кетаётгандай бўлиб титрай бошлади.

Курулар сулоласининг аъзолари шаҳар дарё сувига ғарқ бўлишига оз қолганини кўриб, аҳолининг саросима ичида шовқин-сурон қилаётганини эшитиб, шу заҳотиёқ ҳушига келдилар ва нималар бўлаётганини дарров тушундилар. Улар бир пасда Лакшманани олиб келдилар. Дарров уни куч билан олиб кетган Самбани зиндондан озод қилиб, Лакшмананинг олдига келтирдилар. Курулар сулоласининг ҳамма аъзолари камтарона қўл қовуштириб Парвардигор Балорам олдида бош эгиб, Худонинг Олий Шах-

сидан кечирим сўраб илтижо қила бошладилар. Ниҳоят улар соғлом фикр юрита бошладилар ва шундай дедилар: "Эй Парвардигор Балорам, Сен - барча лаззатлар манбаисан. Сен бутун космик оламнинг мавжудлигини таъминлаб турасан. Бахтга қарши бизларнинг бирортаминиз Сенинг англаб бўлмас кудратингни билмай қолибмиз. Эй азиз Худойим, Сендан илтижо қилиб сўраймиз, бизларни энг ғофил одамларнинг нодони деб бил. Бизлар бутунлай ақлдан озган эдик. Бизлар Сендан кечирим сўраш учун келдик. Илтимос, бизларни кечир! Сен бутун борлиқни яратадиган, унинг мавжудлигини таъминлаб турадиган ва вақти келганда яксон қиладиган кудратли Зотсан, лекин шунга қарамай Сен ҳамшиша илоҳий ҳолатда қолаверасан. Эй ҳар нарсага қодир бўлган кудратли Парвардигор, буюк донишмандлар фақат Сен ҳақингда гапириб юрадилар. Бизлар барчамиз - шунчаки Сенинг қўлингдаги кўғирчоқлармиз. Сен эса ипидан тортиб шу кўғирчоқларни ҳар хил рақсга ўйнатадиган Зотсан. Эй кудрати чексиз Парвардигор, Сен бутун оламнинг эгасисан, барча сайёралар тизимини бошингда кўтариб туриш - Сен учун шунчаки бир эрмак, холос. Охир-замон вақти келганда Сен бутун боролиқни ичинга тортиб оласан. Шунда Сабаблар уммонида Маха-Вишну қиёфасида ётадиган Ўзингдан бошқа ҳеч нарса қолмайди. Эй азиз Худойим, Сен Ўзингнинг илоҳий қиёфангда ер юзига бутун космик борлиқни қўллаб-қувватлаш учун ташриф буюргансан. Сен ғазаб, ҳасад ва нафрат сингари туйғулардан устун турасан. Сенинг қилаётган ҳар бир ишинг - хатто жазолаш кўринишида ҳам, бутун моддий олам учун фақат бахт-саодат келтиради. Бизлар Сенинг олдингда чуқур эҳтиром билан бош эгамиз, чунки Сен - барча комил сифатлар ва кудратлар соҳиби бўлган мангу Парвардигорсан. Эй сон-саноксиз коинотларни яратувчи Парвардигор, Сенинг олдингда такрор ва такрор эҳтиром билан бош эгишга, сажда қилиб йиқилишимизга руҳсат бер. Энди бизлар ўз ихтиёримизни бутунлай Сенга топширдик. Шунинг учун Сендан илтижо қиламиз, бизларга раҳминг келсин, бизларни ҳам Ўз ҳимоянг остига ол!"

Курулар сулоласининг Бхишмадевадан то Аржун ва Дурёдхонгача бўлган барча машҳур аъзолари шундай эҳтиром билан сажда қилиб илтижо қилгандан кейин, Худонинг Олий Шаҳси Парвардигор Балорам жаҳлидан тушди ва уларни энди ҳеч нарсдан қўрқмаса ҳам, ташвишланмаса ҳам бўлишига ишонтирди.

Шоҳ-қшатрийларнинг урф-одатида никоҳ тўйи олдида куёв ва келин томон ўртасида жанг уюштириш одати бор эди. Аслида Самба Лакшманани куч билан олиб кетганидан, у ҳақиқатан ҳам Лакшманага муносиб куёв эканидан Курулар сулоласининг аъзолари хурсанд бўлган эдилар. Лекин, унинг кучи қандайлигини синаб кўриш учун улар унга қарши жанг қилган, ҳеч қандай жанг қоидаларига риоя қилмай, биргалашиб уни

асир олган эдилар. Йадавалар сулоласи Самбани Курулар туткунлигидан озод қилишни истаганида, бу ишни хал қилиш учун Парвардигор Балорамнинг Ўзи келган, қудратли қшатрий бўлгани учун дарҳол Самбани озод қилишни талаб қилган эди. Курулар Унинг бу буйруғидан биров ғазабланган, шунинг учун Парвардигор Балорамга қарши чиққан эдилар. Улар шунчаки Парвардигор Балорам Ўзининг илоҳий қудратини қандай намоён қилишини томоша қилмоқчи бўлган эдилар. Энди эса улар чуқур мамнуният билан Дурйодхоннинг кизини Самбага берган, шу билан бу можаро тинчлик билан хал бўлган эди. Қизига қаттиқ боғланиб қолган Дурйодхон кизи ва Самба учун катта тантана билан никоҳ маросими ўтказди. Қизининг сепи сифатида у аввало бир минг икки юз фил берди, уларнинг ҳар бири камида олтмиш ёшда эди; яна у ўн минг чиройли от, қуёшдай порлаб турган олти минг жанг араваси ва олтин тақинчоклар билан безанган минг канизак берди. Йадавалар сулоласининг энг машҳур намоёндаси Парвардигор Балорам куёв Самбанинг ҳомийси ўрнида бу сепларни ҳурмат билан қабул қилиб олди. Курулар кўрсатаётган бундай илтифотдан Парвардигор Балорам жуда мамнун бўлди. Янги келин-куёвлар билан бирга Ўзининг пойтахт шаҳри Дваракага йўл олди.

Парвардигор Балорам ғалаба билан Дваракага кириб борди, бу ерда Уни сон-саноксиз бхакталари ва дўстлари кутиб олди. Уларнинг ҳаммаси тўплангандан кейин Парвардигор Балорам уларга бўлиб ўтган воқеалар ҳақида гапириб берди. Улар Парвардигор Балорамнинг Хастинапур шаҳрини жойидан қимирлатгани ҳақида эшитиб ҳайратга тушдилар. Шукадева Госвами ҳам тасдиқлайдики, Хастинапурниг аввалги жойи ўрнида ҳозир Нрю-Дели шаҳри турибди, шаҳар ичидан оқиб ўтадиган дарё эса Йамуна деб аталади, ўша даврда эса бу дарёни Ганга деб атардилар. Жива Госвами сингари мўътабар зотларнинг тасдиқлашига кўра, Ганга билан Йамуна аслида ҳар хил ўзанлардан оқадиган битта дарёнинг ўзи. Ганганинг Хастинапур орқали то Вриндавангача оқиб борадиган қисми Йамуна деб аталади, чунки уни Парвардигор Кришнанинг илоҳий эрмаклари поклаб муқаддас қилган. Хастинапурнинг Йамуна қирғоғига тушиб борадиган қисми ҳар йили ёмғир палласида сув остида қолиб, одамларга ҳозир ҳам Парвардигор Балорамнинг шаҳарни бир пайтлар Ганга сувларига фарқ қилмоқчи бўлганини эслатиб туради.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Самбанинг уйланиши" деб аталадиган олтмиш еттинчи бобида Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.

68. Буюк донишманд Нарада Мунининг Парвардигор Кришнанинг саройларида меҳмон бўлиши

Буюк донишманд Нарада Муни Парвардигор Кришнанинг кўплар Бхаумасура деб ҳам чақирадиган иблис Наракасурани ўлдиргандан кейин унинг саройида қамалиб ётган ўн олти минг маликанинг ҳаммасига уйлангани ҳақида эшитиб қолди. У Парвардигор Кришна Ўзини ўн олти минг киёфада кўпайтириб, бир вақтнинг ўзида ўн олти минг саройда ана шу маликаларга уйланганини эшитиб ҳайратга тушди. Шунча хотин билан биргалликда Кришнанинг оилавий ҳаёти қандай кечаётгани ҳақида яхшироқ билиб олиш учун Нарада Муни Кришна маликалар билан оилада вақтини қандай ўтказаятганини кўриш ниятида Унинг саройларида меҳмон бўлиш учун йўл олди. Нарада Муни Дваракага етиб келганида бу ерда гулзорлар гулларга қийғос очилган чиройли гулларга, боғлар эса ҳосилининг оғирлигидан шохлари эгилиб турган дарахтларга тўла эканини кўрди. Чиройли қушлар дарахт шохаларида ёқимли хониш қилар, товуслар гуркиллаб виқор билан салобатли айланиб юрарди. Бу ерда кўк ва қизғиш нилуфар гулларига тўла ҳовуз ва булоқлар кўп бўлиб, уларнинг баъзиларида чиройли лайло гуллари ўсарди. Кўлларда овози ҳамма жойда эшитилиб турган оққуш ва лайлақлар сузиб юрарди. Шаҳарда кам эмас, кўп эмас тўққиз юз минг ажойиб сарой бўлиб, улар энг яхши мрамар тошдан солинган, эшик ва дарвозалари кумушдан қуйилган эди. Уй ва саройларнинг устунлари қимматбаҳо тошлар - фалсафа тоши, сапфир ва зумрадлар билан безатилган, поллар эса ярқираб турарди. Йўллар, кўчалар, хиёбонлар, чорраҳалар ва бозорлар - ҳаммаси чиройли қилиб безатилган эди. Шаҳарди чиройли уйлар, мажлис заллари, эҳромлар кўп бўлиб, уларнинг ҳаммаси ўзига хос услубда қурилган эди буларнинг ҳаммаси Дварака шаҳрини жуда ғаройиб қилиб кўрсатарди. Кенг кўчалар, йўллар, чорраҳалар ва ҳар бир хонадон атрофи озодаликдан ярқираб турарди. Ҳар бир йўлнинг икки томонида қалин буталар ўсиб турар, оралари бир хилда тенг бўлган катта-катта дарахтлар қуёш нурлари йўловчиларга халақит бермаслиги учун йўл устига ола соя ташлаб турарди.

Мана шу ғайритабиий гўзал шаҳарда Худонинг Олий Шаҳси Парвардигор Кришнанинг кўплаган саройлари бор эди. Унга сиғиниш учун шох ва шахзодалар бутун оламдан шу ерга, Унинг олдига келардилар. Бу саройларнинг ҳаммаси фаришталарнинг меъмори Вишвакарманнинг лойиҳаси асосида қурилган бўлиб, бунинг учун у ўзининг бутун меъморлик санъатини, маҳорати ва иқтидорини ишга солган эди. Саройлар сони ўн олти мингдан ортиқ бўлиб, ҳар бир малика алоҳида ўзининг саройида яшарди.

Буюк донишманд Нарада Муни ана шу саройлардан биттасига кириб келди. У сарой устунлари кораллдан қурилган, шиплар кимматбаҳо тошлар билан безатилган эканини кўрди. Деворлар, устунлар орасидаги аркаларда ҳар турли сапфир тошлари яркираб турарди. Саройнинг ҳамма жойида Вишвакарма ясаган, марвариддан тўкилган соябон(балдахин)лар осилиб турарди. Хоналардаги ўтиргич ва бошқа жиҳозлар фил суягидан ясалган бўлиб, олтин ва бриллиантдан нақш берилган эди. Қимматбаҳо тошларга кўмилган чирокдонлар саройни ёритиб турарди. Бу ерда шунча кўп мушк-амбар ва муаттар ҳидли суюкликлар ёқилар эдики, уларнинг тутуни ҳар бир деразадан ташқарига чиқиб турарди. Бу тутунларни ҳовлидаги зиналарда ўтирган товуслар булутга ўхшатиб, тезроқ ёмғир бўлишидан қувониб, рақсга туша бошлардилар. Бу ерда жуда кўплаган канизаклар бўлиб, уларнинг ҳар бири олтин маржонлар, билагузуклар билан безаниб, чиройли сарилар кийиб олган эди. Бундан ташқари саройда чиройли кийинган, бошларига салла ўраб, қулоқларига сирға осиб олган хизматкорлар ҳам кўп эди. Бу чиройли ва ораста хизматкорлар ҳар хил ишлар билан банд бўлиб юрардилар.

Нарада Муни сарой ичкарасига кириб, қўлларига чамара ушлаб олган Рукмини-деви билан бирга ўтиргани Парвардигор Кришнани кўрди. Бу ишни бажаришга муносиб бўлган бир неча минг чиройли ва ўзи билан тенг ёшдаги канизаклари бўлишига қарамай, Парвардигор Кришнани Рукмини-девининг шахсан ўзи елпиб ўтирарди. Кришна - ҳатто буюк донишманд Нарада Муни ҳам сажда қилиб сиғинадиган Худонинг Олий Шахси, лекин шунга қарамай, саройга кириб келган Нарада Мунига кўзи тушиши билан У Нарада Мунига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш учун Рукмини билан бирга ўтирган жойидан сакраб турди. Парвардигор Кришна - бутун олам аҳлининг руҳий устози, Нарада Мунига ўхшаган мўътабар, табаррук зотларни қандай эъзозлаш кераклигини бутун олам аҳлига кўрсатиш учун Кришна Нарада Муни олдида бошидаги тожини ерга теккизиб сажда қилди. У сажда қилиш билан бирга Нарада Мунининг оёқларига қўлини теккизди, қўлларини кўксига кўйиб, ундан аввал Ўзи ўтирган жойга ўтиришни илтимос қилди. Парвардигор Кришна - ҳамма бхакталар сажда қиладиган ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахси. У - ҳар кимнинг энг севимли руҳий устози. Унинг оёқларидан оқадиган муқаддас Ганга сувлари бутун уч олам аҳлини поклайди. Барча муносиб брахманлар Унга сажда қилиб сиғинадилар, шунинг учун ҳам Уни *брахманья-дева* деб атайдилар.

Брахманья ибораси брахманларга хос бўлган барча эзгу фазилатларга эга бўлишни англатади. Бу фазилатлар қуйидагилар: ростгўйлик, ўзини тута билиш, поклик, ҳиссиётини жиловлай олиш, соддалик, мукаммал илмга эга бўлиб уни амалда

қўллаш билиш, Худога садоқат билан хизмат қилиш. Парвардигор Кришнанинг Ўзи мана шу фазилатларнинг ҳаммасига мукаммал эга, шу боис фақат ана шундай сифатларга эга бўлган одамгина Унга бевосита хизмат қила олади. Парвардигор Кришнанинг минглаган, миллионлаган номлари бор - *Вишну-сахасра-нама* - уларнинг ҳар бири Унинг илоҳий сифатларидан бирини таърифлайди.

Парвардигор Кришна Дваракада комил инсон сифатида ҳар хил эрмаклар билан лаззатланиб яшарди. Шунинг учун, Кришна ўзининг оёқларини ювиб, шу сувни бошига сепганида, аслида Парвардигор бу ишларни бошқа одамларга табаррук авлиё зотларга қандай ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш кераклигини ўргатиш учун қилаётганини билиб, Нарада Муни Унга қаршилиқ кўрсатмади. Худонинг Олий Шахси, бошланғич Нарайана ва барча тирик мавжудотларнинг мангу дўсти бўлган Парвардигор Кришна Ведавий муқаддас китобларнинг қонунқоидалари асосида буюк донишманд Нарада Мунига ана шундай ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. Нарада Мунига шарбат тўла ширин, мулойим сўзлар билан мурожаат қилиб, уни бхагаван, яъни "илм, боғланмаслик, куч, шон-шухрат, гўзаллик ва бошқа фазилатларга мукаммал эга бўлган ўзига тўла-бутун зот" деб атади. Кейин У Нарада Мунидан: "Сени мамнун қилиш учун қандай хизмат қилишим мумкин?" - деб сўради.

Нарада Муни шундай деди: "Эй азиз Худойим, Сен Ўзингни бундай тутишинг ҳечам ажабланарли эмас, чунки Сен - Худонинг Олий Шахси ҳамда барча тирик мавжудотларнинг ягона Ҳукмдорисан. Сен - ҳар бир тирик мавжудотнинг энг яқин дўстисан, айна пайтда Сен - ҳасадгўй ва имонсиз одамларнинг ашаддий душманисан. Биламанки, Сен бутун моддий оламнинг тартибини сақлаш учун бу сайёрага ташриф буюргансан. Шунинг учун Сени бу ерга келишга бошқа бирор сабаб мажбур қилмаган. Сен фақат Ўз хоҳишинг билан бу оламга келасан, Ўз хоҳишинг билан кетасан. Менга бугун чексиз омад кулиб боқди, чунки мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойини кўришга муваффақ бўлдим. Сенинг нилуфар қадамларинг пойига боғланган ҳар қандай одам моддий оламга боғланмасликнинг энг юқори поғонасига кўтарилади ва моддий табиат гуналарининг иллатли таъсиридан бутунлай халос бўлади. Эй азиз Худойим, Сен бепоёнсан; Сенинг комил сифатларининг чеги-поёни йўқ. Тангри Браҳма ва Тангри Шива сингари буюк фаришталар ҳамиша Сени ўз қалбининг тўрига жойлаб, Сен ҳақингда ўйлаб юрадилар. Ҳозир моддий оламнинг чуқур қудуғига тушиб қолган шартланган руҳлар фақат Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қилиш орқалигина мана шу мангу қамокдан озодликка чиқа оладилар. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, демек Сен - барча шартланган руҳларнинг ягона нажот маконисан. Эй азиз Худойим, Сен шунча-

лик меҳрибонсанки, мени мамнун қилиш учун нима қилишинг мумкинлигини сўраяпсан. Бунга жавобан мен Сендан шуни илтимос қиламан: шундай қилки, мен ҳеч қачон Сенинг нилуфар қадамларинг пойини эсимдан чиқармадиган бўлай. Қаерда бўлишимнинг аҳамияти йўқ, мен Сендан фақат бир нарсани тилайман - ҳамиша Сенинг нилуфар қадамларинг пойини эслаб юришимга рухсат бер".

Буюк донишманд Нарада Мунининг Парвардигор Кришнадан тилаган тилаги барча соф бхакталарнинг энг мукамал тилагидир. Соф бхакта ҳеч қачон Парвардигордан ҳеч қандай моддий ёки рухий тилак тиламайди, унинг ягона нияти, мақсади - ҳаётда қандай шароитга тушиб қолганидан катъий назар, ҳамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини эслаб юришдан иборат. Соф бхактани жаннатга ёки дўзахга тушиш ташвишга солмайди; у Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини эслаб юриш билан ҳамма жойда ўз ҳаётидан ҳамиша мамнун бўлиб яшайди. Ўзининг "Шикшаштака" асарида Парвардигор Чайтанйа ҳам содиқларни шунга ўргатган: менинг ягона истагим умрлар оша Худоба соф садоқат билан хизмат қилишдан иборат. Соф бхакта ҳатто туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқишга ҳам интилмайдди. Кейинги ҳаётда қандайдир ҳаёт шаклида дунёга келиши ҳам соф бхактини қизиқтирмайдди. Унинг ягона нияти - Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини ҳеч қачон, ҳар қандай вазиятда ҳам эсдан чиқармаслик.

Рукминининг саройидан чиқиб, Нарада Муни Парвардигор Кришнанинг ички қуввати йогамайянинг қандай ҳаракат қилишини кўргиси келди; шу боис у бошқа бир маликанинг саройига кирди. Бу ерда у Парвардигор Кришнани Ўзининг бошқа бир рафиқаси ва Уддхава билан биргаликда шахмат ўйнаб ўтирган ҳолда учратди. Парвардигор Кришна дарров ўрнидан сакраб туриб, Нарада Мунига хурмат-эҳтиром кўрсатиб, уни Ўзи ўтирган ўриндикка ўтиришга таклиф қилди. Парвардигор Кришна худди Рукминининг саройидагидай қилиб Нарада Мунини яна барча қонун-қоидалар асосида кутиб олди. Унга чуқур хурмат-эҳтиром кўрсатар экан, Парвардигор Кришна Ўзини гўё ҳозиргина Рукминининг саройида бўлиб ўтган ишлардан бутунлай беҳабардай тутарди. Шунинг учун У Нарада Мунига шундай деди: "Эй азиз донишманд, сен бу ерга ташриф буюрганингда ҳамиша ўзингдан ўзинг тўла мамнун бўлиб юрасан. Биз - оилали одамлар ҳамиша бирор нарсага муҳтож бўлиб юрамиз, сенга эса ҳеч кимнинг ёрдами керак эмас, чунки сен ҳамиша қалбингдан лаззатланиб юрасан. Шундай экан бизлар сени қандай кутиб олишимиз, сени мамнун қилиш учун қандай хизмат қилишимиз мумкин? Лекин барибир, сен - браҳман бўлганинг учун, ўз имконимизга яраша сенга бирор нарса таклиф қилиш - бизларнинг муқаддас бурчимиздир. Шунинг учун Мен сен-

дан илтимос қиламан, буюр, Мен сенга қандай хизмат қилай? Амрингга мунтазирман!"

Нарада Муни Парвардигорнинг оилавий ҳаётда қандай вақт ўтказиши ҳақида ҳамма нарсани билиб олмоқчи эди, шунинг учун бу ерда кўп ўтирмасдан, Парвардигорнинг қилаётган ишларидан хайратга тушиб, секин саройдан чиқиб кетди. Кейин у бошқа бир саройга кирди. Бу гал Нарада Муни Парвардигор меҳрибон ота сифатида Ўз фарзандларини эркалатиб, улар билан ўйнаб ўтирганини кўрди. Кейин у бошқа бир саройга кириб, Парвардигор Кришнани ювинишга ҳозирланиб турган ҳолда учратди. Шундай қилиб, Нарада Муни Парвардигор Кришнанинг ўн олти минг хотинининг ҳамма саройларига бирма-бир кириб чиқди. Уларнинг ҳар бирида у Парвардигор Кришна ҳар хил ишлар билан машғул бўлиб ўтирганини кўрарди.

Бир саройда у Парвардигор Кришна ведавий муқаддас китобларнинг оилавий одамлар учун мўлжалланган кўрсатмалари асосида қурбонлик маросими ўтказиб ўтирганини кўрди. Бошқа бир саройда Парвардигор Кришна оилали одам учун шарт бўлган *панча-йазйа* маросими ўтказиб ўтирарди. Бу қурбонлик маросимини *панча-шуна* деб ҳам атайдилар. Ҳар бир одам, айниқса оилали одамлар ҳаётда ўзлари истамаган ҳолда беш турли гуноҳ ишлар қилиб кўйишга мажбур бўладилар. Бизлар кўзадан сув ичаётганда ўзимиз билмаган ҳолда ундаги кўзга-кўринмайдиган жуда кўп ҳашаротларни ўлдираемиз, худди шундай овқат пишираётганда, бирор нарсани эзаётганда ҳам шундай бўлади. Уйни супураётиб ёки ўт ёқаётиб, биз ўзимиз билмаган ҳолда жуда кўп тирик мавжудотларни ўлдириб кўямиз, кўчада юрганда ҳам жуда кўп ҳашаротларни босиб ўлдираемиз. Биз ҳаракат қилиб яшар эканмиз, ҳамиша онгли ёки онгсиз равишда жуда кўп тирик мавжудотларнинг ўлимига сабабчи бўламиз. Шу боис, ҳар бир оилали одам ана шундай гуноҳлари оқибатидан халос бўлиши учун *панча-шуна* қурбонлик маросими ўтказиб туриши лозим.

Бир саройда Парвардигор Кришна қурбонлик маросими ўтказиб бўлиб браҳманни ширин таомлар билан меҳмон қиларди. Бошқа саройда У жим ўтирган ҳолда *гайатри* мантрасини зикр қилиб ўтирар, яна бир саройда қилич ва қалқон ишлатишда машқ қиларди. Бошқа саройларда Парвардигор Кришнани отда, филда ёки жанг аравасида юрган ҳолларида учратиш мумкин эди. Бир саройда Нарада Муни Парвардигор Кришнани каравотда ҳордиқ чиқариб ётган ҳолда учратди, яна бир саройда юмшоқ ўриндикда ўтирган ҳолда Ўз бхакталарининг илтижоларини ва олқишларини тинглаб ўтирарди. Бошқа бир саройда У Ўзининг Уддхава сингари маслаҳатчилари ва бошқа одамлар билан биргаликда ҳар хил муҳим ишларни муҳокама қилиб ўтирарди. Бошқа бир саройда эса Парвардигор Кришнани бир неча чиройли кизлар билан

ховузда чўмилиб лаззатланиб юрганини кўриш мумкин эди. Бошқа бир саройда У қимматбахо тақинчоқлар билан безатилган чиройли сигирларни брахманларга садақа қилиб бераётган, яна бир саройда У Пураналарни ёки "Махобҳорат" сингари бошқа муқаддас китобларни тинглаётган бўларди. Бундай муқаддас китоблар оддий инсонларга Мутлақ Ҳақиқат ҳақида Ведаларнинг мукамал илмини етказишга мўлжалланган, коинот тарихидаги муҳим воқеалар ҳақидаги ҳикоялардан тузилган асарлардир. Бошқа бир саройда Парвардигор Кришна ўзининг шу саройда яшайдиган хотини билан ҳазиллашиб, қулишиб ўтирганини кўриш мумкин эди. Бошқа бир жойда хотини билан биргаликда Ўзининг диний бурчларини бажараётган бўларди. Оилали одам оила эҳтиёжларига жуда кўп пул сарфлашга мажбур бўлгани туфайли у ҳамиша ўз даромадини ошириб бориши лозим, шу боис бошқа бир саройда У Ўзининг даромад ва харажатларини ҳисоблаб ўтирган эди. Яна бир саройда У муқаддас китобларда кўрсатилган қонунқоидалар асосида оилавий ҳаётдан лаззатланаётган бўларди.

Бошқа бир саройда Парвардигор Кришна, гўё ақлини бутунлай моддий оламдан ташқарида бўлган Худонинг Олий Шахсида мужассам қилаётгандай, чуқур муроқабага берилиб ўтирарди. Муқаддас китобларда кўрсатилгани бўйича муроқаба аслида инсон ўзининг ақлини, фикру-хаёлини Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Вишнуда мужассам қилиши учун мўлжалланган. Парвардигор Кришнанинг Ўзи - бошланғич Парвардигор Вишну, лекин У ҳозир моддий оламда оддий инсон ролини ўйнаб юргани учун бизларга муроқаба қилиш қандай бўлишини Ўзи бевосита муроқаба қилиш билан кўрсатиб бераётган эди. Бошқа бир саройда Парвардигор Кришна ҳар хил зарур анжомлар тақдим этиб, ёши Ўзидан катта ва мўътабар зотларни мамнун қилаётганини кўриш мумкин эди. Яна бир саройда Нарада Муни Парвардигор Кришнани бўлғуси жанг ҳақида бошқалар билан суҳбатлашиб ўтирганини, яна бир жойда эса, рақиби билан тинчлик битими тузиб ўтирган ҳолда учратди. Яна бир саройда Парвардигор Кришна акаси Парвардигор Балоррам билан бутун инсоният учун энг эзгу фаолият нимадан иборат эканини муҳокама қилиб ўтирарди. Бошқа бир саройда Парвардигор Кришна муносиб келинлар танлаб, ўғилларини уйлантираётган, муносиб куёвлар топиб қизларини эрга бераётган ва уларга катта тантана билан никоҳ тўйлари ўтказиб бераётган эди. Бир саройда Нарада Муни Парвардигор Кришнани қизи билан хайрлашиб қолаётганда, яна бир саройда эса янги келинни кутиб олаётган пайтда учратди. Бундай катта тантаналарни кўриб бутун шаҳар аҳолиси хайратга тушарди.

Яна бир жойда Парвардигор Кришна Худонинг Олий Шахсининг ҳар хил сифатларини на-

моён этувчи зотлар бўлган фаришталарни мамнун қилиш учун қурбонлик маросими ўтказайётган бўларди. Бошқа бир жойда у йўловчилар учун қудуқ қазиб, уйлар қуриб, боғроғлар яратиб, катта қарвонсаройлар қуриб, авлиё зотлар учун эҳромлар қуриб хайр-саховатли ишлар қилиб юрган эди. Оилали одамларнинг барча моддий истаклари рўёбга чиқиши учун Ведаларда уларнинг қилиши шарт деб кўрсатилган ишларнинг баъзилари ана шулардан иборат. Бошқа бир жойда шох-қшатрий бўлган Парвардигор Кришнани ов қилиб юрган ёки чиройли *синдха* деган отда чопиб юрганини кўриш мумкин эди. Ведавий муқаддас китобларда шох-қшатрийларга маълум пайтларда, ўрмонда осойишталикни сақлаб туриш ёки ҳайвонларни муқаддас оловга қурбонлик сифатида эҳсон қилиш учун баъзи бир йиртқич ҳайвонларни ўлдириш рухсат этилади. Қшатрийларга ўлдириш санъати билан шуғулланиш рухсат этилади, чунки улар жамият тинчлигини таъминлаш учун ўз бурчини бажариш жараёнида халқ душманларини шафқатсиз ўлдиришлари керак бўлади. Саройларнинг бирида Нарада Муни Худонинг Олий Шахси, барча сеҳр қудратининг ҳукмдори бўлган Парвардигор Кришнани фуқароларнинг кайфиятини яхши тушуниб олиш ниятида Ўзининг шоҳона либосларини ўзгартириб, шаҳар ва саройларда фуқароларнинг кундалик ишларини пинҳон кузатиб айланиб юрган ҳолда учратди.

Нарада Муни барча тирик мавжудотларнинг қалбидаги Олий Рух бўлган Парвардигор Ўзининг ички қувватининг ҳаракатини намоён этиш ниятида бу дунёда оддий инсон ролини ўйнаб юрган мана шу эрмакларининг ҳаммасини ўз кўзи билан кўрди. Мийиғида қулиб туриб, Нарада Муни Парвардигорга шундай сўзлар билан муурожаат қилди: "Эй азиз Худойим, эй барча сеҳр қудратининг ҳукмдори, эй барча буюк сеҳргарлар мууроқаба қиладиган илоҳий Зот, ҳатто Тангри Браҳма ва Тангри Шива сингари буюк сеҳргарлар ҳам Сенинг сеҳр қудратинг қанчалик бепоён эканини англаб етолмайдилар. Лекин ҳамиша Сенинг нилуфар қадамларинг пойига муҳаббат билан хизмат қилиб юрганим туфайли Сен менга чексиз марҳамат кўрсатиб, Ўзингнинг ички қувватинг ўзини қандай намоён этишини, қандай ҳаракат қилишини кўз олдимда намоёиш этдинг. Эй азиз Худойим, Сенга ҳамма сажда қилади, фаришталар ҳам, барча ўн тўрт оламдаги сайёраларни бошқариб турган Илоҳлар ҳам Сенинг илоҳий шухратингни мукамал англаб етганлар. Илтимос, мени шундай дуо қилки, мен Сенинг илоҳий қароматларингни шарафлаб қуйлаб, ҳамиша барча сайёралар бўйлаб сайр қилиб юрай!"

Худонинг Олий Шахси Нарада Мунига шундай жавоб берди: "Азизим Нарада Муни, эй фаришталар орасида донишманд зот, ўзинг биласанки, Мен - Олий устозман, Мен ўзим ўрнатган

барча диний қоидаларга тўла риоя қилиб яшайман. Шунинг учун Мен бутун олам аҳлини бу дунёда қандай яшаш лозимлигига ўргатиш мақсадида диний урф-одатларга мос келадиган бундай ишларни Ўзим амалга ошириб юрибман. Азизим Нарада Муни, Менинг ички қувватимнинг намоён бўлган бундай кўринишлари сени алдаб, йўлдан адаштириб қўймаслигини истайман".

Бу моддий оламда тутқун бўлиб қолишга қаттиқ боғланган бўлишига қарамай оддий одамларни ҳаётда қандай қилиб ўзларининг оилавий турмушини руҳий поғонага кўтара олишлари мумкинлигига ўргатиш ниятида Парвардигорнинг шахсан Ўзи оилавий ишлар билан машғул бўлиб юрган эди. Аслида оилавий ҳаёт инсонни моддий олам зиндонида ушлаб туради. Аммо Парвардигор оилавий одамларга ҳам жуда меҳрибон бўлгани туфайли уларга инсон ҳатто одатдаги оилавий ҳаётни ҳам қандай қилиб руҳий поғонага кўтара олиши мумкинлигини амалда кўрсатиб берди. Кришна ҳар қандай фаолиятнинг манбаи, маркази бўлгани учун бу дунёда Кришна онги билан оилавий ҳаёт кечириб ҳам ведавий муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига нисбатан илоҳий бўлиб, бундай фаолият ўзининг табиатига кўра руҳий фаолият ҳисобланади.

Шундай қилиб, Нарада Муни Парвардигор Кришнанинг қандай қилиб битта Ўзи Ўзининг тўла намоён бўлган қиёфалари воситасида бир вақтнинг ўзида ўн олти минг саройда ҳам яшаганини кўрди. Унинг англаб бўлмас қуввати шарофати билан Уни ҳар бир маликанинг саройида кўриш мумкин эди. Парвардигор Кришна чексиз кудратга эга, Парвардигор Кришнанинг ички қувватининг бу дунёда намоён этаётган ҳаракатларини кўрган Нарада Муни бундан қаттиқ таажжубга тушган эди. Парвардигор Кришна Ўзини худди бу оламдаги маданий ҳаётнинг тўрт устунига - такводорлик(дхарма), моддий фаровонлик(артха), ҳиссий лаззатланиш(кама) ва руҳий озодликка чиқиш(мокша)га қаттиқ боғланиб қолгандай тутарди. Инсонлар жамияти руҳий юксалиш йўлидан юксала бориши учун моддий ҳаётни ҳаракатга келтириб турувчи мана шу тўрт устун албатта керак бўлади, гарчи Парвардигор Кришна руҳий юксалишга муҳтож бўлмаса ҳам, одамлар ўз манфаати учун Ундан ўрнак олиб яшашлари учун уларга бу дунёга инсон қиёфасида келганида инсон ҳаётда Ўз бурчини қандай бажариб яшашини намоёиш этарди. Парвардигор Кришна Ўзининг ички қувватининг ҳаракатини намоёиш этиш билан Нарада Муни тўла мамнун қилди. Парвардигор Кришнанинг Дваракадаги ҳар хил машғулотларини кўриб тўла мамнуният ҳосил қилган Нарада Муни шаҳарни тарк этди.

Парвардигор Кришнанинг Дваракадаги машғулотлари ҳақида гапирар экан, Шукадева Госвами Худонинг Олий Шаҳси, Парвардигор

Кришна Ўзининг ички қуввати ёрдамида қандай қилиб бу моддий оламга тушиши ва ҳаётнинг якуний олий мақсадига эришиш учун қайси қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаш кераклигини кўрсатиб бериши ҳақида Махараж Парикшитга тушунтириб берди. Дваракадаги ўн олти мингдан ортиқ маликаларнинг ҳар бири турли хизматлар қилиб, нозу-қарашмалар билан табассум қилиб, Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш учун ўзларининг бутун аёллик санъатини ишга солар, Парвардигор эса улар билан комил эр сифатида оилавий ҳаёт эрмакларидан лаззатланиб яшашдан жуда мамнун эди. Парвардигор Кришнадан бошқа ҳеч ким мана шундай илоҳий лаззатга ғарқ бўлиб оилавий ҳаёт кечира олишга қодир эмаслигини инсон яхши тушуниб олиши керак. Парвардигор Кришна бутун борлиқнинг яралиш, мавжуд бўлиб туриш ва яқсон бўлишининг бошланғич сабабчиси. Парвардигор Кришнанинг Дваракадаги эрмаклари ҳақидаги мана шу ҳикояни диққат билан тинглаган ёки одамларга ҳаётда Кришна онги билан яшаш илмини ўргатиб юрган содиқни қўллаб-қувватлаган ҳар бир одам албатта осонлик билан руҳий озодликка чиқиш йўлини охиригача босиб ўтади ва Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи лаззатидан татиб кўради. Шунда у ўзининг бутун ҳаётини Худога соф садоқат билан хизмат қилишга бағишлайди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Буюк дошиманд Нарада Мунининг Парвардигор Кришнанинг саройларида меҳмон бўлиши" деб аталадиган олтиинччи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

69. Парвардигор Кришнанинг кундалик машғулотлари

Ведавайи мантралардан биз яхши биламизки, Худонинг Олий Шаҳсининг бирор иш қилишига ҳожат йўқ: *на тасйа карйам каранам ча видйате*. Лекин, агар Парвардигор бирор иш қилиши шарт бўлмаса, қандай қилиб биз Унинг кундалик машғулотлари ҳақида гапиришимиз мумкин? Аввалги бобдан маълумки, ҳеч ким Парвардигор Кришнанинг қилган ишларини қилишга, Парвардигор Кришнадай ҳаракат қилишга қодир эмас. Биз шуни аниқ билиб қўйишимиз лозимки, биз Парвардигор Кришнанинг ишларидан фақат ўрнак олишимиз, ҳеч қачон Унга тақлид қилмаслигимиз лозим. Масалан, Кришнанинг намунали оилавий ҳаёт кечирганидан ўрнак олиб, ҳар бир фаросатли инсон оиласида намунали комил оила бошлиғи бўлиб яшаши лозим, лекин кимдир Кришнага ўхшаб ўзини кўплаган қиёфаларда намоён қилиб кўпайтирмакчи бўлса, бу унинг қўлидан келмайди. Шунинг учун биз ҳамиша шуни тушуниб олишимиз лозимки, гар-

чи ҳозир оддий инсон ролини ўйнаётган бўлса ҳам, Парвардигор Кришна аслида Худонинг Олий Шахсидир. Биз Парвардигор Кришнанинг Ўз хотинлари билан худди оддий одамлардай муносабатда бўлишларига тақлид қилишимиз мумкин, лекин Унинг бир вақтнинг ўзида ўн олти минг малика билан бирга бўлишига тақлид қила олмаймиз. Шундай қилиб, оиладаги мухит ҳамиша намунали бўлиши учун биз оилавий ҳаётда Кришна Ўзининг кундалик машғулотларини бизларга қандай намоён этган бўлса шундай қабул қилиб, Унинг ишларидан ўрнак олиб яшашимиз лозим, лекин умримизнинг бирор поғонасида биз Унга тақлид қилмаслигимиз керак.

Парвардигор Кришна Ўзининг ўн олти минг хотини билан бирга ухлашга ётарди, лекин У тонг отишига уч соат қолганида уйқудан уйғониб, ўрндан турарди. Табиат шундай тузилганки, эрталаб хўроз қичқириб одамларга *браҳма-муҳурта* вақти бўлганидан хабар беради. Қўнғирокли соатнинг ҳожати йўқ; имон-этикодли инсон эрталаб хўроз қичқирган заҳоти уйқудан уйғониб ўрндан туриши керак. Хўрознинг қичқирган овозини эшитиб, Кришна ўрндан турарди. Лекин Кришнанинг уйқудан бунчалик эрта уйғониб ўрндан туриши Унинг хотинларига ёқмасди. Кришнанинг хотинлари Кришнага қаттиқ боғланиб қолган, тўшақда Уни кучоклаб ётардилар, шу боис хўроз қичқира бошлаши билан хафсалалари пир бўлиб, хўрозни қарғай бошлардилар. Ҳар бир саройнинг атрофидаги боғда *париджата* гуллари ўсиб турарди. *Париджата* - сунъий ясалган гул эмас. Кришна бу *париджата* гулларини жаннатдан олиб келиб, ҳар бир сарой боғига ўтқазганидан бизнинг хабаримиз бор. Эрта тонгда майин эсган шабада *париджата* гулларининг муаттар ҳидларини олиб келарди, Кришна ўрндан турган заҳоти ана шу анвойи ҳидларни сезарди. Бу муаттар ҳидлардан маст бўлган асаларилар ғувиллаб, қушлар қувноқ хониш қила бошларди. Бу товушлар бирга қўшилиб, Кришнага илтижо қилаётган моҳир хонандаларнинг қуйларига ўхшаб кетарди. Гарчи Шримати Рукмини-деви, Кришнанинг биринчи маликаси, *браҳма-муҳурта* - куннинг энг шарофатли вақти эканини билса ҳам, шу вақт келиши билан у нафратланиб кетарди, чунки айнан шу вақт унинг учун бахтсизлик келтирар эди; Кришна уни тарк этиб, ўрндан туриб кетарди. Рукмини девининг норозилигига қарамай, *браҳма-муҳурта* пайти келган заҳоти Парвардигор Кришна ўрндан турарди. Иссиқ тўшақда ўз хотинининг қўйнида ётиш қанчалик ёқимли бўлмасин, намунали оила бошлиғи Парвардигор Кришнадан ўрнак олиб, эрталаб тонг отишидан аввал уйқудан уйғониб ўрндан туришни одат қилиши лозим. Ўрндан тургандан кейин Парвардигор Кришна оғзини, қўл-оёқларини чайиб, ўрнашиб ўтириб олиб, Ўзини ўйлаб чуқур муроқабага бериларди. Лекин бу - биз ҳам

ўрнимиздан туриб, ўзимиз ҳақимизда чуқур ўйларга берилиб ўтиришимиз керак дегани эмас. Биз Парвардигор Кришна ҳақидаги, Радха-Кришна ҳақидаги ўйларга берилишимиз лозим. Мана шу ҳақиқий руҳий муроқаба бўлади. Кришна ягона Парвардигорнинг Ўзи, шунинг учун У бизларга *браҳма-муҳурта* вақтини Радха ва Кришна ҳақида чуқур муроқабага берилиб ўтказиш лозимлигини ўргатган. Бундай қилишдан Парвардигор Кришна қалбида чуқур мамнуният ҳосил қиларди. Агар биз ҳам *браҳма-муҳурта* вақтини Радха-Кришна ҳақидаги, бутун инсониятга эрталаб уйқудан эрта уйғонишни, уйқудан уйғонган заҳоти Худо, ягона Парвардигор ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб, ҳаётда Кришна онги билан яшашни ўргатиш учун Кришна хотини Рукмини-деви билан қандай намунали оилавий ҳаёт кечиргани ҳақидаги ўйларга берилиб ўтирсак, биз ҳам худди Парвардигор Кришнадай, қалбимизда ўз ҳаётимиздан чуқур мамнуният ҳосил қиламиз. Радха-Кришна ҳақида чуқур мулоҳазага берилиш билан Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Кришнага келсак, Унинг Ўзи ҳақида ўйлашдан бошқа чораси йўқ эди. Ҳар қандай муроқабанинг асосини Браҳман, Параматма ва Бхагаван, яъни Худонинг Олий Шахси ташкил этади, аммо Кришна Мутлақ Ҳақиқатнинг мана шу уч кўринишининг ҳаммасини Ўзида мужассам қилган: У - Худонинг Олий Шахси, Бхагаван; Параматма - Унинг тўлиқ намоён бўлган экспансиясининг бир қисми; Браҳманнинг ҳамма жойга сингиб кетган ёғдуси эса - Унинг илоҳий танасидан таралаётган нурлар. Кришна ҳамиша битта, ягона, шу боис Унинг учун ҳеч қандай чегара йўқ. Тирик мавжудот билан Парвардигор Кришна орасидаги фарқ шундан иборат. Оддий одам учун шунча кўп чегаралар, фарқлар бор. Оддий тирик мавжудот ўзининг танасидан, шунингдек бошқа тирик мавжудотлардан фарқ қилади. Ҳатто ўзининг битта танасида ҳам бир-бирдан фарқ қиладиган турли аъзолар бор. Бизларнинг қўл ва оёқларимиз бор, лекин қўлларимиз оёқларимиздан фарқ қилади. Қўлларимиз оёқдай бўлиб ҳаракат қила олмайди, оёқлар эса қўлларимиздай ҳаракат қилолмайди. Кўзларимиз қулоқларимиздай бўлиб товуш эшита олмайди, қулоқларимиз эса кўзларимиздай кўра олмайди. Билимдон донишмандлар ана шу фарқларни *сваджджийа виджджийа* деб атайдилар.

Тананинг бир аъзоси унинг бошқа бир аъзосидай бўлиб ҳаракат қилолмаслигига ўхшаган ҳар хил чеклашлар Худонинг Олий Шахсида мавжуд эмас. Кришнанинг танаси Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. У бутунлай руҳий табиатга эга, шунинг учун Унинг танаси ва руҳи орасида фарқ йўқ. Шунингдек, У Ўзининг миллионлаган қиёфаларидан ва тўла намоён бўлган кўриниш(экспансия)ларидан фарқ қилмайди. Баладева - Кришнанинг биринчи экспансияси, Ба-

ладевадан эса - Санкаршана, Васудева, Прадйумна ва Анируддха чиқади. Кейин Санкаршанадан Нарайана чиқади, Нарайанадан - иккиламчи тўртлик экспансия - Санкаршана, Васудева, Прадйумна ва Анируддха чиқади. Кришнанинг ҳам сон-саноксиз экспансиялари мавжуд, лекин аслида уларнинг ҳаммасининг моҳияти, табиати бир. Кришнанинг Парвардигор Нрисимха, Парвардигор Матсйа, Парвардигор Вараха сингари экспансиялари жуда кўп, аммо Кришнанинг инсонниқига ўхшаган бошланғич икки қўлли киёфаси билан баҳайбат ҳайвонлар кўринишидаги мана шу экспансиялари орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Шунингдек, Унинг илоҳий танасининг бир аъзосининг вазифаси билан иккинчи аъзосининг вазифаси орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Унинг қўллари худди оёқларидай, оёқлари эса худди қўлларидай, кўзлари қулоқларидай ҳаракат қила олади, яъни Унинг танасининг ҳар бир аъзоси бошқа ҳар қандай аъзосининг ишини бажара олади. Кришна учун бирор нарсанинг ҳидини билиш, еб кўриш ёки товушини эшитиш орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Бизлар, яъни ҳар томондан чекланган, шартланган руҳлар эса, бирор мақсад учун танамизнинг маълум бир аъзосини ишлатишимиз лозим, лекин Кришна учун бундай чеклашлар мавжуд эмас. "Брахма-самхита"да шундай дейилган: *ангани йасйа сакалендрийа-вритти* - У танасининг бирор аъзосининг вазифасини танасининг бошқа бир аъзоси билан бемалол бажара олади. Шундай экан, Кришнани ва Унинг шахсини таҳлил қилиб ўрганиб, шундай хулосага келамизки, У - тўла бутун бўлган мукамал Зот. Шунинг учун У муроқабага берилганда, Ўзи ҳақида муроқаба қилади. Оддий одамнинг ўзи ҳақида мулоҳазага берилиб муроқаба қилиши санскрит тилида *со хам* деб аталади ва бу шунчаки тақлид қилиш бўлади. Кришна Ўзи ҳақида муроқабага берилиши мумкин, чунки У - тўла-бутун, лекин биз Унга тақлид қилиб, ўзимиз ҳақида муроқаба қила олмаймиз. Бизнинг танамиз - шунчаки бир белги; Кришнанинг танаси белги эмас, Унинг танаси Ўздан фарқ қилмайди. Унинг танаси билан Ўзи орасида фарқ йўқ. Кришнанинг Ўзида Ундан фарқ қиладиган бирор нарса йўқ. Кришнада бор нарсанинг бирортаси Унинг Ўздан фарқ қилмайди. Шунинг учун У - олий, ўзгармас, емирмас, мукамал борлик, яъни Олий Ҳақиқат.

Кришнанинг мавжудлиги нисбий мавжудлик эмас. Кришнадан бошқа ҳамма нарса нисбий мавжудликдир, аммо Кришна Олий Мутлақ Ҳақиқат, Кришна Ўзининг мавжудлигида Ўздан бошқа ҳеч кимга боғлиқ эмас. Бизларнинг мавжудлигимиз эса - нисбий. Масалан, биз фақат қуёш чиқиб турган пайтда ёки бирор ёруғлик манбаи бўлсагина теварак-атрофни кўра оламиз. Шунинг учун бизнинг кўриш қобилятимиз ҳам худди қуёш ёки ой нури ёки бошқа бир ёруғлик манбаи сингари нисбий; биз уларни кўриб турганимиз сабаблигина улар бирор ёруғлик манбаи

деб аталади. Кришна учун бундай боғлиқлик ва нисбийлик мавжуд эмас. Унинг ҳаракатлари бошқа бировлар буни қандай баҳолашига боғлиқ эмас, У бошқа бирор зотнинг ёрдамига ҳам муҳтож эмас. У чекланган замон ва макон тушунчаларидан ташқарида мавжуд бўлган Зот, замон ва маконга илоҳий ҳолатда бўлган ана шу Зотни ҳаракатлари чекланган *майя*, алданиш қоплаб ололмайди. Ведалар адабиётидан биз билемизки, Худонинг Олий Шахси ҳар хил қувватларга эга. Ана шу қувватларнинг ҳаммаси Ундан чиққани сабабли Унинг Ўзи билан Унинг қувватлари орасида фарқ йўқ. Лекин баъзи бир файласуфлар айтадиларки, Парвардигор Кришна бу оламга тушганида моддий танага эга бўлади. Ҳатто "У моддий оламга келганида моддий тана олади" деб фараз қилсак ҳам, барибир шуни билишимиз лозимки, моддий қувват Унинг ўздан фарқ қилмагани сабабли бу моддий тана бошқа моддий таналар сингари ҳаракат қилмайди. Шунинг учун "Бхагавад-гита"да айтилганки, У бу оламга Ўзининг ички қуввати, *атма-майя* ёрдамида келади.

Кришнани Олий Браҳман деб атайдилар, чунки У бутун борлиқнинг яралиш, мавжуд бўлиб туриш ва яқсон бўлишининг бошланғич сабабчисидир. Тангри Браҳма, Парвардигор Вишну ва Тангри Шива ана шу моддий сифатларнинг ҳар хил кўриниш(экспансия)ларидир. Ана шу моддий сифатларнинг ҳаммаси шартланган руҳга таъсир қилиши мумкин, аммо Кришна бундай таъсирлар, ҳаракатлар ва уларнинг оқибатларига боғлиқ эмас, чунки бу сифатлар бир вақтнинг ўзида У билан бир ва Ундан фарқ қилади. Кришнанинг Ўзи *сач-чид-ананда-виграха*, илм ва лаззатнинг мангу киёфаси. Уни, Унинг англаб бўлмас улуғворлигини Олий Браҳман деб атайдилар. Унинг Браҳман, Параматма ёки Бҳагаванни муроқаба қилиб ўтириши, Ўздан ташқаридаги бирор Зотни эмас, балки Ўзини Ўзи хаёлан тасаввур қилиб ўтиришдан бошқа нарса эмас. Бундай муроқаба қилишга оддий тирик мавжудот тақлид қила олмайди.

Маълум вақт давомида муроқаба қилиб бўлгандан кейин, Парвардигор ҳар куни тоза, ҳалол сув билан тўлиқ ювиниб оларди. Кейин У янги либосларини кийиб, ёпинчикқа ўраниб олиб, Ўзининг кундалик диний машғулотларини бажаришга киришарди. Унинг кўплаган диний машғулотларидан энг биринчиси муқаддас оловга қурбонлик эҳсон қилиш ва гайатри мантрасини зикр қилиш эди. Оилали одам ролини ўйнаган Парвардигор Кришна оилали одамлар учун шарт бўлган барча кундалик диний амалларни мукамал бажарарди. Қуёшнинг биринчи нурлари кўрина бошлагандан Парвардигор Қуёш фариштасига алоҳида илтижолар билан мурожаат қиларди. Ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган қуёш фариштаси ва шу сингари барча фаришталар Парвардигор Кришнанинг илоҳий танасининг турли қисмлари ҳисобланади,

оилали одам барча фаришталарга, буюк дониш-мандларга, ўзининг аввал ўтган аждодларига хурмат-эҳтиром кўрсатиши лозим.

"Бхагавад-гита"да айтилганки, Парвардигорнинг бу дунёда бажариши шарт бўлган ҳеч қандай вазифаси, бурчи йўқ, шунга қарамай У бу дунёда худди намунали ҳаёт кечириётган оддий одамларга ўхшаб ҳаракат қилади. Шундай қилиб, Ведавий қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда Парвардигор эрталаб фаришталарга эҳтиром кўрсатарди. Фаришталарга ва аждодларга сажда қилиш қоидалари *тарпана* деб аталади. Бу ибора "мамнун қилиш" деган маънони англатади. Бирор одамнинг ўлиб кетган аждодлари ҳозир бошқа бир сайёрада тана олиб юрган бўлиши мумкин, *тарпана* маросими ўтказиш шарофати билан оилали одамнинг аждодлари ҳозир қаерда яшаётган бўлса ҳам бахтиёр бўладилар. Оилали одамнинг бурчи - ўз оиласининг барча аъзоларини бахтиёр қилишдан иборат. Тарпана қоидасига амал қилиш билан у ҳатто ўзининг аждодларини ҳам бахтиёр қила олади. Намунали оиланинг комил бошлиғи сифатида Парвардигор Кришна тарпана қоидаларига риоя қилар, оиласининг ўтган аждодларига эҳтиром билан сажда қиларди.

Унинг навбатдаги иши брахманларга сигирлар садақа қилиш эди. Парвардигор Кришна брахманларга ҳар куни оз эмас, кўп эмас ўн уч минг саксон тўрт сигир садақа қиларди, уларнинг ҳар бирининг устига марвариддан нақш қўйиб тўқилган ипак ёпинғич ёпилган, шохларига олтин, туёқларига кумуш қопланган эди. Уларнинг ҳаммаси юввош, ҳали биринчи марта бола туккан туккан ёш сигирлар бўлиб, жуда кўп сут берарди. Брахманларга сигир билан бирга уларнинг ўзлари учун ипак либослар, кийик териси ва кунжут дони берардилар. Парвардигорни *гобрахмана-хитайа ча* деб атайдилар, яъни У биринчи навбатда сигирлар ва брахманларни химоя қилади. Шунинг учун у брахманларга чиройли безатилган ва барча зарур анжомлари билан бирга сигирлар садақа қиларди. Кейин, барча тирик мавжудотларнинг бахт-саодатини ўйлаб У ҳар хил шарофатли аломатлар келтирадиган нарсаларга қўл теккизарди: сутга, оловга, асалга, сариёғга, олтинга ва қимматбаҳо тошларга. Гарчи Парвардигорнинг Ўзи бениҳоя гўзал ва Унинг илоҳий танаси мукамал бўлса ҳам, У барибир сариқ либос кийиб олар, бўйнига *каустубха* гавҳари ўрнатилган маржон, гулчамбар ва бошқа тақинчоқлар тақиб оларди. У танасига сандал ва бошқа анвойи мойлар суртарди. Айтишларига қараганда тақинчоқлар Парвардигорнинг илоҳий танасига тегиб яна ҳам чиройлироқ бўлиб кетарди. Шундай кийиниб олгандан кейин Парвардигор сигир ва бузокнинг мрамардан ясалган ҳайкалига нигоҳ ташлар, кейин Худонинг ва Тангри Шива сингари фаришталарнинг эҳромига йўл оларди. Кўп брахманлар эрталаб овқатланишдан олдин Парвардигор Кришнани

кўргани келардилар. Улар Кришнанинг жамолини кўришга интилиб келардилар, Парвардигор Кришна уларни хурсандчилик билан кутиб оларди.

Унинг навбатдаги вазифаси саройдаги ва шаҳардаги ҳар хил табақасига мансуб бўлган одамларни мамнун қилишдан иборат эди. Парвардигор уларнинг турли истакларини рўёбга чиқариш билан уларни хурсанд қиларди, уларнинг қувонганини кўриб Парвардигор Кришна ҳам чексиз лаззатланарди. Парвардигор Ўзига бошқалар тақдим этган гулчамбарлар, бетел ёнғоғи, сандал ва бошқа муаттар хидли мушканбарлар сингари эҳсонларни энг аввало брахманларга, Ўз оиласининг ёши катта аъзоларига, кейин эса маликаларга, ундан кейин маслаҳатчиларга эҳсон қиларди, агар яна бирор нарса қолсагина У Ўзининг эҳтиёжи учун ишлатарди. Ўзининг мана шу кундалик вазифаларини бажариб юрган пайтда Унинг жиловдори Дарука Унинг ғаройиб жанг аравасини ҳозирлаб, Парвардигорнинг олдида қўл қовуштириб арава сафарга тайёр эканини хабар бергандай, хизмат қилишга тайёр бўлиб, бош эгиб турарди. Шундан сўнг Парвардигор Кришна саройдан чиқиб сайр қилгани кетарди. Уддхава ва Сатйаки билан биргаликда жанг аравасида борар экан, У худди ҳар куни эрталаб ўзининг ёрқин нурларини бутун оламга таратиб бораётган порлоқ қуёш фаришталарини эслатарди. Парвардигор Ўзининг саройларидан чиқиб кетаётганида барча маликалар Унга қараб, хайрлашиб қўл силтаб қолардилар. Парвардигор уларнинг бу ҳаракатларига юзида майин табассум билан жавоб берар, бу билан уларнинг қалбини Ўзига яна ҳам кучлироқ мафтун этар, натижада маликалар ўз қалбларида Парвардигор билан қаттиқ ҳижрон азобидан изтироб чекар эдилар.

Кейин Парвардигор Судхарма деган мажлислар саройига борарди. Судхарма мажлислар саройини ер сайёрасига жаннатдан олиб келиб, Дваракада қайта қурган эдилар. Бу мажлислар саройининг ғаройиб бир хусусияти шундан иборат эдики, унинг ичига кирган ҳар қандай одам моддий ҳаётда учрайдиган олти хил мусибатлардан бутунлай халос бўларди: очлик, чанқоқлик, қайғу, алданиш, кексалик ва ўлим. Моддий тирикчиликнинг тузоқлари ана шулардан иборат, токи инсон Судхарма мажлислар саройида қолар экан, у моддий оламнинг мана шу олти тузоғидан тўла химояланган бўларди. Парвардигор ўн олти минг қиёфада ўн олти минг саройнинг ҳар биридан маликалари билан хайрлашиб чиққанида, яна битта Кришнага айланиб, Йадавлар сулоласининг бошқа аъзолари билан биргаликда Судхарма саройига кирарди. Мажлислар саройига кириб У баландда турган шоҳона тахтга бориб ўтирар, Унинг илоҳий танасидан таралиб турган ёрқин нур ҳамма жойдан кўриниб турарди. Йадавлар сулоласининг барча буюк қаҳрамонларри орасида Парвардигор Кришна

худди осмондаги бошқа ёритгичлар даврасида турган тўлин ойга ўхшаб кетарди. Мажлислар саройида масхарабозлар, машшоклар, раққос ва раққосалар бор эди, Парвардигор Кришна тахтга бориб ўтирган заҳоти Парвардигорни мамнун қилиш ва бу билан унинг кайфиятини кўтариш ниятида улар ўзларининг санъатларини намойиш эта бошлардилар. Саройдагиларни аввалига масхарабозлар ўз санъатлари билан хурсанд қилардилар, Парвардигор ва Унинг ҳамроҳлари уларнинг эрталаб кишининг баҳри-дилини очиб юборадиган ўткир ҳазил-мутойибаларини завқланиб томоша қилардилар. Кейин артистлар сахнада ўз ролларини ўйнардилар, раққослар ўз санъатини алоҳида намойиш этардилар. Буларнинг ҳаммаси мриданга, вина, най, кўнғироқчалар ва пакваджа сингари мусиқа асбоблари садолари жўрлигида ижро этиларди. Ажойиб хонандалар - суталар ва магадхаларр - кўшиқ куйлар, раққослар рақсга тушардилар. Бхакталар бўлгани учун улар Худонинг Олий Шахсига шу тарзда илтижо қилардилар. Баъзан мажлисда иштирок этаётган билимдон олимлар ва браҳманлар ведавий мадҳияларни ижро этардилар, ўзларининг қобилиятига яраша уларнинг мазмунини мажлисда ўтирганларга тушунтирардилар. Баъзан уларнинг бирортаси Парвардигорга ўтган замонлардаги буюк шоҳларнинг кўрсатиб кетган кароматлари ҳақида гапириб берарди. Парвардигорга ва Унинг дўстларига бундай ҳикояларни тинглаш чуқур мамнуният келтирарди.

Бир куни мажлислар саройи дарвозаси олдига мажлис қатнашчиларидан бирор киши танимайдиган бир киши келди. Парвардигор Кришнанинг рухсати билан дарвозабон уни мажлислар саройига киритди. У одам келиб Парвардигор олдида эҳтиром билан сажда қилиб, камтарин ҳолда қўл ковуштирди. Шоҳ Жарасандха бошқа салтанатларни босиб олганида кўпчилик шоҳлар унинг олдида бош эгмаган эдилар, шу сабабли уларнинг ҳаммаси, жами йигирма минг шоҳ ҳибсга олиниб, зиндонга ташланган эди. Дарвозабон Парвардигор Кришнанинг олдига олиб келган одам зиндонда ётган ана шу шоҳлардан вакил бўлиб келган шоҳ эди. Маълум тартибда Парвардигор Кришнага уни таништирганларидан кейин у бўлган воқеани гапириб бера бошлади:

"Эй азиз Худойим, Сен - илоҳий лаззат ва илмнинг мангу қиёфасисан. Сенинг асл ҳолатинг қандай эканини бу дунёдаги имонсиз даҳрий одамлар ўзларининг ақлий фикр юритишларри ёрдамида англаб ета олмайдилар. Ўзларини бутунлай Сенинг ихтиёрингга топширган ва Сенинг нилуфар қадамларинг пойига бошини эгган одамлар мукамал фазилатларингдан баъзиларини англаб етишлари мумкин, фақат Сенинг марҳаматинг билангина шундай одамлар бу дунёдаги барча моддий ташвишлардан халос бўладилар. Эй азиз Худойим, мен ундай содиқлардан эмасман; мен ҳалигача бу моддий

ҳаётнинг қарама-қаршиликлари ва алданишлари чангалидаман. Шунинг учун мен Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан ўзимга паноҳ излаб келдим, чунки мен туғилиб-ўлишлар чархпалагида қолиб кетишдан жуда кўрқаман. Эй азиз Худойим, менга ўхшаб кармали фаолият ва унинг оқибатлари тўрига чигал ўралиб қолган одамлар жуда кўп бўлса керак деб ўйлайман. Гарчи ҳаётда Худога садоқат билан хизмат қилиб, Сенинг кўрсатмаларингга амал қилиб яшаш қалбларга ором бағишласа ва бу инсон ҳаёти учун энг олий даражада шарофат келтирадиган бўлса ҳам, бундай одамлар ҳаётда шундай яшашни истамайдилар. Аксинча, улар Худони танишга, ҳаётда Кришна онги билан яшашга душманлик кўзи билан қарайдилар ва моддий оламнинг алдамчи қувватининг чангалига тушиб, бутун уч олам бўйлаб сарсон-саргардон бўлиб юраверадилар.

Эй азиз Худойим, Сенинг меҳрибонлигинг ва чексиз қудратга тўла илоҳий кароматларинг қадрини бу дунёда ким ҳам муносиб англай оларди? Сен мангу замоннинг енгилмас кучи сифатида ҳамма жойда мавжуд бўлган ҳолда, имонсиз даҳрийларнинг барча режаларини чип-пакка чиқариб, ҳамиша уларни алам ва изтиробларга ғарқ қилиб юрасан. Шунинг учун мен Сенинг мангу замон кўринишидаги қиёфанг олдида эҳтиром билан бош эгаман. Эй азиз Худойим, Сен - барча оламлар Эгасисан, ҳозир Сен Ўзингнинг тўла намоён бўлган кўринишинг бўлган Парвардигор Балорам билан бирга бу оламда Ўзингни намоён этдинг. Марлумки, Сен бхакталарни ҳимоя қилиш ва имонсиз золимларни яқсон қилиш мақсадида бу қиёфада намоён бўлгансан. Шундай экан, шахсан Сен Ўзинг шу сайёрада юрганингга қарамай, нима сабабдан Жарасандха сингари ярамас иблислар бизларга бунчалик азоб бериб юрибдилар? Қандай қилиб бундай бўлиши мумкинлигини тушунолмай бизларнинг бошимиз қотиб қолди. Балки Жарасандха аввалги ҳаётимизда қилган гуноҳларимиз учун бизларга муносиб жазо бериш учун тайинлангандир, лекин муқаддас китобларда айтилганки, Сенга ўз ихтиёрини топширган ва Сенинг нилуфар қадамларинг пойига бошини қўйган ҳар қандай одамга шу заҳотиёқ унинг аввал қилган гуноҳлари оқибати умуман таъсир қилмай қўяди. Шу боис, бизларни ҳимоя қилишингни бутун қалбимиз билан Сендан илтимос қилиш ниятида қамокда ётган шоҳларнинг ҳаммаси мени вакил қилиб сайладилар, умид қиламизки Сен бизларни албатта Ўз паноҳинг остига оласан. Жарасандха дастидан тортаётган азобларимиз аввалги ҳаётда қилган гуноҳларимиз учун жазо бўлгани сингари, бизларнинг ҳозирги шоҳлик мартабаларимиз ҳам аввалги ҳаётларимизда қилган савоб ишларимиз учун мукофотдир. Бизлар энди яхши тушуниб олдикки, савоб ишларнинг натижалари ҳам, гуноҳ ишларнинг оқибатлари ҳам, аслида ўткинчи нарсалар бўлиб, бизлар бу шартланган

моддий оламда ҳеч қачон ҳақиқий мангу бахтга эриша олмаймиз. Бу моддий тана бизга моддий табиат гуналари томонидан берилади, шунинг учун бизлар бу дунёда ҳамиша хавотир остида юрамиз. Моддий олам шароитида яшаш бизларга мана шу ўлик моддий тана сабабли турли хил азоб-укубатлар келтиради. Ўзларимизнинг аввалги кармали фаолиятимиз оқибатида бизлар ҳозир мана шу ўлик таналарни судраб юрадиган эшакка айланиб қолганмиз, шартланган ҳаёт таъсирига берилиб, бизлар ҳаётда Кришна онги билан яшашдан бош тортдик. Энди эса бизлар қанчалик аҳмоқ эканимизни тушуниб етдик. Ғофиллигимиз сабабли бизлар моддий оқибатлар чангалига ўралиб қолган эканмиз. Шунинг учун бизлар кармали фаолиятнинг барча оқибатларидан биратўла халос этадиган, шу тарзда бизларни моддий мусибат ва лаззатлар иллатидан поклаб, тўла руҳий озодликка чиқарадиган Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан нажот излаб келдик.

Эй Парвардигор, бизлар энди ўз ихтиёримизни бутунлай Сенга топшириб, Сенинг нилуфар қадамларинг пойига бош қўямиз, шу боис энди Сен Жарасандха воситасида қўйилган кармали фаолият чангалидан бизларни озодликка чиқара оласан. Эй азиз Худойим, Сенга маълумки, Жарасандха олти минг фил қудратига эга бўлган зот, ўзининг ана шу қудратидан фойдаланиб, у худди арслон қўйлар подасига ҳамла қилганидай, бизларни асир олиб қамаб қўйибди. Эй азиз Худойим, Сен Жарасандха билан кетма-кет ўн саккиз марта жанг қилгансан, шундан ўн етти марта Сенинг ғайритабиий қудратидан устун келиб Сен уни мағлуб қилдинг. Лекин ўн саккизинчи жангда Сен унга Ўзингни худди оддий одамдай қилиб, гўё Сен ундан жангда енгилгандай қилиб кўрсатдинг. Эй азиз Худойим, биз жуда яхши биламизки, Жарасандха ҳеч қачон Сени мағлуб қила олмайди, чунки Сенинг қудратинг, кучинг, имкониятларинг ва ҳокимлигинг чексиз. Ҳеч ким Сенга тенглаша олмайди ёки Сендан устун бўла олмайди. Ўн саккизинчи жангда Сен ундан енгилгандай бўлиб кўрингани - Сен шунчаки Ўзингни оддий одамларга ўхшатиб тутишдан бошқа нарса эмас эди. Бахтга қарши аҳмоқ Жарасандха Сенинг бу эрмакларингни тушунмаган, шу боис ҳозир у ўзининг моддий қудрати ва мартабасидан жуда мағрурланиб кетган. Маслан, бизлар Сенинг бхакталаринг эканимизни, шу боис ҳамиша Сенинг олий ҳукминг, ҳимоянг остида эканимизни яхши била туриб, бизларни асир олиб зиндонга ташлаб қўйибди.

Мен ўзларимизнинг Сенга бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиромимизни таърифлаб бердим, энди ҳар томонлама ўйлаб кўриб Ўзингга мақул бўлган ишни қилишинг мумкин. Зиндонда мусибат чекиб ётган ана шу шоҳларнинг вакили ва элчиси сифатида мен ўз гапларимни Сенинг олий ҳукмингга ҳавола қилиб, илтижоларимизни Сенга етказдим. Шоҳларнинг ҳаммаси Сенинг нилу-

фар қадамларинг пойига бош қўйиш учун Сени кўришни интизорлик билан кутиб юрибдилар. Эй азиз Худойим, бизларга раҳминг келсин, бизларга ёрдам бер!"

Қамоқда қийналиб ётган шоҳларнинг вакили ўзининг илтимосини Парвардигор ҳукмига ҳавола қилиб турган пайтда шу ерга буюк донишманд Нарада Муни ҳам келиб қолди. У буюк авлиё зот бўлгани учун унинг сочлари худди олтиндай ярқираб турарди, у мажлислар саройига кириб келганида худда бу ерга қуёш фариштасининг ўзи кириб келгандай бўлди. Ҳатто Тангри Браҳма ва Тангри Шива ҳам ўзларининг ҳукмдори сифатида Парвардигор Кришна олдида сажда қиладилар, шунга қарамай, буюк донишманд Нарада Мунини кўрган заҳоти Парвардигор Кришна Ўзининг барча маслаҳатчилари билан биргаликда уни муносиб қарши олиш ва бош эгиб ҳурмат кўрсатиш учун ўринларидан турдилар. Буюк донишманд Нарада Муни қулай ўриндикка ўтирди, Парвардигор Кришна эса барча анжомлар тақдим этиб, муқаддас китобларда табаррук авлиё зотларни кутиб олганда кўрсатилиши шарт қилиб қўйилган тартибда унга сиғиниш маросимини ўтказди. Нарада Мунини мамнун қилиш учун Парвардигор Кришна Ўзининг аниқ, ширин овози билан мулоим оҳангда унга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: "Эй фаришталар ичида донишманд зот, ўйлайманки бутун уч оламда тинчлик, осойишталик бўлса керак. Сен бу оламнинг олий, ўрта ва қуйи сайёралар тизими бўйлаб бемалол сайр қилиб юра оласан. Омадимиз келиб сени учратган пайтда бизлар сендан бутун уч оламдаги турли янгиликларни билиб оламиз; Парвардигор яратиб қўйган бутун борликда сен билмаган, сен беҳабар бўлган бирор воқеа-ҳодиса мавжуд эмас. Сен ҳамма нарсдан хабардорсан, шу боис Мен сендан бир нарсани билиб олмоқчиман, Пандузодаларнинг аҳволи қандай, шоҳ Юдхиштхиранинг режалари қандай? Илтимос, Менга улар ҳозир қандай ишларга ҳозирлик кўраётганлари ҳақида гапириб бер!"

Буюк донишманд Нарада Муни шундай деб жавоб берди: "Эй азиз Худойим, Сен Парвардигор яратган космик олам ҳақида гапириб ўтдинг, лекин мен биламанки, мана шу космик оламни яратиб қўйган, ҳамма жойга сингиб кетган ягона Парвардигор - Сенсан. Сенинг қувватларинг шу қадар бепоён ва англаб бўлмас даражада қудратлики, ҳатто мана шу коинотнинг яратувчиси Тангри Браҳма сингари буюк зотлар ҳам Сенинг чексиз қудратингни охиригача тўлиқ англай олмайдилар. Эй азиз Худойим, худди олов ҳамма нарсада мавжуд, аммо уни бевосита кўриб бўлмагани сингари, Ўзингнинг англаб бўлмас қудратинг ёрдамида Сен ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжудсан. Шартланган ҳаётда барча тирик мавжудотлар моддий табиатнинг уч гунаси ҳукми остида бўладилар, шу боис улар ҳамма жойда мавжуд бўлган Сени

ўзларининг моддий кўзлари билан кўра олмайдилар. Лекин мен, Сенинг марҳаматинг билан Сенинг англаб бўлмас қувватинг қандай ҳаракат қилишининг бир неча марта бевосита гувоҳи бўлганман, шу боис Пандузодаларнинг аҳволи Ўзингга кундай равшан бўла туриб, мендан улар ҳақида гапириб беришингни сўраганингда, Сенинг бундай саволларинг мени ҳайратга солади. Эй азиз Худойим, Сен Ўзингнинг англаб бўлмас қувватларинг ёрдамида бутун борлиқни яратасан, унинг мавжудлигини таъминлаб турасан, вақти келганда яна уни яқсон қиласан. Фақат Сенинг англаб бўлмас қувватинг шарофати билан, аслида руҳий оламнинг сояси, бузилган акси бўлган бу моддий олам ҳақиқийдай бўлиб кўришиб турибди. Ҳеч ким Сенинг келажакдаги режаларингни англаб ета олмайди. Сенинг илоҳий ҳолатингни ҳеч қачон ҳеч ким тўла англаб ета олмайди. Мен эса Сенинг олдинда такрор ва такрор сажда қила оламан, холос. Илм олишнинг моддий поғонасида ҳар бир одам ўзининг қалбидаги моддий истаклар турткиси билан ҳаракат қилади, шу тарзда у туғилиш ва ўлишлар чархпалагида айланиб, ўзига биринкетин янгидан-янги моддий таналар яратади. Ҳаёт ҳақида ана шундай тасаввур ботқоғига ботган ҳолда инсон моддий тана тутқунлигидан қандай чиқиб кетиш йўлини билмайди. Эй Парвардигор, Ўзингнинг бесабаб марҳаматинг билан Сен Ўзингнинг шон-шуҳратга тўла ва шавкатли илоҳий кароматларингни намоён этиш учун бу моддий оламга ташриф буюрасан. Шунинг учун менинг Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгишдан бошқа чорам йўқ. Эй азиз Худойим, Сен - Олий Парабрахмансан. Сенинг бу дунёда худди оддий одамлардай вақт ўтказиб юрганинг - худди актернинг сахнада ўзидан бутунлай бошқа бировни тасвири раб рол ўйнагани сингари, бир эрмак холос. Сен Ўзингни уларнинг ғамхўр ҳомийси қилиб кўрсатиб, Ўз оғайнилари Пандузодалар ҳақида гапириб беришимни сўраяпсан, шу боис мен Сенга уларнинг келажакдаги режалари ҳақида гапириб бераман. Илтимос, кулоқ сол. Энг аввало шуни айтишим лозимки, шоҳ Юдхитхира моддий оламда энг олий сайёра - Брахмалокада эга бўлиш мумкин бўлган барча моддий бойликлар соҳибидир. Унинг бу дунёда интилиши лозим бўлган бирор бойлик қолмаган, лекин шунга қарамай у фақат Сени мамнун қилиш учун, Сен билан ҳамсухбат бўлиш имкониятига эга бўлиш ниятида Раджасуя қурбонлик маросими ўтказишни режалаштиряпти".

Нарада Муни Парвардигор Кришнага хабар бериб шундай деди: "Шоҳ Юдхитхира шу қадар бадавлатки, бутун Брахмалока бойлигини мана шу ер сайёрасида жамлаган. У ўзининг ҳаётидан тўла мамнун, бирор нарсага муҳтожлик сезмаяпти. Унинг ҳамма нарсаси мўл-кўл. Лекин у энди Сен унга Ўзингнинг бесабаб марҳаматингни ато этишинг учун Сенга сажда

қилишни истайди, мен Сендан унинг илтимосини бажаришингни илтижо қиламан. Эй азиз Худойим, шоҳ Юдхитхира ана шу буюк қурбонлик маросимини ўтказганида бутун оламдан барча фаришталар ва оламнинг барча машҳур шоҳлари тўпланадилар.

Эй азиз Худойим, Сен - Олий Брахман, Худонинг Олий Шахсисан. Ўзининг бутун умрини муқаддас китобларда кўрсатилган: Сен ҳақингда тинглаш, Сенинг номларингни зикр қилиш ва ҳамиша Сени эслаб юришдан иборат бўлган йўллар билан Сенга садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган одам, ҳеч шубҳа йўқки, моддий табиат гуналарининг таъсири иллатидан бутунлай покланади, шундай экан, Сени бевосита кўриш, Сени бевосита ушлаш имкониятига эга бўлган одам ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Эй азиз Худойим, Сен - барча шарофатли аломатлар тимсолисан. Сенинг илоҳий номларинг ва шон-шуҳратинг бутун олам, шу жумладан олий, ўрта ва қуйи сайёралар тизими бўйлаб таралган. Сенинг нилуфар қадамларинг пойини юваётган илоҳий сувлар олий сайёралар тизимида *Мандакини*, қуйи сайёраларда - *Бхогавати* номлари билан аталади, мана шу сайёрада эса бу сувлар муқаддас Ганга сувларидир. Бу муқаддас илоҳий сувлар ўз йўлида ҳамма нарсани поклаб бутун олам бўйлаб оқиб ётади".

Нарада Муни Дваракадаги мажлислар саройига кириб келишидан аввал Парвардигор Кришна ва Унинг маслаҳатчилари Жарасандха салтанатига юриш қилиш йўлларини муҳокама қилаётган эдилар. Улар бу масалани жуда жиддий муҳокама қилаётгани учун, Нарада Мунининг Махараж Юдхитхира ўтказаётган Раджасуя қурбонлик маросимига Парвардигор Кришнани таклиф қилиши уларни қизиқтирмади. Парвардигор Кришна Ўз хамроҳларининг қалбидаги фикрларини яхши биларди, чунки У ҳатто Тангри Брахмани ҳам бошқариб туради. Шу боис, уларни хотиржам қилиш учун юзида табассум билан У Уддхавага шундай деди: "Азизим Уддхава, сен ҳамиша Менга фақат яхшиликни раво кўрадиган яқин дўстим бўлгансан. Шунинг учун Мен ҳаётда ҳамма ишга сенинг кўзинг билан қарашни истайман, чунки сенинг берадиган маслаҳатларинг ҳамиша энг тўғри насиҳатлар бўлиб чиқади. Ўйлайманки, ҳозир аҳвол қандай эканини ўзинг яхши тушунасан. Шунинг учун Мен сенинг фикрингни билишни истайман. Мен нима қилай? Мен сенга ишонаман ва сен айтган ишни қиламан". Парвардигор Кришна Ўзини худди оддий одамлардай тутиб турганини Уддхава яхши биларди, У ҳамма нарсани - ўтмишни, ҳозирни ва келажакни билади. Шунга қарамай, Парвардигор ундан маслаҳат сўраб тургани учун, Унга садоқат билан хизмат қилиш имкониятидан фойдаланиб Уддхава гапира бошлади.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Парвардигор Кришнанинг кундалиқ машғулоти" деб

аталадиган олтмиш тўққизинчи бобига Бхакти-ведантинг изоҳлари шундай якунланади.

70. Парвардигор Кришна Индра-растха шахрида

Буюк донишманд Нарада Муни ва Парвардигор Кришнаннинг бошқа ҳамроҳлари олдида Уддхава вазиятни чуқур ўйлаб кўрди-да, кейин шундай деди: "Эй азиз Парвардигор, энг аввало шуни айтишим керакки, буюк донишманд Нарада Муни Сендан буюк Раджасуяа қурбонлик маросими ўтказишга ҳозирлик кўраётган амаки оғанг, шоҳ Юдхистхирани мамнун қилишинг учун Хастинапурга йўл олишингни илтимос қиляпти. Шунинг учун мен ўйлайманки, Хастинапурга йўл олиб, шоҳга бундай муҳим тадбирни амалга оширишда ёрдам беришинг керак. Лекин, гарчи буюк донишманд Нарада Мунининг таклифини биринчи навбатда бажариш керак бўлган муҳим иш деб ўйласак ҳам, эй азиз Худойим, Сенинг бурчинг - ўз ихтиёрини Сенга топширган руҳларни ҳимоя қилишдан иборат. Агар бизлар ҳар томонлама ўйлаб иш қилсак бу икки ишни ҳам ўз вақтида амалга ошириш мумкин. Агар бизлар барча шоҳлар устидан ғалаба қозонмасак, ҳеч ким Раджасуяа қурбонлик маросимини ўтказа олмайди. Бошқача қилиб айтганда, аввало мана шу жангари шоҳ Жарасандхани мағлуб қилмай туриб, шоҳ Юдхистхира буюк Раджасуяа қурбонлик маросимини ўтказа олмайди. Фақат жаҳондаги барча шоҳларни мағлуб қилган шоҳнинг Раджасуяа қурбонлик маросими ўтказишга ҳаққи бор. Шунинг учун бу икки мақсадга ҳам эришиш учун биз аввало шоҳ Жарасандхани ўлдиришимиз лозим. Ўйлайманки, агар қандайдир йўллар билан Жарасандха устидан ғалаба қозона олсак, бизлар кўзлаган ниятимизга эриша оламиз. Қамокда қийналиб ётган шоҳлар озодликка чиқади, Жарасандханнинг зиндонда ётган бегуноҳ шоҳларни кутқарганинг туфайли Сенинг шуҳратинг яна ҳам ошганини кўриб бизлар ҳам лаззатланамиз.

Аммо Жарасандха оддий инсонлардан эмас. Ҳатто буюк жангчилар ҳам унга бас келолмаганлар, чунки унинг қудрати ўн минг фил кучига тенг келади. Уни мағлуб қила оладиган ягона зот Бхимасена, чунки у ҳам ўн минг фил қудратига эга. Агар Бхимасена Жарасандха билан яккама-якка олишса яхши бўларди, чунки шунда кўплаган бегуноҳ жангчиларниг қони бекорга тўкилмайди. Агар ўзига яна бир неча *акшаухина* кўшини ҳам ҳамроҳ бўлса, Жарасандхани енгиш жуда мушкул бўлади. Шунинг учун бизлар содир бўлган вазиятни ҳисобга олиб бошқача иш олиб боришимиз лозим. Бизлар яхши биламизки, шоҳ Жарасандха браҳманларга жуда садоқатли. У браҳманларга ҳамиша саҳийлик билан турли эҳсонлар улашади, у бирор браҳманнинг илтимо-

сини рад қилмайди. Шунинг учун менинг фикримча, Бхимасена браҳманларниг либосини кийиб бориб, ундан аввалига садақа сўрасин, кейин у билан жанг қилсин. Бхимасенанинг ғалабага эришишини қўллаб-қувватлаш учун Сен ҳам у билан бирга борганинг маъкул. Агар жанг Сенинг кўз олдинда бўлиб ўтса, Бхимасена албатта ғалаба қозинишига ишончим комил, чунки худди фақат Сенинг амру-ироданг билан Тангри Браҳма бу коинотни яратиб қўйгани, Тангри Шива уни вақти келганда яқсон қилгани сингари, шунчаки Сен иштирок этаётганинг туфайли ҳар қандай имкони бўлмаган иш ҳам осонлик билан ўзидан ўзи амалга ошади.

Аслини олганда, Сен бутун борлиқни яратиб ва яқсон қилиб турасан. Тангри Браҳма ва Тангри Шива - бу жараённинг шунчаки сиртдан қараганда кўришиб турган сабабларидир. Яралиш ва яқсон бўлиш аслида Сенинг шахсиятсиз кўринишда намоён бўлиб турган тимсолинг бўлган мангу Замон туфайли юз беради. Ҳамма нарса ана шу Замон кучининг ҳукми остида. Агар Сенинг Замон кўринишидаги кўринмас кучинг Тангри Браҳма ва Тангри Шива орқали таъсир қилиб, ана шундай ғайритабиий ишларни амалга ошираётган бўлса, Сенинг шахсан Ўзинг иштирок этишинг наҳотки Бхимасенанинг Жарасандха билан бўлган жангда албатта ғалаба қилишига ёрдам бермаса? Эй азиз Худойим, Жарасандха ўлгандан кейин у зиндонбанд қилиб қўйган шоҳларнинг рафиқалари улар Сенинг шарофатинг билан озодликка чиққанидан жуда хурсанд бўладилар ва албатта Сени олқишлаб ҳамду-санолар ўқий бошлайдилар. Улар ҳам худди Шанкхасура чангалидан қутулган маликалардай жуда мамнун бўладилар. Барча буюк донишмандлар, филлар шоҳи Гаджендра, равнак фариштаси Сита, ҳатто Сенинг отанг ва онанг ҳам фақат Сенинг бесабаб марҳаматинг туфайли озодликка чиққан эдилар. Бизлар ҳам шу тарика озодликка чиққан эдик, шу боис бизлар ҳамиша Сенинг илоҳий кароматларингни куйлаб юрамиз.

Шундай экан, ўйлайманки, агар Сен аввало шоҳ Жарасандхани ўлдирсанг, бошқа жуда кўп муаммолар ҳам ўзидан-ўзи ҳал бўлади. Хастинапурликлар тайёрланиб юрган Раджасуяа қурбонлик маросимига келсак, у албатта ўтказилади - ё қамокдаги шоҳларнинг савоб ишлари туфайли, ё Жарасандханнинг гуноҳлари оқибатида.

Эй азиз Худойим, ҳар эҳтимолга қарши, Жарасандха ва Шишупала сингари иблис-шоҳлар мағлуб бўлиши, қамокда қийналаётган бегуноҳ, тақводор шоҳлар озодликка чиқиши ва айни пайтда қурбонлик маросими ҳам албатта ўтказилиши учун, Сенинг Ўзинг Хастинапурга боришинг ва мана шу буюк қурбонлик маросимини ўтказганинг маъкул. Ҳозирги вазиятни таҳлил қилиб, мен Сен ҳозироқ Хастинапурга жўнашинг керак керак деб ўйлайман".

Мажлисида иштирок этаётганларнинг ҳаммаси Уддхаванинг маслаҳатини қўллаб қувватладилар, уларнинг ҳар бири Парвардигор Кришнанинг Хастинапурга бориши ҳар жиҳатдан ҳам жуда шарофатли бўлади деб ўйларди. Буюк донишманд Нарада Муни, Йадавалар сулоласининг оқсоқоллари, Худонинг Олий Шахси бўлган Кришнанинг Ўзи - Уддхаванинг гапларини тўла маъқулладилар. Шундан кейин Парвардигор Кришна отаси Васудева ва бобоси Уграсенадан руҳсат олиб, хизматкорлари Дарука ва Жаитрага Хастинапурга сафарга чиқиш учун ҳозирлик кўришни буюрди. Ҳамма нарса сафарга тайёр бўлгандан кейин Кришна алоҳида Парвардигор Балорам билан, Йадавалар шоҳи Уграсена билан хайрлашди, болалари билан бирга хотинларини зарур бўлган барча анжомлар билан биргаликда олдинда жўнатиб, устида Гаруда тасвири чизилган байроқ хилпираб турган жанг аравасига ўтирди.

Йўлга тушишдан олдин Парвардигор Кришна буюк донишманд Нарада Муни олдида барча сиғиниш маросимларини ўтказиб уни мамнун қилди. Нарада Муни Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилмоқчи эди, лекин Парвардигор Кришна оддий инсон ролини ўйнаётгани учун у фақат хаёлан Унга сажда қилди ва фикру-хаёлини ўзининг қалбидаги Парвардигорнинг илоҳий қиёфасига мужассам қилиб, ҳаво йўли билан мажлислар саройини тарк этиб кетди. Одатда Нарада Муни ҳеч қачон ер устида юрмайди, у ҳамиша ҳаво йўли бўйлаб сайр қилиб юради. Нарада Муни кетгандан кейин Парвардигор Кришна қамоқдаги шоҳлардан вакил бўлиб келган шоҳга мурожаат қилиб, улар ҳеч ташвишга тушмаслигини, жуда тез вақт ичида албатта Магадха шоҳи Жарасандхани ўлдиришининг бирор чорасини кўришини айтди. Кришна барча шоҳларга ва уларнинг вакилига омад тилади. Парвардигор Кришнанинг ишонтириб айтган гапларини тинглаб туриб, вакил бу хушxabарни қамоқда қийналиб ётган шоҳларга етказди. Бу хабарни эшитиб қамоқдаги шоҳларнинг барчаси жуда хурсанд бўлдилар ва Парвардигорнинг келишини сабрсизлик билан кута бошладилар.

Бошқа кўплаган жанг аравалари, филлар, отлик ва пиёда аскарлар ҳамроҳлигида Парвардигор Кришнанинг жанг араваси йўлга тушди. Шоҳлар, барабанлар, найлар, сурларнинг қувноқ овозлари бутун атрофга ёйилган эди. Парвардигор Кришнанинг бенуқсон рафиқаси, равнақ фариштаси Рукмини деви бошлиқ ўн олти минг малика ўз ўғиллари билан биргаликда Парвардигор Кришнага эргашдилар. Улар қимматбаҳо тақинчоқлар тақиб, чиройли либослар кийиб олган, таналарига сандал суртган, бўйнига эса муаттар гуллардан ясалган гулчамбар осиб олган эдилар. Ипак соябон тутилган ва тепасига байроқча осилиб, олтиндан нақш қўйилган паланкинда ўтириб, маликалар ўзларининг улуғвор

эри Парвардигор Кришна изидан борардилар. Пиёда аскарлар қўлларига қилич, қалқон ва найза ушлаб олган ҳолда маликаларга соқчилик қилиб борардилар. Карвоннинг охирида Парвардигор Кришнага ҳамроҳ бўлиб бораётганларнинг хотинлари ва болалари борарди, шунингдек улар билан бирга фоҳиша аёллар ҳам бор эди. Хўкиз, кўтос, хачир ва эшакларга йўл анжомлари, кўрпа-тўшаклар ортилган, аёллар эса туя устига ўрнатилган паланкинда уларнинг изидан борарди. Ана шундай катта карвон одамларнинг ҳайкириғи, ранг-баранг байроқлар, соябонлар, чамаралар, куруллар, турли безаклар, тожлар ва бошқа зарур нарсалар билан чиройли манзара ҳосил қилиб кишини ҳайратга солиб аста-секин йўл юриб борарди. Қуёш нурлари ёритиб турган бу катта карвон худди катта тўлқинлар ва катта-катта акулалар сузиб юрган бепоён океанни эслатарди.

Шу тариқа Парвардигор Кришна ва У билан бирга бораётган катта карвон Хастинапур сари йўл юриб, аста-секин Анарта(ҳозирги Гуджарат), Саувира(Саурет) вилоятларини, буюк Раджастон чўлини, кейин эса Курукшетрани босиб ўтдилар. Бу салтанатлар орасида кўплаган дарёлар, тоғлар, шаҳарлар, қишлоқлар, ўтовлар, яйловлар ястаниб ётарди. Карвон манзил сари яқинлашиб борар экан, мана шу жойларнинг ҳаммасини босиб ўтди. Парвардигор Хастинапурга бораётиб икки катта дарё Дришвати ва Сарасвати орқали ўтди. Кейин У Панчхала ва Матсйа вилоятлари орқали ўтди. Шу йўл билан ниҳоят У Индрап-растхага етиб келди.

Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришнанинг келиши - қандайдир оддий воқеалардан эмасди. Шу боис Парвардигор Кришна пойтахт шаҳар Хастинапурга келаётгани ҳақидаги хабарни эшитган шоҳ Юдхиштхира шу қадар қувониб кетдики, жазавали лаззатдан унинг танасидаги туклари хурпайиб кетди, Парвардигор Кришнани муносиб кутиб олиш учун у шу заҳотиёқ шаҳар дарвозаларига шошилди. Юдхиштхиранинг буйруғи билан машшоқлар мусиқа чалиб, қўшиқ куйлай бошладилар; шаҳарнинг билимдон браҳманлари баланд овозда Ведавий мадҳияларни ўқий бошладилар. Парвардигор Кришнани Хришикеша, яъни ҳиссиётлар Султони деб атайдилар, худди сезгилар ҳаёт бағишловчи кучни чанқоқлик билан қарши олганидай, шоҳ Юдхиштхира ҳам Парвардигорни кутиб олиш учун олдинга интиларди. Шоҳ Юдхиштхира Кришнанинг амаки оғаси эди. Табиий равишда у Кришнани қаттиқ севарди, Кришнага кўзи тушиши билан унинг қалбидаги меҳр туйғуси яна ҳам тошиб кетди. Унинг Парвардигорни кўрмаганига анча вақт бўлган эди, шунинг учун ҳозир Уни ўз кўзи билан бевосита кўриб турганидан ўзини жуда бахтиёр ҳис қиларди. Шоҳ меҳр билан Кришнани кучоқлаб, Уни такрор ва такрор бағрига босарди.

Парвардигор Кришнанинг мангу киёфаси - равнақ фариштасининг мангу макони ҳисобланади. Шоҳ Юдхиштхира Уни бағрига босган заҳоти моддий тирикчиликнинг барча иллатларидан бутунлай халос бўлди. У қалбида чуқур илоҳий лаззат ҳис қилиб, ҳақиқий бахт уммониға ғарқ бўлганди. Унинг кўзлари жикқа ёшга тўлиб, қалбида ҳис қилаётган жазавали илоҳий лаззатдан бутун вужуди титрар эди. У бу моддий оламда яшаётганини бутунлай эсидан чиқариб юборганди. Кейин Пандузодаларнинг иккинчиси Бхимасена кулиб туриб, Парвардигор Кришнани ўзининг амаки укаси ўрнида кўриб бағрига босди. У ҳам илоҳий жазавали лаззат уммониға ғарқ бўлиб, анча вақтгача ўзини бутунлай унутиб кўйди. Кейин Парвардигор Кришна қолган уч пандузода - Аржун, Накул ва Сахадевни бағрига босди. Уч ака-уканинг ҳам кўзлари қувончдан жикқа ёшга тўлган эди, Аржун Кришнани такрор ва такрор кучоклаб бағрига босди, чунки улар бир-бирига жуда яқин дўст эдилар. Парвардигор Кришна кучоклаб бағрига босгандан кейин икки кичик пандузода - Накул билан Сахадев, чуқур эҳтиром билан Унинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилдилар. Кейин Парвардигор Кришна шу ерда тўпланган браҳманларга, шунингдек Курулар сулоласининг оқсоқоллари Бхишмага, Дронага ва Дхритараштрага ҳурмат билдирди. Бу ерда Куру, Сринжайа ва Кекайя сингари турли вилоятларнинг кўплаган шоҳлари бор эди, шу боис Парвардигор Кришна уларнинг ҳаммаси билан ҳар бирининг мартабасига мос равишда ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб ҳол-аҳвол сўрашди. Моҳир воизлар - суталар, магадхалар ва вандиналар - браҳманлар жўрлигида Парвардигорга ажойиб илтижолар куйлай бошладилар. Гандхарвалар сингари раққос ва хонандалар, шоҳнинг масҳарабозлари ўзларининг барабанларини, сурларини чалиб, вина ва мридангалар чалиб кўшиқлар куйлаб рақсга туша бошладилар Парвардигорни мамнун қилиш учун улар рақс туриши санъатини ҳам намойиш этардилар. Шундай қилиб, шавкатли Худонинг Олий Шаҳси Парвардигор Кришна ҳар жихатдан бой-бадавлат бўлган буюк Хастинапур шаҳрига кириб келди. Парвардигор Кришна шаҳарга кириб келганда бутун аҳоли ўзаро суҳбатларида Кришнани улуғлаб, Унинг илоҳий номларини, сифатларини, киёфасини ва бошқа фазилатларини олқишлай бошлаган эдилар.

Филлар ўзларининг хартуми билан Хастинапурнинг барча кўча ва хиёбонларига анвойи хид таратиб турадиган сув сепаб чикдилар. Шаҳарнинг ҳамма жойида уйлар чиройли байроқчалар ва гулчамбарлар билан безатилган эди. Катта кўчаларнинг чорраҳаларида олтиндан нақш берилган аркалар ўрнатилган бўлиб, арканинг икки томонида сув солинган кўзалар қўйилган эди. Ана шундай безаклар одамларга шаҳарнинг бадавлатлигини кўз-кўз қилиб турарди. Байрамда иштирок этиш учун бутун шаҳар

аҳолиси чиройли либосларини кийиб, қимматбаҳо тақинчоқларини тақиб, таналарига муаттар хид таратиб турадиган атирмайлар суртиб шаҳарнинг турли жойларида тўпланиб, ўзаро суҳбатлашиб турардилар. Уларнинг бўйнида чиройли гулчамбарлар ва қимматбаҳо маржонлар осилган эди. Ҳар бир хонадон иморат карнизига, деворларига, устунларига қўйилган юзлаб, минглаб шамчироқлар билан безатилган эди. Уларнинг чарақлаб туришлари узоқдан Дипавали байрамини эслатарди. (Дипавали - Ҳиндистонликларнинг янги йил байрами). Уй ичкарасида муаттар мушк-анбарлар тутатилган, уларнинг тутуни деразалардан ташқарига чиқиб, бутун атрофни анвойи хидларга тўлдирган эди. Ҳар бир уйнинг томида байроқ қилпираб турар, сув солинган кўзалар ярқираб нур сочиб турарди.

Шундай қилиб, Парвардигор Кришна Пандузодаларнинг байрамонга безанган шаҳрининг гўзаллигидан лаззатланиб, дарвозадан кириб, шаҳар кўчалари бўйлаб оҳиста юра бошлади. Шаҳарнинг ёш қизлари кўришга арзийдиган ягона Зот, Парвардигор Кришна шаҳарга келгани ҳақидаги хабарни эшитиб, бу шавкатли шахсни кўриб қолишга шошилдилар. Қаттиқ шошганидан уларнинг сочлари тўзиб, танасига зич ёпишиб турган сариларининг тахи бузилиб кетди. Улар ўзларининг ҳамма уй ишларини дарров тўхтатгандилар; ҳатто эрлари билан бирга ўтирган аёллар ҳам эрларини ташлаб апил-тапил кийиниб, Парвардигор Кришнани кўриб қолиш учун кўчага югурдилар.

Карвон жуда кўп филлардан, жанг араваларидан, отлиқ ва пиёда аскарлардан иборат эди; кўплар бу оломон ичидан ҳеч нарсани кўра олмадилар, шу боис шошилиб уйларнинг томларига чиқиб олдилар. Улар ўзининг минглаган хотинлари билан бораётган Парвардигор Кришнани узоқдан бир марта кўриб қолишдан ўзларини жуда бахтиёр ҳис қилардилар. Улар карвонга гуллар ирғитдилар, Парвардигор Кришнани ҳаёлларида кучоклаб бағрига босдилар ва Уни чуқур эҳтиром билан қарши олдилар. Ўзининг минглаган маликалари орасида худди чарақлаган юлдузлар орасида тўлин ойдай бўлиб бораётган Парвардигор Кришнани кўрганларида эса ўзаро ўзаро суҳбатлаша бошладилар.

Қизларнинг биттаси бошқасига шундай деди: "Азиз дугонажон, ҳамиша Кришнанинг муҳаббат тўла нигоҳлари ва кулиб турган юзини кўришдан лаззатланиб яшаш учун бу маликалар аввалги ҳаётларида қандай буюк савоб ишлар қилганларини ҳатто тасаввур қилиш қийин". Парвардигор Кришна кўчадан ўтиб борар экан ҳар ер - ҳар ерда шаҳарда яшайдиган бадавлат, обрўли ва бегуноҳ такводор инсонлардан бири Унга чуқур ҳурмат-эҳтиром билан сажда қилиб, ҳар хил шарофатли нарсалар тақдим этарди. Шу тарзда улар Парвардигор Кришнага камтарин хизматкорлар сифатида сажда қилардилар.

Парвардигор Кришна саройга кириб келганида шу ердаги аёлларнинг ҳаммасининг қалбида Унга нисбатан муҳаббат туйғуси жўш уриб кетди. Улар ўзларининг муҳаббат ва нафосат барқ уриб турган нигоҳларини Кришнага тикдилар, Парвардигор Кришна эса, уларнинг ҳистуйгуларини ва табрик ўрнидаги имоларини қабул қилиб, уларга жавобан ширин табассум билан кулиб қўйди. Кунти она ўзининг жияни бўлган Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришнани кўрганида қалби Кришнага нисбатан меҳр ва муҳаббат туйғуси билан лиммо-лим тўлиб кетди. У шу заҳотиёқ ўрнидан туриб, келини Драупади билан бирга Унинг олдида борди ва оналик меҳри билан Кришнани кучоқлаб бағрига босди. Шоҳ Юдхиштхира Кришнани ўзининг саройига олиб кирганида, қаттиқ қувонганидан бутунлай ўзини йўқотиб, Уни муносиб ҳурмат-эҳтиром билан қарши олиш учун нималар қилиш кераклигини ҳам бутунлай эсидан чиқариб юборганди. Кришнанинг синглиси ҳам Драупади билан бирга шу ерда турарди, улар иккиси ҳам Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига эҳтиром билан бош эгдилар.

Қайнонасининг имоси билан Драупади либослар, тақинчоқлар ва гулчамбарлар олиб келди, кейин улар ҳаммаси бу нарсаларни маликалар Рукмини, Сатйабхама, Бхадра, Жамбавати, Калинди, Митравинда, Лакшмана ва садоқатли Сатйага тақдим этдилар. Улар Парвардигор Кришнанинг мана шу катта маликаларини биринчи бўлиб қабул қилдилар, кейин бошқа маликаларни ҳам муносиб кутиб олдилар. Шоҳ Юдхиштхира Парвардигор Кришна ҳордик чиқариши учун зарур бўлган барча чораларни кўрди, У билан бирга келганларнинг ҳаммаси - Унинг маликалари, жангчилари ва маслаҳатчилари кулай жойлашиб олишини таъминлади. У ўз хизматкорларига ҳар куни меҳмонларга аъло даражада хизмат кўрсатишни тайинлади.

Айнан шу келганида Парвардигор Кришна Аржуннинг ёрдами билан олов фариштаси Агнини мамнун қилиш учун унга Кхандава ўрмонини ютиб юборишга рухсат берган эди. Ўрмонга ёнгин кетганида Аржун ўрмон ичида яшириниб ўтирган иблис Майясурани ҳалокатдан қутқариб қолди. Муқаррар ҳалокатдан қутулиб қолган Майясура ўзини Аржун ва Парвардигор Кришна олдида қарздор ҳис қиларди, шунинг учун у миннатдорчилик юзасидан Хастинапур шаҳрида ғаройиб мажлислар саройини қуриб берди. Шу тарзда Парвардигор Кришна шоҳ Юдхиштхирани мамнун қилиш учун Хастинапурда анча вақт меҳмон бўлиб турди. Шу ерда бўлган пайтларида У яқин атрофларга сайр қилиб лаззатланар ёки Аржуннинг жанг аравасига ўтириб, Ўзининг кўплаган жангчилари ҳамроҳлигида сафарга чиқиб турарди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Парвардигор Кришна Индрапрастха шаҳрида" деб аталадиган етмишинчи бобида Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.

71. Шоҳ Жарасандханинг озодликка чиқиши.

Саройда тўпланган барча обрўли фуқаролар, дўстлари, қариндошлари, браҳманлар, кшатрийлар ва вайшйалар, шунингдек укалари олдида шоҳ Юдхиштхира Парвардигор Кришнага шундай деб мурожаат қилди: "Эй азиз Парвардигор Кришна, Раджасуйа деб аталадиган буюқ қурбонлик маросимини бутун олам ҳукмдори ўтказиши лозим, бу маросим барча маросимларнинг шоҳи ҳисобланади. Ана шундай маросим ўтказиб мен барча фаришталарни - Сенинг бу моддий оламда ҳар хил қудратлар ато этиб қўйган вакилларингни мамнун қилмоқчиман ва ана маросимни муваффақият билан ўтказишда Сен менга ёрдам беришингни илтимос қиламан. Биз пандузодалар фаришталардан ўзимизга бирор нарса тилашимизнинг мутлақо ҳожати йўқ. Бизлар бу дунёда Сенинг *бхакталаринг* эканимиздан тўла мамнунмиз. Сен "*Бхагавад-гита*"да айтганингдек, моддий истаклар алдовига учиб қолган одамлар фаришталарга сиғинадилар, лекин бизларнинг ниятимиз бошқа. Мен бу Раджасуйа қурбонлик маросимини, уларни бу ерга таклиф қилиб, аслида уларнинг Сендан мустақил ҳолда ҳеч қандай қудрати йўқ эканлигини уларга кўрсатиб қўйиш мақсадида ўтказмоқчиман. Уларнинг барчаси - Сенинг хизматкорларинг, Сен эса - Худонинг Олий Шахсисан. Аҳмоқ, калтафаҳм одамлар Сени оддий одамларнинг бири деб ҳисоблайдилар. Баъзан улар Сендан бирор нуқсон излаб топмоқчи бўладилар, баъзан эса Сени бирор ишда гуноҳкор деб айблайдилар. Шу боис мен буюқ Раджасуйа қурбонлик маросимини ўтказмоқчиман. Мен Тангри Браҳма, Тангри Шива ва жаннатий сайёраларнинг бошқа улуғвор ҳукмдорларидан бошлаб барча фаришталарни мана шу маросимга таклиф этмоқчиман ва бутун коинот бўйлаб барча фаришталар тўпланган мана шу буюқ маросимда Сен - Худонинг Олий Шахси, қолган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси - Сенинг мангу хизматкорларинг эканини исботламоқчиман.

Эй азиз Худойим, ҳамиша Кришна онги билан яшаб юрган ва ҳамиша Сенинг нилуфар қадамларинг пойи ёки Сенинг оёқ кийиминг ҳақида ўйлаб юрган одам, ҳеч шубҳа йўқки, моддий ҳаётнинг барча иллатларидан бутунлай покланади. Кришна онгига тўлиқ эга бўлган ҳолда ҳамиша Сенга садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлиб юрган, фақат Сен ҳақингда ўйлаб юрган, ҳар куни Сенга илтижолар қилиб яшайдиган одам - қалби покланган инсондир.

Ҳамиша Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юриб, одам кетма-кет туғилиш ва ўлишлар чархпалаги чангалидан озодликка чиқади. У ҳатто бу моддий тирикчилик уммонидан қутулишга ҳам интилмайди, шунингдек у моддий бойликдан лаззатланишни ҳам истамайди; унинг барча истаклари Худога садоқат билан хизмат қилиш билан тўла амалга ошади. Бизлар эса ўз ихтиёримизни бутунлай Сенга топширдик, Сенинг нилуфар қадамларинг пойига бош эгдик, Сенинг марҳаматинг билан бизлар Сенинг жамолингни кўриб юриш имконига эгамиз. Шунинг учун бизларнинг ҳеч қандай моддий нарсаларга, дуёвий бойликларга интилмаслигимиз табиий ҳол. Ведавий донишмандлик илми шуни тасдиқлайдики, Сен - Худонинг Олий Шахсисан. Мен ҳам ана шу ҳақиқатни исботламоқчиман, мен яна шуни бутун олам аҳлига кўрсатмоқчиманки, Сени Худонинг Олий Шахси деб қабул қилиш билан Сени оддий бир тарихий қудратли шахс деб қабул қилиш орасида жуда катта фарқ бор. Мен бутун олам аҳлига кўрсатмоқчиманки, худди дарахтнинг илдизига сув қуйиш билан бутун дарахтнинг барча шохаларини, баргларини ва гуллари озиқлантириш мумкин бўлгани сингари, Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топиш билан инсон ҳаётда энг олий камолот чўққисига эришади. Шундай қилиб, агар инсон ҳаётда Кришна онги билан яшай бошласа, у рухий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам ҳаётда энг катта муваффақиятга эришади.

Бу - "Сен ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган одамга кўпроқ яхшилик қиласану, ҳаётда бундай онг билан яшамайдиган одамга эътибор бермайсан" - дегани эмас. Сен барчага бир хил муносабатда бўласан, Сенинг Ўзинг шундай дегансан. Сен кимларгадир кўпроқ яхшилик қилиб бошқаларга ғамхўрлик қилмай қўйишинг асло мумкин эмас, чунки Сен Олий Рух сифатида ҳар кимнинг қалбида жойлашгансан ва ҳар кимнинг кўрсатаётган кармали фаолиятига мос равишда шу фаолият оқибатларини уларга юбориб турасан. Сен ҳар бир тирик мавжудотнинг истагига мос равишда бу моддий оламда лаззатланиш имкониятини берасан. Олий Рух сифатида Сен тирик мавжудот билан бирга унинг танасида жойлашасан ва унга кармали фаолиятининг оқибати билан бирга рухий жиҳатдан юксалиб, Сенга садоқат билан хизмат қилиш имконини ҳам берасан. Сен очиқдан-очиқ, инсон бошқа барча ишларини тарк этиб, ўз ихтиёрини бутунлай Сенга топшириши лозимлигини, шунда Сен унга ғамхўрлик қилиб, уни барча гуноҳлари оқибатидан халос этишни айтгансан. Сен худди жаннатдаги ҳар кимнинг истагига мос равишда турли мевалар берадиган орзулар дарахтига ўхшаб, ҳар кимни унинг қалбидаги ниятига мос равишда мукофотлайсан. Ҳар қандай одам ҳаётда энг олий баркамолликка эришиши мумкин, лекин агар одам ўзи буни истамаса, Сен унга унинг ўзи ният қилган нарсанигина берасан,

шу боис Сени кимгадир яхшилик қилиб, кимгадир эътибор бермасликда ҳеч қандай айблашга ўрин йўқ".

Шоҳ Юдхиштхиранинг гапларини тинглаб туриб, Парвардигор Кришна шундай деб жавоб берди: "Эй ҳурматли шоҳ Юдхиштхира, эй душманлар ғолиби, эй мукаммал адолат тимсоли, сенинг буюк Раджасуяа қурбонлик маросими ўтказиш ниятингни Мен тўла қўллаб-қувватлайман. Бундай буюк қурбонлик маросимини ўтказиш билан сен бутун инсоният тарихида ўчмас шон-шухрат қозонасан. Эй ҳурматли шоҳ, сенга шуни айтишим мумкинки, барча буюк донишмандлар, Сенинг аждодларинг, фаришталар, дўстларинг ва қариндошларинг, шу жумладан Мен Ўзим ҳам сенинг ана шу буюк қурбонлик маросимини ўтказишингни истаимиз, ўйлайманки бу маросим ҳар бир тирик мавжудотга тўла мамнуният олиб келади. Лекин, зарурат юзасидан Мен сендан аввало жаҳоннинг ҳамма шохларини мағлуб қилишингни ва бу буюк қурбонлик маросимини ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма нарсани тайёрлашингни илтимос қиламан. Эй ҳурматли шоҳ Юдхиштхира, сенинг тўрт уканг - Варуна, Индра ва бошқа фаришталарнинг тўла ваколатли вакиллари ҳисобланади. Маълумки, Бхима фаришта Вайудан дунёга келган, Аржун - фаришта Индрадан, шоҳ Юдхиштхиранинг ўзи эса - фаришта Йамараж(Азроил)нинг ўзидан дунёга келган. Сенинг укаларинг - буюк қахрамонлардир, сен ўзинг эса - энг эзгу ниятли, ҳамиша ўзини тута биладиган шохсан, шу боис сени Дхармараджа деб атайдилар. Сизларнинг барчангиз Менга шу қадар муносиб хизмат қиласизларки, натижада Мен билан тенг даражага етиб қолгансизлар".

Парвардигор Кришна шоҳ Юдхиштхирага айтдики, ҳиссиётини жиловлаб олган одам Уни ўз муҳаббати билан ўзига бутунлай бўйсундириб олади. Ҳиссиётини жиловлай олмаган одам Худонинг Олий Шахсини ўзига бўйсундира олмайди. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг маҳфий сири ҳам мана шунда. Ҳиссиётини жиловлаб олиш - уларни ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул қилишдан иборат. Ака-ука пандузодаларнинг алоҳида фазилатлари шундан иборат эдики, улар ўзларининг бутун ҳиссиётини Кришнага садоқат билан хизмат қилишда машғул қилиб қўйган эдилар. Ким ҳиссиётини шундай машғул қилса - барча сезгилари покланади, покланган сезгилари ёрдамида эса инсон ҳақиқатан ҳам Худога садоқат билан хизмат қила олади. Шу тариқа *бхакта* ўзининг илоҳий муҳаббат билан қилаётган хизмати орқали Парвардигорни ўзига бутунлай бўйсундириб олади.

Парвардигор Кришна давом этди: "Бутун уч оламда, шу жумладан қудратли фаришталар орасида ҳам олти мукаммал фазилат: бойлик, куч, шон-шухрат, гўзаллик, илм ва боғланмасликда Менинг бхакталаримдан устун турадиган бирор

зот мавжуд эмас. Шунинг учун агар сизлар бутун олам шоҳларини мағлуб қилмоқчи бўлсанглар, уларнинг бу жангда ғалаба қилишига ҳеч қандай имконияти йўқ".

Парвардигор Кришна шоҳ Юдхиштхирани шундай сўзлар билан кўллаб-куватлаб, илҳомлантирганида унинг юзи илоҳий бахтдан очилиб, яшнаб кетди, кейин у укаларига жаҳоннинг ҳамма жойидаги шоҳларни ўзларига бўйсундириб забт этишни буюрди. Парвардигор Кришна ака-ука Пандузодаларга Ўзининг буюк вазифа(миссия)сини - бу оламдаги имонсиз золимларни яқсон қилиш ва Ўзининг содиқ бхакталарини ҳимоя қилиш ишларини амалга ошириш қудратини берганди. Шунинг учун Парвардигор Ўзининг Парвардигор Вишну киёфасида тўрт кўлида тўрт турли қурол ушлаб турибди. Унинг икки кўлида нилуфар гули ва сур бор, бошқа икки кўлида гурзи билан халқа. Гурзи билан халқа имонсиз золимлар учун мўлжалланган, лекин Парвардигор Олий Мутлақ бўлгани учун, Унинг ҳамма қуроллари оқибат-натияжада бир хил таъсир қилади. Гурзи ва халқа ёрдамида У золимларнинг ақлини киритиб, улур бу дунёдаги энг муҳим зотлар аслида улар эмаслигини англаб этишлари учун уларни жазолайди. Парвардигор улардан устивор ва муҳимроқ бўлган Суруни чалиб, нилуфар гулини теккизиб дуо қилганида эса - ҳамиша Ўзининг содиқларини, ҳатто улар энг қийин вазиятга тушиб қолган пайтларида ҳам ҳеч ким уларни ҳалокатга учрата олмаслигидан хабардор қилиб туради. Шоҳ Юдхиштхира Парвардигор Кришнанинг гапларидан кўнгли хотиржам бўлиб, Сринжайа қабиласининг жангчилари ҳамроҳ бўлган кичик укаси Сахадевага жанубий давлатларни забт қилишни буюрди. Матсйадеша жангчилари ҳамроҳ бўлган Накуллага ғарбий давлатларнинг шоҳларини забт қилишни буюрди. Кекайя қабиласи жангчиларига бошчилик қилаётган Аржунни шоҳ Юдхиштхира шимол томонда жойлашган шоҳларни забт этишга, Мадрадеша(Мадрас) жангчилари билан бирга бўлган Бхимасенани эса шарқ томондаги шоҳларни бўйсундиришга жўнатди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, укаларини ҳар хил давлатларни забт қилишга жўнатар экан, шоҳ Юдхиштхира уларга ҳамма шоҳларга қарши уруш эълон қилишни назарда тутгани йўқ. Аслида унинг укалари ҳар хил давлат шоҳларини шоҳ Юдхиштхира буюк Раджасуйа қурбонлик маросими ўтказишга ҳозирлик кўраётганидан хабардор қилиш учун йўл олдилар. Шоҳларга ана шу қурбонлик маросимини ўтказиш учун товон тўлашлари лозим экани айтилади. Агар шоҳ, ҳукмдор Юдхиштхирага товон тўлашга рози бўлса, бу унинг Юдхиштхирага бўйсунганини тан олганини билдиради. Агар шоҳ товон тўлашдан, Юдхиштхиранинг амрига бўйсунганидан бош тортса, унда жанг қилиш муқаррар бўлади. Шундай қилиб, ўзларининг мартабаси ва қудрати туфайли ака-укалар

жаҳоннинг ҳамма тарафидаги шоҳларни забт этиб, етарлича товон ва турли эҳсонлар тўплаб қайтиб келдилар. Буларнинг ҳаммасини улар шоҳ Юдхиштхирага инъом этдилар.

Шоҳ Юдхиштхира, Магадха шоҳи Жарасандха унинг устиворлигини тан олмаслигини эшитиб ташвишлана бошлади. Шоҳ Юдхиштхиранинг ташвишланаётганини кўриб, Парвардигор Кришна унга Жарасандхани қандай бўйсундириш ҳақидаги Уддхаванинг таклифини айтди. Шундан кейин Бхимасена, Аржун ва Парвардигор Кришна биргаликда, браҳманларнинг либосларини кийиб олиб, Жарасандханинг пойтахт шаҳри Гиривраджага йўл олдилар. Ҳали Парвардигор Кришна Ҳастинапурга йўл олмасдан олдин Уддхава ўйлаб топган режа шундай эди, энди эса улар шу режани амалга ошираётган эдилар.

Шоҳ Жарасандха грихастха сифатида ўз бурчини тўла бажариб яшар, браҳманларга чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатарди. У буюк жангчи, шоҳ-кшатрий эди, лекин ҳеч қачон Ведаларнинг қонунларига зид иш қилмасди. Ведавий муқаддас китобларда айтилганки, браҳманлар жамиятдаги бошқа барча табақаларга мансуб одамларнинг руҳий устозлари ҳисобланади. Парвардигор Кришна, Аржун ва Бхимасена аслида кшатрийлар эдилар, лекин браҳманларнинг либосини кийиб, Жарасандха браҳманларга хайрсадақа улашадиган пайтда унинг олдига келдилар.

Браҳман либосини кийиб олган Парвардигор Кришна шоҳга шундай деди: "Эй шоҳ, қилаётган ишларинг ҳамиша сенга шон-шараф келтирсин! Бизлар учқовимиз Сенинг саройингда меҳмонмиз, жуда узоқдан келдик. Бизлар сендан садақа сўраш ниятидамиз, сен бизларнинг илтимосимизни ерда қолдирмайсан деб умид қиламиз. Бизлар сенинг эзгу фазилатларинг ҳақида жуда кўп эшитганмиз. Сабр-тоқатли инсон қанча изтироб чекса ҳам ҳар қандай қийинчиликка бардош бера олади. Худди имонсиз жиноятчи одам ҳар қандай жирканч жиноятга қўл уришга қодир бўлгани сингари, қалби эзгу ишлар қилишга мойил бўлган сендай саховатли инсон ҳам ундан нимани илтимос қилсалар ҳам, ҳеч иккиланмай эҳсон қилишга қодир бўлади. Сендай буюк инсон ўзининг қариндошлари билан бегоналарни бир-бирдан ажратмай, уларга бир хилда муносабатда бўлади. Шон-шуҳратли инсон ҳатто ўлганидан кейин ҳам мангу яшайди; шундай экан, барча имконияти бўлган ҳолда бу дунёда ўзига яхши ном ва шон-шуҳрат келтирадиган ишларни қилмайдиган одам буюк инсонлар назаридан четда қолиб, албатта тубанликка юз тутати. Бундай одам учун муносиб жазо топиб ҳам бўлмайди, унинг садақа беришдан бош тортишининг ўзи унинг бутун умрини ҳазон қилиб юборади. Сен фақат шолиси ўриб кетилган даладан йиғилган бошоқлар билан кун кўриб яшаган Харишчандра, Рангидева ва Мудгала

сингари олижаноб инсонларнинг шон-шуҳратга тўла номларини, ўзининг танасини кесиб бериб каптарнинг ҳаётини сақлаб қолган буюк Махараж Шиби ҳақида албатта эшитган бўлсанг керак. Ўша буюк зотлар ана шундай ўлмас шон-шуҳратга шунчаки ўзларининг вақтинчалик, ўткинчи моддий танасини қурбон қилиш орқали эришганлар".

Шундай қилиб, брахман либосини кийиб олган Парвардигор Кришна Жарасандхага инсоннинг танаси ўткинчи, лекин қилган шарафли ишлари унга мангу шон-шуҳрат келтиришини эсла-тиб қўйди. Агар кимдир ўзининг ўткинчи танасини қурбон қилиб бўлса ҳам ўлмас шон-шуҳратга эриша олса, ундай инсонни ҳамма ҳурмат қилади ва унинг номи инсоният тарихида мангу қолади.

Аржун ва Бхима сингари брахман либосини кийиб олган Парвардигор Кришна шу гапларни айтиб турганида шоҳ Жарасандха буларнинг уччаласи ҳам ҳақиқий брахманларга унчалик ўхшамаслигини сезиб қолди. Жарасандха уларнинг таналарида улар аслида кшатрийлар эканини билдириб турган аломатларни яққол кўриб турарди. Уларнинг елкаларида оғир камоннинг изи қолган эди; уларнинг таналари бақувват, овозлари бошқаларга буйруқ беришга одатланган паст оҳангли эди. Шунинг учун Жарасандха улар ҳақиқий брахманлар эмас, аслида кшатрийлар деган қатъий қарорга келди. Бунинг устига унга бу зотларни у аввал ҳам қаердадир учратгандай бўлиб кўринди. Гарчи бу уч зот аслида кшатрий бўлса ҳам, ҳозир улар брахманлардай садақа сўраб унинг эшигига келганлар. Шунинг учун у булар аслида кшатрий бўлишларига қарамай уларнинг илтимосини бажаришга қарор қилди. Булар унинг эшиги олдига гадой девоналардай келиш билан ўзларини пастга ургани учун у шундай қарорга келган эди. "Шундай экан - деб ўйлади Жарасандха ичида, - мен уларнинг истасан нарчасини беришга тайёрман. Ҳатто улар менинг танамни сўрасалар ҳам, мен ҳеч иккиланмай уларга танамни садақа қиламан!" Шунда у Бали Махараж ҳақида ўйлай бошлади. Брахманлар либосини кийиб олган Парвардигор Вишну Бали Махараж олдига тиланчи гадой киёфасида келиб, унинг бутун бойлигини ва салтанатини тортиб олган эди. Парвардигор бу ишни жангда Бали Махараждан мағлуб бўлиб, бутун салтанатидан жудо бўлган Индра учун қилган эди. Гарчи ўшанда Бали Махаражни алдаб чув туширган бўлсалар ҳам, ўзининг бор нарчасини Парвардигор Вишнуга эҳсон қилган буюк бхакта сифатида унинг номи мангу қолган, бхакталар уни ҳозир ҳам бутун уч оламда олқишлайдилар. Бали Махараж бу брахман аслида Парвардигор Вишну эканини, У аслида Индрага бериш ниятида унинг гуллаб-яшнаётган салтанатини тортиб олиш учун келганини яхши билиб турар эди. Бали Махаражнинг руҳий усто-зи ва оилавий маслаҳатчи руҳонийси Шукра-

чарйа бу ҳақда шоҳни бир неча марта огоҳлантирган эди, шунга қарамай Бали Махараж ҳеч иккиланмасдан брахманнинг сўраган нарчасини, оқибат-натижада бутун салтанатини, бор мулкини унга эҳсон қилди. "Менинг қарорим қатъий, - деб ўйлади Жарасандха, - агар мен мана шу ўткинчи танамни қурбон қилиш билан ўчмас ном қолдира олсам, бундай мақсадга эришиш учун қўлимдан келганча ҳаракат қилишим керак; брахманларга ғамхўрлик қилмайдиган кшатрийнинг ҳаётини ҳар қанча қораласалар ҳам оз!"

Шоҳ Жарасандха ҳамиша брахманларга саховат билан садақа эҳсон қиларди, шу боис у Парвардигор Кришнага, Бхимасена ва Аржунга шундай деди: "Эй азиз брахманлар, мендан истасан нарсангизни сўрайверинглар!" Агар истасанглар, менинг бошимни ҳам олишларингиз мумкин. Мен сизларга хатто ўз бошимни беришга ҳам тайёрман!"

Парвардигор Кришна Жарасандхага шундай сўзлар билан мурожаат қилди: "Эй ҳурматли шоҳ, билиб қўйки, бизлар аслида ҳақиқий брахманлар эмасмиз, сенинг олдинга овқат ёки ғалла сўраб келганимиз йўқ. Бизлар ҳаммамиз аслида кшатрийлармиз, шу боис сени биз билан жанг қилишга таклиф қилиб келдик. Сен бизларнинг шу таклифимизга рози бўласан деган умиддамиз. Билиб қўйки, сенинг олдинда турганлар шоҳ Пандунинг иккинчи ўғли Бхимасена, учинчи ўғли Аржун бўлади. Мен эса, агар билсанг сенинг эски душманинг, Пандузодаларнинг жияни Кришна бўламан".

Парвардигор Кришна ўзининг аслида ким эканини айтганида шоҳ Жарасандха хоҳолаб қулиб юборди, кейин эса ғазаби қайнаб шундай деб қичқирди: "Ҳой нодонлар! Агар сизлар мен билан жанг қилишни истасанглар мен ҳозирок сизлар билан жанг қиламан. Лекин ҳой Кришна, мен яхши биламанки, Сен - кўрқоқсан. Мен Сен билан жанг қилишдан бош тортаман, чунки жангда менга қарши чиқсанг Сен бутунлай эсанкираб, ўзингни йўқотиб қўясан. Мендан кўрқанингдан Сен бир пайтлар ўз шаҳринг Матхурадан қочиб кетган эдинг, ҳозир эса денгиз ичида яшириниб юрибсан; шунинг учун мен Сен билан жанг қилишдан бош тортаман. Аржунга келсак, билишимча у мендан кичкина, бунинг устига жангда у менга бас келолмайди. Мен у билан ҳам жанг қилишдан бош тортаман, чунки у бирор жихатдан мен билан жанг қилишга қодир рақиб бўлолмайди. Бхимасенага келсак, ўйлайманки жангда у менга муносиб рақиб ва мен билан жанг қила олади". Бу гапларни айтиб бўлиб, Жарасандха шу заҳотиёқ Бхимасенага оғир гурзи узатди, ўзи бошқа бир гурзини олди ва жангни бошлаш учун ҳаммаси биргаликда шаҳардан ташқарига чиқдилар.

Бхимасена ва Жарасандха бир-бири билан жанг қилишга шиддат билан киришиб, ўзларининг оғир гурзилари билан бир-бирига яшиндай кучли зарбалар тушира бошладилар.

Уларнинг иккови ҳам гурзи жангини яхши билардилар, улар шу қадар моҳирлик билан гурзи ўйнатар эдиларки, гўё саҳнада икки артист рақсга тушаётгандай кўринарди. Жарасандха билан Бхимасенанинг гурзилари бир-бирига шиддат билан урилганида худди икки қутурган фил бир-бири билан уришганида кураклари тўкнашгандай ёки момоқалдиноқ пайтида яшин чакнагандай бўларди. Шакарқамиш ўсиб ётган жойда икки фил бир-бири билан жанг қилганида уларнинг ҳар бири шакарқамишни томири билан қўпориб олади ва уни хартуми билан маҳкам қисиб олиб, рақибига зарба туширади. Фил шакарқамиш билан рақибининг елкасига, оёқларига, кўксига, қорнига зарба беради, натижада шакарқамиш чил-парчин бўлиб эзилиб кетади. Худди шундай Жарасандха билан Бхимасенанинг гурзилари ҳам чилпарчин бўлиб парчалашиб кетди. Кейин улар ўзларининг кучли муштумларини ишга солиб даҳанаки жангга киришдилар. Жарасандха билан Бхимасена бир-бирига мушт билан қакшатқич зарба бера бошладилар. Уларнинг тушираётган зарбаларидан чиқаётган товушлар момоқалдиноқ овозини ёки темирчининг болғаси овозини эслатар, худди икки фил жанг қилаётгандай эди. Бахтга қарши рақибларнинг бирортаси устунлик қилолмай турарди, чунки уларнинг иккиси ҳам моҳир жангчи, кучлари тенг, жангда бир хил усулларни қўллар эдилар. На Жарасандха, на Бхимасена бўш келишни истамас, гарчи бир-бирига тинмасдан зарба тушираётган бўлсалар ҳам жанг қилишдан чарчамас эдилар. Кун бўйи жанг қилиб улар кеч кирганда бир-бири билан дўст бўлиб Жарасандханинг саройига қайтиб келардилар, эртаси куни яна жанг қилишни давом эттирардилар.

Жангнинг йигирма саккизинчи куни Бхимасена Кришнага шундай деди: "Азизим Кришна, мен тан олишим керакки, Жарасандхани енга олмайман". Лекин Парвардигор Кришна Жарасандханинг туғилиш сирини биларди. Жарасандханинг танасининг ярми бир онадан, иккинчи ярми бошқа бир онадан туғилган эди. Отаси ўғлининг бундай кўримсиз бўлиб туғилганини кўриб, бу икки ярим болани ҳам ўрмонга улоқтиришни буюрган эди. Ўрмонда бу икки ярим болани Жара деган ялмоғиз топиб олганди. У икки ярим болани бир-бирига қўшиб тирилтирган эди. Буни билган Парвардигор Кришна уни қандай ўлдириш йўлини ҳам биларди. У Бхимасенага айтдики, Жарасандха танасининг икки бўлаги бир-бирига қўшилганидан дунёга келгани учун, уни фақат танасини иккига ажратиш йўли билан уни ўлдириш мумкин. Шундан сўнг Парвардигор Кришна Ўзининг кучини Бхимасенага сингдирди ва унга Жарасандхани ўлдириш йўлини кўрсатди. Парвардигор Кришна дарахтдан бир шохани синдириб олдида, уни иккига айирди, шу тарзда Бхимасенага Жарасандхани қандай қилиб ўлдириш мумкинлигини

кўрсатди. Парвардигор Кришна, Худонинг Олий Шахси, ҳар нарсага қодир Зот, агар У бировни ўлдиришни истаса, ҳеч ким уни қутқара олмайди. Худди шундай, агар У кимнидир ҳимоя қилмоқчи бўлса, ҳеч ким уни ўлдира олмайди.

Парвардигор Кришнанинг имосини тушунган Бхимасена шу заҳотиёқ Жарасандханинг оёқларидан ушлаб олди ва ерга йикитди. Жарасандха ерга қулаганида Бхимасена унинг бир оёғини ерга босиб туриб, икки қўли билан иккинчи оёғига ёпишди. Шу тариқа у Жарасандханинг танасини паст томонидан бошлаб қалласигача икки бўлакка ажратди. Худди фил дарахт шохасини иккига айириб ташлагани сингари, Бхимасена Жарасандханинг танасини иккига айириб ташлади. Жангни томоша қилиб турган одамлар Жарасандханинг танаси икки бўлакка бўлинганини кўрдилар, ҳар бўлакда битта оёқ, битта сон, ярим кўкрак, битта қўл, битта кўз, битта қулоқ ва ярим юз бор эди.

Магадха аҳолиси Жарасандханинг ўлими ҳақида эшитиб: "Аттанг! Афсус!" - дея хитоб қила бошладилар. Парвардигор Кришна билан Аржун эса ғалаба билан табриклар Бхимасенани кучоқлаб бағрига босдилар. Гарчи Жарасандхани ўлдирган бўлсалар ҳам на Кришна, на икки пандузодалардан бирортаси унинг тахтига даъвогарлик қилмадилар. Улар Жарасандха бошқаларнинг тинчлигини ва осойишталигини бузишни бас қилиши учун ўлдирган эдилар. Имонсиз иблис одам ҳамиша бошқа одамларга ташвиш келтиради, хавотирга солиб юради; фаришта, имонли такводор инсон эса ҳамиша ер юзида тинчлик, хотиржамлик бўлишини истайди. Парвардигор Кришнанинг вазифаси - эзгу ниятли инсонларни ҳимоя қилиш ва одамларнинг тинчини бузадиган имонсиз иблисларни яқсон қилишдан иборат. Шунинг учун Парвардигор Кришна Жарасандханинг Сахадева деган ўғлини олдида чақирди ва барча қонун-қоидалар асосида уни тахтга ўтказиб, ундан салтанатни адолат билан бошқаришни илтимос қилди. Парвардигор Кришна бутун борлиқнинг ҳукмдори, У бу дунёда ҳамманинг тинч, осойишта яшашини, ҳамма Худони, Кришнани англаш қоидаларига риоя қилиб яшашини истайди. Сахадевани тахтга ўтказиб, У Жарасандханинг саройида изтироб чекиб ётган бегуноҳ шох ва шахзодаларни озодликка чиқарди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Шоҳ Жарасандханинг озодликка чиқиши" деб аталадиган етмиши биринчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

72. Парвардигор Кришнанинг Хастинапурга қайтиб келиши.

Парвардигор Кришна озодликка чиқарган шоҳ ва шахзодаларнинг ҳаммаси Жарсандханинг ўлимидан кейин жаҳоннинг турли ўлкаларида ҳукмронлик қилдилар. Жарасандханинг ҳарбий қудрати шу қадар мустаҳкам эдики, у йигирма минг саккиз юз шоҳнинг ҳаммасини мағлуб қилиб, уларнинг салтанатларини босиб олиб кўйган эди. Уларнинг ҳаммасини кўрғонга ўхшаб қурилган тоғ ичидаги ғорда камокда сақлар эдилар, бу ерда улар жуда кўп вақтдан бери изтироб чекиб ётардилар. Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан камокдан озодликка чиққанида улар жуда ачинарли аҳволда эдилар. Уларнинг устидаги кийимлари эскириб, титилиб кетган, юзлари етарли парваришланмаганидан сўлиб қолган эди. Очлик, чанқоқлик азобидан уларнинг ҳаммаси ўзларининг табиий гўзаллигини йўқотган эди. Камокда узоқ вақт ётганидан уларнинг тана аъзолари ҳолсизланиб, уларга бўйсунмай қолган эди. Ана шундай даҳшатли шароитда узоқ вақт яшаганига қарамай улар Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Вишну ҳақида ўйлаш имконига эга эдилар.

Ҳозир улар кўз олдида Парвардигор Кришнанинг осмонда энди пайдо бўлган ёмғирли булут рангини эслатовчи илоҳий танасини яққол кўриб турардилар. Парвардигор Кришна уларнинг олдида Ўзининг чиройли сариқ либосида, тўрт кўлли Парвардигор Вишну киёфасида намоён бўлди, У кўлларида гурзи, халка, сур ва нилуфар гулини ушлаб турарди. Унинг кўксида олтин чизиклар бўлиб, кўкраги нилуфар гулининг асосидаги япроқ учларини эслатарди. Унинг кўзлари нилуфар гулбаргини эслатар, Унинг майин табассум билан қулиб турган юзи эса мангу тинчлик ва осойишталик, фаровонлик рамзига ўхшарди. Унинг ярқираган сирғаларига чиройли нақш берилган, тожи эса қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди. Парвардигорнинг марварид маржони ва билагузуклари Унинг танасига мос равишда бекиёс илоҳий гўзаллик билан порлаб турарди. Унинг кўксини безаб турган Каустубха гавҳартоши кўзни қамаштиргудай ярқираб турар, шунингдек Парвардигорнинг бўйнига ғаройиб чиройли гулчамбар осилган эди. Шунча йиллардан бери камокда изтироб чекиб ётгандан кейин Парвардигор Кришнани кўриб турган шоҳ ва шахзодалар Унинг бекиёс гўзал жамолига қараб тўя олмасдилар. Улар гўё кўзлари билан лаззатли шарбат симираётгандай бўлар, Унинг танасини тиллари билан ялаётгандай бўлар, Ундан таралаётган муаттар хидни тўйиб-тўйиб хидлаётгандай, кўллари билан Уни кучоқлаб бағрига босаётгандай бўларди. Шунчаки ҳозир бевосита Худонинг Олий Шахсининг олдида тургани шарофати билан улар қилган барча гуноҳ ишларининг оқибатларидан бутунлай покланган эдилар. Шу боис улар ўзларини бутунлай Парвардигорнинг ихтиёрига топширдилар ва Унинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилдилар. Парвардигор Кришнани кўрган шахзодаларнинг ҳаммаси бо-

шидан ўтказган барча мусибатларини бутунлай эсидан чиқариб юбордилар. Кўллари кўксидан қовуштириб, улар чексиз садоқат билан Парвардигор Кришнага илтижо қила бошладилар.

"Эй азиз Парвардигор, эй Худонинг Олий Шахси, эй барча фаришталарнинг Ҳукмдори, Сен Ўз содиқларингни барча мусибатлардан бир зумда халос қилишга қодирсан, чунки Сенинг бхакталаринг ўз ихтиёрини бутунлай Сенга топшириб кўйганлар. Эй азиз Парвардигор Кришна, эй илоҳий лаззат ва илмнинг мангу Илоҳи, Сен ўзгармас, мангу Зотсан, бизлар чуқур эхтиром билан Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сажда қиламиз. Фақат Сенинг бесабаб марҳаматинг билан бизлар Жарасандханинг камокхонасидан озодликка чиқдик. Энди эса Сендан бизларни бу моддий тирикчиликнинг алдамчи қуввати камокхонасидан ҳам озодликка чиқаришингни тилаймиз. Илтимос, бизларнинг кетма-кет туғилиб-ўлишларимиз занжирини узиб ташла. Бизлар шунча вақтдан бери бутунлай машғул бўлиб юрган дунёвий фаолият инсонга қанча азоб-уқубатлар келтиришини энди бизлар етарли даражада яхши билиб олдик. Унинг аччиқ азобларини тотиб кўргандан кейин бизлар Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ излашга қарор қилдик. Эй азиз Парвардигор, эй иблис Мадхунинг ғолиби, энди бизлар аниқ билиб олдикки, Жарасандханинг ҳеч қандай айби йўқ экан; аслида фақат Сенинг бесабаб марҳаматинг билан бизлар ўз салтанатимиздан маҳрум бўлган эканмиз, чунки ўзларимизни "ҳукмдор", "шоҳ" деб билиб, бизлар жуда мағрурланиб кетган эканмиз. Ҳар қандай ҳукмдор ва шоҳ ўз қудратидан мағрурланиб, сохта манманликка берилиб кетса, ўзининг азалий бошланғич ҳолатини ва мангу тирикчилигини англаб етиш имконини кўлдан бой беради. Ана шундай сохта ҳукмдор ва шоҳлар ўзларининг калтафаҳмлиги сабабли Сенинг алдамчи қувватинг таъсири остида асосиз равишда ўзининг ўткинчи обрўси, мартабаси билан мағрурлана бошлайдилар; улар худди чўлда кўзга ярқираб кўринадиган саробни сув деб юрган нодонларга ўхшайди. Ақлсиз, аҳмоқ одамлар ўзлари тўплаган моддий бойлиги уларни мусибатлардан ҳимоя қилади деб ўйлайдилар, ҳиссий лаззатларга берилиб юрган одамлар ҳам бу моддий оламни "мангу лаззатланадиган жой" деб ўйлайдилар. Эй Парвардигор, эй Худонинг Олий Шахси, шуни тан оламизки, аввал бизлар ўзларимизнинг моддий бойлигимиздан жуда мағрурланар эдик. Бир-биримизга ҳасад қилиб, бир-биримизнинг бойлигимизни босиб олишга интилиб, бизларнинг ҳар биримиз ҳатто кўплаган фуқароларимизнинг ҳаёти эвазига бошқа шоҳлар устидан ҳукмрон бўлишга ҳаракат қилар эдик.

Ҳукумат тепасида турган одамларнинг касали ана шундан иборат. Ҳукмдор ёки ҳукумат сал каттароқ бойликка эга бўлган заҳоти бошқа давлатларни ўзига бўйсундиришга интилади ва

уларга қарши уруш эълон қилади. Савдогарлар ҳам бирор жойда савдо қилиш ҳуқуқини, бозорни бутунлай ўз қўлига киритишга ва бошқа савдогарлар устидан ҳукмрон бўлишга интилади. Сохта мағрурлик сабабли тобора тубанликка юз тутаётган, моддий бойлик кўзларини кўр қилиб қўйган инсонлар жамияти Худони, Кришнани англаб олишга интилиш ўрнига одамларнинг ҳаётда тинчгина яшашларига халақит бериб, ҳар хил ғалвалар келтириб чиқарадилар. Шу тарика одамлар табиий равишда "ҳаётда инсон бўлиб яшашдан асосий мақсад нима?" - эканини унутиб юборадилар. Ҳаётда инсон бўлиб яшашдан асосий ва ягона мақсад - Парвардигор Вишнунинг, Худонинг Олий Шахсининг ризолигига эришишдан иборат".

Шоҳлар давом этдилар: "Эй Парвардигор, фақат ўзларимизнинг сиёсий манфаатларимиз йўлида ўз фуқароларимизни ўлдириш ва уларни бемаъни ҳалокат йўлига бошлаш билан бизлар ҳаётда фақат жирканч ишлар билан машғул бўлиб яшадик. Шафқатсиз ажал қиёфасида Сен ҳамиша бизларнинг ёнимизда юрганнингга бизлар ҳеч эътибор бермас эдик. Ўзларимиз ҳам муқаррар ажалга маҳкум эканимизни унутган ҳолда бошқаларнинг ҳалок бўлишига сабабчи бўлиб, бизлар қаттиқ адашиб юрган эканмиз. Эй азиз Худойим, Сенинг вакилинг бўлган Замоннинг муқаррар қасос олишидан ҳеч ким қутула олмайди. Замона зайли шу қадар қудратлики, ҳеч ким унинг ҳаракатига тўсқинлик қила олмайди; шунинг учун бизлар ўзимизнинг даҳшатли фаолиятимиз оқибатида шунча изтироб чекишга мажбур бўлдик, энди бизлар ўзларимизнинг барча бойлигимиздан маҳрум бўлиб, худди кўчадаги тиламчи-гадойлардай Сенинг олдингда бош эгиб турибмиз. Бизлар мана шу ҳолатимизни Сенинг бизларга кўрсатган бесабаб, чексиз, пок марҳаматинг деб биламиз, чунки бизлар сохта мағрурликка берилиб кетганимизни, Сенинг амринг билан барча моддий бойлигимиздан бир зумда маҳрум бўлиб қолишимиз мумкин эканини бизлар энди аниқ англаб етдик. Фақат Сенинг бесабаб марҳаматинг билан бизлар энди Сенинг нилуфар қадамларинг пойи ҳақида ўйлай оламиз. Шундай қилиб, бизлар бу ҳолатимиздан энг катта ютуққа эришдик. Эй азиз Худойим, ҳар бир фаросатли одам яхши биладики, моддий тана ҳар хил касалликлар макони ҳисобланади. Бизлар энди ёш эмасмиз, ўзимизнинг жисмоний кучимиз билан мағрурланиш ўрнига энди кундан-кунга заифлашиб кетяпмиз. Ҳиссий лаззатлар ёки мана шу моддий тана орқали эришиш мумкин бўлган алдамчи бахт энди бизларни қизиқтирмай қўйди. Сенинг марҳаматинг билан бизлар энди шундай хулосага келдикки, ўткинчи моддий бойликка интилиш худди чўлда сароб бўлиб кўринган денгиздан сув излаш билан баробар. Энди бизларни жаннатга кўтарилиш учун ҳар хил қурбонлик маросими ўтказиш сингари ўзимизнинг эзгу, савоб ишларимизнинг натижалари ҳам

қизиқтирмайди. Энди бизлар аниқ тушуниб етдикки, бу моддий оламда жаннатий сайёраларга кўтарилиб яхшироқ моддий ҳаёт шароитига эришиш қанчалик бизни ўзига тортмасин, аслида бу моддий оламда ҳақиқий бахтга эришишнинг иложи йўқ. Бизлар Сендан шуни илтижо қилиб тилаймизки, бизлардан Ўз марҳаматингни дариг тугмай, ўзимизнинг Сен билан биргаликдаги мангу рухий ҳаётимизни ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз учун бизларга қандай қилиб Худога соф садоқат ва илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш йўлларини ошкор эт! Бизлар моддий тирикчилик чангалидан озодликка чиқишга интилмаймиз. Сенинг амринг билан бизлар ҳаётнинг ҳар қандай турида туғилишимиз мумкин; бунинг аҳамияти йўқ. Бизлар Сендан фақат ҳеч қачон, ҳар қандай вазиятда ҳам Сенинг нилуфар пой қадамларингни унутмайдиган бўлишимизни илтижо қиламиз. Эй азиз Худойим, энди бизлар ўз ихтиримизни бутунлай Сенга топширамиз ва Сенинг нилуфар қадамларинг пойига чуқур эҳтиром билан сажда қиламиз, чунки Сен - ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахси, Васудеванинг ўғли, Кришнасан. Сен - ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбидаги Олий Рухсан; Сен - ҳар қандай тирик мавжудотни моддий тирикчиликнинг барча мусибатларидан халос этишга қодир бўлган Парвардигор Харисан. Эй азиз Худойим, Сенинг номинг - Говинда, "барча лаззатлар манбаи". Ҳаётини Сенинг ҳиссиётингни лаззатлантиришга бағишлаган одамларнинг ҳиссиёти ҳам табиий равишда ўзидан-ўзи лаззатланиб юради, шу боис Сени Говинда деб атайдилар. Эй азиз Худойим, Сенинг шон-шухратинг мангу, чунки Сен Ўзингнинг бхакталарингнинг барча мусибатларига биратўла чек қўйишга қодирсан. Шунинг учун Сендан илтижо қиламиз, энди бизларни ҳам ўз ихтиёрини бутунлай Сенга топширган хизматкоринг деб ҳисобла!"

Жарасандханинг зиндонидан озодликка чиққан шоҳларнинг илтижоларини тинглаб туриб, ўз ихтиёрини бутунлай Унга топширган руҳларни ҳамиша Ўз ҳимояси остига оладиган ва Ўзининг бхакталари учун марҳамат уммони бўлган Парвардигор Кришна уларга шундай сўзлар билан жавоб бера бошлади, Унинг овози майин ва илоҳий оҳангда, гаплари эса жиддий ва муҳим аҳамиятга эга эди: "Эй азиз шоҳлар, - деди У, - Мен сизларни дуои-фотиҳа қиламан. Бугундан бошлаб сизларнинг барчангиз Менга бенуқсон пок садоқат билан хизмат қила бошлайсизлар. Сизларнинг истагингизга яраша Мен сизларни шундай дуо қиялман. Шуни билингларики, Олий Рух кўринишида Мен ҳамиша сизларнинг қалбингизда бўламан, энди сизлар ҳам юзингизни Мен томонга қаратганингиз учун ҳар кимнинг ҳукмдори сифатида, сизлар ҳеч қачон Мени эсдан чиқармай юришингиз ва шу тарика аста-секин ўзингизнинг мангу уйингизга, Худонинг даргоҳига қайтишингиз учун Мен сизларга

яхши маслаҳатлар бериб юраман. Эй азиз шоҳлар, сизлар ҳар қандай моддий лаззатлардан бутунлай воз кечиб, Худога садоқат билан хизмат қилиб яшашга қарор қилганингизнинг ўзиёқ сизлар - энг омадли зотлар эканингиздан далолат бериб турибди. Бугундан бошлаб сизларга ҳамиша илоҳий лаззатга тўла ҳаёт ато этилган. Ўз илтижоларингизда Мен ҳақимда айтганларингизнинг ҳаммаси айни ҳақиқат эканини тасдиқлайман. Шу нарса айни ҳақиқатки, ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрмаган одамнинг моддий бойлиги унинг тубанликка юз тутишига ва унинг алдамчи қувват чангалига тушиб қолишига сабаб бўлади. Қадимда Хаихайа, Нахуша, Вена, Равана ва Наракасура сингари кўплаб шоҳлар Худонинг амрига бўйсунмай яшаганлар. Уларнинг баъзилари фаришталар, баъзилари иблислар эди, лекин ўзларининг ҳақиқий ҳолатини нотўғри тушунгани сабабли, ўз мартабаларидан маҳрум бўлиб, салтанатида ҳукмронлик қилолмай қолганлар.

Шартланган ҳаёт гирдобига тушиб қолган ҳолда сизлар шуни яхши тушуниб олингларки, ҳар қандай моддий нарса, моддий бойлик маълум бир вақтда бошланади, ўсади, ҳосил беради, таназзулга юз тутади ва ниҳоят йўқолиб кетади. Барча моддий таналар мана шу олти босқич таъсирига маҳкум бўлади, бу моддий тана тўплаган ҳар қандай ўткинчи бойлик оқибат-натигада шубҳасиз яксон бўлади. Шунинг учун ҳеч ким ўткинчи нарсаларга боғланиб қолмаслиги керак. Токи тирик мавжудот мана шу моддий тана ичида экан, у ўзининг барча дунёвий ишларида жуда эҳтиёт бўлиши керак. Бу моддий оламда энг комил ҳаёт, мукамал турмуш тарзи - Менга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш ва жамиятда ўзининг эгаллаб турган табақаси тақозо этадиган бурч ва вазифаларини виждон билан ҳалол бажариб яшашдан иборат. Сизлар кшатрийлар хонадонига мансуб одамларсиз, шунинг учун сизлар шоҳлар учун белгиланган вазифаларни виждон билан бажариб, ҳалол яшашингиз, ўз фуқароларингиз ҳаётини ҳар жиҳатдан бахтиёр қилишингиз лозим. Кшатрийлар ҳаётининг қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиб яшанглар. Ҳеч қачон лаззатланиш баҳонаси билан зурёд қолдирманглар, жамиятдаги барча фуқароларга бирдай ғамхўрлик қилинглар. Бу моддий оламда ҳар бир одам ўзининг аввалги ҳаётидаги нопок истаклари сабабли дунёга келади, шунинг учун моддий табиатнинг туғилиш, ўлиш, кексалик ва касаллик сингари шафқатсиз қонунлари тарсири остида мусибат чекиб яшайди. Инсон бундай қарама-қаршиликлардан ташвишга тушиб қийналмаслиги керак, у Менга садоқат билан хизмат қилишда қатъиятли бўлиши ва шу йўл билан ҳамма нарсани унга аслида Мен юбориб турганимни билган ҳолда, ҳар қандай вазиятда ҳам ақлининг хотиржамлигини сақлаб қолиши ва Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан

четга чиқмаслиги лозим. Шунда инсон ҳатто моддий олам шароитида ҳам тинч-осойишта ва бахтли ҳаёт кечири олади. Бошқача қилиб айтганда, инсон бу моддий танага ҳамда ўзи(руҳ)га ҳеч қандай таъсир қилмайдиган, фақат тана билан боғлиқ бўлган нарсаларга нисбатан хайрихоҳ бўлиши лозим. Инсон ҳаётда фақат ўзининг руҳий фаолияти билан мамнуният ҳосил қилиб яшаш ва ҳаётини Олий Рухга садоқат билан хизмат қилишга бағишлаши лозим. У ўзининг ақлу-ҳаёлини ҳамиша Мен билан банд қилиши, шунчаки Менинг бҳактам бўлиши, Менга сиғиниб яшаш ва фақат Менга сажда қилиши лозим. Шу тариқа инсон бу ғафлат уммонини осонлик билан кечири ўтиши ва умрининг охирида Менинг мангу даргоҳимга қайта олади. Шундай қилиб, сизлар бутун умрингизни Менга садоқат билан хизмат қилишга бағишлагингиз лозим".

Шоҳ ва шахзодаларга насихат бериб бўлиб, Парвардигор Кришна шу заҳотиёқ канизак ва хизматкорлар уларга зарур бўлган ҳамма хизматни кўрсатиб, барча қулайликлари яратишига фармон берди. Парвардигор Кришна Жарасандханинг ўғли Сахадевадан бу шоҳларни зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлашни, уларга муносиб ҳурмат кўрсатишни илтимос қилди. Парвардигор Кришнанинг амрини бажариб, Сахадева шоҳларнинг ҳаммасини муносиб ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олди ва уларга тақинчоқлар, шоҳона либослар, гулчамбарлар ва бошқа анжомлар тақдим этди. Ювиниб покланган ва чиройли либослар кийиб олган шоҳлар энди бахтиёр ва қувноқ кўринардилар. Уларни ширин таомлар билан меҳмон қилдилар. Парвардигор Кришна уларнинг шоҳона мартабасига муносиб бўлган ҳамма нарсани муҳайё қилди. Парвардигор Кришнанинг ўзларига бундай марҳамат кўрсатаётганидан шоҳлар ўзини жуда бахтиёр ҳис қилардилар, уларнинг шодликдан чакнаб турган юзлари ёмғир палласи тугагандан кейин осмонда чарақлаган юлдузларни эслатарди. Уларнинг ҳаммаси чиройли либослар кийиб олган, тақиб олган тақинчоқлари, сирғалари ярқираб турарди. Кейин уларнинг ҳар бирини олтин ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган ҳамда чиройли безатилган отлар қўшилган жанг араваларига ўтказдилар. Уларга муносиб ғамхўрлик кўрсатилганидан қаноат ҳосил қилиб Парвардигор Кришна улардан ҳар ким ўз салтанатига қайтиб боришини илтимос қилди. Олам тарихида тенги йўқ чексиз марҳамати билан Парвардигор Кришна Жарасандха қамаб қўйган шоҳларнинг ҳаммасини озодликка чиқарди, уларнинг ҳаммаси бундан чексиз қувончга тўлиб, Кришнанинг муқаддас номларини зикр қила бошладилар, Унинг муқаддас киёфасини ҳамиша эслаб юрдилар, ҳамиша Парвардигор Кришнанинг илоҳий қароматларини бошқаларга гапириб юрдилар. Шундай ишлар билан машғул бўлиб улар ҳар бири ўз салтанатига қайтиб кет-

дилар. Улар қайтиб келганидан уларнинг барча фуқаролари чексиз хурсанд эди, улар Парвардигор Кришнанинг шоҳларга кўрсатган меехрибончилиги ҳақида эшитиб, ўзларини жуда бахтиёр ҳис қила бошладилар. Шоҳлар ўз салтанатини Парвардигор Кришнанинг насихатлари асосида адолат билан бошқара бошладилар; уларнинг ўзлари ва фуқаролари ўз ҳаётларини энди қувонч ва мамнуният билан ўтказа бошладилар. Ҳаётда Кришна онги билан яшайдиган жамият аъзоларининг ҳаёти намунаси ана шундай бўлади. Агар бутун дунёдаги одамлар руҳий ва дунёвий ҳаётда муваффақиятга эришиш учун Худони, Парвардигор Кришнани ҳамма учун ягона мақсад қилиб, Парвардигор Кришнанинг "Бхагавад-гита"да берган насихатлари асосида жамиятни инсонларнинг моддий сифатларига қараб тўрт табақага бўлиб, руҳий ҳаётнинг тўрт тарзи қоидаларига риоя қилиб яшай бошласалар, ҳеч шубҳа йўқки, бутун инсоният бахтли ҳаёт кечира бошлайди. Юқорида ҳикоя қилинган воқеа-ҳодисалардан биз чиқариб олишимиз лозим бўлган якуний хулоса шундай бўлиши керак.

Шундай қилиб, Парвардигор Кришнанинг ёрдами билан Бхимасена Жарасандха устидан ғалаба қозонгандан кейин, Жарасандханинг ўғли Сахадева Парвардигор Кришнага муносиб ҳурмат-иззат кўсатиб бўлгандан сўнг, Бхимасена ва Аржун ҳамроҳлигида Парвардигор Кришна Хастинапурга қайтиб келди. Хастинапур яқинига келиб улар ўзларининг жанговор сурларини баланд овозда чалиб юбордилар. Бутун шаҳар аҳолиси сурлар овозини эшитиб, шаҳарга кимлар яқинлашиб келаётганини сезиб, жуда хурсанд бўлиб кетдилар. Кришнанинг душманлари эса, Унинг сур овозини эшитиб, қаттиқ мусибатга тушдилар. Индрапрастха аҳолиси шунчаки Парвардигор Кришнанинг сури овозини эшитиб қалблари қанчалик қувончга тўлганини ҳис қилдилар, чунки улар Жарасандха албатта ҳалок бўлганини сезган эдилар. Энди шоҳ Юдхиштхира Ашвамедха қурбонлик маросимини бемалол ўтказса бўларди. Бхимасена, Аржуна ва Худонинг Олий Шахси, Кришна шоҳ Юдхиштхира олдига келиб унга эҳтиром билан таъзим қилдилар. Шоҳ Юдхиштхира уларнинг Жарасандха қандай ҳалок бўлгани ва барча шоҳлар озодликка чиққани ҳақидаги гапларини диққат билан тинглади. Шунингдек у Жарасандхани ўлдириш учун Кришна қандай ҳийла ишлатгани ҳақида ҳам эшитди. Шоҳ ҳамиша Кришнани жуда севарди, лекин бу воқеани тинглагандан кейин унинг Кришнага бўлган меҳр-муҳаббати яна ҳам ошиб кетди; унинг кўзлари илоҳий жазава лаззатидан жикқа ёшга тўлган, қалби шунчалик туғёнга келган эдики, бир оғиз гапиришга ҳам ожиз эди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Парвардигор Кришнанинг Хастинапурга қайтиб келиши"

деб аталадиган етмиш иккинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай якунланади.

73. Шишупаланинг озодликки чиқиши

Жарасандха билан бўлиб ўтган жанг тафсилотларини тинглаб шоҳ Юдхиштхира жуда хурсанд бўлди ва шундай деди: "Эй азизим Парвардигор Кришна, эй чексиз лаззат ва мукамал илмнинг мангу тимсоли, бу моддий оламда энг юксак лавозимларни эгаллаб турган зотларнинг ҳаммаси, шу жумладан Тангри Браҳма, Тангри Шива ва шоҳ Индра ҳам ҳамиша Сенинг амрингга мунтазир бўлиб, ҳар қандай истагингни жон дили билан бажаришга интилиб юрадилар. Агар улар Сендан бирор фармон олиш бахтига муяссар бўлсалар, шу заҳотиёқ Сенинг амрингни қалбининг тўрига жойлаб оладилар. Эй Парвардигор Кришна, Сен бепоёнсан, гарчи баъзида бизлар ўзимизни бу дунёнинг ҳукмдорлари ва шоҳлар деб ўйлаб, ўзимизнинг ана шу арзимас мартабамиздан мағрурланиб гердая бошласак ҳам, аслида қалбимизда бизлар жуда ҳам қашшоқмиз. Аслида бизлар Сенинг ҳар қандай жазоингга муносибмиз, лекин бу мўъжизани қаранг-ки, бизларни жазолаш ўрнига, чексиз марҳаматингни намойиш этиб Сен Ўзинг бизларнинг амримизни қабул қилиб, уни қойиллатиб амалга ошириб юрасан. Сенинг оддий инсон ва зифасини бажариб юришинг бошқаларни ҳайратга солиши мумкин, лекин бизлар Сен бу ишларни худди сахнадаги артистдай эрмак учун бажариб юрганингни яхши тушунамиз. Худди ботаётганда ҳам, чиқаётганда ҳам ундан таралаётган нур аслида ҳамиша бир хил бўлиб қолаверадиган куёш сингари Сенинг ҳақиқий асл ҳолатинг ҳамиша улуғвордир. Гарчи бизлар чиқаётган ва ботаётган куёш бир хилда қиздирмайди деб қабул қилсак ҳам, аслида ундан таралаётган нур ҳеч қачон ўзгармайди. Сен ҳамиша илоҳий мувозанатда қолаверасан, шу боис бу дунёдаги моддий ишларнинг аҳволи Сени умуман ташвишга ҳам солмайди, қувонтирмайди ҳам. Сен - Олий Браҳман, Худонинг Олий Шахсисан, Сен учун нисбий табиатга эга бўлган нарсанинг ўзи мавжуд эмас. Азизим Махшава, ҳеч ким Сени мағлуб қила олмайди. "Бу - мен", "бу - сен", "бу - меники", "бу - сеники" - деган моддий белгилар Сенда мавжуд бўлмаганлиги билан ўзига жалб этади. Ана шундай қарама-қарши тушунчаларни ҳар кимнинг ҳаётида, ҳатто ҳайвонлар ҳатида ҳам кўриш мумкин, аммо соф бхакталар бундай сохта чекланишлардан ҳамиша пок, озоддилар. Бундай қарама-қарши қарашлар Сенинг бхакталарингда бўлмагани сабабли, албатта Сенинг Ўзингда ҳам бўлиши мумкин эмас".

Шу тариқа Парвардигор Кришнани мамнун қилиб, шоҳ Юдхиштхира Раджасуйа қурбонлик маросими ўтказишга фармон берди. У барча муносиб браҳман ва донишмандларни қурбонлик маросимида иштирок этишга таклиф қилди, уларни қурбонлик майдонига маъсул руҳонийлар қилиб тайинлади. У жуда буюк браҳман ва донишмандларни қурбонлик маросимида иштирок этишга таклиф қилди: Кришна-Дваипайана Вйасадева, Бхарадваджа, Суманту, Гаутама, Асита, Васиштха, Чйавана, Канва, Маитрейя, Каваша, Трита, Вишвамित्रа, Вамадева, Сумати, Жаймини, Крату, Паила, Парашара, Гарга, Ваишампайана, Атхарва, Кашйапа, Дхаумйя, Парашурама, Шукрачарйя, Асури, Витихотра, Мадхуччханда, Вирасена ва Акритаврана. Бу браҳман ва донишмандлардан ташқари у Дроначарйя, Курулар бобокалони Бхишма, Крипачарйя ва Дхритараштра сингари мўътабар зотларни ҳам таклиф қилди. Шунингдек у Дхритараштранинг Дурёдхон бошлиқ юзта ўғлини, буюк бхакта Видурани ҳам таклиф қилди. Жаҳоннинг ҳамма жойидан шоҳлар ва уларниг маслаҳатчилари шоҳ Юдхиштхира ўтказаетган қурбонлик маросимини кўриш учун таклиф қилинди, шунингдек билимдон браҳманлар, жасур кшатрийлар, бадавлат ваишйалар ва садокатли шудралардан иборат барча фуқаролар қурбонлик маросимига келган эдилар.

Рухонийлар - қурбонлик маросими ўтказишга маъсул бўлган браҳман ва донишмандлар - қурбонлик маросими ўтказиладиган майдонча чегарасини белгилаб олтин кунда билан ерни суриб чиқдилар. Барча ведавий қоидаларга риоя қилган ҳолда шоҳ Юдхиштхирага бу қурбонлик маросими ўтказишга бағишлаш маросими ўтказиб, унга фотиҳа бердилар. Кўп йиллар олдин, Варуна ҳам худди шундай қурбонлик маросими ўтказганида қурбонлик маросими учун зарур анжомларнинг ҳаммаси олтиндан қуйилган эди. Худди шундай шоҳ Юдхиштхира ўтказаетган бу маросимда ишлатиладиган анжомларнинг ҳаммаси олтиндан ясалди.

Шоҳ Юдхиштхира ўтказаетган буюк қурбонлик маросимида иштирок этиш учун Тангри Браҳма, Тангри Шива ва осмон шоҳи Индра сингари улуғвор марртабали фаришталарнинг ҳаммаси ўзларининг яқин ҳамроҳлари билан биргаликда, шунингдек Гандхарвалока, Сиддхалока, Жаналока, Тапалока, Нагалока, Йакшаллока, Ракшасалока, Пакшилока ва Чараналока сингари олий жаннатий сайёралар тизимининг ҳукмрон Илоҳлари, ҳамда машҳур шоҳлар ўзларининг рафиқалари билан бирга шоҳ Юдхиштхиранинг таклифига биноан қурбонлик маросимига ташриф буюрдилар. Шу ерга тўпланган мўътабар донишмандлар, шоҳлар ва фаришталарнинг барчаси шоҳ Юдхиштхира буюк Раджасуйа қурбонлик маросими ўтказиш учун зарур бўлган барча фазилатларга эга эканини тан олдилар; бу ҳақиқатга ҳеч ким эътироз билдирмади. Шоҳ

Юдхиштхиранинг улуғвор мартабаси қандай эканини уларнинг барчаси яхши билардилар; у Парвардигор Кришнанинг буюк бхактаси бўлгани учун у ҳар қандай ҳурматга ҳам, ҳар қандай ғалаба ва шон-шухратга ҳам муносиб зот эди. Билимдон браҳманлар ва руҳонийлар шоҳ Юдхиштхира ўтказаетган бу буюк Раджасуйа қурбонлик маросими ҳам бир вақтлар фаришта Варуна ўтказгани сингари муваффақиятли бўлиши учун барча зарур чораларни кўриб, қонун-қоидаларга қатъий риоя қилдилар. Ведавий урф одатларга кўра қурбонлик маросими ўтказишга ҳозирлик кўраётганда, маросимга тўпланганларнинг ҳаммасига сома ўсимлигининг шарбати таклиф этилади. Бу шарбат - ҳаётбахш ичимликдир. Сомадан шарбат сиқиб оладиган кун шоҳ Юдхиштхира қурбонлик маросимини ўтказиш қоидаларига қатъий риоя қилинишини назорат қилиш учун алоҳида таклиф этилган билимдон браҳманни муносиб ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олди. Гап шундаки, ведавий мантраларни урғуларни жойларига жуда тўғри қўйиб, қироат билан талаффуз қилиш лозим; агар мантраларни қироат қилиш билан машғул бўлган руҳонийлар бирор жойда хатолашиб кетсалар, назоратчи-руҳоний шу захотиёк уни тўғрилаб қўяди, шу тарзда маросим аниқ ва тўғри ўтказилади. Агар қурбонлик маросими рисоладагидай тўғри ўтказилмаса, ундан кутилган натижага эришиб бўлмайди. Кали даврида ана шундай билимдон браҳман ва руҳонийлар йўқ, шунинг учун ҳозирги даврда бундай қурбонлик маросимлари ўтказиш таъқиқланган. Кали-йўга даврида муқаддас китобларда тавсия этилган ягона қурбонлик маросими - Ҳаре Кришна мантрисини биргаликда зикр қилишдан иборат: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре ҲареҲаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Яна бир муҳим қоидага кўра бу қурбонлик маросимида энг аввало шу ерга тўпланган одамлар орасидан энг буюк мартабали улуғвор шахсга ҳамма ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши лозим. Шоҳ Юдхиштхира қурбонлик маросими ўтказиши учун барча тайёргарликлар кўрилиб бўлгандан кейин, бу маросимда биринчи бўлиб кимга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш лозимлигини муҳокама қила бошладилар. Бу удум *аграпуджа* деб аталади. *Агра* дегани "биринчи" деган, *пуджа* эса "сиғиниш" деган маънони билдиради. Аграпуджа худди президент ёки раис сайлашга ўхшайди. Қурбонлик маросими тўпланганларнинг ҳаммаси энг улуғвор зотлар эдилар. Уларнинг баъзилари аграпуджага муносиб номзод қилиб бировни таклиф қилсалар, бошқалари яна бир номзодни кўрсатар эди.

Бу масала узил-кесил ҳал бўлмагандан кейин, Сахадева сўзга чиқиб аграпуджа удуми учун Парвардигор Кришна номзодини кўрсатиб таклиф киритди. У шундай деди: "Парвардигор Кришна Йадавалар сулоласининг аълоси, Ўз

бхакталарининг посбони, мана шу мажлисдаги энг улуғвор шахс. Шунинг учун, ҳеч шубҳа йўқки, биринчи бўлиб Унга эҳтиром кўрсатиш лозим деб ҳисоблайман. Гарчи бу мажлисда Тангри Браҳма, Тангри Шива, осмон шоҳи Индра ва бошқа улуғвор фаришталар сингари буюк шахслар иштирок этаётган бўлсалар ҳам, ҳеч ким замон, макон, бойлик, куч, шон-шуҳрат, донишмандлик, боғланмаслик ёки бошқа бирор жиҳатдан Кришнага тенг ёки Ундан устун бўла олмайди. Фаройиб бўлиб кўринган ҳамма нарса азалдан, бошланғич ҳолатда Кришнада мавжуд. Худди ҳар бир алоҳида рух моддий тананинг ривожланишининг асосини ташкил этгани сингари, Кришна ҳам бутун борлиқнинг Олий Рухидир. Ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган маросимларнинг ҳаммаси - қурбонлик маросими ўтказиш, олов таклиф қилиш, ведавий мадҳиялар қироат қилиш ва сеҳрли йога билан шуғулланиш - Кришнани англаб етиш учун мўлжалланган. Кармали фаолият йўлидан борадими, ақлий фикрлашлар йўлидан борадими - охирги мақсади барибир Кришна бўлади; ўзликни англашнинг барча ҳақиқий усуллари фақат Парвардигор Кришнани тушуниш, Уни англаб етиш учун мўлжалланган. Эй хурматли мажлис қатнашчилари, сизларга Кришна ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, чунки сизлардай улуғвор зотларнинг ҳар бирингиз илоҳий танасининг бир аъзоси билан бошқа аъзоси орасида, танаси билан руҳи орасида, қувватлари билан қувват манбаи бўлган Ўзи орасида ҳеч қандай фарқ бўлмаган Олий Браҳман, Парвардигор Кришнани яхши биласизлар. Ҳар ким Кришнанинг ажралмас бўлаги бўлгани сабабли, Кришна билан барча тирик мавжудотлар орасида сифат жиҳатдан ҳеч қандай фарқ йўқ. Ҳамма нарса Кришнанинг қувватларидан, Унинг моддий ёки руҳий қувватидан пайдо бўлади. Кришнанинг қувватлари оловнинг иссиқлиги ва ёруғлигига ўхшайди; иссиқлик, ёруғлик ва оловни бири-биридан ажратиш бўлмайди, уларнинг моҳияти бир.

Бундан ташқари, Кришна Ўзининг илоҳий танасининг истаган аъзоси билан Ўзининг истаган ишини қила олади. Бизлар эса танамизнинг бирор аъзоси билан фақат маълум бир ишни бажара оламиз, лекин У Ўзининг танасининг истаган аъзоаси билан ҳар қандай ишни амалга ошира олади. Унинг илоҳий танаси мангу, илм ва лаззатга тўла бўлгани туфайли, У олти хил моддий ўзгаришлар таъсир қилмайди: туғилиш, мавжуд бўлиб туриш, кармали фаолият кўрсатиш, сўлиш ва ўлиш. Ҳеч қандай ташқи қувват таъсирига берилмаган ҳолда У бутун борлиқнинг яралиш, мавжуд бўлиб туриш ва емирилишининг олий сабабчисидир. Фақат Кришнанинг марҳамати билан бу дунёда ҳар бир одам такводорлик, моддий фаровонлик, ҳиссий лаззатланиш ва ниҳоят моддий олам тутқунлигидан руҳий озодликка чиқиш

соҳаларида машғул бўлиб юрибдилар. Рухий юксалишга олиб келадиган мана шу тўрт коида фақат Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан жамиятда қўллаб-қувватланиб туради. Шу боис мана шу буюк Ашвамедха қурбонлик маросимида биринчи бўлиб ана шу Зотга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш лозим ва ҳамма шунга рози бўлиши керак. Худди дарахтнинг илдизига сув қуйиш билан биз унинг шохаларига, баргларига ва гулларига ҳам озиқ берганимиз сингари, ёки ошқозони овқат билан тўлдириш орқали биз танамизнинг барча аъзоларини озуқа билан таъминлаганимиз сингари, агар биз биринчи бўлиб Парвардигор Кришнага ҳурмат-эҳтиром кўрсатсак, бу буюк қурбонлик маросимида иштирок этаётганларнинг ҳаммаси, шу жумладан буюк фаришталар ҳам бундан жуда мамнун бўладилар. Агар инсон қалбида бирор эзгу иш қилишга мойиллик ҳис қилса, у ўзининг барча эзгу фаолиятини фақат ягона Парвардигорга, яъни танасининг тузилиши ёки бошқа бирор ташқи белгиларидан қатъий назар ҳар бир тирик мавжудотнинг Олий Рухи бўлган Кришнага атаб қилсин. Олий Рух кўринишида Кришна ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд, агар биз Уни мамнун қила олсак, табиий равишда, ўзидан-ўзи бошқа барча тирик мавжудотлар ҳам биздан мамнун бўладилар".

Сахадева Парвардигор Кришнанинг комил фазилатларини англаб олиш бахтига муяссар бўлган зот эди, шу боис у мажлис аҳли олдида Кришнанинг илоҳий фазилатларини қисқача таърифлаб берди-да, жим қолди. Унинг бу гапларини тинглаб туриб, буюк қурбонлик маросими шарафига ўтказилаётган бу катта мажлисда иштирок этаётганларнинг ҳаммаси унинг гапларини қўллаб-қувватлаб қарсак чалиб, ҳар томондан ҳайқира бошладилар: "Сенинг айтганларинг айна ҳақиқат!", "Сенинг айтганларинг жуда тўғри!" Мажлисда иштирок этаётганларнинг ҳаммаси, айниқса браҳманлар ва билимдон донишмандлар Сахадеванинг таклифини қўллаб қувватлаганларини кўриб, шоҳ Юдхиштхира ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган қоида асосида Парвардигор Кришнага сиғиниш маросимини ўтказа бошлади. Энг аввало шоҳ Юдхиштхира укалари, хотини ва болалари, бошқа қариндошлари ва маслаҳатчилари билан биргалликда Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини ювди, шу сувдан ўзининг ва бошқаларнинг бошига сепди. Шундан сўнг Парвардигор Кришнага сариқ рангли либос эҳсон қилди, Унинг олдида бир қанча қимматбаҳо тошларни ва ҳар хил тақинчоқларни келтириб қўйди.

Шоҳ Юдхиштхира ҳаётда ягона севган Зоти бўлган Кришнага шу тарзда чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатар экан, бундан шундай кучли илоҳий жазавали лаззат олардики, кўзларидан тинмай севинч ёшлари оқар, Парвардигор Кришнанинг жамолига қараб тўйиб олишга қанча уринса ҳам, Унинг жамолини сира кўра олмасди.

Шундай қилиб, шоҳ Юдхитхира Парвардигор Кришнага ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. Кейин мажлисда иштирок этаётганлар ўринларидан турдилар ва қўлларини кўксида қовуштириб, биргаликда зикр қила бошладилар: "Жайа! Жайа! Намах! Намах!" (Шон-шарафлар бўлсин! Ҳамду-санолар бўсин!) мажлис иштирокчилари шу тариқа Кришнага ўзларининг ҳурмат-эҳтиромини намойиш этаётганида осмондан гуллар ёмғири ёға бошлади.

Бу мажлисда шоҳ Шишупала ҳам иштирок этаётган эди. У жуда кўп сабабларга кўра, айниқса свайамвара пайтида Кришна Рукминини олиб кетгани туфайли Кришнанинг ашаддий душмани эди; шунинг учун бу буюк мажлисда ҳамма одамлар Кришнага шунчалик ҳурмат-иззат кўрсатаётганига, Унинг фазилатларини шунчалик олқишлашларига жимгина қараб тура олмасди. Одамларнинг Парвардигорни олқишлаб, Унга ҳамду-сано айтаётганидан қувониш, бахтиёр бўлиш ўрнига, у бундан каттиқ ғазаблана бошлади. Ҳамма ўрнидан туриб, Парвардигор Кришнани олқишлай бошлаганида Шишупала ўрнидан ҳам турмади, кейин Кришнага шунча ҳурмат кўрсатаётганларидан каттиқ жаҳли чиқиб, бирдан ўрнидан сакраб турди, қўлларини кўтариб, қатъиятли оҳангда жасорат билан Парвардигор Кришнага қарши гапира бошлади. У Парвардигор Кришна унинг гапларини аниқ эшита оладиган қилиб атайлаб баланд овозда гапирарди.

"Эй ҳурматли фуқаролар, мен Ведаларда ай-тилган оқибат-натихада Замон ҳамма нарсадан устун келади, деган гапларни энди яхши тушу-ниб етдим. Буни ўзгартиришга қаратилган шунча уринишларга қарамай, Замон ўз йўлида ҳеч қандай тўсиққа учрамай ўз режасини амалга оширишда давом этаверади. Масалан, инсон бор кучини ишга солиб яшаш учун курашиши мум-кин, лекин ажали етганда уни ҳеч ким ўлим чан-галидан олиб қололмайди. Мана мен ҳозир кўриб турибманки, бу мажлисда жуда кўп улуғвор зот-лар тўпланганига қарамай, бешафқат Замоннинг кучли таъсири Кришна ҳақида ҳар хил ширин гапларни гапирган бир ёш боланинг гапларига уларни ишонтириб, ҳаммасини йўлдан адашти-риб қўйди. Бу ерга кўплаган буюк донишмандлар ва мўътабар оқсоқоллар тўпланган, шунга қарамай уларнинг ҳаммаси бир нодон боланинг гапларини маъқуллаб ўтирибдилар. Демак, замо-на зайли билан ҳатто мана шу буюк қурбонлик маросимига тўпланган буюк, мўътабар зотлар ҳам ақлдан адашиб, хато йўлга кириб кетиши мумкин экан. Мен бу ерда тўпланган мўътабар зотларнинг биринчи бўлиб кимга ҳурмат-иззат кўрсатиш кераклигини сайлай олишларига аниқ ишонаман, лекин Кришнани кўкларга кўтариб мақтаган ва Кришна мана шу буюк қурбонлик маросимида биринчи бўлиб ҳурмат-иззатга сазо-вор бўлишга муносиб Зот деб ҳисоблаётган ёш ўспирин Сахадеванинг гапларига қўшила олмай-

ман. Мен бу мажлис аҳли орасида қаттиқ риёзат-ларга берилиб, ҳар хил муқаддас қасамларга ри-оя қилиб таркидунё қилиб яшаётган жуда кўп донишманд зотларни кўриб турибман. Ўзларининг маслаҳатлари ва илми билан улар моддий олам мусибатларидан изтироб чекиб юр-ган жуда кўп одамларни озодликка чиқара ола-дилар. Бу мажлисда илмининг чегараси йўқ буюк донишманд-ришилар, руҳий ўзлигини англаб етган зотлар ва буюк браҳманлар тўпланган, шу боис ана шу буюк зотларнинг бирортасини агра-пуджа учун сайлаш мумкин эди, чунки уларга ҳатто буюк фаришталар, шоҳ ва императорлар ҳам сажда қиладилар. Қандай қилиб сизлар мана шу бир подачи Кришнани танлаб, ана шундай буюк зотларни четлаб ўтганларингизни мен ҳеч тушуна олмайман. Менимча Кришнанинг қарғадан яхши жойи йўқ. Қандай қилиб мана шундай буюк қурбонлик маросимида Унга би-ринчи бўлиб сиғиниш маросими ўтказиш мум-кин.

Бизлар ҳатто Кришнанинг қайси табақага мансуб эканини ҳам, ведаларда Унинг учун кўрсатилган бурч, вазифалар нимадан иборат эканини ҳам аниқ билмаймиз". Аслини олганда Кришна ҳеч қандай табақага мансуб эмас, шу боис Унинг жамиятда белгиланган бурчи ҳам йўқ. Ведаларда айтилганки, Худонинг Олий Шахсининг ҳеч қандай бурчи, вазифаси йўқ. Унинг номидан қилинадиган ишларнинг ҳаммасини Унинг ҳар хил қувватлари амалга оширадилар.

Шишупала давом этди: "Кришна олий насаб-ли зотлардан эмас. У шунчалик мустақилки, ҳеч ким Унинг диний вазифалари нимадан иборат эканини билмайди. У ҳар қандай диний қонун-қоидалар чегарасидан ташқаридаги Зотга ўхшайди. У ҳамиша Ўзи истаган йўл билан ҳаракат қилади, ведавий муқаддас китобларнинг қонунлари ва инсон ҳаётини тартибга солиб ту-радиган қоидалар Уни умуман қизиқтирмайди. Шунинг учун У ҳеч қандай эзгу фазилатларга эга эмас".

Шишупала "ведавий қонун-қоидалардан ташқаридаги Зот" деб, ўзи ҳам билмаган ҳолда Кришнани билвосита олқишлар эди. Унинг бу гаплари айти ҳақиқат, чунки Кришна - Худонинг Олий Шахси. Унинг ҳеч қандай сифати йўқ дега-ни ҳам тўғри - Унинг ҳеч қандай моддий сифати йўқ. Худонинг Олий Шахси бўлгани учун Ўзининг ҳаракатларида У бутунлай эркин, мустақил ҳаракат қилади, ҳар хил ташқи шаро-итлар ёки жамият ва дин қоидалари уни мутлақо қизиқтирмайди.

Шишупала давом этди: "Шундай экан, қандай қилиб У бу қурбонлик маросими пайтида биринчи бўлиб иззат кўрсатишга муносиб Зот бўлиши мумкин? Кришна шунчалик аҳмоқки, ведавий урф-одатларга риоя қилиб яшайдиган шунча улуғвор шахслар яшайдиган Матхура шахрини тарк этиб, ҳатто ведалар ҳақида бутун-

лай гапирмайдиган жойга, океан ичида бир кўрғонга бориб яшаяпти. Очикдан-очик яшаш ўрнига У сув ичига бир кўрғон қуриб, ведалар илми бутунлай муҳокама қилинмайдиган муҳитда яшаяпти. У кўрғонидан ташқарига чикканида худди бир қароқчи, ўғри ёки қаллобдай аҳолини фақат ташвишга солади, холос".

Мана шу буюк қурбонлик маросимида биринчи бўлиб иззат кўрсатиш учун айнан Кришнани танлаганлари учун қаттиқ жаҳли чикқан Шишупала ақлдан озаётгандай, нима деб гапирётганини ўзи ҳам билмасдан, бутунлай йўлдан адашган одамдай гапиришда давом этарди. Бундай омадсизлик уни бутунлай ақлдан оздириб кўйган эди, у Парвардигор Кришнани ҳақоратлашда давом этарди. Парвардигор Кришна эса унинг гапларига эътироз билдирмасдан сабр-тоқат билан тинглаб ўтирарди. Худди бир тўда шоғолларнинг увиллаши арслонни умуман ташвишга солмагани сингари, Кришна ҳам жойида бамайлихотир ўтираверди. Шишупаланинг шунча кўйган айбларига жавобан Кришна бир оғиз ҳам гапирмади, аммо Шишупаланинг гапларига кўшилган бир неча одамдан бошқа мажлисда ўтирганларнинг ҳаммаси унинг гапларидан норози бўлиб саросимага туша бошладилар, чунки ҳеч бир фаросатли одам Худони ёки Унинг содиқ хизматкорини ҳақорат қилишларига чидаб туролмайди. Уларнинг баъзилари, Шишупалага қарши биро чора кўра олмаслигини билиб, унинг гапларидан норози эканини билдириб, унинг ҳақоратларини эшитмаслик учун кўллари билан кулоқларини бекитиб, мажлисдан чиқиб кетдилар. Шишупаланинг бу одатини қоралаб улар мажлисни шу тариқа тарк этиб кетдилар. Ведавий қонун-қоидаларда айтилганки, Худога ширк келтираётган, Парвардигорни ҳақорат қилаётган жойни шу заҳотиёқ тарк этиш лозим. Дарров шундай қилмаган одам ўзининг барча савоб ишлари натижасидан маҳрум бўлиб, тубанликка юз тутуди, кейинги ҳаётида албатта дўзахга равона бўлади. Мажлисда иштирок этаётган Куру, Матсйа, Кекайя ва Сринжайя сулоласига мансуб шоҳларнинг барчасининг ғазаби қайнаб кетди ва шу заҳотиёқ Шишупалани ўлдириб ташлаш учун кўлларига қуролларини олдилар. Шишупала шунчалик аҳмоқ эдики, шунча шоҳлар уни ўлдиришга тайёр турганига қарамай, ҳатто озгина бўлса ҳам хавотирга тушмади. Ўзининг аҳмоқона гаплари қандай оқибатларга олиб келишини ўйлаб кўришга ҳам унинг ақли етишмасди, шоҳлар уни ўлдиришга шайланаётганини кўриб, Кришнани ҳақоратлашни тўхтатиш ўрнига у шоҳлар билан жанг қилишга тайёрланиб, кўлига қилич ва қалқонини олди. Парвардигор Кришна қувончли раджасуйя қурбонлик маросимида шоҳлар орасида жанг бошланиб кетиши мумкинлигини кўриб, маросимга тўпланганларни Ўзи тинчлантириб қўйди. Бесабаб марҳаматини намоён этиб У Шишупалани

шахсан Ўзи ўлдиришга қарор қилди. Шишупала ўзига ҳамла қилмоқчи бўлган шоҳларни ҳақоратлаб турганида Парвардигор Кришна Ўзининг устарадай ўткир халқасини олди ва бир пасда Шишупаланинг бошини танасидан сапчадай узиб ташлади.

Шишупала ҳалок бўлганини кўриб, оломон қаттиқ шовқин кўтарди. Мажлисда олағовур бошланганидан фойдаланиб, Шишупалани кўллаб-қувватлаган шоҳлар ўзларининг жонини сақлаб қолиш ниятида билдирмасдан мажлисни тарк этдилар. Шунга қарамай, худди осмондан тушган ловуллаган метеор ерга тушгани сингари, мажлисда тўпланганларнинг кўзи олдида Шишупаланинг жони ҳам порлаб нур таратиб учиб бориб Парвардигор Кришнанинг танасига кириб кетди. Шишупаланинг руҳи Парвардигор Кришнанинг илоҳий танаси ичига кириб кетгани бизга тўрт Кумарнинг қарғишига учраб Ваикунтха сайёраларидан пастга тушган Жай ва Вижай тарихини эслатади. Ваикунтха сайёраларига яна қайтиб чиқиш учун улар иккиси ҳам бу дунёда уч ҳаёти давомида моддий оламда Парвардигорнинг ашаддий душмани бўлиб яшашлари лозим эди. Шундан сўнг улар яна Ваикунтхага кўтарилиб, Парвардигорнинг яқин ҳамроҳлари сифатида Унга садоқат билан хизмат қилишда давом этишлари лозим эди.

Гарчи Шишупала ўзини Кришнанинг ашаддий душманидай тутса ҳам, у ҳеч қачон бир лаҳза ҳам Кришнани эсидан чиқармаган, Кришна онгини тарк этмаган эди. У ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрарди, шунинг учун аввалига Парвардигорнинг борлиғига кўшилиб кетиб, руҳий озодликнинг *сайуджйамукти* турига эришди, оқибат-натижада эса ўзининг азалий бошланғич ҳолатига, Парвардигорнинг шахсий хизматкори даражасига кўтарилган эди. "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланганки, агар инсон ажали олдидан Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлса, у танасини тарк этган заҳоти Худонинг даргоҳига кўтарилади. Шишупала озодликка эришгандан кейин шоҳ Юдхитхира қурбонлик маросимида тўпланганларнинг барчасига ҳар турли совғалар улашди. У қурбонлик маросимини ўтказишда қатнашган руҳоний ва билимдон донишмандларга муносиб совғалар эҳсон қилди, қоидаларда кўрсатилган ҳамма ишларни қилиб бўлиб, у ювиниб покланди. Қурбонлик маросими охирида бўладиган бундай покланиш маросими ҳам ведаларда кўрсатилган бўлиб, бу удум *авабхритха* деб аталади.

Шундай қилиб, шоҳ Юдхитхира тайёрлаган буюк Раджасуйя қурбонлик маросими Парвардигор Кришнанинг шарофати билан муваффақият билан ниҳоясига етказилган эди. Жиянларининг илтимосига кўра Парвардигор Кришна яна бир неча ой Хастинапурда меҳмон бўлиб турди. Кейин, шоҳ Юдхитхира ва унинг укалари Парвардигор Кришнанинг Хастинапурдан кетишини

сира истамасалар ҳам Кришна шохдан Дваракага қайтиб кетишга рухсат сўради ва Ўзининг маликалари ҳамда маслаҳатчилари билан биргаликда уйига қайтиб кетди.

Жай ва Вижайнинг Ваикунтха сайёраларидан моддий оламга кулаши ҳақида "Шримад Бхагаватам"нинг еттинчи кўшиғида ҳикоя қилинади. Шишупаланинг ҳалокати Жай ва Вижай ҳақидаги ана шу ҳикоя билан бевосита боғлиқ, лекин бу воқеадан биз ўзимизга чиқариб олишимиз лозим бўлган хулоса шундан иборатки, Худонинг Олий Шахси мутлақ табиатга эга бўлгани туфайли У ҳаммага - дўстига ҳам, душманига ҳам бирдай муносабатда бўлиб, уларни руҳий озодликка чиқаради. Шу боис, Парвардигор кимгадир дўст, кимгадир душман деб ўйлаш нотўғри. Унинг кимгадир дўст ёки душман бўлиши ҳамиша мутлақ табиатга эга бўлиб, улар орасида ҳеч қандай қарама-қаршилик, фарқ йўқ. Ҳар қандай моддий қарама-қаршиликлар Парвардигорнинг табиатига бегона.

Қурбонлик маросимидан кейин ювиниб покланган шох Юдхиштхира билимдон донишмандлар ва брахманлар тўпланган давра ўртасида турар экан, худди осмон шохини эслатар, ғайритабиий равишда салобатли, чиройли кўринарди. Шох Юдхиштхира қурбонлик маросимида қатнашган фаришталарни ҳам муносиб тақдирлади, улар шохдан жуда мамнун бўлиб, шохнинг фаолиятини олқишлаб, Парвардигор Кришнага ҳамду-санолар айтиб, мажлисни тарк этдилар.

Шукадева Госвами Парвардигор Кришна қандай қилиб Шишупалани ўлдиргани, шох Юдхиштхира ўтказган бу Раджасуя қурбонлик маросими муваффақият билан тугагани ҳақида гапирар экан, қурбонлик маросими муваффақият билан тугаганидан кейин фақат биргина одам - Дурёдхон бундан норози бўлганини айтиб ўтди. У ўзининг табиатига кўра, шунингдек ҳар хил гуноҳ ишлар қилиб яшаётгани сабабли жуда ҳасадгўй эди: у худди сурункали кассаллик тимсоли сифатида бутун оилани емириб йўқ қилиш учун Курулар сулоласига мансуб хонадонда туғилган эди.

Шукадева Госвами Махараж Парикшитни ишонтириб айтдики, Парвардигор Кришнанинг бу эрмаклари - Унинг Шишупалани ва Жарасандхани ўлдириши, Жарасандха қамаб кўйган шохларни озодликка чиқариши ҳақидаги ҳикоялар - илоҳий табиатга эга бўлиб, уларни ишончли манбадан тинглаган ҳар қандай одам шу заҳотиёқ ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Шишупаланинг озодликки чиқиши" деб аталадиган етмиш учинчи бобида Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.

74. Дурёдхоннинг хафа бўлиши

Шох Юдхиштхира халқ орасида *аджаташатру*, яъни "душмани йўқ одам" деган ном билан ҳам машҳур эди. Шунинг учун, шох Юдхиштхиранинг ўтказган буюк Раджасуя-ягйа қурбонлик маросими муваффақият билан ўтганини кўриб одамлар, фаришталар, донишмандлар ва авлиё одамларнинг ҳаммаси жуда хурсанд бўлдилар. Фақат битта Дурёдхон бу маросимдан норози бўлгани ҳақида эшитиб Махараж Парикшит ҳайрон бўлди ва Шукадева Госваמידан бунинг сабабини тушунтириб беришни илтимос қилди.

Шукадева Госвами шундай деди: "Эй азиз Махараж Парикшит, бобонг Юдхиштхира буюк руҳлардан эди. Унинг бенуксон одоб-ахлоқи ҳар бир одамни ўзига мафтун этиб, дарров ўзига дўст қилиб оларди, шу боис эл орасида уни *аджаташатру*, яъни "ҳеч қачон ўзига душман орттирмайдиган зот" деб атардилар. У Курулар сулоласи аъзоларига ҳам Раджасуя-ягйа ўтказишда ёрдам беришни илтимос қилди. Бхимасенага ошхона ишларига бошчилик қилиш топширилган эди, Дурёдхон хазиначи қилиб тайинланди, Сахадева меҳмонларни кутиб олишга, Накул - савдо-сотик ишларига, Аржун мўътабар меҳмонларни жойлаштириш ишларига маъсул бўлди. Энг ҳайратланарлиси шундаки, Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна қурбонлик маросимига келган барча меҳмонларнинг оёқларини ювиш вазифасини Ўз зиммасига олган эди. Аслида равнақ фариштаси бўлган малика Драупади меҳмонларга таом тарқатиш билан машғул бўлди, Карна ўзининг сахийлиги билан машҳур бўлгани учун уни хайр-эхсон тарқатиш ишларига раҳбар қилиб тайинладилар. Шундай қилиб, Сатйаки, Викарна, Хардикйа, Видура, Бхуришрава ва Бахликанинг ўғли Сантардана - ҳаммаси Раджасуя-ягйа қурбонлик маросими пайтида бирор хизмат турига маъсул бўлдилар. Улар шох Юдхиштхирани шу қадар яхши кўрар эдиларки, қандай хизмат билан бўлса ҳам, уни хурсанд қилишга ҳаракат қилишарди.

Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан Шишупала ҳалок бўлиб, унинг жони Парвардигорнинг руҳий борлиғига қўшилиб кетгандан сўнг, Раджасуя-ягйа ниҳоясига етиб, барча меҳмонларга, дўсту-ошналарга ўз мартабасига муносиб равишда ҳурмат-иззат кўрсатилиб, турли совғалар улашилгандан кейин шох Юдхиштхира ювиниб покланиш учун Ганга дарёсига йўл олди. Хастинапур шаҳри биз яшаётган ҳозирги кунда Йамуна дарёси қирғоғида жойлашган, "Шримад Бхагаватам"да ёзилиши бўйича шох Юдхиштхира ювиниш учун Ганга дарёсига кетган, демак Пандузодалар яшаган даврда Йамуна дарёсини ҳам Ганга деб атаганлар. Шох авабхрита(ювиниб-покланиш) маросимини ўтказар экан, унинг атрофида мриданга, сур, барабан, литавра ва шох сингари ҳар хил мусиқа асбобларининг

овозлари янграрди. Бу мусиқа овозларига раке тушаётган раққоса кизларнинг оёқларидаги қўнғирокчалар овози ҳам жўр бўларди. Кўплаган моҳир созандалар вина, най, гонг ва цимбала ас-бобларида куй чалар, уларнинг баланд овозлари бутун атрофга тараларди. Сринжайа, Камбходжа, Куру, Кекайя, Кошала сингари давлатлардан ташриф буюрган шоҳона меҳмонлар бу ерда ўз байроқлари остида саф тортиб турар, уларнинг ёнида қимматбаҳо тошлар билан чиройли безанган филлар, жанг аравалари, отлик ва пиёда аскарлар турарди. Уларнинг ҳаммаси шоҳ Юдхиштхира бошлиқ катта карвон ҳосил қилган эдилар. Рухонийлар, уларнинг ёрдамчилари, маросим ўтказишга келган браҳманлар маросим ўтказишга киришиб, ведавий мадҳияларни баланд овозда қироат қилардилар. Фаришталар, Питрилока ва Гандхарвалока аҳолиси улар устига самодан гуллар ёмғирини ёғдирардилар. Индрапрастха ва Хастинапурда яшайдиган эркагуаёллар таналарига муаттар атир-мойлар суртиб, ҳар хил рангдаги чиройли либослар кийиб олган, бўйнига гулчамбарлар ва қимматбаҳо маржонлар тақиб олган эдилар. Уларнинг ҳаммаси бу маросимдан хурсанд бўлиб, қувониб-яйрашар, бир-бирларининг устига сув, сариеғ, сут ва қатик сеппиб ўйнар, баъзилари бир-бирларининг юзига шу нарсаларни суртиб шўхлик қилардилар. Ҳамма шу хилда турли хурсандчиликка берилиб кетган эди. Енгилтак аёллар шўхлик қилиб шу нарсаларни эркаклар устига сеппиб қочар, эркаклар ҳам уларга жавоб берардилар. Бу суюқликлар куркума ва шафран билан аралашган, шу боис очқизил рангда эди.

Осмону-фалакда ўзларининг ҳаво кемаларида бу тантанали қувончли қурбонлик маросимини томоша қилишга келган фаришталарнинг хотинларини кўриш мумкин эди. Шунингдек бу ерга атрофида бир неча кўриқчилари билан шоҳона паланкинда келган кўплаган маликаларни учратиш мумкин эди. Пандузодаларнинг жияни Парвардигор Кришна ва Унинг энг яқин дўсти Аржун ана шундай суюқликлардан олиб, маликаларга сепардилар. Маликалар уялиб жилмаяр, чиройли табассуми уларнинг юзларини яна ҳам жозибали қилиб юборарди. Сут ва қатик маликаларнинг либосларини, сариларини шалаббо қилиб эзган, ҳўл бўлган либослар остида уларнинг танасининг баъзи қисмлари, айниқса бўлик кўкраклари аниқ кўриниб турарди. Маликалар ҳам шундай суюқликларни челақлаб олиб келиб, ўзларининг қариндоши бўлган эркаклар устига сеппиб, шўхлик қилиб ўйнардилар. Маликалар хурсандчиликка шу қадар берилиб кетдиларки, уларнинг сочлари тўзиб, уларни безаб турган гулчамбарлар ерга тўкилиб кетди. Парвардигор Кришна, Аржун ва маликалар шу тариқа лаззатланиб шўхлик қилардилар, қалби нопок бўлган одамларнинг эса бундан шахвоний эҳтироси уйғонарди. Бошқача қилиб айтганда, ана шундай муносабатлар эркак ва аёлларга чуқур лаззат

бағишлайди, қалби моддийлик иллатига ботган нопок одамларда эса бундай муносабатлар шахвоний хирс уйғотади.

Шоҳ Юдхиштхира ҳам чиройли безатилган отлар қўшилган ғаройиб жанг аравасида Драупади бошлиқ маликалари билан шу ерда эди. Қурбонлик маросими шу қадар ажойиб ўтаётган эдики, гўё Раджасуяа тимсоли бўлган фариштанинг ўзи барча маросимлар билан биргаликда шу ерда иштирок этаётгандай эди.

Раджасуяа-йағйадан кейин ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган *патни-самйаджа* маросими бошланди. Қоидага кўра бу маросимни ўтказиётган одамга унинг хотини ҳам ёрдам бериши керак, шоҳ Юдхиштхиранинг руҳонийлари бу маросимни ҳам ўтказдилар. Малика Драупади билан шоҳ Юдхиштхира *авабхритха* покланиш маросимини ўтказганидан кейин, Хастинапур аҳолиси ва фаришталар қалблари қувончга тўлиб, сурларини чалиб, барачан чала бошладилар, осмондан гуллар ёмғири ёғилди. Шоҳ ва малика муқаддас Ганга сувларида ювиниб поклангандан сўнг, жамиятдаги барча табақаларга мансуб фуқароларнинг ҳаммаси - браҳманлар, кшатрийлар, ваишйалар ва шудралар ҳам Гангада ювиниб покландилар. Ведавий муқаддас китобларда инсон покланиши учун муқаддас Ганга дарёси сувида ювиниш тавсия қилинган, чунки унинг сувлари инсонни барча гуноҳлари оқибатидан поклайди. Ҳиндистонликлар бу одатга ҳалигача, айниқса шарофатли саналган муқаддас кунларда қатъий риоя қилиб келадилар. Ана шундай пайтларда миллионлаган одамлар муқаддас Ганга сувида ювиниб покланадилар.

Ювиниб покланиб бўлган шоҳ Юдхиштхира янги ипак либосларини кийди ва ҳар хил тақинчоқларни тақиб олди. Шоҳ фақат ўзи янги либослар кийиб қолмасдан, шу ердаги барча руҳонийлар, йағйа маросимининг бошқа иштирокчиларига ҳам янги либослар улашди. Шоҳ Юдхиштхира мартабасига қараб ҳаммага бир хилда ҳурмат-иззат кўрсатарди. У ваишнава, яъни Парвардигор Нарайананиннг бхактаси бўлгани учун кимга қандай муомала қилиш одобини яхши билар, шу боис ҳаммага яхши муносабатда бўлиб, ўзининг дўстларига, қариндошларига, оила аъзоларига қурбонлик маросимининг барча иштирокчиларига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатарди. Майавади-файласуфларнинг ҳар бир одамни Худо деб билиши ҳамманиннг бирлигига олиб борадиган сунъий, сохта йўл ҳисобланади, лекин ваишнава, яъни Парвардигор Нарайананиннг бхактаси ҳар бир тирик мавжудотни Парвардигорнинг ажралмас бир заррачаси деб билади. Шу боис ваишнавининг бошқа тирик мавжудотлар билан бўлган муносабатлари мутлақ табиатга эга. Инсон ўз танасининг бирор аъзосига бегона нарсадай муносабатда бўлолмайди, чунки уларнинг ҳаммаси битта, ягона тананиннг айрим бўлаклари ҳисобланади; худди шундай, ваишнава ҳам ҳар қандай тирик жониворни инсон билан

бирдай кўради, чунки уларнинг ҳар иккисининг қалбида ҳам алоҳида руҳ билан бирга Олий Рухни кўради.

Ювиниб поклангандан кейин янги либосларини кийиб, кулоқларига сирғаларини тақиб, гулчамбар ва маржонларини осиб олган, бошларига чиройли салла кийиб олгач, одамларнинг барчаси худди жаннатдан тушиб келган фаришталарга ўхшаб кетган, юзларидан нур ёғилиб турарди. Айниқса чиройли либослар кийиб олган аёллар жаннатдаги фаришталардай гўзал бўлиб кетган эдилар. Уларнинг ҳар бирининг белига олтин камар тақилган, юзларида майин табассум ўйнади. Уларнинг танасининг ҳар ер ҳар еридан либос ортидан тилака белгилари ва ўрим сочлари кўриниб турар, бу манзара эса ўзига хос ғаройиб гўзаллик кашф этган эди.

Раджасуя-йағйа маросимида иштирок этганларнинг ҳаммаси - энг муносиб руҳонийлар, қурбонлик маросими ўтказишга ёрдам берган брахманлар, жамиятнинг барча табақаларига мансуб бўлган фуқаролар, шоҳлар, фаришталар, донишмандлар, авлиё зотлар ва Питрилока аҳолиси - ўзларига шоҳ Юдхитхиранинг кўрсатган иззат-икромидан мамнун бўлиб, кўтаринки кайфиятда уйларига тарқалдилар. Йўл-йўлакай улар шоҳ Юдхитхиранинг қилган ишларини олқишлаб борардилар, гарчи шоҳ Юдхитхиранинг улуғворлиги, бенуксон ахлоқ-одоби ҳақидаги суҳбат анчадан бери давом этаётган бўлса ҳам, худди киши ширин шарбатни қанча ичса ҳам барибир тўймагани сингари, улар ҳам бу суҳбатга сира тўймасдилар. Меҳмонлар тарқалиб бўлдилар, лекин шоҳ Юдхитхира ўзининг яқин дўстларига бироз тўхтаб туришни илтимос қилди, улар орасида Парвардигор Кришна ҳам бор эди. Парвардигор Кришна шоҳнинг илтимосини рад этолмасди, шу боис У Йадавалар сулоласининг Самба ва бошқа қаҳрамонларини Дваракага қайтариб юборди. Уларнинг ҳаммаси Дваракага қайтиб келдилар, Парвардигор Кришна эса шоҳни мамнун қилиш учун Хастинапурда қолди.

Моддий оламда ҳар кимнинг ўзига яраша қандайдир истаги бўлади ва у ҳамиша ана шу истаги амалга ошишини орзу қилиб юради, лекин бу дунёда ҳеч қачон одамнинг истаги тўла амалга ошмайди. Аммо шоҳ Юдхитхира, Парвардигор Кришнага бўлган ўзгармас садоқати туфайли, буюк Раджасуя қурбонлик маросими ўтказиб, қалбидаги барча истакларининг тўлиқ рўёбга чиқишига эришган эди. Раджасуя-йағйа маросимининг шарофати ҳақидаги маълумотлардан билиш мумкинки, бу маросим чексиз моддий истаклар уммони тимсолидир. Оддий инсон бундай уммонни кечиб ўта олмайди; лекин Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан шоҳ Юдхитхира осонлик билан ана шу уммонни кечиб ўтган ва қалбидаги барча ташвишлардан бутунлай халос бўлган эди. Махараж Юдхитхира Раджасуя-йағйа қурбонлик маросими ўтказиб,

жаҳонда катта шон-шухрат қозонганини, қалбидаги барча ниятларига етиб, ҳар жиҳатдан ҳаётдан мамнун бўлганини кўрганида, Дурёдхоннинг қалбида ҳасад алангаси ловуллаб, бундан қаттиқ изтироб чека бошлади, чунки унинг ақли заҳарланган эди. Энг аввало у иблис Майянинг Пандузодаларга совға сифатида куриб берган мажлислар саройига ҳасад қиларди. Бу сарой жуда кўркам бўлиб, чиройли нақшлар билан безатилган, айти пайтда буюк шаҳзодаларга, шаҳаншоҳларга ёки иблис-ҳукмдорларга жуда муносиб муносиб сарой эди. Ана шу ғаройиб сарой ичида Пандузодалар ўзларининг оила аъзолари билан бирга тинч-осойишта яшар, малика Драупади ўзининг эрларига садоқат билан хизмат қиларди. Ўша пайтда Парвардигор Кришна ҳам шу ерда бўлгани учун унинг минглаган рафиқалари - маликалари ҳам саройга ўзгача файз киритиб юрардилар. хипча белли, сийналари тўлиқ, соҳибжамол маликалардан бирортаси сарой ичида ўзининг ҳаракатларига мос жиринглаётган оёқ-кўнғирокчаларини оҳиста жаранглаптиб ибоб билан оҳиста қадам ташлаб юрганида, сарой жаннатдаги саройлардан ҳам файзлироқ бўлиб кўринарди. Маликаларнинг кўкракларига шафран сепилган, шу боис уларнинг бўйнига осилган маржон ҳам қизғиш рангли бўлиб кўринарди. Кулоқларига осилган чиройли сирғалари ва бўйнидан пастга осилиб турган узун сочлари билан бу маликалар жуда жозибали, чиройли кўринардилар. Шоҳ Юдхитхиранинг саройидаги бундай соҳибжамол маликаларни кўриб, Дурёдхоннинг ҳасади кўзиб кетди. Айниқса у малика Драупадининг гўзаллигини кўрганида унинг қалибини ҳасад ва аламли эҳтирос ўртар эди, чунки Драупади Пандузодаларга турмушга чиққан кундан бошлаб Дурёдхон уни қаттиқ ёқтириб қолган эди. Драупади ўзига куёв танлаётган маросимда Дурёдхон ҳам бор эди, шунда бошқа шаҳзодалар сингари Дурёдхонни ҳам Драупадининг бекиёс гўзал жамоли ўзига бутунлай ром этиб қўйган, лекин афсуски унинг қўлига эришиш Дурёдхонга насиб этмаган эди.

Шундай ажойиб кунларнинг бирида шоҳ Юдхитхира иблис Майя куриб берган ана шу сарой ичидага олтин тахтиравонда савлат тўкиб ўтирар эди. Унинг тўрт укаси ва бошқа яқин қариндошлари, шунингдек унинг энг яқин ошниси, Худонинг Олий Шаҳси, Парвардигор Кришна ҳам шу ерда эди, Юдхитхиранинг моддий бойлиги Тангри Браҳманинг бойлигидан кам эмасди. Шоҳ ўзининг яқинлари даврасида тахтда ўтирар, буюк воизлар ёқимли кўшиқлардай жаранглаётган ведавий мадҳияларни қироат қилиб шоҳнинг кўнглини овларди, шу пайт саройга укаси билан бирга Дурёдхон кириб келди. Дурёдхоннинг бошида тож, қўлида қилич бор эди. Унинг қалбини ҳамиша ҳасад ва ғазаб ўти қийнарди, шу боис у бирор сабабсиз дарвозабонни қаттиқ қойиб берди ва бундан ўзининг ҳам қаттиқ жаҳли чиқиб

кетди. У ярқираган саройнинг қаери пол, қаерида ҳовуз бор эканини ажратолмас, бундан баттар жаҳли чиқарди. Иблис Майянинг сеҳр санъати билан саройнинг кўп жойларидаги пол шундай сирли ясалган эдики, бу сирдан беҳабар одам қаер пол, қаерда сув тўла ҳовуз бор эканини ажрата олмасди. Дурёдхон ҳам иблис Майянинг мана шу тузоғига илинган эди, шу боис полга қадам ташляпман деб, билмасдан сув тўла ҳовузга тушиб кетди. Дурёдхон ўзининг аҳмоқлиги сабабли сувга йиқилганида буни кўриб турган маликалар мазах қилиб унинг устидан қаттиқ кулиб юбордилар. Шоҳ Юдхитхира Дурёдхоннинг бундай ачинарли, кулгили ҳолатини тасаввур қиларди, шу боис иложи борича маликаларни кулгидан тўхтатиб қолишга уринди, лекин Парвардигор Кришна имо қилиб, шоҳга маликаларнинг бу ажойиб воқеадан лаззатланишига халакит бермасликни илтимос қилди. Кришна бу ерда Дурёдхоннинг аҳмоқ бўлиб қолишини, ҳамма унинг нодонлигидан, ғофиллиги устидан мазза қилиб кулишини, роҳатланиб лаззатланишини истаган эди. Атрофидаги ҳамма одамлар ўзининг устидан мазза қилиб кулаётганини кўриб, Дурёдхон ўзини қаттиқ ҳақоратланган деб ҳисоблади, унинг тепа сочи тик бўлиб кетган эди. Бундай ҳақоратга чидамасдан у бошини ҳам қилганча, шу заҳотиёк саройни тарк этиб кетди. У бирор гап айтмасдан жим кетиб қолган, бу воқеага қарши бирор муносабат билдирмаган эди. Дурёдхоннинг ғазабга тўлиб, хафа бўлиб саройни тарк этганини кўриб ҳамма унга ачинди, шоҳ Юдхитхиранинг ҳам унга раҳми келди. Парвардигор Кришна бу ҳодисаларни жим кузатиб турди, лекин бирор нарса деб Ўз муносабатини билдирмади. Парвардигор Кришнанинг олий амри билан Дурёдхон бу ерда алданиш домига ташлангани яққол сезилиб турарди, ана шу воқеа сабаб бўлиб, Курулар сулоласининг икки тармоғи орасига ашаддий душманлик уруғи ташланган эди. Бу воқеа ер юзига оғирлик қилиб турган мусибатни енгиллатиш учун Парвардигор Кришнанинг ўйлаб кўйган режаларининг бир қисми эди.

Шоҳ Парикшит Шукадева Госвамидан нимага Дурёдхон Раджасуйа маросимидан норози бўлгани ҳақида сўраган, Шукадева Госвами эса жавоб бериб, мана шу воқеани гапириб берган эди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Дурёдхоннинг хафа бўлиши" деб аталадиган етмиши тўртинчи бобига Бхактиведантаннинг изоҳлари шундай яқунланади.

75. Шалва билан Йадавдалар жанги

Шукадева Госвами бу дунёда оддий инсон ролини ўйнаган Парвардигор Кришнанинг кароматлари ҳақида гапирар экан, шунингдек у Са-

убха деб аталадиган ғаройиб ҳаво кемаси бўлган Шалва деган иблис билан Йадавдалар сулоласи ўртасида бўлиб ўтган жанг ҳақида ҳам ҳикоя қилиб берди. Шоҳ Шалва Шишупаланинг яқин дўсти эди. Шишупала Рукминига уйланиш учун борганида Шалва ҳам у билан бирга куёв жўра бўлиб борган эди. Йадавдалар сулоласи билан уларга қарши рақиблар орасида бўлиб ўтган жангда у ҳам мағлуб бўлган эди. Лекин, мағлуб бўлганига қарамай, ўшанда у барча шоҳлар олдидан қасам ичиб, келажакда албатта бутун оламни Йадавдалар сулоласидан халос қилишга ваъда берган эди. Рукминининг никоҳ маросимида бўлиб ўтган жангдан бери у қалбида Парвардигор Кришнага нисбатан ўчмас ҳасад туйғусини ардоқлаб, ривожлантириб келарди, аслида у бечора бир ғофил нодон одам эди, чунки одамларга Кришнани албатта ўлдиришга ваъда бериб кўган эди.

Одатда ана шунган ўхшаган аҳмоқ иблислар ўзларининг ниятини амалга ошириш учун қандайдир бир фариштадан, масалан Тангри Шивадан нажот сўрайдилар. Шалва ҳам етарли куч-қудратга эга бўлиш учун Тангри Шиванинг нилуфар қадамлари пойига мурожаат қилди. У қаттиқ риёзатларга берилиб, то Тангри Шиванинг марҳаматига эришмагунча кунига фақат бир сиким кул билан озикланиб тавба-газарру қилиб яшашга қасам ичди. Парватининг эри Тангри Шива одатда жуда меҳрибон зот, уни хурсанд қилиш учун бирор қасам ичган одамнинг уни мамнун қилиши ҳам жуда осон. Шалва ҳам роса бир йил риёзат чеккандан кейин, Тангри Шива ундан жуда мамнун бўлди ва ундан истаган тилагини тилашни сўради.

Шалва ундан шундай қудратли ҳаво кемаси совға қилишни илтимос қилдики, уни на бирор фаришта, на бирор иблис, на бирор инсон, гандҳарва, нага ёки ҳатто рақшас ҳам яқсон қила олмайдиган бўлсин. Бунинг устига, у истар эдики, бу ҳаво кемаси унинг истаган томонига учиб бора олсин, айниқса у Йадавдалар учун жуда хавфли бўлиб, уларнинг қалбига қўрқув соладиган бўлсин. Тангри Шива шу заҳотиёк унга шундай дуои-фотиҳа ато қилди. Ҳеч ким яқсон қила олмайдиган ана шундай ҳаво кемасини тайёрлаш учун Шалва иблис Майяга мурожаат қилди. Бу жуда катта, худди бир шаҳардай келадиган катта ҳаво кемаси бўлиб, шу қадар баланд ва тез уча олардики, унга ҳужум қилиш у ёқда турсин, уни ҳатто кўриб улгуриш қийин эди. Кеманинг ичидаги одам унда ўтириб ҳатто қоронғида ҳам истаган жойига учиб бора оларди. Ана шундай ғаройиб ҳаво кемасига эга бўлиб, Шалва Дварака шаҳрига учиб борди, чунки у ҳамшиша ўзининг қалбида ашаддий душман деб билиб, нафрат туйғусини асраб келган Йадавдалар шаҳрига ҳужум қилиш мақсадида мана шу ғаройиб кемага эришган эди.

Шалва Дварака шаҳрига фақат осмондан ҳужум қилибгина қолмасдан, кўп сонли пиёда

аскарлар билан ҳам шаҳарга ҳар тарафдан ҳужум уюштирган эди. Пиёда аскарлар ювинадиган жойларни, шаҳар дарвозаларини, осмонўпар баланд сарой ва уйларни, баланд шаҳар деворларини ва шаҳарнинг кўзга ташланадиган барча чиройли жойларини бузиб ташлай бошладилар. Жангчилар ерда жанг олиб бораётганида Шалванинг ўзи ҳаво кемасидан катта-катта тошларни, ёғочларни, чақмоқларни, захарли илонларни ва бошқа турли талафот келтирадиган нарсаларни улоқтирди. Шалва Дварака шаҳрида шундай кучли куюн юзага келтиришга муваффақ бўлдики, бутун осмонни қамраб олган чанг-тўзондан шаҳар қоронғу зулматга ғарқ бўлди. Шалва ўтириб олган ҳаво кемаси Дварака шаҳрига бир пайтлар иблис Трипурасуранинг қилган ёвузликларидан ҳам кўпроқ талафот келтирди. Дварака пури аҳолиси шу қадар саросимага тушиб қолдики, улар бир лаҳза ҳам тинчий олмасдилар.

Двараканинг Прадйумна сингари саркардалар бошлиқ машҳур жангчилари ўз навбатида Шалванинг ҳаво кемасига ва унинг пиёда аскарларига қарши жанг қилардилар. Шаҳар аҳолиси қанчалик саросимага тушиб қолганини кўриб Прадйумна дарров кўшин тўплади-да, шаҳар аҳлига уларни албатта ҳимоя қилишга ваъда бериб, ўзининг жанг аравасига ўтирди. Унинг буйруғи билан Прадйумнанинг уклари Сатйаки, Чарудешна ва Самба сингари кўплаган жангчилар, шунингдек Акрура, Критаварма, Бханувинда, Гада, Шука ва Сараналар ҳам Шалвага қарши жанг қилиш учун шаҳар ташқарисига чиқдилар. Уларнинг барчаси буюк қахрамонлар бўлиб, ҳар биттаси минг оддий жангчига бас кела оларди. Уларнинг ҳар бири етарли миқдорда қуролланиб олган бўлиб, уларга юзлаган ва минглаган жанг аравалари, филлар, отлик ва пиёда аскарлар ҳамроҳ эдилар. Икки рақиб кўшин орасида худди бир пайтлар иблислар билан фаришталар орасида бўлгани сингари қирғинбарот жанг бошланиб кетди. Жанг шу қадар даҳшатли тусда борардики, уни кўрган одамнинг ҳайратдан танасидаги туклари хурпайиб, тепа сочи тик бўлиб кетарди.

Прадйумна Саубхи шоҳи Шалванинг ҳаво кемасининг сеҳр қудратига қарши жанг қиларди. Ҳаво кемасининг қудрати билан Шалва ер юзига худди қоронғу тундай зулмат туширди, лекин Прадйумна худди куёшдай порлаб осмонда пайдо бўлди. Худди эрталаб чиққан куёш тун зулматини ёритгани сингари, Шалванинг намоёиш этган сеҳр қудрати ҳам кўримсиз, бефойда бўлиб қолди. Прадйумнанинг ҳар бир пайкони олтин патли бўлиб, учи ўткир темирдан эди. Прадйумна ана шундай пайконлардан йигирма бештасини йўллаб, Шалванинг бош қўмондонига қаттиқ жароҳат етказди. Кейин у Шалва томонга қараб юзта пайкон йўллади. Кейин у ҳар битта жангчига биттадан пайкон йўллади, ҳар бирига ўнтадан пайкон йўллаб жанг араваларини, жиловдорларни яқсон қилди. Жангчилар миниб олган отлар ва

филлар учтадан пайкон тегиб ҳалок бўлдилар. Жанг майдонида тўпланганлар Прадйумнанинг мислсиз жасоратини кўриб, ҳар икки томонда буюк жангчилар унинг жасоратини олқишлай бошладилар.

Лекин барибир Шалва ўтирган ҳаво кемаси ҳалигача жумбок бўлиб қолаётган эди. Бу шунақа ғайритабиий ҳаво кемаси эдики, баъзан осмонда бир неча ҳаво кемаси пайдо бўлгандай бўлар, баъзида эса уларнинг биттаси ҳам кўринмай қоларди. У баъзан кўзга кўринар, баъзан ғойиб бўлиб қоларди, шунда бу ғалати кеманинг қаердалигини билмай Йадава сулоласининг жангчилари саросимага тушиб қоларди. Баъзан кема тоғ чўққисига кўнгандай бўлар, баъзан эса сув юзида юрар, баъзан ерда турса, баъзида осмонда учиб юрарди. Бу ғаройиб кема худди шамолда учиб юрган ҳашаротдай бир лаҳза ҳам тиним билмасдан ҳар ёққа учиб юрарди. Ҳаво кемасининг бунчалик ҳайратли ҳаракатларига қарамай Йадавалар сулоласининг жангчилари Шалва ўзининг жангчилари билан пайдо бўлган заҳоти унга ташланардилар. Йадавалар сулоласининг жангчилари йўллаётган пайконлар худди куёшдай порлаб учар ва худди илоннинг тилидай хатарли эди. Шалва томонда туриб жанг қилаётган жангчиларнинг ҳаммаси кўп ўтмай Йадавалар сулоласининг жангчилари йўллаётган пайконлар зарбидан ҳолдан тойдилар, пайконлар остида Шалванинг ўзи ҳам ҳушидан кетиб ерга қулади.

Шалва томонда жанг қилаётган жангчилар ҳам жуда кучли бўлиб, уларнинг пайконлари ҳам Йадавалар сулоласининг жангчиларини ҳолдан тойдирган эди. Лекин барибир Йадулар хали кучли ва қатъиятли эдилар, шу боис улар ҳечам таслим бўлмас эдилар. Йадавалар сулоласининг жангчилари жангда албатта ғалаба қозонишга, бўлмаса жанг майдонида жон таслим қилишга аҳд қилиб жанг қилардилар. Агар жангда ҳалок бўлсалар жаннатга боришига, ғалаба қилсалар бу дунёда лаззатланиб яшашларига улар аниқ ишонар эдилар. Шалванинг бош саркардасининг исми Дйуман эди. У жуда қудратли жангчи эди, гарчи уни Прадйумнанинг йигирма беш пайкони ярадор қилган бўлса ҳам, у бирданига ўзининг оғир гурзиси билан Прадйумнага ҳамла қилиб, унга оғир бир зарба туширдики, бу зарбадан Прадйумна ҳушидан кетиб ерга қулади. Шу заҳотиёқ ҳар тарафдан: "Энди у ҳалок бўлди!" - деган ҳайқириклар эшитилди. Гурзининг бу зарбаси оддий жангчининг кўксини чил-парчин қилиб ташлаш учун етарли эди.

Прадйумнанинг жанг аравасига Даруканинг ўғли жиловдорлик қиларди. Ведавий жанг қоидаларига кўра жанг аравадаги жангчи билан жиловдор биргаликда жанг қилишлари лозим. Шунинг учун жанг пайтида дуч келадиган хатарли вазиятларда жанг аравасидаги жангчига ғамхўрлик қилиш жиловдорнинг бурчи эди. Даруканинг ўғли шу заҳолтиёқ Прадйумнани жанг

майдонидан ташқарига олиб чиқди. Орадан икки соат ўтгандан кейин тинч жойда ҳордиқ чиқарган Прадйумна яна ўзига келди, у ўзининг жанг майдонидан ташқарида эканини кўриб, жиловдорига тана қилиб гапира бошлади: "Қандай даҳшат! Нимага бундай қилдинг? Ҳой азиз жиловдор, жанг майдонидан бизларнинг сулолага мансуб бирор одамни мана шундай олиб чиққанини мен ҳеч қачон эшитмаганман. Нимага сен мени жанг майдонидан олиб чиқдинг? Бизларнинг авлодда ҳеч ким жанг пайтида жанг майдонини тарк этган эмас! Сен бу ҳаракатинг билан мени шармандаи-шармисор қилдинг. Энди ҳамма мени "жанг пайтида жанг майдонини ташлаб кетди!" - деб айтади. Ҳой жиловдор, мен сени кўрқоқликда ва ожизликда айблайман. Менга айтчи, энди мен қандай қилиб амаким Балорам ва отам Кришнанинг кўзига қарай оламан? Уларга нима дейман? Ҳамма мени жанг майдонини ташлаб кетди деб айтади, улар мендан сўрасалар мен нима деб жавоб бераман? Хотинларим энди менга пичинг қилиб: "Ҳой қахрамон, қандай қилиб сен бунчалик кўрқоқ бўлиб қолдинг? Сен қандай қилиб ҳезалакка айланиб қолдинг? Сен билан бирга жанг қилаётган жангчилар олдида қандай қилиб сен шунчалик пасткашлик қилдинг?" - деб гапира бошлайдилар. Ҳой жиловдор сен мени жанг майдонидан олиб чиқиб, қаттиқ ҳақорат қилдинг".

Прадйумнанинг жиловдори унга шундай деб жавоб берди: "Эй азиз ҳукмдорим, мен сенга узок умр тилайман, ўйлайманки, мен ҳеч қандай ёмон иш қилганим йўқ, чунки қийин аҳволга тушиб қолган жангчига ёрдам бериш жиловдорнинг бурчи ҳисобланади. Эй ҳукмдорим, сен ҳарбий қонунларни мукамал биласан. Жангчи билан жиловдорнинг бир-бири олдидаги бурчи қийин вазиятга тушиб қолганда бир-бирига ёрдам беришдан иборат. Мен жанг қилиш қоидаларини яхши биламан, шу боис ўз бурчимни бажардим. Душман ўзининг оғир гурзиси билан сенга тўсатдан бир зарба туширдик, сен ҳушингдан кетиб қолдинг. Сен душманлар орасида жуда қийин аҳволга тушиб қолган эдинг, шу боис мен албатта шундай қилишим лозим эди".

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Шалва билан Йадавдалар жанги" деб аталадиган етмиш бешинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

76. Шалванинг озодликка чиқиши

Жиловдори, Даруканинг ўғли билан суҳбатлашгандан кейин Прадйумна аслида воқеа қандай бўлганини билиб олди. У қўли ва оғзини чайиб, покланиб ҳушига келди. Камон ва пайконлар билан қуролланиб, жиловдорига жанг аравасини Шалванинг бош саркардаси томонга ҳайдашни буюрди. Жанг майдонида Прадйумна-

нинг йўқлигидан фойдаланиб, Шалванинг бош саркардаси Дйуман Йадавдалар сулоласининг жангчиларидан устун кела бошлаган эди. Жанг майдонида пайдо бўлиб, Прадйумна дарров уни тўхтатиб қолди ва унга бирданига саккиз пайкон йўллади. Тўрт пайкон йўллаб унинг тўртта отини, битта пайкон билан - жиловдорини ўлдирди, битта пайкон билан унинг камонини тилка пора қилди, яна битта пайкон билан Дйуманнинг бошини танасидан жудо қилди.

Жанг майдонининг бошқа жойларида буюк қахрамонлар Гада, Сатйаки ва Самбалар Шалванинг жангчиларини мағлуб қилаётган эдилар. Шалва билан бирга унинг ҳаво кемасида туриб жанг қилаётган жангчилар ҳам ҳалок бўлиб денгизга куладилар. Жанг қилаётган жангчиларнинг бир-бирларига бераётган зарбалари тобора шафқатсиз, қақшатқич бўлиб борарди. Бу жанг жуда қаттиқ ва бешафқат бўлиб, тинмасдан йигирма етти кун давом этди. Дваракада жанг бораётган пайтда Кришна Индрапрастхада, пандузодалар ва шоҳ Юдхиштхира билан бирга эди. Бу жанг шоҳ Юдхиштхира ўтказган Раджасуйайага қурбонлик маросимида Шишупаланинг ўлиmidан кейин бўлиб ўтаётган эди. Парвардигор Кришна Дварака шаҳри қаттиқ хавф остида қолганидан хабар топган заҳоти, Пандузодаларнинг ёши улуг оила аъзоларидан, айниқса холаси малика Кунтидан кетишга руҳсат сўраб, шу заҳотиёқ Дваракага йўл олди. Парвардигор Кришна акаси Балорам билан Дваракадан кетгандан кейин, қурбонлик маросими пайтида Шишупала ҳалок бўлгандан сўнг, Шишупаланинг одамлари албатта Дваракага ҳужум қилган бўлсалар керак деб ўйлаган эди. Дваракага келиб Парвардигор Кришна шаҳар катта хавф-хатар остида қолганининг гувоҳи бўлди. У акаси Балорамга шаҳарни ҳимоя қилишни буюриб, Ўзи жиловдори Дарукага сафарга ҳозирлик кўришни буюрди. У шундай деди: "Дарука илтимос, Мени ҳозирок Шалванинг олдида олиб бор! Шалва жуда қудратли ва сирли одам эканини яхши билсанг керак? Лекин сен ундан кўрқма!" Парвардигор Кришнанинг амрини эшитиб, Дарука шу заҳотиёқ Уни жанг аравасига ўтқазиб, Шалва жанг қилаётган жойга олиб борди.

Парвардигор Кришнанинг жанг араваси устида Гаруданинг тасвири чизилган байроқ ҳилпираб турарди. Йадавдалар сулоласининг жангчилари шу байроққа кўзлари тушиши билан жанг майдонида Парвардигор Кришнанинг Ўзи пайдо бўлганини сездилар. Бу пайтга келиб Шалванинг деярли барча жангчилари қирилиб бўлганди, лекин Шалва жанг майдонида Кришнанинг кирганини кўриб, ғайритабиий қудратли кучга эга бўлган қуролини ишга солди, бу қурол осмонда худди катта метеорга ўхшаб учиб келарди. У оловдай порлаб бутун атрофни ёритиб юборган эди. Парвардигор Кришна шу заҳоти бир пайкон йўллаб уни майда-майда бўлақларга бўлиб, чилпарчин қилиб юборди.

Парвардигор Кришна ўн олти пайкон билан Шалвани ярадор қилди, ҳаво кемасига пайконлар ёмғирини ёғдириб, худди очик осмонни ўзининг нурлари билан қоплаб оладиган куёш сингари, уни ҳар тарафдан қамраб олди.

Шалва Кришнанинг Шарнга камонини ушлаб турган чап томонидан қаттиқ зарба берди, унинг зарбидан Кришнанинг қўлидан Шарнга камони тушиб кетди. Кришна камонини қўлидан тушириб юборгани ҳақиқатан ҳам ғайритабиий ҳол эди. Шалва билан Кришна ўртасида бўлаётган жангни самодан кузатиб турган буюк шахс ва фаришталар бундан қаттиқ хавотирга тушиб: "Э-воҳ! Эҳ-аттанг!" - дея хитоб қила бошладилар.

Шалва: "Энди ғалаба қилган бўлсам керак?" - деб ўйлаб, Кришнага қараб ҳайқирди: "Ҳой, қаллоб Кришна! Сен бизларни назар-писанд қилмасдан куч билан Рукминини олиб кетгандинг. Сен менинг дўтсим Шишупалани алдаб, Рукминига ўзинг уйланиб олдинг. Шоҳ Юдхиштира ўтказаетган Раджасуйа-яғйа қурбонлик маросимида дўстим Шишупаланинг бироз чалғиганидан фойдаланиб уни ўлдирдинг. Ҳамма Сени буюк жангчи, Сени ҳеч ким енга ололмайди, деб ўйлайди. Хўш, қани кўрайликчи, энди қандай қилиб ўз кучингни кўрсатар экансан. Ўйлайманки, агар олдимда яна бироз вақт турсанг, мен Сени ўзимнинг ўткир пайконларим билан қайтиб бу ерларга келмайдиган жойларга равона қиламан!"

Бунга жавобан Парвардигор Кришна шундай деди: "Ҳой аҳмоқ Шалва, қаердаги бўлмағур гапларни гапиряпсан. Ажал балоси аллақачон сенинг бошинг устида турганини ўзинг ҳам билмайсан. Ҳақиқий қаҳрамонлар кўп гапирмайдилар. Улар жасоратини ўзларининг амаллари билан кўрсатадилар". Шундай деб Парвардигор Кришна гурзиси билан Шалванинг ковуғасига шундай бир зарба туширдик, унинг оғзидан қон отилиб чиқиб, ўзи худди совуқда қотган одамдай титрай бошлади. Лекин, Кришна унга яна бир зарба беришдан олдин, Шалва сеҳр қудратини ишга солиб, кўзга кўринмайдиган бўлиб олди.

Орадан бир неча лаҳза ўтгандан кейин сирли бир нотаниш зот Парвардигор Кришна олдида пайдо бўлди. У хўнграб йиғлаганча Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига йиқилиб, шундай илтижо қила бошлади: "Сен - отанг Васудеванинг суюкли фарсандисан, Деваки онанг мени Сенга Шалва отангни занжирбанд қилиб, куч билан ўзи билан бирга олиб кетганини етказиш учун Сенинг олдинга юборди. Шалва отангни худди бирор ҳайвонни кушхонага олиб бораётган қассобдай ёвузлик билан судраб кетди".

Бу шум хабарни нотаниш бир одамдан эшитганида Парвардигор Кришна аввалига худди оддий одамлардай қаттиқ саросимага тушиб қолди. Унинг юзи бирданига ғамгин тус олиб, ҳасрат чекиб йиғлай бошлади: "Қандай қилиб бундай бўлиши мумкин? Ахир акам Парвардигор Балорам шу ерда эди-ку! Ахир акам Балорамга ҳеч

ким тенг кела олмайди-ку! У Дварака учун жавоб беради, биламанки, У ҳеч қачон зийраклигини йўқотмай Дваракани химоя қилади. Қандай қилиб Шалва шаҳарга кириб, отамни асир олиши мумкин? Шалва қанчалик қудратли бўлмасин, барибир унинг кучи, қудрати чекланган, шундай экан, қандай қилиб у Парвардигор Балорамни мағлуб қилиб, бу одам айтгандай отамни асир олиб кетиши мумкин? Эҳ аттанг! Такдирнинг тақозоси қанчалик бешафқат!"

Парвардигор Кришна шундай ўйларга берилиб турар экан, Унинг олдида худди Кришнанинг отаси Васудевага ўхшайдиган одамнинг қўлидан ушлаганча Шалва пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси Шалванинг сеҳр қудрати яратган сохта, сароб кўринишлар эди.

Шалва Кришнага шундай мурожаат қилди: "Ҳой, қаллоб Кришна! Бу ёққа қара! Мана Сенга ҳаёт бағишлаган отанг, Сен унинг марҳамати билан бу дунёда тирик юрибсан. Энди ана шу отангни қандай ўлдиришимга қараб тур! Агар Сенда қандайдир куч бўлса, уни менинг қўлимдан қутқариб қолишга уриниб кўр-чи!" Парвардигор Кришнага шундай гапларни айтиб, кучли сеҳр қудратига эга бўлган Шалва бир зумда сохта Васудеванинг бошини танасидан жудо қилиб ташлади. Шу заҳотиёқ у ўлик танани олди-да ўзининг ҳаво кемасига кўтарилди. Парвардигор Кришна ўзига тўла-бутун бўлган Худонинг Олий Шахси, лекин шунга қарамай У ҳозир оддий одам ролини ўйнаётгани туфайли, худди ҳақиқатан ҳам отасидан айрилган одамдай анча вақтгача қаттиқ тушқунликка тушиб қолди. Лекин орадан сал вақт ўтмай, отасининг асирга олиниши ва ўлдирилиши аслида Шалванинг иблис Майядан ўрганган сеҳр қудратининг намоён этган алдовлари эканини тушуниб етди. Соғлом фикр юрита олиш ҳолатига келиб, ён-атрофига қараб У на бу шум хабарни олиб келган одамни, на отасининг калласини топа олмади, Шалва эса ҳаво кемасига чиқиб кўздан ғойиб бўлган эди. Шунда У Шалвани қандай ўлдириш ҳақида ўйлай бошлади.

Кришнанинг ўзини бундай тутиши борасида буюк мўътабар зотлар ҳалигача ўзаро баҳс-мунозара қиладилар. Қандай қилиб Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна бундай алданиб қолиши мумкин? Қайғу, алам ва адашиш аслида шартланган рухларга хос бўлган хусусият, лекин бундай туйғулар қандай қилиб Худонинг Олий Шахсига, мукамал илм, чексиз қудрат ва барча комил фазилатлар соҳиби бўлган Парвардигор Кришнага таъсир қилиши мумкин? Ҳақиқатан ҳам Парвардигор Кришнани Шалва ўзининг сеҳр қудрати ёрдамида алдай олиши умуман мумкин эмас эди. Парвардигор Кришна шунчаки оддий инсон ролини ўйнаб, ўзининг илоҳий эрмакларини намоиш этган эди. Ҳаётини Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган ва шу тариқа ўзликни англашнинг

энг юқори поғонасига кўтарилган буюк авлиё зотлар ва донишмандлар ҳаёт ҳақида моддий тана нуқтаи-назаридан қараладиган моддий тасаввурга эга бўлиш сабабли келиб чиқадиган адашишлардан устун турадилар. Парвардигор Кришна - ана шундай авлиё зотлар ҳаётининг охирги мақсади. Шундай экан қандай қилиб Шалва ўзининг сеҳр кудрати билан Парвардигор Кришнани алдаши мумкин? Гап шундаки, Парвардигор Кришнанинг бу ерда ўзини алданган қилиб кўрсатиши - Унинг алоҳида ғайритабиий хусусиятга эга бўлган олий Шахс эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзининг сеҳр кудрати ёрдамида кўрсатган кароматлари Кришнани ростдан ҳам алдаб қўйди деган қарорга келган Шалва бундан жуда илоҳмланиб кетди ва бетиним пайконлар йўллаб Парвардигор Кришнага қарши қақшатқич жангга киришди. Аммо Шалванинг бундай шижоатини худди оловга шиддат билан талпинаётган парвоналарнинг шижоатига ўхшатиш мумкин. Парвардигор Кришна мислсиз кудрат билан пайконлар йўллаб Шалвани оғир ярадор қилди, унинг қўлидаги қуроллари, камони ва бошидаги қимматбаҳо тошлар билан безатилган тожи парча-парча бўлиб кетди. Кришнанинг гурзи билан туширган қаттиқ зарбасидан унинг ҳаво кемаси чил-парчин бўлиб, денгизга кулаб тушди. Шалва Ҳаво кемаси билан бирга сувга тушиб кетмади, у эпчиллик қилиб ерга сакраб қолди. Кейин у яна Парвардигор Кришнага ташланди. Кришнага гурзи билан зарба тушириш ниятида Шалва шиддат билан Унга яқинлашаётганида, Кришна унинг қўлини чопиб ташлади, гурзи билан бирга унинг қўли ерга тушди. Ниҳоят, уни биратўла ўлдиришга қарор қилиб Кришна ўзининг худди қиёмат-қойим бўлганда чарақлаб чиқадиган қуёшдай порлаб турган халқасини қўлига олди. Қўлига халқасини олиб, Шалвани ўлдиришга ҳозирланганида Кришна худди тоғ ортидан кўтарилаётган қизғиш қуёшни эслатарди. Кришна Шалванинг бошини танасидан шартта узиб ташлади, унинг калласи ва ярқираган сирғалари билан бирга ерга думалаб тушди. Худди осмон шоҳи Индра ўлдирган Вритрасурага ўхшаб Шалванинг боши ҳам танасидан жудо бўлиб ётар эди.

Шалванинг ҳалок бўлганини кўриб унинг тирик қолган ҳамтовоқлари ва жангчилари йиғлаб бошладилар: "Эҳ аттанг! Э-воҳ!" Шалванинг одамлари аза тутиб кўз ёши тўкар экан, фаришталар самодан гуллар ёмғирини ёғдириб Кришнани ғалаба билан олқишлаб, барабан, сур ва шоҳларини чалиб юбордилар. Айнан шу пайтда Шишупаланинг ўлими учун қасос олиш ниятида бу ерда Шишупаланинг Дантавакра сингари дўстлари ҳам пайдо бўлдилар. Кришнанинг олдида пайдо бўлган Дантавакранинг ғазаби қайнаб, кўзларидан яшиндай ўт чакнаб турарди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Шалванинг озодликка чиқиши" деб аталадиган етмиш ол-

тинчи бобида Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.

77. Дантавакра, Видуратха ва Рома-харшананинг ҳалокати.

Шисшупала, Шалва ва Паундралар ҳалок бўлгандан кейин, Дантавакра деган яна бир нодон шоҳ ўзининг дўсти бўлган Шалва учун қасос олиш ниятида Кришнани ўлдирмоқчи бўлди. У дўсти учун қасос олишга шунчалик шошилар эдики, ҳатто етарлича қуролланиб олмасдан, жанг аравасиз, қурол-аслаҳасиз жанг майдонида пайдо бўлди. Унинг ягона қуроли авжига чиқиб турган ғазаби эди, холос. Унинг қўлида фақат гурзи бўлиб, унинг ўзи шу қадар қудратли эдики, ер узра кадам ташлаб бораётганида ернинг ларзага келаётганини атрофдагилар яққол ҳис қилиб турардилар. Дантавакранинг бундай жангвор кайфиятда ўзига яқинлашаётганини кўриб, Парвардигор Кришна шу заҳотиёқ жанг аравасидан тушди, чунки адолатли жанг қоидаларига биноан фақат бир-бирига тенг жангчилар ўзаро жанг қилишлари мумкин эди. Дантавакра битта ўзи ва фақат гурзи билан қуролланиб олганини кўриб, Парвардигор Кришна ҳам ана шундай кўринишда, фақат гурзисини олиб унинг олдида пайдо бўлди. Кришнани кўриб, худди океандаги катта тўлқинлар кирғоққа келиб тўхтаб қолгани сингари, Дантавакра бирданига тўхтаб қолди.

Каруши шоҳи Дантавакра оёқларини кенг қўйиб, қўлларига гурзисини маҳкам ушлаб олганча Парвардигор Кришнага шундай деди: "О Кришна, иккимиз юзма-юз учрашиб турганимиз қандай қувончли ҳодиса, қандай бахтли тасодиф! Азизим Кришна, оқибат-натижада Сен - менинг мангу қариндошимсан, шу боис мен Сени ўлдирмаслигим керак эди, лекин бахтга қарши, менинг яқин дўстим Шалвани ўлдириб Сен катта хатога йўл қўйдинг. Бунинг устига мен биламанки, Сен менинг дўстимнигина ўлдириб қолмасдан, менинг ўзимни ҳам ўлдиришни истайсан. Шундай ниятинг учун мен гурзим билан Сенинг жонингни олиб, ўзим Сени ўлдиришим керак. Ҳой Кришна, гарчи Сен менга қариндош бўлсанг ҳам, айтиб қўяй - Сен ғирт аҳмоқсан. Сен бизларнинг ашаддий душманимизсан, шу боис худди ўтқир пичоқ билан танадаги ярани кесиб ташлаганлари сингари, мен ҳам бугун Сени ўлдиришим керак. Мен яқин дўстларим олдида ҳамини қарздорман, шунинг учун дўстим Шалва учун Сендан қасос олишни ўзимнинг бурчим деб биламан. Фақат Сени ўлдириш билан мен унинг олдидаги бурчимни адо этган бўламан".

Худди филбон санқчи санчиб, филни бошқаришга урингани сингари, Дантавакра ҳам олдиниға фақат ўзининг аччиқ гаплари билан

Кришнани ўзига бўйсундириб олмоқчи бўлди. Кришнани шундай сўзлар билан ҳақоратлаб бўлиб, у худди арслондай наъра тортиб, ўзининг гурзиси билан Кришнанинг бошига бир зарба туширди. Дантавакранинг қудратли зарбаси дастидан Кришна ҳатто ўрнидан ҳам жилмади, ҳеч қандай оғриқ ҳам сезмади. Қўлига Каумадаки деган гурзисини олиб, уни ҳавода мохирлик билан айлантириб, Дантавакранинг кўксига битта зарба берди, бу зарбадан Дантавакранинг юраги икки бўлиниб кетди. Дантавакранинг оғзидан тинмай қон кела бошлади, унинг сочлари тўзиб кетди, у қўл-оёқларини узатганча ерга узала кулаб тушди. Орадан бир-икки дақиқа ўтгандан кейин бу дунёда Дантавакрадан қолган нарса ерда узала тушиб ётган ўлик тана бўлди, холос. Худди Шишупалага ўхшаб, Дантавакра ўлгандан кейин, шу ерда турган одамларнинг кўзи олдида, иблисининг танасидан порлаб турган рухий заррача учиб чиқиб, ҳайратли равишда Кришнанинг танасига кириб кетди.

Дантавакранинг Видуратха деган укаси бор бўлиб, у акасининг ўлимидан қаттиқ хафа бўлди. Ғазаб ва аламдан оғир-оғир нафас олганча У қўлларига қилич ва қалқон ушлаганча акаси учун қасос олиш ниятида Кришнанинг олдида пайдо бўлди. Кришна Видуратха қандай қилиб бўлса ҳам, қилич билан Унга ташланишга ҳаракат қилаётганини кўриб, Ўзининг устарадай ўтқир, қуёшдай ярқираган Сударшана-чакра халқасини қўлига олдида, бир пасда Видуратханинг сирға ва олтин тож билан безанган бошини танасидан жудо қилди.

Шундай қилиб, Шалвани ўлдириб, унинг ғайритабиий ғаройиб ҳаво кемасини яқсон қилгандан кейин Дантавакра ва Видуратхани ҳам ўлдириб, Кришна ниҳоят Ўзининг пойтахти Дваракага кириб келди. Бу буюк қаҳрамонларни ўлдириш Парвардигор Кришнадан бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмас эди, шу боис жаннат сайёраларидан келиб осмонда турганча жангни томоша қилиб турган фаришталар ва ердаги оддий одамлар тинмай Кришнани олқишлар эдилар. Буюк донишмандлар ва риёзатчи авлиё зотлар, Сиддха ва Гандхарвалока сайёраларининг аҳолиси, видъадхара, васуки, маханагалар сингари тирик мавжудотлар, ажойиб парилар, Питрилокада яшайдиган зотлар, йакшалар, киннарлар ва чараналар ҳаммаси Кришна устига самодан гуллар ёмғирини ёғдириб, Унинг ғалабасидан хурсанд бўлиб, Уни олқишлаб қўшиқ куйлай бошладилар. Шаҳарни тантанавор кўринишда безаб, Дварака аҳолиси катта байрам уюштирдилар, Парвардигор Кришна шаҳар бўйлаб ўтиб бораётганида Вришни сулоласининг барча аъзолари ва Йадулар сулоласининг барча қаҳрамонлари чуқур ҳурмат-эҳтиром билан Унга эргашдилар. Бутун борлиқнинг эгаси, барча сеҳр қудратининг ҳукмдори бўлган Парвардигор Кришнанинг илоҳий эрмақларидан баъзилари шулар эди. Ҳайвонсифат ғофил нодон одамлар

баъзан ҳали вақти келиб Кришна ҳам мағлуб бўлади, деб ўйлайдилар, аслида эса У - Худонинг Олий Шаҳси, Уни ҳеч ким ҳеч қачон мағлуб қила олмайди. У ҳамшиша ҳамманинг устидан ғалаба қозонади. У - ягона Парвардигор, қолган ҳамма тирик мавжудотлар - Унинг амрини бажарувчи итоаткор хизматкорлардир.

Кунларнинг бирида Парвардигор Балорам Курулар сулоласининг бир-бирига рақиб бўлган икки тармоғининг, биттаси - Дурёдхон бошчилигидаги, иккинчиси - Пандузодалар бошлиқ қўшинлари ўртасида жанг бўлиб ўтиши ҳақида эшитиб қолди. У эса мана шу жангни тўхтатиш учун улар орасида воситачи бўлиши керак экани Унга ёқмади. Жангчи сифатида бирор томонда туриб жасорат билан жанг қилмай туриш Унинг учун жуда оғир эди, шу боис у муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилгани кетиш баҳонаси билан жанг бошланиши олдида Дваракадан чиқиб кетди. Энг аввало У Прабхасакшетра деган муқаддас саждагоҳни зиёрат қилди. У бу ерга келиб, муқаддас сувда чўмилиб поклангандан кейин, ведавий қонунларга асосланган урф-одатга кўра шу ерлик браҳманларни мамнун қилди, фаришталарга, питаларга, буюк донишмандларга ва оддий одамларга хайр-эҳсонлар улашди. Ведавий муқаддас китобларда ёзилган қоидаларга кўра муқаддас саждагоҳларни шу тартибда зиёрат қилиш керак. Шундан сўнг мўътабар браҳманлар ҳамроҳлигида У Сарасвати дарёси бўйидаги барча муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилишга аҳд қилди. У бирин-кетин Притхудака, Биндусара, Тритакупа, Сударшанатиртха, Вишалатиртха, Браҳматиртха ва Чакратиртха деган муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилди. Бундан ташқари У шарққа қараб оқадиган Сарасвати бўйидаги барча муқаддас саждагоҳларни ҳам зиёрат қилди. Кейин у Ганга ва Йамуна дарёси қирғоғи бўйидаги барча эътиборли муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиб чиқди. Шу тарзда У Нимишаранья деб аталадиган муқаддас саждагоҳга яқинлашди.

Ҳиндистонда бу муқаддас саждагоҳ ҳозир ҳам бор, бу муқаддас саждагоҳнинг алоҳида фазилати шундан иборатки, қадимда буюк донишмандлар, авлиё зотлар рухий ҳаётнинг мазмунини, рухий ўзликни англаш илмининг мазмун-моҳиятини тушуниб олиш учун айнан мана шу жойда тўпланганлар. Парвардигор Балорам бу ерга келганида шу ерга тўпланган кўплаган илоҳиёт одамлари катта қурбонлик маросими ўтказаётган эдилар. Бу қурбонлик маросими минг йил давом этиши мўлжалланган эди. Парвардигор Балорам келганида мажлисининг барча қатнашчилари - буюк донишмандлар, риёзатчилар, браҳманлар ва билимдон олимлар - дарров ўринларидан туриб, эҳтиром билан Уни қарши олдилар. Бировлар Унинг олдида бош эгиб сажда қилдилар, ёши улуғ буюк донишмандлар эса ўринларидан туриб Уни дуои-фотиҳа қилдилар. Кутиб олиш удумлари тамом бўлгандан кейин

Парвардигор Балорамга муносиб ўриндиқ таклиф қилдилар ва қурбонлик маросимида иштирок этаётганларнинг ҳар бири Унга алоҳида эҳтиром кўрсата бошлади. Парвардигор Балорам - Худонинг Олий Шахси эканини билгани учун мажлис иштирокчилари чуқур эҳтиром билан ўринларидан туриб Уни қарши олган эдилар. Инсоннинг илмлилиги ёки билимдонлиги унинг Худонинг Олий Шахсини таниши билан белгиланади; гарчи Парвардигор Балорам ер юзига кшатрий кифасида келган бўлса ҳам, бу ерда иштирок этаётган брахманлар ва буюк донишмандлар Уни ўринларидан туриб қарши олдилар, чунки улар Парвардигор Балорам аслида ким эканини яхши билардилар.

Бу ерда тўпланганларнинг Ўзига нисбатан кўрсатган ҳурмат-эҳтиромини қабул қилиб Ўзига кўрсатилган жойга ўтирганидан кейин, бахтга қарши Парвардигор Балорам Вйасадеванинг шогирди бўлмиш Ромахаршананинг ўрнидан турмасдан, аввалгидай ўзи ўтирган вйасасанада қўзғалмасдан ўтираверганини сезиб қолди. У ўрнидан туриб Парвардигор Балорамга муносиб эҳтиром кўрсатмаган эди. Ромахаршана шу қадар аҳмоқ эдики, ҳозир вйасасанада ўтиргани учун ўзини Парвардигор Балорамдан ҳам устун деб ўйлаган эди; шу боис у ўрнидан туриб Парвардигор Балорам олдидан бош эгмаган эди. Шунда Балорамнинг эсига Ромахаршананинг ҳаёти тарихи тушди. У аслида *сута*, яъни ҳар хил табақага оид одамлар никоҳидан барпо бўлган оилада туғилган эди. Унинг онаси брахманлар табақасидан, отаси эса - кшатрийлар табақасидан эди. Шунинг учун, гарчи Ромахаршана Парвардигор Балорамни кшатрий деб билса ҳам, ўтирган ўрнида ўтиравермаслиги керак эди. Парвардигор Балорам "Ромахаршана туғилиши бўйича вйасасанада ўтириши мумкин эмас" деб ҳисоблади, чунки бу ерда бошқа билимдон брахманлар ва буюк донишмандлар бор эди. Парвардигор Балорам Ромахаршана ўзининг жойини муносиб брахманларга бўшатиб бериш у ёқда турсин, ҳатто Ўзи мажлисга кириб келганида ҳатто ҳурмат юзасидан ўрнидан ҳам турмаганини билди. Ромахаршананинг ўзини бундай тутиши Парвардигор Балорамга ёқмади, У бундан қаттиқ ғазабланди.

Худонинг содиқ хизматкори мажлисда вйасасанада ўтириб маъруза қилаётган бўлса, одатда мажлисга кирган бирор одамни кутиб олиш учун ўрнидан туриши керак эмас, лекин бу ердаги ходиса одатдагидай ҳол эмасди, чунки Парвардигор Балорам оддий инсонлардан эмасди. Шу боис, гарчи мажлисдаги барча брахманлар уни вйасасанада ўтиришга лойиқ деб сайлаган бўлсалар ҳам, у мажлисдаги барча брахман ва буюк донишмандлардан ўрناق олиб ўрнидан туриши, бунинг устига Парвардигор Балорам аслида Худонинг Олий Шахси эканини билиши лозим эди. Ҳар қандай вазиятда ҳам Унга албатта ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш керак, оддий одамлар-

га нисбатан Ромахаршананинг бу иши албатта гуноҳ ҳисобланмаган бўларди. Парвардигор Кришна ва Балорам ер юзига асосан ҳақиқий дин қонунларини ўрнатиш учун келган. "Бхагавад-гита"да айтилганидай, Худонинг энг олий қонуни - инсон ўз ихтиёрини Худога бутунлай топшириши лозим. "Шримад Бхагаватам"да ҳам айтилганки, ҳақиқий диннинг энг юксак поғонаси Худога садоқат билан хизмат қилишдан иборат.

Парвардигор Балорам Ромахаршана барча ведаларни ўрганганига қарамай, ҳақиқий диннинг энг юксак қоидасини, якуний мақсадини тушуниб етмаганини кўргандан сўнг, албатта бунга чидаб, бефарқ қараб тура олмасди. Ромахаршана Сутага комил брахман бўлиб етишишга имкон берилган эди, аммо Худонинг Олий Шахсига нисбатан кўрсатган аҳмоқона муносабати сабабли, дарров унга аслида у ким эканини эсла-тиб қўйдилар. Ромахаршана Сутага брахман мартабаси берилган, лекин унинг ўзи брахман оила-сида туғилмаган эди. У *пратилома* бўлиб туғилган эди. Ведавий муқаддас китобларда икки турли никоҳ, ана шундай никоҳлар натижа-сида дунёга келган фарзандлар кўрсатиб ўтилган. Улар *пратилома* ва *анулома* деб аталардилар. Эркак киши ўзидан паст табақадаги аёлга уйланганида, унинг фарзандларини *анулома* деб атайдилар, эркак киши ўзидан юқори табақага мансуб аёлга уйланиши натижасида дунёга келган фарзандлар эса - *пратилома* деб аталади. Ромахаршана *пратилома* тоифасига мансуб одам эди, чунки унинг отаси кшатрий, онаси эса брахманлар тоифасига мансуб эди. Ромахаршананинг илоҳий онги мукаммал ҳолатга эришмагани сабабли Парвардигор Балорам унинг туғилиш тарихини, у аслида пратилома эканини эслади. Ҳар қандай одам брахман мартабасига кўтарилиш имконига эга бўлиши мумкин, аммо агар у ҳақиқатан ҳам руҳий ўзлигини, Худо Шахсини англаб етмай, ўзининг брахман деган юксак мартабасини суистеъмол қилса, унинг шунчаки брахман деб аталишининг сарик чақалик қадри йўқ.

Ромахаршана Сутанинг онги ҳали ҳақиқий брахман даражасига етмаганини кўриб, Парвардигор Балорам унинг бунчалик мағрурлиги учун жазолашга қарор қилди. Шунинг учун Парвардигор Балорам шундай деди: "Бу инсон ўлим жазосига маҳкум бўлиши керак, чунки у Парвардигор Вйасадеванинг шогирди бўла туриб, ана шундай улуғвор Зот ёрдами билан барча ведавий муқаддас китобларни ўрганган бўлишига қарамай, Худонинг Олий Шахси ёнида у манманлик билан ўзини жуда мағрур тутяпти". "Бхагавад-гита"да айтилганидай, ҳақиқатан ҳам брахман даражасига кўтарилган олган ва ўзининг илми, билимдонлиги билан бошқалардан устун турадиган киши албатта итоаткор бўлиши, ўзини камтар тутиши лозим. Ромахаршана Сута эса, гарчи жуда билимдон бўлса ҳам, ҳақиқий

брахман бўлиш имконига эга бўлса ҳам, унда итоаткорлик, камтарлик фазилатлари йўқ эди. Бундан шундай хулоса чиқариб олишимиз мумкинки, инсон ўзининг моддий бойлиги(обрўси, гўзаллиги, илми ва ҳоказо...) билан мағрурланиб кетган бўлса, у ҳақиқий брахманларга хос бўлган итоаткорлик, камтарлик фазилатига эга бўла олмади. Ундай мағрур одамнинг илми ҳам илоннинг бошини безаб турган қимматбаҳо гавхарчалик, сариқ чақага қиммат бўлади. Бошида шундай қимматбаҳо гавхар бўлишига қарамай, илон илонлигича, яъни у ҳам худди бошқа илонлардай захарлилигича қолаверади. Агар инсон итоаткор ва камтар бўлишни ўзига одат қилиб олмаса, унинг Ведалар ва Пураналарни ўргангани, барча муқаддас китобларни билгани - худди саҳнадаги артистнинг устидаги костюм сингари кераксиз мато бўлиб қолаверади. Парвардигор шундай мулоҳаза юритди: "Мен бу оламга самимий бўлмаган, қалби нопок, лекин ўзларини одамларга жуда илмли ва такводор қилиб кўрсатадиган иккиюзламачи одамларни жазолаш учун келганман. Мен ундай одамларни бундай гуноҳ ишларни давом эттиришига чек қўйиш учун албатта ўлдиришим керак".

Парвардигор Балорам Курукшетрадаги жангда иштирок этмади, лекин барибир ҳақиқий дин қонунларини қайта-тиклаш Унинг бу дунёдаги асосий вазифаси бўлиб қолаверарди. Ҳар томонлама чуқур ўйланиб кўриб, Парвардигор Балорам қуриган куша майсаси билан бир туртиб Ромахаршана Сутани ўлдирди. Қандай қилиб Парвардигор Балорама шунчаки қуриган куша майсаси билан туртиб Ромахаршанани ўлдириши мумкин, деган савол туғилса, бунга "Шримад Бхагаватам" Парвардигор Балорамни *прабху*, яъни "ҳукмдор" деб таърифлаш билан жавоб беради. Парвардигор ҳамиша илоҳий ҳолатда бўлади, ҳар нарсага қодир бўлгани сабабли У Ўзи истаган йўл билан ҳаракат қилишга қодир, яъни моддий табиатнинг қонун-қоидаларига мутлақо эътибор бермаган ҳолда Ўзи истаган ишни амалга ошира олади. Шу боис шунчаки куша майсасининг чўпи билан туртиб ҳам Ромахаршана Сутани ўлдириш Унинг учун ҳеч қандай муаммо эмасди.

Ромахаршана Сутанинг ўлими мажлис иштирокчиларини қаттиқ қайғуга солди, ҳар ер ҳар ердан йиғи-сиғи, оҳ-воҳ овозлари эшитилиб турарди. Гарчи бу ердагиларнинг ҳаммаси Парвардигор Балорам - Худонинг Олий Шахси эканини яхши билсалар ҳам, улар ҳеч иккиланмасдан Парвардигорнинг бу ишини қоралаб, камтарин ҳолда Унга шундай мурожаат қилдилар: "Эй азиз Парвардигор, ўйлаймизки бу ишинг Худонинг қонунларига, ҳақиқий дин қонунларига тўғри келмайди. Эй Парвардигор Ядунандана, Сенга шуни айтишимиз лозимки, то қурбонлик маросими тамом бўлгунча буюк мартабага эга бўлиб вйасасанада ўтиришни Ромахаршанадан биз брахманлар илтимос қилган эдик. Уни ўзларимиз сайлаб, вйасасанада ўтиришига ўзимиз рухсат

берган эдик, вйасасанада ўтирган одам эса, меҳмонни кутиб олиш учун ўрнидан туриши шарт эмас. Бунинг устига бизларнинг ҳаммамиз Ромахаршана Сутани "умринг тинч-осойишта бўлсин" деб дуо қилган эдик. Эй Олий Зот, ана шуларнинг ҳаммасидан беҳабар бўлган ҳолда уни ўлдирганинг сабабли, Сенинг бу ишинг "брахманни ўлдириш" кўринишидаги гуноҳ ҳисобланади. Эй азиз Худойим, эй барча адашган зотларни қутқарувчи Зот, ишончимиз комилки, Сен барча ведавий қонун-қоидаларни мукамал биласан. Сен - барча сеҳр қудратларининг ҳукмдорисан; шу боис одатда ведавий қонун-қоидалар Сенга тааллуқли эмас. Лекин бизлар Сендан бошқаларга нисбатан Ўз марҳаматингни дариг тутмаслигингни илтимос қиламиз, шу боис Сен марҳамат қилиб Ромахаршана Сутани ўлдирганинг учун муносиб жазо олишинг керак. Бизлар бу қотиллик гуноҳини қандай ювишинг лозимлигини аниқ айтмаймиз; лекин, бошқалар Сендан ўрнак олиши учун Сен ўзингга бирор жазо тайинлашингни таклиф қиламиз. Буюк зотлар нимаики иш қилсалар, оддий одамлар ундан ўрнак оладилар".

Парвардигор шундай деди: "Ҳа, Мен Ўз мартабама лойиқ бўлган, лекин бошқалар ҳеч қачон бундай қилмаслиги лозим бўлган бу гуноҳимни албатта ювишим керак. Шунинг учун Мен ўйлайманки, бу гуноҳим учун Мен ҳақиқий муқаддас китобларда кўрсатилган жазони олишим керак. Айни пайтда мен Ромахаршана Сутага янгидан ҳаёт бағишлаб, куч-қудратга тўла ва ҳиссиётини жиловлаб яшайдиган узоқ умр ато этишим мумкин. Бунинг устига агар сизлар истаганлар, Мен унга сизлар истаган ҳамма нарсани ато этишим мумкин. Сизларнинг истагингизни амалга оширишдан Мен жуда хурсанд бўламан".

Парвардигор Балорамнинг бу гаплари шуни аниқ тасдиқлайдики, Худонинг Олий Шахси Ўзи истаган ишни бемалол қила олади. Гарчи У Ромахаршана Сутани ўлдирмаслиги керак эди, деб ҳисоблаш мумкин бўлса ҳам, Парвардигор шундай қилдики, охир-оқибатда Унинг ишидан ҳамма мамнун бўлди. Шунинг учун Худонинг Олий Шахсининг қилган ишларига тақлид қилмасдан, фақат Унинг кўрсатмаларига риоя қилиб яшаш лозим. Шу ерда иштирок этаётган билимдон донишмандларнинг ҳаммаси тушуниб олдиларки, гарчи улар Парвардигор Балорамнинг қилган ишини нотўғри деб ҳисоблаган бўлсалар ҳам, Парвардигор етказган зарарини ҳамма мамнун бўладиган даражада қайтара олади. Ўзининг бурчини бажариш учун Ромахаршана Сутани ўлдирган Парвардигорнинг бу дунёга келишдан мақсадининг аҳамиятини камситмаган ҳолда, уларнинг ҳаммаси илтижо қила бошладилар: "Эй азиз Парвардигор, Сенинг куша майсасини Ромахаршана Сутани ўлдириш учун ғайритабиий мақсадда ишлатганинг оқибати шундайлигича қолаверсин; Сен уни ўлдиришни истаган эдинг, шу боис унга янгидан ҳаёт ато этишининг ҳожати

йўк. Аини пайтда шуни эсингдан чиқармаки, эй Олий Зот, биз брахманлар ва буюк донишмандлар унга узоқ умр тилаган эдик; уни бундан махрум қилмаслик керак". Брахманларнинг бу илтимоси бир-бирига қарама-қаршидай кўринар эди: бир вақтнинг ўзида улар Ромахаршана Сута курбонлик маросими тугаганча тирик қолиб тинч яшашини, бунинг устига Парвардигор Балорам уни ўлдирганини ўзгартирмасликни илтимос қилардилар.

Шунда Парвардигорнинг Ўзи бу муаммони Ўзига хос бўлган юксак поғонада ҳал қилди: "Ўғил фарзанд отанинг танасидан дунёга келгани учун Ведаларда "ўғил отанинг вакилидир" дейилган. Мен шундай қарорга келдим: Ромахаршананинг ўғли Уграшрава Сута отасининг ўрнини эгаллаши ва Пураналар мавзусида мажлисни давом эттириши керак. Сизлар Ромахаршана Сута узоқ умр кўришини тилаганингиз учун бу дуоларингиз унинг ўғлига ўтади. Унинг ўғли Уграшрава сизлар тилаган ҳамма нарсага - узоқ умрга, беиташвиш, тинч-хотиржам ҳаётга, сиҳат-саломатликка эга бўлиб, ҳиссиётини тўла жиловлаб яшайди".

Кейин Парвардигор Балорам бу ерга тўпланган брахман ва донишмандлардан илтимос қилиб, Ўзи Ромахаршананинг ўғлига берган дуоларидан бошқа Ундан яна бирор нарса тиллашларини сўради, У бу авлиё зотларнинг ҳар қандай истагини амалга оширишга ваъда берди. Кейин Парвардигор Ўзини оддий кшатрий ўрнига қўйиб, донишмандларга Ромахаршана Сутани ўлдиргани учун қандай жазо олишини билмаслигини, лекин улар таклиф қилган ҳар қандай жазони қабул қилишга тайёр эканини айтди.

Брахманлар Парвардигорнинг ниятини тундидилар, шу боис У Ўзининг бу гуноҳини уларга ҳам манфаат келтирадиган йўл билан ювишини таклиф этдилар: "Эй азиз Парвардигор, жаҳонда Бадвала деган иблис бор. У иблис Илваланинг ўғли бўлиб, жуда қудратли зот. У бу муқаддас саждагоҳга ҳар икки ҳафтада бир марта - тўлин ой кечаси ва ой кўринмайдиган тунда - келиб туради ва бизларнинг ўз бурчимизни бажаришимизга, курбонлик маросими ўтказишимизга жуда қаттиқ тўсқинлик қилиб халақит беради. Эй Дашархи сулоласининг авлоди, бизлар ҳаммамиз Сендан ана шу иблисни ўлдиришингни илтимос қиламиз. Ўйлаймизки, агар Сен марҳамат қилиб шу иблисни яқсон қилсанг, бу гуноҳингни ювган бўласан. Ўша иблис бу ерга келиб бизларга йиринг, қон, ахлат, сийдик ва ароқ сингари ҳар хил ҳаром, ифлос нарсаларни ирғитади. Балвалани ўлдириб, Сен ўн икки ой давомида муқаддас саждагоҳларни риёзат қилишни давом эттиришинг мумкин, шунда Сен ҳар қандай гуноҳлар оқибатидан бутунлай халос бўласан. Бизларнинг қўядиган шартимиз шундан иборат".

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Дантавакра, Видуратха ва Ромахаршананинг ҳалокати" деб аталадиган етмиш еттинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

78. Балваланинг озодликка чиқиши ва Парвардигор Балорамнинг муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиши.

Парвардигор Балорам иблис Балвалани кутиб олишга ҳозирлик кўра бошлади. Иблиснинг одатдагидай муқаддас саждагоҳга ҳужум қилиш вақти яқинлаша бошлаганда қаттиқ жала қуя бошлади, бутун осмонни чанг-тўзон қоплаб олди, ҳавони сассиқ қўланса ҳид тутиб кетди. Шундан кейин иблис Балвали дарров курбонлик майдончасига ахлат, сийдик ва бошқа ҳаром нарсаларни қуя бошлади. Кейин қўлига катта санчқисини ушлаб иблиснинг ўзи пайдо бўлди. Унинг бўйи жуда баланд бўлиб, қоп-қора танаси катта кўмир уюмини эслатарди. Унинг сочлари мисдай кип-қизил эди, шу рангдаги мўйлов ва соқоллари унинг оғзини яна ҳам қўрқинчлироқ қилиб кўрсатарди. Иблисни кўриб, Парвардигор Балорам унга ҳамла қилишга тайёрланди. Аввал У бу иблисни қандай ўлдиришни ўйлаб олди, кейин кунда билан гурзисини олдига чақирди. Иблис Балвала осмонда учиб юрарди, Парвардигор Балорам биринчи имкон бўлган заҳоти кундаси билан уни ерга тортиб олди ва ғазабланиб, гурзиси билан унинг бошига бир зарба туширди. Балорамнинг зарбасидан иблиснинг пешонаси ёрилиб, ундан қон отилиб чиқа бошлади, иблис қаттиқ чинқириб юборди. Кейин, такводор брахманларга катта ташвиш келтириб юрган бу баҳайбат иблис ерга кулади. У худди яшин уриб ерга кулаган, учи қизарган катта тоғ қоясини эслатарди.

Наимишаранья аҳолиси, буюк донишмандлар ва брахманлар уни кўриб ҳайратга тушдилар ва чуқур эҳтиром билан Парвардигор Балорамга илтижо қила бошладилар. Улар Уни ҳар хил сямимий дуоларга кўмиб ташладилар, Парвардигор Балорам қандай ишни ният қилса ҳам, албатта ниятига эриша олишига уларнинг ишончи комил эди. Худди фаришталар бирор иблис билан бўлган жангда ғолиб чиққан Индрани чўмилтирганлари сингари, донишманд ва брахманлар Парвардигор Балорамни чўмилтириш маросимини ўтказдилар. Брахманлар ва буюк донишмандлар Парвардигор Балорамга чуқур ҳурмат-иззат кўрсатиб, Унга ҳар хил янги либослар ва тақинчоқлар таклиф қилдилар, иблис устидан қозонган ғалабаси шарафига эса - барча гўзалликлар тимсоли бўлган нилуфар гулидан ясалган, ҳеч қачон сўлмайдиган, ҳаммиша мавжуд бўлиб тураверадиган гулчамбар ҳада қилдилар.

Бўлиб ўтган бу воқеалардан кейин Парвардигор Балорам Наимишараньяда тўпланган

брахманлардан кетишга рухсат сўради ва бошқа брахманлар ҳамроҳлигида Каушика дарёси соҳилига йўл олди. Ана шу муқаддас саждагоҳда ювиниб покланиб, йўлида давом этиб, У Сарайа дарёсига йўл олди ва унинг бошланиш жойларини зиёрат қилди. У ана шу дарё бўйлаб йўл юриб, ниҳоят Прайаг шахрига, уч муқаддас дарё - Ганга, Йамуна ва Сарасвати кўшиладиган жойга етиб келди. Бу ерда ҳам у мунтазам равишда ювиниб покланди, шу ердаги эҳромларга бориб Худога сиғинди, муқаддас китобларда кўрсатилганидай ўтган авлодларига ва донишмандларга хайр-эҳсонлар қилди. Кейин йўлида давом этиб, У донишманд Пулаха ашрамига етиб келди, бу ердан эса Гомати дарёси соҳилида жойлашган Гандакага етиб келди. Кейин У Випаша дарёси сувларида ювиниб покланди. Кейин У Шона дарёси қирғоқларига етиб келди. Шона дарёси ҳозирги кунда ҳам Бихар вилоятидаги энг катта дарёлардан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳам Парвардигор Балорам сувда ювиниб покланиб, муқаддас китобларда кўрсатилган барча диний маросимларни ўтказди. У саёҳат қилишда давом этиб, ниҳоят зиёратчилар шахри бўлган Гайага етиб келди, бу ерда Парвардигор Вишнунинг машҳур эҳроми жойлашган. Отаси Васудеванинг маслаҳати билан Парвардигор Вишнунинг мана шу эҳромида ўтган ажодлари руҳига хайр-эҳсон қилди. Бу ердан У Ганга дарёси Бенгал бўғозига қўйиладиган жойга борди. Бу муқаддас саждагоҳ Гангасагара деб аталади. Худди Прайагда ҳар йили авлиё зотлар Магх Мела байрамига тўплангани сингари, бу ерда ҳам ҳалигача январ ойининг охирида жуда кўп авлиё зотлар ва такводор инсонлар тўпланадилар.

Гангасагарада ювиниб покланиб, барча удумларни амалга оширгандан кейин Парвардигор Балорам Махендра Парвата тоғига йўл олди. Шу ерда У Парвардигор Кришнанинг бу дунёда намоён бўлган яна бир киёфаси Парашурамани учратди, Унинг олдида сажда қилиб чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. Шундан сўнг Парвардигор Балорам йўлини жанубга ўзгартириб, Годавари дарёсига етиб келди. Бу ерда ҳам ювиниб покланиб, зарур бўлган маросимларни ўтказиб У бошқа муқаддас дарёлар - Вена, Пампа ва Бхимаратха дарёларини зиёрат қилди. Бхимаратха дарёси соҳилида Свами Карттикея деган илоҳий зот яшайди. Бу жойдан кейин У Махараштра вилоятининг авлиё зотлари макони бўлган Шаилапура шахрига етиб келди. Шаилапура - Махараштра вилоятининг энг катта шаҳарларидан бири. Кейин У Дравидадеша шахрига етиб келди. Жанубий Ҳиндистон беш қисмга бўлинади ва шу боис Панчадравида деб аталади. Ҳиндистоннинг шимолий қисми ҳам бешга бўлиниб, Панчагаура деб аталади. Замонамизнинг энг буюк ачарйалари - Шанкарачарйа, Рамануджачарйа, Мадхвачарйа, Вишнусвами ва Нимбарка Дравиданинг мана шу вилоятларида дунёга келган. Парварди-

гор Чайтанйа ҳам Бенгалияда, беш Гауадешнинг бир қисмида дунёга келган.

Жанубий Ҳиндистонда, яъни Дравидада энг машҳур муқаддас саждагоҳ Венкатачала ҳисобланади, одатда уни Баладжи деб атайдилар. Ана шу ерни зиёрат қилиб, Парвардигор Балорам Вишнуканчага, у ердан эса Кавери дарёси бўйларига йўл олди. Каверида ювиниб покланиб, У Рангакшетрага етиб борди. Рангакшетрада жаҳондаги энг катта эҳром жойлашган, бу эҳромда Парвардигор Вишнунинг муртисини Ранганатха деб атайдилар. Ана шу эҳромга ўхшаган эҳром, унчалик катта бўлмаса ҳам, Вриндаванда ҳам бор.

Вишнуканчага бораётиб, Парвардигор Балорам йўл-йўлакай Шиваканчага ҳам кириб ўтди. Рангакшетрадан У Матхурага йўл олди, одатда бу жойни жанубий Ҳиндистоннинг Матхураси деб атайдилар. Бу жойни зиёрат қилиб, У шошилмасдан Сетубандхага йўл олди. Сетубандха - Парвардигор Рамачандранинг Ҳиндистондан Шри Ланка(Цейлон)гача денгиз устига тошдан кўприк қурган жойи. Мана шу энг муқаддас саждагоҳда Парвардигор Балорам маҳаллий брахманларга ўн минг сигир садақа қилди. Ведавий урф-одатлар бўйича, бадавлат одам муқаддас саждагоҳга борганида шу ерлик брахманларга садақа бериши керак: отлар, сигирлар, кийим-кечак ва тақинчоқлар. Муқаддас саждагоҳларга зиёратга бориб туриш ва у ердаги брахман-руҳонийларнинг тирикчилигини таъминлаб туриш урф-одати ҳозир биз яшаётган Кали-юга даврида бутунлай йўқолиб кетяпти. Муқаддас китобларга ишонмагани сабабли ҳозирги имонсиз бадавлат даҳрий одамлар муқаддас саждагоҳларга бормаи қўйган, ана шундай бадавлат зиёратчилар орқали тирикчилик қилиши лозим бўлган брахманлар ҳам энди зиёратчиларга Худога сиғиниш маросимларини тўғри ўтказишда ёрдамлашишдан иборат бўлган ўз бурчларини тўла бажара олмайдиган ҳолга келиб қолганлар. Муқаддас саждагоҳларда яшайдиган ана шундай брахман-руҳонийларни пандалар, ёки пандитлар деб атайдилар. Бу шуни билдирадиги, улар энг аввало билимдон брахманлар бўлиши, зиёратчиларга бу ерга келиш билан боғлиқ бўлган мақсад ва шартларни батафсил тушунтиришлари лозим, шунда сиғиниш маросимларидан уларнинг ўзи ҳам, зиёратчилар ҳам бирдай руҳий манфаатдор бўладилар.

"Шримад Бхагаватам"да келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, Парвардигор Балорам муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилганида ведавий муқаддас китобларнинг барча кўрсатмаларига тўлиқ риоя қилиб юрган. Сетубандхада брахманларга сигирлар улашиб, Парвардигор Балорам Критамала ва Тамрапарни дарёларига йўл олди. Маълумки, бу дарёлар ҳам муқаддас дарёлар ҳисобланади, Парвардигор Балорам уларнинг иккисини ҳам зиёрат қилиб, уларда ювиниб покланган. Кейин У Малайя те-

палигини зиёрат қилди. Бу тепалик жуда баланд бўлиб, айтишларига қараганда фақат унинг етти чўккисидан биттаси Малайя деб аталаркан. Буюк донишманд Агастйя ўша даврда шу ерда истиқомат қиларди, Парвардигор Балорам уни зиёрат қилиб, сажда қилиб унга чуқур эҳтиром кўрсатди. Донишманднинг дуои-фотиҳасини олгандан кейин ундан рухсат олиб Парвардигор Балорам Ҳинд океани томонга йўл олди.

Океан бурнининг охирида фаришта Дурганинг катта эҳроми жойлашган, фариштани бу ерда Канйакумара деб атайдилар. Канйакумаранинг бу эҳромини бир замонларда Парвардигор Рамачандра ҳам зиёрат қилган эди. Бундан маълум бўладикки, бу эҳром миллион йиллар илгари ҳам мавжуд бўлган. Бу ердан чиқиб Парвардигор Балорам Ҳинд Океанининг қирғоғида жойлашган зиёратчилар шаҳри Пхалгуна-тиртхага йўл олди. Пхалгуна-тиртха шаҳри шуниси билан машҳурки, бу ерда Ўзининг Ананта киёфасида Парвардигор Вишну ястаниб ётади. Пхалгуна-тиртхадан Парвардигор Балорам Панчапсараса деган муқаддас саждагоҳга йўл олди. Бу ерда ҳам Балорам ювиниб покланиб, барча сиғиниш удумларини ўтказиб, зиёрат қилди. Панчапсараса - Парвардигор Вишнунинг муқаддас даргоҳи ҳисобланади; шу боис Парвардигор Балорам бу ерда ҳам брахманларга ўн минг сигир садақа қилди.

Коморин бурнидан Парвардигор Балорам Керала томонга бурилди. Жанубий Ҳиндистонда Керала вилояти ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, жанубий Керала деб аталади. Бу ердан У Гокарна-тиртхага йўл олди, бу ерда одамлар Тангри Шивага сажда қиладилар. Кейин Парвардигор Балорам ҳамма томонидан сув билан ўралган Арйидева эҳромини зиёрат қилди. Бу оролдан У Шурпарака деган муқаддас саждагоҳга йўл олди. Кейин У Тапа, Пайошна ва Нирвиндхйа дарёларида ювиниб покланди, кейин Дандакарания деган ўрмонда бироз вақт бўлди. Парвардигор Рамачандра сургунда бўлган даврида айнан мана шу ўрмонда яшаган эди. Парвардигор Балорам марказий Ҳиндистондаги энг катта дарё бўлган Нармада дарёсига етиб келди. Муқаддас Нармада дарёси қирғоғида Махишмата Пури деб аталадиган муқаддас саждагоҳ бор. Ведавий урф-одатларга кўра бу ердаги сувда ювиниб покландан кейин Парвардигор Балорам зиёрат қилишни бошлаган жойига - Прабхаса-тиртхага қайтиб келди.

Парвардигор Балорам Прабхасатиртхага қайтиб келганида У шу ердаги брахманлардан Курукшетрадаги жанг майдонида кшатрийларнинг кўпчилиги ҳалок бўлганини эшитди. Ер сайёрасини ташвишга солиб турган дард анча енгиллашганини эшитиб Парвардигор ҳам енгил тортди. Парвардигор Кришна ва Балорам бу дунёга ер юзидаги имонсиз шоҳ-кшатрийларнинг қўшин сонини камайтириш учун келган эдилар. Имонсиз материалистларнинг ҳаёти шундай

бўлади - улар ҳаёт учун зарур бўлган нарсалар билангина қаноатланиб қолмасдан, очкўзлиги сабабли нафсининг қурбони бўлиб ҳар хил кекраксиз нарсаларни яратадилар, лекин табиат қонунлари яъни Худонинг қонунлари очарчилик, уруш, касалликлар ва бошқа табиий офатлар кўринишида намоён бўлиб уларнинг манманлик билан бундай нарсаларни яратишига чек қўяди. Парвардигор Балорам гарчи кўпчилик жангчиларидан айрилган бўлишига қарамай Курулар ҳалигача урушни давом эттираётгани ҳақида эшитди. Шунинг учун У жанг майдонига йўл олди ва у ерга айнан Дурёдхон билан Бхимасена яккама-якка гурзи жангига киришмоқчи бўлиб турган кунни етиб келди. Уларнинг ҳар иккаласига ҳам омад тилаб, Парвардигор Балорам уларни жанг қилишдан тўхтатмоқчи бўлган эди, лекин улар Унга кулоқ солишмади.

Парвардигор Балорама жанг майдонига кириб келганида шоҳ Юдхиштхира, унинг укалари Накул, Сахадев, шунингдек Парвардигор Кришна билан Аржун Унга эҳтиром билан сажда қилдилар, лекин бошқа ҳеч нарса ҳақида гапирмадилар. Бунга сабаб шу эдики, Парвардигор Балорам Дурёдхонга боғланиб қолган, Дурёдхон Ундан гурзи жангини ўрганган эди. Шу боис, жанг давомида Парвардигор Балорам Дурёдхоннинг фойдасига бирор нарса айтмоқчи бўлса кекрак деб, улар Унга ҳеч нарса демаган эдилар. Дурёдхон ҳам, Бхимасена ҳам гурзи жангини ёқтирардилар; кўпчилик томошабинлар олдида улар худди рақс тушаётгандай жанг қилишар, бир-бирига зарба беришга зўр бериб уринар эдилар. Гарчи уларнинг жанги худди раққосларнинг рақсига ўхшаса ҳам, иккиси ҳам қаттиқ ғазабланиб тургани уларнинг юзларидан яққол кўриниб турарди. Парвардигор Балорам жангни тўхтатиш учун шундай деди: "Эй азиз шоҳ Дурёдхон ва Бхимасена, биламанки сизлар иккин-гиз ҳам жаҳонга машҳур буюк қаҳрамон бўлсанглар ҳам, менимча Бхимасенанинг кучи Дурёдхонникидан кўпроқ, Дурёдхон эса ундан гурзи ишлатиш бобида устунроққа ўхшайди. Шуни эътиборга олиб, айтишим мумкинки, сизларнинг бирортангиз ҳам ракибингиздан бўш келмайсиз, бу жангда бирортангиз ғалабага эриша олмайсизлар. Шунинг учун Мен сизлардан бекорга вақт кетказиб ўтирмасдан жангни тўхтатишни илтимос қиламан".

Парвардигор Балорам улар иккисининг ҳам манфаатини ўйлаб шундай деган эди. Лекин уларнинг бир-бирига нисбатан шу қадар нафрати кўзиган эдики, улар ҳозир фақат ўзларининг аввалги душманлиги ҳақида ўйлардилар. Уларнинг ҳар бири фақат ракибини ўлдириш ҳақида ўйларди, шу боис улар Парвардигор Балорамнинг гапларига кулоқ солмадилар. Бир-бирларига етказган ҳақоратларини, ўзаро муносабатларини эслаб уларнинг ҳар бири қаттиқ ғазабга минган эди. Уларнинг тақдири нима билан тугагини билган Парвардигор Балорам

уларнинг ишига яна ҳам чуқурроқ аралашшни истамди. Шунинг учун у бу ерда қолмасдан Дваракага қайтиб кетди.

У Даваракага қайтиб келганида, шоҳ Уграсена ва сулоланинг бошқа оқсоқоллари бошлик қариндошлари ва дўстлари Уни катта хурсандчилик билан қарши олдилар; Парвардигор Балорамни қарши олиш учун уларнинг ҳаммаси шаҳар ташқарисига чиқдилар. Шундан кейин У яна Наимишараня муқаддас саждагоҳига борди, бу ердаги донишмандлар, браҳманлар ва авлиё зотлар Уни ўринларидан туриб қарши олдилар. Улар Парвардигор Балорам гарчи Ўзи кшатрий бўлса ҳам, энди ҳарбий ишларни биратўла тарк этганини тушунган эдилар. Ҳамиша тинчлик ва осойишталик тарафдори бўлган браҳманлар ва буюк донишмандлар бундан жуда мамнун эдилар. Улар чуқур меҳр-муҳаббат билан Балорамни кучоқлаб бағирларига босиб, Уни мана шу муқаддас саждагоҳ Наимишараняда катта қурбонлик маросими ўтказишга кўндирдилар. Аслини олганда Парвардигор Балорам оддий одамлар учун мўлжалланган қурбонлик маросими ўтказиб юришининг ҳожати йўқ эди; У - Худонинг Олий Шаҳси, шунинг учун Унинг Ўзи ана шундай қурбонлик маросимлари маҳсулидан лаззатланадиган Зот ҳисобланади. У фақат оддий одамларга ўрнатилган кўрсатиш ниятида, ведавий муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида инсон ҳаётда қандай яшаши лозимлигини одамларга ўргатиш учун қурбонлик маросими ўтказди.

Худонинг Олий Шаҳси, Балорам қурбонлик маросими ўтказар экан, Наимишаранядаги буюк донишманд ва браҳманларга: бутун борлиқни қандай тушуниб қабул қилиш кераклиги, бутун борлиқ билан тирик мавжудотнинг ўзаро муносабати, тирик мавжудот баркамолликка қандай эришиши - бутун борлиқ Худонинг Олий Шаҳсида мужассам эканини тушуниши, Парвардигор Ўзининг Параматма кўринишида ҳамма жойга, ҳар бир атомга ҳам сингиб кетгани ва уни қамраб олгани ҳақида насиҳатлар қилди.

Парвардигор Балорам кейин қурбонлик маросими ўтказиб бўлгандан кейин одатга кўра *авабхритха* ювиниб-покланиш маросимини ўтказди. Покланиб У янги либосларини кийди, чиройли тақинчоқлар билан безанди. Қариндошлари ва дўстлари даврасида У худди осмондаги бошқа ёритгичлар орасидаги тўлин ойдай латофатли кўринарди. Парвардигор Балорам Худо Шаҳси Анантанинг Ўзи; шунинг учун У тана, ақл ва тафаккур сатҳидаги тасаввур ва тушунчалардан устун туради. У ер юзига оддий одам қиёфасида ташриф буюрди ва бу ерда Ўзи билган мақсадда ҳаракат қилиб яшади; биз Унинг ишларини фақат Парвардигорнинг Ўзига хос эрмаклари деб тушунтиришимиз мумкин. Ҳеч ким Унинг чексиз эрмакларини санаб адоғига ета олмайди, чунки У ҳар нарсага кодир бўлган қудратли Парвардигор. Парвардигор Ба-

лорам - бошланғич Парвардигор Вишну; шунинг учун Унинг бу эрмакларини эрталаб ва кечкурун эслаган ҳар бир одам албатта Худонинг Олий Шаҳсининг бхактасига айланади, шунда унинг бу дунёдаги инсон қиёфасидаги ҳаёти албатта муваффақият билан ниҳоясига етади.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Балваланинг озодликка чиқиши ва Парвардигор Балорамнинг муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиши" деб аталадиган етмиш саккизинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

79. Парвардигор Кришнанинг браҳман Судама билан учрашуви.

Махараж Парикшит Парвардигор Кришна ва Парвардигор Балорамнинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни Шукадева Госвамидан тингларди. Бундай эрмаклар ҳақида тинглаётган киши табиий равишда қалбида илоҳий лаззат ҳис қилади, Махараж Парикшит Шукадева Госвамига шундай деб мурожаат қилди: "Эй ҳукмдорим, Худонинг Олий Шаҳси руҳий озодликни ҳам, Худога муҳаббатни ҳам бир вақтнинг ўзида юборади. Парвардигорнинг содиқ хизматкори, бхактаси бўлган ҳар қандай инсон табиий равишда руҳий озодликка ҳам эришади, бунинг учун у атайлаб бошқа бирор йўллар билан уриниб, интилиб юришининг ҳожати йўқ. Парвардигор чексиз, Унинг бу намоён бўлган борлиқни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яқсон қилишдаги эрмакларининг ҳам, кароматларининг ҳам ниҳояси йўқ. Шунинг учун мен Унинг ҳали сен гапириб бермаган бошқа эрмаклари ҳақида ҳам тинглашни истайман. Эй азиз руҳий устоз, ҳиссий лаззатланишдан ўзларига бахт топишга уриниб шартланган руҳлар бу моддий дунёда ҳеч қачон қаноат ҳосил қила олмайдилар. Ҳиссий лаззатланишга бўлган ана шундай интилиш шартланган руҳларнинг қалбини тимдалаб, ҳамиша уларни ташвишга солиб юради. Лекин мен Парвардигор Кришнанинг эрмаклари ҳақидаги илоҳий ҳикоялар ҳиссий лаззатга интилиш иллоти мубтало қилиб қўйган ана шундай ачинарли ҳолатдан инсонни қандай қилиб, руҳий озодликка чиқаришини ўзим яққол ҳис қиляпман. Менинг фикримча, бирор фаросатли одам Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ҳақида такрор ва такрор тинглашдан иборат бўлган бу усулни инкор этолмайди; шунчаки Худонинг ишлари ҳақида тинглаш билан инсон ҳаётда ҳамиша илоҳий лаззатга фарқ бўлиб юриши мумкин. Шунда уни моддий ҳиссий лаззатларга интилиш истаги ўзига жалб эта олмайди".

Бу гапларни айтар экан, Махараж Парикшит алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган икки ибора ишлатди: *вишаннаҳ* ва *вишешайаҳ*. *Вишаннаҳ* - "хомуш" деганни англатади. Имонсиз даҳрийлар

қалбининг тўла осойишталигига эришиш учун ҳар хил усул ҳамда воситаларни ўйлаб топадилар, лекин ҳаётда ҳамиша хомуш, ташвишли юрадилар. Бунга: "Баъзан илоҳиётчи такводор одамлар ҳам хомуш юрадилар-ку?" - деб эътироз билдириш мумкин. Лекин Махараж Парикшит бу ерда *вишешагйах* иборасини ишлатади. Илоҳиётчи одамларининг икки тоифаси бор - имперсоналистлар ва персоналистлар. Вишешагйах ибораси илоҳий ранг-баранглик ўзига жалб этадиган персоналистларга тааллуқли. Худонинг содиқлари, бхакталар Парвардигорнинг, Худо Шахсининг кўрсатган кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб қувониб юрадилар, аксинча Парвардигорнинг шахсиятсиз кўриниши кўпроқ қизиқтирадиган имперсоналистлар эса, Парвардигорнинг Шахси яққол намоён бўладиган ҳикояларга юзаки қарайдилар. Шу боис имперсоналистлар, гарчи Парвардигорнинг эрмаклари билан бевосита танишсалар ҳам, бундан келадиган руҳий манфаатни тўла ҳис қила олмайдилар, шунинг учун улар худди имонсиз даҳрийларга ўхшаб ўзларининг кармали ишлари сабабли ҳамиша хомуш ҳолатда қолаверадилар.

Шоҳ Парикшит давом этди: "Инсоннинг нутки, гапириш қобилияти фақат Парвардигорнинг илоҳий фазилатларини таърифлашда ишлатилгандагина комил ҳолатга эришади. Фақат Худога хизмат қилишда машғул бўлаётган пайтдагина қўлларнинг ҳаракати инсонга ҳақиқий муваффақият келтиради. Худди шундай, инсоннинг ақли ҳам фақат Кришна онгига тўла бўлганда, Парвардигор Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлгандагина ҳақиқий хотиржамликка, тўла осойишталикка эришади. Лекин бу - инсон ҳамиша ақлини зўрлаб, зўриқтириб юриши лозим дегани эмас. Инсон буни шунчаки тушуниб олиши керак: Мутлақ Ҳақиқат бўлган Кришна Параматма кўринишида ҳамма ерга сингиб кетган, ҳамма жойда мавжуд. Агар одам шунчаки Кришна Параматма кўринишида ҳамиша ҳамма жойда, ҳатто ҳар бир атомда ҳам мавжуд эканини ўйлаб юрса, у ақлининг "ўйлаш, ҳис қилиш ва исташ"дан иборат барча вазифаларини комил суратда бажариб юрган бўлади. Комил бхакта моддий оламни ўзининг моддий кўзларига кўринган ҳолда қабул қилмайди, - у ҳамма ерда Параматма кўринишидаги ўзи севиб, сажда қилиб сиғиниб юрган Зот - Худонинг жамолини кўриб юради".

Махараж Парикшит гапиришда давом этиб айтдики, қулоқлар фақат Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақидаги гапларни тинглаётган пайтдагина комил ҳолатга эришган бўлади. Инсоннинг боши Худонинг ёки Унинг вакиллари бўлган содиқлар олдида эгилгандагина ўзининг ҳақиқий вазифасини мукамал бажараётган бўлади. Парвардигор ҳар кимнинг қалбида мавжуд эканини ҳеч ким инкор эта олмайди, шу боис руҳий юксалишда юқори поғонага эришган бхакта тирик мавжудотнинг танасини "Худонинг

Эхроми" деб билган ҳолда, ҳар бир тирик мавжудотга эҳтиром билан сажда қилади. Лекин бундай юксак руҳий поғонага ҳамма ҳам дарров эриша олмайди, чунки бундай юксак поғонага фақат энг буюк содиқлар эришадилар. Ундан пастроқ, иккинчи даражадаги бхакталарни ваишнавлар, Парвардигорнинг бхакталари, Кришнанинг вакиллари деб атайдилар. Худони англашга энди кадам кўйган бхакталар, яъни учинчи тоифадаги содиқлар - Эхромда Илоҳлар олдида, Парвардигорнинг бу дунёда бевосита намоён бўлган кўриниши бўлган руҳий устоз олдида бош эгишлари мумкин. Руҳий юксалишнинг бошланғич поғонасида ҳам, ўрта поғонада ҳам, тўлиқ руҳий юксалишга эришадиган комил ҳолатда ҳам инсон Парвардигор ёки Унинг вакиллари олдида бош эгиб сажда қилиш билан бошининг хизматини мукамал ҳолатга етказиши мумкин. Парвардигорга ёки Унинг вакилларига қараш билан у кўзларининг хизматини, вазифасини ҳам комил ҳолатга етказиши мумкин. Шундай қилиб, ҳар қандай одам ҳам Худога ва Унинг вакилларига хизмат қилишда машғул қилиш ёрдамида танасининг ҳар хил аъзоларининг вазифасини комил ҳолатга кўтаришга эришиши мумкин. Агар одам кўлидан бошқа ҳеч қандай иш келмаса, у шунчаки Худонинг ва Унинг вакили олдида бош эгиб, *чаранамрита*, яъни Парвардигорнинг ёки Унинг бхактасининг нилуфар қадамлари пойи ювилган сувдан ичиши мумкин".

Махараж Парикшитнинг бу гапларини тинглаб туриб, Шукадева Госвами чуқур руҳий жазавали лаззатга ғарқ бўлди, чунки шоҳ Парикшит ваишнавлар фалсафасини шу даражада чуқур тушуниб етган эди. Шукадева Госвами Парвардигорнинг илоҳий кароматларини таърифлаш билан машғул бўлиб ўтирган эди, Махараж Парикшит ундан гапиришда давом этишни илтимос қилгандан кейин у яна ҳам қувониб "Шримад Бхагаватам"ни баён этишни давом эттирди.

Парвардигор Кришнанинг жуда яқин, азиз бўлган бир браҳман дўсти бор эди. Комил браҳман бўлган ҳолда у илоҳий илм ўрганишда жуда юксак поғонага эришган зот эди. У ўрганган чуқур илми шарофати билан бу дунёдаги моддий лаззатларга мутлақо бефарқ эди. Шу боис у ҳиссиётини, сезгиларини тўла жиловлаб олишга ҳамда қалбининг тўла осойишталигига эришишга муваффақ бўлган эди. Яъни бу браҳман комил бхакта эди, чунки комил бхакта бўлмай туриб инсон ҳеч қачон илмнинг энг юксак поғонасига кўтарилма олмайди. "Бхагавадгита"да айтилганки, илм ўрганишнинг юксак, комил поғонасига кўтарилган киши ўз ихтиёрини бутунлай Худонинг Олий Шахсига топширади. Бошқача қилиб айтганда, ҳаётини Худога соф садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган ҳар қандай инсон мукамал илмга эга ҳисобланади. Комил илмга эга бўлгандан кейин инсон дунёвий тарзда ҳаёт кечиришни тарк этади. Ана шундай

таркидунёлик - ҳамиша моддий лаззатларга интиладиган ҳиссиётни, сезгиларни тўлиқ жиловлаб олишни назарда тутлади. Бхактанинг сезгилари, ҳиссиёти покланади, ана шундай ҳолатда унинг сезгилари Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлади. Мана шу - Худога садоқат билан хизмат қилишнинг комил ҳолати бўлади.

Кришнанинг дўсти бўлган браҳман уйланган, оилали одам бўлишига қарамай, оиласи билан осойишта, фаровон яшаш ниятида мол-дунё тўплашга интилмасди. Шунинг учун у тақдирига ёзилгани бўйича ўзидан-ўзи келадиган насиба билан қаноатланиб, ўзининг ҳаётидан тўла мамнун бўлиб хотиржам, осойишта ҳаёт кечирарди. Мукамал илмга эга бўлган кишининг белгиси ана шундай бўлади. Ҳаёт ҳақида мукамал илмга эга бўлган киши бу дунёда бирор одам қанча тиришмасин барибир тақдирига ёзилганидан кўпроқ бахтга эга бўла олмаслигини яхши билади. Тақдир бу моддий оламда яшаётган ҳар бир инсонга аниқ белгиланган миқдорда азоб-укубатлардан мусибат чекишни ва аниқ миқдорда бахт-саодатдан лаззатланишни тайёрлаб қўйган. Ҳар бир тирик мавжудот учун унинг бутун умри давомида кўрадиган бахт ва мусибатлари аллақачон аниқ белгилаб қўйилган. Ҳеч ким дунёвий ҳаётдаги бахт ва мусибатларни камайтиришга ёки кўпайтиришга қодир эмас. Шунинг учун бу браҳман ўзининг бу дунёдаги ҳаётини бахтиёрроқ қилишга уриниб вақтини бекорга кетказиб юрмас, бунинг ўрнига бутун вақтини Худони, Кришнани англашга, қалбида Кришна онгини ривожлантиришга сарфларди. Ташқаридан караганда у жуда қашшоқдай кўринарди - унинг қимматбаҳо кийимлари йўқ эди, хотинига ҳам чиройли либослар олиб беролмасди; уларнинг яшаш шароити серҳашам эмасди, улар ҳатто тўйиб овқат ҳам емасдилар; унинг ўзи ҳам, хотини ҳам жуда озғин эдилар. Унинг хотини ҳаётда ўзи учун қулайлик туғдиришга интилмас, лекин ўзининг такводор браҳман эрига меҳрибонлик билан ғамхўрлик қиларди. У очликдан, ожизликдан қалтираб титраб юрарди, гарчи одатда у эрига маслаҳат беришни ёқтирмаса ҳам, бир куни эрига шундай деди: "Эй азиз ҳукмдорим, биламанки равнак фариштасининг эри бўлган Кришна сенинг яқин дўстинг бўлади. Сен ҳам Парвардигор Кришнанинг бхактасан, У ўзининг бхакталарига ҳамиша ёрдам беради. Гарчи сен: "Худо учун бирор хизмат қилмаяпман" - деб ўйласанг ҳам, барибир ўз ихтиёрингни бутунлай Унга топшириб қўйгансан. Ўз ихтиёрини, ўзининг бутун ҳаётини Унга топширган зотларга Парвардигор ҳамиша ғамхўрлик қилади. Бунинг устига, мен яхши биламанки, Парвардигор Кришна - ведалар маданиятининг энг намунали намоёндаси. У ҳамиша браҳманлар маданиятини қўллаб-қувватлайди, шу боис муносиб браҳманларга ҳамиша ғамхўрлик қилади. Сен энг бахтиёр ин-

сонсан, чунки Худонинг Олий Шаҳси сенинг яқин дўстинг. Парвардигор Кришна - сенга ўхшаган такводор одамларнинг ягона нажоткори, чунки сен ўз ихтиёрингни бутунлай Унга топширгансан. Сен - авлиё, билимдон ва ўз ҳиссиётини бутунлай жиловлаб олган инсонсан. Шу боис Парвардигор Кришна сенинг ягона нажоткоринг бўлади. Шундай экан сендан илтимос, Унинг олдига бор. Ишончим комилки, У сенинг жуда қашшоқ эканингни дарров тушуниб олади. Бунинг устига сен грихастха, оилали одамсан, шунинг учун бирор мол-дунёга эга бўлмаслик - сен учун оғир мусибат. Лекин аҳволингни тушунган заҳоти У сенга барча қулайликларга эга бўлиб яшашинг учун зарур бўлган миқдорда пул бериб юборади, бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Парвардигор Кришна ҳозир Бходжа, Вришни ва Андхака сулолаларининг шоҳи, У ҳеч қачон пойтахт Дварака шаҳрини тарк этмайди, деб эшитдим. Шаҳардан ташқарида бирор иш билан шуғулланмай, У ҳамиша шаҳарда яшаркан. У шунчалик олижаноб ва марҳаматлики, ўз ихтиёрини Унга бутунлай топширган одамга ҳамма нарсасини, ҳатто ўзини ҳам беришга тайёр. Агар У ўз бхактасига ҳатто ўзини ҳам топширишга тайёр бўлса, сенга ҳам бирор мол-дунё беришига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Албатта, ўзига унчалик садоқатли бўлмаган бхакталарга У кўп мол-дунё бермайди, лекин У сенинг Унга бўлган садоқатинг қанчалик буюк эканини жуда яхши билади. Шунинг учун У ҳеч иккиланмасдан сенга ҳаётинг учун зарур бўлган нарсаларга бемалол етадиган бойлик ато этади".

Шу тарзда браҳманнинг хотини итоаткорлик ва камтарлик билан такрор ва такрор ундан Парвардигор Кришнанинг олдига боришни илтимос қиларди. Браҳман Парвардигор Кришнадан бирор моддий нарса сўрашнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ деб ўйларди, лекин хотини ҳадеб илтимос қилавергани сабабли шундай қилишга мажбур бўлди. У шундай деб ўйлади: "Агар мен у ёққа борсам, Парвардигор Шри Кришнанинг жамолини бевосита ўз кўзларим билан кўришга муяссар бўламан. Ҳатто мен Ундан бирор моддий нарса сўрамасам ҳам, шунинг ўзиёқ мен учун катта бахт!" У Кришнанинг олдига боришга қарор қилар экан, хотинидан: "Кришнага олиб бориш учун уйда бирор егулик борми?" - деб сўради, ахир у дўстининг олдига албатта қандайдир эҳсон, совға олиб бориши керак-да. Хотини дарров яқин қўшнилардан бир ҳовуч гуруч майдаси олиб келди ва дастрўмолга ўхшаган кичкина матога тугиб, тугунчани эри совға ўрнида Кришнага олиб бориши учун эрига берди. Браҳман тугунчани қўлига олди-да, Парвардигор билан юзма-юз учрашиш ниятида Дварака шаҳри томон йўлга тушди. Йўл бўйи у Кришна билан қандай учрашишини тасаввур қилиб, ширин ўё-хаёлларга берилиб борарди. Унинг миёсида Кришнадан бошқа бирор фикрга жой йўқ эди.

Албатта, Йадавалар сулоласининг саройларига бегона одамларнинг яқин бориши осон эмас, лекин брахманлар саройга кира оладилар. Парвардигор Кришнанинг дўсти бўлган брахман ҳам Дваракага етиб келганида бошқа брахманлар билан биргаликда кўриқчилар кўриқлаётган учта тўсиқ(текширув пункти) орқали ўтиши керак эди. Ҳар бир тўсиқ ёнида катта дарвоза бўлиб, брахман шулар орқали шаҳарга кирди. Дарвозалардан ўтгандан кейин брахман Парвардигор Кришнанинг катта-катта ўн олти минг саройини кўрди, уларда Кришнанинг ўн олти минг маликаси яшарди. Брахман чиройли безатилган саройларнинг бирига кирди. Брахман ажойиб сарой ичига кирар экан, ўзини худди илоҳий лаззат уммонига ғарқ бўлгандай ҳис қиларди. У ўзини гоҳ ана шу лаззат уммонига ғарқ бўлаётгандай, гоҳида эса унинг юзига чиқиб қолаётгандай ҳис қиларди.

Парвардигор Кришна малика Рукминининг тўшагида ўтирарди. Кришна саройга кириб келаётган брахманни узоқдан кўриб қолди ва у Ўзининг эски кадрдон дўсти эканини дарров таниди. Парвардигор Кришна дарров ўрнидан сакраб турди ва дўстини кутиб олиш учун брахман томонга шошилди. Брахманнинг олдига бориб, брахман-дўстини кучоқлаб қаттиқ бағрига босди. Парвардигор Кришна - бутун илоҳий лаззат манбаи ҳисобланади, лекин шунга қарамай қашшоқ брахманни кучоқлаб бағрига босишдан Ўзи чуқур лаззат олди, чунки У Ўзининг энг яқин эски кадрдон дўстини учратган эди. Парвардигор Кришна уни Ўзининг ўриндиғига ўтказди, худди энг азиз меҳмонни кутиб олаётгандай Ўзи бориб ҳар хил мева ва турли ичимликлар олиб келиб брахманнинг олдига қўйди. Парвардигор Кришна энг пок Зот, лекин ҳозир бу дунёда оддий инсон ролини ўйнаётгани сабабли, У брахманнинг оёқларини ювди ва Ўзини поклаш учун шу сувдан Ўзининг бошига сепди. Шундан сўнг Парвардигор брахманнинг танасига сандал, шафран ва агурудан тайёрланган анвойи мойлардан суртди. У мушк-анбарлар тутатди, одатга кўра шамчироклар ёкиб, брахманга *аратрика* ўтказди. Шундай қилиб, брахманни муносиб ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олгандан сўнг, брахман чанкоғини босиб, қорнини тўйғазиб олгандан кейин Парвардигор Кришна шундай деди: "Эй азиз дўстим, бу ерга келганинг Мен учун жуда буюк бахт!"

Брахман жуда камбағал бўлгани учун устидаги кийимлари эскириб кетган, йиртиқ, кир босган бўлиб, ўзи жуда озғин эди. Брахман покликка унчалик риоя қилмайдигандай туюлар, ориқлигидан унинг қовурғалари кўриниб турарди. Равнақ фариштаси Рукмини-девининг ўзи уни чамара билан елпий бошлади, лекин Парвардигор Кришнанинг қилаётган ишларини кўриб саройдаги бошқа аёллар ҳайрон эдилар. Улар ҳайратга тушиб, Парвардигор Кришнанинг айнан шу брахманга кўрсатаётган чексиз илтифотини

томоша қилиб турардилар. Улар ўзига-ўзи: "Нимага Парвардигор Кришна қашшоқ кийинган, унчалик тоза ҳам бўлмаган бу брахманга шунчалик илтифот кўрсатяпти?" - деб савол берардилар. Айни пайтда улар бу брахман оддий тирик мавжудотлардан эмаслигини тушунар эдилар. Улар билардиларки, бу брахман жуда кўп савоб ишлар қилган, акс ҳолда Парвардигор Кришнанинг Ўзи равнақ фариштаси билан биргаликда унга шунчалик илтифот кўрсатган бўлармиди? Брахман Парвардигор Кришнанинг ўриндиғида ўтирганини кўриб, улар яна ҳам баттарроқ ҳайратга туша бошладилар. Парвардигор Кришна бу брахманни худди акаси Балорамни кучоқлагандай бағрига босганини кўрганда улар бутунлай таажжубга тушдилар, чунки Парвардигор Кришна Рукмини билан Балорамдан бошқа ҳеч кимни кучоқлаб, бағрига босмасди.

Брахманни муносиб иззат-икром билан кутиб олиб, бир неча пар ёстиклар қўйилган Ўзининг юмшоқ ўриндиғига ўтказиб, Парвардигор Кришна шундай деди: "Эй азиз брахман дўстим, сен одамлар ичида энг ақлли инсонсан, сен тақводорлик билан турмуш кечириш қоидаларини жуда яхши биласан. Ўйлайманки, сен рухий устознинг уйида илм олиб, берган таълими учун рухий устозни муносиб совға билан мамнун қилгандан кейин уйингга бориб ўзингга лойиқ бир қизга уйлангансан. Мен яхши биламани, сен ҳеч қачон дунёвий ҳаётга қаттиқ боғланиб қолмагансан, шунингдек сени моддий фаровонлик ҳам қизиқтирмайди, шу боис сен ҳозир пулга муҳтожсан. Моддий оламда моддий бойликка боғланиб қолмаган одамлар жуда кам учрайди. Мол-дунёга боғланиш нималигини билмайдиган ана шундай одамларнинг пок қалбида мол-дунё тўплаш ва ҳаётда лаззатланиб яшаш учун моддий фаровонликка эришиш истаги бўлмайди, лекин шундай одамлар ҳам баъзан бошқаларга оилали одамнинг турмуш-тарзи қандай бўлишини кўрсатиб қўйиш учун бойлик тўплайдилар. Улар одамларга ўзининг бойлигидан тўғри фойдаланиш, пулларини қайси ишларга сарфлаш орқали инсон бу дунёда қандай қилиб оилавий ҳаёт кечириши ва шу билан бир вақтнинг ўзида буюк бхакта бўлиши мумкин эканини кўрсатадилар. Ана шундай намунали оилавий турмуш кечириб юрган тақводор кишилар ҳам Менинг содиқларим ҳисобланади. Эй азиз брахман дўстим, биргаликда рухий устознинг уйида таълим олиб юрган пайтларимизни яхши эсласанг керак деб ўйлайман. Аслини олганда ҳозир ўзимизда бор илмларнинг ҳаммасини мактабда биргаликда юрган пайтларимизда рухий устоздан ўрганганмиз.

Агар инсон ҳаётда муносиб рухий устоз топиб, ўқиб ўрганиш даврида ундан етарли таълим олган бўлса, унинг келажакдаги ҳаёти муваффақиятли ўтади. У ғофиллик уммонини осон енгиб ўта олади, унга Худонинг алдамчи қуввати ўз таъсирини ўтказа олмайди. Эй азиз

дўстим, ҳар бир инсон ўз отасини ўзининг биринчи руҳий устози деб билиши лозим, чунки отасининг марҳамати билан у дунёга келиб инсон танасига эга бўлган. Шунинг учун ота - ҳар бир инсон учун табиий равишда руҳий устоз ҳисобланади. Бизнинг иккинчи руҳий устозимиз бизга руҳий илмдан таълим берган устоз бўлади, ҳар бир инсон уни ҳам худди Мен(Худо)га сизингандай сажда қилиб эъзозлаши лозим. Инсоннинг бир неча руҳий устози бўлиши мумкин. Инсонга руҳий илмдан сабоқ берадиган устоз шикша-гуру деб аталади, инсонга руҳий ҳаётга кириш учун фотиҳа берадиган руҳий устоз дикша-гуру деб аталади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Менинг вакилларим ҳисобланади. Руҳий илмдан дарс берадиган руҳий устозлар кўп бўлиши мумкин, лекин фотиҳа берадиган руҳий устоз фақат битта бўлади. Ана шундай руҳий устозлар билан учрашиш имкониятидан самарали фойдаланиб, улардан Ҳақиқат илмини ўрганиб моддий олам уммонини кечиб ўта олган киши ўз ҳаётини ҳақиқий инсонлардай яшаган бўлади. Ана шундай одам ҳар бир тирик мавжудотнинг бу дунёда яшашдан асосий ва ягона мақсади - руҳий юксалиш ва ўзининг мангу уйига - Худонинг даргоҳига қайтиб кетиш эканини, инсон танасидаги тирик мавжудотга эса ана шундай олий мақсадга эришиш учун барча амалий илмлар ато этилганини билади.

Эй азиз дўстим, Мен - ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Параматмаман, жамиятдаги ҳар бир инсонга Мен варна ва ашрам қонун-қоидаларига риоя қилиб яшашни буюраман. Мен "Бхагавад-гита"да айтганимдай, инсонлар жамияти одамларнинг табиати ва машғул бўлиб юрган ишларига қараб тўрт варнага бўлинган. Худди шундай, ҳар бир инсон ўзининг умрини тўрт қисмга бўлиши керак. Умрининг биринчи қисмини инсон браҳмачарий бўлиб яшашга қасам ичиб, ҳеч қандай ҳиссий лаззатларга берилмасдан, руҳий устозига хизмат қилиб, унга ҳақиқий шогирд бўлиб, ҳаёт ҳақидаги илми, Ҳақиқат илмини ўрганишга сарфлаши лозим. Браҳмачарий даврида инсон ўзининг бутун вақтини руҳий устоз раҳбарлиги остида риёзат чекиш, тавба-тазарру қилиш билан ўтказиши лозим. Умрининг иккинчи қисмида инсон уйланиб, оила қуриб, Худонинг қонун-қоидалари чегарасидан чиқмаган ҳолда ҳиссий лаззатларга берилиб, грихастха бўлиб яшаш лозим, лекин умрининг учинчи қисмида ҳеч ким грихастха бўлиб қолмаслиги керак. Умрининг учинчи поғонасида инсон яна аввалги браҳмачарий пайтидагидай риёзатга, тавба-тазарруларга қайтиши ва шу тариқа оилавий ҳаётга бўлган боғланишларидан бутунлай халос бўлиши лозим. Дунёвий ҳаётга бўлган боғланишларидан бутунлай халос бўлганидан сўнг у таркидунё қилишга, саннийаси турмуш-тарзида яшашга қасам ичиши мумкин.

Барча тирик мавжудотларнинг қалбидаги Олий Рух бўлган ҳолда Мен ҳар бир инсоннинг умрининг ҳар бир поғонасидаги барча ҳаракатларини кузатиб тураман. Ўзининг руҳий устози кўрсатиб берган қоидаларга қатъий амал қилиб яшашга самимий интилаётган, руҳий устозига садоқат билан хизмат қилишга бутун умрини бағишлаётган киши умрининг қайси поғонасида бўлса ҳам Мен учун жуда азиз бўлади. Агар руҳий устозининг раҳбарлиги остида инсон ўзининг бутун умрини браҳмачарий бўлиб яшай олса - бу жуда яхши; лекин, браҳмачарий бўлиб яшаб юрганида, қалбида шахвоний эҳтирос туйғулари уйғонганини ҳис қилса, у таълим бергани учун руҳий устозини мамнун қилиб, руҳий устозини тарк этиши лозим. Ведавий урф-одатларга кўра руҳий устозни рози қилиш учун унга совға берилади, бу совға гуру-дакшина деб аталади. Кейин шогирд оилавий ҳаёт қуриши, Худонинг қонунларига риоя қилиб уйланиши лозим".

Ўзининг эски кадрдон дўсти билан бўлган суҳбатда Парвардигор Кришнанинг берган бу насихатлари инсонлар жамияти учун жуда муҳим. Варна ва ашрам қонун-қоидаларига риоя қилмайдиган одамлар жамияти шунчаки пардозланган ҳайвонлар тўдасидан фарқ қилмайди. Ҳақиқий инсонлар жамиятида аёл ва эркакларнинг бир-бири билан эркин жинсий алоқа қилишига мутлақо йўл қўйилмаслиги керак. Эркак киши ё браҳмачарий қоидаларига риоя қилиб бутунлай браҳмачарий бўлиб яшаш, ё руҳий устозининг руҳсати билан Худонинг қонунлари асосида уйланиб оила қуриши лозим. Бир-бири билан эркин жинсий алоқа қилиш - никоҳ деган нарсани тушунмайдиган ҳайвонларга хос бўлган жирканч ишдир.

Ҳозирги даврдаги жамиятда одамлар инсон ҳаётининг ҳақиқий вазифасини бажаришни истамайдилар. Инсон бўлиб яшашдан асосий мақсад - Худонинг даргоҳига қайтиб боришдан иборат. Ана шу мақсадга эришиш учун инсон бу дунёда варна ва ашрам қоидаларига риоя қилиб яшаш лозим. Агар инсон онгли равишда ўз умрини ана шу қоидаларга риоя қилиб яшаса албатта мақсадга эришади. Агар одамлар ана шу қоидаларга риоя қилмаса, жамиятда ҳеч қачон тинчлик, осойишталик, фаровонлик бўлмайди.

Кришна дўсти браҳманга гапиришда давом этди: "Эй азиз дўстим, бизлар шогирд бўлиб юрган пайтларимизда қилган ишларимизни яхши эслайсан деб ўйлайман. Эсингдами, бир куни руҳий устознинг хотинининг илтимоси билан бизлар ўрмонга ўтин тергани кетган эдик. Қуруқ шохалар териб юриб, билмасдан ўрмон ичига чуқур кириб кетиб, адашиб қолгандик. Бирдан бўрон туриб, булутлар пайдо бўлиб, чакмоқ чакнаб, момақалди роқ гумбурадай бошлади. Кун ботиб, ўрмонга қоронғу тушди, бизлар эса қалин ўрмонда қолиб кетдик. Кейин кучли ёмғир ёғди, ҳамма ер сувга тўлиб кетди, бизлар руҳий устоз-

нинг уйига йўл тополмадик. Ана шу бўрон эсингдами? Аслида бу бўрон эмас, кучли тўфон эди. Чанг-тўзон, кучли ёмғир бизни роса қийнаб қўйганди, ҳар тарафга югурсак ҳам руҳий устознинг уйига олиб борадиган йўлни тополмагандик. Шундай қийин аҳволга тушиб қолиб, бизлар бир-биримизнинг қўлимиздан ушлаганча орқага қайтиш йўлини излардик. Бутун тунни шу тарзда ўтказган эдик, эрталаб гурудев бизларнинг йўқолиб қолганимиздан хабар топиб, бошқа шогирдларини бизларни излашга юборган эди. Шогирдлари билан бирга унинг ўзи ҳам келган эди. Улар бизларни топганида бизлар қаттиқ чарчаган, роса қийналиб кетган эдик.

Бизларга раҳми келиб, ачинганидан гурудев шундай дейган эди: "Эй азиз болаларим, мени деб шунча қийналганларингиз қандай яхши. Одатда ҳар бир одам энг аввало ўзининг танасига ғамхўрлик қилишга шошилади, аммо сизлар ўз руҳий устозингизга шу қадар садоқатлисизларки, ўзларингизни ўйламасдан мен учун шунча қийинчиликларни бошдан кечирдинглар. Сизларга ўхшаган ҳақиқий шогирдлар руҳий устозини мамнун қилиш учун ҳар қандай синовлардан ўтишга тайёр эканини кўриш мен учун буюк бахт. Ҳақиқий шогирд руҳий устози олдидаги қарзини шу тарзда уза олади. Шогирднинг вазифаси - ўз умрини руҳий устозига садоқат билан хизмат қилишга бағишладан иборат. Эй иккибор туғилганлар, мен сизларнинг бу ишингиздан жуда мамнунман. Илоё сизларнинг барча орзумидларингиз рўёбга чиқсин! Мендан ўрганаётган ведавий илмларингиз ҳамиша ёдингизда қолсин, токи гапираётганда уларни эслаб, ҳеч қийналмасдан улардан мисол келтира оладиган бўлинглар. Шунда сизлар ҳеч қачон - на ҳозирги ҳаётингизда, на келажакда пушаймон бўлмайсизлар".

Кришна давом этди: "Эй азиз дўстим, эсингдами, бизлар руҳий устознинг ашрамида яшаган пайтимизда бунга ўхшаган воқеалар жуда кўп содир бўларди. Биз иккимиз ҳам яхши биламизки, руҳий устознинг дуои-фотиҳаларисиз бу дунёда ҳеч ким бахтли бўлолмайди. Фақат руҳий устознинг марҳамати билан, фақат унинг дуои-фотиҳаларининг шарофати билан инсон ҳаётда тинч, фаровон яшаши, инсон ҳаётининг олий мақсадига эришиши мумкин".

Бу гапларни тинглаб туриб, билимдон брахман шундай деб жавоб берди: "Эй азизим Кришна, Сен - ягона Парвардигор, ҳар бир инсоннинг Олий руҳий устозисан, руҳий устознинг ашрамида Сен билан бирга яшаш бахтига муяссар бўлганим учун мен Ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган бошқа бирор қоидаларга амал қилишимнинг ҳожати йўқ. Эй азиз Худойим, ҳаётда руҳий баркамолликка эришиш учун инсон ведавий қонун-қоидалар, урф-одатларга риоя қилиб юради. Моддий фаровонлик, ҳиссий лаззатлар, руҳий озодликка эришиш ва бошқа нарсалардан таркиб топган руҳий баркамолликнинг

ягона манбаи - Сен Ўзинг бўласан. Ҳаётдаги қилинадиган барча ишларнинг мақсади ҳам, вазифаси ҳам оқибат-натияжада Сени, Сенинг шахсингни англаб етишдан иборат. Бошқача қилиб айтганда, улар Сенинг илоҳий қиёфангнинг ҳар хил қисмларидир. Шунга қарамай, Сен оддий шогирд ролини ўйнаб, бизлар билан бирга руҳий устознинг ашрамида яшадиган. Демак, Сен буларнинг ҳаммасини шунчаки Ўзингнинг эрмакларинг сифатида намойиш этгансан, акс ҳолда Сенинг бу дунёда оддий инсон ролини ўйнаб юришингнинг ҳожати йўқ эди".

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Парвардигор Кришнанинг брахман Судама билан учрашуви" деб аталадиган етмиш тўққизинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланди.

80. Парвардигор Кришнанинг брахман Судамага марҳамат кўрсатиши

Худонинг Олий Шахси, барча тирик мавжудотларнинг қалбидаги Олий Рух Кришна ҳар бир одамнинг қалбини жуда яхши билади. У брахман-бхакталарга алоҳида меҳрибонлик кўрсатади. Парвардигор Кришнани брахманйадева деб атайдилар, бу "Унга брахманлар сажда қиладилар" деган маънони билдиради. Шундай экан, ўз ихтиёрини Худонинг Олий Шахсига топширган бхакта табиий равишда брахман даражасига кўтарилган бўлади. Брахман бўлмай туриб Олий Брахманга, Парвардигор Кришнага яқинлашиб бўлмайди. Кришна Ўзининг бхакталарини мусибатлардан халос қилишга алоҳида эътибор беради, У - соф бхакталарнинг ягона нажоткори, ягона посбонидир.

Парвардигор Кришна Судама Випра билан бирга ёшлиқда ўтказган кунларини эслаб узоқ вақт суҳбатлашиб ўтирди. Кейин Ўзининг эски кадрон дўсти билан бўлган суҳбатдан лаззатланиб, Парвардигор Кришна юзида табассум билан дўстига шундай деди: "Ҳой азиз дўстим, сен Менга қандай эҳсон олиб келдинг? Хотининг Мен учун бирор ширин егулик бериб юбормади-ми?" Кришна чуқур меҳр-муҳаббат билан дўстига қараб кулиб турарди: "Эй азиз дўстим, сен албатта уйингдан Мен учун бирор совға олиб келган бўлсанг керак?"

Парвардигор Кришна Судама олиб келган гуруч майдасини Унга беришга журъат қилолмай турганини биларди. Гуруч майдаси ҳақиқатан ҳам Парвардигор учун муносиб эмасди, шу боис, Судама Випранинг хаёлидан ўтаётган ўйларни тушуниб шундай деди: "Эй азиз дўстим, шубҳа йўқки, Мен ҳеч нарсага муҳтож эмасман, лекин бхактам, содиқ хизматкорим Менга муҳаббат

билан бирор нарса тақдим этса, ҳатто у жуда арзимас нарса бўлса ҳам Мен уни хурсанд бўлиб қабул қиламан. Аксинча, агар одам Менинг бхактам бўлмаса, у ҳатто энг қимматбаҳо совға таклиф этса ҳам Мен уни қабул қилишни истайман. Аслида Мен фақат бутун қалби билан, муҳаббат ва садоқат билан таклиф этилган нарсаларни қабул қиламан; акс ҳолда совға қанча қиммат бўлса ҳам Мен уни қабул қилмайман. Агар соф содигим Менга энг оддий, арзимас нарса - гул, барг, озгина сув тақдим этса ҳам, агар шу нарсаларга ўзининг бутун меҳрини, муҳаббатини қўшган бўлса, Мен унинг бу нарсаларини шунчаки қабул қилиб қўймасдан, улардан лаззатланиб ейман".

Парвардигор Кришна Судама Випра уйдан олиб келган, лекин уялганидан Кришнага таклиф қилишга тортиниб турган гуруч майдасини қабул қилишдан жуда хурсанд бўлишига Судама Випрани ишонтирди. Судама Випра: "Мен қандай қилиб Кришнага шунчалик арзимаган нарсани таклиф қиламан?" - деган мулоҳазага бориб, нима қиларини билмай, бошини эгиб жим турарди. Парвардигор Кришна ҳар кимнинг қалбида жойлашган Олий Рух бўлган ҳолда кишининг қалбида нималар бўлаётганини яхши билади. Шу боис Судама Випрани Унинг олдида келишга нима мажбур қилганини, у қаттиқ муҳтожлик сабабли, хотинининг илтимоси билан бу ерга келиб турганини У жуда яхши биларди. Судама-ни Ўзининг болаликдаги эски кадрдон дўсти деб билган ҳолда, унинг ҳақиқий дўст сифатида Ўзига бўлган соф муҳаббати ҳеч қачон қандайдир моддий манфаат таъма қилиш иллоти билан булганмаган эканини У яхши биларди. Кришна шундай ўйлади: "Судама Менинг олдимга Мендан бирор нарса сўраш учун келган эмас, шунчаки хотинининг илтимосини бажариш учун келган. Шу билан билан у хотинини мамнун қилиш ниятидагина Менинг олдимга келган". Шунинг учун Парвардигор Кришна Судама Випрага ҳатто осмон шоҳи ҳам тасаввур қила олмайдиган моддий бойлик ҳадя қилишга қарор қилди.

Кришна шу заҳоти кашшоқ брахманнинг ёпинчиғининг бир учига боғлаб қўйилган бир ҳовуч гуруч майдасига ёпишди: "Бу нима? Ҳой дўстим, Менга жуда ажойиб гуруч майдасини олиб келибсан-ку!" У Судама Випранинг кўнглини кўтариб қўйди: "Бу гуруч майдаси фақат Мени эмас, балки бутун оламни қаноатлантиришга етади!" Кришнанинг бу гапларидан шуни тушуниш мумкинки, борлиқнинг бошланғич манбаи бўлган ҳолда У бутун Борлиқнинг илдинини ташкил этади. Дарахтнинг илдинига сув куйиш билан бутун дарахтни суғориш мумкин. Худди шундай, "Кришнага бирор нарса тақдим этиш ёки Кришна учун бирор хизмат қилиш - бутун олам аҳли учун қилинган энг буюк хизмат" деб тушуниш керак, чунки бундай иш бутун борлиқдаги ҳар бир тирик мав-

жудот учун саодат келтиради. Кришнага бўлган муҳаббат туйғуси барча тирик мавжудотларга таралади.

Судама Випра билан суҳбатлашар экан, Парвардигор Кришна унинг тугунчасидан гуруч майдаси озгина олиб еди, У яна бир марта олишга қўл узатаётган эди, равнақ фариштасининг ўзи бўлган Рукмини-деви Унинг қўлидан ушлаб қолди. Кришнанинг қўлини ушлаб туриб Рукмини шундай деди: "Эй азиз Худойим, Сен гуруч майдасидан озгина тоғиб кўришининг ўзи Сенга бирор нарса таклиф қилган одам ҳозирги ҳаётида ҳам, кейинги ҳаётида ҳам фаровон ҳаёт кечириши учун бемалол етарли. Эй азиз Худойим, Сен Ўз бхакталарингга шу қадар меҳрибонсанки, улар таклиф этган озгина гуруч майдаси ҳам Сенга чуқур лаззат бағишлайди. Сен мамнун бўлишинг шарофати билан бхакта бу ҳаётида ҳам, кейинги ҳаётида ҳам барча бойликларга эга бўлади".

Бу шундан далолат берадики, Парвардигор Кришнага меҳр-муҳаббат ва садоқат билан таом таклиф қилганда, Кришна мамнун бўлиб бхактасининг шу таомини бирор марта қабул қилган бўлса, равнақ фариштаси Рукмини-деви ўзини шу бхакта олдида шунчалик қарздор ҳис қиладики, ўзи шу бхактанинг уйига бориб, унинг уйини жаҳондаги энг бой уйга айлантиради. Агар одам Нарайанага, Кришнага ажойиб тансиқ таомлар таклиф этса, равнақ фариштаси Лакшми шу уйда меҳмон бўлади, бу эса унинг уйига бойлик кириб келишини билдиради. Билимдон брахман Судама Парвардигор Кришнанинг саройида тунаб қолди, бу ерда у ўзини худди Вайкунтха сайёрасига тушиб қолгандай ҳис қиларди. Ҳақиқатан ҳам у Вайкунтхада эди, чунки азалий Парвардигор Нарайана, Парвардигор Кришна ва равнақ фариштаси Рукмини-деви бор жой албатта Вайкунтхалокага айланади.

Билимдон брахман Судама Випра Парвардигор Кришнанинг даргоҳида бўлган пайтда Ундан ҳеч нарса олмади, шунга қарамай у Кришнадан бирор нарса сўрамади ҳам. Эртасига эрталаб эса, у Кришна ўзини қандай кутиб олгани ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб, бундан чуқур илоҳий лаззат олиб уйига қараб йўл олди. Бутун йўл бўйи у Кришна билан қандай учрашгани, Кришна Ўзини қандай туггани ҳақида ўйлаб, Парвардигор билан юзма-юз учрашгани қандай зўр бўлгани ҳақида ўйлаб, қалбида чексиз бахт ҳис қилиб борди.

Брахман шундай ўйларди: "Брахманларга шунчалик садоқатли бўлган Парвардигор Кришнани кўриш қанчалик лаззатли! У брахманлар маданиятини қанчалик кадрлайди-я! Унинг Ўзи - Олий Брахман, шунга қарамай У брахманларнинг Унга бўлган ҳис-туйғуларига муносиб туйғу билан жавоб беради. У брахманларни шунчалик ҳурмат қиладики, гарчи ҳеч қачон равнақ фариштасидан бошқа ҳеч кимни бағрига босмайдиган бўлишига қарамай, мендай бир кашшоқ брахманни кучоклаб бағрига

босди. Қандай қилиб мендай бир қашшоқ брахман билан равнақ фариштасининг ягона нажоткори бўлган Парвардигор Кришнани тенглаштириш мумкин? Шунга қарамай, мени брахман ўрнида кўриб, У мени Ўзининг илоҳий кўллари билан кучоқлаб бағрига босди. Парвардигор Кришна менга шунчалик марҳаматли эдики, менга равнақ фариштаси ўтириб ором оладиган юмшоқ ўтирғичда ўтиришга ижозат берди. У ҳақиқатан ҳам мени худди Ўз акасидай қабул қилди. Мен Унинг олдида қанчалик қарздор эканининг қандай қадрига етаман? Равнақ фариштасининг ўзи бўлган Рукмини-деви, менинг йўлдан чарчаб келганимни кўриб, Парвардигор Кришнанинг биринчи маликаси бўлишига қарамай, елпиғич олиб ўз кўллари билан мени елпий бошлади. Худонинг Олий Шахси, Кришнанинг Ўзи брахманларга бўлган чексиз хурмати юзасидан менга хизмат қила бошлади, менинг оёқларимни уқалаб, ҳар хил егуликлар билан меҳмон қилиб, худди менга сажда қилаётгандай менга иззат-икром кўрсатарди. Коинотнинг ҳамма жойидаги йоглар жаннатга эришиш, руҳий озодликка чиқиш, ҳар хил моддий бойликларга эришиш ёки турли сеҳр қудратларига эга бўлиш ниятида Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига сажда қиладилар. Шунга қарамай Парвардигор менга шунчалик марҳаматлики, шунчалик қашшоқ эканимни яхши билса ҳам, агар бирор бойликка эга бўлсам, мағрурланиб, моддий бойликка берилиб кетиб Худони эсимдан чиқаришим мумкинлигини билгани учун, ҳозир менга сариқ чака ҳам бермади".

Брахман Судаманинг айтган гаплари жуда тўғри. Бирор қашшоқ одам Худодан моддий бойлик тилаб сажда қилиб юрган бўлса, бойликка эришган заҳоти шу бойлик билан овора бўлиб Худони, ўзининг Худо олдидаги муқаддас бурчини, қарзини бутунлай унутиб юборади. Шунинг учун Парвардигор Ўзининг бхактасига моддий бойлик юбормайди. Албатта Парвардигорнинг бхактаси ҳеч қачон тирикчилик учун зарур бўлган бирор нарсага муҳтож бўлмайди. Аниқроғи, агар ҳали унча тажрибага эга бўлмаган бхакта Парвардигорга самимий сиғиниб юрган бўлса, лекин айна пайтда бирор моддий бойликка ҳам интилаётган бўлса, Худо унга моддий бойлик юбормайди.

Шундай ўйларга ғарқ бўлиб, брахман аста-секин ўзининг уйига яқинлашиб қолди. Лекин уйи жойлашган жойга келиб ҳамма нарса бутунлай ўзгариб кетганини кўрди. Ўзининг аввалги кулбаси ўрнида энди қимматбаҳо тошлардан қурилган, куёш, ой ёки оловдай ярқираб турган катта саройлар қад кўтариб турарди. Саройлардан ташқари ҳар ер - ҳар ерда гулзорлар барпо этилган бўлиб, кўплаган чиройли эркак ва аёллар сайр қилиб юрардилар. Бу истироҳат боғларида чиройли ҳовузлар бўлиб, уларда ажойиб нилуфар ва лайло гуллари ўсиб турар, чиройли қушлар гала-гала бўлиб сузиб юрардилар. Ўз уйининг

бундай ғаройиб мўъжизавий саройга айланганини кўриб, брахман шундай ўйга толди: "Қандай қилиб ҳамма нарса бирданига шунчалик ўзгариб кетиши мумкин? Буларнинг ҳаммаси меникимикан ё бошқа бировнинг мулкмикан? Агар бу жой ҳақиқатан ҳам аввал мен яшаган жой бўлса, у қандай қилиб бирданига шунчалик ўзгариб кетиши мумкин?"

Билимдон брахман шундай ўйларга ғарқ бўлиб турар экан, кўринишидан фаришталарга ўхшаган бир неча эркак ва аёл кўплаган машшоқ ва хонандалар ҳамроҳлигида уни кутиб олиш учун яқин келдилар. Улар ширин овозда оромбахш кўшиқлар куйлардилар. Эрининг қайтиб келгани ҳақидаги хабарни эшитиб, брахманнинг хотини жуда хурсанд бўлди ва шошилиб саройдан ташқарига чиқди. Брахманнинг хотини шу қадар чиройли эдики, гўё уни кутиб олиш учун равнақ фариштасининг ўзи чиқаётгандай эди. У олдида турган эрини кўриб, кўзларидан қувонч ёшлари шошқатор оқиб кетди, у қаттиқ ҳаяжонланганидан бўғзига бир нарса тикилгандай бўлиб, эрига бир оғиз ҳам гап айтмай, кўзларини юмганча унинг олдида жим турарди. Ўзининг чексиз муҳаббат ва садоқатини изҳор этган ҳолда, у эри олдида эгилиб сажда қилди, қалбида эса уни кучоқлаб бағрига босишни ўйлаб қўйди. У олтин маржон ва бошқа кўплаган тақинчоқлар тақиб олган эди. Бошқа канизаклар ўртасида турар экан, у худди ҳозиргина самовий ҳаво кемасидан тушиб турган бир фариштанинг рафикасига ўхшарди. Хотинининг бунчалик чиройли бўлиб кетганини кўриб брахман ҳайратга тушди, мулоимлик билан рафикасининг кўлидан охиста ушлаб, индамасдан у билан бирга сарой ичкарасига кирди. Брахман ўзининг хонаси ичига кириб кўрдики, бу даргоҳ худди осмон шоҳи Индранинг даргоҳидан қолишмасди. Сарой қимматбаҳо тошлар билан безатилган кўплаган устунлар билан ўралган эди. Ўтирғич ва каравотлар фил суягидан ясалган, олтин ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган, уларнинг устига ташлаб қўйилган кўрпа-тўшаклар сугдай оппоқ ва нилуфар гулидай юмшоқ эди. Ушлагичлари олтидан бўлган кўплаган елпиғичлар осилиб турарди, ҳар жой ҳар жойда устига нилуфардай юмшоқ ёстиқлар ташланган чиройли, катта ўтирғичлар қўйилган эди. Бир неча жойда марваридлар билан безатилган бахмал ва ипак арғимчоқлар осилиб турарди. Саройнинг поли энг қимматбаҳо мрамарга зумрад тошлардан нақш қўйиб ясалган эди. Саройдаги ҳамма аёллар қимматбаҳо тошлардан ясалган шамдонлар ушлаб юрардилар. Шамнинг ёғдуси ва гавҳарларнинг жилоси бирга қўшилиб, бутун атрофга ғайритабиий нур таратиб турарди. Турмуши қутилмаганда бундай ўзгариб, энди жуда бойиб кетганини кўриб, брахман бундай ўзгаришнинг сабабини излаб, буларнинг ҳаммаси қандай қилиб рўй бериши

мумкинлигини ўйлаб, жиддий фикр юрита бошлади.

У шундай ўйларди: "Мен умрим бино бўлгандан бери жуда камбағал, қашшоқ яшардим, шундай экан кутилмаганда бундай катта бойликка эга бўлишимнинг сабаби нимада? Мен бунга қадрдон дўстим, Йадавалар сулоласининг сардори Парвардигор Кришнанинг меҳрибон нигоҳидан бошқа бирор сабаб тополмайман. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, мен буларнинг ҳаммасига Парвардигор Кришнанинг кўрсатган бесабаб марҳамати туфайли эга бўлдим. Парвардигор Ўзига тўла бутун, У - равнақ фариштасининг эри, шу боис У ҳамиша баркамолликнинг олти турига эга. У Ўз бхактасининг қалбидаги ўйларини англай олади, шу боис бхактасининг ҳамма истакларини тўлиқ рўёбга чиқаради. Албатта буларнинг ҳаммаси дўстим Кришнанинг шарофати билан рўй берган. Менинг ажойиб қорамтир рангли дўстим Кришна сувлари билан катта океанни ҳам тўлдиришга қодир бўлган булутдан ҳам саховатлироқ. Дехқонни кундуз куни безовта қилмаслик учун булут фақат уни мамнун қилиш учунгина кечалари саховат билан далага мўл-кўл ёмғир ёғдиради. Шунга қарамай, дехқон эрталаб уйғонганида ёмғир етарлича кўп ёғмабди деб ўйлайди. Худди шундай, Парвардигор ҳам ҳар бир одамнинг истакларини унинг ҳаётда тутган ўрнига, эҳтиёжига қараб рўёбга чиқаради, шунга қарамай, Кришна онгига эга бўлмаган, Худони англаб етмаган кишининг кўзига Худонинг берган инъомлари ҳамиша унинг ўзи истганидан камроқдай бўлиб кўринаверади. Аксинча, Парвардигор Ўзининг содигидан муҳаббат ва садоқат билан таклиф этилган қандайдир арзиманган нарса олса ҳам, уни жуда буюк ва қимматбаҳо совға деб билади. Бунга менинг ўзим яққол мисол бўла оламан. Мен Унга бир неча дона гуруч майдасини инъом этган эдим, бунинг эвазига эса У менга ҳатто фаришталар шоҳи Индранинг бойлигидан ҳам кўпроқ бойлик ато этибди".

Аслини олганда бхакта тақдим этаётган нарсанинг Парвардигорга умуман кераги йўқ, У Ўзига тўла бутун, У ҳеч нарсага муҳтож эмас. Агар бхакта Парвардигорга бирор нарса тақдим этаётган бўлса, бу фақат унинг ўзи учун керак, чунки у Худога нимаики тақдим этса, бу бойликлар унинг ўзига минг, миллион марта кўпайиб қайтади. Бирор нарсани Парвардигорга тақдим этиш билан инсон ҳеч нарса йўқотмайди, аксинча миллион марта кўпроқ бойликка эга бўлади.

Брахман Парвардигор Кришна олдида ўзини чекиз қарздор ҳис қилган ҳолда шундай ўйларди: "Мен Худодан ялиниб илтижо қиламанки, Парвардигор Кришна менинг яқин дўстим бўлсин, токи мен умрлар оша ўз ихтиёримни бутунлай Унга топшириб Унга садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлай. Мен ҳамиша Унинг соф содиқлари билан бирга бўлишни истайман. Менинг ҳамма ишларим, бу-

тун фикру-хаёлларим ҳамиша Унга хизмат қилишга қаратилган бўлсин. Туғилмаган ягона Парвардигор Кришна яхши биладики, жуда кўп буюк зотлар моддий бойлик сабабли ўзларининг буюк мартабаларидан маҳрум бўлиб, тубанликка юз тутдилар. Шунинг учун, баъзан ҳатто бхакта Кришнадан бойлик тиласа ҳам, Кришна унга бойлик ато этмайди. Кришна Ўз бхакталарига жуда меҳрибонлик билан ғамхўрлик қилади. Садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришмаган бхакта ҳозир моддий оламда яшаб юргани сабабли, агар катта бойликка эга бўлса тубанликка юз тутиши мумкин бўлгани учун Парвардигор Кришна унга бойлик ато этмайди. Бу - Парвардигор Кришнанинг Ўз бхакталарига бўлган чекиз меҳрибонлигини яна бир бор намоён этишидир. Парвардигорнинг энг биринчи вазифаси - ўзининг содиқларини тубанликка юз тутишдан, тўғри йўлдан адашишдан химоя қилишдан иборат. У худди ҳали балоғатга етмаган ўғлига кўп пул бермайдиган, лекин ўғли балоғатга етиб пулни тўғри ишлатишни ўрганганда бутун мол-дунёсини унга ишониб топширадиган меҳрибон, ғамхўр отага ўхшайди".

Билимдон брахман Парвардигордан олган бундай катта бойликни ўзи ҳаётда лаззатланиб яшаш учун эмас, балки Худога садоқат билан хизмат қилиш учун ишлатиш керак деган хулосага келди. Брахман кутилмаган бу катта бойликни Худонинг марҳамати сифатида қабул қилиб олди, у таркидунёлик руҳида, ҳиссий лаззатларга муккасидан берилиб кетмасдан, лаззатли ҳаёт шароитига боғланиб қолмасдан бу дунёдаги моддий бойлик келтирадиган лаззатлардан роҳатланиб, хотини билан осойишта, хотиржам ҳаёт кечири бошлади. Худди шундай бизлар ҳам, агар Худонинг марҳамати билан қандайдир моддий бойликларга, шон-шухратга, ҳокимиятга, маълумотга, гўзалликка эга бўлиб қолсак, уларнинг ҳаммасини "Худонинг марҳамати" деб қабул қилиш бизнинг бурчимиз ҳисобланади. Улардан ҳаётда ҳиссий лаззатларга берилиб яшаш учун эмас, балки албатта Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида фойдаланишимиз лозим. Билимдон брахман ана шундай руҳий ҳолатда қолди, шунча катта бойликка эга бўлганига қарамай, унинг қалбида Кришнага бўлган муҳаббат ва садоқат туйғуси камайиш ўрнига кун сайин ортиб борарди. Инсон ўз ҳаётида ундан қандай мақсадда фойдаланаётганига қараб, моддий бойлик унинг тубанликка юз тутишига ёки руҳий юксалишга эришишига сабаб бўлади. Агар одам ўз бойлигидан ҳиссий лаззатларга берилиш учун фойдаланса, бойлик инсонни тубанликка ғарқ этади, агар инсон ўзининг бойлигидан Худога садоқат билан хизмат қилиш мақсадида фойдаланса руҳий юксалишга эришади.

Парвардигор Кришнанинг Судама Випрага бўлган муносабатидан кўриниб турибдики, брахманларга хос эзгу фазилатларга эга бўлган

одамлардан Худонинг Олий Шахси жуда мамнун бўлади. Судама Випра сингари муносиб брахман табиий равишда Парвардигор Кришнанинг бхактаси бўлади. Шунинг учун ҳам *брахмановашинаваҳ*, яъни "ҳақиқий брахман - вайшнаводир" деб айтадилар. Ёки баъзан *брахманахпандитаҳ* деб айтадилар. *Пандит* дегани "илмли билимдон киши" деганни билдиради. Ҳақиқий брахман нодон, илмсиз бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун брахманларнинг икки тоифаси бўлади вайшнавлар ва пандитлар. Фақат билимдонлиги, илми билан бошқалардан фарқ қиладиган брахманлар пандит ҳисобланадилар, лекин улар ҳали вайшнав, Худонинг содиқлари, бхакталари эмас. Парвардигор Кришна улардан унчалик мамнун эмас. Худонинг марҳаматига эришиш, Уни мамнун қилиш учун шунчаки билимдон олим брахман бўлишнинг ўзи етарли эмас. Ҳақиқий брахман "Шримад Бхагаватам" ва "Бхагавад-гита" сингари муқаддас китобларда кўрсатилган эзгу, олижаноб фазилатларга эга бўлибгина қолмасдан, у албатта Кришнанинг бхактаси бўлиши лозим. Бунга Судама Випра яққол мисол бўла олади. У - ҳиссий лаззатларнинг бирор турига боғланиб қолмаган муносиб брахман, айна пайтда у Кришнанинг буюк бхактаси эди. Барча қурбонлик маросимлари ва тавба-газаррулардан лаззатланадиган Парвардигор Кришна Судама Випра сингари брахманларни жуда қаттиқ севиб эъзозлайди. Парвардигор Кришна Судама Випрага кўрсатган илтифоти билан бизга Унинг шундай брахманларга бўлган муҳаббати қанчалик кучли эканини кўрсатиб қўйди. Шунинг учун, Судама Випра сингари брахман-вайшнав бўлиб етишиш - ҳар бир фаросатли инсон ҳаётининг энг олий мақсади бўлиши керак. Мана шу - ҳақиқий руҳий баркамолликнинг энг баланд чўққисидир.

Гарчи Парвардигор Кришна енгилмас бўлса ҳам, У Ўзининг севимли бхакталарига Ўзини енгил, мағлуб қилиш имкониятини беришни Судама Випра тушунарди. У Парвардигор Кришна ўзига қанчалик меҳрибон, марҳаматли эканини тушунар, шунинг учун ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйларга берилиб, илохий лаззатга ғарқ бўлиб юрарди. Парвардигор Кришна билан шундай узлуксиз алоқада бўлиб юргани туфайли, унинг қалби барча моддий иллатлардан бутунлай покланди ва тез орада руҳий салтанатга эришди; мана шу инсон ҳаётининг мукамал поғонасида юрган авлиё донишмандларнинг олий мақсади ҳисобланади. Шукадева Госвами айтадики, Парвардигор Кришна билан Судама Випра воқеасини тинглаган ҳар бир инсон Парвардигор Кришна Судама сингари бхакта-брахманларни қанчалик яхши кўришини билиб олади. Шунинг учун бу воқеани тинглаган ҳар бир фаросатли инсон аста-секин ўзида Судама Випраники сингари фазилатларни ривожлантира бошлайди ва шундай қилиб, Парвардигор Кришнанинг руҳий салтанатига эришади.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Парвардигор Кришнанинг брахман Судамага марҳамат кўрсатиши" деб аталадиган саксонинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

81. Парвардигор Кришнанинг Вриндаванликлар билан учрашуви.

Парвардигор Кришна ва Балорам ажойиб Дварака шаҳрида хотиржам ва осойишта яшаб юрган кунларнинг бирида табиатда жуда кам учрайдиган ҳодиса рўй берди: Куёш тўла тугилди. Бундай кун тугилиши ҳар бир *калта* охирида, яъни Тангри Брахманинг куни тугаган пайтда рўй беради. Ҳар бир *калта* охирида куёшни бутунлай булут қоплаб олади, тинмасдан ёққан ёмғир Сварғалокагача бўлган қуйи сайёралар тизимининг ҳаммасини сувга ғарқ қилиб юборади. Астрологик ҳисоб-китоблар асосида одамлар кун тугилиши содир бўлишини олдиндан билардилар, шунинг учун ҳамма эркагу-аёллар Курукшетрадаги *Саманта-панчака* деб аталадиган муқаддас жойда тўпланишга қарор қилдилар.

Саманта-панчака деган муқаддас саждагоҳ шуниси билан машҳурки, айнан шу ерда Парвардигор Парашурама жаҳондаги кшатрийларнинг ҳаммасини йигирма бир марта қириб ташлагандан кейин буюк қурбонлик маросими ўтказган. Парвардигор Парашурама ҳамма кшатрийларни ўлдирган, уларнинг қонлари дарё бўлиб оққан эди. Парвардигор Парашурама Саманта-панчакада катта беш ховуз қазиб, уларни кшатрийлар қони билан тўлдирган. Парвардигор Парашурама - *Вишну-таттва* тоифасига мансуб. "Ишопанишад"да айтилганидай *Вишну-таттва* тоифасидаги Зот бирор гуноҳ иш сабабли булганмайди, гуноҳга ботмайди. Шунга қарамай, Парвардигор Парашурама ҳар нарсага қодир бўлган Худонинг бир кўриниши, шу боис Унга ҳеч қандай гуноҳ таъсир қилмайдиган бўлса ҳам, У Ўзининг поклигини, бенуксон хулқини намоён этиб, кшатрийларни ўлдириш "гуноҳи"дан покланиш учун Саманта-панчакада буюк қурбонлик маросими ўтказди. Парвардигор Парашурама Ўзининг бу иши билан кўрсатиб кетганки, гарчи баъзида зарурат юзасидан амалга ошириш керак бўлса ҳам, ўлдириш - яхши амал эмас. Парвардигор Парашурама кшатрийларни ўлдиргани учун Ўзини гуноҳкор деб ҳисоблаган; шундай экан, ана шундай таъқиқланган, жирканч ишни қилиш билан оддий одамлар ўзини қанчалик гуноҳкор ҳис қилишлари лозим. Шундай қилиб, яққол кўриниб турибдики, тирик мавжудотларни ўлдириш бутун жаҳонда жуда қадим замонлардан бери таъқиқлаб қўйилган.

Кун тугилиши муносабати билан улуғ мартабали кишиларнинг барчаси мана шу муқаддас

саждагоҳга ташриф буюрдилар. "Шримад Бхагаватам"да ана шу буюк зотларнинг рўйхати қисман кўрсатиб ўтилган. Йадавдалар хонадонининг ёши улуғ аъзоларидан бу ерга Акрура, Васудева ва Уграсена, ёши кичиклардан Гада, Прадйумна, Самба шунингдек сулоланинг бошқа аъзолари ҳам бор эди. Улар бу ерга ҳаётда ўз бурчларини бажариб юрганда билиб-билмай содир қилган гуноҳларини ювиш ниятида келган эдилар. Йадавдалар сулоласининг деярли барча аъзолари Курукшетрага йўл олгани сабабли, Прадйумнанинг ўғли Анирудха, Йадавдалар қўшинининг бош саркардаси Критаварма сингари баъзи эътиборли зотлар, шунингдек Сучандра, Шука ва Сараналар шаҳарни кўриқлаб туриш мақсадида Дваракада қолдилар.

Йадавдалар хонадонининг барча аъзолари табиатан жуда хушбичим, чиройли зотлар эди, шундай бўлса ҳам, улар бўйнига олтин маржонлар, чиройли гулчамбарлар осиб, серҳашам либосларини кийиб, муносиб қуроллар билан қуролланиб Курукшетрага кириб келганларида уларнинг ўзига хос табиий гўзалликлари юз чандон кучайиб кетганди. Йадавдалар сулоласининг аъзолари Курукшетрага ўзларининг чиройли безатилган, худди фаришталарнинг самовий кемаларини эслатадиган, океан тўлқинларидай шиддат билан чопадиган қудратли отлар қўшилган жанг араваларида кириб келдилар. Уларнинг баъзилари бу ерга худди осмондаги булутлардай виқор билан ҳаракат қиладиган баҳайбат филларга миниб келган эдилар. Уларнинг рафиқаларини кўринишидан *видйадхараларни* эслатадиган сарвқомат йигитлар чиройли безатилган паланкинларда олиб келдилар. Курукшетрага тўпланганларнинг ҳаммаси осмондан тушган фаришталардай чиройли эди.

Курукшетрага келиб, Йадавдалар сулоласининг аъзолари шастраларнинг кўрсатмаларига қатъий риоя қилган ҳолда ювиниб покланиш маросимини ўтказдилар, кейин эса, содир этган барча гуноҳлари оқибатидан покланиш ниятида кун тутилган ҳамма вақт давомида оч юриб, рўза тутдилар. Ведалар маданиятининг ананъаларига кўра кун тутилган пайтда иложи борича кўпроқ садақа, хайр-эҳсон тарқатиш кераклиги сабабли Йадавдалар сулоласининг аъзолари браҳманларга юзлаб сигирлар садақа қилдилар. Бу сигирларнинг ҳаммасининг устига чиройли матолар ташланган бўлиб, улар жуда кўп такинчоқлар билан безатилган эди. Бу сигирларнинг оёқларидаги олтин қўнғирокчалар ва бўйнига осилган чиройли гулчамбарлар алоҳида ажралиб турарди.

Йадавдалар сулоласининг барча аъзолари Парвардигор Парашурама қазиган ҳовузларда яна бир бор чўмилиб покландилар. Шундан сўнг улар браҳманларни сариеғда пиширилган энг танқис таомлар билан меҳмон қилдилар. Ведалар маданиятида таомлар икки тоифага бўлинади: хом таом, иккинчиси - пишган таом. Хом таом деганда пишмаган сабзавот ва донларни тушун-

маслик керак, сувда қайнатилган таомлар хом таом деб аталади. Сариеғда қайнатилган, ковурилган таомлар - пишган таомлар деб аталади. Чапати, дал, гуруч ва сабзавотлар ҳам худди мева ва салатлар сингари пишмаган таомлар тоифасига киради. Пури, качури, сангоси, ширин шариклар ва шу каби ёғда пиширилган таомлар пишган таомлар деб аталади. Крукшетрадаги қурбонлик маросими муносабати билан таклиф этилган браҳманларнинг ҳаммасини Йадавдалар сариеғда пишган тансиқ таомлар билан меҳмон қилдилар.

Йадавдалар сулоласи ўтказётган сиғиниш маросимлари ҳам сиртдан қараганда *карми* (дунёвий одам)лар ўтказадиган маросимларга ўхшаб кетарди. *Карми* бирор қурбонлик маросими ўтказганда, бу маросим эвазига бирор моддий манфаат кўришни - юқори лавозимга, яхши хотинга, данғиллама уйга, саодатли фарзандлар ёки катта мол-дунёга эга бўлишни олдига мақсад қилиб қўяди, аммо Йадавдаларнинг нияти бошқа эди. Улар ўзларининг мангу муҳаббат ва садоқатини Кришнага изҳор этмоқчи эдилар. Йадавдалар сулоласининг барча аъзолари буюк бхакталар эди. Шу сабабли улар жуда кўп умрлар ва эзгу ишлардан кейин Парвардигор Кришна билан бирга яшаб, бевосита мулоқотда бўлиш имкониятига эга бўлдилар. Муқаддас Курукшетра саждагоҳида ювиниб покланишга бораётганда ҳам, кун тутилганда риоя қилиш лозим бўлган қонун-қоидаларга амал қиладиганда ёки браҳманларни меҳмон қиладиганда ҳам, қандай иш билан машғул бўлсалар ҳам уларнинг қалби ҳамиша Кришнага бўлган муҳаббат туйғусидан сармаст бўлиб юрарди. Улар сиғиниб юрган комил Зот, ягона Парвардигор фақат Кришна эди, улар бошқа бирор Зотга сиғинмасдилар.

Одатда маросим ўтказган одам браҳманларни меҳмон қилиб бўлиб, уларнинг рухсати билан ўзи ҳам Худонинг марҳамати - прасадамдан тотиши мумкин. Шундай қилиб, браҳманлардан рухсат сўраб, Йадавдаларнинг ҳаммаси прасадам билан қоринларини тўйғазиб олдилар. Кейин улар дам олиб ҳордиқ чиқариш учун катта дарахт соясини танладилар, дам олиб бўлгандан кейин меҳмонларни қабул қилишга тайёгарлик кўра бошладилар. Меҳмонлар орасида уларнинг дўстлари, қариндошлари ва уларнинг қўл остида бўлган шоҳ ва ҳукмдорлар бор эди. Улар орасида Матсйа, Ушинара, Кошала, Видарбха, Куру, Сринжайа, Камбоджа, Кекайя вилоятларининг ҳамда бошқа кўплаган давлат ва вилоятларнинг ҳукмдорлари бор эди. Баъзи ҳукмдорлар уларга душманлик кўзи билан қарар, бошқалари эса дўстона муносабатда эдилар. Аммо бу ердаги энг қадрли меҳмонлар албатта Вриндаван аҳолиси эди. Нанда Махараж бошлиқ Вриндаваннинг бутун аҳолиси Кришна ва Балорамдан йироқда, Улар билан айрилиқ азобидан қаттиқ изтироб чекиб юрардилар. Кун тутилиши баҳонаси билан уларнинг ҳаммаси ўзларининг арзандалари

Кришна билан Балорамни кўриб олиш умидида Курукшетрага келган эдилар.

Йадавалар сулоласининг яқин дўстлари бўлган Вриндаван аҳолиси улар билан жуда қадрдон эдилар. Узоқ вақт давом этган айрилиқдан кейин бу икки томоннинг ўзаро учрашуви жуда ҳаяжонли бўлган эди. Йадавалар ҳам, Вриндаванликлар ҳам бир-бирлари билан учрашиб суҳбатлашишдан шунчалик хурсанд эдиларки, сиртдан караганда бу жуда ғайритабиий ҳодиса бўлиб кўринарди. Узоқ давом этган ҳижрон азобидан кейин бир-бири биландийдор кўришганидан улар жуда хурсанд эдилар, уларнинг қалби қувончдан яйраб кетган, юзлари эндигина очилган нилуфар гулларини эслатарди. Уларнинг кўзларидан тинмай қувонч ёшлари оқар, танасидаги туклари хурпайиб кетган, қаттиқ ҳаяжонга тушганидан уларнинг тили калимага келмай қолганди. Бошқача қилиб айтганда улар чексиз илоҳий бахт уммониға ғарқ бўлган эдилар. Шу тариқа эркалар бир-бирларини қарши олдилар, аёллар ҳам бир-бирлари билан учрашганидан жуда хурсанд эдилар. Улар юзида илиқ табассум, қалбида чуқур муҳаббат билан, бир-бирига меҳр тўла нигоҳ ташлаб бир-бирларини дўстона меҳр билан кучоклаб бағрига босдилар. Бир-бирларини бағрига босиб кучоклаганларида кўкракларига сепилган кункума ва шафран бир аёлдан иккинчи аёлга ўтиб, уларнинг ҳар бири қалбида ёқимли самовий ҳаяжон туйғусини ҳис қиларди. Меҳр тўла бундай кучоклашишдан уларнинг кўзларидан оққан меҳр ёшлари юзларини намларди. Ёши кичиклар ёши катталарга эҳтиром билан иззат кўрсатар, ёши катталар эса ёши кичикларни дуо қиларди. Шу тарзда улар бир бири билан учрашиб, қуюқ ҳол-аҳвол сўрашарди. Лекин уларнинг ҳамма гаплари оқибат-натигада фақат Кришна ҳақида бўларди. Барча қўшнилар ва қариндошлар Парвардигор Кришнанинг бу дунёда намойиш этган илоҳий эрмаклари билан боғлиқ эди, шу боис Кришна уларнинг ҳамма фаолиятининг марказида эди. Уларнинг бутун фаолияти - хоҳ ижтимоий, хоҳ сиёсий, хоҳ диний ёки дунёвий соҳада бўлсин - илоҳий поғонадаги амаллар эди.

Инсон ҳаётининг ҳақиқий улуғворлиги илм ва боғланмасликка асосланган бўлади. "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида айтилганидек, агар инсон Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юрган бўлса, у табиий равишда, ўзидан ўзи мукамал илмга ва боғланмаслик фазилатига эга бўлади. Йадавалар сулоласининг ва Вриндаванлик подачиларнинг бутун фикру-хаёли Кришнага қаратилган эди. Мукамал илмга эга кишининг белгиси шундай бўлади. Уларнинг акли ҳамиша Кришнада мужассам бўлгани туйғули улар табиий равишда барча дунёвий ишлардан озод эдилар. Шрила Рупа Госвами инсон ҳаётининг ана шу босқичини *йукта-вайрагья* деб атаган. Шунинг учун илм ва боғланмаслик

қандайдир мавҳум, хом хаёл ёки ҳар қандай фаолиятни бутунлай тарк этиш дегани эмас. Аниқроғи бунда инсон фақат Кришна билан боғлиқ бўлган ишларни қилиб, Кришна билан боғлиқ нарсалар ҳақида гапириши лозим.

Шу куни Курукшетрада ака-сингил Васудева билан Кунти-деви узоқ айрилиқдан кейин учрашдилар, уларнинг ўғиллари, келинлари, хотин, бола-чақалари ва оиланинг бошқа аъзолари ҳам учрашдилар. Ўзаро суҳбатга берилиб кетиб, улар орадан сал вақт ўтмай ўзларининг бошидан кечирган барча мусибатларини эсдан чиқариб юбордилар. Кунти-деви акаси Васудевага шундай сўзлар билан мурожаат қилди: "Эй азиз акажон, мен жуда бахтиқаро одамман, чунки ҳали орзуларимнинг бирортаси ҳам ушалгани йўқ; акс ҳолда сен - менинг қадрдон акам, авлиё ва ҳар томонлама комил инсон бўлатуриб, мендан бошимга катта бахтсизликлар тушганда уларга қандай бардош берганим ҳақида бир оғиз ҳам сўрамаган бўлармидинг?" Кунти-деви Дхритараштра ва Дурйодхоннинг шум ниятлари сабабли ўзи ва ўғиллари сургунда ўтказган қора кунларни назарда тутаётган бўлса керак. У гапида давом этди: "Эй қадрдон акажон, тақдир-тақозоси билан омад юз ўгириб, мусибатга тушган одамни ҳатто яқин қариндошлари ҳам унутиб юборишини мен тушунаман. Бошига оғир кунлар тушган одамни ҳатто ота-онаси ёки қадрдон фарзандлари ҳам эсдан чиқариб юборадилар. Шунинг учун мен сени айбламайман, акажон!"

Сингисининг гапларига Васудева шундай деб жавоб берди: "Эй қадрдон синглим, хафа бўлма, мени бундай айблама. Ҳеч қачон эсингдан чиқармаки, бизлар шунчаки тақдир кўлидаги ўйинчоқлармиз, холос. Бизларнинг ҳаммамиз Худонинг Олий Шахси ҳукми остидамиз. Фақат Унинг ҳукми билан бу дунёда ҳар қандай кармали фаолият ва шу фаолиятга мос бўлган оқибатлар юзага келади. Эй азиз синглим, биласанки шоҳ Камса бизларга сира тинчлик бермай қўйганди, у зулм ўтказиб бизларни дунёнинг турли чеккаларига тарқатиб юборган эди. Бизлар ҳамиша хавотир остида яшардик. Худонинг марҳамати билан бизлар ҳали яқиндагина ўз уйларимизга қайтдик".

Ана шу суҳбатдан кейин Васудева билан Уграсена ўзлари билан учрашувга келган шоҳларни муносиб иззат-иқром билан қабул қилдилар. Шу ерда иштирок этаётган Парвардигор Кришнани кўриб меҳмонларнинг ҳаммаси илоҳий лаззатга ғарқ бўлиб, қалблари ором олди. Меҳмонлар орасида буюк зотлар бор эди: Бхишмадева, Дроначарйа, Дхритараштра, Дурйодхон, Гандхари ўзининг ўғиллари билан; шоҳ Юдхиштхира рафиқаси билан, Кунти ва пандузодалар. Сринжайа, Видура, Крипачарйа, Кунтибхожа, Вирата, шоҳ Нагнаджит, Пуруджит, Друпанда, Шалйа, Дхриштaketу, Каши шоҳи, Дамагхоша, Вишалакша, Митхила шоҳи, Мадрас(қадимги Мадр) шоҳи, Кекайя шоҳи, Йудхаманйу, Сушарма, Бах-

лика ўғиллари билан ва Юдхиштхира ҳукми остида бўлган бошқа кўплаган ҳукмдорлар бор эди.

Улар Ўзининг минглаган маликалари билан шу ерда иштирок этаётган Парвардигор Кришнани кўрганларида бундай ғайритабиий гўзаллик ва илоҳий ғаройиботни кўриб қалбида чуқур мамнуният ҳис қилдилар. Бу ерга келганларнинг ҳаммаси Парвардигор Кришна ва Балорамни шахсан келиб кўрдилар. Парвардигор муносиб қабул қилгандан кейин улар Йадавалар сулоласини, айниқса Кришна билан Балорамни олқишлай бошладилар. Бҳоджа шоҳи бўлган Уграсена Йадавалар сардори эди, шу боис меҳмонлар асосан унга мурожаат қилардилар: "Эй Йадавалар ҳукмдори, эй Бҳоджа шоҳи Уграсена, ҳар жихатдан комил бўлган сенинг улуғворлигинг - бу дунёда ягона. Сизларга шон-шарафлар бўлсин! Сизларга шон-шарафлар бўлсин! Сизларнинг алоҳида таҳсинга лойиқ бўлган баркамоллигингиз шундан иборатки, кўплаган сеҳргар-йоглар узоқ йиллар риёзат чекиб, тавба-тазарру қилиб излаб эриша олмай юрган Парвардигор Кришнани сизлар ҳамиша кўз олдингизда бевосита кўриб юрасизлар. Сизларнинг ҳаммангиз ҳамиша Парвардигор Кришна билан бевосита алоқада бўлиб юрасизлар".

Барча ведавий мадҳияларда Худонинг Олий Шаҳси Парвардигор Кришна олқишланади. Ганганинг сувлари муқаддас ҳисобланади, чунки унинг сувлари Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини ювиб туради. Ведавий муқаддас китоблар - Парвардигор Кришнанинг кўрсатмаларидир. Ведаларни ўрганишдан мақсад - Кришнани англаб олиш; шунинг учун Кришнанинг гаплари ва Унинг эрмаклари ҳақидаги ҳикоялар инсон қалбини барча иллатлардан поклайди. Замона зайли ва тақдир тақозоси билан бутун оламнинг ҳамма бойликлари ер юзидан деярли йўқолиб бораётган эди, лекин Кришна бу сайёрага ташриф буюргандан бери Унинг нилуфар қадамлари пойи тегиши шарофати билан ер юзида яна фаровонлик аломатлари пайдо бўла бошлади. Ер юзида Унинг борлиги шарофати билан бизларнинг барча орзу-ниятларимиз аста-секин рўёбга чиқяпти. Бҳоджа шоҳи билан Йадавалар шоҳи ўзаро никоҳ ва қон-қардошлик ришталари билан боғланган. Эй Уграсена, шу боис сен ҳамиша Парвардигор Кришна билан бирга бўласан, истаган вақтингда Уни кўра оласан. Парвардигор Кришна сен билан бирга юради, сен билан суҳбатлашади, бирга дам олади, бирга овқатланади. Сиртдан қараганда Йадавалар ҳам бошқалар сингари, инсонни тўғридан-тўғри дўзахга олиб борадиган дунёвий ишлар билан машғулдай бўлиб кўринади, аммо Вишну тоифасига кирадиган азалий Худо Шаҳси, ҳар нарсага қодир, ҳамма жойга сингиб кетган, ҳар нарсадан хабардор Парвардигор Кришна сизлар билан бирга бўлгани туфайли сизлар ҳар қандай моддий иллатлардан бутунлай поксизлар, айна пайт-

да руҳий озодлик ва илоҳий Брахман поғонасидасизлар".

Кун тутилган пайтда Кришна Курукшетрада бўлиши ҳақидаги хабарни эшитгандан кейин Нанда Махараж бошлиқ бутун Вриндаван аҳолиси ҳам шу ёққа боришга қарор қилди. Худди шундай Йадаваларнинг ҳам бутун хонадони шу ерга тўпланган эди. Подачилари ҳамроҳлигида Нанда Махараж ҳўкиз кўшилган араваларга барча зарур анжомларни юклади, шундай қилиб, бутун Вриндаван аҳолиси сеvimли ўғиллари Парвардигор Кришна ва Балорам билан учрашиш ниятида Курукшетрага йўл олдилар. Вриндаванлик подачилар Курукшетрага етиб келганида Йадаваларнинг барча аъзолари жуда хурсанд бўлдилар. Вриндаванликларга кўзи тушган заҳоти уларнинг ҳаммаси уларни қарши олиш учун ўринларидан турдилар, улар гўё ҳаётга қайтадан келгандай эдилар. Улар ҳам, булар ҳам бу учрашувни жуда кўп вақтдан бери орзиқиб кутиб юардилар, ниҳоят улар бир-бирлари билан учрашар экан, бор кучи билан бир-бирларини кучоқлаб бағрига босиб, узоқ вақт кўйиб юбормай турдилар.

Васудева Нанда Махаражга кўзи тушиши билан ўрнидан сакраб туриб, олдига чопиб бориб меҳр билан уни кучоқлаб бағрига босди. Васудева ўзининг бошидан ўтган воқеаларни гапириб бера бошлади: шоҳ Камса зиндонга ташлагани, янги туғилган фарзандларини бирин-кетин ўлдиргани, Кришна туғилган заҳоти Уни Нанда Махаражнинг саройига олиб боргани, Кришна билан Балорам Нанда Махараж ва унинг маликаси қўлида худди уларнинг фарзандидай ўсиб-улғайгани ҳақида гапириб берди. Парвардигор Кришна ва Балорам ҳам шоҳ Нанда ва Йашода онани кучоқладилар, кейин уларнинг нилуфар қадамлари пойига бош эгиб эҳтиром кўрсатдилар. Нанда ва Йашодага нисбатан қалбида жўш урган фарзандлик меҳр-муҳаббати туйғусидан Парвардигор Кришна ва Балорамнинг овозлари бўғилиб, бир пас гапира олмай қолдилар. Қалби қувончга тўлган Нанда ва Йашода кадрдон ўғилларини тиззаларига ўтказиб, бор кучи билан Уларни бағрига босардилар. Кришна ва Балорамдан айрилиб, Нанда ва Йашода жуда узоқ вақтлардан бери оғир изтироб чекардилар. Энди эса, Уларни учратиб, бағриларига босганларида улар барча чеккан изтиробларини бутунлай унутиб юборган эдилар.

Шундан сўнг Кришнанинг онаси Деваки, Балорамнинг онаси Роҳини иккови ҳам Йашода онани кучоқлаб бағрига босдилар. Улар Йашодага шундай дедилар: "Эй азиз малика Йашодадеви, сен ҳам, Нанда Махараж ҳам бизларга энг яқин дўстсизлар, биз сизларни эслаган заҳоти сизларнинг қилган яхшиликларингиз кўз олдимизга келади. Бизлар сизларнинг олдингизда шунчалик қарздормизки, ҳатто осмон шохининг бутун бойлигини берсак ҳам сизларнинг қилган дўстона яхшилигингизни муносиб кадрлай олма-

ган бўлардик. Бизлар ҳеч қачон сизларнинг бу дўстлигингизни унутмаймиз. Кришна билан Балорам туғилган заҳоти, ҳали Ўз ота-онасини кўрмай туриб сизларга ишониб топширилган эди. Қуш ўз уясидаги полапонларини парваришлаганидай, сизлар ҳам Уларни худди ўз фарзандларингиздай меҳр билан тарбияладинглар. Сизлар Уларни боқдинглар, яхши кўриб севдинглар, келажакда Улар бахтли бўлишлари учун турли диний маросимлар ўтказдинглар.

Аслини олганда Улар бизларнинг ўғилларимиз эмас, Улар сизларнинг ўғилларингиз. Кришна билан Балорамнинг ҳақиқий ота-онаси Нанда Махараж билан сен ўзинг бўласизлар. Улар сизларнинг қўл остингизда бўлган пайтларда озгина бўлса ҳам қийинчилик кўрмай ўсдилар. Сизларнинг ҳимоянгиз остида улар кўрқув нималигини билмай ўсдилар. Уларга нисбатан сизларнинг кўрсатган бу меҳрибонлигингиз сизларнинг улуғвор мартабангизга тўла мос келади. Фақат энг олижаноб, буюк инсонлар бошқаларнинг фарзандларини ҳам худди ўз фарзандларидай кўра оладилар, шундай экан бу дунёда сен ва Нанда Махараждан ҳам олижаноброқ инсон топиладими?"

Вриндаванлик гопилар бўлса, умрининг биринчи кунларидан бошлаб Кришнадан бошқа ҳеч қим, ҳеч нарса билан қизиқмаганлар. Кришна билан Балорам уларнинг ҳаёт-мамоти, жонудили эди. Гопилар Кришнага шунчалик қаттиқ боғланиб қолган эдиларки, улар Кришнани ҳатто кўзлари пирпираб, қовоқлари табиий равишда бир пасга юмилган лаҳзада кўролмаб қолгани учун ҳам қаттиқ афсусландилар. Улар кўзлари ҳадеб пирпирайвериб Кришнанинг жамолини узлуксиз кўришга халақит берганидан, шундай носоз кўзларни яратгани учун Тангри Брахманни койир эдилар. Шунча йиллар Кришна билан айрилиқ, ҳижрон азобидан изтироб чекиб юрган, энди эса Нанда Махараж ва Йашода она билан бирга Курукшетрага келган гопилар Кришнани кўриб чуқур илоҳий лаззатли жазавага тушган эдилар. Улар Кришнани кўрган заҳоти кўзлари билан Уни ютиб олиб қалбининг тўрига жойлаб қўйдилар ва ўзлари истаганча Уни кучоқлаб бағрига босдилар. Улар Кришнани фақат ҳаёлида бағирларига босган бўлсалар ҳам, шунчалик хурсанд бўлиб, шунчалик илоҳий лаззатга ғарқ бўлдиларки, анча вақтгача ўзларини бутунлай йўқотиб қўйдилар. Улар Кришнани шунчаки ҳаёлан бағрига босгани туфайли тушган илоҳий жазавали ҳолатига ҳатто Худонинг жамолини ҳамини қалбида томоша қилиб юрадиган буюк йоғлар ҳам эриша олмайдилар. Гопилар Уни ҳаёлан кучиб бағрига босганлари туфайли чуқур жазавали лаззатга ғарқ бўлганини Кришна тушунарди, шу боис, ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлгани учун Ўзи ҳам уларнинг қалбида туриб уларнинг кучоқлашига муносиб жавоб берди.

Кришна онаси Йашода ҳамда бошқа оналари - Деваки ва Рохини билан бирга ўтирарди. Аёллар ўзаро суҳбатга берилиб кетганида, фурсатдан фойдаланиб, Кришна гопилар билан учрашиб олиш учун хилват жойга йўл олди. Гопиларга яқинлашар экан Парвардигор майин табассум билан жилмайиб, уларни кучоқлаб, ҳол-аҳвол сўраб туриб, шундай сўзлар билан уларнинг кўнглини кўтара бошлади: "Эй Менинг энг азиз дугоналарим, биласизларки, Парвардигор Балорам ва Мен қариндошларимизни, оиламиз аъзоларини мамнун қилиш учунгина Вриндаванни тарк этган эдик. Узоқ вақт бизлар душманларимиз билан жанг қилиб юриб, Менга шунчалик ширин муҳаббат билан қаттиқ боғланиб қолган сизларни унутишга мажбур бўлдик. Бу билан Мен худди яхшиликни билмайдиган оқибатсиз одамнинг ишини қилганимни тушунаман, лекин Мен шуни яхши биламанки, сизлар барибир Менга содиқ бўлиб қолгансизлар. Мен сизлардан бир нарсани сўрамоқчиман, гарчи Бизлар сизларни ташлаб кетган бўлсак ҳам, сизлар Бизларни ҳеч эсладингларми? Эй азиз гопилар, балки ҳозир сизларга Мен ҳақимда ўйлаш умуман ёқмайдиган бўлса керак, чунки сизлар Мени сизларга нисбатан ноҳақлик, номардлик қилди деб ўйлайсизлар. Менинг сизларга нисбатан кўрсатган ана шу аҳмокона муносабатимни сизлар жиддий қабул қилдингларми?"

Охир-оқибатда Менинг ҳеч қачон сизларни ташлаб кетиш ниятим йўқлигини сизлар билишингиз керак; бизларнинг бир-биримиздан айрилишимиз тақдирнинг бешафқат тақозоси билан юз берган эди. Тақдир ҳаммининг ҳаётини бошқариб, ҳар кимни ўзи истаган қўйга солиб туради. Тақдир ҳар хил одамларни бир-бири билан учраштиради, кейин эса, ўз хоҳиши билан яна уларни бир-биридан ажратиб юборади. Баъзида шуни кузатишимиз мумкинки, кучли шамол турганда чанг ва майда пахта зарралари бирга қўшилиб осмонга қўтарилади, шамол тингач эса бир-биридан айрилиб, алоҳида-алоҳида бўлиб ҳар ер - ҳар ерга тушадилар. Худди шундай Парвардигор - бутун борлиқнинг яратувчиси дир. Биз атрофимизда кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг ҳар хил қувватларининг намоён бўлишидир. Унинг олий амри билан бизлар баъзида бирга бўламиз, баъзида бир-биримиздан айриламиз. Биз бундан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, бизнинг ҳаётимиз ҳамини бутунлай Худонинг амру-иродасига боғлиқ.

Яхшиямки, сизлар қалбингизда Менга нисбатан қаттиқ муҳаббат ва боғланиш туйғусини ривожлантиргансизлар, мана шу - Мен билан илоҳий поғонада бевосита ҳамсуҳбат бўлиш имконини берадиган ягона йўлдир. Менга нисбатан қалбида ана шундай садоқатли пок муҳаббат ривожлантира олган ҳар қандай тирик мавжудот охир-оқибатда албатта ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб боради. Бошқача қилиб

айтганда, фақат Менга соф садоқат билан хизмат қилиш ҳамда Менга бўлган илоҳий муҳаббат туйғусигина тирик мавжудотнинг олий озодликка чиқишига сабаб бўла олади.

Эй Менинг қадрдон гопи дугоналарим, сизлар билсангиз керакки, ҳамма жойда турлича ҳаракат қилиб турган нарсалар - шунчаки Менинг қувватларимдир. Масалан, лойдан ясалган кўзани олайлик. Кўза аслида - ер, сув, олов, ҳаво ва осмоннинг бирикмаси, холос. Кўза ҳамиша, кўза бўлиб турганда ҳам, синиб парчаланиб кетганда ҳам барибир ана шу моддий унсурлардан таркиб топган бўлади. Кўза яратилганда ер, сув, олов, ҳаво ва осмондан таркиб топган бўлади; уни синдириб майдалаб ташлаганларида эса, унинг таркибий қисмлари барибир ҳар хил моддий қувват таркибида мавжуд бўлиб қолаверади. Худди шундай бу намоён бўлиб турган космик олам яратилганда ҳам, мавжуд бўлиб турганда ҳам, яксон бўлгандан кейин ҳам - ҳамиша Менинг қувватимнинг намоён бўлиб турган ҳар хил кўринишлари бўлиб қолаверади. Менинг қувватим Мендан ажралмаган бўлгани сабабли, Мен ҳамиша ҳамма жойда, ҳамма нарсада мавжуд эканимни тушуниб олиш керак.

Шунингдек, тирик мавжудотнинг танаси ҳам беш моддий унсурнинг бирикмасидан бошқа нарса эмас, моддий шароитга тушиб шартланиб қолган тирик мавжудот ҳам Менинг ажралмас бир заррачамдир. Тирик мавжудот ўзини "олий лаззатланувчи" деб билгани сабабли ҳозир моддий шарт-шароит зиндонида жойлашган. Тирик мавжудотнинг моддий ҳаёт зиндонига тушиб қолишига унинг ана шу сохта ўзлиги сабаб бўлган. Олий Мутлақ Ҳақиқат сифатида Мен тирик мавжудотга нисбатан ҳам, унинг моддий таналарни алмаштиришларига нисбатан ҳам илоҳий ҳолатдаман. Икки қувват - моддий ва руҳий қувват ҳам Менинг олий ҳукмим остида ҳаракат қилади. Менинг азиз гопиларим, сизлардан илтимос, ҳар хил кайғу-ҳасратга берилиб юргандан кўра, ҳаётда ҳамма нарсани фалсафий нуқтаи-назардан қабул қилишга ҳаракат қилинлар. Шунда сизлар ҳамиша Мен билан бирга эканингизни, бизлар бир-биримиздан айрилишимиз изтироб чекиб кийналишимизга сабаб бўлолмаслигини тушуниб оласизлар".

Парвардигор Кришнанинг гопиларга айтган мана шу муҳим насиҳатлари ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган барча бхакталарга жуда фойдали. Бизларнинг ҳаёт ҳақидаги фалсафамиз англаб бўлмас қарама-қаршилик, "бир вақтнинг ўзида ҳам бир бўлиш, ҳам бир-биридан фарқ қилиш", яъни "қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва фарқи" ғоясига асосланган. Парвардигор "Бхагавад-гита"да айтганки, У ўзининг шахсиятсиз кўринишида ҳамма жойда мавжуд. Ҳамма нарса Унда жойлашган, шунга қарамай У ҳамма жойда мавжуд. Коинот Кришнанинг қувватининг намоён бўлган кўриниши, қувват ўзининг манбаидан фарқ қилмагани сабабли, ундаги бирор

нарса Кришнадан фарқ қилмайди. Ана шундай мутлақ онгга, Кришна онгига эга бўлмаган пайтда биз Кришнадан ажралган бўламиз; ана шундай онгга, Кришна онгига эга бўлган пайтда эса биз ҳамиша Кришна билан биргамиз. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни қалбимизда ана шундай Кришна онгини уйғотишдан иборат. Агар бхакта бахти келиб моддий қувват ҳам Кришнадан ажралган ҳолда мавжуд бўлолмаслигини англаб етса, у моддий қувватни ҳам, унинг турли маҳсулотларини ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишда ишлата олади. Лекин Кришна онгига эга бўлмаган, Худони англаб етмаган, унутувчан тирик мавжудот, гарчи Кришнанинг ажралмас бир заррачаси бўлса ҳам, ўзини "моддий оламдан лаззатланувчи зот" ҳолатида тасаввур қилади, шу тариқа моддий нарсаларга илакишиб, моддий қувват таъсири остида бу дунёда моддий тирикчилик қилишда давом этаверади. Бу ҳақиқат ҳам "Бхагавад-гита"да тасдиқланган. Гарчи тирик мавжудот моддий қувват таъсири остида ҳаракат қилишга мажбур бўлса ҳам, у адашганидан ўзини "олий лаззатланувчи", "борлиқнинг ҳукмдори" деб ҳисоблайди.

Агар *бхакта арча-виграха*, яъни храмдаги Парвардигор Кришнанинг тасвири ҳам худди Кришнанинг ўзи сингари *сач-чит-ананда-виграха* эканини мукамал англаб етса, унинг Эҳромда Кришнанинг муртига хизмат қилиши бевосита Худонинг Олий Шахсининг ўзига хизмат қилиш бўлади. Худди шундай Эҳромнинг ўзи ҳам, Эҳромнинг барча анжомлари ҳам, мурти(Илох)га тақдим этилган таом ҳам Кришнадан фарқ қилмайди. Инсон ҳаётда руҳий устозининг, *ачарй*ларнинг кўрсатган қонун-қоидаларига риоя қилиб яшаши лозим, шунда уларнинг раҳбарлиги остида ҳатто моддий оламда яшаб туриб ҳам Кришнани мукамал англаб етиш мумкин бўлади.

Гопилар, Кришна баён этган "бир вақтнинг ўзида бирлик ва бир-биридан фарқ қилиш" фалсафасини тинглаб туриб, ҳаётда ҳамиша Кришна онги билан яшаб юрдилар, шу тарзда ҳар қандай моддий иллатлардан бутунлай покландилар. Адашганидан ўзини "моддий оламда лаззатланувчи зот" деб юрган тирик мавжудотнинг онги *жива-коша* деб аталади. Бу - тирик мавжудотнинг сохта ўзлик чангалида эканини билдиради. Фақат гопилар эмас, Парвардигор Кришнанинг мана шу насиҳатларига диққат билан кулоқ солган, ҳаётда уларга амал қилиб яшаган ҳар қандай инсон ҳам *жива-коша* чангалидан озодликка чиқади. Кришна онгига эга бўлган киши ҳамиша сохта ўзлик чангалидан озод бўлади; у ҳаётидаги ҳамма нарсани Кришнага садоқат билан хизмат қилиш учун ишлатади, шу боис ҳеч қачон Кришнадан айрилмайди.

Шундай қилиб, гопилар Кришнага шундай илтижо қилдилар: "Азизим Кришна, Сенинг киндигингдан бошланғич нилуфар гули ўсиб чиқди,

ундан бу оламини яратган Брахма туғилди. Хеч ким Сенинг улуғворлигинг, Сенинг буюклигинг, шон-шухратингни охиригача англаб етолмайди, шу боис улар ҳатто барча сеҳр кудратига эга бўлган буюк донишмандлар учун ҳам сир бўлиб қолаверади. Лекин, барибир бу моддий оламнинг чуқур қудуғига тушиб қолган шартланган руҳ ўзига ҳимоя тилаб осонлик билан Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига илтижо қилиши мумкин. Шунда унинг руҳий озодликка чиқиши кафолотланган бўлади. Азизим Кришна, бизлар ҳамиша уй ишлари билан бандмиз. Шунинг учун Сендан илтимос қиламизки, худди чиқаётган куёшга ўхшаб ҳамиша бизларнинг қалбимизда қол! Сенинг бизларга кўрсатган буюк марҳаматинг шу бўлсин!"

Гопилар мангу руҳий озодликда юрган руҳлардир, чунки улар ҳамиша Кришна онгига гарк бўлиб юрадилар. Улар ўзлари шунчаки "биз ҳамиша уй ишлари билан бандмиз" деб айтяптилар. Шунча вақт айрилиқда ҳижрон азобини чекиб юрганларига қарамай, Кришна билан бирга Унинг пойтахт шаҳри Дваракага бориш Вриндаван аҳолисининг, гопиларнинг ҳаёлига ҳам келмади. Улар ҳамиша уй ишлари билан банд бўлиб Вриндаванда қолишни, шу тарика ҳаётининг ҳар бир лаҳзасида Кришна билан бирга эканини ҳис қилиб яшашни истардилар. Улар Кришнани ҳозироқ Вриндаванга боришга таклиф қилдилар. Гопиларнинг ана шу илоҳий ҳолати, ҳиссий, ақлий ҳаёти Парвардигор Чайтанья таълимотининг асосини ташкил этади. Парвардигор Чайтанья ташкил этган *ратха-йатра* байрами маросими пайтида ана шундай ҳаяжонли маросим бўлиб ўтади, унда Кришнани Вриндаванга қайтариб олиб борадилар. Шримати Радхарани Кришна билан шоҳона дабдабали саройда лаззатланиб яшаш учун Дваракага боришдан бош тартади, у Кришна билан аввалгидай, Вриндаванда оддий қишлоқ шароитида бирга бўлишни истайди. Гопиларга қаттиқ боғланиб қолган Парвардигор Кришна ҳеч қачон Вриндаванни тарк этиб кетмайди, гопилар ҳам, Вриндаванда яшайдиган бошқа бхакталар ҳам ҳаётда Кришна онги билан яшашдан тўла мамнуният ҳосил қилиб юрадилар.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Парвардигор Кришнанинг Вриндаванликлар билан учрашуви" деб аталадиган саксон биринчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланди.

82. Драупадининг Кришнанинг маликалари билан учрашуви

Кришнани кўриш учун жуда кўп меҳмонлар келган эди, улар орасида шоҳ Юдхистхира бошлиқ Пандузодалар ҳам бор эди. Гопилар би-

лан суҳбатлашиб бўлиб, уларни Ўзининг энг буюк дуолари билан қувонтириб Кришна Ўзини кўргани келган шоҳ Юдхистхира ва бошқа қариндошлари билан суҳбатлаша бошлади. Энг аввало У қариндошларидан ҳол-аҳвол сўраб, уларнинг турмуши беташвиш ўтаётганига амин бўлди. Аслини олганда Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини кўриб юрган одамнинг ҳаётида ҳеч қандай бахтсизлик рўй бериши мумкин эмас, шунга қарамай, Парвардигор Кришна одоб юзасидан шоҳ Юдхистхирадан тинч-омонмисизлар деб ҳол-аҳвол сўраганида, Кришнанинг ўзига кўрсатаётган илтифотидан жуда мамнун бўлиб, шоҳ Юдхистхира Унга шундай деб жавоб берди: "Эй азиз Парвардигор, ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган буюк зотлар ва бхакталар ҳамиша Сенинг нилуфар қадамларинг пойи ҳақида ўйлаб юрадилар, шу билан улар ўз ҳаётидан тўла мамнуният ҳосил қиладилар, чунки ҳамиша илоҳий лаззат шарбатидан ичиб юрадилар. Улар ҳамиша ичиб юрган ана шу нектар баъзан Сенинг илоҳий кароматларинг ҳақидаги ҳикоялар кўринишида уларнинг оғзидан бошқаларга ҳам бориб этади. Бхакталар оғзидан томаётган ана шу нектар шу қадар қудратли кучга эгаки, ундан бирор марта тотиб кўриш насиб этган омадли инсон шу заҳотиёқ кетма-кет туғилиш ва ўлишлардан иборат бўлган узлуксиз тақдир чархпалагидан озодликка чиқади. Бизнинг бу дунёда моддий тирикчилик қилиб юрганимизнинг сабаби шундан иборатки, бизлар Сенинг Шахсингни эсдан чиқариб юбордик, лекин агар инсонга бахт кулиб боқиб Сенинг шарафли кароматларинг ҳақидаги ҳикояларни тинглашга муваффақ бўлса, унинг қалбидаги унутиш зулмати шу заҳотиёқ тарқалиб кетади. Шундай экан, эй азиз Худойим, қандай қилиб ҳамиша Сенинг шарафли кароматларинг ҳақидаги гапларни тинглаб юрган одамнинг ҳаётида бирор қор-ҳол рўй бериши мумкин?"

Бизлар ўз ихтиёримизни бутунлай Сенга топширганимиз, Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан бошқа бизнинг бирор нажот маконимиз бўлмагани туфайли, ҳаётда бундан ортиқ бахт йўқ эканига бизнинг ишончимиз комил. Эй азиз Худойим, Сен - чексиз илм ва илоҳий лаззат манбаисан. Ўзининг шахсий ўй-фикрлари натижасида инсон моддий ҳаётнинг уч турли ўткинчи ҳолатида бўлади - сергаклик, чала уйқу ва чуқур уйқу ҳолати. Лекин бу шароитлар Кришна онгида мавжуд бўлолмайди. Кришна онгининг қудрати билан бундай таъсирларнинг ҳаммаси яксон бўлади. Руҳий озодликка эришган барча руҳларнинг охирги мақсади - Сенсан. Ер юзида Ведалар маданиятининг қонунларини қайта тиклаш ниятида Сен фақат Ўзининг бутунлай мустақил хоҳишинг билан ички қувватинг бўлган *йога-майя* ёрдамида бу сайёрага ташриф буюргансан. Сен бу дунёда оддий инсон қиёфасида намоён бўлдинг. Сен Олий Шахс бўлганинг учун, Сенга ўз ихтиёрини бутунлай

топширган киши ҳаётда бахтсизлик нима эканини билмай яшайди".

Парвардигор Кришна меҳмонларни қабул қилиш билан бўлар, келган меҳмонлар Парвардигорга ҳар хил илтижолар билан мурожаат қилар экан, Куру ва Йадавалар сулоласининг аёллари имкониятдан фойдаланиб бир-бири билан учрашиб, Парвардигор Кришнанинг илоҳий эрмаклари ҳақида тўйиб суҳбатлашиб олишга қарор қилдилар. Парвардигор Кришнанинг малика-рафикаларига биринчи бўлиб Драупади савол берди. Драупади уларга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: "Азизим Рукмини, Бхадра, Жамбавати, Сатйа, Сатйабхама, Калинди, Шайбйа, Лакшмана, Роҳини ҳамда Кришнанинг бошқа маликалари, илтимос оддий одамлар ҳам ўтказадиган барча никоҳ маросимлардан ташқари, Парвардигор Кришна сизларга қандай қилиб уйлангани ҳақида бизларга гапириб беринглар".

Бу саволга жавоб бера туриб, маликаларнинг сардори Рукмини шундай деди: "Азизим Драупади, аввалига Жарасандха ва бошқа шахзодалар аллақачон менинг Шисупалага турмушга чиқишимни режалаштириб қўйган эдилар. Одатдагидай, тўй маросимига тўпланган барча шахзодалар ҳар хил қуроллар билан қуролланиб олиб, никоҳ маросимига қаршилиқ қилишга журъат қиладиган ҳар қандай рақибга қарши жанг қилишга шай бўлиб турардилар. Аммо Худонинг Олий Шаҳси худди арслон бўрилар тўдаси олдидан қўзичокни олиб кетганидай, мени шунча шахзодалар орасидан бемалол олиб чиқиб кетди. Лекин бу Парвардигорнинг қандайдир ғайритабиий қаромати эмасди, чунки бу дунёда ўзини "буюк қаҳрамон" ёки "шоҳ" деб эълон қиладиган ҳар қандай одам Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига бош эгади. Бутун олам шоҳлари ўзларининг бошидаги тожларини Унинг нилуфар қадамлари пойига теккизиб, Парвардигор Кришна олдида бош эгадилар. Азизим Драупади, менинг ҳаётдаги ягона мангу истагим - умрлар оша ҳаётимни ҳамма лаззат ва гўзаллик манбаи бўлган Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилишга бағишлашдан иборат".

Шундан сўнг Сатйабхама гапирди. У шундай деди: "Азизим Драупади, менинг отам акаси Прасенанинг ҳалок бўлганидан ва аслида Жамбаван олиб кетган сеҳрли тош Сйамантакани ўғирлашда Парвардигор Кришнани ноҳақ айблаганидан қаттиқ изтироб чекарди. Ўзининг айбисиз, бегуноҳ эканини исботлаш учун Парвардигор Кришна Жамбаван билан жанг қилиб, *Сйамантака* тошини қайтариб олиб келди, кейин уни менинг отамга қайтариб берди. Отам уялганидан, акасини ўлдирганликда Парвардигор Кришнани айблагани учун қаттиқ ҳижолатга тушди. *Сйамантака* тошини қайтариб олгандан кейин отам "бу хатоларимни тўғриласам яхшироқ бўларди" деган қарорга келди, шу боис

менинг қўлимни аввал бошқа бировга ваъда бериб қўйган бўлишига қарамай, мени ҳам *сйамантака* тошини ҳам Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига қўйди. Шу тариқа Парвардигор Кришна мени Ўзининг рафикаси ва хизматкори қилиб олди".

Кейин Драупадининг саволига Жамбавати жавоб берди: "Азизим Драупади, Парвардигор Кришна отам - рикшилар шоҳи Жамбаванга қарши жанг қилганида, отам Кришна аслида ўзининг аввалги ҳукмдори, Ситанинг эри бўлган Парвардигор Рамачандра эканини билмаган эди. Аслида Парвардигор Кришна ким эканини билмасдан отам У билан йигирма етти кун давомида жанг қилди. Шундан сўнг ўзи қаттиқ чарчаб ҳолдан тойгандан кейин, Парвардигор Рамачандрадан бошқа ҳеч ким ўзини енга олмаслигини билгани учун, ҳозирги рақиб Парвардигор Кришна аслида ўша Парвардигор Рамачандра эканини англаб етди. Шунда у ўзига келиб, дарров *Сйамантака* тошини Унга қайтариб берди, бунинг устига Кришнани мамнун қилиш учун мени ҳам унга хотинликка берди. Шу тарзда мен Парвардигор Кришнага турмушга чиқдим, шундай қилиб, неча умрлардан бери қалбимда ардоқлаб келаётган Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиш орзуим рўёбга чиқди".

Шундан сўнг Калинди гапирди: "Азизим Драупади, Парвардигор Кришнага турмушга чиқиш учун мен узоқ вақтлар қаттиқ риёзат чекиб, тавба-тазарру қилдим. Парвардигор Кришна бу ҳақда хабар топганида чексиз марҳамат кўрсатиб, дўсти Аржун билан бирга менинг олдимда Унинг Ўзи пайдо бўлди ва мени Ўзига хотинликка қабул қилди. Парвардигор Кришна мени Йамуна қирғоғидан олиб кетди, шундан бери мен Унинг уйида фаррош бўлиб ишлайман. Парвардигор менга худди Ўзининг рафикасидай муносабатда бўлади".

Кейин Митравинда шундай деди: "Азизим Драупади, мен ўтказган *сваямвара*(куёв танлаш) маросимида жуда кўп шахзодалар иштирок этдилар, шу маросимда Парвардигор Кришна ҳам иштирок этиб, бошқа барча шахзодаларни мағлуб қилиб мени Ўзига хизматкор қилиб олди. Худди арслон итлар тўдасидан ўлжа кийикни олиб кетганидай қилиб, У шу заҳотиёқ мени Дваракага олиб кетди. Парвардигор Кришна мени олиб кетаётганда акаларим У билан жанг қилишга уриндилар, лекин мағлубиятга учрадилар. Менинг умрлар оша Кришнага садоқат билан хизмат қилиш орзуим шундай рўёбга чиқди".

Шундан сўнг Драупадига шундай сўзлар билан Сатйа мурожаат қилди: "Азизим Драупади, отам мен учун *свайамвара* маросими уюштирди, бўлғуси куёвининг жасоратини ва қудратини синаб кўриш учун, куёв бўлишга талабгор бўлган ҳар бир шахзода етти баҳайбат кутурган ҳўкизга қарши бориб, уларни жиловлаб олиши шарт эди. Жуда кўп жасоратли шахзодалар ўша ҳўкизлар

билан курашдилар, лекин бахтга қарши уларнинг ҳаммаси турли жароҳат олиб, ярадор бўлиб уйларига қайтдилар. Парвардигор Кришна келиб, ҳўкизлар билан кураша бошлаганида эса, бу Унинг учун худди оддий эрмакдай иш эди. У ҳўкизларни ушлаб олиб, уларнинг бурнидан ип ўтказиб олди. Худди болалар эчки болаларининг бўйнидан ип боғлаб ўйнаб юргани сингари, У ҳўкизларни осонлик билан Ўзига бўйсундирди. Отам Ундан жуда мамнун бўлди. Катта тантана билан никоҳ маросими ўтказиб, сепимга жуда кўп жангчилар, отлар, жанг аравалари, филлар ва канизаклар қўшиб мени Кришнага узатди. Парвардигор Кришна мени Ўзининг пойтахт шаҳри Дваракага олиб келди. Йўлда Унга бошқа шахзодалар хужум қилдилар, аммо Парвардигор Кришна уларнинг ҳаммасини мағлуб қилди, шу тариқа мен Унинг нилуфар қадамлари пойига садоқат билан хизмат қилиш имконига эга бўлдим".

Шундан сўнг Бхадра гапира бошлади: "Азизим Драупади, Парвардигор Кришна менинг она тарафдан тоғамнинг ўғли бўлади. Омадим келиб мен ёшлигимдан Унинг нилуфар қадамлари пойига интилиб юрардим. Отам менинг қалбимдаги ана шу кучли хис-туйғуларимни тушуниб етгандан кейин менинг Кришна билан никоҳдан ўтишимни ташкил этди. Отам мен билан бирга Парвардигор Кришнага шоҳлар учун жуда зарур бўлган бир *акшаухини*, яъни барча қурол-аслаҳалари, хизматкорлари билан бирга катта қўшин ҳадя қилди. Билмадим, мен умрлар оша Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топиб қола оламанми, йўқми, лекин ҳаммиша Парвардигордан илтижо қилиб, қаерда, қандай шароитда туғилсам ҳам, ҳеч қачон Унинг нилуфар қадамлари пойига боғланган эканимни эсдан чиқармаслигимни тилаб юраман".

Кейин Лакшмана гапира бошлади: "Эй азиз малика, мен Парвардигор Кришнанинг турли эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни буюк донишманд Нарада Мунидан жуда кўп эшитганман. Нарада Мунидан ҳатто равнақ фариштаси ҳам Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига садоқат билан хизмат қилишни орзу қилиб юришини эшитгандан сўнг, мени ҳам Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш жараёни ўзига жалб қила бошлади. Шундан сўнг мен ҳаммиша Кришна ҳақида ўйлаб юрадиган бўлдим, шу тарзда менинг Унга бўлган интилишим тобора кучая бошлади. Эй маликам, отам мени жуда яхши кўрарди, мен Кришнага қаттиқ интилаётганимни сезиб қолганида, отамнинг миясига бир ажойиб фикр келиб қолди. Унинг фикри ҳам сенинг отангнинг фикрига ўхшарди: *свайамвара* пайтида куёв бўлишга талабгор бўлган шахзодалар пайкон билан балиқнинг кўзини нишонга олишлари лозим эди. Бу шарт билан сенинг *свайамварангда* қўйилган шарт шундан иборат эдики, сенинг *свайамварангда* балиқ шипга осилган ҳолда очиқ кўриниб

турган бўлса, меникида у шипга осилган, лекин мато билан тўсиб қўйилган, лекин унинг аксини пастдаги кўзадаги сув юзида кўриш мумкин эди. Менинг *свайамвара*да қўйилган шарт ана шу балиқнинг кўзини нишонга олиш эди.

Бу ҳақдаги хабар бутун жаҳонга тарқатилди, бундан хабар топган шахзодалар ҳар хил қуроллар билан қуролланиб, устозлари билан бирга отамнинг пойтахт шаҳрига кела бошладилар. Уларнинг ҳаммаси *свайамвара*да ғолиб чиқиб, мени ўзига хотин қилиб олишга интилардилар. Улар бирин-кетин камонларига пайкон қистириб балиқни нишонга олардилар. Уларнинг кўплари ҳатто камонга пайкон қистиршни ҳам эплай олмай, камонни жойига қўйиб изига қайтиб кетдилар. Баъзилар камоннинг ипини ҳам тортиб боғлай олмадилар, бирданига тўғриланиб кетган камон уларга ҳар хил жароҳатлар етказарди. Эй маликам, менинг *свайамвара*да иштирок этган машҳур шахзода ва қахрамонларнинг номларини эшитсанг, ҳайратга тушасан. Жарасандха, Амбаштха, Шишупала, Бхимасена, Дурйодхан ва Карнлар албатта, камонга пайкон қистирдилар, лекин балиқнинг кўзини нишонга ололмадилар, чунки балиқ тўсиб қўйилган эди, унинг сувдаги аксига қараб қаерга пайкон йўллашни эса улар билмас эдилар. Пандузодалар ичида машҳур камонбоз Аржун ҳам қатнашиб, сувдаги аксига қараб балиқни кўрган ва отган пайкони балиққа бориб теккан бўлса ҳам, унинг пайкони балиқнинг кўзига тегмаган эди. Бу билан у бошқа барча шахзодалардан анча устун эканини исботлади.

Нишонга тегишга уринган шахзодаларнинг ҳаммасининг омади келмай, ҳафсаласи пир бўлган эди, кўплар ҳатто уриниб кўрмасдан ҳам *свайамварани* тарк этдилар. Ниҳоят Парвардигор Кришнанинг Ўзи қўлига камон олганида У худди ёш бола ўйин ўйнагандай осонлик билан камоннинг ипини боғлаб унга пайкон қистирди. Балиқнинг сувдаги аксига бир марта назар ташлаб, пайкон йўллади, пайкон нишонга тўғри бориб теккани учун балиқ пастга тушди. Парвардигор Кришнанинг бу ғалабаси куннинг ярмида, мунажжимлар ҳисоби бўйича *абхиджит* деб аталадиган шарофатли вақтда амалга ошган эди. Шу пайтда бутун оламда одамларнинг "Жая! Жая!" деган ҳайқириқлари, самода фаришталар чалаётган барабан овозлари эшитилиб турарди. Буюк фаришталар хурсанд бўлганидан ерга гуллар ёмғирини ёғдирардилар".

Шунда мен майдон ўртасига чиқиб келдим, юрганымда оёқларимдаги қўнғироқчалар ёқимли овоз чиқариб жаранглаб турарди. Мен ипақдан тикилган, чиройли тўй либосларини кийиб олган эдим. Сочларим чиройли гуллар билан безатилган эди, Парвардигор Кришна ғалаба қилганидан жуда хурсанд бўлиб, кулиб турардим. Яркираб турган, ҳар хил қимматбаҳо тошлар билан безатилган олтин маржонни қўлимда ушлаб борардим. Тўлқин-тўлқин сочларим сирғаларимнинг

акси тушиб турган юзимни ўраб турарди. Мен шодликдан чакнаб турган кўзларим нигоҳи билан шу ерга тўпланган барча шахзодаларга бирма-бир нигоҳ ташлаб чиқдим, кўзим Кришнага тушиб, кўлимдаги чиройли маржонни Унинг бўйнига осдим. Аввал айтганимдай, ёшлигимданок мен фақат Парвардигор Кришнага интилардим, шу боис кўлимдаги олтин маржонни Унинг бўйнига осиб мен учун ҳаётимдаги энг буюк ғалаба эди. Мен олтин маржонни Унинг бўйнига осган заҳоти мридангалар, патахалар, сурлар, литавралар ва бошқа мусиқа асбобларининг жарангдор овозлари бутун атрофни босиб кетди, мусиқага жўр бўлиб раққос ва раққосалар рақсга тушиб, хонандалар кўшиқ куйлай бошладилар.

Азизим Драупади, мен Парвардигор Кришнани жуфти-ҳалолом деб қабул қилиб, У ҳам менинг маржонимни қабул қилганида ҳафсаласи пир бўлган бошқа шахзодалар катта шовқин-сурон кўтардилар. Уларнинг ҳаммаси эҳтирос оловида ёниб, бутунлай ақлини йўқотиб қўйган эдилар, лекин уларга эътибор бермасдан рафиқам Ўзининг тўрт қўлли Нарайана киёфасида мени ажойиб отлар қўшилган жанг аравасига ўтказди. Бошқа шахзодалар қаршилик қилиб жангга киришини кутиб, У қуролланиб, кўлига Ўзининг машҳур Шарнга камонини олди, машҳур жиловдоримиз Дарука эса ғаройиб жанг аравасини Дварака томон ҳайдаб кетди. Шу тарзда, худди бир тўда ақиллаган итлар орасидан йўлбарс ўз ўлжасини олиб кетганидай, Парвардигор Кришна ҳам мени маросимга тўпланган барча шахзодалар орасидан олиб чиқиб кетди. Шунда ҳам, худди бир неча итлар арслоннинг ҳаракатига қаршилик қилишга урингани сингари, баъзи бир шахзодалар қуролланиб олиб йўлимизни тўсишга ҳаракат қилдилар. Шунда Парвардигор Кришна Шарнга камонидан пайконлар йўллаб, баъзи бир шахзодаларни қўлидан, баъзиларини оёғидан, баъзиларини эса боши ва жонидан жудо қила бошлади. Қолган шахзодалар жанг майдонини ташлаб қочиб кетдилар.

Шундай қилиб, Худонинг Олий Шахси жаҳондаги энг машҳур шаҳар Дваракага етиб келди, шаҳарга кириб келар экан, У худди куёшдай порлаб турарди. Бу тантана муносабати билан бутун шаҳар байрамона безатилган эди. Бутун Дварака бўйлаб кўчаларга жуда кўп байроқчалар, гулчамбарлар осилган бўлиб, қуёш нури тушадиган жой қолмаган эди. "Отам мени жуда яхши кўрарди," - деб айтган эдим, шу боис у Парвардигор Кришна билан никоҳдан ўтиш билан мен қалбимда ардоқлаб юрган ниятимга еганимни билиб, бундан жуда хурсанд бўлиб, сажийлик билан барча дўстларига ва қариндошларига ҳар хил совғалар улаша бошлади - қимматбаҳо либослар, тақинчоқлар, гиламлар, ўтирғичлар. Парвардигор Кришна ҳамиша Ўзига тўла бутун, ҳеч нарсага муҳтож эмас, шунга қарамай отам ўз хоҳиши билан эримга менинг

сепим ўрнида жуда кўп хазина, жангчилар, филлар, жанг аравалари, отлар, нодир қуроллардан иборат бойлик эҳсон қилди. У буларнинг ҳаммасини чин қалбидан, муҳаббат ва садоқат билан Парвардигорга тақдим этди. Эй азиз маликам, шунда англаб етдимки, мен аввалги ҳаётимда жуда кўп савоб ишлар қилганман, фақат шуларнинг шарофати билан ҳозирги ҳаётимда Худонинг Олий Шахсининг уйидаги хизматкорлардан бири бўлиб юрибман".

Парвардигор Кришнанинг барча катта маликалари ўз ҳикояларини тугатганида, қолган ўн олти минг малика номидан Рохини гапириб, улар қандай қилиб Парвардигор Кришнанинг маликаларига айлангани ҳақида гапира бошлади: "Эй азиз маликам, Бхаумасура қўлидан келганча оламнинг турли давлатларини забт этиб олиб, чиройли-чиройли маликаларни ўзининг саройида қамаб қўярди. Бизлар Бхаумасураининг саройида зиндонбанд бўлиб қийналиб ётганимиз ҳақидаги хабар Парвардигор Кришнага бориб етганида, У Бхаумасура билан жанг қилиб, уни мағлуб қилди ва бизларни озодликка чиқарди. Парвардигор Кришна Бхаумасурани ҳам, унинг бутун қўшинини ҳам яксон қилди, аслида Унинг ҳатто битта хотинга уйланишининг ҳам ҳожаги бўлмаса ҳам, бизларнинг илтимосимиз билан У ўн олти мингимизнинг ҳаммасига уйланди. Эй азиз маликам, бизларнинг ягона фазилатимиз шундан иборат эдики, биз ҳамиша, кечаю-кундуз фақат Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи ҳақида ўйлардик, бу эса бетиним туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан халос бўлишнинг ягона йўли ҳисобланади. Азизим Драупади, ишон, бизлар бойликка, салтанатга ёки жаннатдагидай лаззат олиш имконини берадиган мартабага интилиб юрганимиз йўқ. Бизлар бундай моддий нарсалар билан лаззатланишни истамаймиз, бизлар сеҳр қудратига эга бўлишга ҳам, Тангри Брахманикидан ҳам улуғроқ мартабага ҳам интилмаймиз. Бизлар *салокйя*, *сарити*, *самитйя* ва *сайуджйя* сингари руҳий озодликка чиқишга ҳам интилмаймиз. Бу бойликларнинг бирортаси бизларни ўзига жалб эта олмайди. Бизлар интилиб юрган ягона мақсад - умрлар оша Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамларининг гарди пойини бошимизга суриб юришдан иборат. Равнақ фариштаси ҳам ана шу гардларни анвойи шафран билан бирга ўзининг кўксига суришга интилади. Биз Парвардигор Кришна подачи болакай кўринишида Вриндаван ерларида юрганида, унинг пойи қадамларида тўпланадиган ана шу гардларни истаймиз. Айниқса гопилар, шунингдек вриндаванлик подачи болалар ва қизлар ҳамиша бир нарсани - Кришна уларни босиб юриши учун Вриндаван йўлларида бирор майса бўлиб ўсишни ният қиладилар. Эй азиз маликам, бизларнинг мана шу истагимиз умрлар оша ўзгармаслигини, қалбимизда шундан бошқа бирор истак пайдо бўлмаслигини истаймиз".

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Драупадининг Кришнанинг маликалари билан учрашуви" деб аталадиган саксон иккинчи бобида Бхактиведантининг изоҳлари шундай якунланади.

83. Васудева ўтказган қурбонлик маросимлари

Кун тутилган пайтда муқаддас Курукшетрада тўпланган аёллар орасида малика Кунти, Гандхари, Драупади, Субхадра ва бошқа кўплаган маликалар, шунингдек вриндаванлик гопилар ҳам бор эди. Кришнанинг маликалари Кришнанинг қандай қилиб уларга уйлангани ҳақида гапириб берганида бу ҳикояларни тинглаб Курулар сулоласининг барча аёллари ҳайратга тушдилар. Уларни бу маликаларнинг Кришнага қанчалик қаттиқ боғлангани, Уни қанчалик меҳр-муҳаббат ва садоқат билан севиши ҳайратга солган эди. Маликаларнинг Кришнага бўлган бундай кучли боғланишини, муҳаббатини кўриб, улар табиий равишда кўзларига қуйилиб келаётган меҳр ёшларини тўхтата олмасдилар.

Аёллар ҳам, эркаклар ҳам ўзаро дўстона суҳбатлар билан банд экан, ҳар тарафдан бу ерга машҳур донишмандлар ва риёзатчи зоҳидлар кела бошладилар. Уларнинг ҳаммаси Парвардигор Кришна ва Балорамни кўриш учун шу ерга тўпланган эдилар. Буюк донишмандлар орасида энг асосийлари Кришна-дваипайана Вйаса, буюк донишманд Нарада Муни, Чйавана, Девала, Асита, Вишвамित्रа, Шатананда, Бхарадваджа, Гаутама ва Ўзининг барча шогирдлари билан бирга келган Парвардигор Парашурама; Васиштха, Галава, Бхригу, Пуластйа, Кашйапа, Атри, Маркандея, Брихаспати, Двита, Трита, Эката; шунингдек Тангри Брахманинг тўрт ўғли Кумарлар - Санака, Санандана, Санатана ва Санаткумарлар; Ангира ва Агастйа, Йагйавалка ва Ваманадева борр эди.

Барча донишманд ва риёзатчилар етиб келган захоти барча шоҳлар, жумладан Махараж Юдхистхира, Пандузодалар, Парвардигор Кришна ва Балорам, дарров ўринларидан туриб, бутун олам аҳли эъзозлайдиган бу буюк донишмандлар олдида эҳтиром билан бош эгиб сажда қилдилар. Шундан сўнг уларнинг ҳар бирига ўтириш учун муносиб жой кўрсатиб, оёқларини ювишга сув бериб донишмандларни иззат-иқром билан кутиб олдилар. Уларга ширали мевалар, гулчамбарлар, гуллар, мушк-анбарлар, сандал пастаси тақдим этдилар. Кришна билан Балорам бошлиқ барча шоҳлар донишмандларга ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган қонун-қоидалар асосида муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатдилар. Барча донишмандлар жойларига қулай ўрнашиб олгандан кейин дин қонунларини ҳимоя қилиш мақсадида Ер юзига ташриф буюрган Парвардигор Кришна

барча шоҳлар номидан донишмандларга мурожаат қилди. Кришна гап бошлаганида ҳамма жим бўлиб, Унинг донишмандларга айтадиган гапларини диққат билан тинглай бошлади.

Парвардигор Кришна шундай деди: "Бу ерга тўпланган донишманд ва риёзатчиларга шон-шарафлар бўлсин! Бугун бизлар ҳаётда жуда катта муваффақият қозонганимизни ҳис қиляпмиз. Бугун биз умр бўйи интилиб юрган ниятимизга эришдик, чунки ҳатто жаннатдаги фаришталар ҳам бир марта кўришга интизор бўлиб юрган буюк зотлар - руҳий озодликка эришган донишманд ва риёзатчилар билан бевосита учрашиб турибмиз. Худога садоқат билан хизмат қилишга энди киришган ва ҳали шунчаки эҳромлардаги Илоҳларга сажда қилиб юрган одамлар, Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд эканини англаб етишга қодир эмаслар. Фақат ўзининг шахсий манфаатини ўйлаб, нафсининг, ақлининг талабини қондириш ниятида фаришталарга сиғиниб юрган одамлар ҳам бу буюк донишмандларнинг кадр-қимматини муносиб баҳолай олмайдилар. Бундай одамлар ана шундай донишмандларни уйида кутиб олиш, уларни бевосита ўз кўзи билан кўриш, уларнинг нилуфар қадамлари пойига қўл теккизиш, улардан ҳол-аҳвол сўраш, уларга бутун қалби билан сажда қилиш инсоннинг руҳий юксалиши учун қанчалик муҳим эканини, бундай ишлар инсонга қанчалик буюк руҳий бахт келтиришини билмайдилар".

Тажрибасиз бхакталар ёки бефаросат, илми саёз ақидапарастлар буюк махатмаларни муносиб кадрлай олмайдилар. Улар шунчаки шарият қонунларига бўйсуниб, ҳамма қатори эҳромларга келиб Илоҳларга сажда қилиб юрадилар. Инсон руҳий юксалишда юксакроқ поғонага - мунтазам илоҳий жазавада юриш ҳолатига кўтарилганидагина соф *бхакта* ва махатмаларнинг кадрига ега бошлайди, шундагина *бхакта* уларга садоқат билан хизмат қилиб, уларни мамнун қилишга ҳаракат қила бошлайди. Шунинг учун Парвардигор Кришна ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган содиқ буюк донишмандларнинг, бхакталарнинг ва риёзатчиларнинг кадрини, аҳамиятини тушунмайди, деб айтяпти.

Парвардигор Кришна давом этди: "Муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиш, шу жойлардаги муқаддас сувларда чўмилиш ёки эҳромлардаги Илоҳларни томоша қилиш билан инсоннинг қалби покланмайди. Аммо инсон ўзининг ҳаёти йўлида омади келиб, буюк бхактани, махатмани, Худонинг Олий Шахсинининг ҳақиқий вакилини учратиб қолса, унинг қалби шу захотиёқ покланади. Ведаларда покланиш учун оловга, қуёшга, ойга, ерга, сувга, ҳавога, осмонга ва ақлга сиғиниш тавсия этилган. Ана шу унсурларнинг ҳаммасига ва уларни бошқариб турган илоҳларга сажда қилиш билан инсон ҳасад туйғусининг салбий таъсиридан халос бўлиши мумкин, аммо ҳасадгўй одам бирор буюк зотга шунчаки хизмат

қилса, у шу заҳотиёқ барча иллатлардан покланади. Эй мўътабар донишмандлар ва ҳурматли шаҳаншоҳлар, уч моддий унсур - сафро, ҳаво ва йирингдан таркиб топган мана шу моддий танани "мен" деб, оиласини, қариндошларини эса - "меники" деб юрган, моддий нарсаларни сажда қилиб сиғинишга муносиб зотлар деб юрган одам ёки муқаддас саждагоҳларни шунчаки ўша ерда чўмилиш учун зиёрат қилиб юрган, ҳеч қачон у ерларда буюк донишмандлар, буюк авлиё зотлар, махатмалар билан учрашиб ҳамсуҳбат бўлмайдиган одам ҳатто инсон танасида юрган бўлса ҳам, эшакка ўхшаган ҳайвоннинг ўзгинаси ҳисобланади".

Энг буюк мўътабар Зот, Парвардигор Кришна ана шундай жиддий гапларни айтаётганида буюк донишманд ва риёзатчилар жим бўлиб, Унинг гапларига диққат билан кулоқ солардилар. Парвардигор Кришна мураккаб ҳаёт фалсафасини уларнинг олдида шунчалик мўъжаз, қисқа ва лўнда қилиб тушунтирганини кўриб улар ҳайратга тушган эдилар. Етарли илмга эга бўлмаган ғофил киши ўзининг танасини "мен" деб, оила аъзоларини эса - "қариндошларим" деб, тугилган жойи, ватанини - сажда қилишга муносиб саждагоҳ деб ҳисоблайди. Ҳаёт ҳақидаги ана шундай нотўғри тасаввурдан ҳозирги даврда авж олган миллатчилик, миллий истиқлол каби дунёвий ғоялар юзага келган. Парвардигор Кришна ана шундай ғояларни ҳам, муқаддас саждагоҳларга шу ердаги махатмалар, авлиё зотлар билан учрашиб суҳбатлашиш имкониятидан фойдаланиш учун эмас, балки шунчаки ўша жойдаги муқаддас сувда чўмилиш учун борадиган одамларни ҳам қоралапти. Парвардигор ана шундай одамларни ҳайвонлар орасида энг ақлсиз махлуқ бўлган эшак билан тенглаштиряпти. Парвардигор Кришнанинг гапларини тинглаб ўтирганлар анча вақт Унинг гапларини чуқур мулоҳаза қилиб ўтирдилар, кейин эса: "Кришна - ҳақиқатан ҳам ҳозир ўзининг аввалги ҳаётида қилган ишлари оқибатида маълум бир танага эга бўладиган оддий инсон ролини ўйнаётган Худонинг Олий Шахсидир" - деган қарорга келдилар. Фақат, инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эриша олиш учун оддий одамлар ҳаётда қандай яшашлари лозимлигини кўрсатиш ниятида У ҳозир бу дунёда вақтини худди оддий одамлардай ўтказиб юрибди.

Кришна - Худонинг Олий Шахси деган хулосага келиб, буюк донишмандлар унга шундай гаплар билан мурожаат қилдилар: "Эй азиз Парвардигор, инсонлар жамиятининг маънавий соҳасининг етакчиси бўлган бизлар ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлишимиз лозим, лекин бизларни Сенинг ташқи қувватинг йўлдан адаштириб қўйяпти. Биз таажжубга тушган ҳолда, Сен аслида Худонинг Олий Шахси эканингни яшириб, Ўзингни худди оддий одамлардай тутаётганингни кўриб турибмиз, шу боис бизлар Се-

нинг эрмакларингни жуда ажойиб ва ғайритабиий деб ҳисоблаймиз.

Эй азиз Парвардигор, худди Ер ҳамиша ўз ҳолида қолиб ҳар хил кўринишдаги тошларни, дарахтларни ва бошқа турли нарсаларни яратгани сингари, Сен ҳам Ўзингнинг турли қувватларинг ёрдамида бутун борлиқда ҳар хил кўринишдаги ном ва қиёфаларни яратасан, уларнинг мавжудлигини таъминлаб ва яқсон қилиб турасан. Гарчи Сен Ўз қувватинг ёрдамида намоён бўлган ҳар хил нарсаларни яратиб турсанг ҳам, бу фаолият Сенга таъсир қилмайди. Эй азиз Худойим, Сенинг ғайритабиий қароматларинг бизларни қаттиқ ҳайратга солади. Гарчи Сен бу бутун моддий Борлиққа нисбатан илоҳий ҳолатда бўлсанг ҳам, барча тирик мавжудотларнинг Олий Руҳи ва ягона Парвардигор бўлсанг ҳам, бхакталарингни химоя қилиш ҳамда имонсиз иблисларни яқсон қилиш учун Сен барибир бу ерда Ўзингнинг ички қувватинг ёрдамида намоён бўласан. Сен бу ерга ташриф буюриб, одамлар узоқ вақт ташқи моддий қувват таъсири остида бўлгани туфайли унутиб юборган ҳақиқий дин қонунларини қайта тиклайсан. Эй азиз Худойим, Сен жамиятдаги одамларни уларнинг фаолиятига ва табиий сифатларига қараб турли табақа ва руҳий юксалиш поғоналарга бўлиб қўйибсан. Виждонсиз, имонсиз одамлар жамиятдаги ана шу қонун-қоидаларни бузиб юборганларида Сен бу дунёга келиб уларни қайтадан ўрнатасан.

Эй азиз Парвардигор, ведавий донишмандлик илми - Сенинг пок қалбингнинг намоён бўлган кўринишидир. Риёзат, Ведаларни ўрганиш, жазаваги муроқабага берилиш инсонга Сени намоён бўлган ва намоён бўлмаган турли кўринишларда англаб етиш имконини беради. Намоён бўлиб турган бу бутун борлиқ Сенинг шахсиятсиз қувватингнинг намоён бўлган кўринишидир, лекин азалий Худо Шахси сифатида Сен Ўзинг унда намоён бўлмайсан. Сен - Олий Руҳ, Олий Браҳмансан. Браҳманлар маданиятига мансуб одамлар Сенинг илоҳий қиёфангни тушунадилар. Шунинг учун Сен ҳамиша браҳманларни эъзозлайсан, браҳманлар маданиятига риоя қиладиганлар ичида энг буюғи ҳам Сен Ўзингсан. Шу боис Сени *браҳманья-дева* деб атайдилар. Эй азиз Худойим, инсоннинг ҳаётда бирор муваффақиятга эришишида охириги сўзни айтадиган ва барча авлиё зотларнинг охириги нажот макони Сен Ўзингсан; шу боис Сени учратиш билан бизлар ўзларимизни илоҳий илм ўрганишда ҳам, риёзат чекишда ҳам, умуман ҳаётда руҳий баркамолликнинг энг баланд чўққисига эришдик деб ҳисоблаймиз. Аслини олганда барча илоҳий муваффақиятларнинг охириги мақсади ҳам Сенсан.

Эй азиз Худойим, Сенинг чексиз илминг бениҳоя. Сенинг қиёфанг илоҳий табиатга эга бўлиб, чексиз илм ва лаззатга тўла ҳолда мангу мавжуд. Сен - Худонинг Олий Шахси, Олий

Брахман, Олий Рухсан. Сен ҳозир ички *йогомайя* қувватингга ўраниб олиб, Ўзингнинг чексиз кудратингни бизлардан вақтинчалик яшириб турибсан, лекин Сен аслида қанчалик улуғвор ҳолатда эканингни бизлар тушуна оламиз, шу боис бизлар ҳаммамиз Сенинг олдингда эҳтиром билан бош эгамиз. Эй азиз Парвардигор, Сен илоҳий улуғворликка эга бўлган Ўзингнинг асл табиатингни яшириб, оддий инсон қиёфасида ўтказаётган эрмакларинг билан лаззатланиб юрибсан. Шунинг учун бу ерга тўпланган шохларнинг ҳаммаси, ҳатто Сен билан бирга сайр қилиб, бирга овқатланиб юрган Йадавалар сулоласининг аъзолари ҳам аслида Сен - барча сабаблар сабабчиси, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбидаги Олий Рух, бутун борлиқнинг бошланғич сабабчиси эканингни тушуна олмайдилар.

Одам кечаси ухлаб, туш кўраётган пайтида тушига кирган алдамчи нарсаларни аниқ ҳақиқат деб қабул қилади, тушидаги сароб, алдамчи танани ўзининг ҳақиқий танаси деб қабул қилади. Анча вақтгача у тушида кўриб турган ана шу танасидан бошқа ҳақиқий, сергак вақтидаги танаси борлигини бутунлай эсидан чиқариб юборади. Шунингдек, алданиш домига тушган шартланган руҳ сергак вақтида ҳам, ўзининг ғофиллиги сабабли ҳиссий лаззатланишни инсон учун ҳақиқий бахт деб ҳисоблайди.

Моддий тананинг ҳиссиётини лаззатлантириш жараёни номоддий, илоҳий табиатли бўлган руҳни яшириб, тўсиб қўяди, чунки инсоннинг онги модда билан булғаниб қолади. Инсон Худонинг Олий Шахси Кришнани англаб ололмаслигига айнан ана шу моддий онг сабабчи бўлади. Барча буюк сеҳргар-йоголар онгли равишда йога машғулоти билан шуғулланиш ёрдамида қалбида мудраб ётган Кришна онгини уйғотишга ва шу тарзда Сенинг нилуфар қадамларинг пойини англаб етишга, ҳаёлида Сенинг илоҳий қиёфангни томоша қилишга интиладилар. Шу тарика инсоннинг қалбида умрлар оша тўпланган гуноҳларининг барча оқибатлари яксон бўлади. Муқаддас Ганга сувлари инсоннинг жуда кўп гуноҳлари оқибатини ювишга қодир деб ҳисобланади, ана шу Ганга сувлари Сенинг нилуфар қадамларинг пойини ювгани учунгина шундай кудратга эга бўлиб қадрланади. Ганга сувлари Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан тердай бўлиб оқиб тушади. Бизлар ҳаммамиз бугун Сенинг нилуфар қадамларинг пойини бево-сита кўриш бахтига муяссар бўлдик. Эй азиз Худойим, бизлар барчамиз Сенга ўз ихтиёримизни бутунлай топширдик, бизлар барчамиз Сенинг бхакталарингиз; шу боис бизларга Ўзингнинг бесабаб марҳаматингни намоён этишингни Сендан ялиниб илтижо қиламиз. Биз яхши биламизки, ҳамиша Сенга садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан руҳий озодликка эришган одамлар моддий табиат гуналари билан булганмайдилар; улар шу тарика руҳий оламга,

Худонинг даргоҳига киришга муносиб бўлганлар".

Тўпланган донишмандлар шох Дхритараштра ва шох Юдхитхирадан ўз ашрамларига йўл олишга рухсат сўрамоқчи бўлдилар. Лекин шу пайт Парвардигор Кришнанинг отаси, барча тақводор зотлар ичида энг ҳурматли зот Васудева донишмандларга яқин бориб, улар олдида узала тушган ҳолда сажда қилиб, уларга чуқур эҳтиром кўрсатди. Васудева шундай деди: "Эй буюк донишмандлар, одамлар сизларни фаришталардан ҳам кўпроқ ҳурмат қиладилар. Шу боис мен сизларнинг олдингда чуқур эҳтиром билан бош эгиб сажда қиламан. Илтимос, агар рози бўлсанглар сизларга менинг битта илтимосим бор эди. Агар сизлар менга инсон қайси бир иш билан ўзининг қолган барча фаолиятининг оқибатларидан халос бўла олишини тушунтириб берсанглар, буни ўзим учун энг буюк бахт деб ҳисоблардим".

Буюк донишманд Нарада Муни бу ерга тўпланган барча донишмандларнинг сардори эди, шу боис у гап бошлади: "Эй азиз донишмандлар, Кришнани ўғил қилиб асраб олгани туфайли Худо Шахсининг отаси бўлган Васудева ўзининг юксак даражадаги олижаноблиги ва соддадиллиги сабабли бизлардан унга ҳаётда бахт тилаб дуо қилишимизни илтимос қилиб турганини тушуниш қийин эмас. "Кимни қанча кўп билсанг, шунча кам ҳурмат қиласан" деган гап бор. Худди шундай Васудева ҳам Кришна ўзининг ўғли бўлгани учун Унинг олдида ҳаяжонга тушиб, ҳадиксираб турмайди. Баъзида муқаддас Ганга қирғоғида яшайдиган одамларнинг Гангани писанд қилмай, муқаддас саждагоҳ излаб бошқа бир узоқ жойларга бориб юрганини кўриш мумкин. Илми ҳар қандай вазиятда ҳам ҳамиша ҳар кимнинг илмидан устун бўладиган Парвардигор Кришна шу ерда иштирок этаётгани сабабли Васудеванинг бизлардан бирор насиҳат сўраб ўтиришининг мутлақо ҳожати йўқ.

Парвардигор Кришна борлиқни яратиш, унинг мавжудлигини таъминлаб туриш ва уни яксон қилиш ишларига аралашмайди. Унинг илми Унинг Ўзидан бошқа бирор кудрат таъсирига учрамайди. Вақт ўтиши билан ҳамма нарсани ўзгартириб юборадиган моддий табиат гуналари Уни ташвишга сололмайди. Унинг илоҳий қиёфаси илмга тўла, унга ҳеч қачон ғофиллик, манманлик, боғланиш, ҳасад ёки ҳиссий лаззатлар таъсир қила олмайди. Унга моддий қувватнинг уч гунаси таъсир қилмаганидай, гуноҳ ва савоб ишларни белгилайдиган карма қонунлари ҳам ҳеч қачон Унинг илмига ўз таъсирини ўтказа олмайди. Ҳеч ким Унга тенг бўла олмайди, ҳеч ким Ундан устун бўла олмайди, чунки У - Олий Ҳукмдор, Худо Шахсининг Ўзидир.

Моддий оламда шартланган оддий киши моддий сезгилар, ақл ва тафаккур билан қопланган шартланган руҳни Кришнага тенг деб

ўйлаши мумкин, аммо Парвардигор Кришна худди баъзида булутлар, қор, туман ёки бошқа сайёралар билан тўсилиб қолгандай кўринадиган, лекин аслида ҳеч қачон ҳеч нарса қоплаб ололмайдиган куёшга ўхшайди. Етарли фаросатга эга бўлмаган одамнинг кўзлари ана шундай таъсирлар билан қопланиб қолганида у "куёш кўринмай қолди" деб ўйлайди. Худди шундай ҳаётда моддий лаззатларга берилиб кетган, моддий сезгиларининг таъсири остида ҳаракат қиладиган одамлар ҳам Худонинг Олий Шахсини аниқ кўра олмайдилар".

Шу ерга тўпланган донишмандлар Парвардигор Кришна, Балорам ва бошқа шоҳлар иштирокида Васудевага мурожаат қилиб, унинг илтимосига жавобан унга шундай насиҳат бердилар: "Карма оқибатларини ёки одамни кармали фаолиятга ундайдиган истакларни яқсон қилиш учун инсон муқаддас китобларда кўрсатилган қурбонлик маросимларини ўтказиши лозим. Қурбонлик маросимлари Парвардигор Вишнуга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш турларини билдиради. Парвардигор Вишну барча қурбонлик маросимларининг натижасини, ҳосилини қабул қилади. Буюк Шахслар ва замоннинг ўтмиш, ҳозир ва келажакдан иборат бўлган уч ҳолатини ҳам кўра олиш имконини берадиган мукамал илмга эга бўлган билимдон донишмандлар, ҳамма нарсани муқаддас китоблар нуқтаи-назари билан аниқ кўра оладиган зотлар бир овоздан таъкидлайдиларки, қалбида тўпланиб қолган моддий иллатларни поклаш ҳамда руҳий озодликка олиб борадиган йўлни барча тўсиқлардан тозалаш, шу билан бирга мангу илоҳий лаззатга эришиш учун инсон Парвардигор Вишну(Худо)ни мамнун қилиши лозим. Жамиятнинг ҳар хил табақалари(браҳманлар, кшатрийлар ва ваишйалар)га мансуб бўлган ҳолда оилавий турмуш кечириб юрган одамлар учун *Пурушоттама*, яъни "бошланғич Шахс" деб аталадиган Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Вишнуга сиғиниш - шарофат келтирадиган ягона тўғри йўл қилиб белгиланган.

Моддий оламдаги шартланган руҳларнинг қалбида моддий табиатнинг бойликларига эга бўлиш истаги чуқур илдиз отиб кетган. Ҳар бир одам иложи борича кўпроқ мол-дунёга эга бўлишга, ҳаётдан иложи борича кўпроқ лаззатланиб қолишга интилади, ҳар ким бу дунёда хотин, бола-чақа, уй жой орттириб, ҳозирги ҳаётида бахтли яшашга, кейинги ҳаётида эса жаннатга эришишга интилиб яшайди. Лекин айнан ана шундай истаклар инсоннинг бу моддий оламда қул бўлиб қолишига асосий сабаб бўлади. Шу боис, моддий олам тутқунлигидан халос бўлиш учун фаросатли инсон ҳалол йўл билан ишлаб топган бойликларининг ҳаммасини Парвардигор Вишнунинг мамнун қилишга сарфлаши лозим.

Ҳар қандай моддий истаклардан халос бўлишнинг ягона усули - ўзини Парвардигор

Вишнуга садоқат билан хизмат қилишга бутунлай бахшида қилишдан иборат. Шу тариқа ўзини бошқара оладиган киши ҳатто оилавий турмуш кечириб юрганида ҳам уч турли моддий истакларнинг барчасидан воз кечиши лозим: 1. Моддий бойликка эга бўлиш истаги; 2. Хотин, бола-чақа билан лаззатланиб яшаш истаги; 3. Жаннатга эришиш истаги. Оқибат натижада у вақти келиб оилавий ҳаётни бутунлай тарк этиб, таркидунёлик турмуш тарзини қабул қилиб, умрини Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай бағишлай олади. Ҳатто жамиятнинг олий табақаларига мансуб бўлган браҳман, кшатрий ва ваишйалар бўлишига қарамай, бу дунёдаги ҳар бир инсоннинг фаришталар, донишмандлар, аждодлар, бошқа тирик мавжудотлар олдида бурчи, қарзи бор. Ана шу қарзларини адо этиш учун ҳар бир имонли киши тақводор инсонларнинг оилавий турмушининг муқаддас қонунларига риоя қилган ҳолда қурбонлик маросими ўтказиши, муқаддас китобларни ўрганиши ва оила куриб зурёд қолдириши лозим. Агар қандайдир сабабларга кўра инсон ана шу қарзларини адо этмай туриб, таркидунёлик қилишга қасам ичса, у тубанликка юз тутиб ўзининг мартабасидан айрилиши мумкин. Сен бугун аждодларнинг ва донишмандлар олдидаги қарзларингдан халос бўлдинг. Энди қурбонлик маросими ўтказиш билан сен фаришталар олдидаги қарзингдан ҳам халос бўлиб, бевосита Худонинг Олий Шахсига бемалол мурожаат қила оласан. Азизим Васудева, шубҳа йўқки, сен аввалги ҳаётларингда жуда кўп савоб ишлар қилгансан. Акс ҳолда, сен қандай қилиб Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришна билан Балорамнинг отаси бўлишинг мумкин эди?"

Тақводор Васудева донишмандларнинг барча гапларини диққат билан тинглаб бўлиб уларнинг нилуфар қадамлари пойига эҳтиром билан сажда қилди. Шу тарзда у донишмандларни мамнун қилди, кейин улардан *йагйа*(қурбонлик маросими) ўтказишни илтимос қилди. Қурбонлик маросими ўтказишга маъсул қилиб тайинланган донишмандлар Васудевадан мана шу муқаддас саждагоҳда *йагйа* ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма нарсани тайёрлашни илтимос қилдилар. Шундай қилиб, донишмандлар Васудевани *йагйа* ўтказишни бошлашга кўндирдилар, Йадавалар сулоласининг барча аъзолари сувда чўмилиб покланиб, чиройли либосларини кийиб, қимматбаҳо такинчоқлар ва гулчамбарлар тақиб ясаниб олдилар. Васудеванинг чиройли либослар кийиб, такинчоқлар, олтин маржонлар тақиб олган хотинлари кўлларидан қурбонлик маросими ўтказиш учун зарур бўлган анжомларни ушлаган ҳолда *йагйа* ўтказиладиган жойда ҳозир бўлдилар.

Ҳамма нарса тайёр бўлганида мридангалар, сурлар, литавралар ва бошқа мусиқа асбобларининг овозлари янгради. Раққос ва раққосалар чиройли рақсга туша бошладилар, моҳир ашулачи-

лар бўлган сута ва магадхалар илтижоларни кўшиқ қилиб куйлай бошладилар. Гандхарвалар ва уларнинг хотинлари ширин овозлари билан маросимга мос келадиган кўшиқларни куйлай бошладилар. Кўзларига махсус малҳам суриб, танасини мой билан мойлаб, Васудева ўзининг Деваки бошлиқ ўн олти хотини билан биргаликда руҳонийлар олдида *абхишека*, покланиш маросими ўтказиш учун ўтириб олдилар. Бу ананьаларнинг ҳаммаси ой ва юлдузларнинг ҳолатига боғлиқ равишда, муқаддас китобларнинг барча қонун-қоидаларига риоя қилинган ҳолда ўтказиларди. Қурбонлик маросими ўтказишга фотиҳа олаётгани учун Васудева кийик терисини ёпиниб олган эди, унинг хотинлари эса чиройли сари кийиб олган эди, уларнинг қўлларига билангузуклар осилган, бўйинларига олтин маржонлар, кулоқларига чиройли сирғалар тақиб, бошқа кўплаган тақинчоқлар билан ясаниб олган эдилар. Ўз хотинлари даврасида Васудева худди қурбонлик маросими ўтказаятган осмон шоҳи Индрадай маҳобатли кўринарди.

Парвардигор Кришна, Парвардигор Балорам ва Уларнинг хотинлари, фарзандлари ва қариндошлари қурбонлик маросими ўтказиладиган ана шу катта майдон атрофида ўтирдилар, гўё Худонинг Олий Шаҳси Ўзининг барча ажралмас бўлаклари - тирик мавжудотлар ва турли хил қувватлари билан шу ерда иштирок этаётгандай эди. Шастралардан биз яхши билемизки, Парвардигор Кришнанинг жуда кўплаган қувватлари, сон-саноксиз ажралмас заррачалари мавжуд, энди эса мана шу қурбонлик маросими майдонидаги ҳар бир одам Худонинг Олий Шаҳси Ўзининг турли қувватлари билан бирга мангу мавжуд эканини яққол ҳис қиларди. Шу ерда Парвардигор Кришна Парвардигор Нарайана кўринишида, Парвардигор Балорам эса барча тирик мавжудотларнинг макони бўлган Санкаршана кўринишида намоён бўлди.

Васудева *жйотиштома*, *дарша* ва *пурнамаса* деб аталадиган қурбонлик маросимлари ўтказиб Парвардигор Вишнуни мамнун қилди. Бу қурбонлик маросимларининг баъзилари "атеистик дунёқарашнинг тутуруксизлиги" деб, баъзилари - *саурйасатра* ёки *ваикрита* деб аталади. Кейин *агнихотра* деб аталадиган бошқа қурбонлик маросимлари ўтказилди, унда қонун-қоидаларда кўрсатилган анжомларнинг барчаси маълум тартибда Парвардигор Вишнуга эҳсон қилинди. Шу тарзда Парвардигор Вишну мамнун қилинди. Ҳар қандай қурбонлик маросими ўтказишдан мақсад Парвардигор Вишнуни мамнун қилишдан иборат, лекин ҳозирги биз яшаб турган Кали-юга даврида қурбонлик маросими ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма анжомларни тўплашнинг иложи йўқ. Ҳозирги одамларда ана шундай қурбонлик маросимлари учун зарур бўлган нарсаларни топиш имкони ҳам, қурбонлик маросими ўтказиш учун зарур бўлган илоҳий илм ҳам, қурбонлик маросими ўтказишга

мойиллик ҳам йўқ. Шу боис, одамлар асосан бахтсиз, серташвиш, ҳамиша хавотирда юрадиган Кали-юга даври учун қурбонлик маросимининг ягона тури - *санкиртана-йағйа* тавсия қилинган. Ҳозир биз яшаб турган даврда Худого сиғинишнинг тавсия этилган ягона усули - Худонинг муқаддас номларини биргаликда куйлаш, яъни *санкиртана-йағйа* ўтказиш орқали Парвардигор Чайтанйага сиғинишдан иборат.

Ҳар хил қурбонлик маросимларини ўтказиб бўлгандан кейин Васудева руҳонийларга қимматбаҳо совғалар, либослар, тақинчоқлар, сигир, ер ва қанизак-хизматкорлар эҳсон қилди. Кейин Васудеванинг ҳамма хотинлари *авабхритха* ювиниш маросими ўтказдилар ва қурбонлик маросимининг *патнисамйаджа* деб аталадиган қисмини ўтказишга киришдилар. Зарур бўлган барча нарсаларни эҳсон қилгандан кейин уларнинг ҳаммаси Парашурама қазиган, Рама-храда деб аталадиган ҳовузда чўмилиб покландилар. Ювиниб поклангандан кейин Васудева ва унинг хотинлари аввалги кийимларининг ҳаммасини ашулачиларга, раққосларга ва бошқаларга садақа қилдилар. Шуни айтиш лозимки, ҳар қандай қурбонлик маросими ўтказаятган одам ҳар хил қимматбаҳо нарсаларни саховат билан бошқаларга эҳсон қилиш керак. Қурбонлик маросими ўтказишдан олдин руҳоний ва браҳманларга садақа берилади, қурбонлик маросими ўтказиб бўлгандан кейин эса уларга ёрдамлашган одамларга қурбонлик маросимида ишлатилган кийим ва тақинчоқларни садақа қиладилар.

Ўзининг нарсаларини раққос ва созандаларга садақа қилиб бўлиб, янги либослар кийиб олган Васудева ва унинг хотинлари браҳманлардан тортиб то итларгача ҳамма учун тўкин-сочин дастурхон ёзиб зиёфат бердилар. Шундан сўнг Васудеванинг дўстлари, оила аъзолари, хотинлари ва болалари, барча шоҳлар ҳамда Видарбха, Кошала, Куру, Каши, Кекайя ва Сринжайя сулолаларининг шу ердаги аъзолари билан бирга бир жойга тўпландилар. Руҳонийлар, фаришталар, оддий одамлар, аждодлар, арвоҳлар ва чараналарнинг ҳаммасига ҳар хил қимматбаҳо совғалар инъом этилиб муносиб хурмат-эҳтиром кўрсатилган эди. Кейин бу ерга тўпланганларнинг ҳаммаси равақ фариштасининг рафикаси Парвардигор Кришнадан руҳсат сўраб, Васудева ўтказган қурбонлик маросимлари нақадар ажойиб бўлганини олқишлаб ўз даргоҳларига йўл олдилар.

Шоҳ Дхритараштра, Видура, Юдхистхира, Бхима, Аржун, Бхишмадева, Дроначарйя, Кунти, Накул, Сахадев, Нарада Муни, Парвардигор Вйасадева ва бошқа кўплаган қариндошлар кетишга ҳозирлик кўрар экан, олдиларида турган айрилик азобини ўйлаб қаттиқ қийналардилар, шу боис Йадавлар сулоласининг ҳар бир аъзосини қаттиқ қучоқлаб, алоҳида меҳр-муҳаббат билан бағирларига босар эдилар. Қурбонлик ма-

росимига тўпланган бошқа одамлар ҳам тарқалиб, ҳар ким ўз юртларига кетди. Шундан сўнг Парвардигор Кришна ва Парвардигор Балорам шоҳ Уграсена билан бирга Нанда Махараж ва подачилар бошлиқ Вриндаваннинг шу ерга келган барча аҳолисини мамнун қилиш учун, уларга чуқур меҳр-муҳаббатларини изҳор этиб, ҳар хил совға-саломлар эҳсон қилдилар. Уларга қалин дўстлик ришталари билан боғланган Вриндаванлик подачилар Йадавалар сулоласининг аъзолари билан бирга бу ерда анча вақтгача бирга қолиб кетдилар.

Бу қурбонлик маросимини ўтказиб бўлиб, Васудева қалбида шунчалик чуқур мамнуният ҳосил қилган эдики, қалбида чексиз бахт, лаззат ҳис қилаётган эди. Оиласининг барча аъзолари у билан бирга эди, уларнинг ёнида Васудева Нанда Махаражнинг қўлларини ушлаб туриб, унга шундай деди: "Эй азиз оғажон, Худонинг Олий Шаҳси "муҳаббат" ва "боғланиш" деган жуда мустаҳкам ришталарни яратиб қўйган. Ўйлайманки, ҳатто буюк донишмандларнинг ҳам мана шу муҳаббат ришталарни узиб кетиши жуда мушкул бўлади. Эй азиз оға, сен менга шундай кучли меҳр-муҳаббат кўрсатгансанки, мен ҳеч қачон уни қайтара олмайман. Шу боис мен ўзимни яхшиликни билмайдиган нонқўр деб ҳисоблайман. Сен худди табаррук авлиёлардай иш қилдинг, бунинг учун мен сенинг олдинда ҳамиша қарздор бўлиб қоламан. Сенинг дўстлигингга муносиб баҳо бериш, муносиб кадрлаш менинг қўлимдан келмайди. Шунга қарамай, мен аминманки бизларнинг дўстлигимиз ҳеч қачон узилмайди. Бу дўстликни мен муносиб кадрлай олмасам ҳам бизнинг ўзаро дўстона муносабатларимиз ҳамиша давом этиши лозим. Сен менинг бундай ношудлигимни кечирасан деб умид қиламан.

Эй оға, зиндонбанд бўлганим туфайли мен аввалига сенга ҳеч қачон дўст сифатида садоқат билан хизмат қила олмадим, ҳозир эса мен бойбадавлатман, лекин бойлик, мол-дунё менинг кўзларимни кўр қилиб қўйган. Шунинг учун мен ҳозир ҳам муносиб садоқат билан хизмат қилиб сени мамнун қила олмаяпман. Эй оға, сен шу қадар мискин ва камтарсанки, ҳамиша бошқаларга чексиз ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб юрасан-у, ҳеч қачон ҳеч кимдан ўзингга бирор илтифот талаб қилмайсан. Рухий юксалишга интилаётган киши ҳаётда кўпроқ мол-дунё тўплашга интилмаслиги керак, бойлик кишининг кўзини кўр қилиб, манман қилиб қўяди. Ҳақиқий инсон ҳамиша ўзининг дўстлари ва қариндошларига ғамхўрлик қилиши лозим".

Васудева Нанда Махаражга бу гапларни Нанда Махаражнинг дўстлигидан, ўзи учун қилган беғараз, холис яхшиликларидан чексиз мамнун бўлгани учун, унга ўзининг чуқур миннатдорчилигини изҳор этиш ниятида айтаётган эди. Қалбида жўш урган чексиз меҳр, миннатдорчилик туйғуси таъсири остида унинг кўзлари

жиққа ёшга тўлиб, у йиғлаб юборди. Дўсти Васудевани мамнун қилиш ниятида, Кришна билан Балорамга меҳр-муҳаббат ришталари билан қаттиқ боғланиб қолган Нанда Махараж уларнинг ёнида яна уч ой қолиб кетди. Ана шу муддат охирида Йадавалар сулоласининг барча аъзолари Вриндаван аҳолисини мамнун қилиш учун қўлидан келганча ҳаракат қила бошладилар. Нанда Махараж ва унинг ҳамроҳларини қувонтириш учун Йадавалар сулоласининг аъзолари уларга кийим-кечаклар, тақинчоқлар, бошқа қўплаган қимматбаҳо совғалар инъом этдилар, бундан уларнинг ҳаммаси чексиз хурсанд эдилар. Васудева, Уграсена, Парвардигор Кришна, Парвардигор Балорам, Уддхава ва Йадавалар сулоласининг барча аъзолари шахсан ўз номидан Нанда Махараж ва унинг ҳамроҳларига турли совғалар тақдим этдилар. Нанда Махараж ана шу хайрлашув совғаларини олгандан кейин ҳамроҳлари билан бирга Вражабҳумига, Вриндаванга йўл олди. Лекин, барибир Вриндаван аҳолисининг бутун фикру-хаёли Кришна билан Балорамда қолган эди, яъни уларнинг ўзлари Вриндаванга кетгани билан уларнинг ақли ҳамиша Улар билан бирга қолган эди.

Вришни хонадонининг аъзолари барча меҳмонлар ва дўстлари тарқалиб, ҳар ким ўз уйларига кетаётганини кўриб, кузги ёмғир палласи яқинлашаётганини билдилар, шу боис ўзлари ҳам Дваракага қайтишга қарор қилдилар. Уларнинг ҳаммаси қалбида чуқур мамнуният ҳосил қилган эдилар, чунки уларнинг бутун борлиғи бўлган Кришна улар билан бирга эди. Улар Дваракага қайтиб келганларида бошқаларга Васудева ўтказган қурбонлик маросимлари, дўстлари, ошналари билан бўлган учрашувлар ва муқаддас саждагоҳни зиёрат қилган пайтларида бўлиб ўтган бошқа воқеалар ҳақида чуқур мамнуният билан гапириб бера бошладилар.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Васудева ўтказган қурбонлик маросимлари" деб аталадиган саксон учинчи бобига Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.

84. Парвардигор Кришнанинг Васудевага руҳий насихатлар бериши ва Девакининг ўлган ўғилларини ҳаётга қайтариб бериши

Ведавий урф-одатларга кўра оиланинг ёши кичик аъзолари ҳар куни эрталаб оиланинг ёши катта аъзоларига ҳурмат-эҳтиром билдириб сажда қилишлари лозим. Айниқса ўқувчилар ва шогирдлар ҳар куни эрталаб ўқитувчиларига ва руҳий устозларига таъзим қилиб эҳтиром

кўрсатишлари лозим. Ана шу ведавий урф-одатга кўра Парвардигор Кришна билан Балорам отаси Васудевага ҳамда унинг хотинларига ҳар куни эрталаб эҳтиром билан сажда қилардилар. Бир куни Курукшетрада қурбонлик маросими ўтказиб қайтиб келганидан сўнг, Парвардигор Кришна билан Балорам эҳтиром кўрсатиш учун олдига келганида Васудева шу имкониятдан фойдаланиб, ўзининг бу икки ўғлининг улуғвор ҳолатини қанчалик эъзозлашини билдириб қўймоқчи бўлди. Васудева Курукшетрадаги қурбонлик маросимига тўпланган буюк донишмандлардан Парвардигор Кришна ва Балорамнинг ҳақиқий ҳолати аслида қандай эканини билиб олиш имкониятига эга бўлган эди. Бу ҳақда у шунчаки буюк донишмандлардан тинглаб қолмасдан, Кришна билан Балорамнинг оддий одамлар эмаслигини, Улар бутунлай ғайритабиий тирик мавжудотлар эканини ўзи ҳам жуда кўп марта бевосита кузатган эди. Шу боис у ўз ўғиллари, Кришна билан Балорам - Худонинг Олий Шахси экани ҳақида буюк донишмандларнинг айтган гапларига дарров ишонган эди.

Ўғилларининг улуғвор ҳолатига аниқ ишониб, у Уларга шундай гаплар билан мурожаат қилди: "Азизим Кришна, Сен *сач-чит-ананда-виграха*, Худонинг Олий Шахсисан, Сен эса, азизим Балорам - *Санкаршана*, барча сеҳр қудратининг ҳукмдорисан. Сизлар мангу мавжуд эканингизга мен энди аниқ ишондим. Сизлар икковингиз ҳам намоён бўлган бу борликка нисбатан ҳам, унинг сабабчиси бўлган Маха-Вишну Олий Шахсига нисбатан ҳам илоҳий ҳолатдасизлар. Сизлар - бутун борликнинг азалий, бошланғич Ҳукмдорисизлар. Сизлар - намоён бўлган бу коинотнинг охирига нажот маконисизлар. Уни намоён этган ҳам - Сизлар, у таркиб топган унсурлар ҳам - Сизлар Ўзингизсизлар. Сизлар бу намоён бўлган борликнинг ҳукмдорисизлар, аслида бутун борликни Сизлар фақат Ўзларингизга эрмак учун намоён этгансизлар.

Коинотнинг бошидан охиригача ҳар хил замонларда намоён бўлган моддий босқичлари ҳам Сизларсиз, чунки бу моддий борликнинг намоён бўлишининг сабаби ҳам, оқибати ҳам Сизлар Ўзингизсизлар. Бу моддий оламнинг икки кўриниши - ҳукмрон ва тобе(бошқарадиган ва бошқариладиган) кўриниши ҳам Ўзларингизсизлар, улар устидан ҳукмрон бўлган Олий илоҳий Ҳукмрон ҳам - Сизлар Ўзингизсизлар. Шу боис Сизлар бизларнинг сезгиларимизнинг ҳис қилиш чегарасидан ташқаридасизлар. Сизлар - туғилмаган ва ўзгармас Олий руҳсизлар. Моддий танада муқаррар рўй берадиган олти хил ўзгаришлар Сизларда умуман намоён бўлмайди. Бу моддий оламдаги ғайритабиий ранг-барангликни ҳам Сизлар яратиб қўйибсизлар, Сизлар Олий Руҳ кўринишида ҳар бир тирик мавжудот ичига,

ҳатто ҳар бир атом ичига киргансизлар. Ҳамма нарсанинг мавжудлигини Сизлар таъминлаб турасизлар.

Ҳамма нарсани ҳаракатга келтириб турган тирик куч ҳам, ундан чиқадиган яратувчилик, ижодкорлик қудрати ҳам ўзидан-ўзи ҳаракат қилмасдан, фақат Сизларга, ана шу кучлардан устун турадиган Худонинг Олий Шахсининг амрига бўйсуниб ҳаракат қилади. Сизларнинг амрингизсиз улар ҳаракат қила олмайдилар. Моддий қувват илмга эга эмас. У мустақил ҳолда ҳаракат қилишга қодир эмас, у албатта сизларнинг турткингиз билан ҳаракатга келади. Моддий табиат бутунлай Сизларга қарам бўлгани сабабли, тирик мавжудотлар мустақил ҳаракат қилишга шунчаки уриниб кўришлари мумкин. Аммо Сизларнинг руҳсатингизсиз, агар Сизлар истамасанглар улар бирор ҳаракат қилишга ҳам, ўзлари зўр бериб интилаётган бирор натижага ҳам эриша олмайдилар.

Азалий бошланғич қувват - Сизлар яратган нарсалардир. Эй азиз Худойим, ойнинг ёғдуси, оловнинг ҳарорати, қуёш нурлари, юлдузларнинг чарақлаши, ўз қудратини намоён этадиган яшин, электр қуввати, шунингдек тоғларнинг тортиши, ернинг қуввати ва ҳиди - буларнинг ҳаммаси Сенинг намоён бўлган турли кўринишларинг. Сувнинг соф таъми, ҳаётни таъминлаб турган қудрат ҳам Сенинг хусусиятларингдир. Сув ҳам, унинг таъми ҳам - Сен Ўзингсан.

Эй азиз Худойим, гарчи инсоннинг ўйлаши, исташи ва ҳис қилишида намоён бўладиган сезгиларнинг кучи, ақлнинг кучи ҳам, тананинг кучи, унинг ўсиши ва ҳаракати тана ичидаги ҳар хил ҳаво оқимларига боғлиқдай бўлиб кўринса ҳам, охир-оқибатда уларнинг ҳаммаси - Сенинг қувватингнинг намоён бўлишидир. Коинотнинг бепоён сарҳадлари Сенинг ичингда жойлашган. Осмон(эфир)нинг тебранишлари, унинг гумбуллаши, олий илоҳий товуш *омкара*, бир нарсани иккинчисидан ажратиш учун ишлатиладиган ҳар хил сўзлар бирикмаси - Сенинг рамзий тасаввурларингдир. Аслида ҳамма мавжуд нарса - Сен Ўзингсан. Сезгилар, сезгиларни бошқарувчи илоҳлар, фаришталар, сезгиларнинг мақсади бўлган илм ўрганиш, шунингдек билиш(ўрганиш) лозим бўлган зот(нарс) ҳам ҳаммаси - Сен Ўзингсан. Тирик мавжудотнинг чуқур тафаккури ва мустаҳкам хотираси ҳам Сенсан. Бу моддий олам ярралишининг сабабчиси бўлган ғофилликдаги сохта ўзлик қонуни ҳам Сенсан, ҳиссиётларнинг сабабчиси бўлган эҳтиросдаги сохта ўзлик ҳам Сенсан, бу моддий оламдаги ҳар хил ҳукмрон илоҳларни юзага келтирадиган эзгуликдаги сохта ўзлик ҳам Ўзингсан. Шартланган руҳ ҳамиша бир ҳаёт шаклидаги танадан иккинчи танага ўтиб юришига сабабчи бўлган алдамчи қувват, яъни майя ҳам Сенсан.

Эй Худонинг Олий Шахси, худди ер турли дарахтларнинг, ўсимликларнинг ва бошқа намо-

ён бўлган нарсаларнинг бошланғич сабабчиси бўлганидай, барча сабабларнинг бошланғич сабаби - Сенсан. Ҳамма нарсада ер намоён бўлгани сингари, Сен ҳам Олий Рух кўринишида бутун борликдаги ҳамма нарсада мавжудсан. Барча сабабларнинг Олий сабабчиси ва борлиқни ҳаракатга келтириб турган мангу куч, қувват - Сенсан. Аслида ҳамма нарса Сенинг ягона қудратининг намоён бўлган турли хилдаги кўринишларидир. Моддий табиатнинг уч сифати - *саттва*, *раджас* ва *тамас* ҳам, - уларнинг ўзаро фаолиятининг натижалари ҳам *йога-майя* орқали Сен билан боғланган. Одатда улар мустақил деб ҳисобланади, лекин аслида бутун моддий қувват Сенда, Олий Рухда жойлашган. Ҳамма нарсанинг Олий сабабчиси - Сен бўлганинг сабабли, намоён бўлган моддий оламнинг фаолияти - туғилиш, ўсиш, мавжуд бўлиб туриш, насл қолдириш, сўлиш ва ўлиш жараёнлари Сенга хос эмас. Сенинг олий қувватинг, *йога-майя*, намоён бўлган ҳар хил кўринишларда ҳаракат қилади, лекин у Сенинг қувватинг бўлгани сабабли Сен ҳамма нарсада мавжудсан".

"Бхагавад-гита"нинг тўққизинчи бобида бу ҳақиқат жуда яхши таърифлаб берилган, унда Парвардигор шундай дейди: "Мен Ўзимнинг намоён бўлмаган кўринишимда бутун моддий қувватга сингиб кетганман. Ҳамма нарса Менда жойлашган, Мен эса - ҳамма нарсадан ташқаридаман"(9.4). Васудева ҳам бу ерда шуни айтяпти. У ҳамма жойда мавжуд эмаслиги У ҳамма нарсадан ташқарида эканини исботлайди, лекин Унинг қуввати ҳамма жойда ҳаракат қилади. Буни шундай кўпол бир мисолда тушунтириш мумкин: катта корхонада хўжайиннинг қуввати, яъни унинг қонун-қоидалари ҳамма жойда мавжуд, лекин бу - хўжайин шахсан ўзи корxonанинг ҳамма ерида мавжуд дегани эмас, лекин ишчи ҳамма жойда хўжайиннинг таъсирини ҳис қилиб юради. Хўжайиннинг жисмонан бўлиши шарт эмас, у шунчаки расмиятчилик юзасидан келиши мумкин. Аслида унинг қонунлари ҳамма ерда ҳаракат қилади. Худди шундай Худонинг Олий Шахсининг ҳамма жойда мавжудлиги ҳам Унинг қувватларининг ҳаракати билан белгиланади. Шунинг учун англаб бўлмас фалсафа - бир вақтнинг ўзида ҳам Худо билан бир бўлиш, ҳам Ундан фарқ қилиш фалсафаси ҳамма жойда, ҳаммиша тасдиқланади. Парвардигор битта, лекин Унинг қувватлари турли-туман.

Васудева шундай деди: "Бу моддий олам катта, тезоқар дарёга ўхшайди, унинг тўлқинлари - моддий табиат гуналари - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналари. Бу моддий тана ҳам, ҳиссиёт, сезгилар ҳам, ўйлаш(фикрлаш), ҳис қилиш(сезиш) ва иташ қобилияти ҳам, изтироб чекиш, лаззатланиш(бахт), боғланиш ва шахвоний эҳтирос туйғулари ҳам - моддий табиатнинг уч сифатининг турли ҳосилларидир. Модданинг ана шундай таъсир доирасидан устун

турадиган Сенинг илоҳий моҳиятинингни англаб етмаган ғофил, нодон одам кармали фаолият чангалида тутқунликда қолиб кетаверади ва такрорланиб турадиган туғилиш ва ўлишларнинг чексиз кетма-кетлигига мубтало бўлиб, руҳий озодликка чиқиш имконидан маҳрум бўлади".

Бу ҳақиқатни ҳам Парвардигор "Бхагавад-гита"нинг тўртинчи бобида тасдиқлайди. Унда айтилганки, Парвардигор Кришнанинг бу дунёга келиши ва кўрсатган кароматларини тушуна олган ҳар қандай одам моддий табиат чангалидан халос бўлади ва ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига йўл олади. Шунинг учун Кришнанинг илоҳий номлари, қиёфалари, кароматлари ва сифатлари моддий табиат юзага келтирган нарсалар эмас.

"Эй азиз Худойим, - давом этди Васудева, - шартланган руҳнинг ана шу нуқсонларига қарамай, агар тирик мавжудот қандайдир сабаблар билан Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириб қолса, у кейинги ҳаётида юксак даражада ривожланган маданиятли инсон танасига эга бўлади, шунда у Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида руҳий юксалишга эришиш учун ҳамма имкониятларга эга бўлади. Шунга қарамай, ташқи қувват адаштириб қўйгани сабабли, одамлар инсон танаси берадиган ана шу нодир имкониятдан фойдаланиб қолишга интилмайдилар. Шу тариқа улар мангу озодликка эришиш имкониятидан маҳрум бўладилар ва минглаб умрлар давомида ўзлари зўрға эришган юксак руҳий поғонадан тубанликка юз тутадилар.

Ҳаёт ҳақида тана нуқтаи назаридаги, моддий тасаввурга эга бўлган одамлар сохта ўзлик таъсири остида ўткинчи тананинг маҳсулотлари бўлган бола-чақасига боғланган бўлади, шартланган ҳаётда ҳар бир одам шу тарзда сохта боғланиш ва муносабатлар чангалига тушиб қолади. Бутун олам ахли "моддий тутқунлик" деб аталадиган ҳаёт ҳақидаги мана шу сохта тасаввурга асосланиб ҳаёт кечиради. Биламанки, Сизлар менинг ўғилларим эмассизлар; Сизлар - бошланғич, азалий бобокалон ва ҳамма нарсанинг аввали бўлган, *Прадхана* ва *Пуруша* деб аталадиган азалий Худо Шахсисизлар. Сизлар бу сайёрада унинг дардини енгиллатиш учун, ҳеч қандай заруратсиз ҳарбий қудратини кучайтириб юрган ҳукмдор-қшатрийларни яқсон қилиш учун намоён бўлгансизлар. Бу ҳақда Сизлар аввал менга айтган эдинглар. Эй азиз Худойим, Сизларга ўз ихтиёрини топширган одамларнинг ягона нажот макони, итоаткор ва камтар зотларнинг саодатманди - Сен Ўзингсан. Шу боис мен Сизларнинг нилуфар пойи қадамларингиз паноҳидан ўзимга нажот излайман, чунки инсонни моддий ҳаёт чангалидан фақат улар озодликка чиқара оладилар.

Узоқ вақтлардан бери мен бу моддий танани "мен ўзим" деб ҳисоблаб келдим, гарчи Сен - Худонинг Олий Шахси бўлсанг ҳам, мен Сени ўзимнинг ўғлим деб юрардим. Эй азиз Худойим,

Сен Камсанинг зиндонида биринчи марта пайдо бўлган пайтингда мен Сенинг Худонинг Олий Шахси эканингни, Сен бу оламга ҳақиқий дин қонунларини ҳимоя қилиш ҳамда имонсиз зомилларни яқсон қилиш учун ташриф буюрганнингни билган эдим. Гарчи Сен туғилмаган бўлсанг ҳам, Ўз бурчингни бажариш учун Сен ҳар бир даврда бу оламга ташриф буюриб турасан. Эй азиз Худойим, худди осмонда пайдо бўлиб, йўқолиб турадиган нарсалар кўп бўлгани сингари, Сен ҳам кўплаган мангу киёфаларда намоён бўлиб, кўздан ғойиб бўлиб турасан. Шундай экан, Сенинг илоҳий эрмакларингни ёки Сенинг пайдо бўлишинг ва ғойиб бўлишинг сирини ким ҳам англаб ега оларди? Шу боис бизларнинг ҳаётда қилишимиз лозим бўлган ягона ишимиз Сенинг Олий улуғворлигингни шарафлаб куйлашдан иборат бўлиши лозим".

Васудева ўзининг илоҳий табиатли ўғилларига шундай сўзлар билан мурожаат қилганида Парвардигор Кришна ва Балорам кулиб кўйдилар. Улар Ўзларининг бхакталарини жуда севадилар, шу боис Васудеванинг фахр билан айтаётган олқишларини мамнуният билан кулиб қабул қилдилар. Кейин Кришна Васудеванинг айтган гапларининг ҳаммасини тасдиқлай бошлади. "Эй азиз отажон, сен нима деб ўйласанг ҳам, Бизлар барибир сенинг ўғилларингмиз. Сенинг Бизлар ҳақимизда айтган гапларинингнинг ҳаммаси албатта руҳий илм ҳақидаги жуда юқори фалсафий тушунчадир. Мен сенинг гапларинингнинг ҳаммасини шакшубҳасиз қабул қиламан".

Васудева Парвардигор Кришна ва Балорамни ўз ўғиллари деб ҳисоблаш билан ҳаётда энг юқори руҳий поғонага кўтарилган эди, аммо Курукшетрадаги буюк донишмандлар Кришнани "бутун борликнинг олий сабабчиси" деб айтганлари сабабли, Васудева Кришна ва Балорамга бўлган чуқур муҳаббати таъсири остида ҳозир шунчаки уларнинг гапларини такрорлаётган эди. Парвардигор Кришна Васудева билан ўзаро ота ва ўғил муносабатларини ўзгартиришни истамасди, шу боис У жавобининг бошиданок Ўзи - Васудеванинг мангу ўғли эканини, Васудева эса - Кришнанинг мангу отаси эканини қабул қилди. Шундан сўнг Парвардигор Кришна отасига аслида барча тирик мавжудотларнинг моҳияти руҳий табиатга эга экани ҳақида гапирди. У гапида давом этиб шундай деди: "Эй азиз отажон, ҳамма, шу жумладан Мен ва оғам Балорам, Дварака шаҳрининг бутун аҳолиси ҳамда намоён бўлган бутун коинот худди сен ҳозир таърифлагандай, лекин шу билан бирга бизларнинг ҳаммамиз руҳий жиҳатдан бир хилмиз".

Парвардигор Кришна Васудевага ҳаётда ҳамма нарсага *махабхагавата*, яъни энг юксак поғонага кўтарилган бхакта кўзи билан қараш имконини бермоқчи бўлди. Юксак поғонада турган бхакта барча тирик мавжудотларни Парвардигорнинг ажралмас заррачалари деб билади,

олий Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд эканини кўради. Аслида ҳар бир тирик мавжудот руҳий табиатга эга бўлган зотдир, аммо моддий борлиқ ичига тушиб қолгандан кейин у моддий табиат гуналари таъсирига берилиб кетади. Унинг руҳий онгини ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввур қоплаб олади, шунда у ўзи(руҳи) аслида сифат жиҳатдан Худонинг Олий Шахси билан бир хил эканини эсидан чиқариб юборади. Ғофил одамлар адашганидан бир тирик мавжудот иккинчи бир тирик мавжудотдан ҳар хил моддий таналар билан қоплангани сабабли фарқ қилади деб ҳисоблайди. Таналари ҳар хил бўлгани учун уларга тирик мавжудотларнинг руҳи ҳам ҳар хилдай бўлиб кўринади.

Парвардигор Кришна беш моддий унсур билан боғлиқ бир ажойиб мисол келтиради. Осмон, ҳаво, олов, сув ва тупроқ моддий оламнинг ҳамма жойида мавжуд - хоҳ у кўзача таркибида ёки катта тоғ, дарахт ёки сирға таркибида бўлсин. Мана шу беш хил унсур ҳар хил миқдорда ҳамма нарсанинг таркибида мавжуд. Тоғ мана шу беш унсурнинг катта миқдорда бир жойга тўпланган кўриниши бўлса, кўзача ҳам ана шу унсурларнинг озгина қисмининг бирикмаси. Гарчи кўринишлари, шакллари ҳар хил бўлса ҳам моддий оламдаги ҳамма нарсалар бир хил нарсалардан таркиб топган. Худди шундай Парвардигор Кришна, Вишну-таттвалардан тортиб то Вишнунинг минглаган киёфалари, ҳар хил таналардаги Тангри Браҳмадан тортиб то энг кичкина ҳашаротгача бўлган миллиардлаган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси табиатан бир хил сифатга, руҳий сифатга эга. Уларнинг баъзилари миқдор жиҳатидан катта, баъзилари кичик, аммо уларнинг сифати, табиати таркиби бир хил. Шунинг учун "Упанишада"ларда, Парвардигор Кришна, Худонинг Олий Шахси - барча тирик мавжудотлар ичида энг асосийси, У бошқа барча тирик мавжудотларнинг мавжудлигини, ҳаётини таъминлаб туради, деб айтилган. Ҳаётнинг мана шу фалсафасини англаб етган киши мукамал илмга эга инсондир. Ведаларда шундай дейилган: *тат твам аси*, яъни "Сизлар ҳаммангиз бирсизлар". Бу ҳар бир одам ҳам Худо дегани эмас, балки, ҳар бир тирик мавжудот Худо билан бир хил табиатга эга деганидир.

Кришнанинг руҳий ҳаёт фалсафасини шу тарзда қисқача қилиб тушунтириб берганини тинглаб туриб, Васудева ўғлидан жуда мамнун бўлди. Қаттиқ ҳаяжонга тушганидан тили калимага келмай у бироз сукут сақлаб жим туриб қолди. Айти пайтда Парвардигор Кришнанинг онаси Деваки эрининг ёнига бориб ўтирди. У Кришна билан Балорам Ўзларининг руҳий устозига чексиз марҳамат кўрсатиб, унга анча вақт илгари ўлган ўғлини Йамаражнинг даргоҳидан қайтариб бергани ҳақида эшитган эди. У бу ҳақда эшитганидан бери акаси Камса ўлдирган ўғилларини эслаб қаттиқ изтироб чекиб юрарди.

Ўлиб кетган ўғилларини қаттиқ қайғуриб, Деваки Парвардигор Кришна ва Балорамга илтижо қила бошлади: "Азизим Балорам, Сенинг номингдан кўриниб турибдики, Сен ҳар бир инсонга буюк лаззат ва бутун куч-қудрат ато этадиган Зотсан. Биз ўзимизнинг ақлимиз ва гапларимиз билан Сенинг чексиз қудратингни англаб ета олмаймиз, Сен эса, азизим Кришна, барча сеҳргар-йогларнинг Ҳукмдорисан. Яна мен биламанки, Сен - Тангри Браҳма ва унинг ёрдамчилари сингари барча праджапатиларнинг ҳам Ҳукмдорисан. Сен - бошланғич Худо Шахси, азалий Парвардигор Нарайанасан. Яна мен шуни биламанки, Сен бу оламга, вақт ўтиши билан ҳақиқат йўлидан адашган барча имонсиз иблисларни яқсон қилиш учун ташриф буюргансан. Улар ўз ақли, нафси ва ҳиссиётини жиловлай олмай қолганлар, эзгулик гунасида тубанликка қулаб, онгли равишда муқаддас китобларнинг кўрсатмаларини инкор этиб, исрофгарчилик билан уятсиз, ор-номуссизларча жирканч ҳаёт кечирадилар. Сен Ер юзидаги ана шу гуноҳкор ҳукмдорларни ўлдириб, Ернинг оғирини енгил қилиш учун бу сайёрага келгансан. Азизим Кришна, мен биламанки, космик оламнинг Сабаллар уммонида ётган, бутун Борлиқнинг манбаи бўлган Маха-Вишну аслида Сенинг тўла намоён бўлган бир кўринишингдир. Бутун борлиқ Сенинг шунчаки битта тўла намоён бўлган кўринишинг қудрати билан яратилади, мавжуд бўлиб туради ва яқсон бўлади. Шунинг учун мен ҳеч иккиланмасдан нажот тилаб Сенга мурожаат қиламан. Эшитдимки, Сен руҳий устозинг Сандипани Мунини мамнун қилиш учун ундан қандай совға истагини сўраганигда, у Сендан аллақачон ўлиб кетган ўғлини яна ҳаётга қайтариб беришни сўраган. Шунда гарчи унинг ўғлининг ўлганига анча вақт бўлган бўлса ҳам, Сен билан Балорам шу заҳотиёқ унинг ўғлини Йамаражнинг даргоҳидан қайтариб олгансизлар. Шундан кейин мен "Сен - барча сеҳргар-йогларнинг олий Ҳукмдорисан" деган қарорга келдим. Шу боис мен Сизлардан менинг ҳам илтимосимни бажаришларингизни илтимос қиламан. Бошқача қилиб айтганда, Сизлардан акам Камса ўлдирган барча ўғилларимни яна менга қайтариб беришингизни илтимос қиламан; Сизлар менга уларни қайтариб берсанглар, қалбим қувончга тўлади, уларни атиги бир марта бўлса ҳам кўра олсам мен жуда хурсанд бўлардим".

Онасининг гапларини тинглаб туриб, Парвардигор Балорам ва Кришна шу заҳотиёқ йога-майа ёрдамида Сутала деб аталадиган куйи сайёралар тизимига йўл олдилар. Аввал, Вамана киёфасида Худонинг Олий Шахси Ўзига бутун борлигини такдим этгани учун иблис Бали Махараждан жуда мамнун бўлган эди. Шунда Бали Махаражга бутун Сутала салтанати инъом этилган эди. Энди, Парвардигорнинг буюк бхактаси бўлган Бали Махараж Парвардигор Кришна ва

Балорам унинг сайёрасига ташриф буюрганини кўриб, чуқур илоҳий лаззат уммонига ғарқ бўлди. Кўз олдида Парвардигор Кришна ва Балорамни кўрган заҳоти у ва унинг барча оила аъзолари ўринларидан туриб Парвардигор олдида чуқур эҳтиром билан сажда қилдилар. Бали Махараж ўтириш учун Парвардигор Кришна ва Балорамга ўзида бор бўлган жойларнинг энг яхшисини кўрсатди, Парвардигорлар ўрнашиб ўтириб олганида, шоҳ уларнинг оёқларини юва бошлади. Кейин шу сувдан ўзининг ва оила аъзоларининг бошига сепди. Парвардигор Кришна ва Балорамнинг нилуфар кадамлари пойи ювилган сувлар ҳатто Тангри Браҳма сингари буюк фаришталарни поклашга қодир.

Шундан сўнг Бали Махараж қимматбаҳо либослар, тақинчоқлар, сандал, бетел ёнғоғи, шамчироқлар ва шарбатдай ширин таомлар келтирди ва оила аъзолари билан биргаликда муқаддас китобларнинг барча кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда Парвардигорга сиғиниш маросимини ўткази бошлади ҳамда ўзининг бутун бойлигини ва бутун вужудини Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойига қўйди. Шоҳ Бали шу қадар илоҳий лаззатга ғарқ бўлган эдики, Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойини такрор ва такрор кучоқлаб бағрига босар, уларни кўксига кўяр эди; баъзида эса чуқур илоҳий лаззатга ғарқ бўлиб, уларни боши устига қўярди. Унинг кўзларидан тинмай меҳр-муҳаббат ёшлари оқарди, унинг бутун вужуди титраб, туклари ҳурпайиб кетган эди. У титраган овоз билан Парвардигорга илтижо қила бошлади:

"Азизим Парвардигор Балорам, Сен - азалий, бошланғич Анантадевасан. Сен шу қадар буюксанки, Анантадева Шеша ва бошқа илоҳий киёфалар аввало Сендан ва Парвардигор Кришнадан чиққан. Сен - Бошланғич Худо Шахсисан, Сенинг мангу киёфанг чексиз лаззат ва мукммал илмга тўла. Сен - бутун борлиқнинг яратувчисан. Сен гйана-йога ва бхакти-йога қонунқоидаларини ўрнатиб, уларни бутун оламга таратгансан. Сен - Олий Браҳман, Худонинг Бошланғич, азалий Шахсисан. Шунинг учун мен Сиз иккингиининг олдингизда чуқур эҳтиром билан сажда қиламан. Эй менинг азиз ҳукмдорларим, тирик мавжудотнинг Сизларни бевосита кўриш имконига муяссар бўлиши жуда мушкул, лекин шунга қарамай, Сизлар Ўз бхакталарингизга марҳамат қилмоқчи бўлсангиз, улар Сизларни осонлик билан кўриш бахтига мушарраф бўладилар. Мана, фақат Ўзингизнинг бесабаб марҳаматингиз билан Сизлар бу ерга келишга, одатда эҳтирос ва ғафлат гунасига ботган ҳолда юрган бизларга Ўз жамолингизни кўрсатишга рози бўлдинглар.

Эй азиз Худойим, бизлар иблислар тоифасига, яъни дайтилар тоифасига мансуб зотлармиз. Иблислар, яъни иблисифат зотлар бўлган гандхарвалар, сиддхилар, видйадхаралар, чараналар, йакшалар, ракшаслар, пишачилар, арвоҳлар ва

жинлар - ўз табиатларига кўра Сенга сиғинишга, Сенинг бхакталаринг бўлишга кодир эмаслар. Сенинг бхакталаринг бўлиш ўрнига улар аксинча, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида бошқаларга тўсқинлик қиладилар. Уларга нисбатан бутунлай карама-қарши табиатли бўлган ҳолда Сен - барча Ведалар тимсоли ва ҳамиша соф эзгулик гунасида бўлган Худонинг Олий Шахсисан. Сен ҳамиша илоҳий ҳолатдасан. Шу сабабли, гарчи эҳтирос ва ғафлат гунасида туғилган бўлсак ҳам, бизларнинг баъзиларимиз Сенинг нилуфар қадамларинг пойига мурожаат қилиб, Сенинг бхакталаринг бўлдик. Бизларнинг баъзиларимиз ҳақиқатан ҳам соф бхакталар, баъзилар эса Сенга садоқат билан хизмат қилишдан бирор моддий манфаат кўриш ниятида Сенинг нилуфар қадамларинг пойига мурожаат қиладилар.

Фақат Сенинг бесабаб марҳаматинг билан биз иблислар бевосита Сенинг Шахсинг билан учраша оламиз. Бундай имкониятга ҳатто буюк фаришталар ҳам эга эмаслар. Сен Ўзингнинг йога-майя кувватинг ёрдамида қандай ҳаракат қилишингни ҳеч ким билмайди. Сенинг ички кувватингнинг фаолияти қанчалик бепоён сарҳадларни қамраб олишини ҳатто буюк фаришталар ҳам англай олмайдилар, шундай экан биз уни қандай била оламиз? Шунинг учун мен Сенинг олдинда эҳтиром билан бош эгиб, итоаткорлик билан камтарин ҳолда илтижо қиламан: Сенга ўз ихтиёрини бутунлай топширган мендан Ўз марҳаматингни дариғ тутма! Бесабаб марҳаматинг билан шундай қилгинки, мен умрлар оша ҳамиша Сенинг нилуфар қадамларинг пойини эслаб юрадиган бўлай! Ҳаётда мен интилиб юрган ягона мақсад шундан иборатки, мен ҳам худди ақли ҳамиша хотиржам бўлиб фақат Сенинг нилуфар қадамларинг пойига боғланган ҳолда олам кезиб юрадиган парамахамсаларга ўхшаб ёлғиз яшасам дейман. Яна истагим шуки, мен Сенинг соф бхакталарингдан бошқа ҳеч ким билан суҳбатлашмайин, чунки Сенинг соф бхакталаринг ҳамиша барча тирик мавжудотларга фақат яхшилик қилишни истайдилар.

Эй азиз Худойим, Сен - Олий Ҳукмдор ва бутун Олам Эгасисан. Шу боис Сендан илтимос қиламан, Сенга садоқат билан хизмат қилишимга ва шу тарзда барча моддий иллатлардан поклашимга изн бер. Сен шу тариқа мени поклай оласан, чунки агар кимдир ўзини Сенга садоқат ва муҳаббат билан хизмат қилишга бағишласа, у шу заҳотиёқ Ведаларда кўрсатилган барча қонун-қоидаларга риоя қилиш заруратидан халос бўлади".

Бу ерда ишлатилган *парамахамса* ибораси "олий оққуш" деган маънони англатади. Айтишларига қараганда оққуш сувга қўшилган сутни бир-бирдан ажрата олар экан. Худди шундай, бу моддий оламда яшаб туриб ҳам фақат руҳий нарсаларни қабул қилишни биладиган, моддий ҳаётга боғланиб қолмасдан фақат Олий Рухга

бўйсуниб яшайдиган одам ҳам *парамахамса* деб аталади. Инсон *парамахамса* ҳолатига эришганида унинг Ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган қонун-қоидаларга риоя қилиб юришига ҳожат қолмайди. Парамахамса фақат Худонинг соф содиқлари билан суҳбатлашишга рози бўлади, моддий ҳаётга боғланиб қолган бошқа одамларнинг ҳаммасини улар рад этадилар. Бошқача қилиб айтганда, моддий нарсаларга боғланиб қолган одамлар парамахамсанинг аҳамиятини англай олмайдилар, лекин омади келиб, анча руҳий юксалишга эришган зотлар ўзларига химоя истаб парамахамсаларга мурожаат қиладилар ва шу тарзда инсон ҳаётининг олий мақсадига муваффақият билан эриша оладилар.

Бали Махаражнинг илтижоларини тинглаб туриб, Парвардигор Кришна унга шундай деди: "Эй ҳурматли иблислар шоҳи, Свайамбхува Ману даврида Маричи деган *пражанати* олти ўғилга ҳаёт ато этган эди, уларнинг ҳаммаси фаришталар эди. Бир куни Тангри Браҳма ўз кизининг гўзаллигига маҳлиё бўлиб, шахвоний эҳтиросга берилиб кизининг изидан югурган эди. Шунда ана шу олти фаришта Тангри Браҳмага жирканиш туйғуси билан қараб турардилар. Фаришталар Тангри Браҳманинг бу ишини қоралаш билан уни қаттиқ ҳақорат қилган эдилар, шу боис улар иблис Хиранякашипунинг ўғиллари бўлиб туғилишга маҳкум этилган эдилар. Улар кейинги ҳаётида Деваки онанинг қорнидан туғилган бўлиб, туғилган заҳоти уларни иблис Камса ўлдириб ташлаган эди. Эй ҳурматли шоҳ, Деваки она ўзининг ўша ўғилларини кўришни жуда истайди, уларнинг Камсанинг қўлидан эрта ўлиб кетганидан қаттиқ изтироб чекапти. Уларнинг ҳаммаси ҳозир сен билан бирга яшаётганини Мен биламан, шу боис онам Девакини мамнун қилиш учун Мен уларни олиб кетиш учун бу ерга келдим. Ана шу олти шартланган руҳ онам Девакини кўрган заҳоти барча гуноҳларидан покланиб, ўзларининг азалий сайёрасига йўл оладилар. У шартланган руҳларнинг номлари қуйидагилардир: Смара, Удгитха, Паришванга, Патанга, Кшудрабхрит ва Гҳрини. Улар яна ўзларининг аввалги фаришта ҳолатига қайтадилар".

Иблислар шоҳига шу сўзларни айтиб Кришна бир оз вақт жим қолди, Бали Махараж Парвардигорнинг мақсадини дарров тушунди. У Парвардигорга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатди, кейин Парвардигор Кришна ва Балорам ана шу олти шартланган руҳни олиб Дварака шаҳрига қайтдилар, бу ерда улар чақалоқ кўринишига кириб Деваки она олдида пайдо бўлдилар. Деваки она қувончдан ўзини кўярга жой топа олмасди. Унинг бу болаларга бўлган оналик меҳри шу қадар кучли эдики, кўксидан сут тирқираб кетди, у чуқур мамнуният билан болаларини эмиза бошлади. У ўз фарзандларини такрор ва такрор олдига олиб бағрига босар, бошларини тўйиб-тўйиб хидлар ва шундай ўйлар эди: "Парварди-

гор Кришна менга ўлган ўғилларимни қайтариб берди!" Ана шу вақтда Деваки бутунлай Парвардигор Вишнунинг илоҳий қуввати таъсири остида эди, чуқур оналик меҳрини ҳис қилиб, у ўзининг қачонлардир йўқотган ўғиллари билан бирга бўлишдан чексиз лаззат оларди.

Девакининг кўксидан оқаётган сут аслида илоҳий шарбат эди, чунки айнан ана шу сутдан бир пайтлар Парвардигор Кришнанинг Ўзи ҳам эмган эди. Шу боис Девакининг кўксидан Парвардигор Кришнанинг оғзи теккан сутдан эмган болаларнинг ҳаммаси шу заҳотиёқ руҳий ўзлигини англаб етган илоҳий зотларга айландилар. Улар Парвардигор Кришна ва Балорамга, ота ва онаси Васудева билан Девакига чуқур эҳтиром кўрсатдилар. Шундан сўнг улар ўзларининг самовий салтанатига йўл олдилар.

Қандай қилиб яна қайта тирилгани, кейин эса яна ўз сайёраларига кўтарилгани билан Девакини ҳайратга солиб фаришталар кўздан ғойиб бўлдилар. Деваки фақат Парвардигор Кришнанинг илоҳий кароматлари ҳақида чуқур ўйларга берилибгина бўлиб ўтган воқеаларни тушунишга муваффақ бўлди: Парвардигор Кришна англаб бўлмас илоҳий қудратга эга бўлгани учун У ҳар қандай мўъжиза кўрсатишга қодир. Парвардигорнинг қудрати ҳар нарсага қодир ва унинг англаб бўлмаслигини тан олмай туриб Парвардигор Кришнанинг Олий Рух эканини тушуниб бўлмайди. Ўзининг чексиз қудрати билан Парвардигор чексиз мўъжизавий эрмакларини намоян этади. Унинг кароматларини ҳеч ким тўла таърифлаб бера олмайди, чунки ҳеч ким уларнинг ҳаммасини билмайди. Шаунака Риши бошлиқ буюк донишмандларга "Шримад Бхагаватам"ни ҳикоя қилиб берар экан, Сута Госвами бу борада шундай хулосага келади:

"Эй буюк донишмандлар, шуни тушуниб олингларки, Парвардигор Кришнанинг барча эрмаклари мангу. Бу ҳикоялар шунчаки тарихий воқеалар ҳақидаги оддий ҳикоялар эмас. Бу ҳикоялар Худонинг Олий Шахсининг Ўзидан фарқ қилмайди. Шунинг учун Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаган ҳар бир одам шу заҳотиёқ моддий ҳаёт иллатларидан бутунлай покланади. Парвардигорнинг қалби пок соф бхактаси эса қулоғига қуйилаётган бу ҳикоялардан худди илоҳий шарбатдан лаззатланаётгандай чуқур лаззат олади". Парвардигорнинг бу эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни Вйасадеванинг улуғвор ўғли Шукадева Госвами гапириб берган, уларни тинглаган, шунингдек уларни бошқаларга гапириб берган ҳар бир инсон Кришнани англаб етади ва ҳаётда Кришна онги билан яшайди. Фақат ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган одамларгина ўзларининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб кета олдилар.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Парвардигор Кришнанинг Васудевага руҳий насиҳатлар бериши ва Девакининг ўлган ўғилларини ҳаётга

қайтариб бериши" деб аталадиган саксон тўртинчи бобида Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.

85. Аржуннинг Субҳадрани олиб қочиши. Парвардигор Кришнанинг Шрутадева ва Бахулашваникига бориши

Бу ҳикояни тинглаб бўлиб, шоҳ Парикшит Кришна ва Унинг эрмаклари ҳақида яна ҳам кўпроқ нарсаларни билишга қизикди. У Шукадева Госвамидан ўзининг бобоси Аржун Парвардигор Кришнанинг ундови билан қандай қилиб бовиси Субҳадрани ўғирлаб кетгани, кейин унга қандай уйлангани ҳақида суриштира бошлади.

Шунда Шукадева Госвами унга мана шу воқеани гапириб берди: "Буюк қахрамон бўлган бобонг Аржун, муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиб юрган кунларнинг бирида Прабхасакшетра деган муқаддас жойга бориб қолди. Шу ерда у бир янгилик эшитиб қолди: Парвардигор Балорам Аржуннинг тоғаси Васудеванинг қизи Субҳадрани эрга беришга ҳозирлик кўраётган эмиш. Гарчи қизнинг отаси Васудева, акаси Кришна бунга рози бўлмаса ҳам Балорам синглиси Субҳадрани Дурйодхонга эрга беришни режалаштираётган эди. Субҳадранинг қўлини олишга Аржун ҳам ихлосманд эди.

Аржун Субҳадра ҳақида, унинг гўзалликда тенги йўқ жамоли ҳақида ўйлар экан, албатта унга уйланиши лозимлиги ҳақидаги ўйларга бутунлай ғарқ бўлиб кетди. Кўнглида ана шундай ният билан у саннийаси-вайшнавларнинг либосини кийиб, қўлларига *триданда*(уч таёқ бирлаштириб боғланган ҳасса) кўтариб олди". Саннийаси-майявадилар битта таёқдан иборат бўлган ҳасса кўтариб юрадилар, саннийаси-вайшнавлар уч ҳасса, яъни уч таёқдан иборат ҳасса кўтариб юрадилар. Уч таёқ, яъни *данда* шуни кўрсатадики, саннийаси-вайшнав Худо Шахсига ўз танаси, ақли ва тилини ишга солиб, садоқат билан хизмат қилишга қасам ичади. *Триданда-саннийаса* тизими жуда қадим замонлардан бери мавжуд бўлиб, вайшнав-саннийасиларни одатда *триданда*, ёки баъзида *триданда-свами* ёки *триданда-госвами* деб атайдилар.

Одатда саннийасилар жаҳон бўйлаб тинмасдан саёҳат қилиб одамларга Хақиқат илмини ўргатиб юрадилар, лекин Ҳиндистонда тўрт ой - сентябрдан январгача давом этадиган ёмғир палласида улар саёҳат қилишдан тўхтаб, бир жойда муқим жойлашиб олдилар. Саннийасилар саёҳат қилишни тарк этадиган мана шу фасл *Чатурмасйя-врата* деб аталади. Саннийаси тўрт ой давомида меҳмон бўлиб қолган жойда яшайдиган маҳаллий аҳоли унинг шу ерда қолганидан ўзларининг руҳий илмини оширишда фойдаландилар. Аржун *триданда-саннийаси* либосини

кийиб тўрт ой давомида Дваракада шаҳрида қолиб, қандай қилиб Субҳадрага уйланишни режалаштириш устида бош қотирди. Дварака аҳолиси, шунингдек Парвардигор Балорам ҳам бу саннийаси аслида Аржун эканини билмас эдилар; шу боис уларнинг ҳаммаси унга сажда қилиб чуқур ҳурмат-эҳтиром билдирардилар.

Бир куни Парвардигор Балорам ана шу саннийасини уйига меҳмонга чақирди. Балорам бу сохта саннийасига чуқур иззат-икром кўрсатиб, уни танқис ширин таомлар билан меҳмон қилди. Меҳмондорчилик пайтида Аржун гўзаллиги билан ҳатто буюк қаҳрамон ва шаҳзодаларни ҳам ўзига маҳлиё қилган Субҳадрадан сира кўзини узмасди. Қалбида бу қизга бўлган чуқур муҳаббат туйғусидан Аржуннинг кўзлари куёшдай чарақлар, ўзининг ўтли нигоҳлари билан у Субҳадрага тикиларди. Аржун қандай қилиб бўлса ҳам Субҳадрага уйланишга қарор қилди, бундай кучли истакдан унинг ақли парижон бўлиб, ўзи қаттиқ ҳаяжонлана бошлади.

Махараж Парикшитнинг бобоси бўлган Аржун жуда келишган, сарвқомат йигит эди, унинг келишган барваста гавдаси Субҳадранинг эътиборини ўзига тортган эди. У ҳам ҳаёлида "фақат Аржунга эрга чиқишга рози бўламан" деган қарорга келиб қўйди. Соддадил Субҳадра Аржунга қараб мулойим нигоҳ ташлаб, жилмайиб кулиб қўярди. Шу тарзда Аржуннинг унга бўлган интилиши тобора кучайиб борарди. Шундай қилиб, Субҳадра ҳам ўзининг ҳаётини Аржунга бағишлаганга, Аржун эса қандай қилиб бўлса ҳам албатта Субҳадрага уйланишга қарор қилган эди. Аржун кун бўйи қандай қилиб Субҳадранинг кўлини олиш ҳақида ўйлаб юрар, бу фикр унга бир лаҳза ҳам тинчлик бермасди.

Бир куни Субҳадра Илоҳлар эҳромига ташриф буюриш ниятида жанг аравасига ўтириб саройдан ташқарига чиқди. Аржун бу имкониятдан фойдаланиб, Васудева билан Девакининг розилигини олиб Субҳадрани ўғирлаб кетди. Субҳадранинг жанг аравасига чиқиб у жангга тайёрланди. У камонини қўлига олиб, бетиним пайконлар йўллаб уни тўхтатиб қолишга фармон олган жангчиларнинг аравага яқинлашишига йўл қўймасди. Шу тарзда Аржун Субҳадрани олиб кетди. У Субҳадрани олиб кетганида Субҳадранинг қариндошлари ва оила аъзолари йиғлай бошладилар, лекин шунга қарамай, кўркмасдан ўз ўлжасини олиб кетадиган арслон сингари, Аржун Субҳадрани олиб кетди. Парвардигор Балорамга ўша саннийаси аслида Аржун эканини, у бу ҳийлани шунчаки Субҳадрани олиб қочиш учун ўйлаб топганини, охиروقибатда у Субҳадрани олиб қочгани ҳақида хабар берганларида Балорамнинг қаттиқ ғазабланди. Худди тўлин ой кечаси океанда тўлқинлар тошиб кетгани сингари, Балорам ҳам ғазабдан тўлқинланиб, Ўзини қўярга жой тополмасди.

Парвардигор Кришна Аржун томонда эди, шу боис оиланинг бошқа аъзолари билан бирга-лиқда У Балорамни тинчлантиришга ҳаракат қиларди. Кришна Балорамнинг оёқларига бош қўйиб сажда қилди-да, Ундан Аржунни кечирини сўраб илтижо қилди. Аслида Субҳадра Аржунга қаттиқ боғланиб қолганини, Аржунга эрга тегишини билганида у жуда хурсанд бўлганини айтиб бунга Балорамни ишонтирдилар. Шундай қилиб, муаммо ҳал бўлганди, Парвардигор Балорам янги келин-куёвларни мамнун қилиш учун уларга совға, келиннинг сепи сифатида катта ҳазина, кўплаган филлар, жанг аравалари, отлар, канизақлар ва хизматкорлар юборишни буюрди.

Махараж Парикшит Кришна ҳақидаги бошқа ҳикояларни ҳам тинглашни истади, шунда Аржун қандай қилиб Субҳадрани олиб қочгани ҳақидаги ҳикояни гапириб бўлиб, Шукадева Госвами Кришна билан боғлиқ бўлган қуйидаги ҳикояни гапириб берди.

Митхиланинг пойтахт шаҳри Видеҳада бир браҳман-гриҳастха яшарди. Шрутадева деган ана шу браҳман Парвардигор Кришнанинг буюк бхактаси эди. У ҳаётда ҳамиша мукамал Кришна онги билан яшаётгани туфайли ҳамиша Худода садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлиб, ақли ҳамиша хотиржам ва ҳар қандай моддий орзу-истаклардан бутунлай холи бўлиб яшарди. У жуда билимдон бўлиб, ҳаётда унинг ҳамиша Кришна онги билан, Кришна учун яшашдан бошқа бирор истаги йўқ эди. Оилали киши бўлишига қарамай у ҳеч қачон бирор бойлик орттириш ҳақида ўйламасди; у бирор интилиш, уринишларсиз, ўзидан-ўзи келадиган насибаси билан қаноатланиб, шукроналик билан тинч-тотув яшарди. У ҳар куни оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас - тирикчилик учун етарли бўлган миқдордагина насибасини оларди. Унинг тақдири шундай эди. Браҳман тирикчилиги учун етарли бўлгандан ортикча бирор нарсага эга бўлишни умуман истамасди. Шу тарзда у шастраларда браҳманлар учун кўрсатилган қонунқоидаларга қатъий риоя қилиб кун кечирарди.

Унинг бахтига ўша пайтдаги Митхила шоҳи ҳам ўша браҳман сингари яхши бхакта, Худонинг содиқ хизматкори эди. Ана шу шавкатли шоҳнинг исми Бахулашва эди. У одамлар орасида яхши шоҳ деган обрўга эга бўлиб, у бошқа шоҳларга ўхшаб хиссиётининг талабини қондириш, нафсини тўйдириш ниятида ўз мамлакати сарҳадларини кенгайтиришга умуман интилмас эди. Парвардигор Кришнанинг бхакталари бўлган браҳман ва шоҳ Бахулашва шу тариқа Митхилада тинч-тотув истиқомат қилишарди.

Парвардигор Кришна ана шу бхакталарга - шоҳ Бахулашва ва браҳман Шрутадевага нисбатан жуда меҳрибон бўлгани туфайли бир куни жиловдори Дарукага Уни жанг аравасида пойтахт Митхила шаҳрига олиб боришни илтимос қилди. Парвардигор Кришнага Народа, Вамаде-

ва, Атри, Вйасадева, Парашурама, Асита, Аруни, Брихаспати, Канва, Маитрейя, Чйавана ва бошқа буюк донишмандлар ҳамроҳ бўлдилар. Парвардигор Кришна билан бу буюк донишмандлар жуда кўп шаҳар ва қишлоқлар орқали ўтдилар, маҳаллий аҳоли ҳамма жойда уларни чуқур ҳурмат-эҳтиром билан қарши олиб, шастраларнинг қонун-қоидалари асосида турли анжомлар тақдим қилиб сифиниш маросими ўтказардилар. Аҳоли Парвардигорни кўриш учун келиб, ҳаммаси бир жойга тўпланганида худди бошқа йўлдош йўлдош сайёралар билан Қуёш ерга тушгандай кўринарди. Ана шу саёҳат давомида Парвардигор Кришна ва буюк донишмандлар Анарта, Дханва, Куружангала, Канка, Матсйя, Панчала, Кунти, Мадху, Кекайя, Кошала ва Арна салтанатлари орқали ўтдилар, шунда ўша юртларда яшаётган аҳолининг ҳаммаси, эркагу-аёллар Кришнани бевосита кўриш имкониятига эга бўлдилар. Шу тарзда улар худди руҳий оламдагидай чуқур илоҳий лаззатга ғарқ бўлган эдилар. Уларнинг қалби Кришнага бўлган чуқур меҳр-муҳаббат туйғусига лиммо-лим тўла эди. Улар Парвардигорнинг жамолини кўрганларида ўзларини гўё кўзлари ёрдамида илоҳий лаззат берадиган шарбат ичаётгандай ҳис қилардилар. Кришнани кўришлари билан уларнинг ҳаёт ҳақидаги нотўғри, сохта тасаввурлари ўзидан-ўзи тарқалиб кетарди. Парвардигор турли мамлакатлардан ўтар экан, Уни кўришга келган одамларга биргина нигоҳ ташлаш билан уларга чексиз омад, бахт ато этиб, уларни ғофиллик чангалларидан бутунлай халос этарди. Баъзи жойларда Кришнани кўришга келган одамларга фаришталар ҳам кўшилдилар, улар Парвардигорни олқишлаш билан шу яқин атрофда мавжуд бўлган ҳар қандай ёқимсиз иллатларни бартараф қилардилар. Шу тариқа Парвардигор Кришна аста-секин Видеха салтанатига тобора яқинлашиб борарди.

Парвардигорнинг келаётгани ҳақида хабар топган Митхила аҳолисининг қалби чексиз бахтга тўлиб, кўлларига ҳар хил совға-саломлар олиб Кришнани кутиб олгани чиқдилар. Уларнинг кўзлари Кришнага тушишлари биланок, худди куёш чиқиши билан очиладиган нилуфар гуллари сингари, уларнинг қалблари ҳам чексиз илоҳий лаззатдан барқ уриб очилиб, яйраб кетди. Илгари улар буюк донишмандларнинг номларинигина эшитган, лекин ҳеч қачон уларни кўрмаган эдилар. Энди эса, Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан улар буюк донишмандларни ҳам, Парвардигорнинг Ўзини ҳам бевосита яққол кўриш имкониятига эга бўлган эдилар.

Шоҳ Бахулашва ва брахман Шрутадева Парвардигор фақат уларга Ўз марҳаматини кўрсатиш учун келганини яхши билгани туфайли шу заҳотиёқ Унга чуқур иззат-икром кўрсатиб, узала тушган ҳолда Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига йиқилдилар. Қўлларини кўксига қўйиб

қовуштирган ҳолда шоҳ ҳам, брахман ҳам Парвардигор Кришнани ва барча буюк донишмандларни уйларига таклиф қилдилар. Уларнинг икковини ҳам мамнун қилиш ниятида Парвардигор Кришна Ўзини икки қиёфада намоён этди ва бир вақтнинг ўзида уларнинг икковининг уйига меҳмонга борди; лекин шоҳ ҳам брахман ҳам айни шу пайтда Кришна бошқа бирининг уйида ҳам меҳмон бўлаётганини билмасди. Уларнинг иккови ҳам Парвардигор Кришна айнан менинг уйимда меҳмон бўляпти деб ўйларди. Гарчи шоҳ билан брахман Парвардигор Кришна ва буюк донишмандлар фақат менинг уйимда меҳмон бўляпти деб ўйлаётган бўлсалар ҳам, улар ҳар иккисининг уйида ҳам бир вақтнинг ўзида меҳмон бўлиши Худонинг Олий Шахсининг кўрсатаётган яна бир комил сифатлари эди. Шастраларда мана шу илоҳий каромат *вайбхаванпракаша* деб аталади. Парвардигор Кришна бир вақтнинг ўзида ўн олти минг маликага уйланган эди, У Ўзини ўн олти минг қиёфада намоён этган, уларнинг ҳар бири худди Унинг Ўзи сингари чексиз қудратли эди. Худди шундай Вриндаванда ҳам, Тангри Браҳма бузоқлар ва болаларни ўғирлаб кетганида, Кришна Ўзини кўплаган бузоқлар ва подачи болалар қиёфасида намоён этган эди.

Видеха шоҳи Бахулашва жуда ақлли ва бенуксон тарбия кўрган инсон эди. Худонинг Олий Шахси билан бирга шунча кўп буюк донишмандлар унинг уйида меҳмон бўлаётганини кўриб у хайратга тушган эди. Шартланган руҳлар, айниқса бу дунёда дунёвий ишлар билан банд бўлиб юрган пайтларида моддий иллатлардан бутунлай поклана олмаслигини, аммо Худонинг Олий Шахси ва Унинг соф содиқлари моддий олам иллатларига нисбатан ҳамиша илоҳий ҳолатда бўлишини у жуда яхши биларди. Шу боис Худонинг Олий Шахси ва барча буюк донишмандлар унинг уйида меҳмон бўлаётганини кўриб хайратга тушганди, у Парвардигор Кришнанинг ўзига кўрсатаётган бундай бесабаб марҳамати учун Унга чексиз миннатдорчилик билдира бошлади.

Ўзини Парвардигорнинг олдида чексиз қарздор ҳис қилиб, меҳмонларга қўлидан келганча яхшироқ хизмат қилиш, иззат-икром кўрсатиш учун у меҳмонларга юмшоқ парёстиклар, қулай ўриндиқлар таклиф қилди, Парвардигор Кришна ва барча буюк донишмандлар уларга ўрнашиб ўтириб олдилар. Шунда шоҳ Бахулашва ақлини қамраб олган чуқур муҳаббат ва садоқат туйғусидан қаттиқ ҳаяжонланиб, илоҳий лаззатли жазавога туша бошлади. Унинг қалби Парвардигор Кришна ва Унинг ҳамроҳларига нисбатан илиқ меҳр-муҳаббат туйғуси билан, кўзлари эса чуқур ҳаяжон ва қувонч ёшлари билан лиммо-лим тўла эди. Унинг амри билан уйдаги илоҳий меҳмонларнинг оёқларини ювиш учун ҳамма нарса тайёрланган эди, меҳмонлар оёқларини ювган сувдан олиб у ўзининг ва оила

аъзоларининг бошига сепди. Шундан сўнг у меҳмонларга ажойиб гулчамбарлар, сандал, мушк-анбар, янги либослар, тақинчоқлар, шамчироқлар, сигир ва ҳўкизлар тақдим этди. Шу тариқа у ўзининг шоҳона мартабасига мос равишда меҳмонларнинг ҳар бирига алоҳида марҳамат кўрсатарди. Улар тансиқ таомлардан тўйиб овқатланиб, етарли ҳордиқ чиқаргандан кейин, шоҳ Бахулашва Парвардигор Кришнанинг олдига келиб, Унинг нилуфар қадамлари пойи кучоқлади. У Кришнанинг оёқларни ўзининг тиззасига олиб, уқалай бошлади ва ширин овоз билан Парвардигорни олқишлай бошлади:

"Эй азиз Худойим, Сен барча тирик мавжудотларнинг Олий Рухисан, ҳар кимнинг қалбида ҳамиша гувоҳ сифатида мавжуд бўлган ҳолда Сен уларнинг қилаётган ҳар бир ишидан тўла хабардорсан. Муқаддас бурч билан Сенга боғланган ҳолда бизлар ҳаётда бехатар яшаш ҳамда Сенга мангу хизмат қилиш йўлидан адашмаслик учун ҳамиша Сенинг нилуфар қадамларинг пойини ўйлаб юрамиз. Ҳамиша Сенинг нилуфар қадамларинг пойини ўйлаб юрган им шарофати билан Сен Ўзингнинг бесабаб марҳаматингни намоён этиб менинг уйимга меҳмон бўлиб келдинг. Эй азиз Худойим, бизлар ишонарли манбалардан кўп эшитганмизки, Сен Ўзингнинг соф бхакталаринг Сен учун ҳатто Тангри Браҳмадан ҳам, мангу хизматкоринг бўлган равнақ фариштасидан ҳам азизроқ эканини айтгансан. Сенинг соф бхакталаринг Сенга ҳатто биринчи ўғлинг Тангри Браҳмадан ҳам кадрлироқ, мен аминманки, Сен Ўзинг айтган ана шу илоҳий ҳақиқатни амалда исботлаш учун ҳозир Сен менинг саройимга меҳмон бўлиб келгансан. Сенинг бу қадар бесабаб марҳаматли, меҳрибон эканингни, ҳаётда ҳамиша Кришна онги билан яшайдиган Ўз бхакталарингга нисбатан шунчалик қаттиқ боғланган эканингни била туриб одамларнинг қандай қилиб имонсиз иблис бўлиб юришларини мен сира тасаввур қила олмайман. Улар қандай қилиб Сенинг нилуфар қадамларинг пойини унутишлари мумкин?"

Эй азиз Худойим, Сен шу қадар меҳрибон ва саховатлисанки, инсон Худони, Кришнани англаб етиш учун ҳамма нарсдан воз кечганида, унинг ана шундай соф садоқати эвазига Сен унга бутунлай Ўзингни инъом этасан. Сен, бу моддий оламдаги гуноҳ ишлар уммонида ботиб-чириб ётган барча шартланган руҳларни Ўз даргоҳингга олиб кетишдан иборат бўлган Ўз бурчингни бажариш учун Йадавлар сулоласида бу дунёга ташриф буюрдинг, Сенинг бу дунёга келганинг шуҳрати шу заҳотиёқ бутун оламга таралди. Эй азиз Худойим, Сен - чексиз шафқат, меҳр ва муҳаббат, марҳамат уммонисан. Сенинг илоҳий қиёфанг илм, лаззат ва мангуликка тўла. Ўзингнинг беқиёс гўзал Шйамасундара, Кришна қиёфангда Сен ҳамманинг қалбини Ўзингга ром этиасан. Сенинг илминг бениҳоя, одамларга қандай қилиб Худого садоқат билан хизмат

қилиш лозимлигини ўргатиш учун Сен бу оламга Ўзингнинг намоён бўлган қиёфанг Нара-Нарайанани юбординг. У қаттиқ риёзатларга берилиб, тавба-тазарру қилиб Бадаринарайанада яшайди. Шу боис Сен Ўз марҳаматингни мендан ҳам дариг тутмай, Сенинг нилуфар қадамларинг пойига қилаётган камтарин саждаларимни қабул қил! Эй азиз Худойим, сизларнинг нилуфар пой қадамларингиз гарди машҳур шоҳ Ними хонадонини ҳеч бўлмаса бир неча кун мобайнида поклаб юришлари учун мен Сендан ва Сенинг ҳамроҳларинг бўлган буюк донишманд ва браҳманлардан саройимда бир неча кун меҳмон бўлиб қолишни илтимос қиламан".

Парвардигор Кришна Ўз бхактасининг илтимосини рад этолмасди, шу боис Митхила шахрини ва унинг барча аҳолисини поклаш учун У буюк донишмандлар билан бирга бу ерда бир неча кун қолиб кетди.

Айни пайтда браҳман ҳам Парвардигор Кришна ва Унинг ҳамроҳларини ўз уйида меҳмон қилишдан чексиз илоҳий лаззат оларди. Меҳмонларига ўтириш учун қулай жой кўрсатиб, браҳман либосини ёпиниб рақсга туша бошлади. Шрутадева бой эмасди, шу боис меҳмонларга ўтириш учун ёғоч ўтиргич, сомон ёстиқ, сомон тўшаклар тақлиф этди. У Парвардигор Кришна ва буюк донишмандларни имкони етганча иззат-икром кўрсатиб эхтиром билан қабул қилди. У Парвардигор Кришна ва буюк донишмандларни олқишлаб кўйлаб, уларнинг ҳар бирининг алоҳида оёқларини ювиб чиқди. Кейин шу сувдан ўзининг ва барча оила аъзоларининг бошига сепди. Сиртдан қараганда браҳман жуда ночоркамбағал бўлиб кўринса ҳам, у ҳозир дунёдаги энг бахтли инсон эди. Парвардигор Кришна ва Унинг ҳамроҳларини уйида кутиб олар экан Шрутадева илоҳий лаззатга фарқ бўлганидан ўзини бутунлай йўқотиб қўйган эди. Парвардигор ва Унинг ҳамроҳларини муносиб кутиб олгандан кейин у бисотида бор нарсаларнинг ҳаммасини дастурхонга келтириб қўйди: мевалар, мушк-анбарлар, хуштаъм сув, туласи барглари, курук куша майсаси ва нилуфар гуллари. Бу нарсалар қандайдир жуда ноёб, қиммат нарсалар эмасди, уларни ҳамма жойда осон топса бўларди, лекин улар Парвардигор Кришна ва Унинг ҳамроҳларига чуқур муҳаббат ва садоқат билан эҳсон қилингани учун улар бу инъомларни мамнуният билан қабул қилдилар. Браҳманнинг хотини меҳмонларга оддий таом, гуруч билан мош пиширди, лекин Парвардигор Кришна ва Унинг ҳамроҳлари ундан лаззатланиб овқатландилар, чунки таом уларга меҳр билан, муҳаббат билан тақлиф этилган эди. Парвардигор Кришна ва Унинг ҳамроҳлари овқатланар экан, браҳман Шрутадеванинг хаёлидан шундай ўйлар ўтди: "Мен оилавий ҳаётнинг чуқур қудуғига кулаб тушган, дунёдаги энг бахтиқаро одамман. Борган жойларини барча иллатлардан поклаб муқаддас саждагоҳлардай пок жойга ай-

лантирадиган Парвардигор Кришна ва Унинг ҳамроҳлари бўлган буюк донишмандлардай зотлар қандай қилиб менинг уйимга меҳмонга келишга розилик бердилар!?" Брахман шулар ҳақида хаёл сураётган экан, меҳмонлар овқатланишни тугатдилар ва ўриндиқларида қулай ўтириб олдилар. Шунда брахман Шрутадева ва унинг хотини, болалари ва бошқа қариндошлари шундай улуғ меҳмонларга хизмат қилиш учун келдилар. Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига қўлларини қўйиб, брахман Унга мурожаат қила бошлади: "Эй азиз Худойим, Сен - намоён бўлган ва намоён бўлмаган моддий борлиққа нисбатан илоҳий табиатга эга бўлган Олий Шахс, Пурушоттамасан. Бу моддий оламнинг ва тирик мавжудотлар кўрсатаётган моддий фаолиятнинг Сенинг ҳолатингга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Биз яхши биламизки, Сен Ўзинг билан мулоқотда бўлишга фақат бугунгина имкон бериб турганинг йўқ. Сен барча тирик мавжудотлар билан Параматма кўринишида бу моддий олам пайдо бўлгандан бери биргасан".

Брахманнинг бу гаплари жуда чуқур маънога эга. Ҳақиқатан ҳам, Парвардигор, Худо Шахси Параматма кўринишида моддий олам яралишида Маха-Вишну, Гарбходакашайи Вишну ва Кширодакашайи Вишну сифатида иштирок этади. Парвардигор ҳар бир тана ичида, шартланган руҳлар билан бирга, моддий оламда уларнинг энг яқин дўсти сифатида ҳамиша бирга бўлади. Шунинг учун Парвардигор азалдан тирик мавжудот билан бирга, лекин ҳаёт ҳақида нотўғри, моддий тасаввурга эга бўлгани туфайли тирик мавжудот буни тушуна олмайди. Лекин, унинг онги Кришна онгига ўзгарганида у шу заҳотиёқ Парвардигор Кришна шартланган руҳларга бу моддий олам чангалидан халос бўлишга ёрдам беришга ҳаракат қилаётганини англаб етади.

Шрутадеви давом этди: "Эй азиз Худойим, Сен бу моддий оламга худди тушдагидай кириб олгансан. Шартланган руҳлар тушида сохта, вақтинчалик оламларни яратади; у ҳар хил сароб кўринишидаги фаолият билан машғул - баъзан шаҳаншоҳ бўлади, баъзида қотиллар қўлидан ҳалок бўлади, баъзида бутунлай нотаниш шаҳарга тушиб қолади - аслида буларнинг ҳаммаси ўткинчи нарсалардир. Худди шундай Сен ҳам, гўё тушингдагидай, моддий оламни вақтинча намоён этиш учун моддий олам ичига кирасан. Сен буни Ўзинг учун эмас, балки Сенга тақлид қилиб, лаззатланувчи бўлишга интилаётган ғофил, адашган шартланган руҳлар учун қиласан. Шартланган руҳларнинг моддий оламда олаётган лаззатлари вақтинчалик ва алдамчи лаззатдир. Шунга қарамай шартланган руҳлар ана шундай алдамчи лаззатга берилиш учун ўзлари мустақил ҳолда ўткинчи нарсалар яратишга қодир эмас. Гарчи алдамчи ва ўткинчи бўлса ҳам, тирик мавжудотларнинг истакларини рўёбга чиқариш учун Сен уларга ёрдам бериш ниятида

мана шу вақтинчалик намоён бўлган борлиқ ичига кирасан. Шундай қилиб, шартланган руҳ моддий оламга тушган пайдан бошлаб, Сен у билан бирга бўлиб, ҳамиша уни кузатиб юрасан. Шунинг учун шартланган руҳ ўзининг ҳаёт йўлида Сенинг соф бхактангни учратиб қолиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирса, у аста-секин моддий тирикчилик иллатларидан халос бўла бошлайди. Худога садоқат билан хизмат қилиш - Сенинг илоҳий ҳолатингни англаб етиш мақсадида Сенинг илоҳий кароматларинг ҳақидаги хикояларни тинглашдан, Сенинг илоҳий кароматларингни олқишлаб қуйлашдан, эҳромдаги Сенинг мангу қиёфаларинг олдида сажда қилишдан, Сенга илтижо қилишдан ҳамда содиқлар билан руҳий мавзуларни муҳокама қилишдан бошланади. Шу тариқа содиқнинг қалби моддий иллатлардан поклана бошлайди, шунда Сен аста-секин бхактанинг қалбида яққол кўрина бошлайсан. Гарчи Сен шартланган руҳ билан ҳамиша бирга бўлсанг ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида унинг қалби поклангандагина Сен унга Ўзингни ошкор этасан. Худога садоқат билан хизмат қилишга эътибор бермасдан, Ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган қонун-қоидалар асосида ёки ўзининг истак-хоҳишига, табиатига мос келадиган турли ишлар билан машғул бўлиб, кармали фаолият ботқоғига ботиб қолган одамлар эса, ҳаёт ҳақида тана нуқтаи-назаридан нотўғри, моддий тасаввурга эга бўлиб, ташқи, алдамчи бахт чангалига тушиб қоладилар. Сен ундай одамларга Ўзингни ошкор этмайсан, аксинча, улардан жуда-жуда йироқ бўлиб қолаверасан. Лекин умрини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган, ҳамиша Сенинг муқаддас номларингни шарафлаб қуйлаш билан қалбини поклаган киши, ҳеч қийналмасдан, Сен унинг мангу ва ўзгармас ҳамроҳи эканингни тушуниб олади.

Маълумки, Парвардигор бхактанинг қалбида мавжуд бўлган ҳолда унга ҳар хил кўрсатмалар бериб туради, уларга риюя қилиш билан содиқ жуда тез вақт ичида ўзининг мангу уйига, Сенинг олдинга қайтиб кетади. Ана шундай бевоҳида кўрсатмаларинг Сен бхактанинг қалбида ҳақиқатан ҳам мавжуд эканингда далолат бериб туради. Фақат соф *бхакта* сен унинг қалбида мавжуд эканингни англаб етади, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлиб, "ҳаётнинг мазмуни ҳиссий лаззатланишдан иборат" деб юрган одамлар учун эса, Сен ҳамиша *йогамайя* пардаси билан тўсилган ҳолда қолаверасан. Шундай одам Сен унинг ёнгинасида эканингни, Сен унинг қалбида мавжуд эканингни англашга қодир эмас. Имонсиз одамлар Сени муқаррар ўлим кўринишида англай оладилар, холос. Бу икки тоифа одамлар орасидаги фарқни худди ўзининг оғзида боласини ва сичқонни олиб юрган мушуклар орасидаги фарққа ўхшатиш мумкин. Мушукнинг оғзидаги сичқон ажали

яқинлашганини сезади, онаси оғзидаги мушук болалари эса, она меҳрини хис қиладилар. Худди шундай, Сен ҳам ҳар кимга ҳар хил кўринишда намоён бўласан, шу боис имонсиз иблис Сени ўзининг бешафқат, муқаррар ажали деб билса, соф бхактанг Сени Олий насихатгўй ва файласуф деб қабул қилади. Шу боис имонсиз одам Худонинг мавжудлигини муқаррар ўлим қиёфасида англаб етади, бхакта эса қалбида мавжуд бўлган Парвардигордан ҳар хил кўрсатмалар олиб, моддий олам иллатлари таъсирига берилмасдан, ҳамиша илоҳий ҳолатда яшайди.

Сен - Олий Ҳукмдорсан. Сен моддий табиатнинг фаолиятини бошқариб турасан. Имонсиз одамлар шунчаки моддий табиатнинг фаолиятини кузатиб турадилар, лекин унинг орқасида уни бошқариб турган Сени кўра олмайдилар. Лекин бхакта моддий табиатнинг ҳар бир ҳаракатида Сенинг қўлинг борлигини кўриб туради. Сенинг бхактанг кўзларини йогамайя пардаси қоплай олмайди, у фақат имонсиз одамларнинг кўзларини боғлаб кўяди. Худди булут қопланган осмонда одам куёшни кўролмагани, лекин булутлардан юқори кўтарилган одам куёшни яққол кўра олгани сингари, имонсиз одам ҳам Сени бевосита кўришга қодир эмас. Эй азиз Худойим, мен Сенинг олдинда чуқур эҳтиром билан бош эгаман. Эй Ўзидан порлаб нур таратиб турган азиз Парвардигор, мен Сенинг мангу хизматкорингман. Шунинг учун мендан Ўз марҳаматингни дариғ тутмай айтчи, мен Сен учун нима қилай? (Мендан мамнун бўлишинг учун қандай хизмат қилай?) Токи Сен унга яққол кўринмас экансан, моддий иллатлар шартланган рухга уч турли азоб-уқубат келтираверади. Аммо у қалбида Кришна онгини ривожлантириб, Сен унга яққол кўрина бошлаган заҳоти моддий оламдаги ҳаётнинг барча мусибатлари бир зумда ғойиб бўлади".

Худонинг Олий Шахси, Кришна табиий равишда Ўзининг бхакталарига нисбатан жуда меҳрибонлик қилади. У браҳман Шрутадевининг садоқат тўла илтижоларини тинглар экан, ундан жуда мамнун бўлди, унинг қўлларини ушлаб, унга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: - "Азизим Шрутадеви, мана шу буюк донишманд ва авлиё зотларнинг ҳаммаси сенга марҳамат кўрсатиб, сен билан учрашиш учун ўзлари бу ерга келдилар. Сен буни ўзинг учун энг буюк бахт деб билишинг лозим. Улар шунчалик меҳрибонки, Мен билан бирга саёҳат қилиб юрибдилар, уларнинг қадами етган жойларнинг ҳаммаси покланиб, худди руҳий олам, Худонинг даргоҳи сингари муқаддас саждагоҳга айланади. Одатда такводор одамлар Худонинг эҳромларига борадилар. Улар ҳам муқаддас саждагоҳларга борадилар, шундай илоҳий фаолият билан узок вақт шуғулланиб юрганларидан кейин уларнинг қалби аста-секин поклана бошлайди. Аммо буюк донишманд ва авлиё зотларнинг таъсири шу қадар қудратлики, уларни бир марта кўрган

заҳоти инсон барча иллатлардан биратўла бутунлай покланади.

Бундан ташқари, муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиш ва фаришталарга сиғиниш сингари маросимларнинг кучи ҳам ана шундай авлиё зотларнинг марҳамати билан амалга ошади. Аслида муқаддас саждагоҳ ўша жойда буюк донишмандларнинг, авлиё зотларнинг мавжудлиги билан муқаддас ҳисобланади. Азизим Шрутадеви, инсон браҳман бўлиб туғилган заҳотиёқ инсонлар ичида энг аълоси бўлади. Агар шундай браҳман риёзатга берилиб, муқаддас китобларни ўрганиш, Менга садоқат билан хизмат қилиш сингари ўзининг муқаддас бурчини бажариб яшаш билан ҳамиша ўзининг қалбида ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшаса, ёки, бошқача қилиб айтганда, браҳман ҳақиқий ваишнав бўлса, - унинг поклигининг, улуғворлигининг тенги бўлмайди. Ҳатто Ўзим намоён этган тўрт қўлли Нарайана қиёфасидаги кўринишим ҳам Менга ваишнав-браҳмандай қадри эмас, ҳатто У ҳам ҳақиқий Мени ваишнав-браҳмандай мамнун қила олмайди. Браҳман - ведавий донишмандлик илмини яхши биладиган инсондир; браҳман - мукамал илм тимсоли, Мен эса - барча фаришталарнинг намоён бўлган якуний қиёфасиман. Калтафаҳм одамлар Мени олий илм сифатида англай олмайдилар, худди шундай, улар ваишнав-браҳманнинг аҳамиятини, қадрини ҳам англай олмайдилар. Уларга моддий табиатнинг уч гунаси таъсир қилади, шу боис улар Мени ва Менинг соф бхакталаримни писанд қилмасликка журъат қиладилар. Ваишнав-браҳман, яъни браҳман даражасига кўтарилган бхакта, Мени ўзининг қалбида англай олади, шу боис у бутун борлиқ ва унинг ҳар хил кўринишлари - Парвардигорнинг турли қувватларининг оқибати эканига аниқ хулоса чиқара олади. Шу боис у умуман моддий табиат ва моддий қувват ҳақида аниқ тасаввурга эга, ана шундай бхакта ҳар бир ҳаракатда, ҳар қандай воқеа-ҳодисада фақат Мени кўради, у ҳамма жойда Мендан бошқа ҳеч нарсани кўрмайди.

Азизим Шрутадеви, шу боис сен мана шу буюк донишмандларни, браҳманларни ва азиз авлиё зотларни Менинг ҳақиқий вакилларим деб ҳисоблашинг лозим. Уларга садоқат билан сажда қилиш орқали сен Менга яна ҳам яхшироқ хизмат қила оласан. Менинг бхакталаримга хизмат қилиш бевосита Менинг Ўзимга хизмат қилишдан устун туради. Агар кимдир Менинг бхакталаримга сиғинмасдан, бевосита Менинг Ўзимга сиғинишга ҳаракат қилса, ҳатто у катта тантана ва дабдаба билан сиғинса ҳам, Мен унинг саждаларини қабул қилмайман".

Шундай қилиб улар иккиси ҳам, - браҳман Шрутадеви ва Митхила шоҳи - Парвардигорнинг кўрсатмаси билан уларнинг ҳаммасини бир руҳий поғонада кўриб, Кришнага ва Унинг ҳамроҳларига, буюк донишмандларга ва авлиё браҳманларга сиғиндилар. Браҳман ҳам, шоҳ ҳам

охир-окибатда олий мақсадга эришдилар, яъни руҳий оламга кўтарилдилар. Бхакта Парвардигор Кришнадан бошқа ҳеч кимни билмайди, Кришна ҳам Ўзининг бхактасига алоҳида меҳрибонлик билан ғамхўрлик қилади. Парвардигор Кришна Митхилада брахман Шрутадевининг уйида ҳам, шоҳ Бахулашванинг саройида ҳам меҳмон бўлди. Уларга саховат билан Ўзининг илоҳий насиҳатларини бериб Парвардигор орқага, Ўзининг пойтахт шаҳри Дваракага қайтиб кетди.

Бу воқеадан биз чиқариб олишимиз лозим бўлган хулоса шундан иборат: Парвардигор шоҳ Бахулашвани ҳам, брахман Шрутадевини ҳам бир хил руҳий поғонада турган зотлар деб ҳисоблади, чунки уларнинг иккиси ҳам соф бхакталар эди. Аслида Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна бизни ҳақиқатан ҳам тан олиши учун айнан мана шу фазилат, шу сифат керак. Биз яшаётган даврда обрўли кшатрий ёки брахман оиласида туғилгани билан гердайиш, мағрурланиш одат тусига кириб қолган, биз атрофимизга қараб юқори табақага мансуб одамларга хос бўлган бирор фазилатга, сифатга эга бўлмай туриб, шунчаки брахман, кшатрий ёки вайшйалар хонадонида туғилгани учун ўзларини шундай деб гердайиб юрган кўплаган одамларни учратишимиз мумкин. Лекин муқаддас китобларда: *калау шудра-самбхава*, яъни "Кали-юга даврида ҳар бир инсон - шудра" - деб айтилган. Чунки ҳозирги даврда ҳеч ким *самскара* деб аталадиган покланиш маросимлари орқали ўтмайди. Бундай покланиш маросимлари аёл хомиладор бўлган кундан бошлаб то инсон ўлганча ўтказилиши керак. Шунчаки шу табақага мансуб хонадонда туғилгани учун ҳеч кимни бирор табақага, айниқса юқори табақага - брахман, кшатрий ёки вайшйалар табақасига мансуб деб ҳисобламаслик керак. Агар одам онаси хомиладор бўлишидан аввал ўтказиладиган, *гарбхадхана-самскара* деб аталадиган маросим орқали ўтмаган бўлса, уни *шудра* деб ҳисоблаш лозим, чунки фақат шудралар ана шундай маросим орқали ўтиб покланмайдилар. Кришнани, Худони англаш жараёни билан покланмаган, Парвардигорнинг инсонлар учун белгилаб қўйган қонун-қоидаларига зид бўлган жинсий ҳаёт шудраларга ёки ҳайвонларга хос бўлган пасткаш ишлардир. Аммо ҳаётда Кришна онги билан яшаш усули энг мукамал усул бўлиб, унга амал қилиб юрган ҳар қандай инсон ваишнав поғонасига кўтарила олади. Ҳақиқий ваишнавнинг ҳолати брахманларга хос бўлган барча фазилатларни ўз ичига олади. Ваишнавлар гуноҳ ишларнинг тўрт туридан пок яшайдилар: ноқонуний жинсий алоқалардан, турли кўринишдаги кимор ўйинлардан, маст қилувчи нарсалар истеъмол қилишдан, овқатга гўшт, тухум балиқ ишлатишдан. Ана шу фазилатларга эга бўлмай туриб ҳеч ким брахман даражасига кўтарила олмайди, ҳақиқий брахманларга хос

бўлган фазилатларга эга бўлмай туриб эса, ҳеч ким соф бхакта бўла олмайди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Аржуннинг Субхадрани олиб қочиши. Парвардигор Кришнанинг Шрутадева ва Бахулашваникига бориши" деб аталадиган саксон бешинчи бобига Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.

86. Ведалар тимсолининг қилган илтижолари

Шоҳ Парикшит Шукадева Госвамига илоҳий мавзунини тўғри тушуниб олиш учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган бир савол берди: Ведалар илми одатда моддий оламнинг уч гунасини ўрганиш билан шуғулланадиган бўлса, бу илм қандай қилиб моддий табиат гуналарининг таъсир доирасидан ташқарида бўлган илоҳий илмга мансуб бўлган нарсаларни муҳокама қилиши мумкин? Агар ақл моддий нарса бўлса, сўзларни ифодалайдиган товушлар ҳам шунчаки моддий ҳаво тебранишлари бўлса, қандай қилиб моддий товушлар ёрдамида моддий ақлда юзага келган фикрларни ифодалайдиган ведалар илми илоҳий илмга мурожаат қилиши мумкин? Бирор нарсани таърифлаётганда ана шу нарсанинг келиб чиққан манбаини ҳам, унинг сифатларини, фаолиятини ҳам таърифлаш лозим. Гарчи Брахман, яъни Мутлақ Ҳақиқат моддий сифатларга эга бўлмаса ҳам бизларнинг гапириш, нутқ қобилиятимиз моддий сифатлардан юқори кўтарила олмайди. Шундай экан сен қандай қилиб ўзининг сўзларинг билан Брахманни, Мутлақ Ҳақиқатни таърифлай оласан? Мен моддий товушларнинг ана шундай намоён бўлишлари ёрдамида илоҳий нарсаларни қандай тушуна олиш мумкинлигини билмайман".

Шукадева Госвамига савол берар экан Махараж Парикшит Ведалар Мутлақ Ҳақиқатнинг қайси кўринишини ифодалашини - шахс кўринишинини ё шахсиятсиз Брахман кўринишинини - аниқлаб олмоқчи бўлаётган эди. Мутлақ Ҳақиқатни уч кўринишда англаб етиш мумкин - шахсиятсиз Брахман, ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Параматма ва ниҳоят Худонинг Олий Шахси.

Ведаларда фаолиятнинг уч тоифаси муҳокама қилинади. Биринчи тоифа ишлар *карма-канда* деб аталади ва бунда ведавий қонун-қоидалар асосида амалга ошириладиган фаолият назарда тутилади. Бундай фаолият инсон онгини аста-секинлик билан поклаб шу даражага етказадик, у ҳақиқий ўзлигини англаб олишга қодир бўлади; иккинчи тоифа - *гйана-канда*, Мутлақ Ҳақиқатни ақлий фикрлашлар йўли билан англаб етиш; учинчи тоифа - *упасана-канда*, яъни Худонинг Олий Шахсига, шунингдек баъзида фаришталарга сиғиниш. Ведаларда фаришталарга

сиғиниш қоидалари аслида фаришталар ҳам Худонинг Олий Шахси билан бевосита боғлиқ эканини тасдиқлаш учун тавсия қилинган. Худонинг Олий Шахси жуда кўп таркибий қисмлардан иборат: уларнинг баъзилари *свамши*, яъни Унинг шахсий экспансиялари деб аталади; баъзилари - *вибхиннамши*, яъни тирик мавжудотлар деб аталади. Ана шу экспансияларнинг ҳаммаси - свамшалар ҳам, вибхиннамшалар ҳам - азалий, бошланғич Худо Шахсидан тарқалган эманациялардир. *Свамши* экспансиялар *Вишнутапта* деб аталади, *вибхиннамши* экспансиялар эса - *жива-тапта* деб аталади. Барча фаришталар *жива-тапта* тоифасига киради. Шартланган руҳлар одатда ҳиссий лаззатланиш учун моддий фаолият кўрсатишлари лозим бўлган шароитга жойлаб қўйилади; шу боис "Бхагавад-гита" да айтилганки, ҳиссий лаззатларга қаттиқ боғланиб қолган одамларга баъзида маълум бир фаришталарга сиғиниш тавсия қилинади. Масалан, гўшт истеъмол қилишга қаттиқ боғланиб қолган кишилар учун ведавий муқаддас китобларда айтилганки, улар *карма-канда* қоидаларига риоя қилган ҳолда, Кали фариштасининг Илоҳига сажда қилиб, эҳсон сифатида унга эчки(бошқа бирор ҳайвонни қурбон қилиш мумкин эмас) қурбон қилиб сиғингандан кейин, шу эчки гўштини истеъмол қилишлари мумкин. Бу кўрсатманинг маъноси одамларнинг гўшт истеъмол қилишга бўлган истакларини қўллаб-қувватлаш эмас, балки нафсига кучи етмайдиган, ҳайвонсифат калтафаҳм одамлар учун қандайдир тартиб, қоида ўрнатиб қўйишдан иборат. Шунинг учун фаришталарга сиғиниш - Мутлақ Ҳақиқатга сиғиниш ҳисобланмайди, лекин фаришталарга сиғиниб юрар экан, инсон вақт ўтиши билан аста-секин Худонинг Олий Шахсини тан оладиган онгли инсон даражасига кўтарилади. Худонинг Олий Шахсини ана шундай билвосита йўл билан тан олиш "Бхагавад-гита"да *авидхи* деб таърифланган. *Авидхи* ибораси "ҳақиқий эмас" деган маънони англатади. Фаришталарга сиғиниш ҳақиқий сиғиниш бўлмагани сабабли имперсоналистлар Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз Браҳман кўринишида ақлни жамлашга жуда катта аҳамият берадилар. Махараж Парикшит Шукадева Госвамига савол бериб, ведалар илмининг охириги мақсади нима эканини билиб олмоқчи бўляпти - ақлни Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз Браҳман кўринишида мужассам қилишми ё Худонинг Олий Шахсида мужассам қилишми? Оқибат натижада Парвардигорнинг шахсий кўриниши ҳам, шахсиятсиз Браҳман кўриниши ҳам бизларнинг моддий тасаввурларимиз чегарасидан ташқарида жойлашган. Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз кўриниши, Браҳманнинг ёғдуси шунчаки Кришнанинг танасидан таралиб турган нурлардир. Кришнанинг танасидан таралаётган ана шу нурлар Парвардигор яратиб қўйган бутун борликни қоплаб олган, ана шу ёғдунинг моддий булутлар қоплаган

қисми уч моддий сифат - *саттва*, *радžas* ва *тамас* яратган моддий олам, коинот деб аталади. Борликнинг моддий олам деб аталадиган, булутлар билан қопланган ана шу қисмида жойлашган одамлар ўзларининг ақлий фикрлашлари ёрдамида қандай қилиб Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишлари мумкин?

Махараж Парикшитнинг саволига жавоб берар экан, Шукадева Госвами айтадики, Худонинг Олий Шахси Кришна бир танадан иккинчи танага ўтиб юрадиган тирик мавжудотларнинг ҳиссий лаззатларга берилишига, шунингдек моддий олам шароитидан озодликка чиқа олишига имкон бериш учун уларга ақл, ҳиссиёт ва ҳаёт нафаси ато этиб қўйган. Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудот ўзининг ақлидан, ҳиссиётидан ва ҳаёт нафасидан ё ҳиссий лаззатларга берилиш, яъни бир танадан иккинчи танага ўтиб юриш учун, ё рухий озодликка чиқиш учун фойдаланиши мумкин. Ведавий қонун-қоидаларни тавсия қилишдан мақсад - шартланган руҳларга баъзи бир чеклашлар, қоидалар асосида ҳиссий лаззатланиш имконини бериш билан бир вақтнинг ўзида уларга ҳаётнинг юқорирок поғоналарига кўтарилишга ҳам имконият яратишдан иборат; оқибат-натижада шу тарзда инсоннинг онги покланиб, ўзининг бошланғич рухий ҳолатига эришади ва ўзининг мангу ҳолатига, Худонинг даргоҳига қайтади.

Тирик куч, руҳ, жон тафаккурга эга. Шунинг учун фаросатли инсон ақли ва ҳиссиёти(сезгилари)дан кўра кўпроқ тафаккурини ишлатиши лозим. Ўзининг юксак тафаккуридан тўғри фойдаланиб яшаш орқали инсоннинг ақли ва ҳиссиёти покланганида шартланган руҳ озодликка эришади; акс ҳолда, инсон ўз ақли ва ҳиссиётининг фаолиятини бошқариб, назорат қилиб туриш учун ўз тафаккурини ишга солмаса, у шунчаки ҳиссий лаззатланиш учун бу дунёда бир танадан иккинчи танага кўчиб, сарсон бўлиб юраверади. Махараж Парикшитнинг саволига жавоб берар экан, Шукадева Госвами яна шуни аниқ айтдики, алоҳида руҳнинг ақлини, ҳиссиётини ва тафаккурини Парвардигор яратиб қўйган. Бирор жойда тирик мавжудотларнинг ўзи ҳам қачондир яратилгани ҳақида айтилмаган. Худди куёш нурининг ўзидан нур таратиб турадиган ҳар бир кичкина заррачаси(корпускуласи) ҳамини куёш билан бирга мавжуд бўлгани сингари, тирик мавжудот ҳам Худонинг Олий Шахсининг ажралмас мангу заррачалари сифатида мангу мавжуддирлар. Гарчи Худонинг Олий Шахси билан бирга мангу мавжуд бўлса ҳам, шартланган руҳлар баъзида ғофиллик зулматига, ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлар булутини ичига жойлаб қўйилади. Ведавий қонун-қоидаларнинг ҳаммаси, уларга риоя қилиш жараёни ана шу ғофиллик зулматини тарқатишга қаратилган. Охир-оқибатда, шартланган руҳнинг ҳиссиёти ва ақли бутунлай покланганида у ўзининг бутунлай Кришна онгида бўлган бошланғич ҳолатига

қайтади, ана шу ҳолат руҳий озодлик ҳолати бўлади.

"Веданта-сутра"нинг биринчи сутраси Мутлақ Ҳақиқат ҳақида савол беради. *атхато брахма-жигйаса* - Мутлақ Ҳақиқатнинг табиати қандай? Кейинги сутра бу саволга жавоб беради: Мутлақ Ҳақиқатнинг табиати шундайки, У - бутун борлиқнинг азали, ибтидоси. Ҳаётда рўй берадиган, учрайдиган нарсаларнинг ҳаммаси, - ҳатто мана шу моддий оламдаги ҳаётда ҳам - Мутлақ Ҳақиқатдан чиқади. Мутлақ Ҳақиқат ақлни, ҳиссиётни ва тафаккурни яратиб қўйибди. Демак, Мутлақ Ҳақиқатнинг Ўзи ҳам ақлга, ҳиссиётларга ва тафаккурга эга. Бошқача қилиб айтганда, Мутлақ Ҳақиқат шахсиятсиз эмас. "Яратилган" деган иборанинг ўзи Мутлақ Ҳақиқатнинг илоҳий тафаккурга эга эканидан далолат бериб турибди. Масалан, ота ўғлига ҳаёт бағишлайди, ўғлининг сезгилари бор, чунки унинг отасининг сезгилари бор. Фарзанд қўл, оёқлари билан туғилади, чунки унинг отасининг қўл-оёқлари бор. Шунинг учун баъзи муқаддас китобларда "Парвардигор инсонни Худонинг шакли-шамойилига ўхшатиб яратган" деб айтилган. Демак, Мутлақ Ҳақиқат - илоҳий ақлга, ҳиссиётга ва тафаккурга эга бўлган Олий Шахс. Инсоннинг ақли, тафаккури ва ҳиссиёти моддий иллатлардан покланганида у Мутлақ Ҳақиқатнинг азалий шахс эканини тушуна олишга қодир бўлади.

Ведавий қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаш жараёни инсонни, шартланган руҳни аста-секин ғафлат гунасидадан эҳтирос гунасига, эҳтирос гунасидадан эзгулик гунасига кўтариши лозим. Эзгулик гунасида инсон Ҳақиқатни англаб етиш имкониятига эга бўлади. Масалан, ердан дарахт ўсиб чиқади, дарахтнинг танаси(ўтин)дан гулхан ёқади. Гулхан ёққанида энг аввало тутун пайдо бўлади, кейин иссиқлик пайдо бўлади, кейин эса олов, ёруғлик пайдо бўлади. Ҳақиқий олов юзага келганида биз ундан турли мақсадда фойдаланишимиз мумкин; демак охириги мақсад - олов ҳисобланади. Шунингдек, ҳаётнинг қўпол моддий поғонасида ғафлат гунаси жуда кучли бўлади. Ана шу ғофилликни аста-секин ибтидоий, ёввойи шароитдаги турмуш тарзидан маданий турмуш тарзига ўтиш ёрдамида енгиш, тарқатиш мумкин. Инсон маданий ҳаёт кечириш поғонасига кўтарилганида у эҳтирос гунаси доирасида яшаётган бўлади. Ғафлат гунасида, яъни ёввойи, қуйи ҳаёт шаклида яшаётганида инсон ўзининг ҳиссиётини ҳайвонларга хос энг қўпол тарзда лаззатлантиради, эҳтирос гунасига кўтарилгандан кейин эса, у ўз ҳиссиётини нозик, нафис кўринишда, маданий йўл билан лаззатлантира бошлайди. Эзгулик гунасига кўтарилганида эса, у аслида нотўғри онг, сохта тасаввур билан қоплангани сабаблигина ўзининг ҳиссиёти ва ақли моддий фаолият билан машғул бўлиб юрганини англаб етади. Ана шу нопок онг аста-секин покланиб Кришна онгига айлана борганида ин-

сонда руҳий озодликка чиқиш имконияти туғилади. Шундай экан, "инсон ўзининг ҳиссиёти ва ақли ёрдамида Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиши мумкин эмас" деган фикр нотўғри. Тўғрироғи, модда билан қалин қопланган ҳолатида ҳиссиётлар, ақл ва тафаккур Мутлақ Ҳақиқатнинг табиатини англаб ета олмайди, лекин ҳиссиёти, ақли ва тафаккури покланганида у Мутлақ Ҳақиқат нима эканини тўғри тушуна олишга қодир. Ана шу покланиш жараёни Худого садоқат билан хизмат қилиш, яъни Кришнани, Худони англаш жараёни деб аталади.

"Бхагавад-гита"да аниқ айтилганки, Ведавий илмларни ўрганишдан мақсад - Кришнани тушуниб, англаб етишдан иборат, Кришнани эса фақат Унга бўйсунитдан бошланадиган садоқат билан хизмат қилиш жараёни орқали англаб етиш мумкин. "Бхагавад-гита"да инсон ҳамини Кришнани ўйлаб юриши лозим, деб айтилган. У ҳамини муҳаббат билан Кришнага хизмат қилиб юриши, Унинг олдида йиқилиб сажда қилиши, Унга сиғиниши лозим. Фақат ана шундай амаллар қилиб яшаш шарофати билан у Парвардигорнинг мангу салтанатига киришга эриша олади, бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Худого садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида инсон ҳақиқий ўзилигини англаб, эзгулик гунасига кўтарилганида у эҳтирос ва ғафлат гуналаридан бутунлай халос бўлади. *Атмане* ибораси руҳий юксалишда шундай поғонани билдирадики, бунда инсон брахманларга хос бўлган барча эзгу фазилатларга эга бўлади, шунда унга Упанишада("Ғайб илм")лар деб аталадиган ведавий муқаддас китобларни ўқиб ўрганиш руҳсат этилади. Упанишадаларда Парвардигорнинг илоҳий сифатлари ҳар томонлама батафсил таърифланган. Мутлақ Ҳақиқат, яъни Парвардигорни *ниргуна* деб таърифлайдилар. Бу Унинг сифатлари йўқ дегани эмас. Унинг ҳам сифатлари бор бўлгани учунгина барча шартланган руҳлар қандайдир сифатларга эга бўла оладилар. Упанишадаларни ўрганишдан мақсад - Мутлақ Ҳақиқатнинг ғофиллик, эҳтирос ва эзгулик кўринишидаги моддий сифатлардан бутунлай фарқ қиладиган илоҳий сифатларини тушуниб олишдан иборат. Ведавий билим ўрганиш йўли шундан иборат. Санака бошлиқ тўрт Кумар сингари буюк донишмандлар Ведавий билим ўрганишнинг мана шу йўлидан бориб, Мутлақ Ҳақиқатни шахсиятсиз Брахман кўринишида англаб етишдан то Унга Шахс сифатида сиғиниш поғонасигача бориб етганлар. Шу боис бизларга ҳам ана шундай буюк шахслар изидан бориш тавсия қилинади. Ана шундай буюк шахсларнинг бири бўлган Шукадева Госвами ҳам Махараж Парикшитнинг саволларига жавоб берар экан, ана шу ҳақиқатни баён этади. Ана шундай буюк шахслар йўлидан бораётган киши ҳеч қийналмасдан руҳий озодликка эришади ва оқибат-натияда албатта ўзининг мангу уйига,

Худонинг даргоҳига қайтади. Инсон танасидаги ҳаётни такомиллаштириш, мукамалликка етказиш йўли ана шундай.

Шукадева Госвами Махараж Парикшитга ҳикоя қилишда давом этди. "Эй ҳурматли шоҳ, - деди у, - мен бу ҳақда сенга бир ажойиб ҳикояни гапириб бераман. Бу ҳикоя жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки унда Худонинг Олий Шаҳси Нарайана ҳақида гап боради. Бу ҳикоя Нарайана Риши билан буюк донишманд Нарада Мунининг ўзаро суҳбати ҳақида. Нарайана Риши аввалгидай, Ҳимолай тоғларида жойлашган Бадарикашрамда истикомат қилади, буюк донишмандлар Уни Нарайананинг бу дунёда намоён бўлган кўриниши деб биладилар. Буюк бхакта ва фаришталар орасида энг машҳур риёзатчи зот бўлган Нарада Муни коинотдаги ҳар хил сайёралар бўйлаб сайр қилиб юрар экан, бир куни Бадарикашрамда яшаётган буюк риёзатчи Нарайана Риши билан учрашиб Унга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатмоқчи бўлди. Парвардигорнинг бу оламда намоён бўлган кўриниши бўлган бу буюк донишманд Нарайана Риши бутун Бхаратаварша(Ер) аҳолисига Худонинг даргоҳига бориш имконини берадиган руҳий баркамолликнинг энг юксак поғонасига эришиш йўллариини ўргатиш учун қаттиқ риёзатларга берилиб, Борлиқ яратилганидан бери риёзатга берилиб, тавба-тазарру қилиб яшайди. Умрини ҳақиқий инсонлардай яшашга интилаётган ҳар бир фаросатли инсон Унинг чекаётган риёзатлари ва тавба-тазарруларидан ўрнак олиши лозим.

Бадарикашрам Ҳимолай тоғларининг энг шимолий қисмида жойлашган ва ҳамиша қалин қор қатлами билан қопланган. Такводор индуслар ҳали ҳозиргача ёз пайтларида, қор қатлами анча пасайганида ана шу муқаддас саждагоҳни зиёрат қилиб турадилар. Бир куни Парвардигорнинг намоён бўлган кўриниши Нарайана Риши кўплаган бхакталар даврасида Калапаграма қишлоғида ўтирарди. Албатта, Унинг атрофида ўтирган бхакталар ҳам оддий донишмандлар эмасди. Шу ерда буюк донишманд Нарада Муни ҳам пайдо бўлди. Нарайана Ришига муносиб ҳурмат-эҳтиром билан таъзим қилгандан кейин, Нарада Муни Унга худди ҳозир Махараж Парикшитнинг Шукадева Госвамига берган саволи билан мурожаат қилди. Нарада Мунининг бу саволига Нарайана Риши ҳам Ўзидан аввалги устозларидан ўрнак олиб жавоб берди. У худди шу савол Жаналока деган сайёрада ҳам муҳокама қилигани ҳақида гапириб берди. Жаналока сайёраси Сваргалоканинг Ой, Зухро сингари сайёраларидан юқорида жойлашган. Бу сайёрада буюк донишманд ва авлиё зотлар истикомат қиладилар, ана шу донишмандлар ҳам Брахман ва Унинг асл моҳияти ҳақидаги масалани муҳокама қилганлар.

Буюк донишманд Нарайана Риши шундай деди: "Азизим Нарада, мен сенга жуда қадим замонларда бўлиб ўтган бир воқеани гапириб бе-

раман. Бир куни жаннатдаги сайёраларнинг барча аҳолиси бир жойга тўпландилар, шу мажлисда тўрт Кумар, Санат-, Санандана-, Санака- ва Санатана-Кумарлар сингари деярли барча машҳур брахмачарилар иштирок этаётган эдилар. Муҳокама мавзуси Мутлақ Ҳақиқатни, Брахманни англаб етиш эди. Бу мажлисда сен йўқ эдинг, чунки сен ўша пайтда Шветадваipa оролида истикомат қиладиган Менинг экспансиям Анируддха билан учрашгани кетган эдинг. Ана шу мажлисда барча буюк донишманд-брахмачарийлар сен ҳозир менга берган саволни батафсил муҳокама қилдилар, бу жуда қизиқарли суҳбат бўлган эди. Муҳокама шундай юксак даражада ўтган эдики, ҳатто Ведалар тимсолининг ўзи ҳам шу ерда берилган мураккаб саволларга жавоб беришга ожизлик қилган эдилар.

Нарайана Риши Нарада Мунининг берган бу саволи Жаналокада бўлиб ўтган ўша мажлисда ҳам муҳокама қилиганини айтди. Ҳақиқат илмини парампара, шогирдлар силсиласи орқали ўрганиш йўли шундай бўлади. Махараж Парикшит бу саволни Шукадева Госвамига берди, у бу саволни Нарада Мунига берди, Нарада Муни эса бу саволни Нарайана Ришига берди, Нарайана Риши эса бу саволга жавобни яна ҳам юксакроқ бўлган мўътабар зотлардан, Жаналокада бу саволни муҳокама қилишда иштирок этган Кумарлардан - Санат-, Санатана-, Санака- ва Санандана-Кумардан сўради. Ана шу тўрт брахмачарининг Ведалар илмини ва барча шастраларни чуқур билишини ҳамма буюк донишмандлар тан оладилар. Уларнинг қаттиқ риёзат чекиб, тавба-тазарру билан яшашга ичган қасамларига қатъий риоя қилишлари билан қўллаб-қувватланиб турган чексиз илм захиралари уларнинг улуғвор, мукамал, бенуқсон хулқ-атворида яққол намоён бўлиб туради. Ҳамиша мулоим, итоаткор, камтарин бўлган ҳолда улар ҳеч қачон одамларни дўст ва душманларга ажратмайдилар. Кумарлар сингари буюк зотлар ҳамиша илоҳий поғонада бўлган ҳолда ҳар қандай моддий тасаввурлардан устун турадилар, моддий оламнинг қарама-қаршиликлари уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди. Ана шу саволни ўзаро муҳокама қилар экан, тўрт кумар бир якуний хулосага келиш учун ўзлари орасидан биттасини - Сананданани танладилар ва ўзлари унинг фикрини тинглай бошладилар.

Санандана шундай деди: "Намоён бўлган бутун моддий борлиқ яқсон бўлганида барча қувватлар ва бутун борлиқ ядро кўринишида Гарбходакашайи Вишну ичига киради. Шундан сўнг Парвардигор узоқ-узоқ вақт уйкуга кетади, яна оламни яратишга эҳтиёж туғилганда Ведалар тимсоли Парвардигор атрофида тўпланиб, Унинг ғаройиб илоҳий эрмакларини таърифлаб, Уни олқишлай бошлайди. Бу худди шоҳ ухлайдиган хонада маҳсус машшоқлар тўпланиб, унинг шавкатли ишларини шарафлаб куйлашларига, шоҳ

эса уларнинг олқишларини тинглаб ётиб, аста-секин уйкудан уйғона бошлашига ўхшайди.

Ведалар тимсоли, яъни Ведалар илмини баён этувчилар Парвардигорнинг эрмакларини шундай куйлайдилар: "Эй енгилмас Зот, Сен - Олий Шахсан. Ҳеч ким Сенга тенг келолмайди, Сендан буюкроқ бўлган бирор Зот мавжуд эмас. Ўзининг кароматлари билан бирор зот Сендан шавкатлироқ бўлолмайди. Сенга шон-шарафлар бўлсин! Сенга шон-шарафлар бўлсин! Барча ҳамда-санолар Сенга бўлсин! Илоҳий табиатга эга бўлганинг туфайли Сен олти турли комил фазилатнинг барчасига тўла эгасан, шу боис Сен барча шартланган руҳларни майя чангалидан кутқаришга қодирсан. Эй Парвардигор, Сенинг шундай қилишингни бизлар Сендан ялиниб илтижо қиламиз. Сенинг ажралмас заррачаларинг бўлган ҳолда барча тирик мавжудотлар ўзларининг асл табиатига кўра илмга, лаззатга тўла мангу зотлардир, лекин адашганидан улар олий лаззатланувчи бўлишга интилиб, Сенга тақлид қилмоқчи бўладилар; шу тариқа улар Сенинг олий амрингга бўйсунмай уни ҳақорат қиладилар. Улар шу тарзда ҳақорат қилгани сабабли Сенинг моддий қувватинг уларни бошқаришни, назорат қилиб туришни ўз қўлига олади; шу тариқа уларнинг илоҳий сифатлари - бахт, лаззат ва донишмандлиги моддий табиат гуналари пардаси билан қопланади. Моддий табиат гуналаридан таркиб топган бу моддий олам шартланган руҳлар учун яратилган қамокхонага, зиндонга ўхшайди. Шартланган руҳлар моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиш учун бор кучи билан ҳаракат қиладилар, ўзлари тушиб қолган ҳар хил шароитларга мос равишда улар ҳар хил ишлар билан машғул бўлиб яшайдилар. Ана шу ишларнинг ҳаммаси Сенинг илминг билан асосланган. Фақат Сенинг марҳаматинг билан илҳомланган инсонгина қандайдир эзгу, савоб ишлар қилишга қодир бўла олади. Шу боис, Сенинг нилуфар қадамларинг пойига мурожаат қилмай туриб, инсон ҳеч қачон моддий қувват таъсирини енга олмайди. Аслини олганда бизлар, Ведалар илмининг тимсоли бўлган ҳолда, шартланган руҳларга Сени тушуниб олишга ёрдам бериш учун ҳамиша Сенга хизмат қилиш билан бандмиз".

Ведалар тимсолининг қилган бу илтижоларидан кўришиб турибдики, Ведалар шартланган руҳларга Кришнани тушуниб олишда ёрдам бериш учун мўлжалланган. Барча шрутилар, яъни Ведалар тимсоли такрор ва такрор Парвардигорни олқишлаб: "Жая! Жая!" -деб куйлардилар. Бу шуни кўрсатадики, Парвардигорни мукамаллиги учун олқишлаб куйлайдилар. Унинг барча мукамал фазилатлари ичида энг муҳими - Унинг шартланган руҳларни майя чангалидан тортиб олиш билан уларга кўрсатадиган бесабаб марҳаматидир.

Ҳар хил тана турларида ҳаёт кечирадиган тирик мавжудотларнинг сон-санови йўқ, улар-

нинг баъзилари кўзгалувчан, баъзилари кўзгалмасдан бир жойда туради, уларнинг ана шундай шароитга тушиб қолишининг ягона сабаби - улар ўзларининг Худонинг Олий Шахси билан бўлган ўзаро мангу муносабатларини эсдан чиқариб қўйганида. Тирик мавжудот Кришнанинг ҳолатига тақлид қилиб, моддий қувват устидан ҳукмрон бўлишга ҳаракат қила бошлаган заҳоти моддий қувват уни ўзига асир қилиб олади ва унинг истакларига мос равишда саккиз миллион тўрт юз минг турли таналардан бирини унга тақлиф қилади. Гарчи тирик мавжудот моддий оламда ҳаётнинг уч турли азоб-уқубатларига мубтало бўлиб юрса ҳам, ўзини теварак атрофида кўриб турган ҳамма нарсанинг хўжайини деб ҳисоблаб, ҳаётда алданиб юради. Моддий табиат гуналаридан иборат бўлган моддий қувват алдовига тушиб қолган тирик мавжудот шунчалик адашиб қолганки, агар Парвардигорнинг Ўзи марҳамат кўрсатмаса у ўз кучи билан ҳеч қачон озодликка чиқолмайди. Тирик мавжудот моддий табиат гуналари таъсирини ўз кучи билан енгиб ўта олмайди, лекин моддий табиат ҳам Парвардигорнинг ҳукми остида ҳаракат қилгани сабабли, Парвардигорнинг Ўзи моддий табиатнинг таъсир доирасидан ташқарида туради. Парвардигордан бошқа барча тирик мавжудотлар, - Тангри Браҳмадан бошлаб то энг кичик ҳашаротгача - моддий табиат билан курашда мағлубиятга учрайдилар.

Парвардигор, олти мукамал фазилат - бойлик, куч, шон-шухрат, гўзаллик, илм ва боғланмасликнинг барчасига мукамал эга бўлган ҳолда ёлғиз Ўзи моддий табиатнинг таъсиридан ташқарида жойлашган. Агар Кришна онгига эга бўлмаса, тирик мавжудот Худонинг Олий Шахсига яқинлаша олмайди, лекин Парвардигор, ҳар нарсага қодир бўлган ҳолда, Олий Руҳ сифатида тирик мавжудотнинг қалбида туриб унга кўрсатма бера олади. "Бхагавад-гита"да Парвардигор шундай деган: "Ҳаётда нима қилсанг ҳам, Мен учун қил; нима есанг ҳам аввал Менга тақлиф қил; нима бермоқчи бўлсанг ҳам, аввал Менга бер; қандай риёзат чексанг ҳам, қандай тавба-газарру қилсанг ҳам, ҳаммасини Мен учун қил!" Дунёвий ҳаёт кечириб юрган одамлар учун Парвардигорнинг кўрсатмалари шундай, унга рия қилиб одамлар аста-секин қалбида Кришна онгини ривожлантира оладилар. Фалсафага қизиқадиган одамларга ҳам Парвардигор шунга ўхшаш кўрсатма беради, улар *браҳман* билан *майя* орасидаги фарқни тушуна бориш ёрдамида аста-секин Кришнага яқинлашадилар. Ниҳоят инсон илоҳий илми мукамал эгаллаб олганида ўз ихтиёрини Кришнага топширади. Парвардигор Кришна "Бхагавад-гита"да шундай дейди: "Жуда кўп туғилиш ва ўлишлар орқали ўтиб, ҳақиқий билимдон донишманд ўз ихтиёрини Менга топширади". Йогларга ҳам бутун фикрини қалбидаги Кришнада мужассам қилиш тавсия қилинади, Кришнани

англашнинг ана шундай узлуксиз жараёни ша-рофати билан йоглар ҳам моддий қувват чангалидан халос бўла оладилар. Аммо, "Бхагавад-гита"да айтилганидай, бхактилар аввал бошиданок қаттиқ боғланиш, муҳаббат ва садокат билан Худога хизмат қилишда машғул бўлиб юргани туфайли, улар ҳеч қийналмасдан, адашмасдан Худога эриша олишлари учун, Парвардигор уларнинг қалбида туриб уларни бошқариб туради. Фақат Парвардигорнинг марҳамати билан тирик мавжудот Браҳманнинг, Параматманинг ва Бхагаваннинг ҳақиқий ҳолатини англай олади.

Ведалар тимсолининг гаплари шуни аниқ кўрсатиб турибдики, Ведалар адабиёти фақат одамлар Кришнани тўғри тушуниб олишлари учун мўлжалланган. "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланганки, барча Ведаларнинг ягона мақсади - улар ёрдамида инсон Кришнани англаб олишидан иборат. Хоҳ моддий оламда бўлсин, хоҳ руҳий оламда бўлсин, Кришна ҳамisha лаззатланиб юради; У Олий лаззатланувчи бўлгани сабабли, Унинг учун моддий олам билан руҳий олам орасида фарқ йўқ. Моддий олам - оддий тирик мавжудотлар учун тўскинлик қилиши мумкин, чунки улар моддий қувват ҳукми остида, лекин, моддий олам ҳукмдори бўлган Кришнага моддий қувват яратган тўсиқлар халақит бера олмайди. Шу боис Упанишадларнинг турли жойларида Ведалар бир неча бор тушунтирган: "Брахман - мангу, илм ва лаззатга тўла, лекин ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахси ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд". Ҳамма жойга сингиб кета олиш қобилияти билан У нафақат ҳар бир тирик мавжудот қалбида, ҳатто ҳар бир атом ичида ҳам мавжуд. У Ўзининг Параматма кўринишида тирик мавжудотларнинг ҳар бир ҳаракатини бошқариб туради. У ҳар бир тирик мавжудотнинг ичида туриб, уларнинг ҳар бир ҳаракатининг бевосита гувоҳи бўлган ҳолда уларга ўз ниятига яраша ҳаракат қилиш имконини, шу билан бирга қилган ҳаракатларининг натижаларини бериб туради. У ҳамма мавжудотларнинг ҳаёт кучи, шунга қарамай, У -моддий сифатларга нисбатан илоҳий табиатга эга. У ҳар нарсага кодир; У ҳар қандай мавжудотни, истаган нарсани яратиш қудратига эга, табиий равишда олий илмга эга бўлгани туфайли, У ҳар қимни Ўзига бўйсундириб қўйган. Шу боис У - ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳақиқий Эгаси, ҳақиқий Ҳукмдори. Баъзан У Ер сайёрасида намоён бўлади, лекин айни пайтда У ҳар бир унсурнинг ичида ҳам мавжуд. Ўзини кўплаган қиёфаларда таратиш учун У моддий қувватига нигоҳ ташлади, натижада сон-саноксиз тирик мавжудотлар намоён бўлган ҳолатга ўтдилар. Ҳамма нарса Унинг Олий амри билан яратилади, У яратган Борлиқда ҳамма нарса бенуксон, мукамал кўринишга эга.

Шу боис бу моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга интилаётган одам барча са-

бабларнинг охирги сабабчиси бўлган Худонинг Олий Шахсига сиғиниши лозим. У бутун ер сайёрасига ўхшайди: ердан олинган тупроқдан турли кўзалар яшаш мумкин, кўзалар яқсон бўлгандан кейин ҳам, кўза ҳолида мавжуд бўлган пайтда ҳам, барибир ерда қолаверадилар; кўза синиб майдаланиб кетганда уни ташкил этган унсурлар ерга, тупроққа қўшилади. Гарчи Худонинг Олий Шахси намоён бўлган барча мавжудотларнинг бошланғич, азалий сабабчиси бўлса ҳам, имперсоналистлар Ведалардаги қуйидаги гапларга ёпишиб олганлар: *сарвам кхалв идам брахма* - "Мавжуд ҳамма нарса Браҳмандир". Имперсоналистлар олий сабабчи бўлган Браҳмандан таралиб, алоҳида намоён бўлиб турган турли қиёфаларни тушунишни истамайдилар. Улар фақат шунга эътибор берадиларки, ҳамма нарса Браҳмандан чиқади, яқсон бўлгандан кейин ҳамма нарса Унга қўшилиб кетади, худди шундай, оралиқда мавжуд бўлган ҳолатда ҳам ҳамма нарса Браҳман ҳисобланади. Гарчи майявадилар "ҳали пайдо бўлмасдан аввал бутун Борлиқ Браҳман ичида бўлади, пайдо бўлганда ҳам Браҳман ичида қолади, яқсон бўлгандан кейин ҳам Браҳман ичида қолади" деб ўйласалар ҳам, аслида Браҳман дегани нима эканини билмайдилар. Мана шу ҳақиқат "Брахма-самхита"да аниқ акс этган: "Тирик мавжудотлар, фазо, вақт ҳамда олов, ер, осмон, сув ва ақл сингари моддий унсурлар *бхур бхувах сваха* деб аталадиган бутун моддий оламни ташкил этади, уни Говинда намоён этади. Бутун моддий олам Говинданинг қудрати билан мавжуд бўлиб, гуллаб-яшнаб туради, яқсон бўлгандан кейин яна Говинданинг ичига киради ва Унинг ичида сақланиб қолади". Шу боис Тангри Браҳма: *говиндам ади-пурушам там ахам бхаджами*, яъни "Мен бошланғич Шахс, барча сабаблар сабабчиси бўлган Парвардигор Говинда олдида сажда қиламан" - дейди.

Брахман ибораси ҳамма нарсдан буюк бўлган, ҳамма нарсанинг мавжудлигини таъминлаб турган Зотни билдиради. Имперсоналистларни осмоннинг буюклиги ўзига мафтун этади, лекин илмлари саёзлиги сабабли уларни Кришнанинг буюклиги мафтун этолмайди. Кундалик турмушда эса бизни катта бир тоғнинг буюклиги эмас, балки қандайдир бир инсоннинг, шахснинг буюклиги кўпроқ ўзига жалб этади. Аслини олганда Браҳман иборасини фақат Кришнага нисбатан қўллаш мумкин; шунинг учун ҳам "Бхагавад-гита"да Аржун Парвардигор Кришна - Парабрахман, яъни "бутун борлиқнинг охирги макони" эканини тан олади.

Кришна - Олий Браҳман, чунки У чексиз илмга, чексиз қувватларга, чексиз кучга, чексиз таъсир кучига, чексиз гўзалликка ва чексиз боғланмаслик қобилиятига эга. Шу боис "Брахман" иборасини фақат ягона Парвардигор Кришнани ифодалаш учун ишлатиш мумкин. Аржун айтадики, шахсиятсиз Браҳман Кришнанинг илоҳий танасидан таралиб турган ёғду бўлгани

учун Кришна -Парабрахман. Ҳамма нарса Брахманда жойлашган, аммо Брахманнинг Ўзи Кришнада мужассам бўлган. Шундай экан, Кришна - якуний брахман, яъни Парабрахман. Моддий унсурлар Кришнанинг қуйи қувватлари ҳисобланади, чунки уларнинг ўзаро фаолияти туфайли бутун моддий олам намоён бўлади, Кришнада жойлашади, яқсон бўлгандан кейин эса, Унинг нафис қуввати кўринишида яна Кришнанинг танасига киради. Шундай қилиб, моддий оламнинг намоён бўлишининг ҳам, яқсон бўлишининг ҳам сабабчиси Кришна ҳисобланади.

Сарвам кхалв идам брахма дегани ҳамма нарса аслида Кришна(дан чиққан) эканини билдиради, ана шундай тўғри нуқтаи-назар, тўғри тасаввур махабхагаваталарни бошқалардан ажратиб туради. Улар ҳамма нарса Кришна билан боғлиқ ҳолда тасаввур қиладилар. Кришна Ўзини кўпайтириб юборди, шу боис ҳамма нарса Кришна, демак кимга сиғинсанг ҳам Кришнага сиғинган бўлаверади, деб бунга эътироз билдирадилар. Ана шундай ногўғри эътирозларга "Бхагавад-гита"да шундай жавоб берилган: гарчи ҳамма нарса Кришнанинг қувватининг намоён бўлган кўринишлари бўлса ҳам, У айна пайтда шахсан ҳамма нарсада мавжуд эмас. Бир вақтнинг ўзида у ҳамма нарсада ҳам мавжуд, ҳам мавжуд эмас. Ўзининг қувватлари орқали У ҳамма нарсада мавжуд, лекин ана шу қувватлар манбаи сифатида У ҳамма жойда мавжуд эмас. Мана шу "бир вақтнинг ўзида ҳам мавжуд бўлиш, ҳам мавжуд бўлмаслик" таълимотини биз ўзимизнинг ҳозирги ҳиссиётимиз билан англай олмаимиз. Лекин бу "Ишопанишад"нинг бошида жуда яхши тушунтирилган, унда айтилганки, Парвардигор шунчалик мукамал тўла-бутунки, ҳатто Кришнадан чексиз қувватлар ва қувватларнинг турли кўринишлари чиқиб турса ҳам, Кришнанинг шахси ҳеч қачон ўзгариб, камайиб қолмайди. Шу боис, Кришна барча сабабларнинг сабабчиси бўлгани учун фаросатли инсонлар фақат Унинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ излашлари лозим.

Кришна ҳар бир одамга ўз ихтиёрини фақат Унинг Ўзига топширишни маслаҳат беради, Ведаларнинг барча кўрсатмаларининг якуний ҳулосаси шундан иборат. Кришна барча сабаблар сабабчиси бўлгани учун донишманд ва авлиё инсонлар Ведаларда кўрсатилган барча қонунқоидаларга риоя қилган ҳолда фақат Унга сиғинадилар. Муроқаба қилиш имконияти пайдо бўлганида буюк шахслар ўзларининг қалбида мавжуд бўлган Кришнанинг илоҳий қиёфасини хаёлан томоша қиладилар. Шу тарзда буюк зотларнинг ақли ҳаммиша Кришна билан банд бўлиб юради. Агар уларнинг ақли Кришна билан банд бўлиб юрса, табиийки, Кришнага мафтун бўлган бхакталар ҳаммиша Кришна ҳақида гапириб юрадилар.

Бхакталарнинг Кришна ҳақида гапиришлари, суҳбатлари ёки қўшиқ куйлашлари *киртана* деб аталади. Парвардигор Чайтанья ҳам содиқларга: *киртанийах сада хариш*, яъни "бошқа бирор нарсага чалғимасдан ҳаммиша Кришна ҳақида ўйлаш, Кришна ҳақида гапириш"ни тавсия қилган. Мана шу - ҳаётда Кришна онги билан яшашни билдиради. Кришнани англаш жараёни шу қадар буюк, шу қадар улғувор жараёнки, бу жараёнга мурожаат қилган ҳар қандай киши руҳий озодлик тушунчасидан анча устун турадиган энг олий даражадаги руҳий баркамолликка эришади. Шунинг учун Парвардигор Кришна "Бхагавад-гита"да ҳар бир инсонга ҳаммиша Кришна ҳақида ўйлаб юришни, Унга садоқат билан хизмат қилишни, Унга сажда қилишни, Унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни маслаҳат беради. Шу тарзда *бхакта* ҳаётда ҳаммиша Кришна онги билан яшаб, ҳаммиша Кришна билан бирга бўлиб юради, умрининг охирида эса Кришнанинг мангу даргоҳига қайтади.

Гарчи ведаларда Кришнанинг ажралмас заррачалари, ажралмас қисмлари бўлган фаришталарга сиғиниш ҳам тавсия қилинган бўлишига қарамай, шуни тушуниб олиш лозимки, бундай кўрсатмалар аслида ҳали дунёвий ҳиссий лаззатларга интилишни бутунлай тарк этишга қодир бўлмаган калтафаҳм одамлар учун мўлжалланган. Лекин, ҳақиқатан ҳам инсон танасидаги ҳаётининг ҳақиқий вазифасини, асосий бурчини адо этишга бел боғлаган фаросатли инсон фақат Парвардигор Кришнага сиғиниши лозим. Бу ҳамма ишни осонлаштиради ва шубҳасиз, унга инсон сифатида ўз умрини муваффақият билан адо этиш имконини беради. Гарчи осмон, сув ва ер бу моддий оламнинг таркибий қисмлари бўлса ҳам, инсон фақат қаттиқ ер устида тургандагина унинг ҳолати сувда ёки ҳавода турганига қараганда анча мустаҳкам ва ишончли бўлади. Шунинг учун гарчи фаришталар ҳам Парвардигор Кришнанинг ажралмас бўлаклари бўлишига қарамай, фаросатли инсон ўзига турли фаришталардан паноҳ изламайди. Донишманд киши ҳаётда мустаҳкам Кришна онги билан яшашни афзал билади. Бу унинг ҳаётини ҳаммиша мустаҳкам ва бехатар қилади.

Империоналистлар баъзида шундай мисол келтирадилар: агар одам бирор тош ёки дарахт устида турган бўлса, шубҳасиз у барибир ернинг устида турган бўлади, чунки тош ёки дарахт ҳам ернинг устида турибди. Бунга шундай эътироз билдириш мумкин; агар одам бевосита ернинг устида турган бўлса, унинг ҳолати ер устида турган тош ёки дарахт устида тургандан кўра анча мустаҳкам ва бехатар бўлади. Бошқача қилиб айтганда, одам Парвардигорнинг Параматма ёки шахсиятсиз Брахман кўринишига мурожаат қилганида унинг ибодатининг бу йўли Кришнани англаш жараёни орқали бевосита Кришнанинг Ўзига мурожаат қилишдай мустаҳкам, ишончли бўлолмайди. Шу боис ғйани ва йогларнинг руҳий

ҳолатлари Кришнанинг бхакталарининг руҳий ҳолатичалик мустаҳкам эмас. Парвардигор Кришна "Бхагавад-гита"да айтганки, ақлдан озган бефаросат одамларгина фаришталарга сиғинадилар. Шахсиятсиз Брахман ғоясига боғланиб қолган одамлар ҳақида "Шримад Бхагаватам"да шундай дейилган: "Эй азиз Парвардигор, "ақлий фикрлашлар орқали руҳий озодликка эришдик" деб юрган одамлар Сенинг нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ топмагани учун ҳали моддий иллатлардан покланмаган зотлардир. Гарчи улар шахсиятсиз Брахман борлиғида яшаш имконини берадиган илоҳий поғонага кўтарилган бўлсалар ҳам, шубҳа йўқки, улар ана шу юксак поғонадан маҳрум бўлиб, албатта яна тубанликка юз тутадилар, чунки улар Сенинг нилуфар қадамларинг пойига интилишни истамадилар". Шунинг учун Парвардигор Кришна айтадики, фаришталарга сиғиниб юрган одамлар унчалик фаросатли зотлар эмас, чунки улар бу сиғиниши билан ўткинчи, чекланган натижаларга эришадилар. Уларнинг қилиб юрган барча амаллари - ақли тўлиқ бўлмаган калтафаҳм одамларнинг ишидир. Парвардигор кафолат бериб айтадики, Унинг содиқлари, бхакталар ҳеч қачон тубанликка юз тутмайдилар.

Ведалар тимсоли Парвардигорга илтижо қилишда давом этди: "Эй азиз Парвардигор, барча фикрларни, барча нуктаи-назарларни таҳлил қилиб, шуни англаб олиш мумкинки, агар инсон барибир ўзидан устун турган кимгадир сиғиниши лозим бўлса, у албатта Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сиғиниши лозим, чунки охир-оқибатда бутун Борлиқни Сен Ўзинг яратиб, унинг мавжудлигини таъминлаб ва уни яқсон қилиб турасан. Сен - бутун уч оламнинг - Бхур-, Бхувар- ва Сварга-локаларнинг ягона Ҳукмдорисан. Сен - ўн тўртта олий ва қуйи одамлар Ҳукмдорисан, моддий табиат гуналарининг фаолиятини бошқариб турган Зот ҳам Сенсан. Руҳий илмлари юксак даражада ривожланган одамлар ва фаришталарнинг ҳаммаси ҳамиша Сенинг илоҳий кароматларинг ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, уларни бошқаларга гапириб юрадилар, чунки бу жараён жуда қудратли илоҳий кучга эга - у инсоннинг аввал содир этган барча гуноҳларининг оқибатларини яқсон қилади. Фаросатли одамлар Сенинг илоҳий кароматларинг ҳақидаги шарбатдай ширин ҳикоялар уммонига ғарқ бўладилар ва диққат билан уларга қулоқ соладилар. Шу тарзда улар бир пасда моддий табиат гуналари иллатидан покланадилар, руҳий юксалишга эришиш учун уларнинг қаттиқ риёзатлар чекиб, тавба-тазарру қилиб юришларининг мутлақо ҳожати йўқ. Сенинг илоҳий эрмакларингни олқишлаш ва улар ҳақида тинглаш - руҳий ўзликни англашга олиб борадиган энг осон йўлдир. Агар одам шунчаки камтарин ҳолда Сенинг илоҳий хабарларингни тинглаб юрса, унинг қалби барча моддий иллатлардан покланади. Шу тарзда бхактанинг

қалбида Кришна онги мустаҳкам ўрнашиб қолади".

Буюк мўътабар зот Бхишмадева ҳам айтганки, Худонинг Олий Шахсини шарафлаб қуйлаш ва У ҳақида тинглаш жараёни барча ведавий урф-одатларнинг асл мазмуни ҳисобланади. "Эй азиз Парвардигор, руҳий юксакликка интилаётган бхакта шунчаки Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларига риоя қилиб яшаш билан, айниқса Парвардигорни олқишлаш ва Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни мунтазам тинглаб юриш билан тез вақт ичида моддий оламдаги қарама-қаршилиқларга тўла ҳаёт чангалидан халос бўлади". Бхактанинг қилиб юрган ана шундай осон тавба-тазаррулари унинг қалбидаги Олий Руҳни жуда мамнун қилади, бхакта умрининг охирида Худонинг даргоҳига эриша олиши учун Парвардигор бхактанинг қалбида туриб унинг ҳаётини ана шу тўғри йўлга йўналтириб туради. "Бхагавад-гита"да айтилганки, ўзининг бутун фаолиятини, бутун ҳиссиётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган кишининг қалби тўла осойишталикка эришади, чунки ундан Олий Руҳ мамнун бўлади; *бхакта* шу тариқа ҳаётда учрайдиган иссиқ-совуқ, шон-шуҳрат ва шармандалик сингари турли қарама-қаршилиқларга нисбатан илоҳий поғонага кўтарилади. Ҳар қандай қарама-қаршилиқлардан халос бўлиб, у қалбида илоҳий лаззат ҳис қилади ва бу дунёда яшаш сабабли юзага келадиган ҳар хил ташвиш ва хавотирлар энди уни безовта қилмай қўяди. "Бхагавад-гита"да айтилганки, ҳаётда ҳамиша Кришна онги билан яшаб юрган соф *бхакта* ўзининг ҳаётини таъминлашга ёки ҳаётини муҳофаза қилишга интилмайдди. Ҳамиша Кришна онгига ғарқ бўлиб юриб, у охир-оқибатда энг юксак руҳий баркамолликка эришади. Ҳатто мусибатларга тўла бўлган мана шу моддий оламда юриб ҳам у ҳеч қандай ташвиш ва хавотирларсиз хотиржам ва осойишта яшайди, ҳозирги танасини тарк этгандан кейин эса, ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтади. Парвардигор "Бхагавад-гита"да шундай дейди: "Менинг олий даргоҳим - илоҳий даргоҳ бўлиб, унга эришган киши ҳеч қачон бу моддий оламга қайтиб келмайди. Мангу даргоҳда Менга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш орқали юксак баркамолликка эришган ҳар қандай киши инсон ҳаётининг энг олий камолот чўққисига эришади. Унинг мусибатларга тўла бу моддий оламга қайтиб келишига ҳожат қолмайди".

"Эй азиз Худойим, барча тирик мавжудотлар Сен ўрнатиб қўйган қонун-қоидалар асосида Сенга садоқат билан хизмат қилиб, яъни Сени олқишлаб юриш ва Сенинг амрингга бўйсуниб яшаш билан ҳамиша Кришна онгида бўлишлари лозим. Агар одам ҳаётда ҳамиша Кришна онгида бўлиб, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрмаса, бекорга тирик юрган бўлади. Одатда одам нафас олаётган бўлса уни "тирик" деб

ҳисоблайдилар. Ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрмаган одамни темирчининг мешига ўхшатиш мумкин. Темирчининг меши - шунчаки оловга пуфлаш учун ичига ҳаво тўлдириладиган, теридан ясалган катта қоп. Худого садоқат билан хизмат қилиш, Худони таниш, Уни англаб етиш билан қизиқмасдан, шунчаки ичига суяк, ахлат тўла тери қоп ичида яшаб юрган одамнинг ҳам темирчининг мешидан ҳеч қандай фарқи йўқ. Шунингдек, Худонинг содиқ хизматкори, яъни бхакта бўлмасдан узоқ умр кўриб юрган одамнинг ҳаётини дарахтнинг ҳаётига ўхшатадилар; ундай одамнинг очофатлиги, нафси ит ва чўчқаларнинг очофатлигидан фарқ қилмайди, ундай имонсиз, пасткаш одамларнинг жинсий ҳаёти чўчқа ва эчкиларнинг жинсий ҳаётидан ортик эмас.

Худонинг Олий Шахси Маха-Вишну сифатида моддий олам ичига киргани туфайли космик борлиқ намоён бўлиш имконига эга бўлди. Маха-Вишнунинг илоҳий нигоҳи туфайли бутун моддий кувват ҳаракатга келади, шундагина моддий табиат гуналарининг ўзаро ҳаракати бошланади. Шундай экан, биз лаззатланишга интилаётган моддий имкониятларнинг ҳаммаси фақат Худонинг Олий Шахсининг марҳамати билан мавжуд бўлиб турибди.

Тана моддий тирикликнинг беш турли поғонаси орқали ўтади: *аннамайя*, *пранамайя*, *маномайя*, *вигйанамайя*, охириги поғона *анандамайя*. Онгли ҳаётининг аввал бошида ҳар бир тирик мавжудот фақат қорин тўйғазиши кераклигини англашга қодир бўлади. Ёш бола ёки ҳайвоннинг ширин овқат билан қорни тўйса бас, ҳаётдан мамнун бўлиб юраверади. Инсон онгининг "яшашдан мақсад - фақат яхшилаб қорин тўйғазишдан иборат"(беш кунлик дунёда еб-ичиб қолиш керак) деб ҳисоблайдиган мана шундай ҳолати онгининг *аннамайя* поғонаси деб аталади. *анна* ибораси "овқат" деган маънони билдиради. Онг ривожланишининг кейинги поғонасида инсон ўзининг тирик эканидан, яшаётганидан мамнуният ҳосил қилиб яшайди. Агар у тинчгина яшашда давом эта олса, ҳеч ким унга ҳужум қилмаса, ҳеч ким уни ўлдиришга ҳаракат қилмай юрган бўлса у ўзини ҳаётда бахтиёр ҳис қилади. Онгининг мана шундай ҳолати *пранамайя*, яъни ўзининг тириклигини англаш поғонаси деб аталади. Бундан кейинги поғонада инсон ўзининг тириклиги билан бирга ўйлай олиши, фикрлай олишидан мамнуният ҳосил қилиб яшайди. Моддий таракқиёт, дунёвий ҳаёт асосан мана шу уч поғонада - *аннамайя*, *пранамайя* ва *маномайя* чегарасида ривожланган бўлади. Моддий оламда маданиятли одамларни биринчи навбатда ташвишга соладиган нарса моддий таракқиёт, кейингиси - тинчлик, кейинги ташвиши - илм-фан, қадриятларга фалсафий ёндошиш.

Агар инсон онгини, тафаккурини ривожлантиришда, ҳаёт ҳақида фалсафий фикр юритишда давом этиб, ўзи, "мен" деб юргани аслида бу

моддий тана эмас, балки руҳий заррача, жон эканини англаб етиш даражасига ета олса, у руҳий юксалишда давом этиб Худони, яъни Олий Руҳни англаб етади. Инсон Парвардигор билан ўзаро муносабатларини ривожлантириб, Худого садоқат билан хизмат қила бошласа, унинг онгли ҳаёти *анандамайя*, яъни ҳаётда Кришна онги билан яшаш поғонаси ҳисобланади. *Анандамайя* - мукамал илмга асосланган, чексиз илоҳий лаззат келтирадиган мангу ҳаёт. "Веданта-сутра"да *анандамайя* "*бхйасат*" деб айтилган. Олий Брахман ҳам, унга бўйсунган кичик брахман ҳам, яъни Худонинг Олий Шахси ва тирик мавжудотлар ўзининг асл табиатига кўра лаззатга тўла. Токи тирик мавжудотлар ҳаётнинг куйи тўрт поғонаси - *аннамайя*, *пранамайя*, *маномайя* ва *вигйана-майя* поғонасида юрар экан, улар ҳаётнинг моддий шароитларида юрган ҳисобланади, лекин улар *анандамайя* поғонасига кўтарилган заҳоти озодликка чиққан руҳлар ҳисобланади. Инсон ҳаётининг ана шу *анандамайя* поғонаси "*Бхагавад-гита*"да *брахма-бхута* деб аталган. Унда айтилганки, ҳаётнинг, руҳий юксалишнинг *брахма-бхута* поғонасида инсон қалбида ҳеч қандай ташвиш ёки эҳтиросли истаклар бўлмайди. Бу поғона инсон барча тирик мавжудотларга нисбатан бир хил муносабатда бўла бошлаганида бошланади, кейин унинг онги тобора юксала бориб, Кришнани англаш даражасига етади, унда инсон ихлос билан, сўнмас шижоат билан Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилишга интила бошлайди. Худого садоқат билан хизмат қилишда юксакроқ поғонага кўтарилишга бўлган бундай интилиш туйғуси моддий ҳаётдаги ҳиссий лаззатларга бўлган интилиш туйғуси билан бир хил эмас. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг қалбидаги интилиш туйғуси сақланиб қолаверади, фақат унинг сифати ўзгаради, иллатлардан покланади. Одамнинг сезгилари, ҳиссиёти покланганида улар онгининг барча моддий - *аннамайя*, *пранамайя*, *маномайя* ва *вигйана-майя* поғоналаридаги тасаввурлардан покланади ва ҳаёт ҳақидаги тасаввурнинг олий поғонасига - *анандамайя* поғонасига, яъни ҳаётда Кришна онги билан бахтиёр яшаш поғонасига кўтарилади. Файласуф-майавадилар *анандамайя* поғонасини "*Брахманнинг борлигига қўшилиб кетиш поғонаси*" деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрига кўра *анадамайя* - Олий Руҳнинг алоҳида руҳ билан қўшилиб, яхлит бир бутун бўлиб кетишидан иборат. Аслида эса, бирлашиш - алоҳида руҳнинг Олий Руҳга қўшилиб, ўзининг алоҳида мавжудлигини йўқотиб юбориши эмас. Худони, Кришнани англаб етиш, Худого эришиш - тирик мавжудот ўзининг мангулик ва илм жиҳатидан Парвардигор билан бир хил сифатга эканини англаб етишидир. Ҳақиқий *анандамайя* поғонасига инсон ўз ҳаётини Худого соф садоқат билан хизмат қилишга бутунлай бағишлаганида эришади. Бу "*Бхагавад-гита*"да ҳам тасдиқланади: "*мад-*

бхактим лобхате парам, - брахма-бхута, яъни *анандамайя* ҳолатига ҳақиқатан ҳам Парвардигор билан Унга тобе бўлган тирик мавжудотлар орасида ўзаро муҳаббат юзага келгандагина эришилади. Агар инсон руҳий юксалиш йўлида ана шу поғонага, *анандамайя* поғонасига эриша олмаса, унинг нафас олиши темирчининг мешидан фарқ қилмайди, кўраётган узоқ умрининг дарахт умридан фарқи йўқ, унинг ўзи эса туя, чўчка ва ит сингари пасткаш ҳайвонлардан ортик эмас.

Ҳеч қандай шубҳа йўкки, мангу тирик мавжудотни ҳеч қачон бутунлай яқсон қилиб бўлмайди. Лекин ҳаётнинг қуйи шаклларида у жуда ёмон шароитларда яшайди, Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул одам эса ҳаётнинг лаззат келтирадиган *анандамайя* поғонасида яшаётган бўлади. Ҳаётнинг юқорида таърифланган поғоналарининг барчаси Худонинг Олий Шахси билан боғланган. Гарчи Худонинг Олий Шахси билан тирик мавжудотлар ҳар хил шароитларда ҳам мавжуд бўлсалар ҳам, улар орасидаги фарқ шундан иборатки, Парвардигор ҳаминиша *анандамайя* ҳолатида бўлади, лекин Унга тобе бўлган тирик мавжудотлар Парвардигорнинг жуда кичик руҳий заррачалари бўлгани туфайли ҳаётнинг қуйи турларига кулашга мойил бўладилар. Гарчи руҳий юксалишнинг барча поғоналарида Худо Шахси ва тирик мавжудот бирга мавжуд бўлсалар ҳам, Худонинг Олий Шахси бизларнинг руҳий озодликка чиққан-чиқмаганимиздан қатъий назар, бизларнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурларимизга нисбатан ҳаминиша илоҳий ҳолатда қолаверади. Бутун моддий борлиқ фақат Парвардигорнинг марҳамати билан намоён бўлиб турибди; бу олам Худонинг марҳамати билан мавжуд бўлиб турибди, у яқсон бўлганида яна Худонинг борлиғига қўшилиб кетади. Шу боис Парвардигор - Олий Борлиқ, барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси. Шундай қилиб, шуни англаб етиш лозимки, ҳаётда Худони англамай, Кришнани англашга интирмай яшаш - нодир инсон умрини шунчаки бекорга хазон қилиш бўлади.

Руҳий оламнинг табиатини тушуна олмайдиган жуда ғофил, материалист одамлар Кришнанинг даргоҳи мавжуд эканини, унинг қандайлигини англай олмайдилар. Буюк донишмандлар ана шундай одамларга йога билан шуғулланишни тавсия қиладилар. Йога билан шуғулланиш жараёнида инсон *муладхара*, ёки *манипурака* деб аталадиган, диққат-эътиборини қорнида мужассам қилиш усулидан бошлаб руҳий юксалишда аста-секин юқорироқ поғонага кўтарила боради. *Муладхара*, *манипурака* - ошқозондаги ичакларни билдирадиган иборалардир. "Инсон фақат овқат билан тирик" деган тасаввур билан яшайдиган ғофил одамлар "инсон ҳаётининг асосий мазмуни - моддий тараққиёт" деб ўйлайдилар. Ана шундай қўпол материалистлар, инсон истаганча тўйиб овқатланган билан,

агар еган овқати ҳазм бўлмаса, ошқозон фаолияти бузилиб, ошқозон шарбатининг таркибида кислота миқдори ошиб кетишини эсдан чиқариб қўядилар. Овқат ҳазм бўлиши учун биз бошқа, олий қувватга, "Бхагавад-гита"да эслатиб ўтилган *ваишванара* деган қувватга мурожаат қилишимиз лозим. Парвардигор Кришна "Бхагавад-гита"да айтганки, У *ваишванара* кўринишида инсоннинг еган овқатини ҳазм қилади. Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна ҳамма жойга сингиб кетган; шундай экан Унинг *ваишванара* кўринишида тирик мавжудотнинг ошқозони фаолиятида иштирок этишининг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ.

Аслини олганда Кришна ҳамма жойда мавжуд. Шунинг учун ваишнава ўзининг танасини Вишнунинг храмлари белгиси билан безайди. Энг аввало у тилакани қорнига қўяди, кейин кўксига, кейин бўйнига, кейин пешонасига, шу тарика у бошининг *брахма-рандхра* деб аталадиган энг баланд нуқтасигача боради. Ваишнавининг танасини безаб турадиган ўн уч тилака белгиси қуйидагича номланади: пешонасида - Парвардигор Кешаванинг храми, қорнида - Парвардигор Нарайана храми, кўксига - Парвардигор Мадхава храми, бўйнида - Парвардигор Говинда храми, қориннинг ўнг томонида - Парвардигор Вишну храми, чап томонида Парвардигор Вама-надева храми, ўнг қўл чиғаноғига яқин жойда - Парвардигор Мадхусудана храми, ўнг қўлининг елкага яқин жойида - Парвардигор Тривикрама храми. Худди шундай чап қўлининг чиғаноғида - Шридхаранинг храми, эгнига яқин жойида - Хришикеша храми. Елкасининг бўйнига яқин жойида Парвардигор Падманабха храми, белида - Дамодара храми белгиси қўйилади. Бошининг энг баланд жойига Парвардигор Васудева храми қўйилади. Парвардигор танасининг ҳар хил жойларида мавжуд эканини ҳаёлан тасаввур қилиш жараёни ана шундай. Ваишнава бўлмаган кишилар учун буюк донишмандлар ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга асосланган мураккаб усули билан шуғулланишни тавсия қиладилар. Бундай йога жараёнида инсон ўзининг ички назарини ичакларига, юрагига, томоғига, кошаниннг ўртасига, пешонасига ва бошининг тепасига қаратиши лозим. Буюк донишманд Арунидан бошланган парампарага мансуб бўлган баъзи донишмандлар ўзларининг ички нигоҳини қалбига, юрагига қаратадилар, чунки тирик мавжудот билан бирга Олий Рух ҳам юракда жойлашган. Бу ҳақиқатни "Бхагавад-гита"нинг ўн бешинчи бобида Парвардигор Кришна ҳам тасдиқлайди: "Мен ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида жойлашганман".

Ваишнавининг Худога хизмат қилиш ниятида ўз танасини парваришлаб юриши ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бир қисми ҳисобланади. Қўпол материалистлар моддий танасини "мен", "ўзим" деб биладилар. Улар йога жараёнида ўз танасига сиғинадилар, бунда улар қалб назарини танасининг *манипурака*, *дахара* ва

хридайа сингари ҳар хил қисмларига қаратиб, аста-секин калласининг тепасига, брахмандрага кўтариладилар. Йога билан шуғулланишда камолотга эришган олий даражадаги йоглар охир-оқибатда *брахма-рандха* орқали танасини тарк этиб, моддий оламда ёки руҳий оламда ўзлари истаган сайёрага эришадилар. Йогларнинг бошқа сайёраларга қандай кўтарила олиши "Шримад Бхагаватам"нинг иккинчи қўшиғида батафсил таърифланган.

Шукадева Госвами ана шундай жараён билан шуғулланишни истаётган одамларга аввало вират-пурушага, Парвардигорнинг баҳайбат фазовий қиёфасига сиғинишни маслаҳат беради. Парвардигорга Унинг *арча*, яъни *мурти*(Илох) қиёфасида ҳам муваффақиятли сиғиниш мумкинлигига ишона олмайдиган ёки ақлини Парвардигорнинг ана шу кўринишида мужассам қилишга кодир бўлмаган одамларга Парвардигорнинг фазовий қиёфасига сиғиниш тавсия қилинади. Коинотнинг қуйи қисми Парвардигорнинг фазовий қиёфасининг оёқлари ва товони ҳисобланади, коинотнинг ўрта қисми Парвардигорнинг киндиги ёки қорни, Жаналока, Махарлока сингари олий сайёралар тизими эса Парвардигорнинг юраги, энг олий сайёралар тизими, Брахмаलोка эса Парвардигорнинг калласининг тепа қисми ҳисобланади. Буюк донишмандлар сиғинаётган одамнинг онгининг ҳолатига қараб Худога сиғинишнинг турли хил жараёнларини тавсия қиладилар, лекин Худога сиғинишнинг барча жараёнларининг барчасидан кўзланадиган охирги мақсад, якуний натижа - тирик мавжудот ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтишидан иборат. "Бхагавад-гита"да айтилганки, энг олий даргоҳ, Кришнанинг даргоҳига ёки ҳатто Вайкунтха сайёраларига кўтарила олган киши ҳеч қачон мусибат тўла бу моддий оламга қайтиб келмайди.

Шу боис Ведалар фаросатли инсонларга Парвардигор Вишнунинг нилуфар қадамлари пойини ҳаётдаги барча уринишларининг ягона мақсади қилиб олишни маслаҳат беради. *Тад вишноҳ парамам падам* - Вишнулока, Вишнунинг сайёралари барча моддий сайёралар тизимидан юқорида жойлашган. Вайкунтханинг бу сайёралари *санатана-дхама* деб аталади, чунки улар мангу. Улар ҳеч қачон, ҳатто бутун моддий олам яқсон бўлганда ҳам яқсон бўлмайди. Шуни тушуниб олиш лозимки, агар одам Парвардигорга сиғиниш билан ўзининг инсоний бурчини бажармаса, бунинг натижасида ўз уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб кетмаса, демак у ҳаётда инсон бўлиб яшашнинг энг асосий мақсадига эриша олмай кетган бўлади.

Ведалар тимсолининг Парвардигорга қилаётган илтижоларининг навбатдаги қисмида Парвардигор қандай қилиб ҳаётнинг турли шаклларидаги қиёфаларга кириши ҳақида сўз боради. "Бхагавад-гита"нинг ўн тўртинчи бобида айтилганки, Парвардигорнинг руҳий заррачаси

ҳаётнинг ҳар қандай шаклида ҳам иштирок этади. "Бхагавад-гита"да Парвардигорнинг Ўзи айтганки, У - ҳаётнинг барча тур ва кўринишларидаги тирик мавжудотларга уруғлик берувчи Ота, шунинг учун уларнинг ҳаммасини Парвардигорнинг фарзандлари деб ҳисоблаш лозим. Парвардигорнинг ҳар кимнинг қалбида Параматма қиёфасида мавжуд бўлиши баъзан имперсоналистларнинг ақлини адаштириб қўяди, чунки улар тирик мавжудотларни Парвардигор билан тенг деб биладилар. Уларнинг фикрича, Парвардигор алоҳида руҳ билан бирга турли хил таналар ичига киргани учун Парвардигор билан алоҳида руҳлар орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Улар: "Нимага алоҳида руҳ Параматмага, Олий Руҳга сажда қилиши лозим?" - деб эътироз билдирадилар. Уларнинг тасаввурига кўра алоҳида руҳ билан Олий Руҳ бир хил поғонада туради; улар иккиси бир нарса, улар орасида фарқ йўқ. Лекин аслида Олий Руҳ билан алоҳида руҳ орасида жуда катта фарқ бор, бу фарқ "Бхагавад-гита"нинг ўн бешинчи бобида тушунтирилган, унда Парвардигор айтадики, гарчи У алоҳида руҳ билан бир тана ичида бўлса ҳам, У алоҳида руҳдан устун туради. У алоҳида руҳнинг қалбида туриб унга ҳар хил кўрсатмалар бериб туради, унга тафаккур ато этади. "Бхагавад-гита"да аниқ айтилганки, Парвардигор алоҳида руҳга тафаккур ато этади, хотира ҳам, унутиш ҳам Олий Руҳга боғлиқ. Агар Олий Руҳ истамаса ҳеч ким бирор иш қилишга кодир эмас. Шу боис алоҳида руҳ Парвардигор эслатиб тургани учунгина ўзининг аввалги ҳаётида тўплаган кармасига мувофиқ ҳаракат қилиб яшайди. Алоҳида руҳ ўзининг табиатига кўра унутувчан, лекин қалбида у билан бирга мавжуд бўлган Парвардигор унга аввалги ҳаётида нималарга интилгани ҳақида эслатиб туради. Алоҳида руҳнинг тафаккури худди ўтин ичидаги олов сингари намоён бўлади. Гарчи олов ҳамиша олов бўлса ҳам, у ўтиннинг миқдорига боғлиқ бўлган куч билан намоён бўлади. Худди шундай алоҳида руҳ, гарчи Парвардигор билан сифат жиҳатидан бир бўлса ҳам, ҳозирги танаси кўйган чеклаш, тўсиқлар доирасидагина ўзини намоён эта олади.

Парвардигорни, яъни Олий Руҳни *экараса* деб атайдилар. *Эка* ибораси "бир" деганни, *раса* ибораси "маълум бир ширин лаззат берадиган муносабат" деганни билдиради. Парвардигорнинг илоҳий ҳолати мангу, илм ва лаззатга тўла. У ҳар бир алоҳида танада алоҳида руҳ билан бирга бўлиб унинг ҳамма ишларига гувоҳ ва маслаҳатчи бўлиб юганида ҳам Унинг *эка-раса* ҳолати ҳеч қачон ўзгармай қолаверади.

Тангри Брахмадан то энг кичик ҳашаротгача бўлган алоҳида руҳларнинг барчаси ўзининг руҳий қувватини ҳозирги танаси доирасида намоён этади. Фаришталар ҳам одамлар ёки қуйи ҳаёт туридаги таналардаги бошқа алоҳида руҳлар тоифасига киради. Шу боис фаросатли одамлар, аслида шартланган таналарда намоён бўлган

Кришнанинг вакиллари ҳисобланадиган фаришталарни "Худо" ўрнида қўйиб сиғинмайдилар. Алоҳида руҳ ўзининг куч ва имкониятларини танасининг тузилиши ва шакли доирасидагина намоён эта олади. Лекин Худонинг Олий Шахси ҳар қандай танада ҳам ўзгармай қолган ҳолда ўзининг барча имкониятларини намоён эта олади. Майвади-файласуфларнинг "Парвардигор билан алоҳида руҳ бир-биридан фарқ қилмайди" деган фикрига қўшилиб бўлмайди, чунки алоҳида руҳ ўзининг куч ва имкониятларини ҳар хил таналарнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда намоён эта олади. Ёш бола танасидаги алоҳида руҳ ўзининг куч ва имкониятларини худди катта одамдай намоён эта олмайди. Лекин Худонинг Олий Шахси, Кришна ҳатто Онасининг тиззаларида ётган чақалоқ пайтида ҳам ўзининг қудратини тўла намоён этиб Пугана ва Ўзига ҳамла қилган бошқа иблисларни ҳалокатга учратган эди. Шунинг учун Парвардигорнинг руҳий қуввати *эка-раса*, яъни "ўзгармас" деб аталади. Шундай қилиб, Худонинг Олий Шахси - сиғиниш лозим бўлган ягона Зот, онги моддий табиат қуввати билан моддий иллатларга булганмаган имонли одамлар буни яхши биладилар. Бошқача қилиб айтганда фақат руҳий озодликка чиққан руҳларгина Худонинг Олий Шахсига сиғина оладилар. Калтафаҳм майвадилар эса, фаришталар ва Худонинг Олий Шахси бир хил ҳолатда деб, фаришталарга сиғинадилар.

Ведалар тимсоли Парвардигорга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишда давом этдилар: "Эй азиз Парвардигор, - деб илтижо қилди улар, - жуда кўп туғилишлардан кейингина донишмандлик илмини эгаллаган зотлар мукамал илм асосида Сенинг нилуфар қадамларинг пойига сиғина бошлайдилар". Бу ҳақиқат ҳам "Бхагавад-гита"да тасдиқланган, унда Парвардигор айтадики, жуда кўп ўлиш ва туғилишлар орқали ўтгандан кейин буюк зот, махатма, "Васудева, яъни Кришна - барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси" эканини англаб етиб, ўз ихтиёрини бутунлай Парвардигорга топширади. Ведалар давом этдилар: "Аввал айтилганидай, ақлимиз, тафаккуримиз ва ҳиссиётимиз бизга Парвардигор томонидан ато этилгани туфайли, ана шу воситалар ҳақиқатан ҳам покланганида, уларни Худога садоқат билан хизмат қилишда қўллашдан бошқа йўл қолмайди. Адашганидан ўзининг ақли, тафаккури ва ҳиссиётини моддий фаолият кўрсатишда қўллаб юргани оқибатида тирик мавжудот дунёвий ҳаётнинг турли шаклларидаги таналарга тушиб қолади. Тирик мавжудотга ҳар хил таналар моддий табиат томонидан унинг ўзининг аввалги амаллари натижасида, ўз истакларига мос равишда тайёрлаб берилади. Тирик мавжудот ўзи истагани учун, шунга муносиб бўлгани учун Парвардигорнинг кўрсатмаси билан моддий табиат унга маълум шаклдаги танани инъом этади.

"Шримад Бхагаватам"нинг учинчи қўшиғида тушунтирилганки, Худонинг олий амрига биноан

тирик мавжудот маълум турдаги танани ривожлантириши учун эркак одамнинг уруғлиги билан муайян бир аёл қорнига киритилади. Тирик мавжудот ўзи танлаб олган сезги аъзоларини, тафаккурини, ақлини ва бошқа қобилиятларини ишлатиб, ўзи ичида асир бўлган моддий танани ривожлантира бошлайди. Шу тариқа тирик мавжудот вазият ва шароитга қараб фаришта, инсон ёки ҳайвон кўринишидаги таналарда ҳар хил ҳаёт шароитига тушиб қолади. Ведалар адабиётида тушунтирилганки, ҳар хил ҳаёт шакллари тўрига илиниб қолган тирик мавжудотлар Парвардигорнинг ажралмас руҳий заррачаларидир. Файласуф-майвадилар адашганидан тирик мавжудотни Параматма деб қабул қиладилар, аслида Параматма тирик мавжудотнинг дўсти сифатида ҳамisha у билан бирга моддий тана ичида яшайди. Худонинг Олий Шахсининг бир жойда мужассам бўлган кўриниши бўлган Параматма билан тирик мавжудот иккиси бир тана ичида бўлгани туфайли одамлар нотўғри тасаввурга бориб, "улар орасида фарқ йўқ" деб ҳисоблайдилар. Алоҳида руҳ билан Олий Руҳ орасида аниқ белгиланган фарқ мавжуд, бу "Вараха-пурана"да шундай тушунтирилган: "Парвардигорнинг икки хилдаги ажралмас руҳий зарралари бор: тирик мавжудот *вибхиннамша* деб аталади, Параматма, яъни Парвардигорнинг тўла намоён бўлган кўриниши эса *свамша* деб аталади. Парвардигорнинг тўла намоён бўлган киёфаси - *свамша*, худди Худонинг Олий Шахси сингари қудратга эга. Худонинг Олий Шахсининг қудрати билан Унинг ҳар бир танада мавжуд бўлган Параматма кўринишидаги киёфасининг қудрати бир-биридан мутлақо фарқ қилмайди, лекин Унинг ажралмас заррачаси бўлган *вибхиннамша* Парвардигорнинг чексиз қудратининг фақат арзимаган қисмига эга. "Нарайана-панчаратра"да айтилганки, Парвардигорнинг оралиқ қуввати бўлган тирик мавжудотлар ҳеч шубҳасиз Парвардигорнинг Ўзи билан бир хил табиатга эга, лекин улар моддий сифатлар билан аралашиб булганишга мойил. Кичкина руҳий заррача бўлган тирик мавжудот моддий табиат гуналари таъсирига берилувчан бўлгани сабабли *жива* деб аталади. Баъзан Худонинг Олий Шахсини ҳам *Шива*, яъни "шарофатли" деб атайдилар. *Шива* билан *жива* орасидаги фарқ шундан иборатки, шарофатли Шахс ҳеч қачон моддий табиат гуналари таъсирига берилмайди, Худонинг Олий Шахсининг чексиз кичик заррачаси эса уларнинг таъсирига берилиб кетади.

Гарчи У Парвардигорнинг тўла намоён бўлган қисми бўлса ҳам, алоҳида тирик мавжудот маълум бир тирик мавжудотнинг танасида жойлашган Олий Руҳ(Параматма)га сажда қилиб сиғинади. Шу боис буюк донишмандларнинг хулосасига кўра, мушооба жараёни шундай тузилганки, бунда алоҳида тирик мавжудот ўзининг дикқат-эътиборини Олий Руҳ(Вишну)нинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қила олади.

Ана шу - илоҳий жазавали муроқаба, ҳақиқий *самадхи* ҳисобланади. Тирик мавжудот моддий тана тутқунлигидан фақат ўзининг уринишлари билан озодликка чиқа олмайди. Шунинг учун у Парвардигорнинг, яъни ўзининг қалбидаги Олий Рухнинг нилуфар қадамлари пойига садоқат билан хизмат қилишга мурожаат қилиши лозим. "Шримад Бхагаватам"га изоҳ ёзган машҳур билимдон, Парвардигорнинг буюк содиғи Шридхара Свами бу ҳақда ажойиб шеър ёзган. Унинг мазмуни қуйидагича: "Эй азиз Худойим, мен Сенинг мангу ажралмас бир заррачангман, аммо мени ҳозир моддий қувват ўраб олган. Моддий қувват ҳам Сендан чиқади. Барча сабаблар сабабчиси бўлган ҳолда Сен менинг танамга Олий Рух кўринишида кириб олгансан. Шу боис мен Сен билан бирга олий илм лаззатидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқига эга бўлдим. Эй азиз Худойим, мен Сендан илтимос қиламан, мени Сенга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга буюр, токи мен ўзимнинг азалий илоҳий лаззатга тўла мангу ҳолатимга қайтиш имконига эга бўлай!"

Мана шу моддий тана тутқунлигига тушиб қолган тирик мавжудот фақат ўз уринишлари билан руҳий озодликка чиқа олмаслигини буюк шахслар тушуна оладилар. Ана шундай буюк зотлар қатъий ишонч, имон ва садоқат билан ҳаётини Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга бағишлайдилар. Ведалар тимсолининг фикр-мулоҳазалари шундай.

Ведалар тимсоли илтижо қилишда давом этдилар: "Эй азиз Худойим, Мутлақ Ҳақиқат ҳақида мукамал билимга эга бўлиш жуда мушкул. Сен адашган руҳларга шунчалик меҳрибонсанки, бу дунёда ҳар хил қиёфаларда Ўзингни намоён этиб, турли кароматлар кўрсатасан. Сен ҳатто бу моддий оламда ҳам бирор тарихий шахс қиёфасида намоён бўласан, Сенинг бу дунёдаги эрмакларинг Ведалар адабиётида ажойиб таърифланган. Сенинг илоҳий эрмакларинг худди илоҳий шарбат уммонидай лаззатли. Оддий одамлар табиий равишда оддий *жива*(тирик мавжудот)ларнинг ҳаёти ҳақидаги ҳикояларни ўқишни, тинглашни ёктирадилар, лекин Сенинг мангу эрмакларинг ҳақидаги ҳикоялардан иборат бўлган Ведавий адабиётлар билан қизиқа бошлаганида улар ҳақиқий илоҳий лаззат уммонига ғарқ бўладилар. Худди ҳориб-чарчаган одам салқин сувда чўмилиб ҳордиғини чиқаргани сингари, моддий дунёвий фаолиятдан чарчаб, ҳафсаласи пир бўлган шартланган руҳ ҳам, шунчаки Сенинг эрмакларинг ҳақидаги ҳикоялар уммонига ғарқ бўлган захоти ҳар қандай моддий фаолият келтирадиган чарчоқларининг ҳаммасини эсдан чиқариб, ўзини қушдай енгил ҳис қила бошлайди. Охиروقибатда у илоҳий лаззат уммонига бутунлай ғарқ бўлади. Шу боис энг фаросатли бхакталар ўзликни англашнинг Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа бирор йўлига мурожаат

қилмайдилар ва ҳамиша садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз туридан бирортаси билан, айниқса Сенинг кароматларингни тинглаш ва олқишлаш, шарафлаб куйлаш билан машғул бўлиб яшайдилар. Сенинг бхакталаринг Сенинг илоҳий эрмакларинг ҳақидаги ҳикояларни тинглаганларида ёки ўзлари бу ҳақда бошқаларга гапириб берганларида, уларни ҳатто руҳий озодликка чиқишдан ёки Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кетишдан келадиган илоҳий лаззат ҳам қизиктирмай қўяди. Шундай буюк бхакталарни ҳатто руҳий озодликка чиқиш ҳам қизиктирмас экан, демак уларни чексиз ҳиссий лаззатланиш имконини берадиган жаннатий сайёраларга эришиш ниятида амалга ошириладиган моддий фаолият бутунлай қизиктирмайди. Соф бхакталар ҳамиша Сенинг комил фазилатларинг ҳақида тинглаш ва уларни олқишлаш имкониятига эга бўлиш ниятида фақат парамахамсалар билан, яъни ҳар қандай иллатлардан пок бўлган буюк бхакталар билан ҳамсуҳбат бўлишга интиладилар. Ана шундай мақсадга эришиш йўлида соф бхакталар ҳатто оилавий ҳаёт қулайликларидан, жамият, дўстлик ва дунёвий муҳаббат келтирадиган моддий лаззатларни тарк этиб, ҳаётда ҳар қандай қийинчиликларни бошидан кечиришга ҳам рози бўладилар. Сенинг комил фазилатларингни олқишлайдиган маха-мантра: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре мантрасининг илоҳий товушлардан лаззатланиб, Худога садоқат мазасини тотиб кўрган одамлар бошқа ҳеч қандай руҳий лаззат ёки моддий қулайликларга интилмай қўядилар. Бундай нарсаларнинг соф бхакталар учун ҳатто йўлда ётган арзимас хас-чўпчалик ҳам кадри бўлмайди".

Ведалар тимсоли давом этдилар: "Эй азиз Парвардигор, инсон Худони тўлиқ англаб етиб, Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилиш орқали ўзининг ақлини, ҳиссиётини ва тафаккурини поклашга кодир бўлганида унинг ақли ўзига энг яқин дўст бўлади. Акс ҳолда ақли унга ҳамиша ашаддий душман бўлиб қолади. Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлган ақл тирик мавжудотнинг дўсти бўлади, чунки шунда тирик мавжудот ҳамиша Худо ҳақида ўйлай оладиган бўлади. Эй азиз Худойим, Сен тирик мавжудот учун азалдан ҳамиша азизсан, ақл Сен ҳақингдаги ўйлар билан банд бўлган пайтларда инсон ўзининг қалбида умрлар оша интилиб келаётган чуқур мамнуният, осойишталик, хотиржамлик, лаззат ҳолатини ҳис қилади. Инсоннинг ақли шу тарзда ҳамиша Худонинг Олий Шахсининг нилуфар қадамлари пойида мужассам бўлганида, у ўзликни англашнинг ёки Худога сиғинишнинг бошқа бирор қуйи, паст турларига мурожаат қилмай қўяди. Қандайдир фариштага сиғинишга уриниш ёки ўзликни англашнинг бошқа бирор йўлига мурожаат қилиш натижасида тирик мавжудот яна туғилиш ва

ўлишлар чархпалагига тушади, натижада тирик мавжудот моддий оламда мушук ёки ит танасини олиб, ҳаётнинг қанчалик қуйи шароитига тушиб қолишини тасаввур ҳам қилиш қийин".

Ўзининг ёзган қўшиқларида Шри Нароттама дас Тхакур айтадики, Худога садоқат билан хизмат қилишга мурожаат қилмай, бунинг ўрнига фалсафий изланишлар ва кармали фаолият билан машғул бўлиб юрган кишилар ўзларининг ана шундай фаолиятининг аччиқ захарини ичиб юрган одамлардир. Ундай одамлар ҳаётнинг турли шароитларида туғилишга, гўшт ва маст қиладиган ҳар хил нарсалар истеъмол қилиш сингари жирканч одатларга эга бўлишга мажбур бўладилар. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган имонсиз одамлар одатда ўткинчи моддий танага сиғинадилар, тана ичидаги руҳий табиатга эга бўлган жонни, ҳақиқий тирик мавжудотни бутунлай эсдан чиқариб қўядилар. Ўзининг ўткинчи моддий танасига қулайлик яратиш учун баъзилар дунёвий, моддий илм-фанга мурожаат қиладилар, баъзилар жаннатий сайёраларга кўтарилиш ниятида фаришталарга сиғинадилар. Уларнинг ҳаётдаги ягона мақсади - ҳозирги моддий танасига иложи борича кўпроқ қулайлик, яхшироқ шароит яратишдан иборат. Улар руҳнинг эҳтиёжларини бутунлай эсдан чиқариб юборадилар. Ведавий муқаддас китобларда ундай одамларни "ўзини ўзи ўлдираётган одамлар" деб атайдилар, чунки моддий танага ва унинг қулайликларига боғланиб қолиш оқибатида тирик мавжудот туғилиб-ўлишларнинг узлуксиз жараёни орқали ўтишга ва бунда муқаррар дуч келадиган моддий мусибатларга мубтало бўлишга мажбур бўлади. Инсон танасидаги ҳаёт шакли тирик мавжудотга ўзининг ҳақиқий ҳолатини англаб етиш имкониятини беради, шу боис фаросатли инсон ўзининг ақлидан, сезгиларидан ва танасидан фойдаланиб, тўғри йўлдан адашмай Худога садоқат билан хизмат қиладди.

Ведалар тимсоли давом этди: "Эй Парвардигор, жаҳонда жуда кўп сеҳргар-йоглар ва онгли равишда ҳаётда энг олий баркамолликка эришишга интилиб юрган билимдон олимлар бор. Улар танаси ичидаги ҳаёт нафасини бошқариб, йога жараёнига ғарқ бўладилар. Ақлини Парвардигор Вишну қиёфасида мужассам қилиб, ҳамда сезгиларини қаттиқ назорат остига олиб, улар йога билан шуғулланадилар, ҳатто ана шундай синов, риёзат ҳамда тавба-тазаррулар орқали ўтгандан кейин ҳам улар Сенга душман бўлиб юрган одамлар эришадиган мартабага эришадилар. Бошқача қилиб айтганда йоглар ҳам, фалсафий изланишларга муккасидан кетган машхур буюк донишмандлар ҳам охир-оқибатда шахсиятсиз Браҳман нурига қўшилиб кетадилар. Бундай натижага эса Кришнага ашаддий душманлик қилиб юрган иблислар осонлик билан, ўзидан ўзи эришадилар. Камса, Шишупала ва Дантавакра сингари иблислар ҳам шахсиятсиз Браҳман ёғдусига эришадилар, чунки улар ҳамиша Худо-

нинг Олий Шахси ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрадилар. Гопилар сингари аёллар Кришнага қаттиқ боғланиб қолган, Унинг беқиёс гўзал жамолига мафтун бўлган, шу боис улар шахвоний эҳтирос таъсирида ақлини бутунлай Кришнада мужассам қилгандилар. Улар Кришнанинг илондай узун чиройли қўллари ўзларини кучоқлашини истардилар. Бундан ташқари, ведавий муқаддас китоблардаги мадҳиялар ҳам бор, бизлар ҳам бутун фикру-хаёлимизни Сенинг нилуфар қадамларинг пойида мужассам қиламиз. Гопилар сингари аёллар шахвоний эҳтирос таъсири остида Сен ҳақингдаги ўйларга ғарқ бўладилар, бизлар эса, ўз уйимизга, Худонинг даргоҳига қайтиб кетиш ниятида Сен ҳақингдаги ўйларга ғарқ бўламиз. Ҳамиша Сени қандай ўлдириш ҳақида ўйлаб юрган душманларинг ҳам ҳамиша Сен ҳақингдаги фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўлиб юрадилар, йоглар ҳам Сенинг шахсиятсиз нурларингга эришиш ниятида қаттиқ риёзатларга берилиб, тавба-тазарру қиладилар. Сен ҳақингда турлича фикр юритсалар ҳам, бу шахсларнинг ҳаммаси ўз тасаввурларига мос равишда руҳий баркамолликка эришадилар, чунки Сен Ўзининг барча бхакталарингга бир хил муносабатда бўласан".

Шридхара Свами бу ҳақда ажойиб шеър ёзган: "Эй азиз Худойим, ҳамиша Сенинг нилуфар пойи қадамларинг ҳақида ўйлаб юриш жуда қийин. Бу фақат қалбида Сенга чуқур муҳаббат уйғота олган, Сенга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган буюк бхакталар учун осон. Эй азиз Худойим, мен озгина вақтга бўлса ҳам, қандайдир йўллар билан ақлим Сенинг нилуфар қадамларинг пойига хизмат қилишини истардим".

Рухий баркамолликка интилиб юрган турли хил одамларнинг қандай қилиб руҳий баркамолликка эришиши "Бхагавад-гита"да таърифланган. Парвардигор айтадики, У Ўзининг бхактаси Унга ўз ихтиёрини қанчалик топширса, унга шу даражада, бхакта истаган кўринишдаги баркамолликни ато этади. Имперсоналистлар, йоглар ва Парвардигорнинг душманлари Унинг илоҳий ёғдусига кирадилар, Вриндаван аҳолисидан ўртак олиб юрган персоналистлар, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан адашмай бораётган содиқлар Парвардигор Кришнанинг шахсий даргоҳига, Голока Вриндаванага ёки Ваикунтха сайёраларига эришадилар. Имперсоналистлар ҳам, персоналистлар ҳам руҳий оламга, Худонинг салтанатига эришадилар, аммо бунда имперсоналистлар шахсиятсиз Браҳман ёғдусига кирсалар, персоналистлар Парвардигорга турли расаларнинг қайси бирида садоқат билан хизмат қилиш ниятига мос равишда Ваикунтха сайёраларидан бирига ёки Вриндаванга эришадилар.

Ведалар тимсоли айтдиларки, бу моддий олам яратилгандан кейин туғилган кишилар Худонинг Олий Шахсининг мавжудлигини

ўзларининг моддий илми орқали англаб ета олмайдилар. Худди маълум бир оилада туғилган одам янги авлод туғилишидан аввал ўлиб кетган бобокалонини эслай олмагани сингари, бизлар ҳам Худонинг Олий Шахси Нарайанани, рухий оламда мангу мавжуд бўлган Парвардигор Кришнани англай олмаймиз. "Бхагавадгита"нинг саккизинчи бобида аниқ айтилганки, Худонинг мангу даргоҳи(*санатана-дхама*)да яшайдиган Худонинг Олий Шахсига Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида эришиш мумкин.

Моддий олам ҳақида гапирадиган бўлсак, Тангри Брахма биринчи яратилган мавжудот эди. Тангри Брахмагача бу моддий оламда бирор тирик мавжудот йўқ эди. Гарбходакашайи Вишнунинг қорнидан ўсиб чиққан нилуфар гулидан Тангри Брахма дунёга келмагунча бутун олам бўм-бўш ва қоронгу эди. Гарбходакашайи Вишну Каранодакашайи Вишнунинг экспансияси, Каранодакашайи Вишну - Санкаршананиннг экспансияси, Санкаршана - Балорамнинг экспансияси. Балорам эса бевосита Кришнаниннг экспансияси. Тангри Брахма дунёга келгандан кейин фаришталарнинг икки тоифаси дунёга келдилар: таркидунёлик тимсоли бўлган тўрт ака-ука Санака, Санатана, Санандана ва Санат-Кумар тоифасидаги фаришталар ҳамда Маричи ва унинг авлодлари сингари, бу моддий оламдан лаззатланиш учун яратилган фаришталар. Бошқа барча тирик мавжудотлар, шу жумладан одамлар ҳам аста-секин бутун оламга ана шу икки тоифа фаришталардан тарқалганлар. Шундай экан бу моддий оламдаги барча тирик мавжудотлар, шу жумладан Тангри Брахма ҳам, барча фаришта ва рақшаслар ҳам бу дунёда вақтинчалик яратилган ҳисобланиши лозим. Демак уларнинг ҳаммаси яқинда яратилган. Худди шундай хонадонда яқинда дунёга келган киши ўзининг аввал ўтиб кетган аждодларининг ҳолатини тушунмагани сингари, бу оламдаги бирор тирик мавжудот Парвардигорнинг рухий оламдаги ҳолатини тушунишга қодир эмас, чунки моддий оламнинг ўзи яқинда яратилган. Гарчи улар жуда узоқ вақт мавжуд бўлиб турсалар ҳам, барибир моддий оламнинг намоён бўлиши - вақт унсурлари, тирик мавжудотлар, Ведалар, нафис ва қўпол унсурлар - қачондир яратилган. Бу моддий олам ичида яратилган нарсаларнинг ҳаммаси, яъни Борлиқнинг бошланғич манбаини англаш воситаси сифатида қабул қилинадиган нарсаларнинг ҳаммасини яқинда яратилган замонавий нарсалар деб ҳисоблаш лозим.

Бундан келиб чиқадики, кармали фаолият, фалсафий изланишлар ва сеҳрли йога ёрдамида ўзликни, Худони англаш жараёни орқали инсон бутун борлиқнинг олий манбаига яқинлаша олмайди. Бу яратилган олам ниҳоясига етганида, Ведалар ҳам, моддий вақт ҳам, қўпол ва нафис унсурлар ҳам намоён бўлмаган кўринишда Нарайана ичига кирганида, Худони ва ўзликни ан-

глашнинг ана шу сунъий жараёнларининг барчаси барҳам топиб, ўз кучини йўқотади. Лекин Худого садоқат билан хизмат қилиш жараёни мангу рухий оламда ҳам мангу давом этаверади. Шунинг учун ўзликни, Худони англашнинг ягона ҳақиқий жараёни Худого садоқат билан хизмат қилиш ҳисобланади. Агар инсон ана шу усулга мурожаат қилса, у Худони, рухий ўзликни англашнинг ҳақиқий, ўзгармас, мангу йўлига кирган бўлади. Бу борада Шррилла Шридхара Свами бир шеър ёзиб унда шундай ғояни илгари сурган: бутун борлиқнинг манбаи бўлган Худонинг Олий Шахси шу қадар буюк ва бениҳояки, тирик мавжудот уни бирор моддий воситалар орқали тушуниб ета олмайди. Шу боис ҳар бир фаросатли одам Парвардигордан илтижо қилиб, Унга садоқат билан хизмат қилишда мангу машғул бўлишни тилаши лозим, шунда Парвардигорнинг марҳамати билан инсон бутун Борлиқнинг бошланғич манбаи аслида қандай эканини англай олади. Борлиқнинг Олий манбаи, Парвардигор, Худонинг Олий Шахси Ўзини фақат Ўз бхакталаригагина ошкор этади. "Бхагавадгита"нинг тўртинчи бобида Парвардигор Аржунга шундай дейди: "Азизим Аржун, сен - Мениннг бхактам ва яқин дўстимсан, Мен сенга Мени англаб олиш жараёнини ошкор этаман". Бошқача қилиб айтганда Борлиқнинг олий манбаи бўлган Худонинг Олий Шахсини инсон ўз кучи билан англаб ета олмайди. Шунинг учун биз ўзимизнинг садоқатли хизматимиз билан Уни мамнун қилишимиз лозим, шундагина У бизга Ўзини ошкор этади, шундагина биз Уни маълум даражада англай оламиз.

Фақат ўзларининг мустақил изланишлари орқали Борлиқнинг олий манбаини англаб етишга уриниб юрган жуда кўп файласуфлар бор. Фалсафий фикрлайдиган одамларнинг асосан олти тури бўлиб, улар *шад-даршана* деб аталади. Уларнинг ҳаммаси имперсоналист, майявадилардир. Гарчи кейинчалик бир-бирига ён босиб, "барча фикрлашлар, барча нуктаи-назарлар барибир ягона мақсадга олиб келади, шу боис уларнинг ҳаммаси асосли" деган қарорга келган бўлсалар ҳам, уларнинг ҳар бири ўзининг нуктаи-назари тўғри эканини исботлашга уринганлар. Лекин Ведалар тимсолининг Парвардигорга қилган илтижоларидан кўриниб турибдики, уларнинг бирортаси ҳам асосли эмас, чунки Худони, борлиқ манбаини ўрганиш, англаш жараёнини улар мана шу ўткинчи моддий оламда ўйлаб топганлар. Уларнинг ҳаммаси энг асосий нарсани - Худонинг Олий Шахсини тушунмаганлар: Худонинг Олий Шахси, яъни Мутлак Ҳақиқатни фақат Худого садоқат билан хизмат қилиш орқали англаб етиш мумкин.

Мимамса фалсафий мактабининг Жаимини сингари файласуфлари шундай хулосага келганларки, ҳар бир инсон ўз ҳаётини эзгу ишларга бағишлаши, яъни ўзининг Худо олдидаги бурчини бажаришга бағишлаши лозим, ана шундай

фаолият инсонни камолотга етказди. Лекин "Бхагавад-гита"нинг тўққизинчи бобида Парвардигор Кришна бунга эътироз билдириб айтадики, инсон эзгу ишлар шарофати билан жаннатга кўтарилиши мумкин, лекин эзгу ишларининг натижалари тамом бўлган захоти у жаннатни тарк этиб, яна қуйи сайёраларга қайтиб тушишга мажбур бўлади. Жаннатий сайёраларда моддий тараққиёт кучли ривожланган бўлиб, у жойда бошқа сайёраларга нисбатан лаззатланиш имконияти ҳам, тирик мавжудотнинг умри ҳам жуда катта, қуйи сайёраларда эса тирик мавжудотнинг умри қисқа, моддий лаззатланиш даражаси паст бўлади. "Бхагавад-гита"да ишлатилган аниқ иборалар *кишина пунйе мартйа-локам вишанти*. Шундай экан, мимамса-файласуфларининг "инсон эзгу ишлар билан машғул бўлиб яшаса Мутлақ Ҳақиқатга эришади" деган хулосаси асосиз ҳисобланади. Гарчи соф бхакта ўз табиатига кўра тақводор, эзгу ишлар қилиб яшашга мойил бўлса ҳам, бирор одам фақат эзгу ишлар қилиб яшаш орқали Худонинг Олий Шахсининг марҳаматига эриша олмайди. Эзгу фаолият инсонни фақат ғофиллик ва эҳтирос сабабли юзага келган иллатлардан поклаши мумкин. "Бхагавад-гита", "Шримад Бхагаватам" ёки шунга ўхшаган бошқа муқаддас китобларни ҳамиша тинглаб юрган бхакта эса, бундай иллатлардан табиий равишда, ўзидан-ўзи покланади. "Бхагавад-гита"дан биз яхши биламизки, ҳатто инсон эзгу ишлар қилишда бошқаларга ўрнак бўлгудай одам бўлмаса ҳам, агар у ўзини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган бўлса, уни "руҳий юксалиш йўлидан адашмай тўғри бораётган одам" деб ҳисоблаш лозим. "Бхагавад-гита"да яна шу айтилганки, Худонинг Олий Шахси Кришнага муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб юрган кишини Парвардигорнинг Ўзи унинг қалбида туриб бошқариб туради. Парвардигорнинг Ўзи инсоннинг қалбида мавжуд бўлган Параматма, яъни руҳий устоз кўринишида бхактага аниқ кўрсатмалар бериб туради, шу кўрсатмаларга амал қилиб, содик охир-оқибатда Худонинг даргоҳига эриша олади. Мимамса-файласуфларининг хулосаси асосиз бўлиб, инсонни Ҳақиқатни тўғри тушунишга олиб келмайди.

Бундан ташқари *санкхйа* файласуфлари, метафизиклар, материалист-олимлар ҳам бор, улар намоён бўлган бу моддий коинотни ўзлари ўйлаб топган илмий усуллар ёрдамида ўрганадилар, улар оламни яратган Худонинг олий ҳукмронлигини тан олмайдилар. Аксинча, улар адашганидан "Олам моддий унсурларнинг ўзаро ҳаракатлари натижасида юзага келган" деб ҳисоблайдилар. "Бхагавад-гита"да бундай назария инкор этилган. "Бхагавад-гита"да аниқ айтилганки, оламда рўй бериб турган ҳамма нарсани Худонинг Олий Шахсининг қудрати бошқариб туради. Бу ҳақиқат Ведаларда ҳам тасдиқланган: *асад ва идам агра асмит*, яъни

"Борликнинг манбаи бутун Олам пайдо бўлишидан аввал ҳам мавжуд эди". Шу боис моддий унсурлар моддий олам яралишининг бошланғич сабабчиси бўла олмайди. Гарчи биз моддий унсурларни моддий сабаб деб қабул қилсак ҳам, бошланғич сабабчи Парвардигор, Худонинг Олий Шахси ҳисобланади. Шу боис "Бхагавад-гита"да айтилганки, моддий табиат Кришнанинг назорати ва бошқаруви остида ҳаракат қилади.

Атеистик *санкхйа* мактабига мансуб бўлган файласуфларнинг хулосаси шундай: моддий оламларнинг оқибати ўткинчи, алдамчи бўлгани учун уларнинг яралиш сабаби ҳам алдамчи, ўткинчи. Санкхйа мактабининг издошлари бўшлиқ, мавҳумлик фалсафасига ён босадилар. Аслида эса, ҳамма нарсанинг бошланғич манбаи, бошланғич сабабчиси - Худонинг Олий Шахси, бу моддий олам эса, Унинг моддий қувватининг вақтинчалик намоён бўлган кўриниши, холос. Мана шу вақтинчалик моддий олам яқсон бўлганида унинг сабабчиси - мангу табиатли руҳий олам - ўзгармай қолаверади, шунинг учун руҳий олам *санатана-дҳама*, "мангу даргоҳ" деб аталади. Шундай қилиб, *санкхйа* файласуфларининг хулосаси ҳам ҳеч қандай асосга эга эмас.

Улардан ташқари Гаутама ва Канада бошлиқ файласуфлар мактаби ҳам мавжуд. Улар моддий унсурларнинг сабаб ва оқибатларини чуқур ўрганганлар ва шундай хулосага келганлар: "атомларнинг ўзаро бирикиши - олам яралишининг бошланғич сабабчиси бўлган". Замонавий материалист олимлар ҳам мана шу *параманувада* ғоясини илгари сурган Гаутама ва Канаданинг издошлари ҳисобланадилар. Лекин бу ғояни қўллаб-қувватлаб бўлмайди, чунки олам яралишининг сабабчиси ўлик, инерт атомлар бўлиши мумкин эмас. Бу ҳақиқат "Бхагавад-гита"да ҳам, "Шримад Бхагаватам"да ҳам, Ведаларда ҳам тўла тасдиқланади. Уларда *эко нарайана асмит* - "Олам яралишидан аввал фақат Нарайана мавжуд эди" дейилган. "Шримад Бхагаватам" ва "Веданта-сутра"да айтилганки, бошланғич сабабчининг сезилари бор бўлиб, у борликда рўй бериб турган ҳамма нарсани бевосита ёки билвосита билиб туради. "Бхагавад-гита"да Парвардигор Кришна шундай дейди: *ахам сарвасйа прабхаваҳ* - "Мен - ҳамма нарсанинг бошланғич сабабчисиман", *маттах сарвам правартате* - "Ҳамма нарса Мендан чиқади ва мавжуд бўлиб туради". Шунинг учун атомлар моддий оламда асосий бирикмаларни ҳосил қилиши мумкин, лекин шу атомлар Худонинг Олий Шахсидан пайдо бўладилар. Демак, Гаутама ва Канаданинг фалсафий ғоялари исботланмайди.

Аштавакра, кейинчалик Шанкарачарйа бошчилик қилган имперсоналистар "Бутун борлик манбаи" деб Брахманнинг нурини тан оладилар. Уларнинг таълимотига кўра, намоён бўлган бу моддий олам ҳақиқий эмас ҳамда ўткинчи. Бундай таълимотни ҳам тасдиқлаб бўлмайди, чунки

"Бхагавад-гита"да Парвардигорнинг Ўзи айтадики, Брахман нурининг асоси - Унинг Шахсан Ўзи, яъни Кришна ҳисобланади. "Брахма-самхита"да ҳам тасдиқланганки, Брахманнинг нури - бевосита Кришнанинг танасидан таралиб турган ёғдудир. Шундай экан шахсиятсиз Брахман бу моддий оламнинг бошланғич сабабчиси бўлолмайди. Борлиқнинг бошланғич сабабчиси ҳар жихатдан мукамал, мукамал сезгиларга эга бўлган Худонинг Олий Шахсидир.

Имперсоналистларнинг энг хавфли таълимоти шундан иборатки, унда "Парвардигор бу оламда бирор қиёфада намоён бўлганида, у моддий табиат гуналари яратган қандайдир моддий танага эга бўлади" дейилган. Парвардигор Чайтанья майявади-имперсоналистларнинг мана шу таълимотини "энг катта ҳақорат" деб ҳисоблаган. У: "Худонинг Олий Шахсининг илоҳий табиатли танасини моддий табиат гуналари яратган деб ҳисоблайдиган киши Парвардигор Вишнунинг нилуфар қадамлари пойини каттиқ ҳақоратлаган бўлади" - деб айтган. Шунингдек "Бхагавад-гита"да ҳам, "Худонинг Олий Шахси бу оламга инсон қиёфасида ташриф буюрганида фақат ғофил, ярамас, нодон одамларгина Уни ўзлари сингари оддий одам деб, Унинг устидан куладилар", дейилган. Парвардигор Кришна, Парвардигор Рамачандра ва Парвардигор Чайтанья ҳақиқатан ҳам бу оламда худди оддий одамлардай бўлиб ҳаракат қиладилар, лекин Уларни оддий инсонлар деб ҳисоблаш жуда катта ҳақорат бўлади.

Ведалар тимсоли имперсоналистларнинг таълимотини "ҳақиқатни кўпол равишда бузиб кўрсатиш" деб ҳисоблайди. "Брахма-самхита"да айтилганки, Худонинг Олий Шахсининг танаси *ананда-чин-майя-раса*. Худонинг Олий Шахсининг танаси моддий эмас, балки руҳий табиатга эга. У истаган нарса билан, танасининг истаган қисми ёрдамида лаззатланиши мумкин, шу боис ҳам У ҳар нарсага қодир. Моддий тананинг бирор қисми фақат маълум бир ишни бажариши мумкин, масалан, кўллар фақат ушлашни биледи, лекин улар кўришга ёки эшитишга қодир эмас. Худонинг Олий Шахсининг танаси *сач-чид-ананда-виграха*, яъни *ананда-чин-майя-раса* бўлгани учун У истаган нарсаси билан, танасининг истаган қисми ёрдамида лаззатлана олади. Одамлар Худонинг Олий Шахсини ҳам ўзларининг шартланган ҳолати билан тенглаштиришга уринишлари оқибатида Парвардигорнинг танасини ҳам моддий деб ҳисоблайдилар. Шартланган руҳларнинг танаси моддий. Шунинг учун, агар Худонинг танаси ҳам моддий деб айтсалар, имперсоналистлар ўзларининг "Худонинг Олий Шахси ҳам, тирик мавжудотлар ҳам аслида бир" деган таълимотига кўплаган одамларни жалб қилишлари мумкин.

Худонинг Олий Шахси Ер сайёрасига ташриф буюрганида У ўзининг ҳар хил эрмакларини намоён этади, лекин шунга қарамай, Унинг она

Йашоданинг тиззаларида ётган "болалик"даги танаси билан Унинг иблислар билан жанг олиб борадиган "йигитлик" давридаги танаси орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Ўзининг болаликдаги танасида ҳам У Путана, Тринаварта, Агхасура ва бошқа иблислар билан худди йигитлик даврида Дантавакра, Шишупала ва бошқа иблислар билан жанг қилганидагидай чексиз қудратини намоён этиб жанг қилди. Моддий ҳаётда шартланган руҳлар танасини алмаштирган заҳоти аввалги танаси билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммасини унутиб юборади, лекин "Бхагавад-гита"дан биз яхши биламизки, Кришна *сач-чид-ананда* табиатли танага эга бўлган ҳолда, "Бхагавад-гита" таълимотини миллион йиллар аввал куёш фариштасига гапириб берганини эсидан чиқармаган. Шунинг учун Парвардигорни *Пурушоттама* деб атайдилар, чунки У моддий ва руҳий оламларга нисбатан бутунлай илоҳий ҳолатда. "Парвардигор - барча сабаблар сабабчиси" дегани Унинг - ҳам моддий, ҳам руҳий оламлар мавжудлигининг сабабчиси эканини билдиради. Худонинг Олий Шахси ҳар нарсага қодир ва ҳамма нарсани билувчи Зот. Чекланган моддий тана ҳар нарсага қодир бўлиб ҳам, ҳамма нарсдан хабардор бўлиб ҳам билмас экан, демак ҳеч қандай шубҳа йўқки, Парвардигорнинг танаси моддий эмас. Майявадиларнинг "Худонинг Олий Шахси моддий оламга моддий танада ташриф буюради" деган ғояси мутлақо нотўғри, бундай ғоя умуман асоссиз ҳисобланади.

Материалист-файласуфларнинг ўйлаб топган барча ғоя ва таълимотлари худди одамнинг тушида келган хулосалари сингари ўткинчи, ҳаёт ҳақидаги нотўғри, алдамчи тасаввур маҳсулотидир. Албатта, бундай ғоялар, хулосалар бизни Мутлақ Ҳақиқатга яқинлаштира олмайди. Мутлақ Ҳақиқатни фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали англаб етиш мумкин. Парвардигор "Бхагавад-гита"да шундай деган: *бхактия мам абхиджанати* - "фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида инсон Мени тушуна олади". Шрила Шридхара Свами бу ҳақда ажойиб бир шеър ёзган: "Эй азиз Худойим, майли, бошқалар ўзининг буюк фалсафий ғояларини асослаш учун бекорга баҳслашиб, қуруқ фикр-мулоҳазаларга берилиб юраверсинлар. Майли улар, аслида Худонинг Олий Шахси ҳақида бирор нарса билмасдан, ўзлари ўйлаб топган олимлиги, билимдонлиги билан ғафлат ва алданиш зулматида адашиб юраверсинлар. Мен эса, ҳаммани ўзига жалб этувчи Худонинг Олий Шахсининг Мадхава, Вамана, Тринаяна, Санкаршана, Шрипати ва Говинда сингари муқаддас номларини зикр қилиш орқали руҳий озодликка эришишни истайман. Мен моддий олам иллатларидан шунчаки Худонинг муқаддас илоҳий номларини зикр қилиш билан покланишни истайман".

Ведалар тимсоли шундай дедилар: "Эй азиз Худойим, Сенинг марҳаматинг билан тирик

мавжудот Сенинг улуғвор илоҳий ҳолатингни тўғри англаб етганида, уни фалсафий изланишларга мойил одамларнинг, яъни ҳар хил файласуфларнинг ўзлари ўйлаб топган турли таълимотлари мутлақо қизиқтирмай қўяди". Гаутама, Канада, Патанжали ва Капила(Ниришвара) сингари файласуфларнинг таълимотлари ана шундай таълимотлардир. Аслида инсоният тарихида икки Капила бўлган: биттаси Кардама Мунининг ўғли, Худонинг намоён бўлган қиёфаси, иккинчиси - замонавий атеист Капила. Атеист-Капилани кўпчилик одамлар баъзан Свайамбхува Ману даврида Кардама Мунининг ўғли кўринишида дунёга келган Худонинг Олий Шахси билан адаштириб юбордилар. Парвардигор Капила Ер юзида жуда-жуда қадим замонда намоён бўлган. Ҳозир биз Ваивасвата Ману даврида яшаймиз, Парвардигор Капила эса Свайамбхува Ману даврида намоён бўлган.

Майявадилар фалсафаси таълимотига кўра намоён бўлган бу борлик, яъни моддий олам *митхйа*, *майя*, яъни ҳақиқий эмас. Улар *брахмасатйа жагат-митхйа* ғоясини тарғибот қиладилар. Уларнинг фикрига кўра фақат Брахманнинг нури ҳақиқий, вақтинча намоён бўлган моддий олам эса - алдамчи, ҳақиқий эмас. Лекин ваишнавлар фалсафаси таълимоти бўйича мана шу намоён бўлган борлиқнинг сабаби бор, ана шу сабаб - Худонинг Олий Шахси. "Бхагавадгита"да Парвардигор айтадики, У Ўзининг тўла намоён бўлган кўриниши ёрдамида мана шу моддий олам ичига қиради, бутун моддий олам шу тарзда яралади. Шунингдек биз Ведалардан ҳам яхши биламизки, мана шу ўтқинчи моддий борлик, *асат* ҳам олий *сатдан*, яъни аниқ мавжуд бўлган зотдан чиқади. "Веданта-сутра"дан ҳам биламизки, ҳамма нарса Олий Брахмандан чиққан. Шунинг учун ваишнавлар намоён бўлган бу моддий борлиқни алдамчи, сароб деб ҳисобламайдилар. Ваишнав-файласуф бу дунёдаги ҳамма нарсани Парвардигор билан боғлиқ ҳолда қабул қилади.

Шрила Рупа Госвами моддий оламнинг ана шу ғоясини жуда ажойиб тушунтирган. У айтдики, моддий олам ҳам Парвардигорнинг намоён бўлган бир кўриниши эканини билмай туриб, алдамчи, сароб нарса сифатида уни тарк этишининг, юз ўгиришининг ҳеч қандай маъноси йўқ. Лекин ваишнавлар бу моддий оламга бўлган боғланишлардан озод бўладилар, чунки одатда одамлар моддий оламни "моддий лаззатланиш воситаси" деб ҳисоблайдилар. Ваишнавлар бу дунёда ўз ҳиссиётини лаззатлантиришга интилмайдилар: шунинг учун улар дунёвий моддий фаолият билан шуғулланмайдилар. Ваишнавлар бу моддий оламни Ведаларда кўрсатилган қонунқоидалар асосида қабул қиладилар. Худонинг Олий Шахси ҳамма нарсанинг бошланғич сабабчиси бўлгани сабабли ваишнавлар ҳатто мана шу моддий оламда ҳам ҳамма нарсани Кришна билан боғлиқ ҳолда қабул қиладилар. Ана шундай

мукамал илм шарофати билан уларнинг бутун ҳаёти руҳий табиатга эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда моддий оламдаги ҳамма нарса азалдан руҳий табиатга эга, лекин бизларнинг ғофиллигимиз, калтафаҳмлигимиз сабаблигина ҳамма нарса бизга моддий бўлиб кўринади.

Ведалар тимсоли шундай мисол келтирдилар: "Олтин излаб юрган одам олтин сирға ёки билагузук олтиннинг бошланғич кўринишига ўхшамагани учун "булар ҳақиқий олтин эмас" деб уларни инкор этмайди". Барча тирик мавжудотлар Парвардигорнинг ажралмас руҳий заррачалари бўлиб, сифат жиҳатдан У билан бир хил, лекин ҳозир улар худди бошланғич олтиндан ясалган турли тақинчоқларга ўхшаб, моддий оламдаги 8.400.000 турли таналар ичида жойлашган. Худди олтин излаётган киши ташқи кўринишига эътибор бермасдан ҳар қандай олтин тақинчоқни қабул қилгани сингари, ваишнав ҳам, ҳар бир тирик мавжудот сифат жиҳатидан Парвардигор билан бир эканини яхши билган ҳолда уларнинг ҳаммасини Парвардигорнинг мангу хизматкорлари деб қабул қилади. Шунинг учун ваишнавнинг ҳатто бу оламда ҳам Худого садоқат билан хизмат қилиш имконияти кўп: у ана шу шартланган, алданган тирик мавжудотларда Кришна онгини ривожлантириб, уларни ўзларининг ҳақиқий уйига, Худонинг даргоҳига олиб боради. Гап шундаки, ҳозир тирик мавжудотларнинг ақли моддий табиат гуналари таъсирига берилиб алданиб юрибди, шунинг учун тирик мавжудотлар худди тушдагидай бир танадан иккинчи танага ўтиб юрибдилар. Уларнинг булганган моддий онги покланиб Кришна онгига айланган заҳоти улар қалбида Кришнани ҳис қила бошлайдилар ва шу тарзда уларга руҳий озодликка чиқиш йўллари кенг очилади.

Барча Ведаларда айтилганки, Худонинг Олий Шахси билан тирик мавжудотлар сифат жиҳатидан бир хил, *чаитанйа*, яъни руҳий табиатга эга. Бу ҳақиқат "Падма пурана"да ҳам тасдиқланган, унда айтилганки, руҳий табиатга эга бўлган мавжудотлар икки тоифа бўлади: живалар ва Парвардигор. Тангри Брахмадан тортиб то энг кичкина ҳашаротгача - живалар, Парвардигор эса - тўрт қўлли Олий Парвардигор Вишну, Жанардана. *Атма* иборасини фақат Худонинг Олий Шахсига нисбатан ишлатиш мумкин, лекин тирик мавжудотлар Унинг ажралмас заррачаларри бўлгани туфайли, *атма* ибораси баъзан уларга нисбатан ҳам ишлатилади. Шу сабабли тирик мавжудот *живатма* деб, Парвардигор эса *Параматма* деб аталади. *Параматма* ҳам *живатма* ҳам моддий оламда жойлашган, шундай экан моддий олам ҳиссий лаззатланиш учун яратилган эмас, уни яратишдан мақсад бутунлай бошқа. "Ҳаёт лаззатланишдан иборат" деган тушунча ҳаёт ҳақида нотўғри, алдамчи тасаввурдир, "ҳаёт - живатманинг Параматмага хизмат қилишидир" деган тасаввур эса, ҳатто моддий оламда ҳам алдамчи, нотўғри эмас. Кришна он-

гига эга бўлган киши мана шу ҳақиқатни тўла англай олади, шунинг учун моддий оламни сохта, сароб деб қабул қилмайди, бунинг ўрнига Худого садоқат билан хизмат қилиш билан банд бўлиб, ҳақиқий ҳаёт билан яшайди. Шу боис бхакта бу дунёдаги ҳар бир нарсани Худого садоқат билан хизмат қилиш имконияти сифатида қабул қилади. У бирор нарсани "бу моддий сифатга эга" деб инкор этмайди, аксинча шу нарсадан Худого садоқат билан хизмат қилишда фойдаланиб, уни Парвардигор билан боғлайди. Шу тарзда бхакта ҳамиша илоҳий поғонада юради, у қўлланадиган ҳамма нарса покланади, чунки уларнинг ҳаммаси Худого садоқат билан хизмат қилиш учун ишлатилади.

Бу ҳақда Шридхара Свами ажойиб шеър ёзган: мен ҳатто баъзи бир одамлар сароб деб юрган мана шу моддий оламда ҳам Ўзини ҳақиқатан мавжуд ҳолда намоён этадиган Худонинг Олий Шахси олдида сажда қиламан". Одам ўзининг ғофиллиги сабабли бу моддий оламни сароб деб ҳисоблайди, Кришнани англаб етган, қалбида Кришна онгини ривожлантирган содик Худонинг Олий Шахси Кришнани ҳамма нарсада кўриб юради. Ведаларда келтирилган *сарвам кхалв идам брахма*, яъни "ҳамма нарса Брахман" деган иборанинг ҳақиқий мазмун-моҳияти ана шундай.

Ведалар тимсоли давом этдилар: "Эй азиз Парвардигор, калтафаҳм одамлар ўзликни англашнинг бошқа усуллариغا мурожаат қиладилар, лекин аслида, агар одам ҳақиқий соф бхакта бўлмаса, у моддий иллатлардан покланиш ҳамда ўзи учун туғилиш ва ўлишлар чархпалагини тўхтатиш имкониятига эга бўлолмайди. Эй азиз Худойим, ҳамма нарса Сенинг турли қувватларингга мужассам; ведаларда айтилганидай Сен ҳамма нарсанинг мавжудлигини таъминлаб турасан: *эко бахунам йо видадхати каман*. Сен барча тирик мавжудотлар - фаришталарнинг, одамлар ва ҳайвонларнинг мавжудлигини таъминлаб турасан. Сен уларнинг ҳаммасини қўллаб қувватлаб турасан, шунингдек Сен уларнинг ҳар бирининг қалбида мавжудсан. Бошқача қилиб айтганда Сен бутун борлиқнинг илдизисан. Шунинг учун Сенга садоқат билан хизмат қилиб юрган одамлар ҳамиша Сенга сажда қилиб сиғинадилар. Аслида ана шундай бхакталар бутун борлиқ дарахтининг илдизига сув қуяётган бўладилар. Худого садоқат билан хизмат қилиш орқали инсон нафақат Худо Шахсини, балки қолган барча тирик мавжудотларни мамнун қилади, чунки уларнинг ҳаммасини Парвардигор қўллаб-қувватлаб туради. Худонинг Олий Шахсининг ҳамма жойга сингиб кетган кўринишини билган ҳолда бхакталар алтруизм ва филантропия ғояларини амалда тўғри қўллаётган инсонлардир. Худого садоқат билан хизмат қилишга бутун ҳаётини бағишлаган ана шундай бхакталар осонлик билан туғилиш ва ўлишлар

чархпалагидан кутулиб, ажал устидан осонгина ҳатлаб ўтиб кетадилар".

Бхакта ҳеч қачон ўлимдан ёки танасини алмаштиришдан кўркмайди; унинг онги Кришна онгига айланади, ҳатто у Худонинг даргоҳига эришмаса ҳам, ҳатто у бир танадан иккинчи танага ўтиб юрса ҳам, бхактанинг кўрқадиган жойи йўқ. Бхарат Махараж бунга яққол мисол бўла олади. Кейинги ҳаётида у кийик бўлиб туғилган бўлса ҳам, навбатдаги ҳаётида у барча моддий иллатлардан бутунлай покланиб Худонинг даргоҳига эришди. Шу боис "Бхагавад-гита"да айтилганки, Парвардигорнинг бхактаси ҳеч қачон ҳалокатга учрамайди. Бхактанинг руҳий оламга, Худонинг даргоҳига қайтиб бориши кафолатланган. Агар бхакта ҳозирги ҳаётида қокилса ҳам, унинг Кришнани англаш даражаси сақланиб қолади, шу онг уни то Худонинг даргоҳига эришмагунча умрлар оша тобора юксакликка кўтараверади. Соф бхакта фақат ўзи покланиб қолмайди, унинг шогирди бўлган ҳар қандай одам ҳам охир-оқибатда покланиб, ҳеч қийналмасдан Худонинг даргоҳига кириш имкониятига эга бўлади. Соф бхакта фақат ўзи осонлик билан ажални енгиб қолмайди, унинг марҳамати билан унинг изидан бораётган одамлар ҳам қийналмасдан ажални енгиб ўтадилар. Худого садоқат билан хизмат қилиш шундай қудратли кучга эгаки, соф бхакта ўзининг илоҳий маслаҳатлари билан бошқа одамларни ҳам бу ғофиллик уммонини осонлик билан кечиб ўтишга жалб эта олади.

Соф бхактанинг ўз шогирдига берадиган насихатлари ҳам жуда оддий, осон. Соф бхактанинг насихатларига амал қилиб, ундан ўрнак олиб яшаш ҳеч ким учун қийинчилик туғдирмайди. Тангри Брахма, Тангри Шива, Кумарлар, Ману, Капила, Прахлад Махараж, шох Жанака, Шукадева Госвами, Йамараж ва бошқалар сингари Парвардигорнинг ҳамма тан олган бхакталаридан бошланган шогирдлар силсиласи орқали ўтиб келаётган илмни шу силсилада турган соф бхактадан ўрганиб юрган инсон учун руҳий озодликка чиқиш эшиклари катта очилган. Аксинча, шуни яхши билиш лозимки, Парвардигорнинг бхактаси бўлмасдан ўзликни англашнинг ғйана, йога ва карма сингари шубҳали, ноаниқ жараёнларига мурожаат қилиб юрган одамлар ҳали моддий иллатлардан покланмаган бўлади. Шундай одамлар гарчи сиртдан қараганда руҳий ўзлигини англаб етишда қандайдир поғонага кўтарилгандай бўлиб кўринсалар ҳам, ҳали унга эргашиб юрганлар у ёқда турсин, ҳатто уларнинг ўзлари ҳам руҳий озодликка эриша олмайдилар. Бхакта бўлмаган ана шундай одамларни занжирга боғланган ҳайвонларга ўхшатиш мумкин, чунки улар маълум бир дин қонун-қоидалари чегарасидан чиқиб кета олмайдилар. "Бхагавад-гита"да ана шундай одамлар *веда-вада* деб аталган. Улар Ведаларда моддий табиат гуналарининг - эзгулик,

эхтирос ва ғафлат гунасининг ўзаро фаолияти ҳақида гап боришини тушуна олмайдилар.

Парвардигор Кришна Аржунга айтдики, инсон Ведаларда ўзи учун белгилаб қўйилган бурчлари доирасидан сиртга чиқиши ва Кришнани англаш жараёнига, Худога садоқат билан хизмат қилишга мурожаат қилиши лозим. "Бхагавад-гита"да шундай дейилган: *нистраиғунйо бхаваржсуна* - "Азизим Аржун, ведавий урф-одатларга нисбатан илоҳий муносабатда бўлишга ҳаракат қил". Ведавий урф-одатларга нисбатан илоҳий ҳолатда бўлиш - Худога садоқат билан хизмат қилиш демакдир. "Бхагавад-гита"да Парвардигор аниқ айтганки, ўз ҳаётини ҳақиқатан ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган зотлар Брахманни англаб етган инсонлардир. Брахманни англаб етиш - Кришнани англаш, ҳаётда Кришна онги билан яшаш, Худога садоқат билан хизмат қилиш демакдир. Шунинг учун бхакта - ҳақиқий брахмачарийдир, чунки у ҳамиша Кришна онги билан ҳаракат қилади, шу боис у ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган бўлади.

Шу сабабли Кришнани англаш Халқаро жамияти жаҳондаги барча динларнинг издошларига олий даъват билан, мана шу ҳаракатга. Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳаракатига қўшилишни илтимос қилиб мурожаат қилади. Бу ҳаракат одамларга қандай қилиб Худони севишни ўрганиш ва муқаддас китобларда келтирилган ҳар қандай қонун-қоидалардан, урф-одатлардан юқори кўтарилиш ҳақидаги амалий илмни ўргатади. Диний урф-одатлар доирасидан ташқари чиқа олмайдиган одам худди эгаси занжир билан боғлаб қўйган хайвонга ўхшайди. Ҳар қандай диннинг мақсади Худони англаб етишдан ва инсон қалбида Худога нисбатан мудраб ётган илоҳий муҳаббат туйғусини уйғотишдан иборат. Агар одам шунчаки диний урф-одатларга амал қилиб юрса-ю, лекин қалбида Худога нисбатан муҳаббат уйғотишга интилмаса, унинг занжирга боғлаб қўйилган хайвондан фарқи қолмайди. Бошқача қилиб айтганда агар инсон Худони, Кришнани англаб етиш йўлига кирмаса, у моддий оламдаги тирикчилик иллатларидан поклана олмайди.

Шридхара Свами ажойиб бир шеър ёзганки, унда шундай дейилган: "Майли нажот топишдан умидвор бўлиб бошқалар қаттиқ риёзатларга берилиб юраверсинлар, майли улар баланд тоғ қоясидан пастга ўзини ташлаб ўлдираверсинлар, майли муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиб юраверсинлар ёки фалсафани ва ведалар адабиётини чуқур ўрганиш билан машғул бўлиб юраверсинлар; майли сеҳргар-йоглар чуқур муруқабага берилаверсинлар, ҳар хил диний оқимлар бир-бирлари билан қайси йўл яхши экани ҳақида баҳслашиб юраверсинлар. Аслини олганда агар инсон Кришнани англаб етмаган бўлса, агар Худога садоқат билан хизмат қилиб юрмаган бўлса, агар унга Худонинг Олий Шахси

Ўз марҳаматини кўрсатмаган бўлса, у ҳеч қачон бу моддий олам уммонини кечиб ўта олмайди". Шунинг учун руҳий озодликка эришишга ҳақиқатан ҳам интилаётган фаросатли одам аксарият одамлар рияз қилиб юрган ҳар қандай бемаъни диний тасаввурларни тарк этиб, Кришнани англаш ҳаракатига қўшилади ва Худога садоқат билан хизмат қилишни бошлайди.

Ведалар тимсоли илтижо қилишда давом этдилар: "Эй азиз Парвардигор, Ведаларда Сенинг шахсиятсиз кўринишинг таърифланган: Сенинг қўлларинг йўқ, лекин Сенга эҳсон қилинаётган ҳамма қурбонликларни қабул қилиб оласан; Сенинг оёқларинг йўқ, лекин Сен ҳаммадан ҳам тезроқ югура оласан. Сенинг кўзларинг йўқ, аммо Сен ўтмишда бўлиб ўтган, ҳозир рўй бераётган ва келажақда рўй берадиган ҳамма нарсани кўриб турасан. Сенинг қулоқларинг йўқ, аммо Сен ҳамма нарсани эшитиб турасан. Сенинг ақлинг йўқ, аммо Сен ҳар бир тирик мавжудотни, унинг ўтмишдаги, ҳозирги ва келажақдаги ҳамма ишларини биласан, лекин шунга қарамай, Сенинг аслида ким эканингни ҳеч ким билмайди. Сен ҳаммани яхши биласан, аммо Сени ҳеч ким билмайди; демак Сен - энг қадимий ва энг олий шахссан".

Худди шундай, Ведаларнинг бошқа бир жойида шундай дейилган: "Сен бирор иш қилишинг шарт эмас. Сенинг илминг ва қувватларинг шу қадар мукамалки, Сенда бирор ишни қилиш истага пайдо бўлган заҳоти ҳамма истақларинг ўзидан-ўзи амалга ошади. Ҳеч ким Сен билан тенглаша олмайди, ҳеч ким Сендан устунроқ бўла олмайди, ҳар қандай тирик мавжудот Сенинг мангу хизматкорингдир".

Шундай қилиб, Ведалар тимсоли айтяптики, Мутлақ Ҳақиқатнинг қўллари, оёқлари, кўзлари, қулоқлари ва ақли йўқ, лекин шунга қарамай У Ўзининг қувватлари ёрдамида ҳамма жойда истаганча ҳаракат қила олади, барча тирик мавжудотларнинг эҳтиёжини қондира олади. "Бхагавад-гита"да айтилганки, Унинг қўл ва оёқлари ҳамма жойда мавжуд; У ҳамма жойга сингиб кетган. Барча тирик мавжудотларнинг қўллари, оёқлари ва кўзлари тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рухнинг кўрсатмалари асосида ҳаракат қилади. Агар Олий Рух бўлмаса тирик мавжудотнинг оёқ-қўллари ҳаракат қила олмаган бўларди. Лекин Худонинг Олий Шахси, Кришна шунчалик буюк, мустақил ва мукамалки, гарчи қўл-оёқлари, кўз-қулоқлари бўлмаса ҳам, Ўз истагини амалга ошириш учун У бошқаларнинг ёрдамига муҳтож эмас. Аксинча, ўзининг сезги аъзоларини ҳаракатга келтириш учун бошқалар Унинг ёрдамига муҳтож. Агар Олий Рух тирик мавжудотни илҳомлантириб, ҳаракатини бошқариб турмаса, у бирорта ҳаракат қила олмайди.

Аслини олганда, Мутлақ Ҳақиқат охири-оқибатда Олий Шахсдир. У қўпол материалистлар кўришга қодир бўлмаган Ўзининг турли

қувватлари ёрдамида ҳаракат қилгани сабабли ғофил материалистлар Уни шахсиятсиз деб ҳисоблайдилар. Масалан, рассомнинг шахси гулни тасвирлашда намоён бўлади, ранг танлаш, шакл бериш ва бошқа ишлар учун албатта диққат, ақл керак бўлиши табиий. Рассомнинг иши очилиб турган гуллар тасвирланган картинада аниқ кўриниб турибди. Лекин кўпол материалистлар, Парвардигорнинг табиатда ўсиб турган ҳақиқий гулларда намоён бўлган кўллари кўра олмасдан "Мутлақ Ҳақиқат шахсиятсиз" деб хулоса чиқарадилар. Аслида эса Мутлақ Ҳақиқат - шахс, лекин У мутлақо мустақил. Гул яшаш учун Унинг Ўзи албатта қўлига қалам олиши шарт эмас. Унинг қувватлари шундай ғаройиб ҳаракат қиладиларки, гўё гуллар худди бирор яратувчисиз ўзидан-ўзи пайдо бўлгандай туюлади. Фақат ақли тўлиқ бўлмаган калтафаҳм одамларгина Мутлақ Ҳақиқатни шахсиятсиз деб ҳисоблайдилар, чунки инсон агар Худога садоқат билан бевосита хизмат қилмаса, у ҳеч қачон Парвардигорнинг қандай ҳаракат қилишини тушуна олмайди, у ҳатто Унинг номини ҳам билмайди. Худо Шахсининг ҳаракатлари ва шахсий хусусиятларининг илоҳий, маҳфий сири фақат Унга чуқур имон ва муҳаббат билан хизмат қилишга тайёр бўлган бхақтага очилади.

"Бхагавад-гита"да аниқ айтилганки, *бхокта-рам йагйа тапасам* - Парвардигор барча қурбонлик маросимларидаги эҳсонлар ва барча тавба-тазаррулардан лаззатланади. Кейин Парвардигор яна шундай дейди: *сарва-лока-махешварам* - "Барча сайёралар - Менинг мулким". Худонинг Олий Шахсининг ҳолати ана шундай. Гарчи У Вриндаванда Ўзининг мангу ҳамроҳлари билан биргаликда илоҳий бахтдан лаззатланиб яшаб юрган бўлса ҳам, Унинг қувватлари Унинг бошқаруви остида бутун борлик бўйлаб ҳаракат қилиб туради. Қувватлари Унинг мангу эрмакларига мутлақо халақит бермайди.

Худонинг Олий Шахси Ўзининг англаб бўлмас қувватлари ёрдамида бир вақтнинг ўзида қандай қилиб ҳам шахсиятсиз кўринишда, ҳам шахс кўринишида ҳаракат қилишини инсон фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали тушуна олади. Уни худди минглаган шохлар ва ҳукмдорлар Унга бўйсуниб, Унинг кўрсатмалари асосида ҳаракат қиладиган олий Ҳукмдорга ўхшатиш мумкин. Худонинг Олий Шахси - олий мустақил ҳукмдор, барча фаришталар, шу жумладан Тангри Браҳма, Тангри Шива, осмон шоҳи Индра, Ой фариштаси, Қуёш фариштаси Унинг раҳбарлиги остида ҳаракат қилади. Ведаларда тасдиқланганки, Қуёш ҳам Худонинг Олий Шахсидан кўрққанидан нур сочиб туради, Ундан кўрқиб шамол эсади, олов иссиқлик таратади. Моддий табиат бу моддий оламда турли хил қўзғалувчан ва қўзғалмас тирик мавжудотларни яратади, лекин уларнинг бирортаси Парвардигорнинг руҳсатисиз бирор

ҳаракат қилишга ёки бирор нарса яратишга қодир эмас. Уларнинг ҳаммаси Олий Ҳукмдорга қарам бўлган, ҳар йили ҳисобот бериб, Унга солиқ, товон тўлаб турадиган ҳукмдорларга ўхшайди.

Ведавий кўрсатмаларда айтилганки, ҳар бир тирик мавжудот аввало Худо Шахсига таклиф этилган таом қолдиқлари билан тирикчилик қилади. Кўрсатмаларда шундай дейилган: ўтказилган буюк қурбонлик маросимларида Олий Илоҳ сифатида Парвардигор Нарайана иштирок этиши лозим, қурбонлик эҳсон қилингандан кейин қолган табаррук саркитлар фаришталарга бўлиб берилади. Бу маросим *йагйа-бхага* деб аталади. Ҳар бир фаришта йагйа-бхагадан ўз улушини олиб, уни *прасадам* сифатида қабул қилади. Бундан кўриниб турибдики, фаришталарнинг ўзлари мустақил ҳолда ўз қудратини ишга сололмайдилар; ҳар хил вазифаларни бажариш учун уларга Худонинг Олий Шахси ваколат бериб, ишга тайинлайди. Улар қурбонлик маросимида Парвардигордан қолган таом қолдиқлари - прасадам билан озиқланадилар. Улар Парвардигорнинг истак-хоҳишига мос равишда Унинг ҳамма буйруқларини бажарадилар. Худонинг Олий Шахси Ўзи четда қолади, лекин Унинг буйруқларини бошқалар амалга оширадилар. У шахсиятсиздай бўлиб кўринадиди, холос. Кўпол материалист бўлган ҳолда бизлар Парвардигор - моддий табиатнинг шахсиятсиз фаолиятдан устун турадиган Олий Шахс эканини англай олмаймиз. Шунинг учун Парвардигор "Бхагавад-гита"да тушунтириб айтадики, Унинг Ўзидан устунроқ бўлган бирор Зот йўқ, ҳатто Унинг танасидан таралаётган нур бўлган шахсиятсиз Браҳман ҳам Унга бўйсунди. Шрипада Шридахара Свами буни тасвирлайдиган ажойиб бир шеър ёзган: "Мен Худонинг Олий Шахси олдида эҳтиром билан таъзим қиламан; Ўзи моддий сезги аъзоларига эга бўлмаса ҳам, Унинг амри билан барча моддий сезгилар ҳаракатга келади. У - барча моддий ҳиссиётнинг, сезги аъзоларининг олий қувватидир. У ҳар нарсага қодир, У - рўй бераётган барча воқеа-ҳодисаларнинг олий ижрочиси. Шунинг учун ҳар бир фаросатли инсон Унга сажда қилиши лозим. Мен ана шу Олий Шахс олдида эҳтиром билан бош эгаман".

"Бхагавад-гита"да Парвардигор Кришнанинг Ўзи тушунтирадики, У - *Пурушоттама*, яъни "Олий Шахс". *Пуруша* - "шахс" деганни, *уттама* - "олий", "илоҳий" деганни билдиради. "Бхагавад-гита"да Парвардигор яна шуни айтадики, У барча сезадиган ва сезишга қодир бўлмаган мавжудотларга нисбатан илоҳий ҳолатда бўлгани учун Уни Пурушоттама деб атайдилар. Яна бир жойда Парвардигор айтадики, худди ҳаво ҳаммиша ҳамма жойга сингиб кетган осмон ичида бўлгани сингари, ҳар бир мавжудот Унинг ичида жойлашган ва ҳар ким Унинг бошқаруви остида ҳаракат қилади.

Ведалар тимсоли илтижо қилишда давом этди: "Эй азиз Парвардигор, Сен барчага бир хил муносабатда бўласан, Сен тирик мавжудотларнинг бирор турига алоҳида боғланиб қолган эмассан. Сенинг ажралмас заррачаларинг бўлган, барча тирик мавжудотлар ҳар хил ҳаёт шароитларида лаззатланадилар ёки азобланадилар. Улар худди оловдан таралаётган учқунларга ўхшайдилар. Худди оловдан қувватланиб ўйнаб турган ёлинларга ўхшаб, фақат Сен қўллаб-қувватлаб турганинг туфайли тирик мавжудотлар тирикчилик қиладилар. Сен уларга ўзлари истаган нарсаларни ато этасан, лекин уларнинг лаззатлари ёки мусибатлари учун Сен жавобгар эмассан. Тирик мавжудотларнинг ҳар хил тоифалари бор - фаришталар, одамлар, ҳайвонлар, дарахтлар, қушлар, микроблар, ҳашаротлар, чувалчанглар, қуртлар, сувда яшайдиганлар - уларнинг барчаси Сенда бўлган ҳолда лаззатланадилар ва азобланадилар. Тирик мавжудотларни икки тоифага бўлиш мумкин: биринчи тоифа тирик мавжудотларни *нитийа-мукта*, "мангу озод" деб атайдилар, иккинчи тоифа тирик мавжудотларни *нитийа-баддха* деб атайдилар. *Нитийа-мукта* тирик мавжудотлар - руҳий оламда, *нитийа-баддха* тоифасидаги тирик мавжудотлар эса - моддий оламда яшайдилар.

Рухий оламда Парвардигор ҳам, тирик мавжудотлар ҳам худди ловуллаб турган оловнинг ёлинлари сингари, ўзларининг асл ҳолатида мавжуд бўладилар. Аммо моддий оламда, гарчи Ўзининг Шахсиятсиз қўринишида ҳамма жойга сингиб кетган бўлса ҳам, тирик мавжудотлар ўзларининг ҳақиқий онгини, Кришна онгини йўқотганлар. Бу худди гулхандан узокка учиб тушган учқун ўзининг бошланғич ҳолатини йўқотганига ўхшайди. Баъзи учқунлар курук майсалар устига тушиб, янгидан катта гулхан пайдо қиладилар. Бу соф бхакталарга ўхшайди, улар моддий оламдаги бахтсиз ва бегуноҳ тирик мавжудотларга ачинганидан шартланган рухларнинг қалбида Кришна онги оловини қайта тиклайдилар. Шунда руҳий олам олови ҳатто моддий оламда ҳам ўзини намоён этади. Гулхандан учиб чиққан баъзи учқунлар сувга тушади; улар шу заҳотиёқ ўзининг бошланғич порлашини йўқотиб, деярли бутунлай ўчиб қолади. Буни имонсиз, қўпол материалистлар оиласида туғилган тирик мавжудотларга ўхшатиш мумкин, шунда уларнинг қалбидаги бошланғич онг, Кришна онги бутунлай сўниб қолади. Баъзи бир учқунлар ерга тушади, улар аввалгидай порлаб ёниб турмасалар ҳам, барибир бутунлай ўчиб қолмайди. Шунга ўхшаб, баъзи тирик мавжудотларда Кришна онги бутунлай бўлмайди, баъзиларда маълум миқдорда бўлади, баъзилар эса ҳаётда бутунлай Кришна онги билан яшайдилар. Олий сайёралардаги фаришталар, Тангри Брахма, Индра, Чандра, куёш ва ой фаришталари, бошқа қўплаган фаришталар ҳаётда Кришна онги билан яшайдилар. Инсонлар руҳий юкса-

лишда фаришталар билан ҳайвонот олами ўртасидаги поғонада жойлашган, шу боис кўпчилик одамлар у ёки бу даражада Кришна онгига эга бўладилар, баъзи одамлар эса ҳайвонлар сингари Худони бутунлай тан олмайдилар. Учинчи нав тирик мавжудотлар - ҳайвонлар, ўсимликлар, дарахтлар, сувда яшайдиган ҳайвонлар - Кришна онгидан бутунлай маҳрум тирик мавжудотлардир. Ведаларда келтирилган бу мисол моддий оламдаги тирик мавжудотларнинг ҳолатини тушуниб олишга ёрдам беради. Аммо, Худонинг Олий Шахси, Кришна, ҳар қандай моддий шароитлардан ҳаммиша озод бўлган Пурушоттама барча тирик мавжудотлардан устун туради.

Шундай савол туғилиши мумкин: нима сабабдан тирик мавжудотлар ҳар хил ҳаёт шароитларига тушиб қолган? Бу саволга жавоб топиш учун биз биринчи навбатда шунини тушуниб олишимиз лозимки, тирик мавжудотлар учун бирор ҳодиса тасодифан рўй бермайди. Тасодиф - фақат ўлик, жонсиз нарсаларда бўлади. Ведаларда айтилганки, тирик мавжудотлар илмга эга, шу боис уларни *читанйя*, яъни "илмли", "илм ичида" деб атайдилар. Шундай экан, уларнинг моддий оламда ҳар хил шароитга тушиб қолиши тасодифий эмас. Уларнинг ўзлари шунини танлаган, чунки улар илмга эга. "Бхагавад-гита"да Парвардигор шундай дейди: "Барча амалларни тарк эт, ўз ихтиёрингни бутунлай Менга топшир!" Худонинг Олий Шахсини ана шундай даражада англаб етишга ҳар бир тирик мавжудот қодир, лекин Парвардигорнинг бу таклифини қабул қилиш ёки қилмаслики тирик мавжудотларнинг ўзлари ҳал қиладилар. "Бхагавад-гита"нинг охирида Парвардигор Кришна Аржунга аниқравшан қилиб шундай дейди: "Азизим Аржун, Мен сенга ҳамма нарсани тушунтирдим. Энди ҳаммаси сенинг буларни қабул қилиш ёки қилмаслигинга боғлиқ". Худди шундай бу моддий оламга тушган тирик мавжудотлар ҳам ундан лаззатланиш учун ўз хоҳиши билан шундай йўлни танладилар. Моддий олам ўзлари олий лаззатланувчи бўлишга интилиб Худого садоқат билан хизмат қилишни тарк этган тирик мавжудотларни лаззатлантириш учун яратилган. Вайшнавларнинг таълимотида айтилганки, тирик мавжудот ўз ҳиссиётини лаззатлантиришни истаб, Худого садоқат билан хизмат қилишни эсдан чиқарганида унга моддий оламдан ўрин берилди, моддий оламда у ўзи истаганча ҳаракат қила олади, шу боис у ўзи учун ҳаёт шароитини ўзи яратади, шунга қараб азобланади ё лаззатланади. Биз шунини аниқ билиб олишимиз лозимки, Парвардигорнинг илми ҳам, тирик мавжудотнинг илми ҳам мангу, ўзгармас. Парвардигор учун ҳам, тирик мавжудотлар учун туғилиш, ўлиш деган нарсалар мавжуд эмас. "Олам яралганида тирик мавжудотлар ҳам яратилади" деб ўйламаслик керак. Парвардигор бу моддий оламни тирик мавжудотларга Кришнани англашда,

рухий юксалишда юқорирок поғонага кўтарилиш имкониятини бериш учун яратади. Агар шартланган рухлар ана шу имкониятдан фойдаланиб қолмасалар, моддий олам яқсон бўлганида улар яна Нарайананинг танаси ичига кириб, мавҳум ҳолатда то кейинги марта моддий олам яралгунга қадар чуқур уйкуда бўладилар.

Бу ерда ёмғир палласини мисол келтириш мумкин. Ёмғир палласини ҳам худди оламнинг яратилиш жараёнига ўхшатиш мумкин, чунки ёмғирдан кейин ҳўл бўлган тупроқ ҳар ўсимликларни ўстириш учун яроқли ҳолга келади. Парвардигор моддий табиатга Ўзининг нигоҳини ташлаб, яратиш жараёнини бошлаганида ҳам, худди ёмғир палласидан кейин турли ўсимликлар кўкара бошлагани сингари, ҳар хил тирик мавжудотлар турли ҳаёт шаклларида дунёга келадилар. Ҳамма жойда бир хил бўлган ёмғир турли хил ўсимликларни ундириб чиқаради. Ёмғир ҳамма далаларга бир хилда ёғади, лекин шу далаларга қандай уруғ ташланганига қараб турли ўсимликлар - ҳар хил тур ва кўринишга эга бўлган сабзавот, гиёҳлар ўсиб чиқади. Худди шундай бизларнинг истакларимизнинг уруғи ҳам ҳар хил. Алоҳида ҳар бир тирик мавжудотнинг ўзига хос истаги бўлади, ана шу истаклар унинг маълум бир тана ичида ўсиб ривожланишига сабаб бўлади. Шрила Рупа Госвами буни *папа-биджа* деб атаган. *Папа* - "гуноҳ" деган маънони билдиради. Қалбимизда пайдо бўладиган моддий истакларнинг ҳаммасини *папа-биджа*, яъни "гуноҳ ишлар содир қилиш истаги" деб ҳисоблаш лозим. "Бхагавад-гита"да айтилишича, бизнинг гуноҳ ишларга интилишимизнинг боиси шундаки, биз ўз ихтиёримизни Худого топширишни истамаймиз. Шунинг учун Парвардигор "Бхагавад-гита"да шундай деган: "Мен сени барча гуноҳ ишларинг оқибатидан халос этаман". Гуноҳ ишларга бўлган истаклар шу истакларга мос бўлган таналарнинг ҳар хил кўринишларини келтириб чиқаради; шунинг учун ҳар кимнинг ўз истагига яраша ҳар хил тана бергани учун ҳеч ким Худони адолатсизликда айблай олмайди. Алоҳида тирик мавжудот ўзининг истакларига, фикрлаш доирасига мос равишда саккиз миллион тўрт юзминг турли танадан бирига эга бўлади. Худонинг Олий Шаҳси, Пурушоттама ҳар бир тирик мавжудотга ўз истакларига мос равишда ҳаракат қилишга имкон яратади, холос. Тирик мавжудот Парвардигор берган имкониятдан фойдаланиб, ўз истагига мос равишда ҳаракат қилади.

Айни пайтда тирик мавжудотлар Парвардигорнинг илоҳий танасидан чиққан. Парвардигор билан тирик мавжудотлар орасидаги бу муносабатлар Ведалар адабиётида таърифланган. Унда айтилганки, Парвардигор Ўз фарзандларини улар истаган ҳамма нарса билан таъминлаб қўллаб-қувватлаб туради. Шунингдек "Бхагавад-гита"да ҳам Парвардигор шундай дейди: "Мен - барча тирик мавжудотларнинг уруғини берувчи ота-

ман". Ота ўз фарзандларига ҳаёт бағишлашини тушуниш қийин эмас, лекин болалар ўз истакларига яраша ҳаракат қиладилар. Шунинг учун боласининг тақдири келажакда қандай бўлишига ота ҳеч қачон жавобгар бўлмайди. Ҳар бир фарзанд отасининг мулкидан фойдаланиши, унинг насиҳатларини тинглаши мумкин, лекин гарчи мулк ва насиҳатлар барча болалар учун бир хил бўлса ҳам, ҳар бир фарзанд ўзининг шахсий истакларига яраша ўз тақдирини ўзи белгилайди, шунга қараб ҳаётда лаззатланади ё мусибат чекади.

Худди шундай "Бхагавад-гита"нинг насиҳатлари ҳам ҳаммага бир хилда берилган; ҳар бир инсон ўз ихтиёрини Худого топшириши лозим, шунда Парвардигор унга ғамхўрлик қилиб, уни қилган барча гуноҳ ишлари оқибатидан халос этади. Худонинг яратиб қўйган даргоҳида яшаш учун барча тирик мавжудотларга бир хилда тенг имконият яратилган. Уларнинг ҳаммаси Худонинг фарзандлари, ҳаммаси Парвардигор яратиб қўйган қулай моддий имкониятлардан лаззатланиб яшай оладилар. Лекин бахтиқаро тирик мавжудотларнинг ўзлари бири-бири билан бекорга курашиб, яшаш учун яроқсиз бўлган ноқулай шароитларни юзага келтирадилар. Ана шу ўзаро курашлар ва яшашга ноқулай шароит учун жавобгарлик Парвардигорнинг эмас, ғофиллик ботқоғига ботган тирик мавжудотларнинг зиммасида. Шунинг учун, агар тирик мавжудотлар Парвардигорнинг "Бхагавад-гита"да берган насиҳатларига қулоқ солсалар, Худони англаб етиб, ҳаётда Кришна онги билан яшай бошласалар, уларнинг ҳаёти, онги покланади, шунда улар Худонинг даргоҳига қайтиш имконига эга бўладилар.

Кимдир бунга шундай эътироз билдириши мумкин: бу моддий оламни ҳам Худо яратган, шунинг учун унинг ҳозирги ҳолати учун ҳам Унинг Ўзи жавобгар бўлиши керак. Албатта, моддий оламни яратиш ва унинг мавжудлигини таъминлаб туриш учун Парвардигор маълум даражада жавобгар бўлади, лекин У ҳеч қачон тирик мавжудотларнинг бу оламда турли шароитларга тушиб қолгани учун жавобгар бўлмайди. Худонинг моддий оламни яратишдаги ролини худди ёмғирнинг ўсимликларнинг униб чиқишидаги роли билан тенглаштириш мумкин. Ёмғир палласида ёмғир шарофати билан турли ўсимликлар ўсиб чиқади. Булут ер юзига ёмғир ёғдиради, лекин ҳеч қачон ўзи ерга бевосита яқинлашмайди. Худди шундай Парвардигор ҳам бу моддий оламни Ўзининг моддий қувватга ташлаган бир нигоҳи билан яратади. Бу Ведаларда ҳам тасдиқланган: "У моддий табиатга нигоҳ ташлади ва олам яралди". "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланганки, Ўзининг моддий табиатга ташлаган биргина илоҳий нигоҳи билан Парвардигор турли хил ўлик ва тирик, кўзгалувчан ва кўзгалмас мавжудотларни яратади".

Шунинг учун моддий оламни яратиш жараёни ҳам Парвардигорнинг эрмакларидан бири деб ҳисоблаш мумкин; чунки Парвардигор моддий оламни Ўзи истаган пайтдагина яратади. Худонинг Олий Шахсининг бундай истаги Унинг тирик мавжудотларга нисбатан бўлган чексиз ҳамдардлиги, меҳрибонлигининг намоён бўлишидир, чунки бу билан У тирик мавжудотларга ўзининг асл ҳолатига қайтишга, ўзларининг азалий, бошланғич Кришна онгини қайта-тиклаб олишига, шу билан Худонинг даргоҳига қайтишга яна бир имконият берган бўлади. Демак, бу моддий оламни яратгани учун Парвардигорни айблашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Бу мавзунини муҳокама қилар эканмиз, биз имперсоналистлар билан персоналистлар орасидаги фарқни аниқ-равшан тушуниб оламиз. Имперсоналистларнинг ғояси инсонга Парвардигорнинг борлигига қўшилиб кетишни тавсия қилади, бўшлиқ фалсафаси эса, ҳамма моддий ранг-барангликни бўшлиққа олиб чиқишни таклиф этади. Бу икки фалсафий оқим ҳам *майявади* деган атама билан танилган. Албатта бу космик олам вақти келиб ниҳоясига етади ва барча тирик мавжудотлар Нарайана ичига кирганларида, то навбатдаги яратишгача бўшлиқ пайдо бўлади. Буни шахсиятсиз ҳолат деб ҳисоблаш мумкин, лекин бундай ҳолат ҳеч қачон мангу давом этмайди. Моддий оламнинг ранг-баранглиги мангу йўқолиб кетмайди, тирик мавжудотлар ҳам Парвардигорнинг танасида мангу қолиб кетмайдилар, чунки олам такрор ва такрор яратилаверади, шунда қалбида Кришна онгини ривожлантирмагани сабабли Парвардигорнинг танасига кириб кетган тирик мавжудотлар ҳам яна моддий оламда пайдо бўлиб, туғилиб-ўлишларни давом эттирадилар. "Бхагавад-гита" ҳам бу моддий оламнинг такрор ва такрор яратилиб, яксон бўлиб туришини тасдиқлайди. Бу жараён мангу давом этади, Кришна онгига эга бўлмаган тирик мавжудотлар моддий олам намоён бўлганида такрор ва такрор бу дунёга келаверади. Агар шартланган руҳлар ана шу имкониятдан самарали фойдаланиб, Парвардигорнинг бевосита раҳбарлиги остида қалбида Кришна онгини ривожлантирсалар, улар руҳий оламга эришадилар, шунда уларнинг бу моддий оламга қайтиб келишларига ҳожат қолмайди. Шунинг учун ҳам айтилганки, имперсоналистлар ва бўшлиқ фалсафаси издошлари етарли ақл-фаросатга эга эмаслар, чунки улар Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига мурожаат қилмайдилар. Калтафаҳмлиги туфайли ана шундай файласуфлар нирванага эришиш, яъни ҳаётнинг моддий шароитларидан халос бўлиш учун ёки Парвардигорнинг танасига кириб, Унга қўшилиб кетиш учун ҳар хил риёзатларга берилиб яшайдилар. Уларнинг барчаси барибир яна бу моддий оламга қайтиб келадилар, чунки улар ҳали Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига эришмаганлар".

"Чайтанья Чаритамрита"нинг муаллифи, Кришнадаас Кавираж барча ведавий адабиётларни ўрганиб чиқиб, барча мўътабар донишмандларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаб туриб, шундай хулосага келган: "Кришна - ягона олий Хукмдор, бошқа барча тирик мавжудотлар - Унинг мангу хизматкорлари". Унинг гаплари Ведалар тимсолининг илтижоларида ҳам тасдиқланяпти. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳар бир тирик мавжудот ҳаётда Худонинг Олий Шахсининг назорати остида ҳаракат қилади, ҳар ким Худонинг Олий Шахсининг олий амри билан хизмат қилади, ҳар бир тирик мавжудот Худонинг Олий Шахсидан кўрқади. Худодан кўрққанидан моддий оламдаги ҳар қандай фаолият маълум тартибда амалга ошади. Ҳар бир тирик мавжудот Худога бўйсунган ҳолда ҳаракат қилади. Парвардигор эса тирик мавжудотлар ҳақида тўла мустақил ҳолда фикр юритади. Парвардигор чексиз осмонга ўхшайди; худди гулхан ичида оловнинг учқунлари, ёлинлари ўйнаб тургани сингари, тирик мавжудот ҳам осмонда учиб юрган кушларга ўхшаб чексиз осмон ичида ҳаракат қиладилар. Уларнинг баъзилари осмонда жуда баландга кўтариладилар, баъзилари пастроқда учадилар, бошқалари улардан ҳам пастроқда учадилар. Ҳар хил кушлар осмонда ўзларининг учиш қобилиятларига мос равишда турли баландликда учадилар, лекин уларнинг турли хилдаги учиш қобилиятларига осмоннинг мутлақо дахли йўқ. "Бхагавад-гита"да ҳам Парвардигор айтганки, У тирик мавжудотларни улар ўз ихтиёрини қанчалик Худога топширганига қараб турли равишда мукофотлайди. Бу унинг кимларгадир ён босиши ҳисобланмайди. Шундай қилиб, тирик мавжудотлар ҳар хил шароитларда, ҳар хил ҳолатларда, ҳар хил ҳаёт шаклларида бўлишига қарамай, уларнинг ҳаммасини ҳаммиша Худонинг Олий Шахси бошқариб туради, лекин шунга қарамай Парвардигор уларнинг ҳар хил шароитга тушиб қолгани учун жавобгар бўлмайди. Шунинг учун инсон ўзини Худо билан бир деб ҳисоблаши ғайритабiiй ва ғирт аҳмоқона фикр, "мен Худони кўрмайман" деб ўйлаш эса ундан ҳам баттарроқ нодонлик ҳисобланади. Ҳар бир тирик мавжудот ҳар хил кўринишларда Худони кўриб юради; бунда ягона фарқ шундаки, илмли, имонли, фаросатли инсон Худони Олий Шахс сифатида, меҳрибон ва севимли Парвардигор Кришна киёфасида кўради, имонсиз ғофил даҳрий эса Мутлақ Ҳақиқатни умрининг охирида муқаррар келадиган ажал киёфасида кўради.

Ведалар тимсоли илтижо қилишда давом этдилар: "Эй азиз Худойим, Ведаларда келтирилган барча маълумотлардан аниқ равшан бўладикки, Сен - Олий Хукмдорсан, бошқа барча тирик мавжудотлар Сенга бўйсунган ҳолатни эгаллаб турадилар. Парвардигорни ҳам, тирик мавжудотларни ҳам *нитья*, яъни "мангу" деб атайдилар, демак улар сифат жиҳатидан бир хил,

лекин барибир бирлик кўринишида айтилган *нитйа*, яъни Парвардигор - ягона ҳукмдор бўлган Зот, кўплик кўринишида айтилган *нитйи* эса, - "бошқариладиган зотлар"дир. Алоҳида бошқариладиган тирик мавжудот танада жойлашган, Олий Ҳукмдор ҳам Олий Рух кўринишида шу танада жойлашган, лекин Олий Рух алоҳида руҳнинг фаолиятини бошқариб туради. Ведаларнинг хулосаси шундай. Агар алоҳида руҳни Олий Рух бошқариб турмаса, Ведаларда келтирилган "тирик мавжудот ўзининг аввалги қилган ишлари оқибатида лаззатланиб ё азоб чекиб, бир танадан иккинчи танага ўтиб юради" деган хулосани қандай тушунтириш мумкин? Баъзан тирик мавжудот ҳаётнинг жуда юқори турларига эришади, баъзида эса қуйи ҳаёт турларига тушиб қолади. Шундай экан, шартланган руҳларни фақат Парвардигорнинг ўзи бошқариб турмасдан, моддий табиат ҳам уларнинг ҳаётига шарт-шароит яратиб беради. Тирик мавжудотлар билан Парвардигорнинг "бошқарувчи" ва "бўйсунган" ҳолатдаги муносабатларидан шу нарса аниқ маълум бўладики, Олий Рух ҳамма жойга сингиб кетган бўлишига қарамай, алоҳида тирик мавжудот ҳеч қачон ана шундай сифатга эга бўлолмайди. Агар алоҳида руҳлар ҳамма жойга сингиб кетиш қобилиятига эга бўлсалар, уларни бошқариш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Шунинг учун "алоҳида руҳ билан Олий Рух бир хил поғонада туради" деган таълимот нотўғри хулоса бўлиб, бирор фаросатли инсон уни қабул қилмайди. Аксинча, мангу Олий Рух билан мангу бўйсунган руҳлар орасидаги фарқни яхшилаб тушуниб олишга ҳаракат қилиш лозим".

Шундай қилиб, Ведалар тимсоли шундай хулосага келдилар: "Эй азиз Худойим, Сен ҳам, чекланган *дхрувалар*, яъни тирик мавжудотлар ҳам - мангу. Чексиз мангу қиёфани баъзан "фазовий қиёфа" деб тасаввур қиладилар, "Упанишада"лар сингари Ведавий адабиётларда эса чекланган мангунинг қиёфаси аниқ тасвирланган. Унда айтилганки, тирик мавжудотнинг бошланғич, руҳий табиатли қиёфасининг ўлчами соч толасининг ўн мингдан бир бўлагига тенг. "Рух - энг катта нарсдан катта, энг кичик нарсдан кичик" дейилган. Парвардигорнинг мангу ажралмас бўлаклари бўлган алоҳида тирик мавжудотлар энг кичик нарсдан кичик зотлардир. Ҳозирги моддий сезгиларимиз ёрдамида бизлар энг катта нарсдан катта бўлган Парвардигорни ҳам, энг кичик нарсдан кичик бўлган алоҳида руҳни ҳам англай олмаймиз. Шу боис биз ишонарли манбалар, ведавий муқаддас китоблар ёрдамида "энг каттадан катта Зот"ни ва "энг кичикдан кичик зот"ни тушуниб олишга ҳаракат қилишимиз лозим. Ведалар адабиётида айтилганки, Олий Рух тирик мавжудотнинг танасида мавжуд бўлиб, Унинг ўлчами катта бармоқ катталигида. Бунга шундай эътироз билдириш мумкин: қандай қилиб катта бармоқ катталигидаги

Зот кичкина чумоли танасида жойлашиши мумкин? Гап шундаки, Олий Рухнинг ўлчамини ҳар бир тирик мавжудот танасининг бош бармоғи билан ўлчаш керак. Шунинг учун, гарчи уларнинг ҳар иккиси ҳам тирик мавжудотнинг танаси ичида жойлашган бўлса ҳам, ҳеч қачон Олий Рух билан алоҳида руҳни бир деб ҳисобламаслик керак. Олий Рух тирик мавжудотни бошқариб туриш, йўл кўрсатиб туриш учун унинг қалбида жойлашган. Гарчи уларнинг иккиси ҳам *дхрува*, яъни "мангу" бўлса ҳам, тирик мавжудотни Олий Рух бошқариб туради.

Кимдир, тирик мавжудотларни моддий табиат яратгани учун уларнинг ҳаммаси тенг ва мустақил бўлади, деб айтиши мумкин. Лекин Ведалар адабиётида айтилганки, Худонинг Олий Шахси аввалига моддий табиатни тирик мавжудотлар билан уруғлантиради, шундан кейин улар моддий табиатдан дунёга келади. Демак, худди аёл қорнидан дунёга келган фарзандни аёлнинг ўзи мустақил ҳолда яратмагани сингари, тирик мавжудотларнинг бу дунёда намоён бўлиши биргина моддий табиат сабабли юзага келмайди. Аёл дунёга келтирган фарзанд аслида эркакотанинг ажралмас бир бўлагидир. Тирик мавжудотларни моддий табиатнинг ўзи яратгандай бўлиб кўринса ҳам, аслида уларни унинг ўзи мустақил ҳолда ярата олмайди. Олий Ота моддий табиатни уруғлантиргани сабаблигина тирик мавжудотлар дунёга келдилар. Шундай экан, алоҳида "тирик мавжудотлар Парвардигорнинг ажралмас бир бўлаклари эмас" деган фикр асоссиз ҳисобланади. Масалан, тананинг айрим қисмларини бутун бир танага тенг деб ҳисоблаб бўлмайди; аниқроғи бутун тана ўзининг ҳар хил қисмларини бошқариб туради. Худди шундай Парвардигорнинг ажралмас зарралари ҳам ҳаммиша ўзларининг манбаига қарам бўлиб, Унинг ҳукми остида ҳаракат қиладилар. "Бхагавад-гита"да айтилганки, тирик мавжудотлар Кришнанинг ажралмас кичик заррачаларидир: *мамаивамшио*. Шундай экан Олий Рух билан алоҳида руҳ бир тоифага мансуб деган фикрга бирор фаросатли инсон қўшила олмайди. Улар сифат жиҳатидан бир хил бўлиши мумкин, лекин миқдор жиҳатидан - Олий Рух ҳаммиша олий, алоҳида руҳ эса - ҳаммиша Унга қарам, бўйсунган ҳолатда. Ведаларнинг якуний хулосаси шундай".

Бу ерда жуда катта аҳамиятга эга бўлган икки ибора ишлатилган - *йанмайя* ва *чинмайя*. Санскрит тилида *майат* ибораси икки хил маънони англатади: "айланиш" ҳамда "етарлилик". Майявади файласуфлар ҳаммиша *йанмайя* ёки *чинмайя* ибораси "тирик мавжудотнинг Парвардигорга тенглигини кўрсатади" деб талқин қиладилар. Лекин, бу ерда шунга эътибор бериш керакки, *майат* аффикси бу ерда "етарлилик" маъносида ишлатиляптими ёки "айланиш" маъносидами? Тирик мавжудот ҳеч қачон, ҳеч нарсага Худонинг Олий Шахсидай миқдорда эга бўлолмайди. Шунинг учун *майат* иборасини ҳеч қачон

алоҳида тирик мавжудотнинг "етарлилик" хусусиятини ифодалайди деб талқин қилиб бўлмайди. Алоҳида тирик мавжудот ҳеч қачон етарли имлга эга эмас; акс ҳолда у қандай қилиб майя, моддий қувват таъсири остига тушиб қолади? Шунинг учун "етарлилик" иборасини фақат тирик мавжудотнинг улуғворлигини ифодалашда ишлатилган деб қабул қилиш мумкин. Олий Рух билан тирик мавжудотларнинг руҳий бирлигини ҳеч қачон улар яхлит бир деб талқин қилмаслик керак. Ҳар бир тирик мавжудот - алоҳида мавжуд шахс, алоҳида рух. Агар уларни яхлит бир деб ҳисобласак, битта алоҳида рухнинг озодликка чиқиши шу заҳотиёқ қолган ҳамма алоҳида рухларнинг ҳам ўзидан-ўзи озодликка чиқишига олиб келган бўларди. Аслида эса, ҳар бир алоҳида рух бу моддий оламда алоҳида ўзи лаззатланади ва мусибат чекади.

Майят ибораси баъзан "айланиш", яъни "чикинди маҳсулот" маъносида ҳам ишлатилади. Имперсоналистлар таълимотига кўра, Брахманнинг Ўзи ҳар турли таналарни қабул қилади, бу Унинг лилалари, яъни эрмаклари. Ҳаётнинг турли поғоналарига мансуб бўлган кўп юзлаган ва минглаган ҳаёт шакллари мавжуд - одамлар, фаришталар, ҳайвонлар, қушлар, ёввойи ҳайвонлар - агар уларнинг ҳаммаси Олий Мутлак Ҳақиқатнинг экспансиялари бўлса, уларнинг озодликка чиқиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки Брахман ҳаминиша озод. Майявадиларнинг яна бир талқини шундан иборатки, ҳар даврда турлича таналар намоён бўлади, ўша давр ниҳоясига етганида ана шу таналарнинг ҳаммаси, яъни Брахманнинг экспансиялари, ўзидан-ўзи бирга қўшилиб, намоён бўлган рангбаранглик барҳам топади. Бу таълимотга кўра, кейин, навбатдаги даврда Брахман яна Ўзини турли таналарда намоён этади. Бу таълимотга кўра Брахман ўзгариб туради, лекин бу фикрга қўшилиб бўлмайди. "Веданта-сутра"да айтилганки, Брахманнинг табиати қувонч, шодликка тўла. Шу боис У мусибат чекадиган моддий танага айланиши мумкин эмас. Аслини олганда Брахманнинг ажралмас қисми бўлган тирик мавжудотлар чексиз кичик руҳий заррачалар бўлиб, улар алдамчи қувват билан қопланиб қолиш хусусиятига эга. Аввал тушунтирилганидай, Брахманнинг ажралмас заррачалари гулхан оловида қувончга тўлиб ўйнаб турган учкунларга, ёлинларга ўхшайди, лекин уларнинг баъзан оловдан ажралиб чиқиб, тутун орасига тушиб қолиш эҳтимоли бор, лекин тутун ҳам оловнинг бошқа бир кўриниши, холос. Бу моддий олам тутунга ўхшайди, руҳий олам эса порлаб ёниб турган оловга ўхшайди. Алдамчи қувват таъсир қилганида сон-саноксиз тирик мавжудотлар руҳий оламдан моддий оламга қулаш хусусиятига эга, лекин шу билан бирга, агар ҳақиқий илмини ривожлантириб, моддий олам иллатларидан бутунлай покланса, тирик мавжудот моддий

олам тутқунлигидан озодликка чиқиб, яна руҳий оламга кўтарилиш имконига эга бўлади.

Асур(имонсиз, даҳрий, иблис)лар ўйлаб топган таълимотга кўра тирик мавжудотлар *пуруша* билан бириккан *пракрити*, яъни моддий табиатдан дунёга келади. Бу фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди, чунки моддий табиат ҳам Худонинг Олий Шаҳси ҳам - мангу мавжуд. На моддий табиат, на Худонинг Олий Шаҳси туғилиши мумкин эмас. Парвардигорни *аджа*, яъни "туғилмаган" деб атайдилар. Худди шундай моддий табиатни ҳам *аджа* деб атайдилар. Бу икки ибора ҳам "туғилмаган" деган маънони англатади. Моддий табиат ҳам, Парвардигор ҳам туғилмайдиган табиатга эга экан, демак уларнинг тирик мавжудотларни яратиши мумкин эмас. Худди ҳаво сув билан қўшилиб кўпикчалар пайдо қилгани сингари, моддий табиат билан Худонинг Олий Шаҳсининг бирга қўшилиши тирик мавжудотларнинг бу дунёда пайдо бўлишига сабаб бўлади. Худди сувдаги пуфакчалар ҳар хил бўлгани сингари, тирик мавжудотлар ҳам моддий табиат гуналари таъсири остида бу моддий оламда ҳар хил шакл ва қиёфаларда пайдо бўлади. Бундан шундай тўғри хулосага келиш мумкин: моддий оламда турли кўринишларда пайдо бўладиган тирик мавжудотлар - одамлар, фаришталар, ҳайвонлар, қушлар ва ҳоказо - ўзларининг истакларига яраша турли кўринишдаги таналарга эга бўладилар. Бундай истаклар унда қачон пайдо бўлганини ҳеч ким аниқ айта олмайди, шунинг учун ҳам *анадикарма*, яъни "бу моддий олам сабабини аниқлаш мумкин эмас", дейилган. Моддий ҳаёт қачон бошланганини ҳеч ким айта олмайди, лекин маълумки, у қачондир бошланган, чунки бошланғич ҳолатда ҳар бир тирик мавжудот пок руҳий заррача ҳисобланади. Худди гулхандан ерга учиб тушаётган учкунларнинг бошланиши бўлгани сингари, тирик мавжудотларнинг ҳам бу моддий оламга аввал бошлаб келган вақти бор, лекин ҳеч ким бу қачон бўлганини айта олмайди. Ҳатто олам яксон бўлиб, ана шу тирик мавжудотлар Парвардигорнинг руҳий борлигига кириб, шу ерда қаттиқ уйқуга кетганида(мавхум ҳолатда бўлган ҳолатида) ҳам, уларнинг қалбидаги моддий оламга ҳукмронлик қилиш истаги бутунлай йўқолиб кетмайди. Яна моддий олам яратилганида улар қалбида сақланиб қолган ана шу истакларини рўёбга чиқариш ниятида Парвардигор танасидан чиқадилар, шу боис ўз истакларига мос равишда турли хил таналарга эга бўладилар.

Олам яксон бўлганда тирик мавжудотлар Парвардигорнинг илоҳий танасига сингиб кетишини асал билан қиёслайдилар. Асал таркибида ҳар хил гул ва меваларнинг таъми сақланиб қолади. Одам асал еганида қайси асал қандай гулдан олинганини аниқ айта олмайди, лекин асалнинг ёқимли таъми унинг таркиби хилма-хил, ҳар хил гуллар нектаридан таркиб топганидан далолат бериб туради. Бошқа бир мисол ҳам

келтириш мумкин: ҳар хил дарёлар охи-роқибатда денгиз сувларига қўшилиб кетгани билан дарёлар ўзларининг алоҳида мавжудлигини йўқотмайдилар. Гарчи Ганга ва Йамуна дарёлари денгиз сувларига қўшилиб кетса ҳам, Ганга ва Йамуна дарёси аввалгидай алоҳида, алоҳида мавжуд бўлиб қолаверади. Олам яксон бўлганида тирик мавжудотларнинг Парвардигор танасига қўшилиб кетиши деганда турли хил кўринишдаги моддий таналарнинг яксон бўлиши назарда тутилади, аммо тирик мавжудотлар ўзларининг турли хусусиятлари, истаклари билан бирга алоҳида мавжуд бўлиб қолган ҳолда навбатдаги моддий оламнинг яралиш жараёни бошлангунча Брахман танасида бўладилар. Денгизнинг шўр суви билан Ганганинг ширин суви бир биридан фарқ қилади, ана шу фарқ ҳамиша сақланиб қолади. Худди шундай, ҳатто моддий олам яксон бўлганда тирик мавжудотлар Парвардигор танасига қўшилиб кетгандай туюлса ҳам, Парвардигор билан тирик мавжудотлар орасидаги фарқ ҳамиша сақланиб қолаверади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳатто тирик мавжудотлар моддий олам иллатларидан бутунлай покланганларидан кейин руҳий оламга кўтарилганида ҳам уларнинг Парвардигор билан бўлган ўзаро алоҳида муносабатлари сақланиб қолаверади.

Ведалар тимсоли давом этдилар: "Эй азиз Худойим, биз биламизки, Сенинг моддий қувватинг барча тирик мавжудотларни ўзига жалб этади, фақат ўзларини "моддий табиат яратган зотлар" деб билгани сабабли улар Сен билан бўлган ўзаро муносабатларини эсдан чиқариб, бу моддий оламда бир турга мансуб танадан иккинчи турга мансуб танага ўтиб юрадилар. Ғофиллиги сабабли бу тирик мавжудотлар ўзларини ҳар хил ҳаёт турларига киёслаб юрадилар, айниқса инсон танасига эга бўлганида улар ўзларини маълум табақага, бирор миллатга, ирққа ёки динга мансуб деб ҳисоблаб, аслида Сенинг мангу хизматкоринг эканини унутиб юборадилар. Ҳаёт ҳақида, ўзлари ҳақида ана шундай нотўғри тасаввурга эга бўлгани сабабли улар адо бўлмас туғилиш ва ўлишлар орқали ўтадилар. Агар миллионлаган шундай ғофил одамлар орасидан бирортаси етарлича фаросатга эга бўлса, соф бхакталар билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билан у "Худони англаш" дегани, "Кришна онги" дегани нима эканини тушуниб этади. Шунда у ҳаёт ҳақидаги нотўғри, моддий тасаввурлар таъсиридан халос бўлади".

"Чайтанья Чаритамрита"да Парвардигор Чайтанья айтадики, тирик мавжудотлар моддий олам бўйлаб ҳаётнинг бир туридан иккинчи турига ўтиб сарсон-саргардон бўлиб юрадилар, агар улардан бирортаси етарлича ақл-фаросатга эга бўлса, руҳий устозининг ҳамда Худонинг Олий Шахси Кришнанинг марҳамати билан у Худони таниб, ҳаётда Кришна онги билан яшаб Худога садоқат билан хизмат қила бошлайди. Маълумки,

агар Худонинг Олий Шахси марҳамат кўрсатиб ёрдам бермаса, тирик мавжудот ҳеч қачон чексиз туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан халос бўла олмайди(*харим вина на мритим таранти*). Бошқача қилиб айтганда, чексиз туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан шартланган руҳларни фақат Парвардигор, Худонинг Олий Шахси чиқариб олишга қодир.

Ведалар тимсоли давом этдилар: "Замоннинг фаолияти - ўтмиш, ҳозир ва келажак - ҳамда жазирама иссиқ, қаҳратон совуқ, туғилиш, касалликлар, кексалик ва ўлим келтирадиган моддий мусибатлар - буларнинг ҳаммаси Сенинг битта қош қоқишинг натижасида юзага келади. Ҳамма нарса Сенинг ҳукминг остида ҳаракат қилади. "Бхагавад-гита"да айтилганки, ҳар қандай моддий фаолият Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришнанинг назорати остида амалга ошади. Ўз ихтиёрини Сенга топширмаган киши учун моддий оламдаги яшаш шароитларининг ҳаммаси унга қарши бўлган ёвуз кучлар бўлиб кўринади. Лекин ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган, ўз ихтиёрини бутунлай Сенга топширган кишиларни бундай шароитлар ҳеч қачон ташвишга солалмайди, безовта қилмайди. Парвардигор Нарасимха пайдо бўлганида Прахлад Махараж Ундан умуман кўрқмаган эди, лекин унинг имонсиз отасига эса, Парвардигор Нарасимха ажал тимсоли бўлиб кўринди ва ҳақиқатан ҳам уни ўлдирди. Хираньякашипу сингари имонсиз иблисларнинг кўзига Парвардигор Нарасимха ажал киёфасида кўринади, аммо Прахлад Махараж сингари Ўзининг соф содиқларига Парвардигор ҳамиша меҳрибон. Шундай бхакталар учун Парвардигор ҳамиша, ҳар қандай ҳолатда ҳам чексиз илоҳий лаззат манбаи бўлиб қолаверади. Шунинг учун соф бхакталар туғилиш, касаллик, кексалик ва ўлимдан кўрқмайдилар.

Шрипада Шридҳара Свами ажойиб бир шеър ёзган, унинг мазмуни қуйидагича: "Эй азиз Худойим, моддий ҳаёт шароитлари мени, тирик мавжудотни адо бўлмас мусибатларга дучор этади. Мен моддий тирикчиликнинг оғир ғилдираклари остига тушиб қолдим, улар мени янчиб ташладилар. Бу моддий оламда қилган гуноҳларим сабабли мен ҳозир уларнинг оқибатлари оловида куйиб-ёнпман. Эй азиз Худойим, қандайдир сабаблар билан мен Сенинг нилуфар пойи қадамларинг паноҳига кирдим. Илтимос, энди мени Ўз паноҳингга ол!" Шрила Нароттама дас Тхакур ҳам ўзининг илтижоларида шундай деган: "Эй азиз Худойим, эй Нанда Махаражнинг ўғли, эй Вришабхану қизининг севгилиси, бу моддий оламда оғир мусибатларни бошимдан кечиргандан кейин ниҳоят мен Сенинг нилуфар пойи қадамларинг паноҳига кирдим, энди менга марҳамат кўрсатишингни тилаб Сенга илтижо қиламан. Илтимос, мени инкор этма, менинг Сендан бошқа бирор нажоткорим йўқ!"

Юкоридаги айтилган гаплардан маълум бўладики, ўзликни, Худони англашнинг бхакти-йогадан, яъни Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа барча йўллари -жуда мушкул йўллардир. Тўла Кришна онги билан Худога садоқат билан хизмат қилиб яшаш - айниқса ҳозирги Кали юга даврида шартланган моддий ҳаёт иллатларидан тўла покланишнинг ягона йўли ҳисобланади. Кришнани англаш йўлига кирмаган кишилар бекорга умрини хазон қиладилар, улар ҳақиқатан ҳам руҳий ҳаёт кечириб яшаётганини кўзга кўринадиган бирор аниқ далиллар билан исботлаб бера олмайдилар.

Парвардигор Рамачандра шундай деган: "Ўз ихтиёрини менга топширган ва ўзини Менинг мангу хизматкорим деб билган ҳар қандай зотга Мен ҳамиша қатъий ишонч, дадиллик ва беҳатарлик туйғусини ҳада этаман, чунки бу Менинг табиий истагимдир". Худди шундай Парвардигор Кришна ҳам "Бхагавад-гита"да шундай деган: "Моддий табиатнинг таъсирини енгиб бўлмайди, аммо ўз ихтиёрини Менга топширган ҳар қандай киши, ҳеч шубҳа йўқки, унинг таъсирини бемалол енга олади". Худонинг содиқлари бўлмаган имонсиз даҳрийлар билан баҳс-мунозара қилиб ўтириш, уларнинг таълимотларини инкор қилиб юриш Кришнанинг содиқларини мутлақо қизиқтирмайди. Бундай бемаъни ишларга ўзининг нодир вақтини кетказиб юргандан кўра, улар умрининг ҳар бир дақиқасини тўла Кришна онги билан Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлашни афзал биладилар.

Ведалар тимсоли давом этдилар: "Эй азиз Худойим, гарчи буюк сеҳргар-йоглар ақл фили ва ҳиссиётлар бўронини тўла жиловлаб олган бўлсалар ҳам, агар ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилмасалар, улар барибир моддий табиат таъсирига тушиб қоладилар ва руҳий ўзликни англаш йўлида ҳеч қачон муваффақиятга эриша олмайдилар. Ҳеч кимга бўйсунмайдиган ана шундай кишиларни худди катта денгизга дарға(капитан)сиз кемада йўлга чиққан хасис одамларга ўхшатадилар. Ҳеч ким фақат ўзининг уринишлари билан моддий табиат чангалидан руҳий озодликка чиқолмайди. Инсон албатта ҳақиқий руҳий устоз излаб топиши ва унинг кўрсатмалари асосида ҳаракат қилиши лозим. Шундагина у моддий ҳаёт шароитларини енгиб ўта олади. Бу ҳақда Шрипада Шанкарачарйа ажойиб бир шеър ёзган: "Эй чексиз марҳамат уммони бўлган руҳий устоз, эй Худонинг Олий Шахсининг вакили, қачон менинг ақлим Сенинг нилуфар қадамларинг пойига ўз ихтиёрини топширар экан? Шунда ва фақат Сенинг марҳаматинг билан мен руҳий юксалиш йўлидаги барча тўсиқларни енгиб ўта оламан, шунда мен учун илоҳий лаззатга тўла ҳақиқий ҳаёт бошланади".

Ҳақиқатан ҳам, илоҳий жазавали *самадхи* ҳолатига, яъни Худонинг Олий Шахсига ғарқ бўлиш ҳолатига фақат унга садоқат билан хизмат

қилиш ёрдамида эришиш мумкин. Ана шундай узлуксиз садоқат билан хизмат қилишга эса, инсон фақат ҳақиқий руҳий устозининг кўрсатмалари асосида ҳаракат қилиш орқали эриша олади. Шунинг учун Ведаларда таъкидлаб айтилганки, Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини ўрганиш учун инсон ўзини ҳақиқий руҳий устоз ихтиёрига топшириши лозим. Парампара(устозлар силсиласи)да турган, Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини мукамал биладиган киши ҳақиқий руҳий устоз ҳисобланади. Ана шундай парампара *ипротрий-ам* деб аталади. Руҳий устознинг парампарада турганини исботлайдиган асосий белги унинг бхакти-йогада мустаҳкам туриб олгани ҳисобланади. Баъзан одамлар ҳақиқий руҳий устоз излаб топишга унчалик эътибор бермайдилар. Бунинг ўрнига улар сеҳрли йога билан шуғулланиш орқали руҳий ўзлигини, Худони англаб олишга ҳаракат қиладилар, лекин, инсоният тарихидан маълумки, ҳатто Вишвамитра сингари буюк сеҳргар-йоглар ҳам руҳий юксалиш йўлидан адашганлар. "Бхагавад-гита"да Аржун айтадики, ақлни жиловлаб олиш ҳатто кучли бўронни тўхтатишдан ҳам қийин. Баъзан ақлни кутурган филга ўхшатадилар. Руҳий устознинг кўрсатмаларига амал қилмай туриб, инсон ўз ақлини ва ҳиссиётини жиловлай олишга қодир эмас. Бошқача қилиб айтганда, агар инсон сеҳрли йога машғулотлари билан шуғулланиб юрса-ю, ҳақиқий руҳий устоз паноҳи остига кирмаса, у руҳий юксалиш йўлида ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмайдди, бу билан у шунчаки ўзининг инсон танасидаги нодир умрини хазон қилади, холос. Ведаларда айтилганки, агар ҳақиқий *ачарйа* бошқариб, йўл кўрсатиб турмаса, ҳеч ким мукамал илмга эга бўлолмайди. *Ачарйаван пуруша веда* - ачарйа қабул қилган киши Ҳақиқатни билади. Баҳс мунозаралар орқали Мутлақ Ҳақиқатни англаб бўлмайди. Мукамал браҳманлик поғонасига кўтарилган киши табиий равишда таркидунёлик ҳолатига эришади; у моддий манфаат изидан қувмайди, чунки эгаллаган руҳий илми шарофати билан у "бу оламда бирор нарсага муҳтожлик, эҳтиёж йўқ" деган хулосага келган бўлади. Худонинг Олий Шахси ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса билан ҳамманинг эҳтиёжларини етарли миқдорда таъминлаб туради. Шу боис ҳақиқий браҳман моддий бойликларга эришиш учун ҳаракат қилиб ўтирмайди. Бундан кўра у ўзининг ҳаётини муносиб бошқара оладиган ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилади. Ҳақиқий руҳий устоз *брахмаништхам* экани билан бошқа оддий одамлардан ажралиб туради. Бу дегани у ҳаётда бошқа ҳар қандай фаолиятни тарк этиб, ўзининг бутун умрини фақат Худонинг Олий Шахси, Кришна учун садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган бўлади. Ҳақиқий шогирд ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилганида у камтарин ҳолда унга шундай деб илтижо қилади: "Эй ҳукмдорим,

марҳамат қилиб мени Ўзинга шогирд қилиб ол, мени ўзликни англашнинг бошқа йўллари рад этишга ва ҳаётимни фақат Худога садоқат билан хизмат қилишга, Кришнани англашга бағишлагга ўргат!"

Рухий устознинг кўрсатмалари асосида ўзининг бутун умрини Худога соф садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган бхакта шундай мулоҳаза юрита бошлайди: "Эй азиз Худойим, Сен - барча лаззатлар манбаисан. Сен бор экансан, жамият, дўстлик ва дунёвий муҳаббат келтирадиган ўткинчи лаззатларнинг нима кераги бор? Ҳақиқий лаззатнинг олий манбаини билмайдиган одамлар ҳаётда ўткинчи, алдамчи ҳиссий лаззатлардан қаноат ҳосил қилишга уриниб катта хатога йўл қўядилар". Бу борада буюк ваишнав шоир Видйапати шундай дейди: "Эй азиз Худойим, шубҳа йўқки, жамият, дўстлик ва дунёвий муҳаббат ҳам инсонга қандайдир лаззат бағишлайди, гарчи бундай лаззатлар моддий ҳаётда мавжуд бўлса ҳам, улар менинг саҳрога ўхшаб қақраб қуриб қолган қалбимни қаноатлантира олмайди". Саҳрони қаноатлантириш учун бир уммон сув керак. Саҳрога тушган бир томчигина сувнинг қадри қанчалик бўлиши мумкин? Худди шундай бизнинг моддий қалбимиз ҳам чексиз истакларга тўла, уларни моддий жамият, дўстлик ва дунёвий муҳаббат сингари ўткинчи нарсалар билан қаноатлантириб бўлмайди. Қалбимиз ҳақиқий лаззат манбаидан лаззат ола бошлаганидагина биз ҳаётдан тўла мамнуният ҳосил қила бошлаймиз. Ана шундай илохий лаззатга фақат тўла Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали эришиш мумкин.

Ведалар тимсоли давом этдилар: "Эй азиз Худойим, Сен *сач-чид-ананда-виграха*, илмнинг мангу лаззатли кўринишисан, тирик мавжудотлар Сенинг Шахсингнинг ажралмас заррачалари бўлгани сабабли уларнинг табиий ҳолати - Сени тўла англаб етиш, ҳаётда ҳамиша Сенинг онгинг билан яшаш. Моддий оламда ана шундай онг билан яшаётган ҳар қандай кишини дунёвий, моддий турмуш тарзи қизиқтирмай қўяди. Худони англаб етган, Кришна онгига эга бўлган киши оилавий ҳаёт ёки қулай ҳаёт шароитлари яратиш билан қизиқмайди, у фақат танасининг энг муҳим эҳтиёжларини қондириб яшаш билан қаноат ҳосил қилади. Бошқача қилиб айтганда, энди уни ҳиссий лаззатлар қизиқтирмай қўяди. Инсон ҳаётининг комиллиги илм ва таркидунёликка асосланади, аммо оилавий турмуш кечириб юриб илм ва таркидунёликка эришишга уриниш жуда мушкул. Шунинг учун Худони англаб етган, Кришна онгига эга бўлган кишилар фақат бхакталар даврасида яшашдан ёки муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилишдан нажот топадилар. Ана шундай одамлар Олий Рух билан алоҳида тирик мавжудотларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги илмни яхши биладилар, уларнинг ҳаёт ҳақида ҳеч қачон моддий тана нуктаи-

назаридаги тасаввурга бормадилар. Ҳамиша онгли равишда Сени ўз қалбида олиб юрганлари сабабли улар шу қадар покланадиларки, улар борган ҳар қандай жой ҳам покланиб, муқаддас саждагоҳга айланади, уларнинг оёқлари ювилган сув эса, бу моддий оламда сарсон бўлиб юрган кўплаган гуноҳкорларни рухий озодликка чиқаришга қодир".

Прахлад Махаражнинг имонсиз отаси ундан мактабда ўрганган илмлари ичидан энг яхшиси ҳақида гапириб беришни илтимос қилганида, у отасига жавоб бериб айтдики, ўткинчи ва нисбий ҳақиқат билан яшаётгани сабабли қалби хавотирга тўла бўлган имонсиз одам учун энг яхши амал - оилавий ҳаётнинг чуқур кудуғини тарк этиб, Худонинг паноҳига кириш учун хилват ўрмонга йўл олишдан иборат. Соф бхакталарни махатмалар, яъни "мукамал илмга эга бўлган шахс"лар, "буюк донишманд"лар деб улуғлайдилар. Улар ҳамиша Худо ҳақида, Унинг нилуфар қадамлари пойи ҳақида ўйлаб юрадилар, улар рухий озодликка ўзидан-ўзи табиий равишда эришадилар. Ҳамиша ана шундай ҳолатда юрган бхакталар Парвардигорнинг англаб бўлмас қудратидан қувватланадилар, шу тариқа улар ўзларининг издошлари ва бхакталар учун озодликка чиқиш манбаига айланадилар. Кришна онгига эга бўлган кишининг қалби рухий қувватга тўла бўлади, шунинг учун ана шундай соф бхакта билан учрашган ёки унинг қадамлари пойидан паноҳ топган ҳар қандай одам ҳам рухий қувватга эга бўлади. Ана шундай бхакталар ҳеч қачон одамлар олдида ўзларининг моддий бойлиги билан гердаймайдилар. Одатда мартабали оилада туғилиш, маълумотли бўлиш, гўзаллик ва мол-дунё моддий бойлик ҳисобланади, лекин, Парвардигорнинг бхактаси, Худонинг содик хизматкори ҳатто шундай бойликларга эга бўлса ҳам, у бу билан ҳеч қачон мағрурланиб, манманликка берилиб кетмайди. Парвардигорнинг буюк бхакталари бутун олам бўйлаб бир муқаддас саждагоҳдан иккинчисига саёҳат қилиб юрадилар, улар ўз йўлида жуда кўп шартланган руҳларни учратадилар, улар билан ҳамсуҳбат бўлиб, одамлар орасида Худо ҳақидаги илохий илмни тарғибот қиладилар. Улар Вриндаван, Матхура, Дварака, Жаганнатха Пури ва Навад-випа сингари жойларда яшайдилар, чунки бундай муқаддас жойларда фақат Парвардигорнинг бхакталари тўпланадилар. Улар авлиё одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш имкониятидан фойдаланадилар, ана шундай суҳбатлар шарофати билан бу бхакталар Кришнани тобора чуқурроқ англай борадилар. Кришна онги билан яшашдан маҳрум бўлган оддий оилавий ҳаёт кечириш орқали ана шундай юксак рухий юксалишга эришиб бўлмайди.

Ведалар тимсоли давом этдилар: "Эй азиз Худойим, илоҳиёт одамлари, трансценденталистлар икки тоифа бўладилар - имперсоналистлар ва персоналистлар. Имперсоналистлар фикрига

кўра намоён бўлиб турган бу моддий олам алдамчи, сароб, фақат Мутлақ Ҳақиқат ҳақиқатан ҳам мавжуддир. Персоналистлар эса, бу моддий олам гарчи ўткинчи бўлса ҳам, барибир алдамчи сароб эмас, ҳақиқатан ҳам мавжуд, деб биладилар. Бундай илоҳиётчи одамларнинг ҳар бири ўз фикрини исботлаш учун турли исбот, далиллар келтирадилар. Аслида эса бу моддий олам бир вақтнинг ўзида ҳам ҳақиқий мавжуд, ҳам мавжуд эмас. У шу жиҳатдан ҳақиқийки, ҳамма нарса Олий Мутлақ Ҳақиқатнинг экспансияси ҳисобланади, у алдамчи, чунки вақтинча намоён бўлиб туради - у яратилади ва у яқсон бўлади. Ҳар хил ҳолатларда намоён бўлиб тургани учун моддий борлиқ ўзгармас мангу ҳолатга эга эмас. Бу моддий оламни "сохта", "алдамчи" деб биладиган одамларни одатда уларнинг куйидаги иборани таъкидлашдан билиб оладилар: *брахма сатйа жаган митхйа*. Улар "моддий оламдаги ҳамма нарса моддий унсурлардан яратилади" деган фикрни илгари сурадилар. Масалан, тупроқдан ясалган турли нарсалар бор - кўза, шар, бошқа идишлар. Яқсон бўлгандан кейин бу нарсалар бошқа нарсаларга айланиши мумкин, лекин тупроқ сифатида улар ҳамиша мавжуд бўлиб қолаверадилар. Сув солинадиган кўза синиб яқсон бўлганида, ундан бошқа бирор идиш ясашлари мумкин, лекин тупроқ, кўза кўринишидами ёки бошқа бирор нарса кўринишидами ҳамиша мавжудлигича қолаверади. Шундай экан сув солинадиган кўза, ёки бошқа идиш кўринишлари алдамчи, лекин уларнинг тупроқ сифатида мавжудлиги ҳақиқий. Имперсоналистларнинг фикрлари ана шундай. Шубҳа йўқки, бу моддий олам Мутлақ Ҳақиқатдан пайдо бўлган, лекин унинг мавжудлиги ўткинчи бўлгани учун у - алдамчи; имперсоналистларнинг фикрича, ҳамиша мавжуд бўлган Мутлақ Ҳақиқат ягона ҳақиқий мавжуд ҳақиқатдир. Бошқа трансценденталистларнинг фикрига кўра эса, Мутлақ Ҳақиқатдан чиқадиган бу моддий олам ҳам ҳақиқий. Бунга жавобан имперсоналистлар эътироз билдириб айтадиларки, моддий олам ҳақиқатан мавжуд эмас, чунки баъзан модда рухий заррадан пайдо бўлади, баъзан эса рухий зарра моддадан пайдо бўлади. Шундай файласуфлар бунда шундай ғояни мисол қилиб кўрсатадилар: шарчи сигир тезаги ўлик модда бўлса ҳам, унда ҳар хил қуртлар пайдо бўлади. Худди шундай тирноқ ва соч сингари ўлик моддалар ҳам тирик танадан ўсиб чиқади. Шундай қилиб, агар қандайдир нарсалар бошқа бир нарсадан келиб чиқадиган бўлса, улар ҳамиша ҳам бир хил нарса бўлавермайди (яъни ўликдан чиққан ҳамма нарса ўлик, тирикдан чиққан ҳамма нарса тирик деб бўлмайди). Ана шу мисолни рўқач қилиб, майявади-файласуфлар шундай хулосага келадилар: гарчи бу моддий олам шубҳасиз Мутлақ Ҳақиқатдан чиққан бўлса ҳам, бу борлиқ ҳақиқий эмас. Бу фикрга қўшиладиган бўлсак, Мутлақ Ҳақиқатни, Брах-

манни "ягона ҳақиқат" деб, ундан чиққан бўлишига қарамай бу моддий оламни ҳақиқат деб ҳисоблаб бўлмайди.

Лекин, "Бхагавад-гита"да айтилганки, майявади-файласуфларнинг бундай фикри имонсиз иблислар, асурларга хос бўлган фикрдир. Парвардигор шундай дейди: *"асатйам апртиштхам те жагад ахур анишварам* - "Асур(иблис)ларнинг моддий олам ҳақидаги тасавури шундан иборатки, улар бутун Борлиқ аслида алдамчи деб ҳисоблайдилар". Асурларнинг фикрига кўра, бутун Борлиқ шунчаки моддий унсурларнинг ўзаро ҳаракатлари натижасида юзага келган. Уларнинг фикрича Борлиқни бошқариб турган Зот, Худо мавжуд эмас. Лекин аслида бундай эмас. "Бхагавад-гита"нинг еттинчи бобидан биз биламизки, беш қўпол моддий унсур: (1)ер, (2)сув, (3)олов, (4)ҳаво ва (5)осмон, шунингдек нафис унсурлар - (6)ақл, (7)тафаккур ва (8)сохта ўзлик - Парвардигорнинг ажралган саккиз қуввати ҳисобланади. Ана шу қуйи моддий қувватдан ташқари Парвардигорнинг "тирик мавжудотлар" деб аталадиган олий қуввати ҳам бор. Бутун моддий олам ана шу икки қувватнинг бирикмасидан иборат, барча қувватларнинг манбаи эса - ҳар хил қувватларга эга бўлган Худонинг Олий Шахсидир. Бу ҳақиқат Ведаларда ҳам тасдиқланган. *Парасйа шактир вивидхайва ируйате* - Парвардигорнинг илоҳий қувватлари ранг-баранг, хилма-хил, ана шу ранг-баранглик Парвардигордан чиқиб тургани учун улар алдамчи бўлиши мумкин эмас. Парвардигор ҳам, Унинг қувватлари ҳам мангу мавжуддирлар. Парвардигорнинг баъзи қувватлари ўткинчи - баъзида намоён бўлади, баъзида намоён бўлмайди, - лекин бунинг учун шу қувватни алдамчи, сароб деб бўлмайди. Бунга шундай мисол келтириш мумкин: одам жаҳли чиққанида у одатдагидай ҳаракат қилмайди, аммо унинг жаҳли баъзида чиқиб, баъзида йўқолиб кетгани учун жаҳлнинг қувватини алдамчи деб бўлмайди. Шу боис ваишнав-файласуфлар майявадиларнинг "бу моддий олам сароб, алдамчи" деган умуман фикрига қўшила олмайдилар. Парвардигорнинг Ўзи тасдиқлаб айтяптики, "фақат имонсиз иблислар, асурларгина бу моддий оламнинг бошланғич сабаби йўқ, Худо йўқ, ҳамма нарса шунчаки моддаларнинг ўзаро ҳаракати сабабли дунёга келади" деб ўйлайдилар.

Майявадилар баъзида илон билан арқонни мисол келтирадилар. Кечаси қоронғуда одам алданганидан ўралиб ётган арқонни илон деб ўйлаши мумкин. Лекин адашиб арқонни илон деб қабул қилган билан, илон ёки арқон ҳақиқатан ҳам аслида умуман мавжуд эмас, деб бўлмайди-ку. Шу боис майявадиларнинг бу моддий оламнинг ҳақиқий эмаслигини исботлаш учун келтирадиган мисоллари ишонарли эмас. Аслида умуман мавжуд бўлмаган нарсани мавжуд деб қабул қилганларидагина шу нарса сароб, алдамчи деб ҳисобланади. Агар бирор мавжуд

нарсани адашиб бошқа нарса ўрнида қабул қилса, бу - сароб, алдамчи бўлмайди. Ваишнав-файласуфлар бунга тўғри келадиган мисол тариқасида бу моддий оламни лойдан ясалган кўза билан қиёслайдилар. Биз кўзани кўриб турганимизда у бизнинг кўз олдимизда йўқолиб қолмайди ёки бошқа нарсага айланиб қолмамайди. Балки у ўткинчидир, лекин кўзада сув олиб келиш мумкин, биз уни кўза ўрнида кўришда давом этаверамиз. Шунинг учун, гарчи кўза ўткинчи бўлса ҳам, асл ҳолидаги ердан кўриниши билан фарқ қилса ҳам, биз кўза ҳақиқатан ҳам мавжуд эмас деб айта олмаймиз. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ер ҳам, тупроқдан ясалган кўза ҳам ҳақиқатан мавжуд, чунки улар бири иккинчисидан ясалган. Биз "Бхагавад-гита"дан биламизки, бу моддий олам яксон бўлганидан кейин моддий қувват Худонинг Олий Шахси ичига киради. Ўзининг турли хил қувватлари билан Худонинг Олий Шахси мангу мавжуд. Моддий Борлиқ Ундан чиқиб тургани учун биз бу моддий олам бўшлиқдан юзага келган алдамчи сароб деб айта олмаймиз. Кришна - бўшлиқ эмас. Биз қачон Кришна ҳақида гапира бошласак, У Ўзининг қиёфаси, сифатлари, номлари, ҳамроҳлари ва анжомлари билан шу ерда ҳозир бўлади. Шундай экан Кришна - шахсиятсиз эмас. Бутун борлиқнинг бошланғич сабабчиси шахсиятсиз ҳам эмас, бўшлиқ ҳам эмас - Олий Шахс. Имонсиз иблислар бу моддий оламни ҳеч ким бошқариб тургани йўқ, у *анишвара*, яъни "Худо йўқ" деб юраверсинлар, охиروқибатда бундай гапларга умуман ишониб бўлмайди.

Майявадиларнинг тирноқ ва сочлар сингари ўлик нарсалар тирик танадан чиқади деган мисолини ҳам ишонарли далил деб бўлмайди. Шубҳа йўқки, тирноқ ва сочлар жонсиз, лекин улар тирик мавжудотдан, лекин унинг ўлик, моддий танасидан чиқиб турибдилар. Худди шундай уларнинг сигир тегагидан курт чиқишини мисол келтириб, "ўлик нарсдан тирик нарса чиқади" деган хулосаси ҳам нотўғри. Сигир ахлатидаги курт ҳақиқатан ҳам тирик мавжудот, лекин у сигирнинг тегагидан чиқмайди; фақат тирик мавжудотнинг, куртнинг танаси сигир тегагидан чиқади. Биз "Бхагавад-гита"дан биламизки, руҳий учқунлар, яъни тирик мавжудотлар моддий табиат ичига киритилади, кейин ундан чиқадилар. Тирик мавжудотнинг турли кўринишдаги таналарини моддий табиат яратади, лекин тирик мавжудотнинг ўзини моддий табиат ичига Парвардигорнинг Ўзи киритади. Ота ва она маълум шароитларда тирик мавжудот учун зарур бўлган моддий танани яратадилар. Тирик мавжудот ўзининг истакларига мос равишда бир танадан иккинчи танага кўчиб юрадилар. Тафаккур, ақл ва сохта ўзликнинг нафис қиёфасидаги истаклар тирик мавжудот билан бирга бир танадан иккинчи танага ўтиб юради. Шундай қилиб, Олий Ҳукмдор амри билан тирик

мавжудот маълум бир она қорнига жойланади, унда тирик мавжудот ўзи учун шу танага ўхшаган танани ривожлантира бошлайди. Демак, руҳий заррача бўлган тирик мавжудот моддадан келиб чиқмайди, лекин Олий Ҳукмдор амри билан маълум танага эга бўлади, холос. Биз ўз тажрибамиздан биламизки, бу моддий олам модда билан руҳнинг бирикмасидан иборат. Руҳ - моддани ҳаракатга келтириб турган кучдир. Руҳий заррача(тирик мавжудот) ва модда Парвардигорнинг ҳар хил қувватларидир. Бу икки қувват ҳам мангу Олий Зотдан, Олий Ҳақиқатдан чиқиб тургани учун улар ҳақиқатан ҳам мавжуд, асло алдамчи ёки сароб эмас. Тирик мавжудот Парвардигорнинг ажралмас мангу заррачаси бўлгани сабабли у ҳам мангу мавжуд. Шунинг учун мангу руҳнинг туғилиши, ўлиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, бу тушунчалар шунчаки моддий тана мавжудлиги сабабли юзага келган тасаввур, холос. Ведаларда келтирилган *сарвам кхалв идам брахма* ибораси шунини билдирадики, бу икки қувват ҳам Олий Брахмандан чиққани сабабли биз кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси Брахмандан фарқ қилмайди.

Бу моддий оламнинг мавжудлиги ҳақида файласуфлар жуда кўп баҳс-мунозарага борадилар, аммо ваишнав-файласуфларнинг бу борадаги хулосаси - энг тўғри хулоса. Бу ерда лойдан ясалган кўза аниқ мисол бўла олади: "кўзанинг шакли вақтинчалик бўлиши мумкин, лекин унинг аниқ бир вазифаси бор. Кўза сувни бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш учун яратилган. Худди шундай, гарчи ўткинчи бўлса ҳам, бу моддий тананинг ҳам аниқ бир вазифаси бор. Олам яратилгандан бошлаб, қадим замонлардан бери ўзининг онгида тўплаб келатган истакларига мос равишда тирик мавжудотга турли кўринишдаги таналарни ривожлантириш имкони берилади. Шу таналар ичида фақат инсон танаси тирик мавжудотга ўзининг юксак даражада ривожланган онгидан энг олий мақсад йўлида самарали фойдаланиш имконини беради.

Баъзан майявади-файласуфлар шундай бир далил келтирадилар: агар бу моддий олам ҳақиқий бўлса, нима сабабдан оилали одамларга бу моддий олам билан алоқани узиш ва саннийаси қабул қилиб таркидунёлик қилиб яшаш тавсия қилинади? Лекин ваишнавларнинг *саннийаса* турмуш тарзига муносабати бундай эмас; улар моддий олам алдамчи бўлгани учун ҳар қандай моддий фаолиятдан воз кечиш керак деб ўйламайдилар. Ваишнав саннийасининг вазифаси шундан иборатки, у бу моддий оламдаги ҳар бир нарсани ўз ўрнида ишлатиши лозим. Шрила Рупа Госвами бизларга бу дунёда қандай яшаш, қандай ҳаракат қилишнинг икки мезонини қолдириб кетган. Ваишнав моддий олам алдамчи бўлгани учун эмас, балки ўзини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаш учун таркидунёлик қилиб дунёвий турмуш тарзидан воз кечади. Шунинг учун Шрила Рупа Госвами

бизга шундай коида бериб кетган: моддий оламга боғланиб қолмаслик керак, чунки моддий боғланишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Моддий олам ва намоён бўлган бутун борлиқ ягона Парвардигорнинг, Кришнанинг мулки. Шунинг учун ҳамма нарсани фақат Кришна учун ишлатиш лозим, бхакта моддий нарсаларга боғланиб қолмаслиги керак. Ваишнав саннийасиларнинг мақсади шундан иборат. Дунёвий одам бу дунёда ҳиссий лаззатланиш учун қолади, ваишнав саннийаси гарчи ўзи лаззатланиш учун бирор нарсани қабул қилмаса ҳам, ҳамма нарсдан Парвардигорни мамнун қилиш учун қандай фойдаланиш мумкинлигини билади. Шунинг учун Шрила Рупа Госвами саннийаси-майявадиларни танкид қилган; улар бу дунёдаги ҳамма нарсани Худога садоқат билан хизмат қилишда ишлатиш мумкинлигини билмайдилар. Аксинча, улар бу оламни "алдамчи", "сароб" деб билладилар, шу боис адашиб, "моддий олам иллатидан халос бўлдик" деб юрадилар. Борлиқдаги ҳамма нарса Парвардигорнинг экспансияси бўлгани учун экспансиялар ҳам Парвардигорнинг Ўзи сингари ҳақиқийдир.

Бу моддий олам фақат вақтинча намоён бўлиб тургани унинг ҳақиқий эмаслигини ёки бу оламнинг манбаи алдамчи эканини билдирмайди. Моддий оламнинг манбаи ҳақиқий бўлгани учун намоён бўлган моддий олам ҳам ҳақиқий, шунчаки ундан қандай фойдаланиш лозимлигини билиш керак. Бу ерда шу мисолни келтириш мумкин: ҳақиқий ердан чиқадиган лойдан ясалган кўза ўткинчи, лекин у ўз ўрнида ишлатилганда кўза ҳақиқий ҳисобланади. Худди фаросатли одам вақтинчалик яратилган кўзадан қандай фойдаланишни билгани сингари, ваишнавлар ҳам бу вақтинчалик моддий оламдан тўғри фойдаланиш қандай бўлишини яхши билладилар. Лойдан ясалган кўза ноўрин ишлатилганида у ҳақиқий бўлмайди. Худди шундай, нодир инсон танаси ёки моддий олам ҳам алдамчи, ўткинчи ҳиссий лаззатлар учун ишлатилганида улар ҳам алдамчи бўлади. Агар мана шу инсон танаси ва моддий олам Худога садоқат билан хизмат қилишда ишлатилса - уларнинг фаолияти ҳақиқий фаолият бўлади. "Бхагавад-гита"да айтилганки, моддий оламдан ва инсон танасидан Худога садоқат билан хизмат қилишда фойдаланишга бўлган озгина истак ҳам инсонни ҳаётда энг катта хавф-хатардан асраб қолади. Агар ўз ўрнида тўғри фойдаланилса, Худонинг Олий Шахсидан чиқаётган олий қувват ҳам, қуйи қувват ҳам ҳақиқий бўлади. Кармали фаолият эса одатда ҳиссий лаззатланишга асосланган бўлади. Шу боис Кришнани англаб етган, ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган фаросатли киши бундай бемаъни фаолият билан шуғулланмайди. Кармали фаолият натижасида тирик мавжудот олий сайёралар тизимига кўтарилиши мумкин, лекин "Бхагавад-гита"да айтилганки, ақлсиз, нодон одамлар жаннатда ўзларининг бу дунёда қилган

савоб ишларининг натижаларидан лаззатланиб бўлгандан кейин яна қуйи сайёралар тизимига тушади, кейин яна юқори сайёралар тизимига, жаннатга кўтарилишга интилиб яшайдилар. Улар жаннатга кўтариладилар - яна қайтиб тушадилар, ўз уринишлари билан уларнинг эришадиган натижаси ана шундай сарсон-саргардонликдан бошқа ҳеч нарса эмас. Худди шундай имонсиз материалистлар ҳам, шунчаки кейин яна қайтиб тушиш учун зўр бериб Ой сайёрасига кўтарилишга уришиб ўзларининг шунча вақтини, маблағини бекорга сарфляптилар. Ведалар тимсоли ана шундай бемаъни фаолият билан шуғулланиб юрган одамларни *андха-парампара*, яъни "ведавий урф-одатларга кўр-кўрона амал қиладиган ақидапарастлар" деб атапти. Гарчи Ведаларда ана шундай урф-одатлар кўрсатиб ўтилган бўлса ҳам, улар фаросатли одамлар учун тааллуқли эмас. Моддий лаззатлар ақлини олиб қўйган одамлар жаннатий сайёраларга кўтарилиш имкониятига мафтун бўлиб қоладилар, шу боис улар ўзларининг шу мақсадига эриштирадиган урф-одатларга риоя қиладилар. Фаросатли, яъни ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилган одам эса, ҳақиқатни, ҳамма нарсанинг моҳиятини англаб олиш учун кармали фаолият билан шуғулланиб ўтирмайди, бунинг ўрнига ҳаётини Худога садоқат ва илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга бағишлайди.

Бхакта бўлмаган одамлар ведавий урф-одатларга моддий мақсадларни кўзлаб мурожаат қиладилар, охир-окибатда улар алданиб қоладилар. Бунга аниқ бир мисол келтириш мумкин: миллион доллар пули бўлган киши долларлар аслида қоғоздан бошқа ҳеч нарса эмаслигини билса ҳам, пулларини бемалол ишлатаверади. Миллион доллари бор одам аслида бир даста қозозга эга бўлади, лекин у бу пулларни бирор аниқ мақсадда ишлатса, у катта фойда олади. Бу моддий олам ҳам шундай, - гарчи у ҳам худди доллар қоғозга ўхшаган ҳақиқий бўлмаса ҳам, ундан тўғри фойдаланиб ҳақиқий мақсадга эришиш мумкин. Қоғоз бўлса ҳам, долларни ҳукумат ўзи чиқариб қўйгани учун у ҳақиқий қийматга эга. Бу моддий олам ҳам шундай, у алдамчи ёки вақтинчалик бўлиши мумкин, лекин у Парвардигорнинг Ўзидан чиқиб тургани учун ўзининг аниқ кадрига, қийматига эга. Файласуф-ваишнав моддий оламнинг қадрини ва ундан қандай фойдаланиш лозимлигини яхши билади, файласуф-майявади эса долларни шунчаки бир қоғоз деб, уни инкор этади, пуллардан тўғри фойдаланиш қандай бўлишини билмайди. Шунинг учун Шрила Рупа Госвами айтадики, бу моддий оламни алдамчи деб инкор этган, у аслида Худога садоқат билан хизмат қилиш воситаси сифатида муҳим эканини билмаган кишининг таркидунёлиги ҳеч қандай кадр-қийматга эга эмас. Моддий оламни Худога садоқат билан хизмат қилиш воситаси сифатида қадрлай оладиган, лекин моддий оламга боғланиб қолмаган, ундан

ўзи ҳиссий лаззатланиш учун фойдаланишни тарк этган киши ҳақиқий таркидунё қилган одам бўлади. Бу моддий олам Парвардигорнинг моддий қувватининг экспансиясидир. Шунинг учун у ҳақиқий. Имперсоналистларнинг уни баъзида илон билан арқонга қиёслагандай У алдамчи эмас.

Ведалар тимсоли илтижо қилишда давом этдилар: "Намоён бўлган бу моддий олам, ранг-баранг ўзгарувчан табиати сабабли калтафаҳм одамларга ҳақиқий эмасдай туюлади". Майявадилар моддий оламнинг алдамчилигини исботлаш учун моддий табиатнинг ўзгарувчанлигидан фойдаланмоқчи бўладилар. Ведалар айтяптики, яралишдан аввал бу олам мавжуд эмасди, яксон бўлгандан кейин у намоён бўлган ҳолатда мавжуд бўлмайди. Бўшлиқ фалсафаси издошлари ҳам Ведаларнинг ана шу гапларини рўқач қилиб "моддий олам яралишининг бошланғич сабаби бўшлиқдан иборат" деб ҳисоблайдилар. Лекин Ведаларда моддий олам бўшлиқдан яралган деб айтилмаган. Ведаларда оламнинг яралиш ва яксон бўлиш манбаи қуйидагича таърифланган: *йато ва имани бхутани жайанте* - "Бутун борлиқ чиқадаган ва яксон бўлгандан кейин яна таркибига қўшилиб кетадиган Зот". "Веданта-сутра"да ҳам, "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи қўшиғининг биринчи бобида ҳам бу ҳақиқат тасдиқланган, унда *жанмадийасйа*, яъни "Бутун борлиқ пайдо бўладиган Зот" дейилган. Мана шу ведавий кўрсатмаларнинг ҳаммаси бутун моддий олам Худонинг Олий Шахсидан пайдо бўлишини, яксон бўлганда эса яна Унга қўшилиб кетишини кўрсатади. "Бхагавад-гита"да ҳам бу ҳақиқат тасдиқланган: намоён бўлган бу моддий олам мавжуд бўлиб туради, кейин яксон бўлганида яна Парвардигорнинг борлиғига қўшилиб кетади. Бу гаплар шуни аниқ кўрсатиб турибдики, *бахиранга-майя*, яъни "ташқи-қувват" деб аталадиган маълум бир қувват, ўткинчи табиатга эга бўлишига қарамай, барибир Парвардигорнинг қуввати ҳисобланади, демак у ҳақиқий бўлмаслиги мумкин эмас. У шунчаки ҳақиқий эмасдай бўлиб кўриниши мумкин, холос. Майявадиларнинг фикрига кўра, моддий табиат аввалига мавжуд бўлмаган, олам яксон бўлгандан кейин ҳам мавжуд бўлмайди, шу сабабли у ҳақиқий эмас. Аммо Ведаларнинг гапларини лойдан ясалган кўза ва товоқлар мисолида тушунтириш мумкин: гарчи Мутлак Ҳақиқатнинг маълум бир маҳсулотлари вақтинча мавжуд бўлиб турса ҳам, Парвардигорнинг қуввати ҳамиша мавжуд. Кўза ёки товоқ синиб йўқолиши ёки тувак ёки коса сингари бошқа шаклга эга бўлиши мумкин, аммо унинг таркибий қисми, яъни лой, тупроқ ўзгармай, ҳамиша мавжуд бўлиб қолаверади. Намоён бўлган бу моддий оламнинг асоси ҳамиша бир хилда, ўзгармас мавжуд бўлган - Брахман, Мутлак Ҳақиқат; шу боис майявадиларнинг "моддий олам ҳақиқий эмас" деган таълимоти албатта

ноўрин, шунчаки хом-хаёл. Моддий оламнинг вақтинчалик ранг-баранг табиатга эга бўлгани учун уни алдамчи, сароб демаслик керак. Аслида ҳеч қачон мавжуд бўлмаган, фақат сўзда, хаёлдагина мавжуд бўлган нарсани алдамчи, сароб деб айтиш мумкин. Масалан, отнинг тухуми, самовий гул, қуённинг шохи - ана шу нарсалар фақат сўздагина мавжуд бўлган нарсалардир. Отнинг тухуми ҳам, қуённинг шохи ҳам мавжуд бўлиши ёки гул самода ўсиши мумкин эмас. Фақат номигина бор бўлган ёки фақат хаёлан мавжуд бўлган, лекин ўзи ҳеч қачон намоён бўлмайдиган нарсалар кўп. Ана шундай нарсаларни алдамчи, ҳақиқий эмас деб айтиш мумкин. Лекин ваишнав моддий оламнинг табиати гоҳида намоён бўлиб, гоҳида намоён бўлмагани учун уни ҳақиқий эмас деб ҳисобламайди.

Ведалар тимсоли давом этиб, айтдиларки, Олий Рух ва алоҳида рух, яъни Параматма ва живатма гарчи худди бир дарахтда ўтирган қушлар сингари бир тана ичида мавжуд бўлсалар ҳам, ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда ҳам бири-бирига тенг бўла олмайдилар. Ведаларда айтилганки, бу икки қуш дўстлар сингари ёнма-ён ўтирган бўлсалар ҳам, уларнинг мартабалари бир хил эмас. Уларнинг биттаси шунчаки гувоҳ. Ана шу қуш Параматма, яъни Олий Рух, бошқа қуш эса дарахт меваларидан тотиб юради. Бу - *живатма*. Моддий олам намоён бўлганида живатма, яъни алоҳида рух ўзининг аввалги ҳаётидидаги кармали фаолиятининг натижаларига қараб, бу оламда турли таналарда пайдо бўлади, у ўзининг ҳақиқий ҳолати қандай эканини аллақачон эсан чикариб юборгани туфайли ўзини моддий табиат қонунлари асосида олган ўткинчи танасига қиёслаб юради. Маълум бир моддий танага эга бўлиб, рух моддий табиатнинг уч гунаси таъсирга тушиб қолади ва шу таъсирга мос равишда ҳаракат қилиб, ўзининг моддий оламдаги ҳаётини давом эттиради. Ана шундай ғофиллик пардаси билан қопланган рухнинг табиий мукамаллиги жуда оз микдорда барибир мавжуд бўлса ҳам, деярли йўқолиб кетади. Аммо, гарчи Парвардигор ҳам бу моддий оламда пайдо бўлса ҳам, Олий Рухнинг, Худонинг Олий Шахсининг мукамаллиги умуман камайиб қолмайди; У ўзининг улғуворлигини ва мукамаллигини ҳамиша тўлалигича сақлаб қолади, бу моддий оламнинг мусибат ва азобларидан четда туради. Шартланган рух моддий олам қопқонига тушиб қолади, Олий Рух, Худонинг Олий Шахси эса, худди ўзининг терисини ташлагани сингари моддий олам иллатларига ботмасдан уни тарк этади. Олий Рух билан алоҳида рух орасидаги фарқ шундан иборатки, Олий Рух, Худонинг Олий Шахси ўзининг *шад-аишварйа*, *ашта-сиддхи* ҳамда *ашта-гуна* деб аталадиган табиий мукамалликларини ҳамиша бир хилда сақлаб қолади. Илми саёз бўлгани сабабли майявадифайласуфлар Кришнанинг ҳамиша олти мукамал фазилатга, саккиз турли илоҳий сифатга ва

саккиз турли сеҳр кучига мукамал эга эканини унутиб қўядилар. Унинг олти комил фазилати қуйидагилар: ҳеч ким бойликда, кучда, гўзалликда, шон-шухратда, илмда ва боғланмасликда Кришнадан устун бўла олмайди. Кришнанинг саккиз турли илоҳий сифатларидан биринчиси шундан иборатки, ҳеч қачон Унга моддий ҳаёт иллатлари яқинлаша олмайди. Бу "Ишопанишад"да дам тасдиқланган: *anapa-viddхам* - худди қуёшни ҳеч нарса ифлос қила олмагани сингари, Парвардигор ҳам бирор гуноҳ иш оқибатида гуноҳ иллатига ботиб қолмайди. Гарчи Кришнанинг баъзи бир ишлари одамларга гуноҳ ишдай бўлиб кўринса ҳам, бундай ишлари ҳеч қачон Уни гуноҳкор қилиб, гуноҳ иллати билан булғаб қўя олмайди. Кришнанинг иккинчи илоҳий сифати - У ҳеч қачон ўлмайди. "Бхагавад-гита"нинг тўртинчи бобида Кришна Аржунга айтадики, У ҳам, Аружун ҳам бу моддий оламга жуда кўп марта келганлар, лекин фақат Унинг ўзи ўтмишда бўлган, ҳозир бўлаётган ва келажакда рўй берадиган нарсаларнинг ҳаммасини яхши билади. Демак, У ҳеч қачон ўлмайди. Унутиш - ўлиш оқибатидир. Биз ўлганимиздан кейин танамизни бошқа танага алмаштирамиз. Мана шу унутиш бўлади. Аммо Кришна ҳеч қачон ҳеч нарсани эсидан чиқармайди. У ўтмишда рўй берган ҳамма нарсани эсида сақлайди. Акс ҳолда У аввал қачонлардир "Бхагавад-гита"даги йога илмини қуёш фариштаси Вивасванга ўргатганини қандай эслаши мумкин эди? Шундай қилиб, У ҳеч қачон ўлмайди. Бунинг устига У ҳеч қачон кексаймайди. Курукшетра жанг майдонида пайдо бўлганида Унинг чеваралари бўлишига қарамай У кекса чол бўлиб кўринмасди. Ҳеч қандай гуноҳ ишлар Кришнани гуноҳкор қилиб иллатларга ботира олмайди, Кришна ҳеч қачон ўлмайди, Кришна ҳеч қачон кексаймайди, ҳеч қачон мусибат чекмайди, ҳеч қачон оч бўлмайди, ҳеч қачон чанқамайди. У нимани истаса ҳам бу Унинг мукамал қонуний ҳуқуқи бўлади, Унинг бирор қарорини ҳеч ким ўзгартира олмайди. Кришнанинг илоҳий сифатлари ана шундай. Бундан ташқари Кришнани *Йогешвара* деб атайдилар. У *анима-сиддхи*, энг кичик нарсадан кичик бўла олиш сингари барча саккиз турли сеҳр қудратларига эга. "Брахма-самхита"да айтилганки, Кришна ҳатто атомнинг, энг кичик моддий заррачанинг ҳам ичига кирган: *андантарастха-параману-чайантарастхам*. бунинг устига Кришна Гарбходакашайи Вишну қиёфасида катта коинот ичида ҳам мавжуд, У Сабаблар уммонида Маха-Вишну қиёфасида шу қадар баҳайбат танада ястаниб ётадики, ҳар бир нафас чиқарганида миллионлаган, триллионлаган коинотлар Унинг танасидан чиқиб туради. Мана шу Унинг *махима-сиддхи* деган сеҳр қудрати бўлади. Шунингдек Кришна *лагхима* қудратига ҳам эга: У энг енгил нарсадан ҳам енгил бўла олади. Шу боис У коинотдаги ҳар бир атом ичи-

га киради. Унинг ҳамма жойда муаллақ қола олиши шундай тушунтирилади. Кришна *пранти* санъатининг ҳам мукамал эгаси: У истаган ҳамма нарсасига эриша олади. Унда *ишита*, яъни бошқаларнинг ҳаракатини бошқара олиш қудрати ҳам бор. Уни Олий ҳукмдор, Парамешвара деб атайдилар. Бундан ташқари Кришна ҳар қандай зотни ўз ҳукмига бўйсундира олади. Мана шу сеҳр қудрати *ваишта* деб аталади.

Кришна барча комил фазилатлар, илоҳий сифатлар ва сеҳр қудратлари соҳибидир. Бирор оддий тирик мавжудот У билан тенглаша олмайди. Шунинг учун майявадиларнинг Олий Рух билан алоҳида руҳ бир бирига тенг деган таълимоти умуман нотўғри. Бундан шу ҳақиқат келиб чиқадики, Кришна - ҳамма сиғинадиган ягона Зот, қолган барча тирик мавжудотлар эса - Унинг хизматкорлари. Ана шундай тушунчага эга бўлиш - "ўзликни англаб етиш" деб аталади. Агар одам ҳаётдаги ўз ўрнини бошқача тушунса, ўзини "Кришнанинг мангу хизматкори" деб билмайдиган бошқа бир тасаввурга эга бўлса, демак у *майя* таъсири остида алданиб, адашиб юрган бўлади. Маълумки, майянинг охириги ҳийласи - тирик мавжудотга Худонинг Олий Шахси билан тенг бўлишни маслаҳат беришдан иборат. Майявади-файласуф ўзини Худога тенг деб даъво қилади, лекин ўзи қандай қилиб майя чангалига тушиб қолганини тушунтириб бера олмайди. Агар у Олий Худо бўлса, у қандай қилиб гуноҳ ишлар иллатига ботиб, карма қонунларига бўйсуниб ҳар хил оқибатларга дучор бўлиб юрибди? Майявадиларга шундай савол берсангиз, улардан бирортаси бунга ишонарли, аниқ жавоб бера олмайдилар. "Инсон Худонинг Олий Шахсига тенг" деган тахминлар - одамнинг гуноҳга ботганининг яна бир аломати. Агар барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай покланмаган бўлса инсон Кришнани англаш йўлига кира олмайди. Майявадиларнинг Парвардигор билан тенг бўлишга қилаётган даъволарининг ўзи шуни кўрсатиб турибдики, улар ҳали ўзларининг аввалги гуноҳлари оқибатидан тўла покланмаганлар. "Шримад Бхагаватам"да ана шундай одамлар *авишуддха-буддхайа* деб аталган. Бу демак, гарчи бир вақтнинг ўзида улар ўзларини Мутлақ Ҳақиқатга тенг деб билсалар ҳам, улар адашганидан ўзларини руҳий озодликка эришган зотлар деб ҳисоблайдилар. Уларнинг ақли покланмаган.

Ведалар тимсоли шундай дедилар: "Йоғлар ва гйаналар ўзларининг гуноҳкор ниятларидан покланмасалар, улар ўзликни англашда муваффақиятга эриша олмайдилар". "Эй азиз Худойим, - давом этди Ведалар, - агар такводор авлиё одам барча гуноҳкор истакларни қалбидан томири билан қўпориб ташлашга ҳаракат қилмаса, гарчи Олий Рух унинг танасида алоҳида руҳ билан ҳамиша бирга, ёнма-ён бўлса ҳам, у қалбидаги Олий Рухни ҳис қила олмайди. *Самадхи*, яъни мууроқаба шундан иборатки, бунда инсон қалбидаги Олий Рухни топа олиши лозим.

Агар бир одамда қимматбаҳо гавҳар тош қўйилган маржон бўлса-ю, лекин у ўзи буни унутиб қўйган бўлса, бу "унда қимматбаҳо гавҳар йўқ" дегани билан баробар. Худди шундай, агар алоҳида руҳ муроқаблага берилиб ўтирса-ю, лекин қалбида мавжуд бўлган Олий Рухни кўрмаса, сезмаса, ҳис қилмаса - у ҳали Олий Рухни англаб етмаган бўлади. Шу боис руҳий ўзликни англаш йўлига кирган одамлар, майянинг иллатларга ботирадиган ҳар хил чангалларига тушиб қолмаслик учун жуда эҳтиёт бўлишлари лозим. Шрила Рупа Госвами айтадики, бхакта ҳар қандай моддий истаклардан бутунлай пок бўлиши лозим. Бхакта карма ва гйананинг оқибатларига дучор бўлмаслиги керак. У шунчаки Кришнани тушунишга ҳаракат қилиб, ҳаётда фақат Унинг истакларини бажариб яшаши лозим. Соф садоқат поғонаси ана шундай бўлади. Қалбида ҳиссий лаззатларга аввалгидай интилишга ўхшаган нопок туйғулар бўлган сеҳргар-йогларнинг уринишлари ҳеч қачон уларга муваффақият келтирмайди, улар олий Рухни ҳам, ўзларининг алоҳида руҳ эканининг моҳиятини ҳам англаб етолмайдилар. Шунинг учун ўзларини йоглар ва гйани деб ҳисоблаб, ақлий фикрлашлар ёки чекланган сеҳр кудратини намоеън этиш билан ҳар хил ҳиссий лаззатларга бекорга вақтини кетказиб юрган зотлар ҳеч қачон шартланган ҳаёт чангалидан озодликка чиқа олмайдилар, худди аввалгидай чексиз туғилиш ва ўлишлар орқали ўтиб юраверадилар. Ундай одамлар учун ҳозирги ҳаёти ҳам, кейинги ҳаёти ҳам ҳар хил мусибатлар манбаи бўлиб қолаверади. Ундай гуноҳкор одамлар ҳозирги ҳаётидаёқ кийналиб, мусибат чекиб юрибдилар, чунки улар ҳали ўзларининг руҳий ўзлигини англаб етмадилар, шу боис кейинги ҳаётида эса улар яна турли мусибатларга дучор бўладилар. Ҳиссий лаззатланиш истаги билан булганган ана шундай йоглар руҳий баркамолликка эришишга қанча интилмасинлар ҳозирги ҳаётида ҳам, кейинги ҳаётида ҳам мусибат чекишда давом этаверадилар.

Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакура бу борада айтадики, агар руҳий ўзликни англаш йўлида уйини тарк этган саннийаси ва зоҳидлар Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлмасалар, бунинг ўрнига ҳар хил мактаб, касалхона ҳатто фаришталарга атаб эҳром, монастыр, масжид сингари даргоҳлар ташкил қилиб, одамларга моддий манфаат келтирадиган эзгу, савоб ишлар билан машғул бўлсалар, бу савоб ишлари уларнинг ўзига ҳозирги ва кейинги ҳаётида фақат турли ташвишлар келтиради, холос. Умрини Кришнани англашга бағишламаган саннийасилар таркидунёлик қилган одамларнинг вазифасига кирмайдиган савоб ишлар билан машғул бўлиб ўзининг вақтини бекорга сарфлайдилар. Лекин, бхакталарнинг Парвардигор Вишнуга эҳром қуриш сингари ишларга қўл уриши ҳеч қачон бекорга кетмайди. Бундай фао-

лият *кришнартхе акхила-чешта*, яъни "Кришнани мамнун қилиш учун қилинадиган фаолият" деб аталади. Қандайдир бир дунёвий сахий одамнинг хайрия мактаб очиши билан бхактанинг Кришна учун эҳром қуриши бир хил поғонада турадиган савоб ишлар ҳисобланмайди. Гарчи мактаб курдирган саховатли одам бу билан катта савоб иш қилган бўлса ҳам, у барибир карма қонунига бўйсуниб иш қилади, аммо Парвардигор Вишнуга атаб эҳром қуриш карма қонуни таъсир қилмайдиган Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳисобланади.

Худога садоқат билан хизмат қилиш фаолиятига ҳеч қачон карма қонуни таъсир қилмайди. "Бхагавад-гита"да айтилганки, бхакта моддий табиат гуналари таъсиридан юкори кўтарилган бўлади, у Браҳманни англаш поғонасида туради, *брахма-бхуйайа калпате*. Шу ерда яна айтилганки: *са гунан саматитийайтан брахма-бхуйайа калпате* - "Худо Шахсининг бхакталари моддий табиат гуналарининг таъсир доирасидан ташқарида, илоҳий табиатли Браҳман ҳолатида бўладилар". Бхакталар ҳозирги ҳаётида ҳам, кейинги ҳаётида ҳам руҳий озодликка эришган зотлардир. Бу моддий оламда Йагйа, Парвардигор Вишну ёки Парвардигор Кришна учун бажариладиган ҳар қандай фаолият руҳий озодлик поғонасида бажарилган фаолият ҳисобланади, аммо Ачйута, бегуноҳ Парвардигор, Худонинг Олий Шахси билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ишга карма қонунининг таъсирини тўтатиб бўлмайди. Ҳаётда Кришна онги билан яшаш - руҳий озодликда яшаш демакдир. Демак, бхакта Худонинг марҳамати билан ҳозирги ҳаётида ҳам, кейинги ҳаётида ҳам руҳий озодликки чиққан инсондир, аксинча кармилар, йоглар ва гйанилар на ҳозирги ҳаётида, на кейинги ҳаётида ҳеч қачон озодликка эриша олмайдилар.

Ведалар тимсоли илтижо қилишда давом этдилар: "Эй азиз Худойим, Сенинг марҳаматинг билан Сенинг нилуфар қадамлари пойинг мукамаллигини англаб етган ҳар қандай инсон моддий бахт ва мусибатларга нисбатан бутунлай бефарқ бўлиб қолади. Бу моддий оламда яшар эканмиз ҳаётда албатта турли мусибатларга дучор бўламиз, аммо бхакта ўзининг аввал содир қилган гуноҳ ва савоб ишларининг оқибати бўлган бундай мусибатларга эътибор бермайди. Атрофидаги оддий одамларнинг мактовлари ёки қоралашлари бхактани ташвишга солмайди. Баъзан илоҳий кароматлари учун оддий одамлар бхактани кўкларга кўтариб олқишлайдилар, баъзида эса аслида бунинг учун ҳеч қандай сабаб бўлмаса ҳам унинг ишларини қоралайдилар. Аммо Парвардигорнинг соф бхактаси ана шундай оддий одамларнинг мактовларига ҳам, қоралашларига ҳам эътибор бермайди. Аслида бхактанинг фаолияти илоҳий, руҳий поғонада ўтади. Уни моддий фаолият билан машғул бўлиб юрган ғофил одамларнинг мактов ёки қоралашлари кизиктирмайди. Агар бхакта

Ўзинниг илоҳий ҳолатни ҳамиша шундай сақлаб юра олса, Худонинг Олий Шахси унинг ҳозирги ҳаётида ва кейинги ҳаётида руҳий озодликка чиқишига кафолот беради. Бхакталар соф бхакталар даврасида Парвардигорнинг ҳар хил даврларда, турли қиёфаларда намоён этган шавкатли илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни мунтазам тинглаб юриш билан ўзларининг ана шу илоҳий ҳолатини сақлаб юра оладилар".

Кришнани англаш Халқаро ҳаракати ана шу қоидага асосланиб ташкил этилган. Шрила Нароттама дас Тхакур шундай деб куйлаган эди: "Эй азиз Худойим, аввал ўтган барча ачарйалар насихат қилганидай менга ўз ҳаётимни бутунлай Сенга илоҳий хизмат қилишга бағишлашга, ҳамиша соф бхакталаринг билан ҳамсуҳбат бўлиб яшашга рухсат бер. Менинг умрлар оша интилаётган ягона истагим фақат шу". Бошқача қилиб айтганда, руҳий озодликка чиққани ёки чиқмагани бхактани унчалик ташвишга солмайди. У фақат Худога садоқат билан хизмат қилишга интилади. Худога садоқат билан хизмат қилиш дегани инсон ўз хоҳиши билан, ачарйаларнинг кўрсатмаларига зид бўлган бирор иш қилмаслиги деганидир. Кришнани англаш Халқаро жамиятининг фаолияти Шрила Рупа Госвами бошлиқ аввалги ўтган ачарйаларнинг кўрсатмаларига асосланган; ана шу қонунқоидаларга риоя қилиб яшайдиган бхакталар билан бирга яшаш шарофати билан бхакта ҳамиша ўзининг илоҳий ҳолатини сақлаб қола олади.

"Бхагавад-гита"да Парвардигор айтадики, Парвардигор ҳақида мукамал илмга эга бўлган *бхакта* Унинг учун жуда азиз, қадрли. Такводор инсонларнинг тўрт тоифаси Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига киришлари мумкин. Такводор инсон бошига бирор мусибат тушганида Парвардигор шу мусибатни бартараф қилишини тилаб Худога мурожаат қилади. Агар такводор инсон бирор моддий бойликка муҳтож бўлса у нажот сўраб Худога илтижо қилади. Агар такводор инсон ҳақиқатан ҳам илм ўрганишга қизиқаётган бўлса, у албатта Худонинг Олий Шахсига, Кришнага мурожаат қилади. Кришна ҳақидаги илмни чуқур ўрганишни истаган такводор одам ҳам ёрдам сўраб Парвардигорга мурожаат қилади. Мана шу тўрт тоифа одамлар орасида охириги тоифадаги одамларни "Бхагавад-гита"да Парвардигорнинг ўзи олқишлайди. Мукамал илм ва садоқат билан, аввал ўтган, Худо ҳақида чуқур илмга эга бўлган ачарйалар изидан бориб Кришнани тушуниб, англаб етишга интилаётган киши ҳар қандай олқишга муносиб бўлган буюк инсондир. Ана шундай бхакта ҳаётнинг ҳар қандай шароитини ҳам - хоҳ у ёқимли бўлсин, хоҳ ёқимсиз бўлсин - Парвардигорнинг олий амру-иродаси билан яратилган эканини тушунади. У ўз ихтиёрини бутунлай Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига топширганида ҳозир ўзининг яшаётган ҳаёт шароити ёқимлими, ёқимсизми, уни таш-

вишга солмай қўяди. Бхакта ўзининг ҳаётда жуда ноқулай шароитга тушиб қолганини Парвардигорнинг ўзига кўрсатаётган алоҳида марҳамати деб қабул қилади. Аслини олганда, бхакта учун ҳеч қачон ҳаётда ноқулай шароит бўлмайди. У Парвардигорнинг амри билан юзага келган ҳар қандай шароитни ёқимли деб қабул қилади, ҳар қандай ҳаёт шароитига тушиб қолганда ҳам у Худога ихлос ва садоқат билан хизмат қилишга интилади. Худога садоқат билан хизмат қилишга бўлган ана шундай ўзгармас муносабат ҳақида "Бхагавад-гита"да айтилган: агар бирор ноҳўя ҳодиса рўй берса бхакта қаттиқ масибат чекмайди, қандайдир қувончли воқеа рўй берганда қаттиқ қувониб кетмайди. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг юқори поғоналарида бхактани ҳатто ҳар хил таъқиқ ва буйруқлар ҳам қизиқтирмай қўяди. Фақат аввалги буюк ачарйалар изидан бориш билан бхакта ўзининг ана шу ҳолатини сақлаб қола олади. Соф бхакта ачарйаларнинг изидан бораётгани сабабли унинг Худога садоқат билан хизмат қилишда бажараётган ҳар қандай амалини илоҳий поғонадаги амал деб ҳисоблаш лозим. Шу боис Парвардигор Кришна бизларга ачарйанинг қилаётган ишларини умуман қораламасликни маслаҳат беради. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига энди кирган бхакта ўзини ачарйалар билан бир поғонада туради деб ҳисобламаслиги керак. Ачарйани Худонинг Олий Шахси билан бир поғонада турган зот деб қабул қилиш лозим, шу боис тажрибасиз бхакталар Кришнани ва Унинг ҳақиқий вакили бўлган ачарйани ҳеч қачон танқид қилмасликлари лозим.

Ведалар тимсоли шу тарзда Худонинг Олий Шахсига сажда қиларди. Парвардигорга илтижо қилиб сажда қилиш - Унинг илоҳий сифатларини, эрмакларини ва кароматларини эслаб юриш демакдир. Парвардигорнинг эрмаклари ва сифатлари чексиз, бениҳоя. Бизлар Парвардигорнинг ҳамма сифатларини эслаб юра олмаймиз. Шу боис Ведалар тимсоли Унга ўз имкониятиятларига мос равишда илтижо қилиб сажда қилардилар. Ниҳоят улар шундай дедилар:

"Эй азиз Худойим, энг олий сайёра Брахма-локанинг асосий Илоҳи бўлган Тангри Брахмага, жаннатий сайёралар ҳукмдори шоҳ Индрага, Қуёш ва Ой сайёраларининг асосий фаришталарига ва бошқа қудратли фаришталарга бу моддий оламни бошқариш вазифаси юклатилган бўлса ҳам, улар Сен ҳақингда жуда оз биладилар. Шундай экан оддий одамлар ва ақлий изланиш олиб бораётган билимдон файласуфлар ҳақида нима дейиш мумкин? Ҳеч ким Сенинг чексиз илоҳий сифатларингни санаб охирига етолмайди. Ҳатто олий сайёралардаги фаришталар ва билимдон файласуфлар орасида ҳам ҳеч ким Сенинг қиёфаларинг ва сифатларинг чегарасини аниқлашга қодир эмас. Бизнинг фикримизга кўра ҳатто Сен ўзинг ҳам ўзингнинг барча илоҳий сифатларингни тўлиқ билмайсан. Бунинг сабаби

шундаки, Сен - бенихоясан. Гарчи Сен ҳақингда "Сен Ўзингни яхши билмайсан" деб айтиш унчалик тўғри бўлмаса ҳам, бу барибир Сенинг сифат ва қувватларинг сон-саноксиз эканини, Сенинг илминг ҳам чексиз эканини, шу боис Сенинг илминг билан қувватларинг орасида доим узлуксиз мусобақа бўлиб туришини тушунишга ёрдам беради".

Бунинг маъноси шундан иборатки, Парвардигор ва Унинг илми чексиз бўлгани туфайли, Ўзининг бирор қуввати ҳақида билиб қолган захоти У Ўзининг қудрати яна ҳам кучайганини сезади. Шу тарзда Унинг қудрати ҳам, илми ҳам ҳаммиша кенгайиб, кучайиб бораверади. Униси ҳам, буниси ҳам чексиз бўлгани сабабли Унинг қудратининг ҳам, уни англаб оладиган илмининг ҳам чегараси йўқ. Шубҳа йўқки, Парвардигор ҳар нарсадан хабардор, ҳамма нарсани биладиган Зот, аммо Ведалар тимсоли айтяптики, ҳатто Парвардигорнинг Ўзи ҳам Ўзининг қудратининг чегарасини тўла билмайди. Лекин бу - "Парвардигор ҳамма нарсани билмайди" дегани эмас. Қандайдир аниқ ҳақиқат бўлган нарсани бирор одамга номаълум бўлса, бу ғофиллик яъни илмсизлик деб аталади. Лекин бу тушунча Парвардигорга тааллуқли эмас, У Ўзини мукамал ҳолда билади, лекин Унинг қудрати ва кароматлари ҳаммиша кенгайиб боради. Шу боис, уларни тушуниб олиш учун У Ўзининг илмини ҳам тобора кенгайтириб боради. Унинг қудрати ва кароматлари ҳам, илми ҳам чексиз ошиб бораверади, бунинг ниҳояси йўқ. Ана шу маънодагина ҳатто Парвардигорнинг Ўзи ҳам Ўзининг қудрати ва сифатлари чегарасини билмайди деб айтиш мумкин.

Ҳар бир фаросатли инсон Ўз қудратларини ва кароматларини намоён этишда Парвардигор қанчалик бенихоя, чексиз эканини тахминан тасаввур қилиши мумкин. Ведалар адабиётида айтилганки, Маха-Вишну *йога-нидра* уйқусига кетганида нафас чиқаради, унинг нафаси билан бирга Унинг танасидан сон-саноксиз коинотлар чиқади, нафас олганида эса шу коинотлар яна унинг танасига киради. Илмимиз чекланганлиги сабабли бизга чексиздай бўлиб кўриниб турган мана шу коинотлар шу қадар бепоёнки, уни ташкил этадиган беш кўпол моддий унсур - ер, сув, олов, ҳаво ва осмон - фақат коинот ичидагина мавжуд бўлиб қолмасдан унинг сиртини етти қават қалин парда билан қоплаб туради. Ҳар бир қатлам ўзидан олдинги қатламдан ўн баробар қалинроқ. Ҳар бир коинот ана шундай мустаҳкам парда билан қопланган, коинотларнинг сони эса чексиз. Ана шу коинотлар Маха-Вишнунинг илоҳий танасининг сон-саноксиз бўшлиқларида сузиб юрадилар. Худди ҳавода қушлар билан бирга учиб юрган сон-саноксиз атомлар ва майда чанг зарраларини санаб бўлмагани сингари, Парвардигорнинг илоҳий танасининг тешикларида учиб юрган коинотлар ҳам сон-саноксиз ҳисобланади. Шу боис Ведаларда Парвардигор

бизнинг илмимиз, тасаввуримиздан ташқарида деб айтилган. *Абанманасагачара*: биз ўзимизнинг ақлий фикрлашларимиз билан Парвардигорнинг буюклигини, улуғворлигини англаб ета олмаймиз. Шунинг учун ақли жойида бўлган соғлом фикрли киши ҳеч қачон ўзини Худо деб эълон қилмайди, бунинг ўрнига у руҳ билан мода орасидаги фарқни тушуниб етишга ҳаракат қилади. Улар орасидаги фарқни аниқ билиб олгандан кейин инсон шуни равшан тушуниб етадики, Олий Руҳ гарчи олий ва қуйи қувватлар билан бевосита боғланган бўлса ҳам, уларга нисбатан илоҳий ҳолатда бўлган Зотдир. "Бхагавад-гита"да Парвардигор Кришна тушунтириб айтадики, гарчи ҳамма нарсани Унинг қувватида жойлашган бўлса ҳам, Унинг Ўзи ундан ажралган, яъни ундан фарқ қилади.

Табиат ва тирик мавжудотлар баъзан *пракрити* ва *пуруша* деб ифодаланади. Намоён бўлган бутун борлиқ пуруша билан пракритининг бирикмасидан иборат. Табиат моддий унсурларнинг асосини ташкил этади, тирик мавжудотлар эса - унинг ҳаракатга келишининг сабабчисидир. Мана шу икки сабабнинг бирга кўшилиши натижасида моддий олам юзага келади. Агар одам ана шу моддий олам ҳақида, унда бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида тўғри тасаввурга эга бўла олса, у уларнинг ҳаммаси аслида бевосита ёки билвосита Худонинг Олий Шахсининг иши эканини англаб етади. Шунинг учун "Брахма-самхита"да шундай якуний хулоса чиқарилган:

ишварах парамах кришнах сач-чид-ананда-виграхах

анадир адир говиндах сарва-карана-каранам.

Фаросатли инсон шуларнинг ҳаммасини чуқур мулоҳаза юритиб ўйлаб кўриб мукамал илмга эга бўлганида, у албатта "Кришна, яъни ягона Парвардигор -барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси" деган хулосага келади. Худонинг ўлчами қанча, Унинг бўйи қанча, эни қанча деб бекорчи сафсаталарга берилиб юргандан кўра фаросатли инсон "Брахма-самхита"нинг ана шу якуний хулосасига келиши лозим: *сарва-карана-каранам* - Кришна, яъни Парвардигор барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси. Мана шу мукамал илм бўлади.

Шу тариқа Ведалар тимсолининг Гарбхода-кашайи-Вишнуга қилган илтижолари, *Веда-стутти*, шогирдлар силсиласи бўйича биринчи бўлиб Сананданадан Тангри Браҳмадан туғилган унинг укаларига берилган эди. Аввалига тўрт Кумар, Тангри Браҳманинг ўғиллари дунёга келган эди, шу боис уларни *пурва-жата* деб атайдилар. "Бхагавад-гита"да айтилганки, *парампара* тизими, яъни шогирдлар силсиласи Парвардигор Кришнанинг Ўзидан бошланган. Бу ерда, Ведалар тимсолининг илтижоларрида ҳам парампара Худо Шахсидан, Нарайана Ришидан бошланган. Шуни эса сақлаш лозимки, бу веда-стутини Санандана Кумар айтган, Боди ашрамида эса На-

райана Риши уни тақоррляпти. Нарайана Риши Кришнанинг намоён бўлган қиёфаси, у бизларга қаттиқ риёзатларга берилиб яшаш орқали ўзликни англаш йўлини кўрсатади. Ҳозирги даврда Парвардигор Чайтанйа соф бхакта қиёфасида намоён бўлиб, бизга Худога соф садоқат билан хизмат қилиш йўлини кўрсатиб берган. Қадимда Ҳимолай тоғида қаттиқ риёзатларга берилиб, тавба-газарру қилиб яшаган Парвардигор Нарайана Риши Кришнанинг намоён бўлган тимсоли эди. Шри Нарада Муни Ундан илоҳий илм ўрганган. Нарайана Ришининг Санандана Кумар айтган *Веда-стутти* қандай бўлса шундайлигича, асл ҳолида Нарада Мунига айтган гапларидан маълум бўладики, Парвардигор - ягона Олий Хукмдор, қолган ҳамма тирик мавжудотлар Унинг хизматкорларидир.

"Чайтанйа Чаритамрита"да шундай дейилган: *экала ишвара кришна* - "Кришна - ягона олий Парвардигордир". *Ара сава бхритйя* - "қолган ҳамма - Унинг хизматкорлари". *Йаре йаичхе начайя, се таичхе каре нритйя* - Парвардигор Ўз истаги билан барча тирик мавжудотларга турли фаолият кўрсатишга имкон беради, шу тарзда улар ўз иқтидор ва қобилиятларини намоён этадилар". Шундай қилиб, бу Веда-стутти Худонинг Олий Шахси билан тирик мавжудот орасидаги ўзаро муносабатларга доир бўлган биринчи насихат, кўрсатма ҳисобланади. Тирик мавжудотнинг онгининг энг юқори ривожланган поғонаси Худога садоқат билан хизмат қилиб яшашга эришиш ҳисобланади. Агар моддий иллатлардан бутунлай покланмаган бўлса, инсон ўзини ҳаётда бутунлай Кришна онги билан яшашга, яъни Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлай олмайди. Нарайана Риши Нарада Мунига айтдики, барча Ведалар ва ведалар адабиётининг ҳаммаси, хусусан: тўрт Веда, Упанишадалар ва Пураналар - инсонни Худога илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга ўргатади. Бу боради Нарайана Риши аниқ бир ибора - *раса* иборасини ишлатган. Худога садоқат билан хизмат қилишда Парвардигор билан тирик мавжудотнинг ўзаро муносабатлари мана шу расага асосланган бўлади. Раса Ведаларда *ишавасйя* ибораси билан ҳам ифодаланади - "Парвардигор барча лаззатлар манбаидир". Бутун ведалар адабиёти - Пураналар, Ведалар, Упанишадалар, Веданта-сутра ва бошқалар - тирик мавжудотларга қандай қилиб раса поғоналаридан кўтарилиш йўлини ўргатади. "Шримад Бхагаватам"да ҳам айтилганки, Махапурана яъни "Шримад Бхагаватам"да бутун ведалар адабиётининг моҳияти берилган. *Нигамкалта-тарор галитам пхалам*, яъни "Шримад Бхагаватам" - ведалар дарахтининг пишган мевасидир.

Маълумки, Худонинг Олий Шахсининг нафасидан тўрт веда - Риг-веда, Сама-веда, Йаджур-веда ва Атхарва-веда - ҳамда "Махобҳорат" сингари тарихий асарлар ва бутн оламнинг тари-

хи ҳисобланадиган Пураналар юзага келади. Пурана ва "Махобҳорат" сингари ведавий тарихий асарлар "бешинчи веда" деб аталади.

Веда-стутти шеърларини бутун ведалар илмининг мағзи деб ҳисоблаш керак. Тўрт Кумар ва бошқа ҳақиқий донишмандлар Кришна онги билан Худога садоқат билан хизмат қилиш - бутун ведалар адабиётининг якуний хулосаси, мазмун-моҳияти эканини яхши биладилар, улар бутун коинот бўйлаб саёҳат қилиб, ана шу илмни турли сайёраларда тарғибот қилиб юрадилар. Бу ерда айтилганки, Нарада Муни сингари ана шундай буюк донишмандлар ҳеч қачон ерда саёҳат қилмайдилар; улар ҳамиша фазода саёҳат қиладилар.

Нарада Муни ва Кумарлар сингари донишмандлар коинот бўйлаб шартланган руҳларга таълим бериш ҳамда уларнинг бу моддий оламда қиладиган ишлари ҳиссий лаззатларга берилиш эмас, Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилишдан иборат бўлган ўзларининг бошланғич илоҳий ҳолатини қайта тиклаб олишдан иборат эканини кўрсатиш учун бутун коинот бўйлаб айланиб юрадилар. Жуда кўп жойларда айтилганки, тирик мавжудотлар худди оловнинг учкунларига ўхшайдилар, Худонинг Олий Шахси Кришна эса эса - оловнинг ўзи. Учкун оловдан ажралиб чиққанида улар ўзининг табиий ёғдусини йўқотадилар; шундай қилиб, маълум бўлдики, тирик мавжудотлар бу моддий оламга худди катта гулхандан отилиб чиқадиган учкунлар сингари келиб қоладилар. Тирик мавжудот Кришнага тақлид қилмоқчи бўлиб, моддий табиатни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилади: шу тарзда у ўзининг ҳақиқий ҳолатини ҳам, ўзининг ёғдусини ҳам эсдан чиқариб қўяди, шунда унинг руҳий моҳияти сўниб қолади. Лекин, тирик мавжудот Худони, Кришнани англаш йўлига кириб, Худони таниб олса у ўзининг ҳақиқий ҳолатини қайта тиклайди. Барча шартланган руҳлар ўзларининг бошланғич руҳий ҳолатини, Кришна онгини қайта тиклаб олиши ва шу билан моддий ҳаёт мусибатларидан бутунлай халос бўлв олиши учун Нарада Муни ва Кумарларга ўхшаган донишманд ва авлиё зотлар одамларга ана шу илмни ўргатиб, ўз шогирдларини ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини кенг тарғибот қилишга ундаб юрадилар.

Шри Нарада Муни *нашиттика-брахмачари*. Брахмачарилар тўрт тоифа бўлади. Биринчи тоифа *савитри* деб аталади, улар руҳий устоздан фотиҳа олгандан ва муқаддас чилвир, зуннор таққандан кейин ҳеч бўлмаса уч кун мобайнида жинсий поклигини сақлаши лозим. Брахмачарийларнинг иккинчи тоифаси *праджанатйя* деб аталади, улар фотиҳа олгандан кейин камида бир йил давомида жинсий поклигини сақлаб юрадилар. Учунчи тоифа брахмачарийлар *брахмачарий* деб аталади ва фотиҳа олгандан то Ведалар илмини тўла ўрганиб бўлгунча жинсий поклигини сақлаб юрадилар. Тўртинчи тоифа

брахмачарийлар *наиштика-брахмачарий* деб аталади, улар бутун умри давомида жинсий поклигини сақлаб юрадилар. Наиштика-брахмачарий жинсий алоқани бутунлай тарк этади; шунинг учун Кумарларни, Нарада Мунини наиштика-брахмачарийлар деб атайдилар. Брахмачарий бўлиб яшашнинг афзаллиги шундаки, жинсий поклигини сақлаб юргани сабабли уларнинг хотираси, шижоати, катъияти жуда кучли бўлади. Нарада Муни *наиштика-брахмачарий* бўлгани сабабли рухий устозидан эшитган ҳамма илмини эсида сақлайди ва ҳеч қачон уларни унутиб юбормайди. Ҳамма нарсани мангу эсида сақлай оладиган кишини *шрута-дхара* деб атайдилар. *Шрута-дхара брахмачари* устозидан эшитган гапларнинг ҳаммасини китобга ёки бирор ёзувга қарамасдан сўзма-сўз такрорлай олади. Буюк донишманд Нарада Муни ана шундай қобилиятга эга, шунинг учун Нарайана Ришининг насиҳатларини тинглаб бўлгандан кейин бутун умрини бутун олам аҳлига Худога садоқат билан хизмат қилиш таълимотини тарғибот қилишга бағишлади. Ана шундай буюк шахслар ҳамма нарсани эсида сақлай олганлари учун донишманд, рухий ўзлигини англаб етган ва Худога садоқат билан хизмат қилишда мустаҳкам турадиган зотлардир. Шундай қилиб, буюк донишманд Нарада Муни рухий устози Нарайана Ришини тинглаб, рухий ўзлигини мукамал даражада англаб етди. У ҳақиқатни англаб етди, бундан қалби бахтга тўлиб Нарайана Ришига илтижо билан мурожаат қилди.

Наиштхика-брахмачарини баъзан *вира-врата* деб ҳам атайдилар. Нарада Муни Нарайана Ришига Кришнанинг намоён бўлган киёфаси сифатида мурожаат қилиб, Уни "барча шартланган рухларга саодат келтирувчи Зот" деб атади. "Бхагавад-гита"да айтилганки, Парвардигор Кришна ҳар бир даврда бу моддий оламга Ўзининг бхакталарини ҳимоя қилиш ҳамда бхакта бўлмаганларни яқсон қилиш учун ташриф буюриб туради. Кришнанинг намоён бўлган киёфаси бўлган Нарайана Ришига ҳам "барча шартланган рухларнинг саодатманди" деб мурожаат қиладилар. "Бхагавад-гита"да айтилганидай, ҳар бир инсон шуни яхши билиб олиши лозимки, Кришнадан яхшироқ саодатманд йўқ. Ҳар бир одам яхши тушуниб олиши лозимки, Кришна ҳар бир одамга фақат яхшилик қилишни истайди, шунинг учун ҳар бир фаросатли одам Кришнадан паноҳ излаши лозим. Шу тариқа, ўзини ҳар қандай хатардан ишонарли ҳимоя қилишга қодир бўлган Зот борлигини билиб, инсон ҳаётда бутунлай хотиржам ва осойишта яшай бошлайди. Кришнанинг Ўзи, Унинг намоён бўлган кўринишлари ва экспансиялари - шартланган рухларнинг энг олий саодатмандларидир, аммо Кришнанинг Ўзи ҳатто иблисларга ҳам яхшилик қилади, шунинг учун У Вриндаванга Уни ўлдириш ниятида келган барча иблисларга ҳам рухий озодликка чиқиш имконини берди; Криш-

нанинг ишлари мутлақ табиатга эга, Унинг иблисларни ўлдириши ва Ўз бхакталарини ҳимоя қилиши орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Маълумки, иблис Путана ҳам Кришнанинг онаси эришган мартабага эришган. Агар Кришна бирор иблисни ўлдирса, ўша иблис учун бу жуда катта омад ҳисобланади, соф бхакта эса ҳамisha Кришнанинг бевосита ҳимояси остида юради.

Нарада Муни рухий устозига эҳтиром кўрсатиб бўлиб, Вйасадева ашрамига йўл олди ва унга рухий устозидан эшитганларининг ҳаммасини гапириб берди. Вйасадева Нарада Мунини ўзининг ашрамида муносиб ҳурмат-эътибор билан кутиб олиб, қулай ўриндиқ бергандан сўнг, ундан Нарайана Ришидан эшитган нарсалари ҳақида сўрай бошлади. Шундай қилиб, Шукадева Госвами Махараж Парикшитнинг ведалар илми ва Ведаларнинг якуний хулосасига оид берган саволларига жавоб берди. Инсон ҳаётининг яқун мақсади - Худонинг Олий Шахсининг илоҳий дуоларини, розилигини, мамнунлигини излаш ва шу тариқа Худога садоқат билан хизмат қилишга ўзини бутунлай бахшида қилишдан иборат. Инсон Шукадева Госвами ва барча ваишнавлар силсиласи изидан бориши ҳамда Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришнага, Парвардигор Харига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши лозим. Ваишнавларнинг барча тўрт сампрадаёси: Мадхва-сампрадаёя, Рамануджа-сампрадаёя, Вишнусвами-сампрадаёя ва Нимбарка-сампрадаёяси ҳам барча ведавий хулосаларга амал қилиб, инсон ўз ихтиёрини Худонинг Олий Шахсига топшириши лозим эканлигини тан оладилар.

Ведалар адабиёти икки қисмга бўлинади: *шрути* ва *смрити*. Шрути - тўрт Веда ва Упанишадалар; смрити эса - Пураналар, яъни "Бхагавад-гита"ни ўз ичига олган "Махобхорат" ва бошқа муқаддас китоблар. Уларнинг ҳаммаси шундай хулосага келадиларки, Шри Кришна - Худонинг Олий Шахси. У - Парампуруша, яъни яратилиб, мавжуд бўлиб ва яқсон бўлиб турадиган моддий табиат Унинг ҳукми остида ҳаракат қилади. Олам яратилгандан кейин Парвардигор уч киёфада намоён бўлади: Браhma, Вишну ва Шива. Уларнинг ҳар бири моддий табиатнинг уч сифатидан биттасига маъсул, аммо уларга Парвардигор Вишну умумий, олий ҳукмронлик қилади. Моддий табиат гуналари таъсири остида табиат кўрсатаётган фаолиятнинг ҳаммаси Худонинг Олий Шахси, Кришнанинг назорати остида амалга ошади. Бу ҳақиқат "Бхагавад-гита"да ҳам - *ниадаришана*, Ведаларда ҳам - *са аикушата* - тасдиқланган.

Атеистик санкхйя фалсафаси издошлари ўз фикрини билдириб айтадиларки, моддий олам *пракрити* ва *пуруша* сабабли пайдо бўлади. Уларнинг фикрича табиат ва моддий қувват оламнинг моддий ва ҳаракатланиш сабабини ташкил этади. Аммо Кришна - барча сабаблар сабабчиси. У моддий сабабнинг ҳам, ҳаракатга

сабаб бўладиган сабабнинг ҳам сабабчиси. Пракрити ва пуруша бошланғич сабаб эмас. Юзаки қараганда фарзанд ота ва онанинг қўшилиши натижасида туғиладигандай бўлиб кўриниши мумкин, лекин отанинг ҳам, онанинг ҳам олий сабабчиси - Кришна. Шунинг учун У - бошланғич сабаб, яъни "Брахма-самхита"да айтилагидай барча сабаблар сабабчиси.

Парвардигор ҳам тирик мавжудотлар ҳам моддий табиатга киради. Парвардигор Кришна Ўзининг тўла намоён бўлган экспансияларидан бири орқали Кширодакашайи Вишну ва Маха-Вишну - Сабаблар уммонида ястаниб ётадиган Вишнунинг баҳайбат фазовий қиёфаси сифатида намоён бўлади. Кейин, ана шу Маха- Вишнунинг баҳайбат танасидан Гарбходакашайи Вишну чиқади ва ҳар бир коинот ичига киради. Кейин Ундан Брахма, Вишну ва Шива пайдо бўлади. Вишну ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбига, шунингдек барча моддий унсурлар ичига, ҳар бир атом ичига киради. "Брахма-самхита"да шундай дейилган: *андантарастха-параману-чайантарастхан* - "У ҳар бир коинот ичида, ҳар бир атом ичида мавжуд".

Тирик мавжудот ҳаётнинг бирор шаклига мансуб бўлган кичкина моддий танага эга, худди шундай бутун коинот ҳам Худонинг Олий Шахсининг моддий танаси ҳисобланади. Бу тана шастраларда *вират-рупа* деб аталади. Худди алоҳида руҳ ўзининг алоҳида танасининг мавжудлигини таъминлаб тургани сингари, Худонинг Олий Шахси ҳам бутун моддий оламни, унинг ичидаги ҳамма нарсанинг мавжудлигини таъминлаб туради. Алоҳида руҳ моддий танасини тарк этган заҳоти унинг танаси яксон бўла бошлагани сингари Парвардигор Вишну моддий оламни тарк этганида ҳамма нарса яксон бўлади. Фақат алоҳида тирик мавжудот Худонинг Олий Шахсига ўз ихтиёрини топширганидагина унинг бу моддий олам тутқунлигидан руҳий озодликка чиқиши кафолотланади. Бу "Бхагавад-гита"да тасдиқланган: *мам эва йе прападйанте майам этам таранти те*. Инсоннинг руҳий озодликка эришишига фақат унинг ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширишигина сабаб бўла олади. Бунга бошқа ҳеч қандай сабаб бўлиши мумкин эмас. Ўз ихтиёрини Худонинг Олий Шахсига топширган одамнинг моддий табиат гуналари чангалидан халос бўлишини хонада ухлаётган одам мисолида тушунтириш мумкин. Одам ухлаб ётганида ҳамма унинг шу шу хонада ётганини кўриши мумкин, лекин аслида у ўз танасининг ичида эмас, чунки ухлаганида одам ўзини танасига қиёслашни бас қилади, лекин бошқалар унинг танаси хонада эканини кўриб турадилар. Худди шундай, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган, руҳий озодликка эришган одам ҳам бошқаларнинг кўзига худди бу моддий оламнинг қандайдир моддий ишларини қилиб юргандай бўлиб кўриниши мумкин, аммо унинг бутун фикру-хаёли Кришнага қаратилган бўлгани са-

бабли, у аслида бу оламда яшамаётган бўлади. Худди ухлаётган одамнинг қилаётган ишлари унинг танаси қилаётган ишлардан фарқ қилгани каби, Кришнанинг содиқлари бутунлай бошқа табиатли иш билан машғул бўлиб яшайдилар. "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланганки, ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай бағишлаган бхакта аллақачон моддий табиат гуналарининг таъсир доирасидан юқори кўтарилган бўлади. Гарчи у ҳам бошқалар сингари моддий тана ичида, бу моддий оламда яшаётгандай туюлса ҳам, у аллақачон Брахманни англаш поғонасига кўтарилган бўлади.

Шрила Рупа Госвами бу борада ўзининг "Бхакти-расамрита-синдху" асарида ёзганки, ягона истаги Худонинг Олий Шахсига соф садоқат билан хизмат қилиш бўлган одам бу моддий оламда турли шароитларда яшаши мумкин, аммо шуни тушуниш лозимки, у *живан-мукти*, яъни, ҳатто ҳозир моддий тана ичида, моддий оламда яшаётган бўлса ҳам, барибир уни руҳий озодликка чиққан киши деб ҳисоблаш лозим. Бундан маълум бўладики, ҳаётини Кришна онги билан яшашга, Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган киши озодликка эришган ҳисобланади. Ундай одамнинг бу моддий оламга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Кришна онгига эга бўлмаган одамлар кармилар ва гйанилар деб аталадилар ва улар ҳаёт ҳақида тана ва ақл нуқтаи-назаридаги тасаввурга эга, улар руҳий озодликка эриша олмайдилар. Бу ҳолат *каивалйанираста-йони* деб аталади. Илоҳий поғонага кўтарилган одам узлуксиз туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан халос бўлади. Бу ҳам "Бхагавад-гита"нинг тўртинчи бобида тасдиқланган. Агар инсон Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришнанинг илоҳий табиатини тушуниб етса у туғилиб-ўлишлар чархпалагидан халос бўлади, ҳозирги танасини тарк этгандан кейин ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб кетади. Барча ведаларнинг якуний хулосаси шундан иборат. Шундай қилиб, Ведалар тимсолининг илтижоларини тушунган одам ўз ихтиёрини Парвардигор Кришнага топшириб, Унинг нилуфар қадамлари пойига эҳтиром билан сажда қилиб яшаши лозим.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Ведалар тимсолининг қилган илтижолари" деб аталадиган саксон олтинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

87. Тангри Шивани кутқариш

Кришнанинг буюк бхактаси бўлгани туфайли Махараж Парикшит руҳий озодликка эришган зот эди, лекин қалбида аниқлик киритилмаган бирор шубҳа, гумон қолмаслиги учун у Шукадева Госвамига ҳар хил саволлар берарди. Аввалги бобда Махараж Парикшит: "Ведаларнинг якуний

мақсади нима?" - деб сўраган эди. Шукадева Госвами бу саволни унга Сананданадан бошланиб, Нарайана Риши, Нарада Муни, Вйасадева кейин ўзи давом эттирган силсилага мансуб бўлган ишонарли мўътабар зотларнинг гапларидан далиллар келтириб жавоб берган эди. Якуний хулоса шундай бўлган эди: Ведаларнинг охирги, якуний мақсади - Худога садоқат билан хизмат қилиш, яъни бхакти. Ҳали тажрибага эга бўлмаган бхакта шундай савол бериши мумкин: Ведаларнинг якуний мақсади, яъни инсон ҳаётининг охирги мақсади Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилиш бўлса, нима сабабдан одатда Парвардигор Вишнунинг бхактаси моддий жиҳатдан қашшоқлигини, аксинча Тангри Шиванинг бхактаси эса ҳаминиша моддий фаровонликда яшаётгани кузатилади?" Мана шу саволни ойдинлаштириш ниятида Махараж Парикшит Шукадева Госвамига шундай сўзлар билан мурожаат қилди: "Азизим Шукадева Госвами, гарчи Тангри Шиванинг ўзи ҳаминиша гадейлардай ҳаёт кечирса ҳам, хоҳ одамлар орасида бўлсин, хоҳ фаришталар ёки иблислар жамиятида бўлсин, Тангри Шивага сиғиниб юрган зотларнинг одатда жуда катта моддий бойликка эга бўлишини кузатиш мумкин. Аксинча, равнақ фариштасининг эри бўлган Парвардигор Вишнунинг бхакталари эса, одатда катта мол-дунёга эга бўлмайдилар, баъзида эса бутунлай қашшоқ, гадей бўладилар. Тангри Шива бирорта дарахт остида ёки қорли Ҳимолай тоғларида яшайди. У ҳатто ўзига бирор бошпана ҳам қурмаган, унга сажда қиладиган одамлар эса жуда бадавлат яшайдилар. Кришна, яъни Парвардигор Вишну бу ерда, моддий оламда ҳам худди Вайкунтҳадагидай дабдабали бадавлат саройларда яшайди, унинг бхакталари эса қашшоқ камбағалларга ўхшайди. Бунинг сабаби нимада?"

Махараж Парикшит Шукадева Госвамига жуда ўринли савол берди. Икки тоифа бхакталар Тангри Шиванинг бхакталари ва Парвардигор Кришнанинг бхакталари орасида ҳаминиша баҳс-мунозара бўлиб туради. Ҳатто ҳозирги даврда ҳам Ҳиндистонда бу икки тоифага мансуб бхакталар ҳаминиша бир-бирларини танқид қиладилар; айниқса Жанубий Ҳиндистонда, Рамануджа ачарйа ва Шанкарачарйанинг издошлари Ведаларнинг якуний хулосаси нима эканини муҳокама қилиш учун бир жойга тўпланганларида шундай ҳол юз беради. Ана шундай баҳсларда одатда Рамануджаачарйа ишдошлари ғолиб бўлиб чиқадилар. Шундай қилиб, Махараж Парикшит ана шу масалага аниқлик киритмоқчи бўлиб, бу саволни Шукадева Госвамига берапти. Тангри Шиванинг ўзи қашшоқгадейлардай яшаса ҳам унинг бхакталарининг бой-бадавлат яшаши, Парвардигор Кришна, яъни Парвардигор Вишну ўзи ҳашаматли бадавлат саройларда яшаган ҳолда Унинг бхакталари гадей-камбағал яшаши албатта ҳар қандай фаросатли одам учун ғалати, зиддиятли туюлади.

Махараж Парикшитнинг Тангри Шивага ва Парвардигор Кришнага сиғиниш борасидаги зиддиятлидай кўринган саволига Шукадева Госвами жавоб бера бошлади. Тангри Шива - моддий қувват ҳукмдори ҳисобланади. Моддий қувватнинг тимсоли фаришта Дурга, Тангри Шива эса - унинг эри. Фаришта Дурга тўла ва бутунлай Тангри Шивага бўйсунган ҳолатда бўлгани сабабли Тангри Шивани моддий қувватнинг тўла ҳукмдори деб айтиш мумкин. Моддий қувват уч гунада намоён бўлади: эзгулик гунаси, эҳтирос гунаси ва ғафлат гунаси. Тангри Шива ана шу гуналар ҳукмдоридир. Гарчи Тангри Шива шартланган руҳларнинг бахти учун бу гуналар билан бевосита алоқада бўлиб юрса ҳам, у бу гуналарни бошқариб туради, лекин ўзи шу гуналар таъсирига берилмайди. Шартланган руҳлар уч гуна таъсири остида ҳаёт кечирилади, Тангри Шива эса уларнинг ҳукмдори бўлгани туфайли, гуналар унга таъсир қилмайди.

Шукадева Госвамининг гапларидан тушуниб оламизки, баъзибир калтафаҳм одамлар айтиб юрганидан фарқли равишда, ҳар хил фаришталарга сиғинадиган одамлар ҳам Парвардигор Вишнуга сиғиниб юрган одамлар эришган натижаларга эриша олмайдилар. У аниқ айтганки, Тангри Шивага сажда қилиб сиғинадиган одам бир натижага, Парвардигор Вишнуга сиғинган одам эса бутунлай бошқа натижага эришади. Бу "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланади: фаришталарга сиғиниб юрган одамлар ўзлари интилиб юрган нарсага - фаришталар бера оладиган нарсаларгагина эришадилар. Худди шундай моддий қувватга сиғиниб юрган одамлар ҳам бунинг эвазига муносиб совға оладилар; бу қонун *пита*(аждо)ларга сиғиниб юрган одамларга ҳам тааллуқли. Аммо Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган, яъни ягона Парвардигор Кришна ёки Парвардигор Вишнуга сиғиниб юрган одамлар Кришналока ёки Вайкунтҳа сайёраларига йўл оладилар. Тангри Шивага, Тангри Браҳмага ёки бошқа бирор фариштага сиғиниш натижасида илоҳий поғонага, *прайом*а поғонасига, яъни руҳий оламга эришишнинг иложи йўқ.

Бу моддий олам моддий табиат гуналарининг маҳсулоти бўлгани учун бу оламдаги ранг-барангликларнинг ҳаммаси ана шу уч гунадан келиб чиқади. Моддий илм-фан ёрдамида замонавий олимлар моддий ҳаёт кечиришга турли қулайликлар яратиш йўлида ҳар хил машиналар ихтиро қилиб қўйибдилар, аммо уларнинг ҳаммаси - шунчаки моддий табиат гуналарининг ўзаро ҳаракатлари холос. Тангри Шиванинг бхакталари кўплаган моддий бойликларга эга бўлиши мумкин, лекин шунчаки моддий табиат гуналари келтириб чиқарадиган нарсаларни тўплайдилар, холос. Моддий табиатнинг уч гунаси ўн олти кўринишда намоён бўлади: ҳиссиётнинг ўн тури(беш илм олиш сезгилари,

беш ҳаракат қиладиган сезгилар), ақл, беш моддий унсур (ер, сув, олов, осмон ва ҳаво). Мана шу ўн олти унсур моддий табиат гуналарининг давоми ҳисобланади. Моддий бахт, моддий фаровонлик, моддий тараққиёт - ҳиссий лаззатланиш, сезгиларнинг талабини, айниқса жинсий аъзоларнинг, тилнинг ва ақлнинг талабларини қондиришдапн иборат, холос. Шунчаки жинсий аъзоларимиз ва тилимиз лаззат олиши учун биз ақлимиз ёрдамида ҳиссиётимизга лаззат берадиган жуда кўп нарсаларни яратишимиз мумкин. Одамнинг бу моддий оламда гуллаб-яшнаши у ўзининг тили ва жинсий аъзоларидан қандай фойдаланаётгани билан, яъни бошқача қилиб айтганда, у ўзининг жинсий алоқа қилиш ва қорин тўйғазиш имкониятларидан қанчалик моҳирлик билан фойдаланаётгани билан белгиланади. Моддий тараққиёт мана шу икки асосий қонун: жинсий аъзолари ҳамда тили учун лаззатланиш воситаларини яратиш - асосида бахтга эришиш учун кашфиётчи ақл ёрдамида турли воситалар яратишни зарурият қилиб қўяди. Шукадева Госвамининг Махараж Парикшитнинг саволига берган жавоби шундан иборат.

Тангри Шиванинг бхакталари фақат моддий табиат гуналари нуктаи-назаридан гуллаб-яшнайдилар. Аслида эса, ана шундай моддий фаровонлик инсоннинг бу моддий оламда баттар адашиб кетишига сабаб бўлади, яъни моддий тараққиёт инсоннинг руҳий юксалишига эмас, аксинча унинг тубанликка юз тутишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, Тангри Шива - моддий табиатнинг уч гунасининг ҳукмдори, унинг бхактаси ўз ҳиссиётининг талабларини қондириши учун моддий табиат гуналари яратган нарсаларга эга бўлади. Аммо Парвардигор Кришна "Бхагавад-гита"да айтганки, тирик мавжудот моддий табиат гуналаридан юқори кўтарилиши лозим. *нистрайгунйо бхаваржуна* - "Инсон ҳаётининг мақсади - моддий табиат гуналаридан юқори кўтарилиш". Фақат *нистрайгунйо* одам моддий табиат чангалидан озодликка чиқа олади. Бошқача қилиб айтганда Тангри Шивадан олинган марҳамат, эҳсонлар, гарчи қулай яшаш шароитларини яратса ҳам, шартланган руҳга ҳақиқий бахт келтирмайди.

Шукадева Госвами давом этди: "Худонинг Олий Шахси, Хари моддий табиат гуналари га нисбатан илоҳий ҳолатда". "Бхагавад-гита"да айтилганки, Унга ўз ихтиёрини топширган ҳар қандай одам ҳам моддий табиат гуналарининг таъсирини енга олади. Агар Парвардигор Харининг бхактаси моддий табиат гуналарининг ўзаро ҳаракатларига нисбатан илоҳий ҳолатда бўладиган бўлса, ҳеч қандай шубҳа йўқки, Унинг Ўзи ҳам албатта уларга нисбатан илоҳий поғонади бўлади. Шу боис "Шримад Бхагава-там"да айтилганки, Парвардигор Хари ёки Кришна - Худонинг бошланғич Олий Шахси. *Пракрити*, яъни қувватнинг икки тури мавжуд: ички ва ташқи қувват, Парвардигор Кришна ана

шу икки пракритининг, икки қувватнинг ҳам ҳукмдори. У - *сарва-дрик*, яъни У ҳам ички, ҳам ташқи қувватнинг фаолиятини бошқариб туради, шунингдек Уни *унадрашта*, яъни "олий маслаҳатчи" деб ҳам атайдилар. У - олий маслаҳатчи бўлгани сабабли, У барча фаришталардан устун туради, бошқалар эса шунчаки Унинг маслаҳатлари асосида ҳаракат қиладилар. Ягона Парвардигорнинг "Бхагавад-гита" ёки "Шримад Бхагава-там"да бериган маслаҳатларига аниқ риоя қилиб юрган одамлар аста-секин *ниргуна* поғонасига, яъни моддий табиат гуналари таъсир қилмайдиган поғонага кўтариладилар. *Ниргуна* бўлиш - моддий бойликларга эга бўлмаслик деганидир, чунки аввал тушунтирганимиздай, моддий фаровонлик моддий табиат гуналарининг фаолиятини, шу фаолиятдан келиб чиқадиган оқибатларни кўпайтиради, кучайтиради холос. Ўзининг моддий фаровонлиги билан гердайиб, мағрурланиб юриш ўрнига Худонинг Олий Шахсига сиғиниб юрган фаросатли киши ўзининг руҳий бойлигини ошириб, Худони таниб Кришна онгига эга бўлади. *Ниргуна* бўлиш - мангу бехатарлик, хотиржамлик, тақводорлик, илм ва боғланмасликка эришиш демакдир. Буларнинг ҳаммаси - инсон моддий табиат гуналари таъсиридан озод эканини кўрсатувчи аломатлардир.

Шукадева Госвами Махараж Парикшитнинг саволига жавоб берар экан, унинг бобоси шоҳ Юдхиштхира билан боғлиқ бўлган бир тарихий воқеани гапириб берди. У айтдики, шоҳ Юдхиштхира ҳам, *ашвамедха-яйя* қурбонлик маросимини ўтказиб бўлиб, ана шу муқаддас саждагоҳда, буюк мўътабар зотлар иштирок этаётган даврада худди шундай савол берган эди: нимага шундай, Тангри Шиванинг бхакталари моддий фаровонликка эришадилар, Парвардигор Вишнунинг бхакталари эса - йўқ. Махараж Парикшит Кришна билан қариндошлик ришталари билан боғлиқ эканидан, боболари Худонинг Олий Шахси билан жуда яқин муносабатда бўлганидан илҳомлансин деган ниятда Шукадева Госвами атайлаб "сенинг бобонг" дея шоҳ Юдхиштхирани эслатиб ўтди.

Гарчи Парвардигор Кришна Ўзининг табиатига кўра ҳамшиша қалбида тўла мамнуният ҳосил қилиб юрса ҳам, Махараж Юдхиштхира бу саволни берганида, У яна ҳам кўпроқ мамнун бўлди, чунки бундай саволлар ва уларга бериладиган жавоблар ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одамлар учун жуда катта аҳамиятга эга. Парвардигор Ўзининг бхактасига бирор нарса ҳақида гапирганида Унинг гаплари фақат ана шу бхактага эмас, балки бутун инсониятга қаратилган бўлади. Худонинг Олий Шахсининг насиҳатлари ҳатто Тангри Брахма, Тангри Шива бошлик барча фаришталарга ҳам тааллуқли бўлади, бу дунёга фақат барча тирик мавжудотларнинг бахт-саодатини ўйлаб ташриф буюрадиган Парварди-

горнинг кўрсатмаларига эътибор бермайдиган одамлар албатта ҳаётда жуда бахтсиз яшайдилар.

Парвардигор Кришна Махараж Юдхистхиранинг саволига шундай жавоб берди: "Агар Мен Ўз бхактамга алоҳида марҳамат кўрсатмоқчи бўлсам, унга чуқурроқ ғамхўрлик қилмоқчи бўлсам, энг аввало Мен унинг ҳамма бойлигини тортиб оламан". Бхакта чўнтагида бир тийин пули қолмай гадой бўлиб, жуда қийин аҳволга тушиб қолганида унинг барча қариндошлари ва оила аъзолари унга эътибор бермай қўядилар, кўпчилик ҳолларда ундан бутунлай юз ўгирадилар. Шунда бхакта бу дунёда ўзини яна ҳам бахтсизроқ ҳис қила бошлайди. Аввалига у Кришна унинг бутун бойлигини тортиб олганидан изтироб чекади, қашшоқлиги сабабли барча яқинлари, қариндошлари юз ўгирганида эса, у ҳаётда ўзини яна ҳам баттарроқ бахтсиз ҳис қила бошлайди. Шуни айтиб ўтиш лозимки, бхакта ҳаётда турли бахтсизликларга учраганида бу воқеалар унинг *карма-пхала* деб аталадиган аввалги қилган гуноҳлари оқибатида рўй бермайдиган; бхактанинг қашшоқлиги унга Парвардигорнинг кўрсатаётган буюк марҳамати бўлади. Худди шундай бхакта бирор бойликка эга бўлганида ҳам, бу унинг аввалги ҳаётидаги савоб ишлари натижаси бўлмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, бхакта бойиб кетадими, мол-дунёсидан айриладими, буларнинг ҳаммасини Худонинг Олий Шахси уюштираётган бўлади. Кришна буларнинг ҳаммасини Ўзининг бхактаси ҳар қандай вазиятда ҳам фақат Унинг Ўзига таваккал қилишни ўрганиши, ҳамда уни ҳар қандай дунёвий мажбуриятлардан озод қилиш учун атайлаб уюштираётган бўлади. Шунда бхакта ўзининг бор кучини, ақлини ва танасини - ҳамма нарсасини Худого хизмат қилиш учун ишлата олади, мана шу - Худого ҳақиқий садоқат билан хизмат қилиш бўлади. Шунинг учун "Нарадапанчаратра"да шундай дейилган: *сарвонадхивинирмуктам*, яъни "барча атамалардан халос бўлиш". Инсон "мен - шу жамият аъзосиман", "мен - шу миллат аъзосиман", "мен - шу ҳаёт туридаман", "мен - шу жамоа аъзосиман" деган атамалар таъсири остида оиласи учун, жамият учун, миллат ёки инсоният учун хизмат қилиб фаолият кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси - шунчаки ўткинчи, сохта атамалардир. Парвардигорнинг марҳамати билан бхакта ана шундай атамаларнинг барчасидан халос бўлганида унинг Худого садоқат билан хизмат қилиши ҳақиқатан ҳам *наишкарма* бўлади. Наишкарма поғонаси айниқса гйаниларни ўзига жалб этади, бу поғонада инсоннинг қилаётган ишлари ҳеч қандай оқибатга олиб келмайди. Бхактанинг қилаётган ишлари ҳеч қандай натижа ёки оқибатлар келтирмайдиган даражага етганида, унинг бутун фаолияти энди *карма-пхала*, яъни бирор натижа учун кўрсатиладиган фаолият бўлмай қолади. Ведалар тимсоли тушунтирганидай, бхактанинг ҳаётида

рўй берадиган бахтсизликни ҳам, бахтни ҳам Худонинг Олий Шахсининг Ўзи уюштиради, шу боис, ҳаётда бахтли бўладими ё мусибат чекадими - бхактага барибир. У ҳеч нарсага эътибор бермасдан Худого садоқат билан хизмат қилишда давом этаверади. Гарчи унинг хулқ-атворига унинг қилаётган ишлари ва шу ишларнинг натижалари таъсир қилаётгандай бўлиб кўринса ҳам, аслида у ўз фаолиятининг оқибат-натижаларидан бутунлай озод бўлган инсондир.

Нимага Парвардигор Ўзининг бхактасига бундай мусибатларни юборади, деган савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, бунда Парвардигор худди ўзининг ўғилларига нисбатан қаттиққўл, лекин меҳрибон бўлган отага ўхшаб ҳаракат қилади. Бхакта - ўз ихтиёрини бутунлай Худого топширган руҳ бўлгани учун, Парвардигор унга тўла ғамхўрлик қилади, Парвардигор уни қандай шароитга ташлаб қўйса ҳам, яъни қийналса ҳам, бахтиёр яшаса ҳам - бхакта буларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг қандайдир олий режаси асосида бўлаётган ишлар деб қабул қилиши лозим. Масалан, Худонинг амри билан Пандузодаларнинг бошига шунча кўп мусибатлар тушдики, ҳатто бобокалон Бхишма ҳам нимага бундай бўлаётганини тушуниб ета олмади. У тақдирдан шикоят қилиб шундай нолиган эди: "оилага шохлар ичида энг тақводор зот бўлган шох Юдхистхира бошчилик қилаётган, уларни икки машҳур жангчи Бхима ва Аржун ҳимоя қилаётган, энг асосийси, Пандузодаларнинг ҳаммаси Парвардигор Кришнанинг яқин қариндошлари ва дўстлари бўлишига қарамай нимага уларнинг бошига шунча мусибатлар тушяпти?" Аммо, кейинчалик маълум бўлдики, буларнинг ҳаммасини, Ўзининг режаларини амалга ошириш - бхакталарни ҳимоя қилиш ҳамда имонсиз иблисларни яқсон қилиш мақсадида Худонинг Олий Шахси, Кришнанинг Ўзи уюштирган экан.

Кимдир шундай савол бериши мумкин: "Агар бхакта фақат Парвардигорнинг амри билан бахт ёки мусибатга дучор бўлса, оддий одамлар ҳам ҳаётда ўзларининг гуноҳ ва савоб ишлари сабабли бахт ва мусибатларга дучор бўлиб юрадиган бўлса, уларнинг бир-биридан фарқи нимада? Бхактанинг аҳволи нимаси билан оддий кармининг аҳволдан яхшироқ бўлиши мумкин?" Гап шундаки, бхакти билан карми ҳар хил поғонада турган бўладилар. Карми қандай шароитга тушмасин, барибир у туғилиш ва ўлишлар чархпалагида қолиб кетаверади, чунки карма уруғи, яъни бирор натижа кўзлаб қилинган ишлар уруғи экилган бўлиб, имконият пайдо бўлганида улар барибир ўз ҳосилини бераверади. Карма қонунлари асосида оддий одам туғилиш ва ўлишлар уммонига мангу ботиб юраверади, карма қонунлари таъсир қила олмайдиган бхактанинг бахт ва мусибатлари эса, уларни Парвардигорнинг Ўзи юбориб тургани учун, уни моддий оламга қул қилиб қўймайди. Парвардигор буни

маълум бир мақсадни кўзлаб қилади. Агар карми бирор савоб иш қилаётган бўлса, бунинг натижасида у кейинги ҳаётида жаннатга кўтарилади, агар у бирор гуноҳ иш қилаётган бўлса - дўзахга ёки ҳаётнинг дўзахдай оғир шароитларига тушади. Аммо бхакта сиртдан қараганда худди савоб ёки гуноҳ ишлар қилаётгандай бўлиб кўриниши мумкин, лекин ўзининг бундай ишлари сабабли у жаннатга ҳам, дўзахга ҳам бормайди - рухий оламга кўтарилади. Шунинг учун бхактанинг бахт ва мусибатлари билан оддий одамнинг бахт ва мусибатлари орасида жуда катта фарқ бор. Буни ўзининг хизматкорлари билан бўлган суҳбатида Йамараж ҳам тасдиқлаган. У ўзининг хизматкорларига айтган эдики, фақат бирор марта Худонинг муқаддас номларини тилига олмаган, Парвардигорнинг сифатларини, қиёфаларини, эрмакларини эсламаган одамларгина унинг қўлига тушадилар. Йамараж ўзининг хизматкорларига ҳеч қачон бхакталарга яқин йўламасликни буюрди. Аксинча, у ўзининг элчиларига, агар улар бирор бхактани учратиб қолсалар, албатта унга хурмат-эҳтиром кўрсатишни буюрди. Худди ота-онанинг берган жазоси билан душманларнинг берган озори орасида катта фарқ бўлгани сингари бхактанинг мусибатлари билан оддий одамларнинг мусибатларини бир хил мусибатлар деб бўлмайди.

Бу ерда шундай савол туғилиши мумкин: "Агар Парвардигор ҳамма нарсага қодир бўлса, нимага У ўзининг бхакталарини ҳар хил мусибатлар билан тарбиялашга ҳаракат қилади?" Гап шундаки, Худонинг Олий Шахси бирор аниқ мақсадни кўзлаб ўзининг бхактасини оғир мусибат чекадиган шароитга солиб қўяди. Бошига оғир кунлар тушганида бхактанинг Парвардигорга бўлган боғланиши кучайгани учун баъзан Парвардигор шундай қилади. Масалан, Кришна Ўз пойтахтига кетиш учун Пандузодаларнинг пойтахтини тарк этиш олдидан руҳсат сўраганида Кунти-деви Унга шундай деди: "Эй азиз Худойим, ҳар гал бошимизга мусибат тушганда Сен ёнимизда бўласан. Энди эса, бизлар шоҳона ҳаёт кечири бошлаганимизда Сен бизларни тарк этипсан. Сени йўқотгандан кўра мен мусибатларга тўла ҳаёт кечириб бўлса ҳам ҳамиша Сен билан бирга бўлишни афзал кўраман". Бхакта бошига бирор мусибат тушганида бутун вужуди билан Худога сиғиниб илтижо қила бошлайди. Шунинг учун ўзининг бхактасига алоҳида марҳамат кўрсатиб Парвардигор баъзан унга ҳар хил мусибатлар юбориб туради. Бунинг устига айтадиларки, мусибат нималигини тотиб кўрган одамгина ҳақиқий бахт лаззати қандай бўлишини билади. Парвардигор бу дунёга фақат Ўз бхакталарини ҳар хил мусибатлардан ҳимоя қилиш учун ташриф буюради. Бошқача қилиб айтганда агар бхакталарнинг бошига мусибат тушмаса, Парвардигор бу оламга келмаган бўларди.

Иблис ёки золимларни яксон қилишни эса, Унинг ҳар қувватлари ҳам бемалол уддалай олади, масалан, Унинг ташқи қуввати тимсоли бўлган фаришта Дурга қанча-қанча асурларни яксон қилади. Шундай иблисларни яксон қилиш учун Парвардигорнинг шахсан Ўзи бу дунёга келиб юриши мутлақо шарт эмас, аммо Унинг бхактасининг бошига бирор мусибат тушса, албатта Унинг Ўзи келади. Парвардигор Нарасимхадева Хираньякашипуни ўлдириш учун келгани йўқ, У аслида Прахлад Махаражни кўриш ва уни дуо қилиш учун келган. Бошқача қилиб айтганда, Прахлад Махараж жуда даҳшатли мусибатларга дучор бўлаётгани учун уни бу изтироблардан халос этиш учун Парвардигорнинг Ўзи келган.

Туннинг қоп-қоронғу зулматидан кейин ниҳоят тонг отиб куёш чиқа бошласа - жуда ёқимли бўлади. Чидаб бўлмас жазирама иссиқда совуқ сув лаззат бағишлайди. Қаҳратон қишда иссиқ сув жуда ёқимли бўлади. Худди шундай бхакта бу моддий оламдаги ҳаёт қанчалик мусибатли эканини шахсан ўзи тотиб кўрганида унинг Парвардигор ўзига ато этган илоҳий бахтдан оладиган лаззати ҳам жуда кучли бўлади.

Парвардигор давом этди: "Бхактам барча мол-дунёсидан маҳрум бўлганида, уни барча қариндошлари, оила аъзолари, дўст-ёрлари ташлаб кетиб, энди унга ҳеч ким бирор ғамхўрлик қилмай қўйганида у ўз ихтиёрини бутунлай Худого топшириб, ёлғиз Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига мурожаат қила бошлайди". Нароттама дас Тхакурнинг бир қўшиғида шундай дейилган: "Эй азиз Худойим, эй Парвардигор Кришна, эй Нанда Махаражнинг ўғли, Сен Вришабханунинг қизи Шримати Радхарани билан бирга ҳозир кўз олдимда турибсан. Мен Сенга ўз ихтиёримни бутунлай топшираман. Илтимос, мени қабул эт. Мени рад этма. Менинг Сендан бошқа бирор паноҳим йўқ!"

Бхактанинг бошига мусибат тушгандай бўлиб кўринганида, у оиласидан ва бутун бойлигидан маҳрум бўлганида, у ўзининг аввалги моддий фаровонлигини қайта тиклаб олишга ҳаракат қила бошлайди. Гарчи у такрор ва такрор мол-дунё тўплашга ҳаракат қилаётган бўлса ҳам, Парвардигор Кришна уни такрор ва такрор ҳамма нарсдан маҳрум қилаверади. Шунда у аста-секин моддий фаолиятдан ихлоси қайтиб, бутунлай ҳафсаласи пир бўлади, барча уринишлари бекорга кетаётган ана шундай ҳолатда у ўз ихтиёрини бутунлай Худонинг Олий Шахсига топишира олади. Парвардигор ана шундай одамларнинг қалбида туриб, уларни Худонинг содиқларини излашга, Кришнанинг содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлишга ундайди. Бхакталар билан ҳамсуҳбат бўлиш шарофати билан уларнинг қалбида табиий равишда Худога, Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилиш истаги ривожлана бошлайди, шунда Парвардигор шу заҳотиёқ уларга қалбида Кришна онгини ривожлантириш учун барча шароитларни яратиб бера-

ди. Аксинча, имонсиз одамлар ўзлари яшаётган моддий шароитларни ўзгартирмай саклаб қолишга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун одатда ундай одамлар Худонинг Олий Шахсига сиғинмайдилар, аммо тез вақт ичида моддий бойликларга эришиш учун Тангри Шивага ёки бошқа фаришталарга сиғина бошлайдилар. "Бхагавад-гита"да айтилганки, *канкшантах карманам сиддхим йаджанта иха деватах* - "моддий оламда муваффақитга эришиш учун кармилар ҳар хил фаришталарга сиғинадилар". Парвардигор Кришна яна шуни айтганки, фаришталарга сиғиниб юрган одамлар етук тафаккурга эмас, ақли заиф. Худонинг Олий Шахсининг бхактаси Унга қаттиқ боғланиб қолгани сабабли ҳеч қачон фаришталарга мурожаат қилмайди.

Парвардигор Кришна шоҳ Юдхитхирага шундай деди: "Менинг бхактамни ҳеч қандай қийинчилик тўхтатиб қололмайди; у чидамли ва қарори қатъий. Шунинг учун Мен Ўзимни бутунлай унга топшираман, ҳамда унинг ҳаётда энг юксак муваффақиятга эришишига ёрдамлашман". Худонинг Олий Шахси Ўзининг бхактасига кўрсатадиган марҳамати *браҳман* деб таърифланади, яъни бу марҳаматнинг улуғворлигини ҳамма жойга сингиб кетган Браҳманнинг улуғворлиги билан тенглаштириш мумкин. Браҳман дегани "чексиз буюк ва бетиним кенгайиб борадиган" деган маънони билдиради. Бу марҳамат *парама* деб ҳам аталади, чунки уни бу моддий оламдаги бирор нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Уни яна *сукшимам*, "жуда нафис" деб ҳам атайдилар. Ўзининг соф содиғига Парвардигорнинг кўрсатадиган марҳамати жуда буюк ва у ҳамиша катталашиб боради, бунинг устига бу марҳамат - бхакта билан Парвардигорни боғлаб турган илоҳий муҳаббатнинг энг олий даражада намоён бўлишидир. Бу марҳамат *чинматрам*, "мутлақо руҳий" деб ҳам таърифланади. *Матрам* ибораси мутлақ, ҳеч қандай моддий сифат қўшилмаган, бутунлай соф, пок илоҳийликни билдиради. Ана шу марҳамат баъзан *сам*, яъни "мангу" деб ҳам, *анантакам* - "чексиз" деб ҳам аталади. Агар бхактага ана шундай чексиз руҳий бойлик ато этиладиган бўлса, унинг фаришталарга сиғиниб юришига ҳожат қоладими? Парвардигорнинг бхактаси Тангри Шивага, Тангри Браҳмага ёки бошқа қандайдир иккинчи даражали фариштага сиғинмайди. У ўзини бутунлай Худонинг Олий Шахсига муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга бағишлайди.

Шукадева Госвами давом этди: "Ўз бхакталарининг яхши ёки ёмон хулқ-атвори Тангри Браҳма ва Тангри Шива бошлиқ фаришталарни, шу жумладан Индра, Чандра, Варуна ва бошқаларни бир пасда мамнун қилиши ёки бир пасда ғазабини келтириб жаҳлини чиқариши мумкин. Аммо Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Вишну ундай эмас". Демак, бу моддий оламдаги барча тирик мавжудотларни, шу жум-

ладан фаришталарни ҳам моддий табиат гуналарини бошқариб туради, шунинг учун ҳам бу моддий оламда эҳтирос ва ғафлат гуналари устунлик қилади. Фаришталарнинг марҳаматига эришишга интилиб юрган бхакталар ҳам ана шу гуналардан, айниқса эҳтирос ва ғафлат гуналаридан қувват оладилар. Шунинг учун Парвардигор Кришна "Бхагавад-гита"да айтганки, фаришталардан паноҳ излаш - калтафаҳмлик аломатидир, чунки улар ато этадиган бойликларнинг ҳаммаси ўткинчи табиатга эга. Фаришталарга сиғиниб орқали тез вақт ичида катта моддий бойликка эришиш мумкин, лекин баъзан бундай бойлик ёмон оқибатларга олиб келади. Шунинг учун фақат узокни кўра олмайдиган калтафаҳм одамларгина фаришталарга сиғиниб, улардан паноҳ излайдилар. Фаришталарнинг марҳаматига эришиб, бадавлат бўлган одамлар аста-секин ўзларининг мол-дунёси билан гердая бошлайдилар, мағрурланиб кетгандан кейин улар эзгу, савоб ишлар қилишни бутунлай унутиб юборадилар.

Шукадева Госвами шоҳ Парикшитга шундай гаплар билан мурожаат қилди: "Эй хурматли шоҳ, Тангри Браҳма, Парвардигор Вишну ва Тангри Шива моддий оламнинг уч асосий ҳукмрон Илоҳи бўлиб, ҳар қандай тирик мавжудотни дуои-фотиҳа қилиши ёки дуои-бад қилиб қарғаш мумкин. Инсон улардан Тангри Браҳма билан Тангри Шивани осон мамнун қилиши ёки осонлик билан уларнинг ғазабини келтириши мумкин. Улар мамнун бўлган пайтларида ўйланиб турмасдан инсонга ҳар хил дуои-фотиҳалар бериши мумкин, ғазоби келганда эса - ўйланиб ўтирмасдан ўз бхактасини дуои-бад қиладилар. Аммо Парвардигор Вишну улардан бутунлай фарқ қилади. Бхакта Парвардигор Вишнудан бирор нарса сўраганида Парвардигор Вишну энг аввало ҳар томонлама ўйланиб кўради: бхактанинг сўраётган дуоси унинг руҳий юксалишига ёрдам берадими - йўқми? Парвардигор ҳеч қачон Ўз бхактасига охир-оқибатда зарар келтирадиган дуои-фотиҳани раво кўрмайди. Ўзининг илоҳий табиатига кўра Парвардигор Вишну ҳамиша меҳрибон, марҳаматли, шунинг учун бхактасига бирор бойлик, дуо ато этишдан олдин, У энг аввало бундай дуо Ўз бхактасига ҳақиқатан ҳам фойда келтириши ҳақида ўйлайди. Худонинг Олий Шахси ҳамиша, ҳатто иблисларни ўлдираётганда ёки Ўзининг бхактасидан ғазабланаётгандай бўлиб кўринганда ҳам, ҳаммага бир хилда меҳрибон бўлгани учун, Унинг ҳамма иши инсонга, бхактасига ҳамиша албатта бахт келтиради. Шунинг учун Худонинг Олий Шахсини "ҳаммага фақат бахт ато этадиган Зот" деб атайдилар. Парвардигор нима қилса ҳам барибир охири яхшилик билан тугайди.

Тангри Шива сингари фаришталарнинг кўрсатадиган марҳамати борасида буюк донишмандлар инсоният тарихидан олинган қуйидаги ҳикояни келтирадилар. Кунларнинг бирида Тан-

гри Шива Шакунининг ўгли бўлган иблис Врикасура ажайиб бир дуо қилиб, бундан ўзи жуда қийин аҳволдан тушиб қолган эди. Иблис Врикасурага бир сеҳр қудрати зарур бўлиб шу қудратга эришиш учун у Илоҳларнинг қайси бирига сиғинишни билмай қолди. Шунда у буюк донишманд Нарада Мунини учратиб қолди, у донишманддан онгли равишда қаттиқ риёзатларга берилиб қайси илоҳни тезроқ мамнун қилиш ва шу билан кўзлаган мақсадига эришиши мумкинлиги ҳақида сўради. У шундай деди: "Уч илоҳ - Тангри Брахма, Парвардигор Вишну ва Тангри Шивадан қайси бирини осонлик билан мамнун қилиш мумкин?" Нарада Муни иблисининг қалбидаги ниятини яхши биларди, шу боис у иблисга шундай маслаҳат берди: "Тангри Шивага сиғинган яхшироқ, чунки бу билан сен ўз ниятингга тезроқ эришасан. Тангри Шивани мамнун қилиш ҳам, унинг ғазабини келтириш ҳам жуда осон. Шунинг учун сен уни мамнун қилишга уриниб кўр!" Шунингдек Нарада Муни Равана ва Банасура сингари иблислар ўзларининг самимий илтижолари билан Тангри Шивани мамнун қилиб, жуда катта мол-дунёга эга бўлгани ҳақида ҳам гапириб берди. Буюк донишманд Нарада Мунига иблис Врикасуранинг табиати маълум бўлгани учун у иблисга Парвардигор Вишнуга ёки Тангри Брахмага мурожаат қилишни маслаҳат бермади. Врикасура ва унга ўхшаган одамлар, ғофиллик ботқоғига ботиб кетганлари сабабли Парвардигор Вишнуга сиғиниш қоидаларига риоя қилишга қодир бўлолмайдилар.

Нарада Мунининг насиҳатларини тинглаб бўлиб иблис Врикасура Кедаранатхга йўл олди. Кашмир яқинидаги Кедаранатх деган муқаддас саждагоҳ ҳали ҳозиргача мавжуд. У жой ҳамиша қор билан қопланган бўлади, аммо июл ойида Илоҳни кўриш имконияти бўлади, шу боис Тангри Шиванинг бхакталари шу ойда унга сиғиниш учун борадилар. Кедаранатхга одатда Тангри Шиванинг бхакталари борадилар. Ведавий қонун-қоидаларга кўра, агар муртига бирор егулик таклиф қилиш лозим бўлса, у олов воситасида тақдим этилади. Шунинг учун ҳар қандай қурбонлик маросимларида албатта олов бўлиши лозим. Иблис Врикасура ҳам Кедаранатхга бориб Тангри Шивани мамнун қилиш ниятида олов ёки қурбонлик маросими ўтказа бошлади.

Тангри Шива шарафига муқаддас олов ёкиб, у оловга ўзининг танасидан гўшт кесиб олиб Тангри Шивага атаб оловга ташлай бошлади. Ғофиллик гунасидаги покланиш жараёни ана шундай бўлади. "Бхагавад-гита"да қурбонликларнинг ҳар хил турлари кўрсатилган. Бир хил эҳсонлар эзгулик гунасида, бирлари - эҳтирос гунасида, баъзилари - ғафлат гунасида бўлади. Риёзат ва сиғинишлар ҳам ҳар хил бўлади, чунки бу дунёда одамлар ҳар хил, бир биридан фарқ қилади. Аммо энг олий риёзат, Худога садоқат билан хизмат қилишдир. Ҳаётда

Кришна онги билан яшаш - энг олий йога ва энг буюк қурбонлик маросимидир. "Бхагавад-гита"да тасдиқланганидай, энг олий йога - ҳамиша Парвардигор Кришна ҳақида ўйлаб юриш, энг буюк қурбонлик маросими эса - санкиртана-йогйа.

"Бхагавад-гита"да айтилганки, фаришталарга сиғиниб юрганлар бефаросат, калтафаҳм одамлардир. Кейинчалик маълум бўладики, иблис Врикасура Тангри Шивани арзимаган, ўткинчи ва ҳақиқий бахт келтирмайдиган моддий мақсад учун мамнун қилишга уринаётган бўлади. Асурлар, яъни ғафлат гунасида юрган одамлар фаришталардан фақат ана шундай дуо оладилар. Ғафлат гунасида бўлган бундай қурбонлик маросимидан бутунлай фарқ қиладиган *арчана-виддхи* - Парвардигор Вишнуга, Кришнага сиғиниш маросими жуда осон. Парвардигор Кришна "Бхагавад-гита"да айтганки, У Ўзининг бхактасидан озгина мева, сув, барг ёки гулни ҳам мамнуният билан қабул қилади. Бундай эҳсонларни бойми, камбағалми, ҳар қандай одам ҳамма жойдан топа олади. Албатта, бой бадавлат одамлар Кришнага озгина сув, озгина мева ёки барг эҳсон қилиб қўймайдилар. Ҳар кимнинг Худога қилаётган эҳсони унинг мартабасига, бойлигига муносиб бўлиши лозим. Аммо, агар бхакта камбағал бўлса, Кришна унинг энг арзимаган эҳсонини ҳам қабул қилади. Парвардигор Кришнага, Парвардигор Вишнуга сиғиниш жуда осон ва ҳар қандай одам, ҳар қандай шароитда ҳам Кришнага сиғина олади. Иблис Врикасура намойиш этаётган ғафлат гунасидаги сиғиниш эса, ҳар хил қийинчилик ва мусибатлар билан боғлиқ бўлибгина қолмасдан, шунчаки бекорга вақт сарфлаш ҳисобланади. Шунинг учун "Бхагавад-гита"да Парвардигор Кришна фаришталарга сиғиниб юрганлар - калтафаҳм одамлардир деган; уларнинг қурбонлик маросими шунча қийинчилик билан ўтса ҳам, жуда оз, бунинг устига ўткинчи натижа беради.

Гарчи иблис Врикасура олти кун давомида тинмай қурбонлик маросими ўтказаётган бўлса ҳам, у Тангри Шивани кўра олмади, унинг мақсади шу эди. У Тангри Шивани ўз кўзи билан кўриб, ундан дуои-фотиҳа олмоқчи эди. Бу борада ҳам иблислар билан бхакталар бир-биридан кескин фарқ қиладилар. Бхакта Илоҳга чуқур садоқат билан нима эҳсон қилса ҳам Парвардигор уни албатта қабул қилишига аниқ ишонади, иблис эса ўзи сиғинаётган Илоҳни бевосита ўз кўзи билан кўриб, ундан дуои-фотиҳа олишга интилади. Бхакта Парвардигор Вишнуга, Парвардигор Кришнага бирор манфаат кўзлаб сиғинмайди. Шунинг учун бхактани *акама*, яъни истаклардан пок деб айтадилар, *абхактани* эса *сарва-кама*, яъни "қалби истакларга тўла" деб атайдилар. Етгинчи кун иблис Тангри Шивани мамнун қилиш учун ўзининг калласини кесиб Тангри Шивага тақдим этиш керак деган қарорга келди. Ведавий қоидаларга кўра қурбонлик

қилинадиган ҳайвонни аввал сувда чўмилтириб, ҳали у қуримаган пайтда қурбон қилиш керак. Иблис ўзининг калласини кесишга ҳозирлик кўраётганини кўриб, Тангри Шива ачинганидан унга ҳамдардлик қилди. Ҳамдардлик туйғуси эзгулик гунасининг аломатидир. Тангри Шивани *трилинга* деб атайдилар. Шу боис унинг иблисга нисбатан ҳис қилаётган ҳамдардлиги унинг эзгулик гунасидалигини билдиради. Ҳамдардлик туйғуси ҳар бир тирик мавжудотга хос бўлган хусусиятдир. Иблис ўзининг танасини қурбонлик оловига эҳсон қилаётганини кўриб Тангри Шиванинг қалбида унга нисбатан ҳамдардлик туйғуси уйғонган эди. Мана шу - тирик мавжудотдаги табиий ҳамдардлик туйғуси ҳисобланади. Ҳатто оддий одам ҳам бировнинг ўз жонига қасд қилаётганини кўриб қолса, уни кутқариб қолишни ўзининг бурчи деб билади. Бу табиий ҳол. Бунга одамларни ўргатишнинг кераги йўқ. Шунинг учун иблисни ўз жонига қасд қилишдан асраб қолиш учун қурбонлик оловидан Тангри Шиванинг ўзи чиқиб келишини унинг бу иблисга кўрсатган буюк марҳамати деб ҳисоблаб бўлмасди.

Тангри Шива қўлини теккизган заҳоти иблис ҳалокатдан қутулиб қолди; унинг танасининг барча жароҳатлари тузалиб кетди, унинг танаси ўзининг аввалги ҳолатига қайтди. Кейин Тангри Шива иблисга шундай деди: "Азизим Врикасура, каллангни кесиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Мендан истаган тилагингни тилашинг мумкин, мен сенинг истаган тилагингни бажо келтираман. Мени мамнун қилиш учун нимага каллангни кесмоқчи бўлаётганингни билмадим. Озгина сув тақдим этсалар ҳам мен мамнун бўламан". Ҳақиқатан ҳам, ведавий қоидаларга кўра эҳромдаги Шива-лингага, Тангри Шиванинг илоҳига, озгина Ганга суви тақдим қилиб сиғинадилар. Бошидан Ганга суви қуйган одамдан Тангри Шива жуда мамнун бўлади деб айтадилар. Одатда бхакталар унга Ганга суви билан *билва* дарахти баргидан тақдим этадилар. Бу дарахт барглари айнан Тангри Шива ва фаришта Дургага тақдим этиш учун мўлжалланган. Тангри Шивага ана шу дарахтнинг мевасидан ҳам тақдим этадилар. Тангри Шива иблис Врикасурага айтдики, уни жудда оддий сиғиниш маросими билан ҳам мамнун қилиш мумкин. Ундай бўлса нима сабабдан иблис ўзининг калласини кесишга уринаётган эди, нимага у ўзини шунча қийноққа солиб, танасини кесиб оловга ташлади? Ўзини бунчалик қийноққа солишнинг ҳожати йўқ эди. Нима бўлганда ҳам Тангри Шива унга ҳамдардлик қилиб, унинг аҳволига ачинганидан унинг истаган орзусини рўёбга чиқаришга ваъда берди.

Тангри Шива иблисга шундай имконият берганида у Тангри Шивадан жуда хатарли ва жирканч дуои-фотиҳа сўради. Иблис оғир гуноҳкор эди, гуноҳкор одам илоҳдан қандай дуои-фотиҳа сўрашни ҳам билмайди. Шунинг учун у Тангри

Шивадан ўзига жуда ғайритабиий қудрат ато этишни, шу қудрат билан кимга унинг қўли тегса, шу зотнинг боши танасидан жудо бўладиган бўлишини сўради. "Бхагавад-гита"да иблислар *душкритина* яъни "золим", "бешафқат, ёвуз" деган ибора билан аталган. *Крити* ибораси "жуда муносиб" деганни билдиради, *душ* бўгини кўшилганда эса "жирканч" деган маънони англатади. Ўз ихтиёрини Худонинг Олий Шахсига топшириш ўрнига душкритинилар қандайдир жирканч моддий манфаатларни кўзлаб турли фаришталарга сиғиниб юрадилар. Баъзан материаллист-олимлар қиёфасидаги ана шундай иблислар оммавий қирғин келтирадиган ҳарбий қуроолларни ихтиро қиладилар. Улар ҳақиқатан ҳам мактовга лойиқ бўлган бирор кашфиёт, масалан, одамларни ўлимдан асраб қоладиган восита ихтиро қила олмайдилар, бунинг ўрнига одамларнинг ажалини тезлаштирадиган нарса ўйлаб топадилар. Тангри Шива - ҳар қандай қудратли дуои-фотиҳа беришга кодир бўлган зот, иблис ундан бутун инсоният учун фойдали бўлган бирор дуо тилаши мумкин эди, лекин у фақат ўз фойдасини ўйлаб, кимнинг бошига у қўлини теккизса шу одам ўша заҳотиёқ ҳалок бўладиган қудрат ато этишини сўради.

Тангри Шива унинг ниятини тушунди ва унинг ҳар қандай истагини бажо келтираман деб ваъда берганидан қаттиқ афсусланди. У ўз ваъдасидан қайтишни истамади, лекин ичида бу иблисга бутун инсоният учун хатарли бўлган қудрат ато этишидан қаттиқ афсусланди. Иблисларни *душкритина*, яъни "ёвуз, золим" деб атайдилар, чунки уларнинг етарли ақли, қобилияти бўлса ҳам, улар шу қобилияти ва ақлидан жирканч ишларни амалга ошириш учун фойдаландилар. Масалан, баъзи материаллист-олимлар оммавий қирғин қуроолларини ишлаб чиқарадилар. Ана шундай нарсалар кашф қилиш учун олиб бориладиган тадқиқотлар учун албатта катта ақл керак, аммо инсоният учун бирор фойдали нарса ихтиро қилиш ўрнига улар ҳар бир одам барибир муқаррар маҳкум бўлган ўлимни яқинлаштирадиган қурооллар ўйлаб топадилар. Худди шундай иблис Врикасура ҳам Тангри Шивадан инсоният учун бирор фойдали нарса тилаш ўрнига ҳатто ўзига ҳам зарарли бўлган қудрат ато этишини тилади. Шунинг учун ҳам Тангри Шива бундай ишлардан қаттиқ афсусланарди. Аммо Парвардигорнинг бхакталари ҳеч қачон Парвардигор Вишнудан қандайдир қудрат ато этадиган дуои-фотиҳа қилишини тиламайдилар, ҳатто бирор нарса сўраса ҳам инсоният учун зарарли нарса тиламайдилар. Иблислар билан бхакталар орасидаги, Парвардигор Кришнага сиғинадиганлар ва Тангри Шивага сиғинадиганлар орасидаги фарқ шундан иборат.

Шукадева Госвами иблис Врикасура ҳақидаги хикояни гапириб ўтирар экан, у Махараж Парикшитга Бхарат деб мурожаат қилди. Бу билан у Махараж Парикшитга у бхакталар суло-

ласида туғилганини эслатиб қўяётган эди. Ҳали онасининг қорнида бўлган пайтда Махараж Парикшитни Парвардигор Кришна халокатдан қутқариб қолган эди. У Парвардигор Кришнадан брахманнинг қарғишини бартараф қилишни илтимос қилиши мумкин эди, аммо у бундай қилмади. Иблис эса қўли теккан ҳар бир одамни ўлдириб, ўзи мангу яшашга интиларди. Тангри Шива буни тушунарди, лекин барибир сўзининг устидан чиқиб унга шундай қудрат ато этди.

Буюк гуноҳкор зот бўлгани туфайли иблис Тангри Шиванинг дуоси билан шундай қудратга эга бўлган заҳоти бу қудратдан Тангри Шивани ўлдиришда фойдаланиб, лаззатланиш учун Гаури(Парвати)ни ўзи билан бирга олиб кетишга қарор қилди. У шу заҳотиёқ қўлини Тангри Шиванинг калласига узатди. Шундай қилиб, Тангри Шива жуда қийин аҳволга тушиб қолди, чунки иблисга ўзининг берган дуои-фотихаси энди ўзининг ҳаётига хавф солиб турарди. Бу - материалист-бхакта фаришталардан олган қудратини қандай суистеъмол қилишига яна бир мисол.

Иблис Врикасура ўйланиб ҳам ўтирмасдан Тангри Шивага яқинлашди ва унинг калласига қўлини қўймоқчи бўлди. Тангри Шива кўркқанидан зир титраганча ундан қоча бошлади - ердан осмонга, осмондан бошқа сайёраларга - то олий сайёралар тизимига, коинотнинг чегарасига етгунча қочиб юрди. Тангри Шива қочишда давом этар, иблис Врикасура эса уни таъқиб қилишдан тўхтамасди. Бошқа сайёраларнинг ҳукмрон фаришталари - Тангри Брахма, Индра, Чандра - Тангри Шивани бу фалокатдан қандай қутқаришнинг иложини топа олмасдилар. Тангри Шива қаерга қочса ҳам улар ноилож ҳолда жимгина кузатиб турардилар.

Ниҳоят Тангри Шива бу коинотда Шветадваipa деб аталадиган сайёрада ором олаётган Парвардигор Вишнуга мурожаат қилди. Шветадваipa - Ваикунтҳанинг шу коинотда жойлашган сайёраси бўлиб, унга ташқи қувват таъсир кўрсата олмайди. Парвардигор Вишну ўзининг ҳамма жойга сингиб кетган кўринишида ҳамма жойда мавжуд, аммо Унинг ўзи шахсан мангу мавжуд бўлган даргоҳ - Ваикунтҳа деб аталади. "Бхагавад-гита"да айтилган эдики, Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд. Демак, Парвардигор қуйи ҳаёт турига мансуб бўлган тирик мавжудотларнинг ҳам қалбида мавжуд, аммо бу - "Унинг ўзи ҳам қуйи ҳаёт турларида туғилади" дегани эмас. Парвардигор қаерда пайдо бўлса шу жой Ваикунтҳага айланади. Шундай экан, бу коинотда жойлашган, Шветадваipa деб аталадиган сайёра ҳам Ваикунтхалокка ҳисобланади. Шастраларда айтилганки, ўрмонда яшаш - эзгулик гунаси, маданиятли шаҳар ва қишлоқларда яшаш - эҳтирос гунаси, тўрт турли гуноҳ ишлар қилиб яшайдиган одамлар орасида яшаш - ғафлат гунасида ҳаёт кечирish ҳисобланади. Тўрт турли гуноҳ ишлар қуйидагилар: (1)ноқонуний жинсий ҳаёт кечи-

риш, (2)ҳар хил маст қилувчи нарсалар истеъмол қилиш, (3)гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш, (4)ютук чиқадиған ҳар хил ўйинлар ўйнаш. Аммо Вишнунинг, ягона Парвардигор Кришнанинг эҳромидида яшаш - Ваикунтҳада яшаш бўлади. Эҳромнинг қаерда жойлашганининг аҳамияти йўқ; қаерда жойлашган бўлса ҳам эҳром *ваикунтҳа* ҳисобланади. Худди шундай Шветадваipa сайёраси ҳам моддий олам ичида жойлашганига қарамай Ваикунтҳа ҳисобланади.

Шундай қилиб, Тангри Шива ниҳоят Ваикунтҳанинг Шветадваipa сайёрасига етиб келди. Шветадваипада моддий оламнинг ҳасадгўй табиатидан бутунлай покланган буюк авлиё зотлар яшайдилар, уларга моддий фаолиятни ҳаракатга келтириб турган тўрт турли куч - такводорлик, моддий фаровонлик, ҳиссий лаззат ва руҳий озодлик(*дхарма, артха, кама, мокша*) ўз таъсирини ўтказа олмайди. Ана шу Ваикунтҳа сайёрасига эришган ҳар қандай одам бу моддий оламга бошқа қайтиб келмайди. Парвардигор Нарайана ўз бхакталарига бўлган кучли меҳр-муҳаббати билан машҳур, Тангри Шива катта хавф-хатар остида қолганини тушунган заҳоти У брахмачарий қиёфасига кириб, узоқ йўлдан келаётган Тангри Шивани кутиб олиш учун унинг олдида пайдо бўлди. Парвардигор ҳақиқий брахмачарийлардан кийиниб олган эди: Унинг белида камар, бўйнида зуннор, эгнида кийик териси, қўлига брахмачариларнинг ҳассаси ва *раудра* тасбеҳи ушлаб олган эди. (Тангри Шиванинг бхакталари Раудра тасбеҳидан, туласидан ясалган тасбеҳлардан эса - Кришнанинг бхакталари қўлланадилар). Шундай қилиб, Парвардигор Нарайана брахмачарийларнинг либосини кийиб, Тангри Шива олдида пайдо бўлди, Унинг илоҳий танасидан таралаётган ёғду нафақат Тангри Шивани, ҳатто иблис Врикасурани ҳам ўзига маҳлиё қилиб қўйган эди.

Парвардигор Нарайана иблисни ўзига жалб этиш ва эътиборини қозониш учун унинг олдида эҳтиром билан сажда қилди. Шу тарзда иблисни тўхтатиб, Парвардигор унга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: "Эй Шакунининг азиз ўғли, сен жуда узоқ йўлдан келаётгандай, қаттиқ чарчаган кўринасан. Бу ерларга нима мақсадда келдинг? Нима сабабдан шунча узоқ йўл босдинг? Қаттиқ чарчаганинг юзингдан кўриниб турибди, илтимос бироз дам ол! Сен бекорга ўз танангни чарчатиб қўймаслигинг керак. Ҳар ким ўз танасини жуда кадрлайди, чунки фақат ана шу танаси ёрдамида у ақлининг ўйлаб топган ҳамма истакларини амалга ошира олади. Шунинг учун бизлар бу моддий танани бекорга уринтирмаслигимиз лозим".

Врикасуранинг отасини яхши билишига ишонтириш учун брахмачарий иблисга Шакунининг ўғли деб мурожаат қилган эди. Шунинг учун иблис Врикасура брахмачарийни ўз оиласига яхши таниш бўлган яқин одам деб қабул қилди, унинг айтаётган илиқ сўзлари дарров иб-

лисга таъсир қилди. Иблис "ҳозир дам олишга вақтим йўқ" деб эътироз билдиришга улгурмасдан аввал Парвардигор унга танаси қанчалик аҳамиятга эга, қадрли экани ҳақида гапира бошлаганди, иблис Унинг гапларига кулоқ сола бошлади. Ҳар бир инсон, айниқса у иблистабиат бўлса, ўзининг ҳозирги танасига жуда катта аҳамият беради. Шундай қилиб, Врикасура ўзининг ҳозирги танаси жуда катта аҳамиятга эга эканига ишончи яна ҳам комил бўлди.

Кейин иблисни хотиржам қилиш учун брахмачарий унга шундай деди: "Эй ҳурматли ҳукмдор, агар сен бу ерга нима мақсадда овора бўлиб келганингни Менга ошкор этсанг, Мен сенга ёрдам беришим мумкин, шунда сен осонлик билан ўз мақсадингга эриша оласан". Аслида Олий Браҳман бўлгани учун Парвардигор унга Тангри Шива юзага келтирган қийин муаммони шубҳасиз ҳал қилишга қодир эканини бироз билдириб қўйди.

Брахмачарий қиёфасига кириб олган Парвардигор Нарайананинг ширин сўзлари иблиснинг кўнглини бутунлай хотиржам қилиб қўйди. Иблис Унга Тангри Шиванинг берган дуоифотиҳаси сабабли юзага келган ҳамма воқеаларни гапириб берди. Шунда Парвардигор унга шундай деди: "Тангри Шиванинг сенга ҳақиқатан ҳам шундай қудратли дуоифотиҳа беришига ишонмайман. Менинг билишимча Тангри Шиванинг ақли жойида эмас. У қайнотаси Дакша билан жанжаллашиб қолган, ўзи қарғишга учраб *пишачи*(арвоҳ) танасига эга бўлиши керак эди. Шу тариқа у жин-арвоҳларнинг йўлбошчисига айланган. Шунинг учун Мен сенинг ўрнингда бўсам унинг гапларига ишонмаган бўлардим. Эй иблисларнинг ҳурматли шоҳи, наҳотки ҳалигача Тангри Шива сенга ҳақиқатан ҳам шундай қудрат ато этганига ишониб юрган бўлсанг? Бу мутлақо бўлмаган гап, ишонмасанг қўлингни бошингга теккизиб кўр! Агар берган дуоси ёлғон бўлса, сен бу ёлғончи Тангри Шивани шу ернинг ўзидаёқ ўлдириб ташлайсан, шунда у бошқа бундай сохта дуолар бермайдиган бўлади".

Шундай қилиб, Парвардигор Нарайананинг ширин сўзлари ва Унинг алдамчи қуввати иблиснинг ақлини бутунлай чалкаштириб юборди, у Тангри Шиванинг қудратини ҳам, унинг берган дуосини ҳам бутунлай эсидан чиқариб юборганди. Шу сабабли уни қўлини ўзининг бошига қўйишга кўндириш қийин иш эмасди. Иблис қўлини ўзининг бошига теккизган заҳоти унинг калласи худди яшин ургандай тарс ёрилиб кетди, иблис шу заҳотиёқ жон таслим қилди. Жаннатдаги фаришталар Парвардигор Нарайанани олқишлаб, Унга чексиз миннатдорчилик билдириб, эҳтиром билан Унинг устига гуллар ёмғирини ёғдирдилар. Врикасуранинг ўлганини кўриб олий сайёралар тизимининг барча аҳолиси - фаришталар, питалар, гандхарвалар ва Жанало-

ка аҳолиси - Худо Шахсини олқишлаб, Уни гулларга қўмиб ташладилар.

Шундай қилиб, Парвардигор Вишну брахмачарий қиёфасига кириб Тангри Шивани хавф солиб турган фалокатдан қутқариб қолди. Кейин Парвардигор Нарайана Тангри Шивага бу иблис аслида ўзининг гуноҳ ишлари оқибатида ҳалок бўлганини тушунтирди. У жуда гуноҳкор иблис эди, унинг содир қилган гуноҳи, ҳақорати жуда катта эди, чунки ўз ҳукмдори Тангри Шива берган дуонинг қудратини ўзининг ҳукмдорида синаб кўрмоқчи бўлган эди. Кейин Парвардигор Нарайана Тангри Шивага шундай деди: "Эй азиз ҳукмдорим, улуғ, мўътабар буюк зотни ҳақорат қилган киши ўз ҳаётини давом эттириши мумкин эмас. Қилган гуноҳлари уни албатта ҳалокатга маҳкум этади, буни сени ҳақорат қилган иблис Врикасура мисолида яққол кўришинг мумкин".

Шундай қилиб, моддий табиат гуналари га нисбатан илоҳий ҳолатда бўлган Худонинг Олий Шахси Нарайананинг марҳамати билан Тангри Шива иблис Врикасура сабабли хавф солиб турган фалокатдан қутулиб қолди. Мана шу ҳикояни чуқур имон ва садоқат билан тинглаган ҳар қандай инсон албатта моддий олам тугкунлигидан ҳамда душманларининг барча кирдикорларидан озод бўлади.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Тангри Шивани қутқариши" деб аталадиган саксон еттинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.

88. Кришнанинг чексиз қудрати

Жуда қадим замонда Сарасвати дарёсининг соҳилида кўплаган буюк донишмандлар тўпланиб, Сатрайагга деб аталадиган буюк қурбонлик маросими ўтказдилар. Ана шундай мажлисларда иштирок этаётган буюк донишмандлар одатда Ведалар билан боғлиқ бўлган улуғвор мавзуларни, юксак фалсафий муаммоларни муҳокама қиладилар. Мазкур мажлисда қуйидаги масала муҳокамага қўйилган эди: Моддий оламдаги уч ҳукмрон илоҳ - Тангри Браҳма, Парвардигор Вишну ва Тангри Шива - бу оламнинг бутун фаолиятини бошқариб турадилар, лекин улардан қайси бири Олий Ҳукмдор? Бу масалани жуда узоқ муҳокама қилгандан кейин Тангри Браҳманинг ўғли бўлган Бҳригу деган буюк донишмандни сайлаб, унга шу уч илоҳнинг қудратини текшириб, синаб кўриш, кейин шу синов натижасида уларнинг қайси бири Олий Ҳукмдор эканини мажлис аҳлига етказишни топширдилар.

Буюк донишманд Бҳригу Муни энг аввало ўз отасининг даргоҳига, Браҳмалокага йўл олди. Бу уч илоҳ моддий табиатнинг уч гунасини - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гунасини бошқариб турадилар. Донишмандларнинг режалари бўйича

Бхригу Муни бу уч илохнинг қайси бири кўпроқ эзгулик гунасида эканини текшириб кўриши лозим эди. (Демак, кимда эзгулик кўп бўлса, ўша зот қудратлироқ, яъни инсоннинг қудрати унинг эзгулиги билан ўлчанади). Шунинг учун Бхригу Муни отаси Тангри Брахма олдида пайдо бўлганида, атайлаб, унинг эзгулигини синаб кўриш ниятида унга эхтиром кўрсатмади: унга таъзим ҳам қилмади, сажда қилиб, илтижо ҳам қилмади. Отаси ёки рухий устозининг олдида борганда уларга хурмат-эхтиром кўрсатиш, уларни олқишлаб илтижо қилиш фарзанд ёки шогирднинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Аммо, Тангри Брахма ўғлининг шундай одобсизлигига қандай муносабат билдиришини текшириб кўриш ниятида Бхригу Муни атайлаб отасига хурмат-иззат кўрсатмаган эди. Ўғлининг бундай одобсизлигини кўриб, Тангри Браҳманинг қаттиқ жаҳли чиқди, бу унинг юзида акс этган аломатлардан яққол кўриниб турарди. У ҳатто Бхригу Мунини дуои-бад қилиб қарғамокчи ҳам бўлган эди, лекин бу буюк донишманд унинг ўз ўғли бўлгани учун, чуқур тафаккурини ишга солиб, жаҳлини бироз жиловлаб олди. Бу шундан далолат берадики, гарчи Тангри Браҳмада эхтирос гунаси устивор бўлса ҳам, у ўз эхтиросини жиловлаб олишга етарли бўлган қудратга эга. Тангри Браҳмада мужассам бўлган ғазаб ва уни жиловлаб олиш қобилиятини олов билан сувга қиёслайдилар. Сув оловдан пайдо бўлади, айни пайтда сув ёрдамида оловни ўчириш мумкин. Шунга ўхшаб, Тангри Браҳма ўзида устивор бўлган эхтирос гунаси сабабли қаттиқ ғазабланган бўлса ҳам, Бхригу Муни ўз ўғли бўлгани учун у ғазабини жиловлаб олишга қудрати етган эди.

Шу тарзда Тангри Браҳмани синаб кўргандан кейин Бхригу Муни Тангри Шива истикомат қиладиган Каилас сайёрасига йўл олди. Бхригу Муни Тангри Шиванинг укаси эди. Шунинг учун ўзининг даргоҳида укаси Бхригу Муни пайдо бўлганини кўриб Тангри Шива жуда қувониб кетди, уни муносиб хурмат билан қарши олиш учун дарров ўрнидан турди. Аммо у укасини кучоқлаб бағрига босиш учун Бхригу Мунига яқинлашганида укаси у билан кучоқлашиб кўришишдан бош тортди. "Ҳой азиз акажон, - деди у, - сен жуда ифлос, нопоксан. Сен танангга ҳамиша кул сепиб юрасан, шунинг учун сен ҳозир унчалик пок эмассан. Шу боис илтимос, менга яқинлашма!" Бхригу Муни акасининг нопоклигини айтиб, кучоқлашиб кўришишдан бош тортганини кўриб Тангри Шиванинг ғазаби қайнаб кетди. Маълумки, инсон бошқа бировни ўзининг амали(бирор ҳаракати), тили(айтган гаплари) ёки ақли(хаёлида)да ҳақорат қилиб қўйиши мумкин. Бхригу Муни Тангри Браҳмани ўзининг ақлида, хаёлида ҳақорат қилган эди. Унинг ҳозирги ҳақорати - Тангри Шиванинг қиладиган ишларини, унинг ўзини нопок, ҳаром деб айтишлари - тили, гаплари билан ҳақорат

қилиш эди. Тангри Шивада ғафлат гунаси устивор бўлгани сабабли Бхригу Мунининг бундай ҳақоратли гапларини эшитиб, ғазаби қайнаганидан унинг кўзлари оловдай ёниб, қизариб кетган эди. Жаҳлини, ғазабини тўхтага олмай, у шу заҳотиёқ кўлига уч тишли санчқисини олиб, шу ернинг ўзидаёқ Бхригу Мунини ўлдириб ташлашга интилди. Тангри Шиванинг рафиқаси Парвати ҳам шу ерда эди. Унинг табиатида табиатнинг барча уч гунаси билан бор, шунинг учун уни одатда *Тригунамайя* деб ҳам атайдилар. Шу боис у Тангри Шиванинг қалбидаги эзгулик гунасини уйғотиб, бу қалтис вазиятни анча енгиллаштирди. У рафиқасининг оёғига йиқилиб, ўзининг ширин сўзлари билан уни ўз укаси Бхригу Мунини ўлдириш қароридан воз кечишга кўндирди.

Тангри Шиванинг авж олган ғазаби оқибатидан кутулиб қолгандан кейин Бхригу Муни Шветадваipa сайёрасига йўл олди, бу ерда гуллардан ясалган тўшакда Парвардигор Вишну ором олиб ётарди, Унинг ёнида эса рафиқаси, равнақ фариштаси Унинг оёқларини уқалаб ўтирарди. Бхригу Муни атайлаб ўз ҳаракати билан Парвардигор Вишнунинг оғир ҳақорат қилди. Бхригу Мунининг биринчи, Тангри Браҳмага нисбатан содир этган ҳақорати ақли билан, иккинчиси, Тангри Шивага нисбатан қилган ҳақорати - тили, гаплари билан, учинчиси - танасининг ҳаракати билан содир қилинган эди. Учунчи ҳақорат - иккинчи ҳақоратдан кучли, иккинчи ҳақорат - биринчисидан кучли ҳисобланади. Одамнинг ақлида қилган ҳақорати(ҳақорат қилишни ният қилиш) ҳали унчалик оғир ҳақорат ҳисобланмайди, худди шундай ҳақоратни тилида, айтган гаплари билан қилиш(қандай ҳақорат қилишни тилда айтиш) - оғир ҳақорат ҳисобланади, шундай ҳақорат ҳақиқатан ҳам амалда бажарилса - бу жуда оғир ҳақорат бўлади. Шундай қилиб, Бхригу Муни равнақ фариштасининг кўзи олдида Парвардигорнинг нақ кўксига оёғини қўйиб, Унга нисбатан жуда оғир ҳақорат содир қилди. Албатта, Парвардигор ҳаммага бир хилда кечиримли, ҳалийм бўлган меҳрибон Зот. У Бхригу Мунининг Ўзига нисбатан содир этган бундай ҳурматсизлигидан мутлақо ғазабланмади, чунки Бхригу Муни буюк браҳман эди. Браҳман ҳатто баъзан қандайдир ҳақорат қилса ҳам уни кечириб керак. Браҳманинг шундай ҳақоратли амалларига бундай муносабат билдириш билан Парвардигор Вишну одамларга сабоқ бериб, ўрнатқучи кўрсатяпти. Лекин барибир, айтишларига қараганда, бўлиб ўтган ана шу воқеадан кейин равнақ фариштаси Лакшми браҳманларни унчалик ёқтирмас эмиш, равнақ фариштаси браҳманларни ўз марҳаматидан маҳрум қилгани учун одатда ҳамма браҳманлар жуда қашшоқ яшайдилар. Бхригу Мунининг оёғини Парвардигор Вишнунинг кўксига қўйиши албатта жуда оғир ҳақорат, гуноҳ ҳисобланади, аммо Парвар-

дигор Вишну шу қадар олижаноб, улугворки, брахманнинг бундай оғир қилмишига ҳатто эътибор ҳам бермади. Кали-югада ўзларини брахман деб юрган баъзи бир одамлар ҳам оёғини Парвардигор Вишнунинг кўксига қўя олишлари билан мағрурланиб юрадилар. Аммо Бхригумунининг оёғини Парвардигор Вишнунинг кўксига қўйиши бутунлай бошқа маънога эга эди, чунки ҳатто бу оғир гуноҳ бўлса ҳам, Парвардигор Вишну Ўзининг чексиз олижаноблиги билан унинг бу қилиғига аҳамият бериб ўтирмади.

Бхригумунидан қаттиқ ғазабланиш ёки уни дуои-бад қилиш ўрнига Парвардигор Вишну дарров ётган ўрнидан сакраб турди, рафикаси раванқ фариштаси Лакшми билан биргаликда брахманга чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб муносиб кутиб олди. У Бхригумунига шундай сўзлар билан мурожаат қилди: "Эй азиз брахман, сенинг бу ерга келишинг Мен учун буюк бахт. Илтимос, бир пас мана бу юмшоқ тўшаклар устида ўтириб ором ол. Эй ҳурматли брахман, бу ерга кириб келганингда, дарров ўрнимдан туриб, сени муносиб иззат-икром билан кутиб ололмаганим учун қаттиқ пушаймондаман. Бу билан Мен сени қаттиқ ҳақорат қилиб қўйдим, шу гуноҳим учун Мен сендан кечирим сўрайман. Сен шу қадар пок ва буюксанки, сенинг нилуфар қадамларинг пойи ювилган сувлар ҳатто муқаддас саждагоҳларни ҳам поклашга қодир. Шу боис сендан Ўз қариндошларим билан бирга Мен истикомат қилаётган мана шу Ваикунтха сайёрасини ҳам ўз ташрифинг билан поклашингни илтимос қиламан. Эй қадрдон отам, эй буюк донишманд, Мен биламанки, сенинг пойи қадамларинг нилуфар гули сингари нозик, Менинг кўксим эса тошдай қаттиқ. Нозик оёқларинг тошдай қаттиқ кўксимга текканидан сен озор чекиб қўймадингмикан деб кўрқяпман. Шунинг учун ана шу оғрикни кетказиш учун оёқларингни силашимга рухсат бер!" Шундан сўнг Парвардигор Вишну Бхригумунининг оёқларини силаб, укалай бошлади.

Парвардигор давом этди: "Эй азиз ҳукмдорим, сенинг табаррук пойи қадамларинг Менинг кўксимни поклади, энди Менинг ишончим комилки, ана шу покланган жойда раванқ фариштаси Лакшми хурсанд бўлиб мангу қолади". Равнақ фариштаси Лакшмини Чанчала деб ҳам атайдилар. Табиатига кўра у бир жойда кўп вақт тўхтаб қолмайди. Шунинг учун кузатиш мумкинки, бой-бадавлат оилалар ҳаётда бир неча авлодга етмасдан қашшоқлашиб, қашшоқ оилалар эса бой-бадавлат бўлиб турадилар. Равнақ фариштаси Лакшми моддий оламда ўзини Чанчала сифатида намоён этади, аммо Ваикунтха сайёраларида у Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида мангу яшайди. Лакшми Чанчала сифати билан машҳур бўлгани сабабли Парвардигор Нарайана у ҳамиша Ўзининг кўксига бўлавермаслигини, энди, Бхригумуни ўзининг

оёқларини теккизиб кўксини поклагандан кейин эса, Лакшми Унинг кўксини ҳеч қачон тарк этмаслигини айтиб қўяётган эди. Аммо Бхригумуни ўзининг ҳолатини ҳам, Парвардигорнинг ҳолатини ҳам жуда яхши биларди, шунинг учун Худонинг Олий Шахсининг ўзига нисбатан кўрсатган буюк илтифотидан у қаттиқ ҳайратга тушган эди. У Парвардигордан шу қадар чексиз миннатдор эдики, ҳаяжонланганидан овози бўғзига тикилиб, Парвардигорнинг гапларига бирор сўз айтиб жавоб бера олмай қолди. Унинг кўзларидан тинмай ёш оқар, бирор гап айтишга мадори бўлмади, Парвардигорнинг олдида жим турарди.

Тангри Брахмани, Тангри Шивани ва Парвардигор Вишнуни шу йўсинда синовдан ўтказиб бўлгандан кейин Бхригумуни Сарасвати дарёсининг қирғоғида тўпланган донишмандларнинг олдида қайтиб келди ва уларга бўлиб ўтган воқеаларни батафсил гапириб берди. Унинг гапларини диққат билан тинглаб туриб, донишмандлар барча ҳукмрон илоҳлар ичида кўпроқ эзгулик гунасида бўлгани шубҳасиз Парвардигор Вишну деган хулосага келдилар. "Шримад Бхагаватам"да бу буюк донишмандлар *брахмавадинам* деб аталган. *Брахмавадинам* ибораси "Мутлақ Ҳақиқат ҳақида гапирадиган, лекин ҳали бирор хулосага келмаган" деган маънони билдиради. Одатда *брахмавади* ибораси имперсоналистларга нисбатан ёки Ведаларни ўрганиб юрган одамларга нисбатан ишлатилади. Бундан шуни тушуниб олиш мумкинки, бу ерга тўпланган донишмандларнинг ҳаммаси Ведаларни чуқур ўрганган, аммо аслида, ҳали Худонинг Мутлақ Олий Шахси ким экани ҳақида аниқ хулосага келмаган одамлар эди.

Бхригумунининг уч илоҳ - Тангри Брахма, Парвардигор Вишну ва Тангри Шива билан бўлган учрашувларида бўлиб ўтган воқеалар ҳақида тинглаб туриб донишмандлар шундай хулосага келдилар: Парвардигор Вишну - Олий Ҳақиқат, Худонинг Олий Шахси. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, донишмандлар Бхригумунининг гапларини тинглаб туриб ҳайратга тушдилар, чунки гарчи Тангри Брахманинг ва Тангри Шиванинг дарров ғазаби келган бўлишига карамай, Бхригумуни ҳатто Унинг кўксига оёғини теккизган бўлса ҳам Парвардигор Вишну бутунлай хотиржамлигича қолаверган эди. Кичкина шамчирокнинг ёғдуси озгина шамолдан ҳам ўйнаб кетади, аммо катта оловга ҳатто кучли бўрон ҳам таъсир қилмайди, энг кучли ёруғлик манбаи - қуёш. Инсоннинг буюклиги унинг жаҳлини чиқарадиган вазиятларда ҳам хотиржам қола билиши билан ўлчанади. Сарасвати дарёси соҳилида тўпланган донишмандлар шундай қарорга келдиларки, ҳар қандай кўрқув, хавотирлардан халос бўлишга, ҳақиқий осойишталикка, хотиржамликка эришишга интилаётган одам Парвардигор Вишнунинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ излаши

лозим. Агар Тангри Брахма ва Тангри Шива озгина сабаб билан ҳам ўзининг хотиржамлигини йўқотиб, ғазабланиб кетадиган бўлса, қандай қилиб улар ўз бхакталарининг тинчлигини, хотиржамлигини ва осойишталигини таъминлай оладилар? Парвардигор Вишнуга келсак, "Бхагавад-гита"да айтилганки, Парвардигор Вишнуни, Кришнани ўзининг энг яқин дўсти деб билган киши ҳаётда энг олий хотиржамликка, осойишталикка эришади.

Шундай қилиб, донишмандлар шундай хулосага келдиларки, инсон *варнашрама-дхарма* қоидаларига риоя қилиб яшаш билан ҳақиқатан ҳам руҳий камолотга эришади. Аммо, агар одам қандайдир бир диний оқимнинг қонун-қоидаларига риоя қилиб юрса-ю, лекин Худонинг Олий Шахсини, Парвардигор Вишнуни англаб олишга эришмаса, унинг қилаётган барча холис хизматлари бекор кетади. Диний қонун-қоидаларга риоя қилиш деганда Худо, ҳаёт ҳақида мукаммал илмга эга бўлишни тушуниш керак. Мукаммал илмга эга бўлган киши учун дунёвий моддий ишларнинг қизиғи қолмайди. Илм дегани - ўзининг ким эканини, Худонинг ким эканини билиш демакдир. Олий рух билан алоҳида рух гарчи сифат жиҳатидан бир хил бўлса ҳам, миқдор жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладилар. Мана шундай таҳлилий илм мукаммал илмдир. Шунчаки "мен - модда эмасман, мен - руҳман" деганни тушуниш ҳали мукаммал илм эмас. Ҳақиқий дин қонуни - Худога садоқат билан хизмат қилиш, яъни бхакти. Бу "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланган. Парвардигор Кришна шундай дейди: "Барча диний қоидаларни тарк эт, шунчаки ўз ихтиёрингни Менга топшир!" Шундай экан, дхарма тушунчасини фақат ваишнавад-дхармага яъни бхагавад-дхармага нисбатан ишлатиш мумкин, мана шу дхармага риоя қилиб яшаш билан инсон табиий равишда барча эзгу фазилатларга эга бўлиб, ҳаётда энг юксак муваффақиятга эришади.

Энг мукаммал илм - Худонинг Олий Шахси ҳақидаги илмдир. Бу илмни Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа бирор диний жараён(амал) ёрдамида эгаллаб бўлмайди. Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида инсон бирданига мукаммал илмга эга бўлади. Илмга эга бўлган кишининг бу моддий оламга бўлган қизиқиши бутунлай йўқолиб кетади. Бундай улуғвор ҳолатга қуруқ фалсафий изланишлар натижасида эришиб бўлмайди. Бхакта шунчаки назарий илмга эга бўлгани учун эмас, балки ҳақиқатан ҳам ўз тажрибасида руҳий ўзлигини, Худони англаб етгани учун бу ўткинчи моддий оламнинг ишлари билан қизиқмай қўяди. Бхакта Парвардигор билан бевосита мулоқотда бўлиш инсонга қандай чуқур лаззат келтиришини ўзи бевосита ҳис қилиб кўрган заҳоти унда дунёвий жамият, дўстлик, муҳаббат сингари нарсаларга бўлган интилиш барҳам топади. Бу шунчаки қуруқ, сохта таркидунёлик эмас; бхакта ҳаётнинг

Парвардигор билан ўзаро илоҳий муносабатлардан лаззатланиб яшайдиган юкори поғонасига кўтарила олгани сабабли унда шундай таркидунёлик ҳолати юзага келади. "Шримад Бхагава-там"да айтилганки, илм ва таркидунёликнинг ана шундай поғонасига кўтарилгандан кейин инсон бошқа бирор алоҳида ҳаракат қилиб юрмасдан сеҳрли-йоганинг *анима, лағхима, прапти* сингари саккиз турли қудратига ҳам эга бўлади. Амбариша Махараж бунга яққол мисол бўла олади. У сеҳргар-йог эмас, буюк бхакта эди, шунга қарамай, Амбариша Махараж билан баҳслашиб қолганида буюк сеҳргар-йог Дурваса Муни унинг садоқати олдида мағлуб бўлди. Бошқача қилиб айтганда, сеҳр қудратига эга бўлиш учун бхактанинг сеҳрли йога билан шуғулланиб юришига мутлақо ҳожат йўқ. Худди ёш бола ўз ихтиёрини отасига топширганида отасининг бутун қудрати ҳам унинг ихтиёрида бўлгани сингари, Худонинг чексиз қудрати ҳам содиққа Унинг марҳамати билан бирга келади.

Агар инсон Парвардигорнинг бхактаси сифатида шон-шуҳрат қозонса, унинг шуҳрати ҳеч қачон завоқ топмайди. Парвардигор Чайганяя Рамананда Рай билан бўлган суҳбатда ундан: "Энг юксак шон-шуҳрат нимада?" - деб сўраганида, Рамананда Рай жавоб бериб айтдики, Парвардигор Кришнанинг бхактаси сифатида донг таратиш - энг юксак, энг мукаммал шон-шуҳратдир. Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкин, Вишну-дхарма, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш қонуни - энг буюк донишманд инсонлар учун мўлжалланган ҳаёт қонунидир. Донишмандлигидан тўғри фойдаланиб, улар ҳамиша Худонинг Олий Шахси ҳақида ўйлаб юрадиган юксак илоҳий поғонага кўтариладилар. Худонинг Олий Шахси ҳақида ўйлаб юриш шарофати билан инсон моддий қувват билан бирга бўлиш иллатларидан покланиб қалбининг ўзгармас хотиржамлигига эришади. Инсонлар жамиятида ана шундай хотиржам, осойишта бхакталар бўлмагани туфайли ҳозирги даврда бутун оламда пала-партишлик, тартибсизлик ҳукм суряпти. Фақат бхакталар барча тирик мавжудотларга нисбатан бир хилда муносабатда бўла оладилар. Бхакта ҳайвонларга нисбатан ҳам, одамларга нисбатан ҳам, бошқа барча тирик мавжудотларга нисбатан ҳам бир хил муносабатда бўлади, чунки у ҳар бир тирик мавжудотни Парвардигорнинг ажралмас бир бўлакчаси деб билади. "Ишопанишад"да аниқ айтилганки, барча тирик мавжудотларга нисбатан бир хил муносабатда бўла олиш поғонасига кўтарилган инсон ҳеч кимдан нафратланмайди ҳам, ҳеч кимга ортиқча меҳр ҳам қўймайди. Бхакта тақдирига ёзилган бойлигини оширишга уринмайди. Шунинг учун бхакта *акинчана*, яъни ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшайди. Бхакта қаерда бўлса ҳам - дўзахдами, жаннатдами - ҳамма жойда хотиржам яшайди. Бхакта Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ

бўлмаган нарсаларнинг ҳаммасига лоқайдлик билан қарайди. Ҳаётда ана шундай турмуш-тарзи билан яшаш - рухий баркамолликнинг энг юксак чўққиси бўлиб, ундан рухий оламга, Худонинг даргоҳига қайтиб кетиш мумкин. Худонинг Олий Шахсининг бхакталарини энг олий гуна, эзгулик гунаси ўзига жалб этади, муносиб брахман - эзгулик гунасининг тимсолидир. Шунинг учун бхакта ҳамиша брахманларнинг турмуш тарзи билан яшашга интилади. Гарчи ғафлат гунаси ва эҳтирос гунаси ҳам Парвардигор Вишнудан чиқадиган бўлишига қарамай, бу гуналар бхактани қизиқтирмайди. "Шримад Бхагаватам"да бхакталар *нипуна-буддхайах* деб таърифланган, бунинг маъноси шундан иборатки, улар энг ақлли инсонлар тоифасига киради. Бхакталарга бирор нарсага қаттиқ боғланиш ёки бирор нарсдан нафратланиш туйғуси таъсир қилмагани сабабли улар ҳамиша хотиржам яшайдилар, эҳтирос ва ғафлат гуналар ўзларининг салбий таъсири билан уларни безовта қилмайди.

Бу ерда шундай савол туғилиши мумкин: агар бхакта барча моддий табиат гуналарига нисбатан илоҳий поғонада бўлса, нимага у моддий оламнинг эзгулик гунасига боғланган? Гап шундаки, моддий табиатнинг ҳар хил гуналарида бўлган ҳар хил одамлар бор. Ғафлат гунасида юрган одамларни рақшаслар деб атайдилар, эҳтирос гунасидаги одамларни - асурлар, эзгулик гунасидаги одамларни эса - сурлар, яъни фаришталар деб атайдилар. Худонинг Олий Шахси бошқариб турган моддий табиат одамларнинг ана шу тоифаларини яратади, лекин эзгулик гунасидаги одамларнинг рухий оламга, Худонинг даргоҳига қайтиш имконияти кўпроқ.

Шундай қилиб, Сарасвати дарёси соҳилида тўпланган донишмандлар, Худонинг Олий Шахси, Олий Ҳукмдор ким эканини аниқлашга ҳаракат қилиб кўриш учун Парвардигор Вишнуга сиғиниш борасидаги барча шубҳа-ю гумонлардан покландилар. Шундан сўнг уларнинг ҳаммаси ҳаётини ягона Худога, Парвардигор Вишнуга садоқат билан хизмат қилишга бағишладилар ва кўзлаган мақсадига эришиб, Худонинг даргоҳига қайтдилар.

Ҳақиқатан ҳам моддий кишанлардан биратўла халос бўлишга интилаётган фаросатли киши Шукадева Госвामининг "Шримад Бхагаватам"нинг бошида келтирган хулосасини қабул қилгани маъқул. Унда айтилганки, агар инсон мунтазам равишда "Шримад Бхагаватам"ни тинглаб юрса, бу унинг рухий озодликка эришишига жуда катта ёрдам беради, чунки "Шримад Бхагаватам"ни Шукадева Госвामининг ўзи ҳикоя қилади. Бу хулосани Сута Госвами ҳам тасдиқлайди: агар бу моддий оламда бирор мақсадсиз сарсон бўлиб юрган киши Шукадева Госвामининг шарбат тўла гапларини тинглашни истаб қолса, ҳеч қандай шубҳа йўқки, у энг тўғри хулосага келган бўлади: шунчаки Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали у бир моддий тана-

дан иккинчи моддий танага кетма-кет ўтиб юришлар билан боғлиқ бўлган барча мусибатларга бутунлай чек қўя олади. Бошқача қилиб айтганда, "Шримад Бхагаватам"ни диққат билан тинглаган киши Парвардигор Вишнуга садоқат билан хизмат қилишда мустаҳкам туриб олади. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, у моддий оламда сарсон бўлиб тирикчилик қилишни тарк эта олади, бу жараён унинг учун жуда осон кечади. Инсон шунчаки "Шримад Бхагаватам"ни ҳикоя қилаётган Шукадева Госвामининг шарбат тўла ҳикояларига қулоқ тутиб юрса бас.

Навбатдаги хулоса шундай: ҳеч қачон фаришталарни, ҳатто Тангри Шива ва Тангри Браҳмани ҳам Парвардигор Вишну билан бир поғонада турган деб ҳисобламаслик керак. Агар шундай деб ҳисобласак, "Падма пурана"да айтилганидай, шу заҳотиёқ имонсиз даҳрийларга айланамиз. "Харивамша" деб аталадиган Ведавий муқаддас китобда ҳам айтилганки, инсон фақат Худонинг Олий Шахсига, Парвардигор Вишнуга сиғиниши лозим. Ҳамиша Ҳаре Кришна мантрасини ёки Парвардигор Вишнуга аталган бошқа бирор мантрани зикр қилиб юриш лозим. "Шримад Бхагаватам"нинг иккинчи кўшиғида Тангри Браҳма шундай дейди: "Мен ҳам, Тангри Шива ҳам - Худонинг Олий Шахсининг амри билан ва унинг раҳбарлиги остида турли кўринишларда ҳаракат қиламиз". "Чайтанья Чаритамрита"да ҳам айтилганки, Кришна - ягона ҳукмдор, қайси тоифага мансуб бўлишидан қатъий назар тирик мавжудотларнинг ҳаммаси - Кришнаниннг мангу хизматкорларидир.

"Бхагавад-гита"да Парвардигор шундай дейди: "Кришна(Мен)дан устун ҳақиқат йўқ. Мана шу ҳақиқатга - яъни барча вишну-таттвалар орасида Парвардигор Кришна мутлақо Худонинг Олий Шахси эканига ҳамманиннг эътиборини қаратиш учун Шукадева Госвами Парвардигор Кришна ер сайёрасида бўлган пайтда рўй берган бир воқеани гапириб беради.

Кунларнинг бирида бир брахманнинг хотини фарзанд кўрибди. Бахтга қарши туғилган фарзанд ерга тушиши биланоқ оламдан ўтибди. Брахман-ота ўлик ўғлини кўлига олиб тўғри Дваракага, шохнинг саройига йўл олибди. Ёш ота-онасининг кўзи олдида бевақт вафот этган фарзанди учун брахман қаттиқ изтироб чекарди. Унинг ақли қаттиқ ташвишда эди. Қадим замонларда, Двара-югада, халқнинг шохларга нисбатан ишончи кучли бўлган, Парвардигор Кришна ер сайёрасида юрган даврларда ота-онасининг кўзи олдида фарзандлар ҳалокатга учраётгани учун шохларни айблаш мумкин эди. Шохларнинг ана шундай маъсулияти Парвардигор Рамачандра даврида ҳам мавжуд эди. "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида тушунтирганимиздай, шох ўз фуқароларига қулай ҳаёт шароити яратиб бериши, ҳатто иссиқ ва совуқни ҳам назорат қилиб туриши лозим. Гарчи бунда шохнинг айби бўлмаса ҳам, ўғли ҳалок бўлган

брахман сарой дарвозаси олдига келиб шохни айблаи бошлади.

"Шохимиз Уграсена брахманларга хасад қилади!" Бу ерда унинг ишлатган аниқ ибораси - *брахма-двипшах*. Ведаларга, муносиб брахманларга ёки брахманлар табақасига хасад қиладиган одам *бравма-двип* деб аталади. Ўша брахман шохни *шатха-дхи*, яъни "етарли ақл-фаросатга эга эмас" деб айблади. Ҳукумат тепасида турган одам жуда ақли, фаросатли инсон бўлиши лозим, шундагина у мамлакатдаги фуқароларнинг турмуш кечириси учун етарли шароит яратиб бера олади, лекин брахманнинг гапига кўра, гарчи тахтда ўтирган бўлса ҳам, шох етарли ақлга эга эмас. Шунинг учун брахман шохни *лубдха*, яъни "очкўз, қизганчик" деб ҳам атади. Бошқача қилиб айтганда очкўз, қизганчик, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган одам ҳукмдор бўлиши ёки ҳукумат тахтига ўтирмаслиги керак. Аммо, агар ҳукмдор моддий лаззатларга боғланиб қолган бўлса, у албатта фақат ўз манфаатини ўйлайдиган очкўз бўлиши табиий ҳол. Шу боис брахман шохни айблаб яна бир ибора ишлатди - *вишайатманах*.

Брахман шохни айблаб, уни *кшатра-бандху* деб атади. Кшатрий оиласида туғилган, лекин шохларга хос бўлган олижаноб фазилатларга эга бўлмаган кишини *кшатра-бандху* деб атайдилар. Шох жамиятда брахманлар маданиятининг побони бўлиши ҳамда ўз фуқароларининг фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиши лозим; у моддий лаззатларга боғланиб қолгани туфайли, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган очкўз бўлмаслиги лозим. Агар зарур сифатларга эга бўлмаган киши шохлар хонадонига мансуб кшатрийлик мартабасини даъво қилса, ундай одамни *кшатрий* деб эмас, *кшатра-бандху* деб атайдилар. Худди шундай, отаси *брахман* бўлган ҳолда ўзи брахманларга хос фазилатларга эга бўлмаса, уни *брахма-бандху* ёки *двиджа-бандху* деб атайдилар. Демак, брахманлар ёки кшатрийлар оиласида туғилгани учунгина бировни *брахман* ёки *кшатрий* деб бўлмайди. Инсон ўз мартабасига лойиқ бўлган фазилатларга эга бўлиши лозим; фақат шундагина уни ҳақиқий *брахман*, *кшатрий* деб аташ мумкин.

Шундай қилиб, брахман шох учун зарур бўлган фазилатларга эга бўлмагани сабабли шох Уграсенани ўзининг янги туғилган чақалогининг бевақт ҳаётдан кўз юмишида айблади. Брахман бу воқеани жуда ғайритабиий воқеа деб қабул қилди, шу боис бу воқеа учун шох тўла жавоб бериши лозим деб ҳисобларди. Ведавий адабиётлардан биз яхши биламизки, агар шох-кшатрий халқнинг ишончини қозона олмаса, монархия даврида мавжуд бўлган брахманлар кенгаши баъзи ҳолларда ундай шохни тахтдан маҳрум қилган. Буларнинг ҳаммасини эътиборга олган ҳолда шундай хулосага келиш мумкин: ведавий қонунлар асосида яшайдиган маданиятли инсон-

лар жамиятида шохнинг маъсулияти, жавобгарлиги жуда катта бўлган.

Брахман шундай деди: "Қиладиган иши бошқаларга хасад қилиш бўлган шохга ҳеч ким таъзим қилмаслиги, хурмат-эҳтиром кўрсатмаслиги лозим. Ундай шох ўз вақтини ё ўрмонда ҳайвонларни ўлдириб ов қилиш билан, ё жиноятлари учун фуқароларни жазолаб ўлдириш билан машғул бўлиб ўтказади. У ўзини-ўзи бошқара олмайди, унинг одоб-ахлоқи ҳам аҳмоқона бўлади. Агар ана шундай номуносиб шохга хурмат-эҳтиром кўрсатсалар, одамлар ҳеч қачон ҳаётда бахтли яшай олмайдилар. Улар ҳамиша қашшоқ ва бахтсиз бўладилар, уларнинг турмуши ташвиш ва мусибатларга тўла бўлади". Ҳозирги давлатларда монархия тизими инкор этилган, президент эса мамлакатдаги фуқароларнинг фаровонлиги учун жавобгар эмас. Кали-йугада ҳукумат тепасида турган одам қандайдир йўллар билан сайловчиларнинг овозини тўплайди ва шу билан ана шундай катта лавозимни эгаллаб олади, фуқаролар эса аввалгидай ташвишу-мусибатларга тўла ҳаёт кечиршида давом этиб, турмушидан, аҳволдан қоникмай, ҳаётда ўзларини жуда бахтсиз ҳис қилиб яшайдилар.

Брахманнинг иккинчи фарзанди ҳам, учинчиси ҳам ўлик туғилди. Унинг тўққиз фарзанди бўлди, уларнинг ҳаммаси ўлик туғилди, у ҳар гал сарой дарвозаси олдига келиб шохни айблар эди. Брахман Дварака шохини тўққизинчи марта айб-лашга келган пайтда шу ерда Аржун билан Кришна ҳам бор эди. Брахман шохни ўз фуқаросини етарлича ҳимоя қила олмаганликда айблаётганини эшитиб, Аржун унинг гапларига қизиқиб қолди ва брахманнинг олдига келди. У брахманга шундай деди: "Эй азиз брахман, нимага сен юртингда ўз фуқароларини етарли ҳимоя қила оладиган кшатрийлар йўқ деб айтяпсан? Нима, ҳатто ўзини кшатрий қилиб кўрсата оладиган, қўлига камон ва пайконлар олиб, кшатрийга ўхшаб кийина оладиган одам ҳам йўқми? Нима, сенингча бу юртдаги кшатрийларнинг ҳаммаси фақат брахманлар билан биргаликда қурбонлик маросими ўтказишни билладиган, лекин ҳеч қандай жасорат ва қудратга эга бўлмаган зотларми?" Бу билан Аржун кшатрийлар жамиятда бирор иш қилмасдан тинч-тотув яшаб, фақат қурбонлик маросими ўтказиб юрмаслиги лозим эканини айтяпти. Аксинча, улар ўз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўлида жасорат кўрсатиб яшашлари лозим. Ҳаётини руҳий фаолиятга бағишлаган брахманлардан жисмоний ҳаракат, уринишлар талаб қилинадиган бирор иш қилиш талаб қилинмайди. Шу боис, улар руҳий жиҳатдан анча юқори поғонада турадиган улуғвор ишлар билан бемалол шуғуллана олишлари учун кшатрийлар ҳамиша уларни ҳимоя қилиб юришлари лозим.

"Агар брахман ўз хошишига қарши хотини ва фарзандларидан айриладиган бўлса-ю, - давом этди Аржун, - шоҳ-кшатрийлар уларга ғамхўрлик қилмайдиган бўлса, ундай кшатрийларнинг саҳнадаги актерлардан ҳеч қандай фарқи йўқ. Саҳнада актер шоҳ ролини ўйнаши мумкин, лекин ана шундай қалбаки шоҳдан ҳеч ким бирор яхшилик кутиб ўтирмайди. Худди шундай агар шоҳ ёки ҳукумат раҳбари жамиятнинг маънавий ҳаётининг тепасида турган брахманларнинг хавфсизлигини, хотиржам ҳаётини таъминлай олмаса, у шоҳ эмас - шунчаки фирибгар-қаллобдир. Ҳукумат раҳбари лавозимини эгаллаб турган ана шундай ҳукмдорлар фақат ўзлари учун яшайдилар. Эй ҳукмдорим, мен сенга ваъда бериб айтаманки, мен албатта сенинг болаларингни ҳимоя қиломан, агар бу иш кўлимдан келмаса, бундай гуноҳдан покланиш учун ўзимни ёниб турган гулханга ташлайман!"

Аржуннинг гапларини тинглаб туриб брахман шундай деди: "Азизим Аржун, бу ерда Парвардигор Балорамнинг Ўзи ҳам бор, лекин У менинг фарзандларимни ҳимоя қила олмади. Парвардигор Кришна ҳам шу ерда, у ҳам менинг фарзандларимни ҳимоя қила олмади. Бу ерда камон ва пайконлар билан қуролланиб олган Прадйумна ва Анируддха сингари бошқа кшатрийлар ҳам бор, аммо улар ҳам менинг фарзандларимни ҳимоя қилмадилар". Брахман очиқдан-очиқ айтдики, Худонинг Олий Шахси бажара олмаган ишни Аржун бажара олмайди. Аржун ўзининг қўлидан келмайдиган ишни бажаришга ваъда бериб қўйганини у билиб турарди. Брахман шундай деди: "Мен сенинг берган ваъдангни ёш боланинг ваъдаси деб биламан. Мен сенинг гапларингга ишона олмайман".

Шунда Аржун бу брахманнинг шоҳ-кшатрийларга бўлган ишончи бутунлай йўққа чиққанини тушуниб етди. Шу боис унинг кўнглини бироз бўлсада кўтариш ниятида ҳатто ўзининг яқин дўсти Парвардигор Кришнани ҳам қоралагандай бўлиб гапира бошлади. Парвардигор Кришна ва бошқалар унинг гапларини диққат билан тинглаб турардилар, Аржун эса атайлаб Кришнага эшиттириб гапирарди: "Эй азиз брахман, мен Санкаршана ҳам, Кришна ҳам, Анируддха ёки Прадйумна сингари Кришнанинг ўғилларидан бирортаси ҳам эмасман. Мен Аржунман ва мен Гандива деб аталадиган камон билан қуролланиб олганман. Сен мени ҳақорат қила олмайсан, чунки, бирга ўрмонда ов қилиб юрагимизда менинг жасоратимдан ҳатто Тангри Шива ҳам мамнун бўлган. Тангри Шива менинг олдимда овчи қиёфасида пайдо бўлганида иккимиз яккама-якка жангга киришдик, шунда у менинг жасоратимга қойил қолиб, менга *пашупатастра* деган қуролини совға қилган. Менинг жасоратимдан шубҳа қилмасанг ҳам бўлади. Ҳатто ажал тимсолининг ўзи билан жанг қилишимга тўғри келса ҳам, мен сенга ўғилларингни албатта қайтариб бераман". Ар-

жуннинг бундай баландпарвоз гаплари қандайдир даражада бўлса ҳам брахманнинг қалбида ишонч уйғотди ва у хотиржам бўлиб уйига қайтиб кетди.

Хотини навбатдаги фарзандини туғиши лозим бўлган пайт яқинлашганда брахман ўзича такрор ва такрор хитоб қила бошлади: "Азизим Аржун, илтимос, энди келиб фарзандимни қутқариб қол!" Унинг даъватини эшитиб Аржун шу заҳотиёқ тайёргарлик кўра бошлади - муқаддас сувда ювиниб покланди, камон ва пайконларини хавф-хатардан ҳимоя қилиш учун маҳсус мантралар зикр қилди. У атайлаб Тангри Шива совға қилган пайконни олди, уйдан чиқаётиб Тангри Шивани ва унинг чексиз меҳрибонлигини эслади. Шундай қилиб, у қўлларига Гандива камони ва бошқа қуролларни олганча янги туғиладиган чақалоқ олдида пайдо бўлди.

Аржун ўша брахманга берган ваъдасининг устидан чиқиш учунгина Дваракани тарк этмай юрган эди. Брахман уни тунда, хотини туғадиган вақт яқинлашганда чақирганди. Брахманнинг хотини туғаетганда иштирок этиши лозим бўлган уйга бораётиб йўлда у ўзининг яқин дўсти Кришнани эмас, Тангри Шивани эслади; у Кришна брахманни аввал ҳимоя қила олмагани учун Тангри Шивага мурожаат қилганим яхшироқ деб ўйлаган эди. Мана сизга инсон нима сабабдан фаришталарга сиғинишига яна бир мисол. Бу "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланган: *камаис таис таир хрита-гйанаҳ* - "очкўзлиги ва эҳтироси туфайли аклини йўқотиб қўйган одам Худонинг Олий Шахсини эсдан чиқариб фаришталарга мурожаат қилади". Албатта, Аржун оддий одамлардан эмасди, аммо Кришна билан уни яқин дўстона ришталар боғлаб тургани учун у "Кришна брахманни ҳимоя қилишга қодир эмас, шунинг учун Тангри Шивани эслаганим яхшироқ", деб ўйлаганди. Кейин маълум бўладики, Аржуннинг Парвардигор Кришнага мурожаат қилмасдан Тангри Шивага мурожаат қилиши ҳеч қандай фойда бермайди. Аммо Аржун қўлидан келганча зарур бўлган ҳамма ишларни қилган, керак бўлган мантраларни зикр қилиб, чақалоқ туғиладиган уйнинг атрофида айланиб уни қўриқлай бошлади.

Брахманнинг хотини ўғил фарзанд туғди, одатдагидай боласи дарров йиғлай бошлади. Аммо орадан бир дақиқа ҳам ўтмасдан чақалоқ ҳам, Аржуннинг пайконлари ҳам, бирданига осмонга кўтарилиб кўздан ғойиб бўлди. Брахманнинг уйи Парвардигор Кришнанинг саройига яқин жойда бўлса керак, Парвардигор Кришна Унинг хошишига қарши бўлиб ўтаётган бу ишларни кузатиб лаззатланаётгандай эди. Кришна ҳазиллашиб, Аржуннинг "буни Тангри Шива совға қилган" деб мағрурланиб юрган пайконларини ҳам, брахманнинг чақалоғини ҳам кўздан ғойиб қилган эди. *Тад бхавати алтамехдасам* - алданиб юрган ғофил одамлар ўзларига

фаришталардан паноҳ излайдилар ва улар юборган эҳсонлардан мамнун бўлиб юрадилар.

Парвардигор Кришна ва шу ерда тўпланган бошқа одамларнинг олдида брахман Аржунни айблай бошлади: "Менинг аҳмоқлигимга бир қаранг-а! Мен аҳмоқ бўлиб Аржуннинг гапларига ишониб юрибман-а, унинг кўлидан фақат курук ваъда беришдан бошқа ҳеч нарса келмас экан! Унинг гапларига ишониб юрган мен қанчалик аҳмоқ эканман-а! Ҳатто Прадйумна, Анируддха, Парвардигор Балорам ва Парвардигор Кришна ҳимоя қилолмаган фарзандимни Аржун ҳимоя қиламан деб ваъда берган эди. Агар ана шундай буюк зотлар менинг фарзандимни ҳимоя қила олмаса, унда уларни ким ҳимоя қила олади? Ёлгон ваъда бергани учун мен Аржунни ҳам, унинг машҳур Гандива камонини ҳам, ўзини Анируддхадан ҳам, Прадйумнадан ҳам, Парвардигор Балорам ва Парвардигор Кришнадан ҳам устун қўйган жасоратини ҳам дуои-бад қиламан. Менинг фарзандимни энди ҳеч ким ҳимоя қила олмайди, чунки у аллақачон бошқа сайёрага ўтиб кетди. Фақат ўзининг нодонлиги билан Аржун ўғлимни ҳатто бошқа сайёрадан ҳам олиб кела оламан деб ўйлайди".

Брахманнинг бундай гапларини тинглаб туриб, Аржун брахманнинг ўғлини излаб топиш учун ҳар қандай сайёрага кўтарила олиш имконини берадиган сеҳрли йога усулини қўллади. Аржун ўзи истаган ҳар қандай сайёрага кўтарила олиш имконини берадиган сеҳр кудратига эга бўлса керак. Энг аввало у Ямалока деган сайёрага борди, бу ерда ажал фариштаси Йамараж истиқомат қилади. У брахманнинг жажжи ўғлини шу ердан излади, лекин топа олмади. Кейин у шу заҳотиёқ осмон шоҳи Индра истиқомат қиладиган жаннатий сайёрага йўл олди. Чақалокни бу ердан ҳам тополмай, у олов фариштаси Наиританинг сайёрасига, кейин Ой сайёрасига ташриф буюрди. Кейин Вайу ва Варуналокага борди. Брахманнинг боласини у ердан ҳам топа олмай у энг қуйи сайёралар туркуми бўлган Расаталага тушди. Шу сайёралар тизимининг ҳаммасидан брахманнинг боласини излаб, у ниҳоят Брахмалокага кўтарилди, бу сайёрага ҳатто буюк сеҳргар-йоглар ҳам кўтарила олмайдилар. Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан Аржун шундай илохий кудратга эга эдики, ҳатто жаннатий сайёралардан юқорида жойлашган Брахмалокага ҳам кўтарила оларди. Ҳамма сайёраларни излаб брахманнинг боласини топа олмагандан кейин у брахманга берган - "агар болангни кутқариб қоломасам, ўзимни гулханга ташлайман" деган ваъдасининг устидан чиқиш учун ўзини ёниб турган гулханга ташлашга қарор қилди. Аммо Парвардигор Кришна Аржунга жуда меҳрибон, чунки Аржун Унинг энг яқин дўсти. Парвардигор Кришна Аржунни бундай шармандалик билан ўзини оловга ташламасликка кўндирди. Кришна Аржунга ташунтирдик, у ўзининг энг яқин дўсти бўлгани

сабабли, агар ҳозир у ноилож аҳволда қолиб ўзини ўтга ташласа, бу Кришна учун ҳам уят бўлади. Шунинг учун чақалокни албатта топишга ишонтириб, У Аржунни ўзини оловга ташлашдан тўхтатиб қолди. У Аржунга шундай деди: "Бундай аҳмоқона иш қилма, сен ўз жонингга қасд қилма!"

Аржунга шундай деб, Парвардигор Кришна илохий жанг аравасини олдига чақирди. Аржун иккиси жанг аравага ўтириб шимол томонга йўл олдилар. Ҳар нарсага кодир бўлган Худо Шахси, Парвардигор Кришна ҳеч қандай ҳаракатсиз ҳам болани қайтариб олиши мумкин эди, лекин ҳамиша шуни эсда тутиш лозимки, У ҳозир моддий оламда оддий инсон ролини ўйнаётган эди. Қандайдир натижага эришиш учун инсон бу дунёда албатта бирор ҳаракат қилиши лозим бўлгани учун, Кришна худди оддий одамлардай ёки ўзининг дўсти Аржундай, брахманнинг ўғлини топиш учун Дварақани тарк этди. Инсон қиёфасида намоён бўлиб, ана шу қиёфада ўзининг турли эрмақларини намоёиш этиб, Кришна одамларга ўзидан буюкроқ инсон йўқлигини амалда аниқ-равшан исботлаб берди. Парвардигор буюк, улугвор Зот. Худонинг Олий Шахсининг белгиси шундай. Шунинг учун, токи Парвардигор Кришна шу ерда экан, бу моддий оламда Ундан буюкроқ шахс йўқлигини Кришна аниқ исботлади.

Ўзининг жанг аравасида Кришна Аржун билан бирга жуда кўп сайёралар тизими орқали ўтиб шимол тарафга йўл олди. Бу жойлар "Шримад Бхагаватам"да *санта-двина* деб аталган. *Двина* ибораси "орол" деган маънони билдиради. Ана шу сайёраларнинг ҳаммаси ведавий муқаддас китобларда *двина* ибораси билан ифодаланади. Биз яшаётган сайёра *Жамбудвина* деб аталади. Ташқи фазо буюк ҳаво уммони ҳисобланади, ана шу уммонда жуда кўп ороллар, яъни сайёралар мавжуд. Ҳар бир сайёрада ҳам уммонлар бор. Баъзи сайёраларда бу уммонлар шўр сувдан, бошқаларида - сутдан, яна бирларида - вино(шарбат)дан, яна бирларида - сариёғдан ёки ўсимлик ёғидан таркиб топган. Шунингдек тоғларнинг ҳам ҳар хил турлари бор, ҳар бир сайёрада ҳатто атмосферанинг ҳам ўзига хос тури мавжуд.

Кришна ана шу сайёраларнинг ҳаммасидан ўтди ва коинотнинг чегарасига етиб борди. "Шримад Бхагаватам"да ана шу чегара "қопқоронғу зулмат" деб таърифланган. Умуман бу моддий олам қоронғу зулматдан иборат. Очик осмон Қуёш нурлари билан ёритилиб туради, лекин осмоннинг қобиғини, қуёш нури бўлмагани учун табиий равишда қоронғу зулмат қоплаган бўлади. Кришна коинот қобиғига етиб борганида Унинг жанг аравасига қўшилган отлар - Шайбё, Сугрива, Мегхапушпа ва Балахака - қоронғу зулматга кириб боришга журъат эта олмадилар. Уларнинг ана шундай иккиланиб туриши ҳам Кришнанинг эрмақларидан биридир,

чунки Кришнанинг отлари ҳам оддий отлардан эмас. Оддий отлар бутун коинотни кечиб ўтишга ва коинотнинг чегара қобикларига кириб бора олмайдилар. Кришна илоҳий табиатга эга бўлгани учун Унинг жанг араваси ҳам, Унинг отлари ҳам - Унда бор нарсаларнинг ҳаммаси илоҳий табиатга эга бўлиб, моддий табиат гуналаридан устун туради. Биз ҳамиша шуни эсда тутишимиз лозимки, Кришна оддий инсон ролини ўйнапти, шу боис Унинг отлари ҳам Унинг амри билан қоронғу зулматга кириб боришга иккиланиб, ўзларини худди оддий отлардай тутарди.

Кришна Йогешвара сифатида машҳур, бу ҳақда "Бхагавад-гита"нинг охирида айtilган. *Йогешвара Хари* дегани "У барча сеҳр қудратларини бошқариб туради" деганни билдиради. Биз сеҳр қудратига эга бўлган жуда кўп одамларни билишимиз мумкин. Баъзан улар одамни ҳайратга соладиган ғаройиб ишларни қиладилар, Кришна эса барча сеҳр қудратларининг ҳукмдори ҳисобланади. Шу боис, отлари қоронғу зулмат ичига киришга журъат қилолмай турганини кўрганида, У ўзининг Сударшана Чакра қуролини отди, у бутун атрофни куёшдан ҳам минг қарра кучлироқ ёритиб юборди. Коинот қобиғидаги қоронғу зулмат ҳам Кришна яратган нарса, Сударшана-чакра эса - Кришнанинг мангу ҳамроҳи. Шундай қилиб, Сударшана-чакрани олдида тутган ҳолда У қоронғу зулматни тарқатиб юборди. "Шримад Бхагаватам"да айtilганки, Сударшана-Чакра ҳам, худди Парвардигор Рамачандранинг отган Шарнга камонидан отилган пайкон Раваннинг қўшинига кириб боргани сингари, қоронғу зулмат ичига шиддат билан кириб кетди. Су ибораси "ажойиб" деган маънони билдиради, *даршана* ибораси эса "қузатиш" деганни билдиради; Парвардигор Кришнанинг Сударшана Чакра халқаси шарофати билан ҳамма нарсани аниқ равшан кўриш мумкин, ёритилмаган бирор нарса қолмайди. Шундай қилиб, Парвардигор Кришна билан Аржун моддий оламни қоплаб турган кенг қоронғу зулмат қобиғини кесиб ўтдилар.

Шундан сўнг Аржун *брахмажйооти* деб аталадиган порлоқ ёғдуни кўрди. *Брахмажйоти* моддий оламдаги коинотларни қоплаб турган зулмат қобиғидан кейин келади, биз ҳозирги кўзларимиз билан уни кўра олмаганимиз сабабли брахмажйотини баъзан *авйакта* деб атайдилар. Ана шу руҳий ёғду ведантистлар деб аталадиган имперсоналистлар интиладиган охириги мақсад ҳисобланади. Брахмажйотини баъзан *анантарама*, яъни "чексиз ва ўлчовсиз" деб ҳам таърифлайдилар. Парвардигор Кришна билан Аржун брахмажйотига кириб борганларида Аржун ёғдунинг кучига бардош беролмай кўзларини чирт юмиб олди. "Харивамша" асарида Парвардигор Кришна билан Аржуннинг брахмажйотига қандай кириб боргани батафсил таърифланган. Ана шу муқаддас китобда ёзилишича, Парварди-

гор Кришна Аржунга шундай дейди: "Азизим Аржун, мана шу илоҳий ёғду, сен кўриб турган мана шу кучли ёруғлик Менинг танамдан таралиб турган ёғдудир. Эй Бхаратлар аълоси, мана шу брахмажйоти - Мен Ўзим бўламан". Қуёш нурларини куёш шаридан ажратиб бўлмагани сингари Кришнанинг танасидан таралиб турган ёғду - брахмажйотини Кришнанинг Ўзидан ажратиб бўлмайди. Шундай қилиб, Кришна *брахмажйоти* аслида Унинг Ўзи эканини айтди. Бу ҳақда "Харивамша"да аниқ айtilган. Унда Кришна *ахам сах*, яъни "Мен - Ўша" деб айтади. Брахмажйоти кичкина руҳий заррачалардан, яъни тирик мавжудотлардан таркиб топган, улар *читкана* деб аталади. Ведаларда келтирилган *со* "хам ибораси, яъни "мен брахмажйотиман" деган гапни ўзларини брахмажйотига мансуб деб ҳисоблайдиган тирик мавжудотлар айтишлари мумкин. "Харивамша"да Парвардигор Кришна шундай деб тушунтиради: "Мана шу брахмажйоти Менинг руҳий қувватимнинг экспансиясидир".

Кришна Аржунга шундай деди: "Брахмажйоти Менинг ташқи қувватим - майяшактининг таъсир доирасидан ташқарида жойлашган". Инсон моддий оламда яшар экан у Брахманнинг мана шу нурини кўра олмайди. Демак бу илоҳий нур моддий оламда намоён бўлмайди, у руҳий оламда намоён бўлган. *Вйакта-авйакта* иборасининг маъноси шундан иборат. "Бхагавад-гита"да шундай дейилган: *авйакто-вйактат санатанах* - "бу икки қувват ҳам мангу намоён бўлган".

Шундан сўнг Парвардигор Кришна ва Аржун бепоён руҳий уммон сувларига кирдилар. Ана шу руҳий уммонни *Каранарнава*, ёки *Вираджа* деб атайдилар. Бу моддий олам яралишининг бошланиши деганни билдиради. Ведай муқаддас китоб бўлган "Мритйунжайа Тантра" асарида ана шу Карана, Виража уммонининг тўла таърифи келтирилган. Унда ёзилишича, бу моддий оламдаги энг олий сайёра тизими - Сатйалока, яъни Брахмалока. Унинг устида эса - Рудралока, Маха-Вишнулока жойлашган. Ана шу Маха-Вишнулока ҳақида "Брахма-самхита"да шундай дейилган: *йах каранарнава-жале бхаджати сма йога* - "Парвардигор Маха-Вишну Карана уммонида ястаниб ётади". У нафас чиқарганида сон-саноксиз коинотлар мавжуд бўлади, нафас олганида эса сон-саноксиз коинотлар Унинг ичига қирадилар". Шу тариқа моддий олам яратилади ва яна яқсон бўлиб туради. Парвардигор Кришна билан Аржун сувга кирганларида кучли бўрон тургандай бўлиб, Карана уммонининг сувлари тўлқинланиб кетди. Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан Аржун ғаройиб Карана уммонини бевосита кўриш имконига эга бўлди.

Аржун билан Кришна сувда катта саройга дуч келдилар. Саройда қимматбаҳо тошлардан қурилган жуда кўп устунлар бор эди, улардан

таралаётган кучли ёғду шу кадар гўзал, жозибали эдики, Аржун хайратга тушди. Кришна билан Аржун саройди Анантадеванинг бахайбат қиёфасини кўрдилар, уни баъзан Шеша деб ҳам атайдилар. Парвардигор Анантадеванинг, яъни Шешанганинг қиёфаси - минглаган калласи бўлган бахайбат аждар кўринишида, уларнинг ҳар бири бар хил рангларда порлаб нур таратиб турган гавхартошлар билан безатилган. Анантадеванинг ҳар бир калласида иккитадан кўз бор бўлиб, улар жуда кўркинчидай кўринар эди. Унинг танаси худди ҳамиша қор ибилан қопланиб ётадиган Каилас тоғ чўққисидай оппоқ эди. Унинг бўйни тиллари сингари кўкимтир рангда эди. Шундай қилиб, Аржун Парвардигорнинг Шешанага қиёфасини ҳамда Шешанганинг оппоқ юмшоқ танаси устида ястаниб ётган Парвардигор Маха-Вишнунинг бевосита кўришга муваффақ бўлди. Парвардигор Ўзининг бу қиёфасида гўё бутун борликни тўлдириб тургандай жуда қудратли, бахайбат кўринарди, шунда Аржун Худонинг Олий Шахсининг мана шу кўринишини *Пурушоттама* деб аташларини тушунди. Уни Пурушоттама, энг аъло, яъни Худонинг Олий Шахси деб аталишининг боиси шундаки, Парвардигорнинг ана шу қиёфасидан бу моддий оламда Гарбходакашайи Вишну деб аталадиган Парвардигор Вишнунинг бошқа қиёфаси пайдо бўлади. Парвардигор Маха-Вишнунинг, Пурушоттаманинг қиёфаси - моддий оламдан ташқарида. Уни *Уттама* деб ҳам атайдилар. *Тама* ибораси "зулмат" деганни билдиради, *ут* дегани эса "устиди", "илоҳий" деганни англатади; яъни *уттама* дегани "моддий оламнинг энг қоронғу жойи устида" деган маънони англатади; Аржун кўрдикки, Маха-Вишну, Пурушоттаманинг танаси ҳам ёмғир палласидаги қора булут рангида; У чиройли сариқ либос кийиб олган эди. У юзида ҳамиша жозибали мафтункор табассум билан кулиб турар, нилуфар гулбарглари эслатувчи чиройли кўзлари кишини таърифлаб бўлмас даражада ўзига ром этарди. Парвардигор Маха-Вишнунинг бошидаги тожи қимматбаҳо гавхартошлар билан безатилган эди, нақшли сирғалари Унинг тўлқин-тўлқин сочларининг гўзаллигини кўз-кўз қилиб турарди. Парвардигор Маха-Вишнунинг саккиз қўли бор бўлиб, уларнинг ҳаммаси узун, тиззасигача етиб турарди. Унинг бўйнида *каустубха* гавхартоши бор маржон осилиб турарди, кўксини эса *шриватса* белгиси безаб турарди, *шриватса* ибораси "равнақ фариштасининг ором олиш жойи" деган маънони англатади. Парвардигорнинг бўйинини тиззасигача тушиб турган катта гулчамбар безаб турарди. Ана шундай гулчамбар *ваиджайанти* деб аталади.

Парвардигорнинг ёнида Унинг шахсий хизматкорлари Нанда ва Сунанда, шунингдек Сударшананинг шахсий тимсоли турарди. Ведаларда айтилганидай, Парвардигорнинг сон-саноксиз қувватлари мавжуд, уларнинг барчаси шахс тим-

солида шу ерда турарди. Уларнинг ичида энг асосийлари қуйидагилар эди: *пушти* - озиклантирувчи қувват; *шри* - гўзаллик қуввати; *кирти* - шон-шуҳрат қуввати; *аджа* - моддий яратиш қуввати. Бу моддий оламни бошқариш вазифаси юклатилган зотларга - Тангри Браҳма, Тангри Шива, Парвардигор Вишну, шунингдек жаннатий сайёраларнинг ҳукмдорлари Индра, Чандра, Варуна ва қуёш фариштасига - ана шу қувватлар ато этилади. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигор маълум даражада қувват ато қилиб қўйган ана шу фаришталарнинг ҳаммаси Худонинг Олий Шахсига илоҳий муҳаббат билан хизмат қиладилар. Маха-Вишна Кришнанинг танасининг экспансияси. "Брахма-самхита"да айтилганки, Маха-Вишну Кришнанинг тўлиқ экспансиясининг бир қисми. Ана шундай экспансияларнинг ҳаммаси Худонинг Олий Шахсидан фарқ қилмайди, лекин Кришна бу моддий оламга Ўз эрмакларини намойиш қилиш учун оддий инсон қиёфасида келгани сабабли, ҳозир Кришна ҳам, Аржун ҳам Парвардигор Маха-Вишну олдида бош эгиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатдилар. "Шримад Бхагаватам"да Парвардигор Кришна Маха-Вишнуга эҳтиром кўрсатди деб ёзилган; демак У Маха-Вишну Унинг Ўзидан фарқ қилмагани учун Унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатган. Кришнанинг Маха-Вишнуга эҳтиром кўрсатиши *аханграҳа-упасана* деб аталадиган сиғиниш усули эмас. Бу усулни одатда ўз илмини қурбон қилиб руҳий оламга эришишга интилаётган одамларга тавсия қиладилар. Бу ҳақда ҳам "Бхагавад-гита"да айтилган: *гйана-йагйена чати анте йаджанто мам упасате*.

Гарчи Кришнанинг Маха-Вишну олдида бош эгиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши шарт бўлмаса ҳам, У - Олий руҳий устоз бўлгани учун, Аржунга инсон Парвардигор Маха-Вишнуга қандай ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши лозимлигини кўрсатди. Аммо Аржун, борликнинг моддий сезгиларнинг сеза олиш доирасидан ташқарида бўлган бахайбат қиёфасини кўриб қаттиқ кўркиб кетган эди. Кришнанинг Маха-Вишнуга эҳтиром кўрсатганини кўриб, у ҳам дарров Ундан ўрнат олиб, Парвардигор олдида қўл қовуштириб сажда қилди. Ана шундай бахайбат қиёфага кирган Маха-Вишну бундан жуда мамнун бўлди; У юзида мафтункор табассум билан шундай деди: "Азизларим Кришна ва Аржун, Мен сизларнинг икковингизни ҳам жуда кўргим келган эди, шунинг учун браҳманнинг ҳамма болаларини олиб шу ерда сақлаётган эдим. Мен сизларнинг икковингизни ҳам мана шу саройда кўришни истаган эдим. Сизлар ер сайёрасига мусибат келтираётган имонсиз иблисларни яқсон қилиш учун моддий оламда Менинг намоён бўлган қиёфаларим сифатида пайдо бўлдинглар. Ана шу иблисларни яқсон қилиб сизлар яна Менинг олдимга қайтасизлар. Сизлар иккинги ҳам буюк донишманд Нара-Нарайананинг намоён бўлган қиёфасисизлар. Гарчи иккинги ҳам тўла-бутун

бўлсанглар ҳам, бхакталарни ҳимоя қилиш ҳамда иблисларни яксон қилиш учун, айниқса ер юзида мустаҳкам тинчлик ва барқарор осойишталик ҳукм суриши учун ҳақиқий дин қонунларини мустаҳкам ўрнатиш мақсадида, сизлардан ўрнак олиб яшаш орқали одамлар бахтли ва фаровон турмуш кечира олишлари учун уларга ҳақиқий дин қонунлари асосида яшашни ўргатиб юриб-сизлар".

Парвардигор Кришна ва Аржун Парвардигор Маха-Вишнуга иззат-икром кўрсатиб, ўзлари билан бирга браҳманнинг болаларини олиб, руҳий оламга кўтарилган йўллари билан Дварака шаҳрига қайтиб келдилар. Дваракага келгандан кейин Кришна билан Аржун браҳманга барча ўғилларини қайтариб бердилар. Браҳманнинг ҳамма болалари ўсиб-улғайдилар.

Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан илоҳий оламга ташриф буюрган Аржун чуқур ҳайратга тушган эди. Худди шундай Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан у бу моддий оламдаги ғаройиб нарсаларнинг ҳаммаси Ундан таралиб турганини тушуниб етди. Инсон бу дунёда қанчалик юқори мартабага эга бўлмасин - бу фақат Парвардигор Кришнанинг унга кўрсатаётган марҳамати туфайли бўлади. Шунинг учун ҳар бир фаросатли одам ҳамиша ҳаётда Кришна онги билан яшаши, Парвардигор Кришнага ҳамиша чуқур миннатдорлик билдириши лозим, чунки у ҳозир эга бўлиб турган нарсаларнинг ҳаммаси фақат Парвардигор Кришнанинг унга кўрсатаётган марҳамати билан уники бўлиб турибди.

Кришнанинг марҳамати билан Аржуннинг кўз олдида бўлиб ўтган ғаройиботларнинг ҳаммаси - Парвардигор Кришнанинг бу моддий оламда оддий инсон қиёфасида намоён бўлиб юрган пайтларда кўрсатган минглаган илоҳий эрмакларининг биттаси эди, холос. Унинг илоҳий эрмакларининг ҳаммаси ғайритабиий бўлиб, жаҳон тарихида бўлиб ўтаётган бирор воқеа-ҳодисаларга ўхшамасди. Ана шу эрмакларнинг ҳаммаси аниқ исботлаб турибдики, Кришна - Худонинг Олий Шахси, шунга қарамай У бу моддий оламда юрган пайтларида ўзининг ҳар хил дунёвий бурчларини адо этиб юрган оддий инсон ролини ўйнаган. Ўн олти минг хотини, ўн олти минг саройи, бир юз олтмиш минг ўғли бўлишига қарамай У бенуқсон оилали эркак кишидай бўлиб намунали оилавий ҳаёт кечирган. Шунингдек у шоҳлар хонадонига мансуб одамларни бу моддий оламда бутун инсоният фаровонлиги учун қандай яшаш лозимлигини ўргатиш мақсадида, уларга намуна қилиб кўрсатиш учун жуда кўп қурбонлик маросимлари ўтказган. Мукамал Олий Шахс сифатида У ҳар бир тирик мавжудотнинг - инсонлар жамиятида энг юксак мартабага эга бўлган браҳмандан тортиб, то оддий тирик мавжудотларгача, шу жумладан одамлар орасидаги энг пасткаш одамларнинг ҳам - ҳамманинг барча истакларини

рўёбга чиқарарди. Худди, ҳар кимнинг эҳтиёжини етарлича қондириш учун шоҳ Индра ёмғир бутун ер юзи бўйлаб тақсимланишини назорат қилгани сингари, Парвардигор Кришна ҳам Ўзининг бесабаб марҳамат ёмғири билан ҳар кимнинг эҳтиёжини етарлича қондиради. Унинг бу моддий оламдаги вазифаси Ўз бхакталарини ҳимоя қилиш ва имонсиз иблисларни яксон қилишдан иборат эди; шунинг учун у кўп минглаган иблисларни ўлдирди. Уларнинг баъзиларини Унинг Ўзи ўлдирди, баъзиларини эса, бунинг учун Ўзи танлаган Аржун ўлдирди. Бу оламнинг ишларини бошқариш учун У шоҳ Юдхиштхира сингари жуда кўп тақводор, имонли шоҳларни салтанат тепасига ўтқазди. Унинг кўрсатган илоҳий ёрдами билан ер юзида Юдхиштхиранинг ҳукмронлиги ўрнатилиб, бутун жаҳонда тинчлик ва осойишталик ҳукм сура бошлади.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Кришнанинг чексиз қудрати" деб аталадиган саксон саккизинчи бобида Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.

89. Парвардигор Кришнанинг эрмакларининг қисқача баёни

Кришна билан бирга бўлгани туфайли боришга муваффақ бўлган руҳий салтанатдан қайтиб келгандан кейин, Аржун қаттиқ ҳайрат ва таажжубга тушиб юрарди. У ўзича шундай ўйларди: "гарчи ўзи оддий тирик мавжудот бўлишига қарамай, Парвардигор Кришнанинг кўрсатган бесабаб марҳамати билан у руҳий оламни бевосита ўз кўзи билан кўришга муяссар бўлди. У нафақат руҳий оламни, шунингдек бутун моддий олам яралишининг сабабчиси бўлган бошланғич Маха-Вишнуни ҳам кўриб келган эди. Айтишларига қараганда, Кришна ҳеч қачон Вриндаванни тарк этмас эмиш. *Вриндаванам паритиаджйа на падам экам гаччхати.* Матхурадаги Кришна - Олий Зот, Дваракадаги Кришна - Матхурадаги Олий Зотдан ҳам Олийроқ Зот, аммо барча Олий Зотлардан ҳам Олий Кришна - ҳамиша Вриндаванда яшайди. Кришна Дваракадаги эрмакларини Ўзининг Васудева экспансияси ёрдамида намоён этган, лекин барибир Кришнанинг Матхура ва Дваракада намоён этган экспансиялари билан Вриндавандаги бошланғич Кришна бир-биридан фарқ қилмайди. Бу китобнинг бошида биз айтган эдикки, Кришна бирор жойда намоён бўлганида, У билан бирга Унинг барча тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган экспансиялари ҳам намоён бўлади. Шундай қилиб, Кришна қандай қилиб руҳий оламдаги Каранадакашайи Вишнуни кўришга борганидан ҳайратга тушган эди. Бу воқеани Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур батафсил изоҳлаб берган.

Маха-Вишнунинг гапларидан маълум бўладики, У Кришнани кўришни жуда истаган. Лекин, бу ерда шуни айтиш лозимки, Маха-Вишну брахманнинг болаларини олиб кетган экан, демак шубҳа йўқки, У бу ишларни бажариш учун Дваракада бўлган. Шундай экан, нимага У Кришнани ўша жойда кўриб қўя қолмади? Бунга шундай жавоб бериш мумкинки, агар Кришнанинг Ўзи истамаса, Кришнани ҳатто рухий оламнинг Сабаблар уммонида ястаниб ётган Маха-Вишну ҳам кўра олмайди. Шундай қилиб, Кришнанинг Ўзи келиб олиб кетишини истаб, Маха-Вишну бирин-кетин брахманнинг болаларини олиб кетиб турди, шундагина У Кришнани кўриш имконига эга бўларди. Агар шундай бўлса яна бир савол пайдо бўлади: барибир Кришнани кўра олмайдиган бўлса, нимага Маха-Вишнунинг Ўзи Дваракага бориб юрибди? Нимага У брахманнинг болаларини олиб келиш учун Ўзининг хизматкорларидан бирини жўнатмайди? Бунга бериладиган жавобларнинг биттаси шундай бўлиши мумкин: Кришнанинг Ўзи Дваракада юрган пайтларда бу ердаги аҳолининг бирортасини безовта қилиш жуда қийин эди. Маха-Вишнунинг хизматкорларидан бирортаси брахманнинг боласини олиб кета олмасди, шунинг учун Унинг Ўзи келиб уларни олиб кетган.

Яна бир савол туғилиши мумкин: Парвардигорни *брахманья-дева*, яъни "брахманлар сиғинадиган Илоҳ" деб атайдилар, шундай экан нимага У брахманнинг бошига шунча мусибат солиб, то тўққизинчи боласи туғилгунга қадар уларни олиб кетиб юрди. Гап шундаки, Парвардигор Маха-Вишну Парвардигор Кришнани кўришга шунчалик муштоқ эдики, ҳатто бунинг учун брахманга ташвиш келтиришдан ҳам бош тортмади. Гарчи брахманларга ҳеч қачон ташвиш келтириш мумкин эмаслигини билса ҳам, Парвардигор Вишну Парвардигор Кришнани кўриш учун ҳар нарсага тайёр эди - Унинг Кришнани бевосита кўришга бўлган интилиши шу қадар кучли эди. Навбатдаги ҳар бир ўғли ўлгандан кейин брахман сарой дарвозаси олдига келиб, брахманларни етарли химоя қила олмаётгани, шу боис шоҳона тахтда ўтиришга ҳаққи йўқликда шоҳни айблар эди. Маха-Вишнунинг режаси шундай эди - брахман кшатрийларни, Кришнани айблаб бошлайди, шунда брахманнинг болаларини олиб кетиш учун албатта Ўзи келишга мажбур бўлади.

Бу борада яна бир савол туғилиши мумкин: агар Маха-Вишну Кришнани кўра олмаса, нима сабабдан брахманнинг болаларини олиб кетиш учун Кришна Унинг олдига боришга мажбур бўлди? Гап шундаки, Парвардигор Кришна Парвардигор Маха-Вишнунинг олдига брахманнинг болаларини олиб кетиш учун эмас, фақат Ўзининг севимли бхактаси бўлган Аржунни қийин аҳволдан қутқариш учун борди. Уни Аржун билан шунчалик қалин дўстлик ришталари

боғлаб турардики, Аржун ўзини гулханга ташлаб ўз жонига қасд қилмоқчи бўлаётганини кўриб, Кришна уни бу ҳалокатдан қутқариб қолмоқчи эди. Аржунни эса, фақат брахманнинг болаларини қайтариш билангина ўз қароридан қайтариш мумкин эди. Шунинг учун Кришна унга шундай ваъда берди: "Мен брахманнинг болаларини қайтараман. Ўз жонингга қасд қилма!"

Агар Парвардигор Кришна Парвардигор Вишнунинг олдига брахманнинг болаларини қайтариб беришни талаб қилиб борган бўлса, У Маха-Вишну брахманнинг тўққизинчи боласини олиб кетгунча кутиб юрмаган бўларди. Аммо Маха-Вишну брахманнинг тўққизинчи ўғлини олиб кетгандан кейин, Аржун ўзининг берган ваъдасининг устидан чиқолмагани сабабли ўзини гулханга ташлашга тайёр бўлиб туриши билан юзага келган хатарли вазият Парвардигор Кришнани Аржун билан бирга Маха-Вишнунинг олдига боришга мажбур қилди. Айтишларига қараганда, Аржун - Нара-Нарайананинг ҳукм юритиш қудрати ато этилган вакили. Ҳатто баъзан уни Нара-Нарайана деб ҳам атайдилар. Нара-Нарайана ҳам Парвардигор Вишнунинг бу оламда тўла намоён бўлган қиёфаларидан бири. Шунинг учун, худди Кришна Ўзининг Дваракадаги эрмакларини намоёиш этганида у ерда Васудева сифатида ҳаракат қилгани сингари, Кришна билан Аржун Парвардигор Вишнунинг олдига борганида Аржун у ерга Нара-Нарайана сифатида борган деб тушуниш керак.

Рухий оламга бориб келиб, Аржун шундай қарорга келдики, рухий оламдаги ёки моддий оламдаги бирор тирик мавжудот намоён этадиган ҳар қандай ғаройибот -шунчаки Парвардигор Кришнанинг унга ато этган бесабаб марҳамати, инъомидир. Парвардигор Кришна *Вишнутааттва* ва *живатааттва*, бошқача қилиб айтганда *свамши* ва *вибхиннамши* сифатида турли хил кўринишларда намоён бўлади. Вишнутаатваларни *свамши* деб, живатаатваларни *вибхиннамши* деб атайдилар. Шунинг учун У Ўз хоҳиши билан Ўзининг ҳар хил илоҳий эрмакларидан *свамши* кўринишларида ёки *вибхиннамши* кўринишларида намоён этади, аммо шунга қарамай У барибир Худонинг бошланғич, азалий Олий Шаҳси бўлиб қолаверади.

Кришнанинг моддий оламдаги эрмакларининг охириги қисмлари "Шримад Бхагаватам"нинг Ўнинчи қўшиғининг тўқсонинчи бобида тасвирланган, ана шу бобда Шукадева Госвами Парвардигор Кришнанинг Дваракада қандай бахтли ҳаёт кечиргани, Унинг барча комил сифатлари У билан бирга бўлгани ҳақида ҳикоя қилади. Кришна комил жисмоний куч соҳиби экани Унинг бу дунёда намоён этган ҳар хил эрмакларидан, кароматларидан яққол кўриниб турарди, энди эса, Дваракадаги саройларида Унинг мукамал бойлиги ва гўзаллиги намоён бўларди. Рухий оламнинг бузилган акси бўлган бу моддий оламда бойлик ва гўзаллик энг юксак комил си-

фатлар ҳисобланади. Шунинг учун Кришна бу сайёрада Худонинг Олий Шахси сифатида намоён бўлиб юрган пайтларда, бутун уч оламда ҳеч ким Унингчалик бойлик ва гўзалликка эга бўлган эмасди. Кришна Ўзининг ўн олти мингта энг гўзал хотинлари даврасида лаззатланиб яшарди, шуниси ҳайратланарлики, Дваракада У ана шу ўн олти минг маликанинг ягона эри эди. Унинг ўн олти минг хотиннинг ягона эри бўлгани алоҳида таъкидлаб айтилган. Гарчи жаҳон тарихида қудратли шоҳлар саройда кўплаган маликаларни сақлаган бўлсалар ҳам, оддий шоҳ бир вақтнинг ўзида ҳамма маликалар билан бирга лаззатлана олмаган. Аммо Кришна Ўзининг ўн олти минг хотини билан бир вақтнинг ўзида лаззатланиб яшаган.

Йоғлар ҳам ўз таналарини бир неча экспансияга кўпайтира оладилар деб, бунга эътироз билдириш мумкин, аммо, йоғларнинг намоёиш этадиган экспансияларини Кришнанинг экспансиялари билан бир хил экспансиялар деб бўлмайди. Кришнани *йогешвара*, яъни "барча йоғларнинг ҳукмдори" деб атайдилар. Ведалар адабиётида Саубхари Муни танасини саккиз экспансияга кўпайтиргани ҳақида ёзилган. Аммо бундай экспансия худди телевизор орқали кўпайтиришга ўхшаб кетади. Телевизорда кўринаётган тасвир бирданига минглаган экранларда кўринади, аммо уларнинг ҳар бирида бу тасвирлар бир хилда ҳаракат қиладилар, чунки улар шунчаки бошланғич тасвирнинг акс тасвирлари бўлиб, унинг ҳаракатларини такрорлайдилар, холос. Кришна Ўзини кўпайтирганида эса, бу телевидение ёки йогникига ўхшаб кўпайтириш бўлмайди. Нарада Муни Кришнанинг Дваракадаги турли саройларига меҳмонга борганида Кришна Ўзининг турли экспансияларида ҳар бир малика билан турли хил ишлар қилиб юрганининг гувоҳи бўлди.

Яна айтадиларки, Кришна Дваракада равақ фариштасининг эри бўлиб яшади. Малика Рукмини - равақ фариштаси, бошқа маликаларнинг ҳаммаси - унинг экспансиялари. Вришнилари сулоласининг сардори Парвардигор Кришна шу тарзда равақ фариштаси билан шоҳона бойликка кўмилиб бой-бадавлат турмуш кечирарди. Маълумки, Кришнанинг маликалари ҳамиша ёш ва ҳамиша жозибдор чиройли. Гарчи аллақачон Кришнанинг неvara, чеваралари бўлган бўлишига қарамай, Кришнанинг Ўзи ҳам, Унинг маликалари ҳам ўн олти-йигирма ёшдан катта кўринмасдилар. Ёш маликалар шу қадар соҳибжамол эдиларки, улар ўтиб бораётганда худди осмонда чакнаган яшиндай порлаб турардилар. Улар ҳамиша чиройли либослар кийиб, тақинчоқлар тақиб безаниб юрардилар, ўзларининг бутун вақтларини улар рақсга тушиб, кўшиқ куйлаб ёки сарой томида копток ўйнаб ўтказардилар. Моддий оламдаги қизларнинг копток ўйнашлари, рақсга тушишлари руҳий оламдаги Худонинг Олий Шахси ва Унинг маликала-

рининг эрмакларининг бузилган аксини эслатади.

Двараканинг кўчалари ва йўллари ҳамиша филлар, жанг аравалари ва пиёда аскарлар билан тўла бўларди. Филлар бирор иш билан банд бўлганида уларга вино ичирадилар, Дваракадаги филларга шунча кўп вино ичирардиларки, филлар уни йўлларга сепиб ташлар, ўзлари эса шаҳар кўчаларида маст бўлиб юрардилар. Шунингдек шаҳар кўчаларидан кўплаган олтин тақинчоқлар тақиб олган пиёда аскарлар, отликлар, олтиндан ясалган жанг аравалари ўтиб қоларди. Дваракада одамнинг кўзи қаерга тушса ҳам, ям-яшил хиёбонларни, истироҳат боғларини кўрарди, уларда гул ва меваларини кўтара олмай турган кўплаган дарахт ва бошқа ўсимликларни кўриш мумкин эди. Чиройли гуллар ва мўл ҳосил бериб турган дарахтлар мўл бўлгани учун қушлар яйраб чуғурлашар, асаларилар шодон ғувиллаб юрарди, бундай табиий товушлар қулоққа ёқимли бўлиб, кишининг баҳри-дили очилиб кетарди. Шу тарихи Дваракада ҳар хил ажойибатлар намоён бўлган эди. Йадавалар сулоласининг қахрамонлари ўзларини шаҳарнинг энг бахтиёр кишилари деб ҳисобларди, улар ҳақиқатан ҳам намоён бўлган илоҳий муҳитда лаззатланиб ҳаёт кечирардилар.

Кришнанинг маликалари яшайдиган ўн олти минг саройнинг ҳаммаси ғаройиб Дварака шаҳрида жойлашган бўлиб, улар билан мангу олий лаззат олиб яшайдиган Парвардигор Кришна ҳам Ўзини ўн олти минг кўринишда намоён этиб, ана шу ўн олти минг саройда бир вақтнинг ўзида турли хил оила ишлари билан машғул бўлиб яшарди. Ҳар бир сарой ҳовлисида чиройли парваришлаб кўйилган боғчалар ва ҳовузлар бор эди. Ҳовузларнинг тип-тиник зилол сувларида ҳар хил - кўк, сариқ, оқ ва қизил рангдаги нилуфар гуллари ўсиб турарди, майин эсиб турган шабада уларнинг сарғиш чангларини ҳар тарафга таратарди. Шу ҳовузларда кўплаган ўрдақлар, окқушлар ва лайлаклар яшар, вақти-вақти билан ёқимли овоз чиқариб кўярдилар. Парвардигор Кришна баъзан Ўзининг маликалари билан бирга чўмилиш учун ана шу ҳовузларга, баъзан эса дарёга борар, сувда улар билан яйраб, турли шўхликлар қилиб роҳатланиб ҳордиқ чиқарарди. Аслида равақ фаришталари бўлган Парвардигор Кришнанинг бу маликалари У билан бирга сувда чўмилиб ўйнаб юрар экан, Кришнани кучоқлаб олардилар, шунда Кришнанинг кўкси ҳам уларининг кўксидаги қизил кункумадан бўялиб қизғиш тусга кириб қоларди.

Имперсоналистлар ҳеч қачон руҳий оламда ана шундай ранг-баранг илоҳий лаззатлар бор деб айтишга журъат қила олмаган бўлардилар, руҳий оламнинг ҳақиқий, мангу роҳатбахш лаззатларини намоён этиш учун Парвардигор Кришна мана шу сайёрага ташриф буюрди ва бу дунёдаги одамларга руҳий олам кишига чуқур лаззат бағишлайдиган нарсалардан маҳрум эмас-

лигини кўрсатиб кетди. Бунинг ягона фарқи шундан иборатки, руҳий оламда ҳеч қачон тамом бўлмайдиган мангу лаззатли манзара намоён бўлса, моддий оламда ана шу манзаранинг ўткинчи, бузилиб кўринган акси намоён бўлади. Парвардигор Кришна ана шундай эрмакларга берилиб яшар экан, гандхарвалар ва мохир машшоқлар Уни ёқимли кўшиқларда олқишлаб куйлардилар, уларга жўр бўлиб мриданга, барабан, литавралар, торли мусиқа асбоблари ва сурнайлар алардилар, шу ерда катта тантанали шодиёна байрам муҳити юзага келарди. Парвардигор Кришнанинг ана шундай байрамон шодлик кайфиятида бўлган хотинлари Парвардигорга сув сепгичларда сув сепар, Парвардигор ҳам шўхлик қилиб уларга муносиб жавоб қайтарарди. Парвардигор Кришна ва Унинг хотинлари ана шундай лаззатли эрмаклар билан вақт ўтказар экан, У худди ўзининг кўплаган хотинлари билан бирга роҳатланиб вақт ўтказаетган жаннат шоҳи Йакшараджага ўхшаб кетарди. (Йакшараджани Кувера деб ҳам атайдилар, у осмон шоҳининг хазинабони ҳисобланади). Парвардигор Кришнанинг хотинларининг кийимлари сувда бутунлай ивиб кетганида уларнинг кўкраклари ва сонлари минг чандон чиройлироқ бўлиб кетар, узун сочлари танасининг бир қисмини бекитиб пастга тушиб турарди. Уларнинг бошини безаб турган чиройли гуллар сочларидан тушиб кетар, Парвардигор уларни сувга кўмиб ташлаганидан жаҳли чикқандай бўлиб, маликалар гўё Унинг қўлидан сув сепгични олиб қўймоқчидай бўлиб, Кришнага яқин келардилар. Шу тарзда улар ўз хоҳишлари билан олдига келганида Парвардигор Кришна уларни кучоқлаб олиб юз-кўзларидан ўпиб оларди. Унинг хотинларининг лабида Унинг бўсасининг ширин мазаси коларди; мана шу эр-хотин орасидаги ҳақиқий муҳаббат тимсоли бўлиб, бу ерда илоҳий лаззатга тўла ажойиб муҳит яратарди. Парвардигор Кришна бўйнида осилиб турган гулчамбар билан маликаларнинг бирор жойига тегиб кетганида уларнинг танасига гулларнинг сариқ ранги юкиб қоларди. Ана шундай самовий эрмаклар билан билан машғул бўлиб улар ўзларини бутунлай унутиб кўярдилар, уларнинг тўзиб кетган узун сочлари сўлим дарёнинг ирмоқларини эслатарди. Кришна Ўзига сув сепаётган маликаларга жавобан сув сепиб ўйнаб юрганида, У худди бир неча урғочи филлар билан сувда роҳатланиб яйраб ўйнаб юрган эркак филни эслатарди.

Бир-бирлари билан лаззатланиб, турли шўхликлар қилиб ўйнаб бўлиб Парвардигор Кришна билан маликалар сувдан чиқар, кейин устларидаги қимматбаҳо либосларини шу ердаги раққос ва ашулачиларга совға қилардилар. Шоҳ ва маликалар ана шундай пайтларда совға қиладиган қимматбаҳо тақинчоқлар, чиройли либослардан бошқа бу раққоса ва ашулачиларнинг тирикчилик қилиш учун бирор манбаи йўқ эди. Жамият ҳаёти шу қадар қулай ташкил этил-

ган эдики, ундаги ҳар хил мартаба ва табақаларга мансуб одамларнинг ҳаммаси - брахманлар, кшатрийлар, ваишйалар ва шудралар - ҳеч қийналмасдан тирикчилик қилардилар. Жамиятнинг ҳар хил табақалари орасида ўзаро рақобатга мутлақо ўрин йўқ эди. Жамиятнинг ҳар хил табақаларга бўлинган бошланғич тизими шундай ташкил этилган эдики, жамиятнинг маълум бир фаолият билан машғул бўлган бир табақасига оид одамлар билан бошқа фаолият билан машғул табақа одамлари орасида ҳеч қандай рақобат юзага келмасди.

Парвардигор Кришна Ўзининг ўн олти минг хотини даврасида шу тарзда лаззатланиб яшарди. Худонинг Олий Шахсига ўзаро суюкли эр-хотинлардай муносабатда бўлиб садоқат билан хизмат қилишга интилаётган бхакталар руҳий юксалишда Унинг хотинлари поғонасига кўтариладилар, Парвардигор Кришна Ўзининг меҳр тўла муносабатлари билан уларнинг Ўзига бўлган боғланишини қўллаб-қувватлаб, кучайтириб туради. Парвардигор Кришнанинг Ўз хотинлари билан суюкли эрларга хос бўлган барча муносабатлари - Унинг ҳаракатлари, Унинг ҳазил аралаш гаплари, Унинг табассумлари, уларни кучоқлашлари ва бошқа амаллари - буларнинг ҳаммаси маликаларнинг Кришнага бўлган қаттиқ боғланишини қўллаб-қувватлаб турарди. Мана шу - тирик мавжудот ҳаётининг энг комил ҳолати. Агар кимдир қандайдир муносабатда ҳамиша Кришнага қаттиқ боғланиб қолган бўлса, ундай одамни руҳий озодликка чиққан ва ҳаётда энг юксак муваффақиятга эришган деб ҳисоблаш керак. Кришнани бутун қалби билан севадиган бхактага Кришна ҳам шундай муносабатда бўладики, бхакта Кришнага қаттиқ боғланмай қололмайди. Кришна билан Унинг бхактаси орасидаги муҳаббат тўла ўзаро муносабатлар шунчалик ажойиб, жозибадорки, бхакта Кришнадан бошқа бирор нарса ҳақида ўйлай олмай қолади.

Кришна Ўзининг барча маликалари учун сиғинишга муносиб бўлган ягона Зот эди. Уларнинг фикру-хаёли ҳамиша Кришна ҳақидаги, танаси ёмғирли қора булут рангида бўлган, кўзлари нилуфар гулбарглари эслатадиган Худдо Шахси ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрарди. Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб улар баъзида бутунлай жим юрар, баъзида эса *бхава*, *анубхава* деб аталадиган жазавали илоҳий лаззатдан сармаст бўлиб, уйқусираб юргандай узук-юлуқ гапларни гапирардилар.

Баъзан, ҳатто Кришнанинг ёнида ҳам улар Кришна билан кўл ёки дарёда мазза қилиб қандай лаззатланиб ўйнаганлари ҳақида гапира бошлардилар. Ана шундай суҳбатларнинг баъзиларини бу ерда келтириб ўтишимиз мумкин.

Маликалардан биттаси *курари* қушига қараб шундай дейди: "Ҳой азизим *курари*, ҳозир ярим тун пайти. Ҳамма қаттиқ уйқуга кетган. Бутун оламда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм суряпти. Гарчи Унинг мукамал илмига ҳеч қандай вазият

ўз таъсирини ўтказа олмасам ҳам, бундай пайтда Худонинг Олий Шахси ухлаб ётган бўлади. Нимага сен ухламаяпсан? Нима сабабдан сен тун бўйи йиғлаб чиқасан? Ҳой азиз дугонажон, наҳотки Худонинг Олий Шахсининг нилуфар гулидай чиройли кўзлари, Унинг майин табассуми, Унинг мафтункор гаплари мени ўзига бутунлай ром қилиб қўйганидай сени ҳам ўзига мафтун қилиб қўйган бўлса? Худонинг Олий Шахсининг ҳар бир ҳаракатидан, хулқ-атворидан сенинг юрагинг ҳам меникидай бўлиб ҳайратдан қотиб қоладими?

Салом, чакраваки. Нимага сен кўзларингни чирт юмиб олдинг? Ё сен бошқа юртларга кетган жуфтнингни излаяпсанми? Сен нимага бунчалик куйиниб, зорланиб йиғлайсан? Эҳ аттанг, сен ҳам оғир мусибатдан изтироб чекаётган кўринадан. Балки сен ҳам Худонинг Олий Шахсининг мангу хизматкори бўлишни орзу қилаётгандирсан? Ўйлайманки, сен Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига гулчамбар тақдим қилиб, кейин уни ўзинг осиб олиш истагида ёняпсан!

Эй, мен учун азиз бўлган уммон, нимага сен куну-тун тинмасдан наъра тортасан? Наҳотки сен ухлаб ором олишни ёқтирмасанг? Менимча сен уйқусизлик касалига чалингансан, адашмасам, азизим Шйамасундара сени ҳам ўз табиатингга хос бўлган жиддийлик ва чидамлилиқ сифатларингдан маҳрум қилган кўринадан. Сен ҳам менга ўхшаб шу сабабли уйқусизлик дардига чалинганмисан? Ҳа, тан олишим керакки, бу - давоси йўқ бир дард экан.

Эй азиз ой фариштаси, менимча сен изтиробли йўтал дардига чалинган кўринадан. Шунинг учун ҳам сен кундан кунга кичрайиб боряпсан. Эй ҳукмдорим, сен шунчалик ожизлашиб кетгансанки, энди сенинг нозик нурларинг тун зулматини ёрита олмай қолди. Ёки, менга ўхшаб сени ҳам азиз Шйамасундаранинг сирли ширин гаплари бутунлай гангитиб қўйдими? Ана шу даҳшатли хижрон азобидан сен шунчалик хо-мушмисан?

Ҳой Ҳимолай тоғларидан эсаётган шамоллар, мен сенга нима ёмонлик қилдимки, қалбимда Кришна билан учрашиш истагини уйғотиб, бунчалик ўжарлик билан менинг жиғимга тегасан? Худо Шахсининг бешафқатлиги менинг бағримни қон қилаётганини наҳотки ўзинг билмасанг? Ҳимолай тоғидан келган эй азиз шамол, ана шу зарба мени бутунлай яксон қилганини сен ҳам билиб қўй. Менга такрор ва такрор жароҳат етказишнинг кераги йўқ.

Эй азиз, чиройли булут, сенинг қоп-қора рангинг менга мен учун жуда азиз бўлган Шйамасундарани эслатади. Шу боис мен сени Парвардигоримга, Йадавлар сулоласининг сардорига жуда азиз бўлсанг керак деб ўйлайман, сен ҳам худди менга ўшаб, У ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрасан. Сенинг қалбинг Шйамасундарага бўлган муҳаббат туйғуси билан тўла эканини тушунаман. Менимча сен Уни кўриш истаги би-

лан ёняпсан, фақат шу сабабли сенинг кўзларингдан ҳам меники сингари тинмай ёшлар оқишини тушунаман. Эй азиз қора булут, бизлар очиқ тан олишимиз лозимки, тинч-осойишта яшаб юриш ўрнига бизлар Шйамасундара билан яқин муносабатда бўлиб ўзимизга ортиқча ташвиш орттирдик".

Одатда *какку* куши эрталаб тонг отиши олди-дан ку-кулайди. Маликалар эрта тонгда *какку*-нинг ку-кулаган товушини эшитганларида шундай дея хитоб қилардилар: "Ҳой *какку*жон, сенинг овозинг жуда ширин. Сен ана шундай ёкимли майин овозда сайрай бошлашинг билан бизлар Шйамасундара ҳақида ўйлай бошлаймиз, чунки сенинг овозинг ҳам худди Унинг овозига ўхшайди. У ширин шарбатга тўла ва эшитган одамга шундай куч берадики, ҳатто энг азиз дўстидан айрилиқ азобидан ўлиб бораётган одамга ҳам ҳаёт бағишлайди. Шу боис бизлар сендан жуда миннатдоримиз. Илтимос, бизларга айтиб қўйчи, сен учун қандай хизмат қилишимиз ёки сени қандай қарши олишимиз мумкин?"

Маликалар шу тариқа гапиришда давом этардилар, улар тоққа шундай гаплар билан мурожат қилдилар: "Эй азиз тоғ, сен жуда олижанобсан. Фақат сен тортиб турганинг учунгина бутун ер юзи ўз жойида турибди, ўз бурчингни виждон билан бажараётганинг туфайли сен ўрнингдан кўзгала олмайсан. Сен шунчалик жиддийсанки, шу боис қимир этмасдан бир жойда жим тураверасан. Аксинча, сен ҳамиша чуқур ўйга ботган кайфиятда турасан. Балки сен жиддий ва муҳим нарса ҳақида ўйлаётгандирсан, биз сенинг нима ҳақда ўйлаётганингни биламиз. Ишончимиз комилки, худди бизлар Шйамасундаранинг нилуфар қадамлари пойини кўтарилиб турган кўкрагимизга қўйишни исташимиз сингари сен ҳам Унинг нилуфар қадамлари пойини баланд чўққиларингга қўйиш ҳақида ўйлаяпсан.

Эй азиз қуриб қолган дарёлар, ҳозир ёз бўлгани учун сизларнинг ўзанингиз қуриб қолгани, шу боис сизларнинг сувингиз йўқлигини бизлар яхши биламиз. Сувларингиз қуриб қолгани учун ҳозир сизларни ҳамиша гуллаб турадиган нилуфар гуллари безаб тургани йўқ. Ҳозир сизлар шунчалик нозик ва озиб-тўзган кўринасизларки, аҳволингиз худди бизларники сингари эканини тушунамиз. Шйамасундара билан бўлган хижрон азоби бизларни ҳамма нарсдан маҳрум қилди, энди бизлар Унинг ширин гапларини эшита олмаёпмиз. Бизнинг юракларимиз ҳам одатдагидай урмай қўйган, чунки бизлар ҳам жуда ожизлашиб, нозиклашиб қолдик. Шунинг учун сизлар ҳам худди бизларга ўхшайсизлар деб ўйлаймиз. Сизлар ўз эрингиз бўлган океандан булутлар орқали сув олмаётганингиз сабабли озиб-тўзиб қолгансизлар".

Бу ерда маликалар келтирган мисол жуда ўринли. Океан булутлар орқали сув билан таъминлашни бас қилганида дарёлар қуриб

қолади. Океан - дарёларнинг эри бўлади, шу боис уларнинг ҳаётини таъминлаб туриши лозим. Агар эри хотинини ҳаёт учун зарур бўлган нарсалар билан таъминлаб турмаса, хотини худди куриган дарёга ўхшаб куриб қолади.

Бир малика оккушга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: "Ҳой азиз оккуш, илтимос, бери кел, берироқ кел, хуш келибсан. Илтимос, ёнимга келиб озгина сут ичиб ол. Ҳой азизим, менга айтчи, Шйамасундарадан бирор хабар олиб келдингми? Менимча сен Ундан элчи бўлиб келгансан. Агар сен У ҳақида бирор янгиликни билсанг, илтимос менга гапириб бер. Бизнинг Шйамасундара ҳамиша бутунлай мустақил ҳолда иш тутади. У ҳеч қачон бошқа бировларнинг Ўзига ҳукмрон бўлишига, Уни бошқаришига йўл қўймайди. Бизларнинг бирортамиз Уни қўлга ололмадик, шунинг учун сендан сўраяпмиз - Унинг ҳамма ишлари жойидами? Сенга айтиб қўйишим лозимки, Шйамасундара ҳеч қачон бир қарорда турмайди. Унинг дўстлиги ҳеч қачон узокка чўзилмайди; Унинг дўстлиги салгина нарсадан бузилиб кетади. Илтимос, менга тушунтириб берчи, нимага у менга нисбатан шунчалик шафқатсизлик қилади? Авваллари Унинг энг азиз рафиқаси мен эканимни айтарди. У Ўзи айтган ана шу гапларини эслайдими? Лекин барибир хуш келибсан. Кел, яқин ўтир. Йўқ, мен сенинг Шйамасундаранинг олдига кетишингга рухсат бера олмайман. Агар у менга бефарқ қарайдиган бўлса, нимага мен Уни деб ақлдан озишим керак? Мен минг афсус билан сенга айтишим керакки, сен тошбағир одамдан менга элчи бўлиб келибсан. Сен мендан Унинг олдига боришимни илтимос қиляпсан, лекин мен Унинг олдига бормайман. Бу нимаси? Унинг Ўзи менинг олдимга келади, деяпсанми? Наҳотки У менинг Уни кўришга бўлган энг буюк орзуимни рўёбга чиқариш учун бу ёққа келмоқчи бўлса? Мен нияям дердим. Уни бу ерга олиб келишинг мумкин. Аммо У билан бирга Унинг севгилисини - равнақ фариштасини олиб келма. У Ўзининг равнақ фариштасидан бир дақиқага ҳам айрилла олмайди, деб ўйлайсанми? Наҳотки У бу ерга Лакшмисиз бир Ўзи ёлғиз кела олмайди? Унинг одатлари жуда оғир. Демак, Шйамасундара Лакшмисиз бахтли бўлолмайдими? Наҳотки У Ўзининг бошқа бирор хотини билан бахтли бўлолмаса? Нима, бу - равнақ фариштасининг Унга бўлган муҳаббати уммондай чексиз, бизларнинг бирортамиз муҳаббатда унга тенглаша олмаймиз, - деганими?"

Барибир Парвардигор Кришнанинг хотинлари ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйларга бутунлай ғарқ бўлиб юрардилар. Кришнани *йогешвара*, яъни "барча йогларнинг ҳукмдори" деб атайдилар, Кришнанинг Даракадаги хотинларининг барчаси ана шу йогешварани ҳамиша қалбларининг тўрида сақлар эдилар. Сеҳрли йоганинг барча қудратларига эга бўлишга интилишдан кўра Олий йогешварани, Кришнани

қалбингга жойлаб олган яхши. Шунда инсон ҳаёти баркамоллик даражасига етган бўлади, шунда у осонлик билан Худонинг даргоҳига кўтарила олади. Шуни яхши билиш лозимки, Кришна билан Дваракада яшаётган маликаларнинг барчаси ўзларининг аввалги ҳаётида буюк улугвор бхакталар бўлган, шунда улар Кришнага эр-хотинлардай яқин муносабатларда бўлиб хизмат қилишни истаганлар. Шунинг учун уларга Кришнанинг хотинлари бўлиш ва У билан ўзаро муҳаббат тўла ширин муносабатлардан мангу лаззатланиш имкони берилган. Охир-оқибатда уларнинг ҳаммаси Ваикунтҳа сайёраларига йўл олганлар.

Олий Мутлақ Ҳақиқат, Худо Шахси, ҳеч қачон шахсиятсиз эмас. Барча ведавий муқаддас китоблар Унинг Ўзини шахс сифатида намоён этган илоҳий кароматларини ва эрмакларини олқишлайди. Ведаларда, Рамаянада ҳам фақат Парвардигорнинг кароматлари ҳақида ҳикоя қилинган деб айтадилар. Ведалар адабиётининг ҳамма жойида Парвардигорнинг комил фазилатлари олқишланади. Аёллар сингари раҳмдил, қалби нозик зотлар Парвардигор Кришнанинг ана шундай илоҳий эрмаклари ҳақида тинглаган захоти, Парвардигор уларни Ўзига ром этиб қўяди. Шу боис кўплаган нозик қалбли аёллар ва қизлар осонлик билан Кришнани англаш Халқаро ҳаракатига қўшиладилар. Кришнани англаш Халқаро ҳаракатига қўшилиб, ана шундай онг билан қалбида Кришнага боғланиш туйғусини сақлай олган зотларнинг ҳаммаси шубҳасиз руҳий озодликка эришадилар ва Кришнанинг олдига, Голока Вриндаванага йўл оладилар. Агар қалбида Кришна онгини ривожлантириш шарофати билан инсон руҳий оламга кўтарила олишга эришадиган бўлса, Парвардигор Кришна билан бевосита ҳамсуҳбат бўлиб юрган, Унинг жамолини ҳар куни томоша қилиб юрган маликаларнинг қанчалик бахтиёр ва омадли эканини тасаввур қилиш мумкин. Парвардигор Кришнанинг Дваракадаги хотинлари ҳис қилаётган бахтни ҳеч ким охиригача таърифлашга қодир эмас. Уларнинг ўзлари Унга ғамхўрлик қилиб, ҳар хил илоҳий хизматлар қилиб, Уни ювинтириб, овқатлантириб, кўнглини овлаб юрардилар. Шундай қилиб, ҳеч кимнинг тавба-тазаррулари, риёзатлари Дваракалик маликаларнинг Парвардигорга кўрсатаётган хизмати билан тенглаша олмайди.

Шукадева Госвами Махараж Парикшитга айтдики, руҳий ўзликни англаб етиш учун Дваракадаги маликаларнинг тавба-тазарру ва риёзатларидан яхшироқ тавба-тазарру ва риёзат йўқ. Ўзликни англашдан мақсад - Кришна. Шунинг учун, гарчи маликаларнинг Кришна билан бўлган ўзаро муносабатлари худди оддий эр-хотин орасидаги муносабатларга ўхшаб кетса ҳам, бу ерда эътибор бериш лозим бўлган энг асосий нарса - маликаларнинг Кришнага бўлган қаттиқ боғланишидир. Барча тавба-тазаррулар ва

риёзатлардан мақсад дунёвий нарсаларга бўлган боғланишни тарк этиш ҳамда Худонинг Олий Шахси Кришнага бўлган боғланишни кучайтиришдан иборат. Кришна - рухий ўзлигини англаш йўлидан бораётган барча инсонларнинг охирги мақсади, нажот маконидир. Шунчаки калтафаҳм одамларга Парвардигор ҳеч қачон шахсиятсиз эмаслигини кўрсатиш учунгина намунали эр сифатида Кришна Ўз хотинлари билан бирга яшаб, ҳар хил ведавий маросимларни ўтказиб юрарди. Кришна ҳақиқатан ҳам шартланган рухларга агар Парвардигор, Кришна ҳаммининг диққат марказида бўлса, инсон ҳатто оилавий турмушда ҳам бахтиёр ҳаёт кечириши мумкинлигини кўрсатиш учун хотинлари ва фарзандлари даврасида худди шартланган рухлар сингари бой-бадавлат яшади. Масалан, Ўдавалар сулоласининг аъзолари Кришнанинг оиласида яшардилар, уларнинг бутун фаолиятининг диққат марказида Кришна турарди.

Таркидунёлик қилиб яшаш Кришнага боғланишни кучайтиришдан кадрлироқ эмас. Кришнани англаш Халқаро ҳаракати айнан ана шундай мақсадни олдига қўйган. Бизларнинг одамларга Худо ҳақидаги илмни ўргатишимиздан мақсад - уларнинг қалбида Кришнага бўлган боғланиш туйғусини кучайтиришдан иборат. Вайшнав *саннийаси* ёки *грихастха* бўлишининг аҳамияти йўқ. Инсон фақат қалбида Кришнага бўлган боғланишни кучайтирса бас, унинг ҳаёти комил даражага етиб муваффақият билан ниҳоясига етади. Парвардигор Шри Кришнанинг изидан бориб, инсон фақат ҳиссий лаззатларга берилиш учун эмас, балки фақат қалбида Кришнага бўлган боғланишни кучайтириш орқали Худони англаб этиш учун оила аъзолари билан бирга яшаши, жамиятда, ҳукумат ишларида ишлаши лозим. Инсонни шартланган ҳаёт поғонасидан рухий озодликка чиқишга ундайдиган кучнинг тўрт тури бор бўлиб, улар дхарма, артха, кама ва мокша деб аталади (такводорлик, моддий фаровонлик, роҳат-фароғат, озодлик). Оилавий турмуш кечириётган киши Парвардигор Кришнанинг оила аъзоларидан ўрнатқ олиб, ўз фаолиятининг марказига Кришнани қўйиш билан ҳаётда энг юксак муваффақият келтирадиган ана шу тўрт нарсага бир вақтнинг ўзида эриша олади. Бизга маълумки, Кришнанинг ўн олти минг бир юз саккиз хотини бўлган. Уларнинг ҳаммаси рухий озодликка эришган улуғвор зотлар эдилар, улар орасида энг асосийси Рукмини эди. Рукминидан кейин яна етти асосий малика туради, ана шу саккиз маликанинг ўғилларининг номларини аввал тилга олиб ўтган эдик. Ана саккиз маликанинг ўғилларидан ташқари Парвардигор Кришна бошқа маликаларнинг ҳар биридан ўнтадан ўғил кўрди. Шундай қилиб, ҳаммаси бўлиб Парвардигор Кришнанинг 161080 (бир юз олти миш бир минг саксон) ўғли бор эди. Кришнанинг шунча кўп ўғиллари бўлганидан ҳайратланмаса ҳам

бўлади. Ҳамиша шуни эсда тутиш лозимки, Кришна - Худонинг Олий Шахси, Унинг қудрати чексиз. У барча тирик мавжудотларни Ўз фарзандлари деб эълон қилиб қўйибди, ҳатто Унинг ўн олти миллион ўғли бўлса ҳам бунинг ҳеч қандай ажабланарли жойи бўлмасди.

Кришнанинг ғайритабиий қудратга эга бўлган ўғиллари ичида ўн саккиз ўғли *маха-ратха* эди. Маха-ратхалар бир ўзи кўп минглаган пиёда, жанг-аравасидаги, отлич ва филлардаги жангчилардан иборат қўшинга қарши жанг қила оладилар. Кришнанинг ана шу ўн саккиз ўғлининг шон-шухрати деярли барча ведавий муқаддас китобларда таърифланган. Парвардигор Кришнанинг *маха-ратха* бўлган ўн саккиз ўғли қуйидагилар эди: Прадйумна, Анируддха, Диптиман, Бхану, Самба, Мадху, Брихадбхану, Читрабхану, Врика, Аруна, Пушкара, Ведабаху, Шругадева, Сунандана, Читрабаху, Вирупа, Кави ва Нйагродха. Ана шу маха-ратхалар ичида Прадйумна асосийси ҳисобланади. Прадйумна малика Рукминининг тўнғич ўғли бўлиб, ўзининг буюк отаси Парвардигор Кришнанинг ҳамма сифатларини ўзига мерос қилиб олган эди. У она тарафдан тоғаси Рукмининг кизига уйланди, унинг ўғли Анируддха ана шу никоҳдан дунёга келди. Анируддха шу қадар қудратли эдики, битта ўзи ўн минг филга қарши кураша оларди. У бувиси Рукминининг акаси бўлган Рукмининг неварасига уйланди. Амаки оға-сингиллар унчалик яқин қариндош бўлмагани сабабли бундай никоҳларни қандайдир ғайритабиий деб ҳисобламаслик керак. Анируддханинг ўғли Ваджра эди. Браҳманларнинг қарғишига учраб, бутун Ўдавалар сулоласи қирилиб кетганида фақат Ваджра тирик қолган эди. Ваджранинг Пратибаху деган битта ўғли бўлди. Пратибахунинг ўғли Субаха бўлди, Субаханинг ўғли Шантасена, Шантасенадан эса Шатасена деган ўғил қолди.

Шуқадева Госвами айтадики, Ўдавалар хонадонининг барча аъзоларининг жуда кўп ўғиллари бўлган. Парвардигор Кришнанинг жуда кўп ўғиллари, неваралари ва чеваралари бўлгани сингари, юқорида санаб ўтилган Ўдаваларнинг ҳам уруғ-аймоғи жуда кўп эди. Улар серфарзанд бўлибгина қолмасдан ғайритабиий равишда бой-бадавлат яшардилар. Уларнинг ҳаммаси кучли, забардаст бўлиб узоқ умр кўрдилар, энг муҳими Ўдавалар сулоласининг ҳамма аъзолари браҳманлар маданиятини изчил қўллаб қувватлардилар. Шоҳ-қшатрийларнинг ҳаётдаги бурчи - жамиятда браҳманлар маданиятини қўллаб-қувватлаш ва муносиб браҳманларга ғамхўрлик қилишдан иборат. Ана шу шоҳларнинг ҳаммаси жамиятда ўз бурчини аъло даражада бажариб яшардилар. Ўдавалар хонадони шу қадар кўп сонли эдики, ҳатто минг йил умр кўрадиган киши ҳам уларни тўла таърифлай олиши амри маҳол эди. Шуқадева Госвами Махараж Парикшитга айтадики, ишонарли

мўътабар зотлардан эшитганига кўра, Йадавалар хонадонининг болаларига таълим бериш учун 38.800.000(ўттиз саккиз миллион саккиз юз минг) устоз, ачарйа керак эди. Агар уларнинг фарзандларини тарбиялаш учун шунча устоз керак бўлса, уларнинг бутун хонадони қанчалик катта, кўпсонли эканини тасаввур қилиш мумкин. Уларнинг кўшинига келсак, фақат шоҳ Уграсенанинг ўзида ўн квадрилон шахсий кўриқчи бўлган экан.

Парвардигор Кришнанинг бу коинотда намоён бўлишидан олдин иблислар билан фаришталар орасида кўп марта жанг бўлиб ўтган. Ана шу жангларда кўплаган иблислар ҳалок бўлганлар, уларнинг ҳаммаси мана шу сайёрадаги шоҳлар хонадонидида туғилиш имконига эга бўлганлар. Ўзларининг шоҳона мартабасидан гердайган ана шу иблислар ўз фуқароларини қийнашдан бошқа иш билан шуғулланмаганлар. Парвардигор Кришна Двапара-йуга охирида айнан шу иблиш-шоҳларнинг ҳаммасини яксон қилиш учун мана шу сайёрада намоён бўлди. "Бхагавад-гита"да айтилганидай, *паритранайа садхунам винашайа ча душкритам* - "Парвардигор бу дунёга бхакталарни химоя қилиш ҳамда имонсиз золимларни яксон қилиш учун келади". Парвардигор Кришнанинг илоҳий эрмакларидида ўзига яраша рол ўйнаш билан иштирок этиш учун баъзи фаришталарни ҳам шу сайёрада туғилишга таклиф қилдилар. Кришна бу дунёга Ўзининг мангу ҳамроҳлари билан биргаликда ташриф буюрди, Унга ёрдам бериш учун кўплаган фаришталар ҳам таклиф қилинган бўлиб, уларнинг ҳаммаси Йадавалар сулоласида дунёга келган эдилар. Йадавалар сулоласи мамлакатнинг турли жойларида яшардилар, уларнинг 101(юз бир) тармоғи(клани) бор эди. Ана шу кланнинг барча аъзолари Парвардигор Кришнанинг илоҳий мартабасига муносиб равишда хурмат-эҳтиром кўрсатар, уларнинг ҳаммаси бутун қалби билан Кришнага боғланган буюк бхакталар эди. Шунинг учун Йадавалар хонадонининг барча аъзолари ҳаётда жуда бой, бахтиёр яшаб, фаровон турмуш кечирардилар, уларнинг ҳаётида ҳеч қандай ташвиш-хавотирга ўрин йўқ эди. Парвардигор Кришнага нисбатан комил садоқати ва Унга бўлган чуқур имон-ишончи туфайли улар ҳеч қачон бошқа бирор шоҳлардан мағлубиятга учрамаганлар. Уларнинг Кришнага бўлган муҳаббати шу қадар кучли эдики, ҳар хил кундалик ишларни бажариб юрганларида - ўтирганида, ухлаганида, сайр қилганида, ўзаро суҳбатларида, ҳар хил эрмакларидида, чўмилганларида, уйларини тартибга солганида - ҳамшиша Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрар, танасининг эҳтиёжларига эътибор бермас эдилар. Парвардигор Кришнанинг соф бхактасининг аломатлари ана шундай бўлади. Худди одам қандайдир ўйга чуқур ғарқ бўлганида, қилаётган бошқа ишларини бутунлай унутиб юборгани сингари, Йадавалар сулоласининг аъзолари ҳам танасининг

эҳтиёжларини шунчаки жисмонан кондирардилар, аслида эса уларнинг бутун диққат-эътибори фақат Кришнада мужассам эди. Уларнинг тана фаолияти ўзидан-ўзи жисмоний сатҳда амалга ошар, қалблари эса ҳамшиша Кришна онгига ғарқ бўлган эди.

Шрила Шукладева Госвами "Шримад Бхагаватам"нинг ўнинчи кўшиқ тўққизинчи бобини Парвардигор Кришнанинг беш асосий комил фазилатини таърифлаш билан тамомлайди. Биринчи комил фазилат шундан иборатки, Парвардигор Кришна Йадавалар сулоласида пайдо бўлишидан аввал, Ганга дарёси бу оламда мавжуд бўлган ҳамма нарсадан пок зот сифатида машҳур эди; Ганганинг сувлари ҳатто нопок нарсаларни ҳам поклашга қодир эди. Ганга сувлари Парвардигор Вишнунинг оёқ бармоқларидан бошлангани сабабли ана шундай ғайритабиий поклаш кудратига эга. Лекин, Парвардигор Кришна, Олий Вишну Йадавалар сулоласига мансуб бўлган хонадонда дунёга келганида, Йадавалар салтанати бўйлаб Ўзи сайр қилиб юрганида, Унинг Йадавалар сулоласи аъзолари билан бевосита яқин муносабатда бўлиши шарофати билан бутун Йадавалар сулоласи шунчаки шон-шухрат қозониб қолмай, бунинг устига бошқаларни поклашда Ганга сувларидан ҳам кудратлироқ кучга эга бўлдилар.

Парвардигор Кришнанинг бу дунёда намоён бўлишининг яна бир комил фазилати шундаки, гарчи У бхакталарни химоя қилиб, иблисларни яксон қилаётгандай кўринса ҳам, аслида бхакталар ҳам, иблислар бир хил натижага эришганлар. Парвардигор Кришна инсонга руҳий озодликнинг беш турини совға қилади, улар орасида *сайўджйа-мукти*, яъни Парвардигорнинг борлиғига кўшилиб кетадиган озодлик турига Камса сингари иблислар эришган бўлса, гопилар Парвардигор билан бевосита ҳамсуҳбат бўлиш имкониятига эга бўлдилар. Парвардигор Кришна билан бирга бўлишдан лаззатланиш учун гопилар ўзларининг алоҳида руҳий табиатини, алоҳидалигини сақлаб қолганлар, Камса эса Парвардигорнинг шахсиятсиз *браҳмажйоти* кўринишига қабул қилинган эди. Бошқача қилиб айтганда, иблислар ҳам гопилар ҳам руҳий озодликка эришган эдилар, аммо иблислар Кришнага душманлик муносабатида, гопилар эса дўстона муносабатда бўлганлари учун, иблислар ўлдирилган, гопилар химоя қилинган эди.

Парвардигор Кришнанинг бу дунёга келишининг яна бир комил фазилати - Тангри Брахма, Индра, Чандра сингари буюк фаришталар сажда қиладиган раванқ фариштаси, гарчи Кришна гопиларни ундан афзалроқ кўрса ҳам, ҳамшиша Парвардигорга хизмат қилиш билан овора бўлиб юради. Раванқ фариштаси Лакшмижи Кришнага бўлган муҳаббатида бор кучи билан гопилар билан бир хил поғонага кўтарилишга уринишига қарамай, сира бунинг уддасидан чиқа ололмасди. Шунга қарамай, гарчи унга ҳатто Тангри

Брахмадай буюк фаришталар сажда қилсалар ҳам, одатда ҳеч қачон бир жойда туриб қолмайдиган, ҳаракатчан, ўзгарувчан табиатга эга бўлишига қарамай, равнақ фариштаси Кришнага нисбатан ҳамisha ўзгармас садоқатини намoён этарди.

Парвардигор Кришнанинг тўрттинчи комил фазилати Унинг номининг шон-шуҳратидир. Ведавий муқаддас китобларда айтилганки, агар инсон Парвардигор Вишнунинг ҳар хил номларини минг марта зикр қилса, бу унга Парвардигор Рамнинг номини уч марта зикр қилиш билан тенг руҳий манфаат келтиради. Инсон Парвардигор Кришнанинг муқаддас номини биргина марта тилга олиш билан ҳам худди шундай натижага эришади. Бошқача қилиб айтганда, Худонинг Олий Шахсининг "Вишну", "Рама" сингари барча номлари ичида "Кришна" муқаддас номи - энг қудратли ном ҳисобланади. Шу боис Ведавай муқаддас китобларда Парвардигор Кришнанинг муқаддас номларини зикр қилишнинг жуда муҳим экани алоҳида тавсия қилинган: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Парвардигор Чайтанья биз яшаётган ҳозирги даврда Кришнанинг муқаддас номларини зикр қилишни тавсия қилиб, одамлар учун руҳий озодликка эришиш йўлини бошқа даврларга қараганда жуда осон қилиб қўйган. Бошқача қилиб айтганда, гарчи Кришнанинг бошқа қиёфалари ҳам Худонинг Олий Шахси бўлса ҳам, Парвардигор Кришна Ўзининг намoён бўлган бошқа барча қиёфаларидан қудратлироқ ва мукамалроқ.

Парвардигор Кришнанинг намoён бўлишининг бешинчи комил фазилати шундаки, У Ўзининг "Бхагавад-гита"да айтган битта сўзи билан барча диний қонун-қоидалардан ҳам мукамалроқ қонунни ўрнатиб кетган: шунчаки ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топшириш билан инсон барча диний қонунларни бажарган бўлади. Ведавий муқаддас китобларда диний қоидаларнинг йигирма тури таърифланган, уларнинг ҳар бири алоҳида муқаддас китобда келтирилган. Аммо Парвардигор Кришна шартланган руҳларга шу қадар меҳрибонки, шахсан Ўзи бу дунёга келиб, ҳар бир одамдан барча диний урф-одатларни тарқ этиб, ўз ихтиёрини Унга топширишни илтимос қилди. Айтишларига қараганда, Кали-юга даврида одамлар ҳақиқий диний қонун-қоидаларнинг, урф-одатларнинг, диний имон-этикоднинг тўртдан уч қисмидан маҳрум бўлар эканлар. Бу даврда одамлар барча диний урф-одатларнинг атиги тўртдан бирига риоя қилишга қодир бўлар экан. Лекин шунга қарамай, Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан Кали-юганинг ана шу нуқсони мукамал йўл билан тўлдирилибгина қолмасдан, руҳий юксалиш жараёни шу қадар осон бўлиб қолдики, инсон шунчаки Худонинг муқаддас номларини мунтазам зикр қилиб юриш шарофати билан -

Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре - Парвардигор Кришнага илоҳий хизмат қилаётган бўлади ва барча диний қонун-қоидаларнинг олий мақсадига эриша олади, яъни умрининг охирида руҳий оламдаги энг юксак сайёра бўлган Голока Вриндаванга кўтарилади. Парвардигор Кришнанинг бу дунёда пайдо бўлиши бутун инсоният учун қанчалик чексиз бахт-саодат келтирганини тушуниб олиш қийин эмас, Шахсан Ўзи таширф буюриш билан бутун оламга қатта енгиллик олиб келиш Унинг учун қандайдир ғайритабиий иш эмас.

Шрила Шукадева Госвами Парвардигор Кришнанинг ғайритабиий улугвор ҳолатини таърифлашни Уни қуйидаги сўзлар билан олқишлаб тугатади: "Эй Парвардигор Кришна, Сенга шон-шарафлар бўлсин! Сен Параматма қиёфасида ҳар кимнинг қалбида мавжудсан. Шунинг учун Сени *Жананиваса*, яъни "ҳар кимнинг қалбида яшайдиган Зот" деб атайдилар. Бу ҳақиқат "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланган: *ишвараҳ сарва бхутанам хрид-деше ржуна тиштхати* - "Парвардигор Ўзининг Параматма кўринишида

ҳар кимнинг қалбида яшайди". Лекин буни Кришнанинг Ўзи Худонинг Олий Шахси сифатида алоҳида мавжуд эмас деб тушунмаслик керак. Майявади-файласуфлар Парабрахманнинг ҳамма жойга сингиб кетган кўринишини тан оладилар, аммо Парабрахман, яъни Парвардигор Ўзини бу оламда намoён этганида, улар "Парвардигор ҳам моддий табиат таъсирига берилди" деб ҳисоблайдилар. Парвардигор Кришна Девакининг ўғли бўлиб дунёга келгани сабабли, майявадилар Кришнани бу дунёда туғилган оддий инсон деб қабул қиладилар. Шунинг учун Шукадева Госвами уларни огоҳлантириб қўйяпти: *деваки-жанма-вада*, яъни "гарчи Кришна ҳозир Девакининг ўғли бўлса ҳам, аслида У - Олий Рух, ҳамма жойга сингиб кетган Худонинг Олий Шахси". Аммо бхакталар *деваки-жанма-вада* иборасини бошқача тушунадилар. Бхактилар Кришна аслида Йашоданинг ўғли эканини тушунадилар. Гарчи Кришна аввал Девакининг ўғлидай бўлиб туғилган бўлса ҳам, У Ўзини дарров она Йашоданинг ёнига олиб ўтди, Унинг болаликдаги эрмаклари Йашода она ва Нанда Махараж учун илоҳий лаззат манбаи эди. Нанда Махараж билан Курукшетрада учрашганида Васудеванинг ўзи буни тан олади, у "аслида Кришна билан Балорам - Йашода билан Нанда Махаражнинг ўғилларидир" деб айтади. Васудева билан Деваки уларнинг шунчаки расмий ота-оналари эди. Уларнинг ҳақиқий ота-онаси - Нанда билан Йашода. Шунинг учун Шукадева Госвами Парвардигор Кришнага *деваки-жанма-вада* деб мурожаат қилади.

Кейин Шукадева Госвами Парвардигорни *йаду-вара-паришат*, яъни "Йадаваларнинг мажлислар саройида хурмат-эҳтиромга сазовор

бўлган ва кўплаган иблисларни яксон қилган Зот" деб олқишлайди. Кришна, Худонинг Олий Шахси Ўзининг турли моддий қувватларини ишга солиб барча иблисларни яксон қилишга қодир, аммо уларга ҳам руҳий озодлик совға қилиш учун уларни шахсан Ўзи ўлдирмоқчи бўлди. Иблисларни ўлдириш учун Кришнанинг шахсан Ўзи бу дунёга келиб юришига ҳожат йўқ эди. У шунчаки озгина истак билдириб қўйса бас, минглаб иблислар ўзидан-ўзи яксон бўлган бўларди, Унинг Шахсан Ўзи бунинг учун бирор иш қилиб юришининг ҳожати йўқ. Аслида У бу дунёга Ўзининг соф бхакталари учун, Йашода онанинг, Нанда Махаражнинг тиззаларида чакалоқ бўлиб ўйнаш ҳамда Дварака аҳолисини қувонтириш учун ташриф буюрган эди. Иблисларни яксон қилиб, бхакталарни ҳимоя қилиб Парвардигор Кришна ҳақиқий дин қондаларини ўрнатиб кетди. Бу қонун - инсон қалбида Худога муҳаббат уйғотиш қонунидир. Ҳаётда ҳақиқий дин қонунига - Худога муҳаббат қонунига риоя қилиб яшаш билан ҳатто *стхира-чара* деб аталадиган тирик мавжудотлар ҳам моддий иллатлардан покланиб руҳий оламга эришадилар. *Стхира* ибораси "кўзгалмас дарахт ва ўсимликлар" деганни билдиради, *чара* ибораси эса, кўзгалувчан тирик мавжудотларни, айниқса сигирларни назарда тутди. Кришна ер юзида юрган пайтларда Уни кўрган ва Унинг учун Дварака ва Вриндаванда бирор хизмат қилган барча дарахтлар, маймунлар, барча ҳайвон ва ўсимликларни руҳий озодликка чиқарган.

Парвардигор Кришнани гопиларга ва Дваракалик маликаларга чуқур лаззат бергани учун олқишлайдилар. Шукадева Госвами Парвардигор Кришнанинг нафақат Вриндаванлик гопиларни, балки Дваракалик маликаларни ҳам ўзига мафтун этган чиройли табассумини олқишлайди. Бу ерда унинг ишлатган аниқ ибораси - *вардхайан камадевам*. Вриндаванда кўплаган гопиларнинг севгилиси бўлиб, Дваракада кўплаган маликаларнинг эри бўлиб, Кришна уларнинг қалбида Ўзи билан бирга бўлишдан лаззатланиш истагини кучайтирди. Худони, руҳий ўзлигини англаб етиш учун инсон одатда жуда кўп минг йиллар давомида қаттиқ риёзатларга ёки тавба-тазарруларга берилиб яшаш керак, фақат шундагина Худони англаб етиш мумкин. Аммо Вриндаванлик гопилар ҳамда Дваракалик маликалар шунчаки қалбида Кришна билан Унинг севгилиси ёки хотини сифатида бирга бўлишдан лаззатланиш истаги тобора кучайиб бораётгани шарофати билан руҳий озодликнинг энг баланд поғонасига кўтарилдилар.

Парвардигор Кришнанинг гопилар ёки маликалар билан бўлган ўзаро муносабатларини ўзликни англаш тарихидаги бошқа бирор восита, йўл билан тенглаштириб бўлмайди. Одатда одамлар "руҳий ўзликни англаб етиш учун ўрмон ёки тоғларга кетиб қаттиқ риёзатларга берилиб, тавба-тазарру қилиб яшаш керак" деб

ўйлайдилар. Аммо Гопилар ва маликалар ҳатто буюк донишмандлар ва авлиё зотлар эришиши қийин бўлган руҳий озодликка шунчаки қалбида Кришнага илоҳий муҳаббат билан боғланиш туйғусини кучайтириш орқали, У билан бирга, сиртдан қараганда бой-бадавлат эр-хотинларнинг ҳиссий лаззатга берилган ҳаётини эслатадиган ҳаёт билан лаззатланиб яшаш орқали эришдилар. Камса, Дантавакра, Шишупала ва бошқа иблислар ҳам энг буюк бахтга - руҳий оламга кўтарилиш бахтига муяссар бўлдилар.

"Шримад Бхагаватам"нинг бошида Шрила Вйасадева Олий Мутлақ Ҳақиқатга, Васудевага, Кришнага ҳурмат-эҳтиром билдиради. Кейин у ўзининг ўғли Шукадева Госвамига "Шримад Бхагаватам" илмини тарғибот қилишни ўргатади. Шунинг учун Шукадева Госвами Парвардигорни *Жайати* деб олқишлайди. Шрила Вйасадевадан ўрнатилган олиб Шукадева Госвами, парампарага мансуб бўлган барча ачарйалар, бутун олам аҳли Парвардигор Кришнани олқишлашлари лозим. Ўзининг, қариндошларининг, яқинларининг бахт-саодати учун ҳам ҳар бир фаросатли инсон Кришнани англаш Халқаро ҳаракати фаолиятига қўшилиши лозим. Бу йўл билан Худони англаш жараёни барчага тенгсиз саодат келтиради, бунинг устига жуда осон руҳий фаолият ҳисобланади. Инсон шунчаки Худонинг мана шу муқаддас номларини зикр қилиб юрса бас: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Шу боис Парвардигор Чайтанья бу дунёда одамларга ҳаётда дуч келадиган бахт ва мусибатларга эътибор бермасликни маслаҳат беради. Моддий ҳаёт ўткинчи, унда бахт ва мусибат ҳам, омад ва омадсизлик ҳам тез-тез ўрин алмашиб туради. Инсон уларга нисбатан худди дарахтлардай чидамли, йўлда ётган хасдай мискин, итоаткор ва камтарин бўлиши, лекин, албатта ўз ихтиёрини бутунлай Худога топшириб, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб яшаши лозим: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна, барча тирик мавжудотларнинг қалбидаги Олий Рух Ўзининг бесабаб марҳамати билан бу оламга ташриф буюради ва ҳар хил қиёфаларда Ўзининг илоҳий эрмакларини намоиш этади. Агар шартланган рух Парвардигор Кришнанинг турли қиёфаларда намоён этган, кишини ўзига мафтун этадиган илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тингласа, бу унга руҳий озодликка чиқиш имконини беради; Парвардигор Кришнанинг ғайритабиий, мафтункор илоҳий эрмаклари кишини ўзига тобора кўпроқ мафтун эта бошлайди, чунки Парвардигор Кришнанинг Ўзи - ҳаммани Ўзига жалб этувчи Зот.

Шрила Шукадева Госвамининг муқаддас изларидан бориб биз ҳам камтарин ҳолда ушбу китобни ҳозирги даврда яшаётган шартланган

рухларга тақдим этдик, токи улар ҳам унда ёзилган Парвардигор Кришнанинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикоялардан баҳраманд бўлсинлар. Парвардигор Кришнанинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш шарофати билан инсон бу дунёнинг барча моддий мусибатларидан албатта ва шубҳасиз халос бўлади ва ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтади. Шукадева Госвами айтадики, биз Парвардигорнинг илоҳий эрмак ва кароматлари ҳақидаги ҳикояларни мунтазам равишда кўпроқ тинглай боришимиз билан аста-секин моддий иллатлар тугунини еча бошлаймиз. Шунинг учун инсон ҳаётда ким бўлишидан қатъий назар, агар у ҳақиқатан ҳам чексиз лаззатга тўла мангу ҳаётга эришиш учун Худонинг илоҳий салтанатида Парвардигор Кришна билан бевосита, юзма-юз учрашишга интилаётган бўлса, у албатта мунтазам равишда Парвардигор Кришнанинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юриши ва мана шу маха-мантрани зикр қилиб юриши лозим: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре ҲареҲаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

Парвардигор Кришнанинг илоҳий эрмаклари шундай илоҳий қудратга эгаки, бу асарни шунчаки ўқиб, ундаги ҳикояларни эслаб ёки бошқалардан тинглаб юриш шарофати билан инсон, одатда эришиш жуда мушкул бўлган руҳий оламга албатта эриша олади. Парвардигор Кришнанинг эрмаклари ҳақидаги ҳикоялар шу қадар мафтункорки, инсон табиий равишда уни такрор ва такрор ўқиб ўргангиси келаверади. Биз Унинг эрмакларини қанчалик кўп ўргансак, қалбимизда Парвардигор Кришнага бўлган боғланиш туйғуси шунчалик кучаяверади. Ана шу боғланиш туйғуси инсонга Парвардигор Кришнанинг даргоҳига, Голока Вриндаванга кўтарилиш имконини беради. Аввалги боблардан билганимиздай, моддий олам уммонини кечиб ўтиш - моддий табиатнинг бешафқат қонунларини енгиш демакдир. Руҳий табиат ўзига маҳлиё этган кишинининг руҳий юксалиш йўлидан муваффақият билан боришига моддий табиатнинг шафқатсиз қонунлари тўсқинлик қилолмайди. Буни "Бахавад-гита"да Парвардигор Кришнанинг Шахсан Ўзи айтган: Гарчи моддий табиатнинг шафқатсиз қонунларини енгиш жуда мушкул бўлса ҳам, агар инсон ўз ихтиёрини Худога топширса, у бу ғофиллик уммонини осонлик билан енгиб ўтади. Руҳий оламда моддий табиатнинг шафқатсиз қонунлари ўз ҳукмини ўтказа олмайди. "Шримад Бхагаватам"нинг иккинчи кўшигидан биламизки, руҳий оламда моддий табиат ҳам, фаришталар ҳам ўз ҳукмини ўтказа олмайди.

Шунинг учун Шрила Шукадева Госвами "Шримад Бхагаватам"нинг иккинчи кўшигининг бошида Махараж Парикшитга айтадики, ҳар бир шартланган руҳ мунтазам равишда Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ҳақида тинглаб юри-

ши ва бошқаларга гапириб бериши лозим. Шрила Шукадева Госвами шоҳ Парикшитга айтадики, қадим замонларда жуда кўп шоҳ ва императорлар ўзларининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб кетиш мақсадида қалин ўрмонларга кетиб, қаттиқ риёзатлар чекиб тавбазарру қилиб яшаганлар. Ҳиндистонда ҳозиргача руҳий юксалишда юксак поғонага эришган кўплаган илоҳиётчи авлиё зотлар оилавий турмушни бутунлай тарк этадилар ва ёлғиз яшаб, ҳамиша Парвардигор Кришнанинг илоҳий эрмакларини тинглаш ҳамда бошқаларга такрорлаб гапириб бериш учун муқаддас замин Вриндаванга борадилар. Мана шу қоида "Шримад Бхагаватам"да ҳам тавсия қилинади, Вриндаванлик олти Госвами ҳам шу қоидага риоя қилиб яшаганлар. Аммо ҳозирги пайтда муқаддас Вриндаван замини Шукадева Госвами тавсия қилган ана шу қоидага шунчаки таклид қилиб юрган жуда кўп кармилар ҳамда ўзларини *бхакта* деб атаб юрган фирибгар қаллоблар билан тўлиб кетган. Қадимда жуда кўп шоҳлар шу мақсадда қалин ўрмонга йўл олганлар, аммо Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Тхакур Госвами Махараж ҳозирги даврда яшаётган содиқларга муддатидан олдин Вриндаванга бориб ёлғиз яшашга шошилмасликни маслаҳат беради.

Вақти келмай, шундай турмуш тарзи билан яшашга муносиб бўлмай туриб, Шукадева Госвамининг кўрсатмасига риоя қилиб яшаш учун Вриндаванга борган одам, ҳатто Вриндаванда яшаб юрган бўлса ҳам, барибир яна *майя*нинг тузоғига илиниб қолади. Ғофил, ақидапараст одамларнинг ҳали бунинг учун зарур бўлган руҳий фазилатларга эга бўлмай туриб муқаддас Вриндаванга бориб яшашларига чек қўйиш ниятида Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Тхакур ажойиб бир шеър ёзган. Унинг мазмуни шундай: "Эй азиз ақлим, нимага сен ваишнава эканингдан мағрурланасан? Сен одамлар орасида арзон обрў-эътиборга эга бўлиш учун хилват жойга бориб Парвардигорга ёлғиз сажда қиляпсан, ёлғиз ҳолда Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш билан шугулланыпсан, чунки сенинг зикринг ва саждаларинг қалбингдан чиқаётгани йўқ. Осонлик билан эришиладиган ана шундай обрў, шон-шуҳрат қозонишга бўлган интилишнинг чўчқанинг сассиқ ахлатидан фарқи йўқ, чунки бундай обрў-эътибор майянинг навбатдаги тузоғидан бошқа ҳеч нарса эмас". Ҳаётда қаерда бўлса ҳам ҳамиша Кришна онгига ғарқ бўлиб яшашни ўрганиш ўрнига калтафаҳм одамлар осон обрў-эътибор қозониш учун Вриндаванга бориб яшаш, у ерда ҳам дунёвий бахтнинг ўткинчи манбалари бўлган аёллар ва мол-дунё ҳақида ўйлаб юрадилар. Бундан кўра инсон ўзининг мол-дунёсини Худога садоқат билан хизмат қилишга ишлатгани, ўзига яқин бўлган аёлларни эса Худога садоқат билан хизмат қилишга жалб қилгани маъқул, чунки ҳақиқий

инсоннинг бу дунёдаги бурчи ҳиссий лаззатларга берилиш эмас.

Ҳиссиётнинг, сезгиларнинг эгаси - Хриши-кеша, Парвардигор Кришна. Шунинг учун фаросатли киши ўзининг барча сезги аъзоларини Кришнага садоқат билан хизмат қилиш йўлида ишлатиши лозим. Дунёвий шон-шухратга келсак, бу дунёдан Раван сингари моддий табиатнинг қонунларига қарши бош кўтарган жуда кўп имонсиз иблислар ўтган, аммо уларнинг бирортаси ҳақиқий шон-шухратга эриша олмаган. Шунинг учун, ҳақиқатан ҳам Худога садоқат билан хизмат қилмай туриб, фаросатли инсон худди иблисларга ўхшаб, шунчаки арзон обрў қозониш ниятида ўзини *вашинав* деб атамаслиги керак. Лекин, инсон ҳақиқатан ҳам ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишласа, у табиий равишда, ўздан-ўзи *вашинав* деган шон-шухратга эришади. Ғофил одамлар орасида Парвардигорнинг шон-шухратини тарғибот қилиб юрган фидойи бхакталарга ҳасад қилишнинг мутлақо ҳожати йўқ. Мен Вриндаванда яшаб юрган бабажиларнинг "одамларга Парвардигор Кришна ҳақидаги илми тарғибот қилишнинг ҳожати йўқ, яхшиси Вриндаванда, хилват жойда яшаб, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб яшаш керак" деган насихатларини кўп эшитганман. Ана шундай бабажилар билмайдиларки, агар инсон ўзининг ҳаётини Худо ҳақидаги илми бошқаларга ўргатишга ёки Парвардигор Кришнанинг шон-шухратини тарғибот қилишга бағишласа, халқ орасида "Худонинг хабарчиси" деган юксак обрў-эътибор табиий равишда унинг изида эргашиб юради. Шу боис ҳали вақти келмай туриб, Вриндаванга бориб ҳам ҳар хил гуноҳ ишларга берилиб юриш учун оила даврасидаги ҳалол, тақводор турмуш тарзини тарк этмаслик керак. Шрила Шукадева Госвамиининг уйни тарк этиб Парвардигор Кришнани излаб ўрмонга кетиш кераклиги ҳақидаги маслаҳати руҳий юксалишда ҳали баркамолликка эришмаган одамларга тегишли эмас. Махараж Парикшит руҳий жиҳатдан етук инсон эди. Ҳатто оилали ҳаёт кечираётиб ҳам, аниқроғи туғилганидан бошлаб у ҳамини Парвардигор Кришнанинг Илоҳига сиғиниб юрган, кейинроқ эса, оилали одам бўлишига қарамай бу дунёнинг ишларига умуман боғланмай яшаган. Шу боис браҳманнинг қарғишига учраб, тез орада ўлиши ҳақидаги хабарни эшитган заҳоти оилавий ҳаётни бутунлай тарк этиб, умрининг охиригача бошқа бхакталар билан биргаликда "Шримад Бхагаватам"ни тинглаш учун муқаддас Ганга соҳилига бориб ўтирди.

"Чексиз лаззат манбаи" китобининг "Парвардигор Кришнанинг эрмакларининг қисқача баёни" деб аталадиган саксон тўққизинчи бобига Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.
24.04.2005

Мундарижа

51. Кришнанинг жанг майдонини ташлаб кетиши
52. Кришнанинг Рукминини ўғирлаши
53. Кришнанинг ҳамма шахзодаларни мағлуб қилиб Рукминини Дваракага олиб кетиши
54. Кришна билан Рукмини фарзанд кўрадилар
55. Қимматбаҳо сеҳрли тош Сйамантака тарихи
56. Сатраджит ва Шатадханванинг ҳалокати
57. Кришнанинг беш маликага уйланиши
58. Иблис Бхаумасураи руҳий озодликка чиқариш
59. Кришна билан Рукминининг суҳбати
60. Кришна авлодининг шажараси
61. Уша ва Анируддханинг учрашуви
62. Парвардигор Кришнанинг Банасура билан жанг қилиши.
63. Шох Нриганинг қисмати
64. Парвардигор Балорамнинг Вриндаванга бориши
65. Паундрика ва Каши шоҳини озодликка чиқариш
66. Горилла Двивидани озодликка чиқариш
67. Самбанинг уйланиши
68. Буюк донишманд Нарада Мунининг Парвардигор Кришнанинг саройларида меҳмон бўлиши
69. Парвардигор Кришнанинг кундалик машғулоти
70. Парвардигор Кришна Индрапрастха шаҳрида
71. Шох Жарасандханинг озодликка чиқиши
72. Парвардигор Кришнанинг Хастинапурга қайтиб келиши
73. Шишупаланинг озодликка чиқиши
74. Дурёдхоннинг қаттиқ хафа бўлиши
75. Шалва билан Йадаваланнинг жанги
76. Шалванинг озодликка чиқиши
77. Дантавакра, Видуратха ва Ромахаршананинг ҳалокати
78. Балваланинг озодликка чиқиши ва Парвардигор Балорамнинг муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиши.
79. Парвардигор Кришнанинг браҳман Судама билан учрашиши
80. Парвардигор Кришнанинг браҳман Судамага марҳамат кўрсатиши
81. Парвардигор Кришнанинг Вриндаванликлар билан учрашиши
82. Драупадининг Кришнанинг маликалари билан учрашуви
83. Васудеванинг ўтказган қурбонлик маросимлари
84. Парвардигор Кришнанинг Васудевага руҳий насихатлар бериши ва Девакининг ўлган ўғилларини ҳаётга қайтариб бериши
85. Аржуннинг Субхадрани олиб қочиши. Парвардигор Кришнанинг Шругадева ва Бахулашваникига бориши
86. Ведалар тимсолининг Парвардигорга қилган илтижолари
87. Тангри Шивани кутқариш..
88. Парвардигор Кришнанинг чексиз қудрати
89. Парвардигор Кришнанинг эрмакларининг қисқача баёни